

БУХОРО ТАРИХИ МАСАЛАЛАРИ

(Энг кадимги замонлардан хозиргача)



**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

БУХОРО ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

ТАРИХ ВА МАДАНИЙ МЕРОС ФАКУЛЬТЕТИ

БУХОРО ТАРИХИ КАФЕДРАСИ

БУХОРО ТАРИХИ МАСАЛАЛАРИ

(энг қадимги замонлардан ҳозиргача)

мавзусидаги Республика илмий-амалий (онлайн) конференция

МАТЕРИАЛАРИ

Бухоро – 2021

Илмий-амалий анжуман Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги тасарруфидаги олий таълим ва илмий тадқиқот муассасалариджа 2021 йилда Вазирлар Маҳкамасининг 2021 йил 2 мартдаги 78-Ф-сонли фармойиши асосида Бухоро тарихи, манбашунослиги, тарихишунослиги, археологияси, этнографияси, нумизматикаси, шаҳарсозлиги, маданият ва санъати соҳаларида амалга оширилаётган энг янги илмий натижаларни илмий жамоатчиликка етказиш, фан ва таълимнинг узвий боғлиқлигини кучайтириш мақсадида Бухоро давлат университетида **2021 йил 26 июнь** куни **“БУХОРО ТАРИХИ МАСАЛАЛАРИ” (ЭНГ ҚАДИМГИ ЗАМОНЛАРДАН ҲОЗИРГИ ДАВРГАЧА)** мавзусидаги Республика миқёсида анъанавий илмий-амалий (*онлайн*) конференция белгиланган тадбирларни амалга ошириш мақсадида ўтказилди.

Масъул муҳаррир:

Х.Х.Тўраев, БухДУ профессори, тарих фанлари доктори

Таҳрир ҳайъати:

О.Х.Хамидов, Бухоро давлат университети ректори,
иқтисод фанлари доктори, профессор

О.С.Қаҳҳоров, Илмий ишлар ва инновациялар бўйича, проректор,
иқтисод фанлари доктори (DSc), доцент

Ж.Р.Жўраев, Тарих ва маданий мерос факультети декани

Ф.У.Темиров, Бухоро тарихи кафедраси мудир, тарих фанлари
бўйича фалсафа доктори (PhD)

М.Б.Қурбонова, тарих фанлари номзоди, доцент

Д.М.Жамолова, тарих фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD)

Тўплаб нашрга тайёрловчилар:

Темиров Ф.У., Бухоро тарихи кафедраси мудир

Очилов А.Т., Бухоро тарихи кафедраси ўқитувчиси, таянч докторант

Умаров Б.Б., Бухоро тарихи кафедраси ўқитувчиси

Илмий-амалий анжуман материалларида чоп этилаётган мақола ва тезислардаги матн, манба ва адабиётлар учун муаллифларнинг ўзлари масъулдир

“ҚАДИМИЙ ВА НАВҚИРОН БУХОРО - ИЛМ-ФАН ВА МАДАНИЯТ ЎЧОҒИ”

**Бухоро давлат университети ректори, иқтисод фанлари доктори,
профессор О.Х.Хамидовнинг “Бухоро тарихи масалалари» (энг
қадимги замонлардан ҳозиргача) Республика миқёсидаги илмий-
назарий анжуманидаги нутқи**

Ассалому алайкум, азиз меҳмонлар, хурматли ҳамкасблар ва талабалар!

Мен барчангизни Университетимизда кўриб турганимдан бағоят хурсандман ва ҳуш келибсиз, дейман.

Қадим ва навқирон Бухорои шариф Ўзбекистоннинг моддий ва маънавий маданият хазинасига улкан ҳисса қўшган азим шаҳар бўлиб, Шарқ ва Ғарб дунёсида машҳурдир. Бу шаҳарнинг ҳар бир гўшасида – бой тарихга эга миноралари, осори-атиқалари, муқаддас қадамжолари ва обидаларида олис ўтмишнинг акс-садоси бор. VIII асрда минтақага ислом дини кириб келиши ортидан Бухоро аста-секин энг муҳим диний марказга айланиб, ислом оламида шариф саналадиган тўртта шаҳардан бирига айланган. Бухорои шарифдан бутун жаҳон тан олган буюк олимлар, мутафаккир ва донишмандлар етишиб чиққан.

Ушбу замин Имом Бухорий, Ибн Сино, Наршахий каби буюк алломаларни дунёга танитди. Улар ёзган асарлар жаҳон маънавий мулкининг дурдоналарига айланди. Айниқса, Имом Бухорийнинг “Саҳиҳи Бухорий” тўплами ва Абу Али ибн Синонинг “Тиб қонунлари” китоби жаҳон илми жавоҳирлари, деб эътироф этилди. Бухоро худудида улкан тарихий аҳамиятга эга муқаддас қадамжолар, масжиду мақбаралар, миноралар ва мадрасалар жойлашган. Ислом таълими тизимида университет мақомида бўлган низомия мадрасалари, яъни олий мадрасалар айнан Бухорода фаолият юритган. Уларнинг энг машҳурлари Абу Ҳафс Кабир, Фаржак, Мир Араб, Мирзо Улуғбек, Кўкалдош мадрасаларидир.

Бухоро азалдан йири ҳунармандчилик маркази бўлиб, хаттотлик, миниатюра, кулоллик, заргарлик, меъморлик, гиламдўзлик, мисгарлик, ёғоч ўймакорлиги соҳаларида усталар ва ҳунармандлар ҳамиша пешқадам бўлганлар.

Бухоро аҳли қадим замонлардан бағрикенглик намунаси бўлган. Қадимда мутаассиблар томонидан қувғин остига олинган насоролар ва яҳудийлар айнан Бухоро заминида паноҳ топганлар. Буюк Ипак йўлида жойлашган ушбу шаҳарда кўплаб миллат вакиллари истиқомат қилганлар ва доимо аҳил бўлганлар. XV асрда Бухоро саррофлари 20 дан ортик давлатнинг пулларини алмашиб бериш билан шуғулланганлар.

Бухородаги етти пир — Абдуҳолиқ Гиждувоний, Муҳаммад Ориф Ревгарий, Маҳмуд Анжир Фағнавий, Хожа Али Ромитаний, Муҳаммад

Бобойи Самосий, Саййид Амир Кулол ва Баҳоуддин Нақшбанд меъморий мажмуалари нафақат юртдошларимиз, балки бутун дунё мусулмонлари учун табаррук масканлар ҳисобланади. Манбаларда етти пири комил пайғамбаримиз Муҳаммад саллаллоҳу алайҳи вассалламдан бошланган “олтин силсила”нинг давомчилари сифатида эътироф этилган. Улар кўнгилини нафсу ҳирсдан поклаш, ҳалол меҳнат қилиб умр кечириш, Аллоҳни жон-дилдан севиш ғояларини тарғиб қилган. Ушбу азиз-авлиёларнинг асарлари, қилган ишлари замонлар оша одамларни тарбиялаб, уларга дину диёнат, одоб-ахлоқ, эзгу сўз ва амалдан сабоқ бериб келмоқда.

Бухорои шариф ўзбек миллий давлатчилиги тарҳида муҳим босқич ҳисобланган, Сомонийлар, Шайбонийлар, Аштархонийлар ва Манғитлар амирлари ҳукмронлиги даврида, Бухоро Халқ Совет Республикаси (БХСР) ҳукумати йилларида пойтахт шаҳар сифатида муҳим иқтисодий, маданий-маърифий, савдо ва хунармандчилик ҳамда сиёсий марказ, совет йилларида Бухоро вилояти республика иқтисодиётининг барча соҳаларида етакчи тармоқ бўлиб келган.

Бухоро тарихининг қадимги давридан ҳозирги кунгача бўлган тарихи нафақат Ўзбекистон, балки дунё илмий жамоатчилигини доимий қизиқтириб келган ва тарихшунос, файласуф, сиёсатшунос, руҳшунос, адабиётшунос олимлар томонидан қатор илмий тадқиқотлар амалга оширилган. Аммо ҳали ҳам Бухоро тарихининг очилмаган саҳифалари талайгина бўлиб, шаҳарнинг вужудга келиши, араблар истилосидан кейинги даврларда “Исломи динининг гумбази” деб эътироф этилган бу азиз юртда тасаввуф илмининг тараққий этиши, миллий давлатчилик асосчиларидан Сомонийлардан токи Манғитлар давригача бўлган тарихини холисона тадқиқ қилиш олимлар ва ёш тадқиқотчилар олдида турган муҳим вазифалардан биридир.

Бугунги илмий анжуманда Бухоронинг бой тарихи билан боғлиқ янги маълумотлар тақдим этиши, шубҳасиз. Ушбу илмий-назарий анжуман жонажон университетимизнинг илмий салоҳиятини кўтаришда, келажак авлод учун илмий муҳитни кенгайтиришда ва уни илм нури билан тўлдиришга албатта хизмат қилади, деган умиддаман.

1-ШЎЪБА. БУХОРО АРХЕОЛОГИЯСИ, ЭТНОГРАФИЯСИ, НУМИЗМАТИКАСИ ВА ТОПОНИМИКАСИ

БУХОРО ТАОМ-ЕГУЛИКЛАРИНИ ЗАБТ ЭТГАН ЗИРАВОРЛАР

*Қурбонова М.Б.- БухДУ доценти, тарих
фанлари номзоди
Норова Дилдова –Тарих фани ўқитувчиси*

Бухоро воҳаси халқлари ошхонасини доривор ва зираворларсиз тасаввур қилиб бўлмайди. Доривор ва зираворлардан фойдаланиш узок тарихга эга. Кишилар ибтидоий замонлардаёқ касал ёки ярадор ҳайвонлар баъзи ўтларни еб соғайиб кетишига эътибор берганлар. Даврлар ўтиши билан табиат яратиб қўйган доривор ўсимликларнинг аҳамияти ошиб бораверган. Милоддан анча олдин қадимги Миср, Ҳиндистон, Хитойда доривор ўсимликлардан фойдаланиш усуллари ёзилган қўлланмалар пайдо бўлган.

Буюк ипак йўллариининг у ён-бу ёнини жиддий кезиб юрган савдо карвонлари Хитой, Ҳиндистон ва бошқа узок мамлакатлардан бойлик, ноз-неъматлар, фаровонликни етаклаб келиш баробарида доривор ва зираворларни ҳам олиб келганлар. Бир шаҳардан иккинчи шаҳарга юкларни транспортда ташиш натижасида Тошкент, Самарқанд, Бухоро бозорларида бир ҳовуч зираворнинг нархи ҳаддан ташқари ошган. Бундай харидни қилиш учун ҳамманинг ҳам қурби етмаган ва имконияти бўлмаган. Шунинг учун ҳам ҳозирга қадар, шарқона доривор ва хуштаъмликни харид қилишда Шарқнинг ажиб сири ва ўзига хос жумбоғи мавжудлигини тушунасиз. Бухоро воҳаси ҳудудидаги қайси бир бозорга кирмасангиз, у ерда албатта, доривор-зираворлар билан савдо қилувчи ва унинг мўъжазгина дўконига дуч келасиз. Дориворфуруш шарқ ошхонасида хуштаъмлиликни яратадиган ўз молини улуғлаб, кўкларга кўтариб сотишда устаси фаранг савдогар. Унинг дўқонида идиш, халтача, қутичаларга солинган турли-туман зира, кардамон, ҳил, заъфар, кашнич, кунжут, долчин, мурч, қора зира, қизил ва қора қалампир, қуритилган помидор, ширин қалампир, наъматак, туршак, седана, бодиён каби зиравор-дориворлар лик тўла.

Анъанавий турмуш маданиятининг таркибий қисмларидан бири бўлган таом тайёрлаш ва уни истеъмол қилиш маданияти маънавий ҳаётнинг кўзгуси ҳисобланади. Чунки, озиқ-овқат ва турли хил неъматлардан тайёрланган таом, емаклик ва ичимликлар инсон танасининг ривожини, сиҳат-саломатлигини ва куч-қувватини асосий манбаи бўлиб, унинг ҳам жисмоний, ҳам маънавий камолотида муҳим аҳамият касб этади.

Асрлар давомида Бухоро воҳаси аҳолисининг маиший ҳаётида турли хил масалликлардан тайёрланадиган хилма-хил таомларнинг ўзига хос бой дастурхони ва овқатланиш маданияти вужудга келган. Овқатланиш

маданияти инсоният жамиятининг эволюцияси билан боғлиқ. Одамнинг энг оддий ўсимлик овқатидан, то илмий асосланган турли хилдаги бугунги кунда егуликлари неча-неча минг йиллар билан ўлчанадиган давр давомида яратилган.

Бухоро воҳасида нафақат таомлар, балки, турли хил егуликлар шифобахш зираворлар ва дориворларсиз тайёрланмаган. Фанда аниқланишича, 250 хил миллий таомларга зира солинган, яъни, нафақат гўшти, сутли, балки ёвғон таомларига ҳам зира ишлатилган. Форс тилидан зира -“зейра”, яъни “зер кардан даркор” маъносини англатади. Ўзбек тилида “зер кардан даркор”- забт этиш, ғалаба қилиш демакдир. Хулоса шуки, зира солинган таом ва егуликлар ушбу доривор ёрдамида забт этилган. Воҳада турли хил гўштар хушбўй ва мазали сақланиши учун доимо зираланган. Зира таркибида 3% ча эфир мойи бўлиб, ушбу мойда ўсувчанлик хусусияти мавжудлиги учун таом қайнаётган жараёнда солинмайди.

Зиранинг қора, яшил, сарик, жигарранг, оқ ва кулранг навлари бор. Барча навлар таркибида бир неча моддага эга бўлган ёғ бор. Қора зира-соябондошлар оиласига мансуб икки йиллик ўт ўсимлик. Ўсимликнинг илдизга яқин барги узун бандли бўлиб, ундан юқоридагилар эса калта банди билан поячада ўрнашган. Барги туксиз, ҳар хил шаклли, улар 6-8 жуфт сегментлардан ташкил топган, икки-уч бўлакли ёки бутун бўлиши мумкин. Гуллари 1-2 та ўрама баргчага эга, ранги оқ ёки пушти, улар мураккаб соябонга тўпланган бўлиб, 20 та гулдан иборат. Гултожи барглари 1,6-2 мм. катталиқда, уруғи тухумсимон, ўткир қиррали қўшалок писта узунлиги 3 мм. келади. Қора зира июнда гуллаб июлда пишади¹.

Меда учун унинг манфаати бор
Қуруқликда ўрин учинчи миқдор
Ундан яна пуштнинг кучи ўсади
Ҳайдаш хислати бор, яна кесади
Ундан икки дирҳам ичиш кифоя
Йирингли яралар топар ниҳоя².

Зирани бутун дунё халқлари дори сифатида овқатга солиб ейдилар. Зира ичдан ва ташқаридан таъсир қилувчи кучга эга. У бод ҳайдайди, совуқликни қувади, меъда ва жигарга куч беради, иштаҳани очади. Ҳикичоқ касалининг олдини олади, белга қувват беради. Она сутини кўпайтиради, бадбўй ҳидни бартараф қилади, баданни қиздиради, овқатни тез ҳазм бўлишига кўмаклашади, қоринни дам бўлишини йўқотади³.

Қора зира мойи вужуддаги зарарли микробларга қирон келтиради. Овқат ҳазм қилишни осонлаштиради, иштаҳага барака беради, балки меъда

¹ Набиев М. Сабзавот резавор мевалар ва зираворлар хосияти.-Т.: “Меҳнат”, 1990. -Б.131-132.

² Гафурова С., Худойназарова Г., Адизова Х. Яшил олам дунё устун. Ўқув-услубий кўлланма. Бухоро.: 2017, -Б.160.

³ Ўсимлик ва инсон саломатлиги.Т.: “Меҳнат” 1991. 74-75-бетлар.

атрофидаги нохуш оғриқларни, силлиқ мушаклар спазмасидан холи қилади, балғам ажралишига ёрдам беради¹.

Сариқ зира таркибида ҳам инсон саломатлиги учун бир қатор фойдали моддалар мавжуд. Унинг уруғларида 2,75-3,1 баргларида 12% эфир мойи бор.

Маълумки, ўзбеклар сариқ зирадан зиравор сифатида кенг кўламда фойдаланадилар. Сариқ зира бир қатор таомларни хушхўр таъмли қилиш билан бирга шифобахш ҳам. Абу Али Ибн Сино сариқ зирадан буйрак-тош касаллигида тош туширувчи, сафро ва ел ҳайдовчи дори сифатида нафас, сийдик йўллари ҳамда кўз касалликларини даволашда фойдаланган².

Воҳада тайёрланган ҳамма хил паловлар дориворларсиз, яъни зира, гармдори, ҳел³ сингарилар солинган. Хусусан, “оши хоссаги” паловини тайёрлашда худди шу дориворлардан фойдаланилган. Воҳа аҳолиси ҳаётида гўштли таомлар алоҳида ўрин тутган. Улар гўштли таомларни мазали ва хушхўр қилиб истеъмол қилиш усулларида хабардор бўлганлар. “Қовурдоқ” тансиқ таомини тайёрлаш учун гўшт қуйруқ ёғида фақат зираворлар ёрдамида қовурилган. От гўштидан тайёрланган дориворли⁴ қазидан “қазили палов” пиширилган. Турли хил шўрвалар ҳам зираворли қилиб пиширилган. Хусусан, шўрвага кашнич мевалари кўкати зиравор сифатида ишлатилган.

Нафақат шўрвалар, бошқа таомлар учун ҳам кашнич уруғи зира ўрнида ишлатилган⁵. Кашнич мевалари баъзи таомларни хушхўр қилишда, кўкатлари эса ошқўк сифатида кенг ишлатилади. Хусусан, кашнич кўкати баҳорда тайёрланган кўкатли сомса ва чучваралар таркибига солинган.

Нон ва кулчалар юзига шифобахш зираворларнинг сепилиши билан бухоролик нонвойлар кунжутли, седанали, бодиёнли, зафарли, кўкнор нонларни яратганлар⁶. Ёши кекса отахонлар “Бухоро амири томонидан нонвойларнинг седанасиз нон пишириб сотиши қатъий ман этилган эди”-деб эслашади⁷.

Седана қадимий гиёҳшунослик китобларида “шуниз” ёки “камунни ҳиндий” номи билан юритилган. “Камун” – бу зира бўлиб, бундай деб аталишига сабаб седана шакли ва баъзи муштарак хосиятлари зирага

¹ Турова А.Д. Лекарственные растения СССР и их применение. –М.: «Медицина», 1974.-С.22

² Шифобахш неъматлар.-Т. : “Меҳнат”,1990.-Б.74.

³ Ҳел-хушбўй ширач ўсимлиги-egemures маҳаллий бухорча номи. Никитин В.В. иллюстрированный определитель растений окрестностей Ашхабада. -М.Л. 1965.-С.78-79.

⁴ Қурбонова М.Б. Бухоро воҳаси ўзбек ва тожикларининг анъанавий таомлари (XIX аср охири- XX аср боши). тар.фан.ном. дисс.... –Т.: 1994. -Б.67.

⁵ Акрамов А.Р.Основные пряомароматические растения Бухарского оазиса.//Культурные и дикорастущие растения Бухарского оазиса. Сборник научных трудов. – Т.: 1987. -С.8-9.

⁶ Қурбонова М.Б. Бухоро воҳаси ўзбек ва тожикларининг анъанавий таомлари (XIX аср охири- XX аср боши). тар.фан.ном. дисс.... –Т.: 1994. -Б.31.

⁷ Дала маълумотлари.Бухоро шаҳри, 1995 й.

ўхшашлигидир. Седана доналарида махсус ёғ бўлиб, унинг таркибида И,О,В,Д витаминлари бор. Седана сутни кўпайтиради, захарни кесади, тутунидан ҳашаротлар қочади, ундан йўтални қолдришда, сариқ касалида, қайт қилишни даволашда фойдаланилади¹. Седана ҳақида Абу Али Ибн Сино “Тиб қонунлари” асарида қуйидагиларни ёзган: “Седана-илоҳий гиёҳдир. Унга дуо кетган. Седана нафақат ҳисобсиз хасталикларга шифо, инчунин, у ўликка қайта жон ато этиб, ҳали совимаган мурдани тирилтириши мумкин. Седананинг асосан уруғлари ишлатилади, улар шаклан понасимон, қоп-қора қиррали бўлади”².

Воҳада ширинлик ва ичимликлар таркибига ҳам зиравор ва дориворлардан унумли фойдаланиш халқнинг нафақат пазандачилик тажрибасидан, балки, унинг юксак маданиятидан гувоҳлик беради. Халқ дастурхонидан кенг ўрин жой олган “дориворли парварда”, “қандли гулоб”, “чибод” ичимликлари, “қанд чой”, турли хил шарбатлар ва мурабболарнинг яратилиши шифобахш доривор ва зираворларнинг ўз ўрнида ишлатилишининг натижасидир.

Овқатланиш маданияти, таом истеъмоли инсоният жамиятининг эволюцияси билан боғлиқ. Одамнинг энг оддий ўсимлик овқатидан, то илмий асосланган турли-туман бўлган ҳозирги овқатигача неча-неча минг йиллар билан ўлчанадиган давр ўтган. Бироқ, доривор ўсимликлардан фойдаланиш ханузгача давом этмоқда. Бугунги кунда табиат яратиб қўйган доривор ўсимликларнинг аҳамияти ошиб бормоқда. Ҳозирги пайтда дунё бўйича илмий медицина ва халқ табобатида жами 12000 дан ортиқ ўсимлик туридан фойдаланилмоқда. Бу саъй-ҳаракатларнинг барчаси инсон саломатлигига бағишланган.

Бухоро воҳаси аҳолисининг зиравор ва дориворлардан унумли фойдаланиб яратилган баракали дастурхони илмий таҳлили маънавий ҳаётимизнинг илдизларини, халқ маданиятининг юксак поғонасини ўрганишга имкон яратади.

Воҳа халқларининг турли-туман таомлари ва уларни тановвул қилиш маданияти аждодларимиз яратган маданий мерос бўлиб, у маълум этноснинг ижтимоий, иқтисодий ва маданий ҳаёти билан чамбарчас боғлиқ ва унинг маънавий камолоти даражасини ўзида акс эттиради.

АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ

1. Boltayev, Bobir Baxtiyorovich. "BUXOROLIK MINIATURACHIRASSOM SADRIDDIN POCHCHAYEV IJODIGA BIR NAZAR." *Scientific progress* 1.6 (2021): 998-1004.
2. Rajabov, Oybek Iskandarovich. "BUXORODAGI AYRIM MUQADDAS QADAMJO-QAL'ALAR XUSUSIDA." *Scientific progress* 1.6 (2021): 1162-1168.

¹ Ўсимлик ва инсон саломатлиги.-Т.: “Меҳнат”,1991.-Б.73.

² Умаров К.,Рахматов И. Шифобахш седана. / “Маърифат нури”. Бухоро. 2002 йил, 26 май, 8-бет

3. Умаров, Б. Б. "НА КИСЛЯКОВ ТАДҚИҚОТЛАРИДА ЖАНУБИЙ ТОЖИКИСТОН ЭТНИК ТАРИХИ." *Scientific progress* 1.6 (2021): 1005-1009.

4. Тўраева, Г. Б., Ўтаева, Ф. Х., & Жумаева, Н. А. (2021). ОА СУХАРЕВА ТАДҚИҚОТЛАРИДА БУХОРО ТАРИХИ ВА ЭТНОГРАФИЯСИНИНГ ЎРГАНИЛИШИ. *Scientific progress*, 1(6), 1010-1018.

5. Bakhtiyorovich, Boltaev Bobir. "Excerpts from the life of the bukharian artist." *Middle European Scientific Bulletin* 12 (2021): 160-165.

6. Ochilov, A. T. "DATING OF THE ZAMANBABA CULTURE: ASSED ON ARCHAEOLOGICAL SOURCES." *Theoretical & Applied Science* 12 (2019): 589-591.

7. Mubinov, M. A. "Diplomacy of the eastern states and central asian khanates in the struggle for independence." *CENTRAL ASIAN JOURNAL OF SOCIAL SCIENCES AND HISTORY* 2.5 (2021): 26-31.

8. Maksud, Beshimov. "Markets of Bukhara." *CENTRAL ASIAN JOURNAL OF SOCIAL SCIENCES AND HISTORY* 2.5 (2021): 18-21.

9. Sharopov, Dilshod Ravshan O'G'Li. "ABDURAZZOQ SAMARQANDIYNING "MATLAI SA'DAYN VA MAJMAI VAHRAYN" ASARINING O'RGANILISH TARIXI." *Scientific progress* 2.1 (2021): 358-361.

10. Очиллов, Алишер Тўлис Ўғли. "БУХОРО ВОҲАСИ ШАКЛЛАНИШИДА ЗАРАФШОН ДАРЁСИНИНГ ЎРНИ ВА ВОҲА ТАРИХИЙ ГЕОГРАФИЯСИГА ДОИР АЙРИМ МУЛОҲАЗАЛАР." *Scientific progress* 1.6 (2021): 933-938 Murodova, Dilrabo Shomurodovna, and Feruza Xolmamatovna O'tayeva. "TF Gelax tadqiqotlarida Buxoro shahri mudofaa tizimining organilishi." *The Fifth International Conference on History and Political Sciences*. 2015.

11. Turaevich, Halimov Talat. "From the history of economic relations between central asia and india (XV-XVII centuries)." *CENTRAL ASIAN JOURNAL OF SOCIAL SCIENCES AND HISTORY* 2.5 (2021): 22-25.

12. OCHILOV, Alisher. "JEWELRYC TRADITION IS A SOURCE OF STUDY OF BUKHARA HISTORY." *Bayterek Uluslararası Akademik Araştırmalar Dergisi* 1.1: 105-116.

13. Бобожонова, Феруза Хаятовна. "БУХОРО МАДРАСАЛАРИ МАЪНАВИЯТ ДУРДОНАСИ." *Scientific progress* 2.1 (2021): 362-366.

14. Муродова, Дилрабо Шомуродовна. "ИККИНЧИ ЖАҲОН УРУШИ ЙИЛЛАРИДА БУХОРОДА ИЛМ ВА ФАН (БУХОРО ПЕДАГОГИКА ИНСТИТУТИ МИСОЛИДА)." *Scientific progress* 2.1 (2021): 660-664.

15. Ochilov Alisher. "The Role of Zamanbaba Culture in The Social and Economic History of Bukhara Oasis During Bronze Age." *CENTRAL*

ASIAN JOURNAL OF SOCIAL SCIENCES AND HISTORY 2.4 (2021): 42-47.

16. JAMOLOVA, DILNOZA MUYIDDINOVNA. "THE END OF THE EMIRATE OF BUKHARA: THE END OF THE POLITICAL STRUGGLE BETWEEN THE JADIDS AND THE ULEMA." *International Journal of Philosophical Studies and Social Sciences* 1.1 (2021).

17. Jamolova, D. M. "Traveling to Modernity: Perception of Modernity of the Central Asian Muslims in the early 20th century." *International Journal of Psychosocial Rehabilitation* 9.24 (2020): 4202-4207.

18. Темиров Ф., Исломов Д. САДРИДДИН АЙНИЙ–ЗАМОНДОШИ ФИТРАТ ҲАҚИДА //Scientific progress. – 2021. – Т. 2. – №. 1. – С. 1349-1354.

19. Темиров Ф., Халикова Н. БУХОРО АМИРЛИГИДА ТАШҚИ СИЁСАТ ВА ДИПЛОМАТИЯНИНГ РИВОЖЛАНИШИ ТАРИХИДАН //Scientific progress. – 2021. – Т. 2. – №. 1. – С. 1276-1282.

20. Темиров Ф., Умаров Б. БУХОРО АМИРЛИКДА ОИЛА, НИКОҲ ВА МЕРОС ҲУҚУҚИНИНГ АМАЛДА ҚЎЛЛАНИШИ //Scientific progress. – 2021. – Т. 2. – №. 1. – С. 1201-1207.

XX АСРНИНГ 30-40 ЙИЛЛАРИДА БУХОРО ВОҲАСИДА ОЛИБ БОРИЛГАН АРХЕОЛОГИК ТАДҚИҚОТЛАР ТАРИХИ

*Очилов Алишер Тўлис ўғли –
Бухоро давлат университети таянч докторанти,
Бухоро тарихи кафедраси ўқитувчиси*

Ўзбекистон маданияти антик даврлардан бошлаб юксак даражага кўтарилганлиги сабабли,¹ XX асрнинг 30-40 йилларида Марказий қасаба уюшмаси, СССР Фанлар академияси, Моддий маданият тарихи институти (собиқ ГАИМК), Шарқ маданиятлари музейи, Давлат Эрмитаж музейи каби ташкилотларнинг Ўзбекистон моддий маданиятини ўрганишда бевосита иштироки ва ташкилотчилик ёрдами тобора кучайиб борди.²

XX асрнинг 30-40 йилларида Бухоро воҳаси худудида антик ва ўрта асрлар даврини ўрганиш учун турли хил ёдгорликларни ўз ичига олган соф археологик қазилар ишлари ривожлана бошланди.

Бухоро воҳасидаги биринчи жиддий археологик ишлар, А.Ю.Якубовский раҳбарлигида Россиянинг Эрмитаж музейи ва Узкомстарис ташкилотлари томонидан 1934 йилда амалга оширилди.

¹Муҳаммаджонов А. Археология // Ўзбекистон миллий энциклопедияси. Тошкент, 2000. 434-435 бетлар.

²Массон М. Е. Археологические исследования в Узбекистане. Наука в Узбекистане за 15 лет (1924-1939). Ташкент, 1939. С. 110-120.

Россия (Санкт-Петербург)лик олим А.Ю.Якубовский Бухорода археологик экспедиция уюштириб, воҳанинг шимолий-шарқий қисмларида жойлашган мудофаа истехкомларини текширган. Экспедиция Бухородан Самарқандгача борадиган карвон йўли буйлаб юришни мўлжаллаган эди. Фаолияти давомида Бухоро воҳасининг шимоли - шарқий қисми чеккалари текширилди. Қизилтепа, Шохшохидон, Абумуслим, Бўрихона, Ганчхона, Ҳазора ва Денгак сингари Кампирдевол бўйлаб бунёд қилинган ёдгорликлар ўрганилди. Қизилтепа ҳудудида илк маротаба қишлоқ маконларини тафтиш қиладилар. Бу ҳудудда жойлашган кўхна шаҳар, қалъа, кўрғон, карвонсаройлар ўрни - Ганчтепа, Элмирзаттепа, Абу Муслимтепа, Шаҳри Вайрон, Қизилтепа, Оқсочтепа, Лавандоқтепа каби ёдгорликлар мисолида ўрганадилар.¹ Уларнинг режаси, қурилиш тартиби аниқланиб, қоғозга туширилди, олиб борган тадқиқотларнинг ҳисоботи эса 1940 йилда чоп этилган.²

А.Ю.Якубовский экспедицияси тўғрисидаги ҳисоботида Кампирдевол билан боғлиқ муҳим тарихий муаммоларга ҳам тўхталган. Жумладан, воҳадаги ўтроқ халқ билан дашт ва чўл минтақасида кўчманчи чорвачилик билан шуғулланувчи аҳоли ўртасидаги муносабатлар масаласига ҳам тўхталган эди. Якубовский текширган бу ёдгорликлар анча юзаки кўздан кечириб чиқиш тартибида, бирор археологик қазиларсиз амалга оширилган. Экспедиция ишидаги ютуқлардан бири Ҳазора яқинидаги археологик ёдгорлик Деггарон³ масжидини аниқлаб, уни Самоний мақбарасидан ёш эмас, деган хулосалар берилди⁴. А.Ю.Якубовский олиб борган тадқиқотларнинг ҳисоботини 1940 йилда чоп этди⁵.

Воҳада А.Ю.Якубовский билан бир даврда В.А.Шишкин ҳам ўз археологик тадқиқотларини олиб борган. В.А.Шишкин Бухородаги илк тадқиқотларини 1934-йилда Кампирак деворини археологик тадқиқ қилишдан бошлайди. Бунда у бутун Бухоро воҳасининг атрофини айланиб чиқишга ҳаракат қилди. Воҳанинг жанубий ва шарқий қисмидаги девор қолдиқларини илмий ўрганилади. Йўл-йўлакай Оқсоч, Хожа Ажуванди, Қуйитепа каби ёдгорликлар ҳам кўздан кечирилди. Тадқиқотлар давомида Қуйимозор қабристонини, воҳанинг Шимолий ва ғарбидаги Вардонзе, Зандана, Варахша сингари девор яқинида юзага келган ёдгорликлар

¹ Мирзааҳмедов Ж.К., Одилов Ш., Пардаев М.Х., Мақсудов Р. Қизилтепа қадимиятидан лавҳалар. Тошкент, 2002. Б.22.

² Якубовский А.Ю. Краткий полевой отчёт о работах Зерафшанской археологической экспедиции Эрмитажа. ИИМК в 1939 г – ТОВЭ. Т.П.Л.: 1940

³ Деггарон- "Козон кўювчи" деган маънони англатади.

⁴ Нильсен В.А. Мечеть Деггаран в селенни Хазара (Архитектурно-археологический очерк). «Труды ИИА АН УзССР». Выпуск 7. Ташкент, 1955. С.61.

⁵ Якубовский А.Ю. Краткий полевой отчёт о работах Зерафшанской археологической экспедиции Эрмитажа. ИИМК в 1939 г – ТОВЭ. Т.П.Л.: 1940

аникланди¹. Бу тадқиқотлар Бухоро воҳаси тарихи бўйича жуда кўплаб маълумотларни берсада, тадқиқотларнинг барчаси Бухоронинг шаҳар атрофларидаги тадқиқотлар бўлиб, ҳали Бухоронинг шаҳар қисмида археологик тадқиқотлар бўлмаган эди².

Кейинчалик В.А.Шишкинни эски ирригация соҳаси ривожланган Бухоронинг ғарбий ҳудудларига мажбуран юборилади. Аслида, бу ҳудудда энг катта ва муҳим аҳамиятга эга бўлган археологик ёдгорликлар жойлашган эди.

Бухоро воҳасининг ғарбий томонидаги деярли ҳамма ерлар қадимги даврларда тўлиқ ўзлаштирилган ерлар бўлиб, фақат кейинги даврларда Зарафшон дарёсидаги сувни юқори оқимлардаёқ тақсимланиб ишлатилилиши натижасида дарёнинг қуйи оқимлари кум барханларининг остида қолиб кетди. Бу ҳудудларда изланишлар олиб борган В.А.Шишкин ҳудудни учта қисмга – жанубий, ўрта ва шимолий қисмларга бўлади, аммо бу бўлинган ҳудудлар бир-бирлари билан турли суғориш тизимлари орқали боғланган эканлигини аниқланган³. У асосан бу ҳудудда жойлашган антик давр ва ўрта асрларга оид ёдгорликларни ўрганди.

В.А.Шишкин 1937 йилдан Варахша археологик ёдгорлигини ўрганишни бошлади. У дастлаб Варахшадаги хоналарнинг шаклига ва улар қанча баландликка жойлашганлигига эътибор қаратади. Бу қазилар истиқболли эканлигини Шишкин тушунади ва бу ҳудудни комплект жой деб эътиборга олади. Варахшадаги хоналарнинг бирини қазил давомида аниқланишича, безак парчаларидан ва турли хилдаги шакли чирой бағишлайдиган безаклар билан хона деворлари сувалган эди. Бу хусусият сосонийлар даври услубига мансуб деб эътироф этилган. Варахша Суғдиёнадаги жуда кўркам ва ҳашаматли бино, археологик ёдгорлик ҳисобланиб археологик нуқта-и назардан чуқур тадқиқ қилинади⁴.

1937 йилдан бошлаб В. А. Шишкин Бухоро воҳасида экспедиция ишларини олиб бориб, биринчи навбатда воҳанинг ғарбида жойлашган қадимий суғориш майдонини, хусусан Варахша ёдгорлигини ўрганади. Ушбу тадқиқот натижаларининг аксарияти В.А.Шишкиннинг босма нашрларида ўз аксини топди ва унга муносиб шон-шараф келтиради. В.А.Шишкин бошчилигида Варахшада олиб борилган қазил ишлари давомида топилган қадимий тасвирий санъатнинг ажойиб намуналари жаҳон илмий жамоатчилиги эътиборини жалб қилган⁵.

¹ Шишкин В.А. Археологические работ. 1937 года в западной части Бухарского оазиса. Тошкент, 1940.

² Шишкин. В.А. Варахша. М., 1963. С.16.

³ Шишкин В.А. Археологические работы 1937 года в западной части Бухарского оазиса. Ташкент, 1940. С.5.

⁴ Шишкин В.А. Археологические работк 1937 года в западной части Бухарского оазиса. Ташкент.: 1940. С.9-27.

⁵ Василий Афанасьевич Шишкин как ученый-археолог и общественный деятель (к 70-летию со дня рождения). ИМКУ. Вып.6. Ташкент. 1965. С.5-17.

Бухоро воҳаси бўйлаб тарқалган кўп сонли тепалик ва археологик ёдгорликлар орасида Варахша катта қизиқиш уйғотади. Нисбатан кичкина шаҳар (майdonи тахминан 9-10 гектар) ўз даврида хукмдорларнинг (бухорхудотлар) маркази бўлиб, ҳозирги пайтда жонсиз, сувсиз ва қумли саҳронинг бир қисмига айланган. 1937 йилда В.А.Шишкин томонидан ўтказилган археологик тадқиқотлар шуни кўрсатадики, бу ҳудуд чўл минтақаси тахминан 500 квадрат метр майдонни ўз ичига олади. Ҳудуддан бир неча ўнлаб катта ва кичик тепаликлар, мустаҳкам аҳоли манзилгоҳлари, кўп сонли турли хил шаклларга эга йўналишлар, суғориш тизимларининг қолдиқлари топиб ўрганилган.

1937 йилда В. А. Шишкин Бухоро воҳасининг ғарбий қисмида сақланган археологик материалнинг табиати билан ажралиб турадиган 7 та кичик тепа ўрганилади. 1937, 1938 ва 1939 йилларда Варахша ёдгорлигида олиб борилган археологик тадқиқотлар жараёнида кўйилган биринчи вазифалардан бири бу шаҳарнинг маданий қатламлари кетма-кетлигини аниқлашга уриниш бўлган. Бунинг учун Варахша ёдгорлигининг марказида шурф туширилган ва материкгача етказилган. Қатламларнинг умумий чуқурлиги деярли 10 метрни ташкил этган, бу эса ёдгорликни қадимги эканлигидан далолат беради. Шурфнинг 6-8 м чуқурликдаги тўртта маданий қатламлардан олинган материаллар Кушон подшолиги даври билан белгиланган.

Шу билан бирга, Варахшанинг жануб томонда жойлашган кичкина қалъа минорасининг ғарбий томонида қазилган ишлари олиб борилади. Бу ерда қазилган ишлари бошланишидан олдин турар-жойнинг жанубий чеккасига етиб борган бир қатор қияли тепаликлар ўрганилган. Шамол ва қум билан текисланган бу тепаликларда, ғиштдан қилинган қалин деворлар ва бир нечта катта ва кичик хоналар қузатилган.

В.А.Шишкин 1937 йилда олиб борган археологик қидирув ишлари натижасида Варахшада Бухоро воҳасини арабларгача бошқарган Бухорхудотлар сулоласига тегишли саройнинг қолдиқлари деган хулосага келади. 1938 ва 1939 йилларда олиб борилган ишлар В.А.Шишкиннинг тахминини тўлиқ тасдиқлайди. Кўп хонали катта бино (шаҳарнинг энг катта изи бўлиши мумкин бўлган ягона катта бино) деворий суратлар ва ганч ўймакорлиги намуналари билан безатилган эди.¹ Варахша Қизил залдаги расмларда Қора кучлар билан кураш, ов манзаралари, чавандоз филда ўтириб, йиртқич шер, гепард ҳамласини қайтараётган суратлари машҳур бўлса. Шарқий залдаги кўп сюжетли расмлардан асосий сахнада ок кийимда, қилич осган ҳолда тахтга ўтирган подшо тасвирлари диққатга сазовордир.

¹Шишкин В. Л. Исследование городища Варахша и его окрестностей. Краткие сообщения о докладах и полевых исследованиях института истории материальной культуры. Вып. X. М.-Л. 1941. С.3-16.

Айни шу даврда, яъни 1939-1940 йилларда воҳанинг ғарбий минтақасидаги Пойкент шаҳрида ҳам археологик тадқиқотлар кенг кўламда амалга оширилди. Сабаби, В.А.Шишкин бу ерда шу давргача бўлган тадқиқотларни унчалик ҳам мукамал деб ҳисобламайди¹.

1939 йилда В.А.Шишкин раҳбарлигидаги Зарафшон археологик экспедицияси Пойкентда ўз тадқиқотларини бошлайди. В.А.Шишкин ва экспедиция иштирокчиси М.М.Дьяконов биринчи ишни аҳоли манзилгоҳини режасини тузишдан бошлашади. Режада Арк, ички ва ташқи шахристон, работ қисми, мудофаа деворлари ва буржларнинг жойлашган ўрнига жой олади.

Пойкент шаҳарчасида шу йили Россиянинг Эрмитаж музейининг илмий ходими А.Ю. Якубовский ҳам археологик тадқиқотларни амалга оширади. А.Ю.Якубовский Пойкентни тузилишига қараб уч қисмга бўлади. Шаҳарнинг бир нечта жойида шурф ташланади².

1939 йилдаги экспедициянинг асосий вазифаси: 1) Пайкентда катта қазилар ишларини тайёрлаш учун яна археологик қидирув ишларини олиб бориш, чунки бу аҳоли пункти қадимги даврлардан 12 асргача мавжуд бўлган шаҳарнинг тарихи учун катта қизиқиш уйғотган. 2) Қирнинг устида жойлашган 20 гектар майдонни эгаллаган қадимги замонларда кучли девор билан ўралган шаҳарнинг қадимий ва марказий қисмини ўрганиш. 3) Шаҳристоннинг шимоли-шарқий қисмида сақланиб қолган куҳендиз (қалъа) қолдиқларини ўрганиш. Шаҳристоннинг жануби-ғарбдан шимоли-ғарбга чўзилган девори қолдиқларини ўрганишдан иборат бўлган³.

Кейинги йили яъни 1940 йилда Давлат Эрмитажи ходими В.Н.Кесаев раҳбарлиги остида Н.П.Кипарисовой ва С.К.Кабановлар иштирокида Пойкентда тадқиқотлар давом этди. В.Н.Кесаев тахмин қилганидек шаҳар марказида исломгача бўлган даврга таалукли ибодатхонани топилди. Аммо ишлар бинони битта деворини очиш билан чегараланди.⁴ Тадқиқотчилар Шаҳар атрофи ҳақида ҳам қизиқарли маълумотларни бериб, Пойкентнинг шарқидаги Бадиосиё манзилгоҳига тўхталиб ўтганлар. Тадқиқотчилар археологик тадқиқотлари натижасида йиғилган маълумотлар асосида Пойкент сополлари, идишларнинг қопқоғидаги расмлар⁵ ва ақуариус ўйинчоқлари⁶ ҳақида бир қанча мақолалар тайёрлашди.

¹ Шишкин В.А. Варахша. М., 1963. С.102-103.

² Якубовский А. Ю. Зарафшанская археологическая экспедиция 1939 г. Краткие сообщения о докладах и полевых исследованиях института истории материальной культуры. Вып. IV. Издательство Академик Наук СССР. М.-Л. 1940. С.51-66.

³ Якубовский А. Ю. Зарафшанская археологическая экспедиция 1939 г. Краткие сообщения о докладах и полевых исследованиях института истории материальной культуры. Вып. IV. Издательство Академик Наук СССР. М.-Л. 1940. С.48-52.

⁴ Кесаев В. Н. (К е с а т и Р.) Раскопки на Пайкенде в 1940 г.—СГЭ, Л. IV. 1947. С. 26-29.

⁵ Дьяконов М. М. Керамика Пайкенда//КСИИМК. Т. 28. М., 1949. С.89-93.

⁶ Кипарисова Н. П. Игрушка-водолей из Пайкенда//СА. М., 1949. № 10.. К и п а р и с о в а Н.П. Игрушка-водолей из Пайкенда.СА, X. 1948.-С.310-316

Бу тадқиқотлар натижасида Пойкент шаҳрининг топографик харитасини яратилди. Харитада шаҳар уч қисмдан иборат еканлиги кўрсатилган. Булар: Арк қисми-майдони 1га, Шаҳристон I қисми-майдони 13га, Шаҳристон II қисми-майдони 7га¹.

Иккинчи жаҳон уруши туфайли воҳада қазишма ишлари вақтинча тўхтади. Урушдан кейинги йилларда Бухоро воҳасидаги археологик изланишлари воҳанинг Варахша массивига кўчди. В.А.Шишкиннинг Варахшада 1947 йилда бошланган археологик тадқиқотлари² узлуксиз 6 йил давом этди³. Варахшадаги тадқиқот ишлари Ўрта Осиёдаги замонасининг бошқа ёдгорликларидан ажралиб турган эди. В.А.Шишкиннинг Варахшадаги қазишма ишларида Ўрта Осиёдаги машҳур археолог олим Лазар Албаум, Наталиа Диканова, архитектор В.А. Нилсон ва санъатшунос тарихчи олим В.А.Мешкерис каби олимлар ҳам иштирок этишди.

АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ

1. Boltayev, Bobir Baxtiyorovich. "BUXOROLIK MINIATURACHIRASSOM SADRIDDIN POSHCHAYEV IJODIGA BIR NAZAR." *Scientific progress* 1.6 (2021): 998-1004.

2. Rajabov, Oybek Iskandarovich. "BUXORODAGI AYRIM MUQADDAS QADAMJO-QAL'ALAR XUSUSIDA." *Scientific progress* 1.6 (2021): 1162-1168.

3. Умаров, Б. Б. "НА КИСЛЯКОВ ТАДҚИҚОТЛАРИДА ЖАНУБИЙ ТОЖИКИСТОН ЭТНИК ТАРИХИ." *Scientific progress* 1.6 (2021): 1005-1009.

4. Тўраева, Г. Б., Ўтаева, Ф. Х., & Жумаева, Н. А. (2021). ОА СУХАРЕВА ТАДҚИҚОТЛАРИДА БУХОРО ТАРИХИ ВА ЭТНОГРАФИЯСИНИНГ ЎРГАНИЛИШИ. *Scientific progress*, 1(6), 1010-1018.

5. Bakhthiyorovich, Boltaev Bobir. "Excerpts from the life of the bukharian artist." *Middle European Scientific Bulletin* 12 (2021): 160-165.

6. Ochilov, A. T. "DATING OF THE ZAMANBABA CULTURE: ASSED ON ARCHAEOLOGICAL SOURCES." *Theoretical & Applied Science* 12 (2019): 589-591.

7. Mubinov, M. A. "Diplomacy of the eastern states and central asian khanates in the struggle for independence." *CENTRAL ASIAN JOURNAL OF SOCIAL SCIENCES AND HISTORY* 2.5 (2021): 26-31.

8. Maksud, Beshimov. "Markets of Bukhara." *CENTRAL ASIAN JOURNAL OF SOCIAL SCIENCES AND HISTORY* 2.5 (2021): 18-21.

¹ Фан ва турмуш. №3-4; 1992. Б.8

²В.А.Шишкин .Археологические работы 1947 г. на городище Варахша.—«И АН УзССР»,Ташкент, 1948.№5. С.62-70.

³Шишкин В.А. Некоторые итоги археологических работ на городище Варахша (1947-1953 гг.) Труды Института истории и археологии Ташкент, Изд-во АН УзССР. 1956.С.10

9. Sharopov, Dilshod Ravshan O'G'Li. "ABDURAZZOQ SAMARQANDIYNING "MATLAI SA'DAYN VA MAJMAI BAHRAYN" ASARINING O'RGANILISH TARIXI." *Scientific progress* 2.1 (2021): 358-361.
10. Очиллов, Алишер Тўлис Ўғли. "БУХОРО ВОҲАСИ ШАКЛЛАНИШИДА ЗАРАФШОН ДАРЁСИНИНГ ЎРНИ ВА ВОҲА ТАРИХИЙ ГЕОГРАФИЯСИГА ДОИР АЙРИМ МУЛОҲАЗАЛАР." *Scientific progress* 1.6 (2021): 933-938 Murodova, Dilrabo Shomurodovna, and Feruza Xolmamatovna O'tayeva. "TF Gelax tadqiqotlarida Buxoro shahri mudofaa tizimining organilishi." *The Fifth International Conference on History and Political Sciences*. 2015.
11. Turaevich, Halimov Talat. "From the history of economic relations between central asia and india (XV-XVII centuries)." *CENTRAL ASIAN JOURNAL OF SOCIAL SCIENCES AND HISTORY* 2.5 (2021): 22-25.
12. OCHILOV, Alisher. "JEWELRYC TRADITION IS A SOURCE OF STUDY OF BUKHARA HISTORY." *Bayterek Uluslararası Akademik Araştırmalar Dergisi* 1.1: 105-116.
13. Бобожонова, Феруза Хаятовна. "БУХОРО МАДРАСАЛАРИ МАЪНАВИЯТ ДУРДОНАСИ." *Scientific progress* 2.1 (2021): 362-366.
14. Муродова, Дилрабо Шомуродовна. "ИККИНЧИ ЖАҲОН УРУШИ ЙИЛЛАРИДА БУХОРОДА ИЛМ ВА ФАН (БУХОРО ПЕДАГОГИКА ИНСТИТУТИ МИСОЛИДА)." *Scientific progress* 2.1 (2021): 660-664.
15. Ochilov Alisher. "The Role of Zamanbaba Culture in The Social and Economic History of Bukhara Oasis During Bronze Age." *CENTRAL ASIAN JOURNAL OF SOCIAL SCIENCES AND HISTORY* 2.4 (2021): 42-47.
16. JAMOLOVA, DILNOZA MUYIDDINOVNA. "THE END OF THE EMIRATE OF BUKHARA: THE END OF THE POLITICAL STRUGGLE BETWEEN THE JADIDS AND THE ULEMA." *International Journal of Philosophical Studies and Social Sciences* 1.1 (2021).
17. Jamolova, D. M. "Traveling to Modernity: Perception of Modernity of the Central Asian Muslims in the early 20th century." *International Journal of Psychosocial Rehabilitation* 9.24 (2020): 4202-4207.
18. Темиров Ф., Исломов Д. САДРИДДИН АЙНИЙ–ЗАМОНДОШИ ФИТРАТ ҲАҚИДА //Scientific progress. – 2021. – Т. 2. – №. 1. – С. 1349-1354.
19. Темиров Ф., Халикова Н. БУХОРО АМИРЛИГИДА ТАШҚИ СИЁСАТ ВА ДИПЛОМАТИЯНИНГ РИВОЖЛАНИШИ ТАРИХИДАН //Scientific progress. – 2021. – Т. 2. – №. 1. – С. 1276-1282.

20. Темиров Ф., Умаров Б. БУХОРО АМИРЛИҚДА ОИЛА, НИКОҲ ВА МЕРОС ҲУҚУҚИНИНГ АМАЛДА ҚЎЛЛАНИШИ //Scientific progress. – 2021. – Т. 2. – №. 1. – С. 1201-1207.

ВАРАХША ДЕВОРИЙ СУРАТЛАРИ КОНСЕРВАЦИЯСИ ТАРИХИГА ДОИР

Акмал Ўлмасов

ЎзР ФА Санъатшунослик институти

Ўрта Осиё, хусусан Ўзбекистон ҳудудида илк ўрта асрларга оид Афросиёб, Варахша, Болаликтепа, Тавка каби кўплаб ёдгорликларда деворий суратлар аниқланган. Улар хом-ашё, ишланиш техникаси ва бошқа жихатлари билан умумийлик касб этсада, алоҳида сюжетлари, ранглар колорити ва бошқа хусусиятларига кўра бир-биридан фарқ қилади. Мазкур нафис, ўз навбатида нозик санъат асарлари топилган пайтдан бошлаб алоҳида эътибор талаб қилади. Яъни, уларни ўз жойида қотириш, лаборатория шароитида қайта ишлаш ва асосийси музейлаштириш ўзига хос мураккаб жараён ҳисобланади. Ушбу мақолада Варахша деворий суратлари мисолида шу турдаги ноёб ёдгорликларни сақлаб қолиш ва шу жараёнда иштирок этган мутахассислар ҳақида сўз боради.

Варахша деворий суратлари нафақат илмий адабиётларда етарлича тадқиқ қилинган, балки кенг жамоатчиликка ҳам маълум ва машҳур. Мазкур санъат асарлар ЎзР ФА Тарих ва археология институтининг В.А. Шишкин бошчилигидаги археологик экспедицияси томонидан 1937-1954 йилларда олиб борилган археологик казишмалар натижасида аниқланган¹. Деворий суратлар VI – VII аср охирига оид бўлиб, ёдгорликда казиб ўрганилган сарой биносининг қайта таъмирланишидан сўнг ишланган. Суратлар саройнинг Шарқий ва Қизил заллари деворларига рангли бўёқлар билан ишланган бўлиб, мавзу ва ранглари турличадир. Шарқий залда кўк, кулранг, пушти, сариқ ва қизил рангларнинг мураккаб ранглар бирикмаси устунлик қилса, Қизил залда эса оқ, қизил, сариқ, қора ранглар ва уларнинг туслари ишлатилган. Суратларнинг мавзуларига тўхталсак, Шарқий залда сарой маиший ҳаёти манзараси акс этган бўлса, Қизил залнинг деворий суратлари филларнинг иштирокидаги ов манзарасини ифодалайди².

Суратларнинг ишланиш техникаси Ўрта Осиёнинг шу каби бошқа ёдгорликларида аниқланган деворий суратлар билан бир хил. Яъни, деворнинг сомонли (баъзида қамиш қипиғи кўшилган) сувоғи устига елим аралаштирилган табиий бўёқлар билан чизилган. Ёдгорлик тадқиқотчилари бўёқларга кўшилган елим хусусусида батафсил тўхталиб, уни Ўрта Осиёда кенг тарқалган ширач (*eremerus*) ўсимлигининг

¹ Шишкин В.А. Варахша. “Изд-во АН СССР”. – Москва, 1963. – С. 5-6.

² Шишкина Г.В. Варахша // Культура и искусство древнего Узбекистана. Каталог выставки. – Москва.: Внешторгиздат, 1991. Т.2. – С. 55

томиридан олинганлигини қайд қилган. Шунингдек, муаллифнинг аниқлашича сувоқ икки қатламда берилган: биринчиси (қора сувоқ) бевосита деворни устидан қалин қилиб сувалган, кейингиси (оқ сувоқ) эса унинг устидан берилган. Охирги қавати лой билан обдон силлиқланиб, текис юза ҳосил қилинган. Юза устидан сурат чизиш учун юпқа оқ замин (рус. *подгрунтовка*) берилган. В.Н. Кононовнинг Панжикентдаги грунт намунасини таҳлил қилишича, оқ замин каолин қўшилган гипс билан амалга оширилган¹.

Варахша деворий суратлари нафақат илм аҳлига, балки жамоатчиликка ҳам маълум ва машҳур бўлгани юқорида қайд қилинди. Лекин, уни сақлаб қолган ва бугунги кунимизгача етиб келишига сабаб бўлган жонкуяр мутахассислар – реставраторлар ҳақида кам биламиз. В.А. Шишкиннинг қайдномаларидан 1949 йилги экспедиция ишларида археолог Л.И. Альбаум, архитектор-рассом В.А. Нильсен ва бошқалар қаторида рассомлар В.Н. Кедрин, Г.Н. Никитинларни қатнашгалигини билиш мумкин. Шунингдек, кундаликда бир неча кунга Россия Давлат Эрмитажи рассом-реставратори П.И. Костров ва унинг ёрдамчиси Е.Г. Шейниналар бир неча кунга ташриф буюргани қайд қилинган. Кундаликнинг 1950 йилдаги ишлари қаторида тупроқ уюмлари орасида кўп сонли деворий сурат парчалари топилгани ва уларнинг бешта йирик бўлаклари акварел бўёғи ёрдамида нусха ишлангани ёзилган. В.А. Шишкинга кўра, суратларнинг техникаси сарой деворидаги суратлар билан ўхшаш бўлсада, фон ва чизгилар тевсифига кўра фарқ қилган. Тадқиқотчи мазкур сурат бўлақларини тадқиқ қилар экан, уларни анча кейинги даврга, яъни XI асрга оид деворий суратлар эканлигини қайд қилган².

Деворий суратларни бевосита кимёвий қотириш ва девордан кўчириб олиш ишларида Эрмитаж рассом-реставратори П.И. Костров раҳбарлигидаги И.Б. Бентович ва Е.Г. Шейнина каби реставраторлар қатнашган. Улар асосий иш фаолиятини Эрмитажда олиб борган ва ўтган асрнинг 40 йиллари охирида кимёгар мутахассислар билан ҳамкорликда биринчилардан бўлиб консервация ва реставрация соҳсида янги ишланма яратган. Бу полибутилметакрилат (ПБМА) кимёвий моддасининг органик эритувчилардаги эритмаси ҳисобланиб, деворий суратларни қотириш учун ишлаб чиқилган эди. Бу ишланма илк бор бевосита П.И. Костров раҳбарлигида И.Б. Бентович ва Е.Г. Шейнина иштирокида 1952-1954 йилларда Панжикент ёдгорлигида топилган деворий суратларни консервация қилиш ишларида қўлланилган³.

¹ Шишкин В.А. Варахша. “Изд-во АН СССР”. – Москва, 1963. – С. 151.

² Шишкин В.А. В Узкомстарис // Археология Центральной Азии. Архивные материалы. Том 2. – С. 54.

³ КОСТРОВ П.И. ИССЛЕДОВАНИЕ, ОПЫТ РЕКОНСТРУКЦИИ И КОНСЕРВАЦИЯ ЖИВОПИСИ И СКУЛЬПТУРЫ ДРЕВНЕГО ПЯНДЖИКЕНТА // СКУЛЬПТУРА И ЖИВОПИСЬ ДРЕВНЕГО ПЯНДЖИКЕНТА. М.: 1959. – С. 139-183.

1970 йилларда ёдгорликда тадқиқотларни давом эттириш учун ЎзР ФА Археология институти ва Москва реставрация институти ҳамкорлигида кўшма экспедиция ташкил қилинади. Экспедиция томонидан Варахшанинг “Мовий зал”ининг жанубий деворидаги деворий суратларни кўчириш ишлари амалга оширилади. Кейинчалик, 1987-1991 йилларда Москвадаги Шарқ музейининг Г.В. Шишкина раҳбарлигидаги “Ўртаосиё археологик экспедицияси” ҳам ёдгорликда археологик изланишлар олиб боради. Натижада, Варахша саройи ҳудудида меъморий безакларнинг йирик тўплами қўлга кириталади. Жумладан, саройнинг Қизил ва Ғарбий залларидаги деворий сурат бўлаклари кўчириб олинади. Улар орасида илмий адабиётлардан маълум ва машхур Қизил залдаги филлар билан ов сахнаси ҳам бор эди¹.

Варахша деворий суратларини консервация қилишда бошқа илмий муассасаларни ҳам иштирокини қайд қилиш жоиз. Масалан, 1974 йилда собиқ Бутуниттифоқ музей бойликларини консервация ва реставрация қилиш марказий илмий-тадқиқот лабораторияси (рус. ВЦНИЛКР²) мутахассислари ҳам Варахша ёдгорлигида лой асосдаги маҳобатли рангтасвир асарларни дала шароитида консервация қилиш бўйича амалий тажрибаларни амалга оширган. Яъни, биринчи босқичда деворий суратлардаги бўёқ ва лойсувоқ қатламларини мустаҳкамлаш учун янги синтетик полимер моддалар қўлланилган. Шунингдек, девор қирраларини механик мустаҳкамлигини ошириш ва дастлабки қотирилган юзаларни ёпиштириш учун поливинил спирти (ПВС)ни қўллаш тажрибасини синовдан ўтказилган. Мутахассислар томонидан бўёқ қатлами қолдиқлари сақланган айрим сурат бўлакларида синов тариқасида турли қатрон (смола) елимлар турлича эритувчиларда қотирилган. Жумладан, ПБМАнинг паст ёпишқоқли ва юқори ёпишқоқли эритмаси, БМК-5, ПВС каби полимерлар ва ксилол, ацетон, этилацетат, пропанол ва этил спиртлари, сув каби эритувчилар қўлланилган³.

Марказий лаборатория мутахассислари томонидан Ўрта Осиё ҳудудидаги кўплаб қадимги даврга оид археологик ёдгорликлардан топилган маҳобатли деворий суратларнинг грунטי ва пигментлари ҳам физик-кимёвий таҳлил қилинган. Хусусан, Варахша деворий суратларида ишлатилган қизил бўёқ таҳлил қилинганда уни симоб рудаси (кимёвий формуласи – HgS)дан тайёрланганлиги аниқланган. Бу тадқиқотларда микрокристаллокопик, хромотография ҳамда инфрақизил спектрокоскопия усуллари қўлланилган. Натижада бу таҳлиллар деворий суратларда

¹ Алпаткина Т.Г. Ганчевый декор дворца Варахши из фондов Государственного музея Востока: новые открытия // Материальная культура Востока. Вып. 3. М., 2002.

² ВЦНИЛКР – Всесоюзная центральная научно-исследовательская лаборатория по консервации и реставрации музейных ценностей.

³ Бурый В.П., Обельченко О.В. Работы ВЦНИЛКР на городище Варахша // Реставрация, исследование и хранение музейных художественных ценностей. – Москва: ИПКИ, 1976. Вып. 1. – С. 10-11.

ишлатилган ва таркибида оқсил ва углеводлар бор боғловчиларни фарқлаш имконини берди. Демак, деворий суратларни ишлашда пигментларга боғловчи сифатида хайвон (*глютин*) елими, казеин елими, унли елимлар ва тухум каби оқсилли боғловчилар ҳамда дарахт елими (*камедь*), асал, шакар ва сут каби углеводли боғловчилар қўлланилган¹.

Павел Иванович Костров ҳақида бадиий адабиётларда ҳам маълумотлар учратиш мумкин. Масалан, Иккинчи жаҳон уруши ҳақида ҳикоя қилувчи Ю.Б. Рипенконинг “Генерал Пядусов” романида уни урушгача Эрмитажда рассом-реставратор бўлиб ишлагани қайд қилинган. Асарда П.И. Косторовни катта лейтенат ҳарбий рутбаси олгани ва урушдан олдин Россия бадиий академиясини тугатгани, Гамбургда эса малака оширгани ҳамда немис тилини яхши билиши ҳақида сўз боради. Ҳатто, урушда ҳам ижод қилишга вақт топганлиги полкда эса бир вақтнинг ўзида у артиллерия разведчики, таржимон, ташкилочи ва рассом, хуллас уни ўрнини босадиган одам бўлмаган деб эсланади. Муаллифни ёзишича, унинг душман мудофаасини чизган қораламаси фотосуратга қаранганда аниқроқ чиққан. Артиллерия бошлиқларини таъкидлашича Костров чизмаси жуда катта ёрдам берган ва у юксак хизмат бурчини адо этган. Унинг бебаҳо хизмати юксак қадрланиб, Қизил Юлдуз ордени билан тақдирланган².

1927-1928 йилларда Кўхна Термизда Б.П. Денике раҳбарлигидаги Москвадаги Шарқ маданияти музейи (ҳозирда Шарқ музейи) илмий экспедицияси археологик тадқиқотлар олиб боради. Экспедиция таркибида ўша пайтда Санкт-Петербургдаги Давлат Рус музейининг Графика бўлими мудир, санъатшунос, профессор, Петр Евгеньевич Корнилов ҳам иштирок этган. У фотограф ва реставратор сифатида Термизшоҳлар саройининг Қабуллар залидаги пилонлар ва деворлардаги ўйма ганч безакларини гипсдан нусхаларини ишлашда бевосита иштирок этган. Кейинчалик П.Е. Корнилов Бухоро тарих ва ўлкашунослик музейининг директор ўринбосари сифатида фаолият юритади ҳамда Ўзбекистоннинг кўплаб шаҳарларига саёҳат қилади. Унинг томонидан жойларда шаҳар ва қишлоқ аҳолисининг маиший ҳаёти, шунингдек, меъморий ва археологик ёдгорликлари ўша давр хусусиятига хос колоритда суратга муҳрланган³. Илмий адабиётларда 1930 йилларда Бухородаги Кўкалдош мадрасасида В.А. Шишкин раҳбарлигида олиб борилган таъмирлаш ишларида Николай Михайлович Бачинскийнинг қатнашганлиги хусусидаги маълумотлар бор.

¹ Желнинская З.М. Анализ пигментов и связующих среднеазиатской живописи на ганчевом грунте лессовой штукатурке // Реставрация, исследование и хранение музейных художественных ценностей. – Москва.: ИПКИ, 1976. Вып. 1. – С. 17.

² Рипенко Ю.Б., Чернухин В.А. Генерал Пядусов. – Москва, 2008. – 420 с.

³ Архивные материалы Государственного музея Востока // Археология Центральной Азии: архивные материалы. Том II. Самарканд: МИЦАИ, 2015. – С. 6 (232 с.)

Варахша деворий суратлари билан боғлиқ қизиқарли ҳолатлар ҳам учраб туради. Масалан, 2018 йилда бўлиб ўтган илмий анжуманлардан бирида америкалик тадқиқотчи Александр Наймарк ўз маърузасида деворий суратлардаги лакуна (кўчириб олинган бўшлиқ)лар атайин кўчириб олинганини қайд қилади. Тўғри, буни В.А. Шишкин ҳам айтиб ўтган эди, яъни унингча, бу бузилишлар мусулмон иконокластарининг вандализм ҳаракати деб ҳисоблаган эди¹. Лекин, А.Наймарк бу ҳаракатни бошқача изоҳлайди. Унга кўра, деворий суратларнинг айрим, масалан, одам боши ёки грифон қанотлари жуда усталик билан қирқиб, кўчириб олинган. Ва, буни кўчирган одам уларга қараб сурат чизган бўлиши эҳтимолдан йироқ эмас. У мазкур ноодатий ҳаракатни исломгача бўлган бадий анъана унсурларини дастлабки ислом даври санъатига ўтиши билан боғлайди².

Хулоса қилиб айтганда Варахша деворий суратларини сақлаб қолиш ва консервация қилиш жараёнида кўплаб мутахассислар фаоллик кўрсатган. Улар бу ишларда бор имкониятини ишга солган, илмий ёндашган ва илғор тажрибаларни қўллаган. Суратларда тасвирланган сюжет ва образлар тарихчи ва санъатшунослар қанчалик қизиқ бўлса, уларни консервация ва реставрацияси билан боғлиқ тадқиқотлар ҳам муҳим маълумотларни берди. Энг асосийси аввалги консервация ишларининг тарихини ўрганиш келгусида суратлар билан боғлиқ амалга оширилиши мумкин бўлган амалий ишларни тўғри олиб борилишига замин ҳозирлайди.

РОЎБЕЪ БА МАРОСИМИ ТОЎГУЗОРИИ НАХУСТИН ХОНИ МАНГИТЪО-МУЊАММАД РАЊИМХОН

*Исомитдинов Жорабек Бобекович-
мудир кафедраи таърихи Ватан ва археология
МДТ «Донишгоњи давлатии Хуљанд ба номи
академик Бобољон Ѓафуров»*

Дар миёнаи асри XVIII мустаҳкам намудани пояҳои ӯқимият (қудрати давлатдорӣ) аз ӯониби Муъаммад Раъимбий як қадами муҳими сиёсӣ ҳисобида мешуд. Раҳимбӣ атолик дар соли 1753 бо розигӣ ва дастгирии ашрофон ва рӯҳониёни бонуфузи динӣ (мусалмонон) бо унвони амир ба тахти Бухоро нишаст. Бо мақсади мустаҳкам намудани ӯқумати қонунии худ, Раҳимбӣ духтарашро ба Абдулмуминхон (намояндаи сулолаи Аштархониён) ба шавҳар дод. Бо ин, вай қудрати худро аз ҳама гуна таъдидҳои сепаратистии амирони алоҳида ва пешвоёни қабилаҳои ба сулолаи Аштархониён содиқ таъмин намуд.

¹ Шишкин В.А. Варахша. “Изд-во АН СССР”. – Москва, 1963. – С. 151.

² Naymark A. Returning to Varakhsha // The Silk Road Foundation Newsletter, vol. 1, issue 2 (December 2003). – P. 18

Барқарор кардани муносибатҳои оилавӣ бо намояндаи сулолаи Аштархониён ба пайдоиши як мухолифини қавӣ хотима бахшид ва барои мухолифон айбдор кардани Раҳимбия дар поймол кардани қудрати хонӣ ҳеч узре намонд. Аммо ин ҳолати қор ба ҳеч ваҷҳ Раҳимбиро қонеъ карда наметавонист. Вай ҳамеша мекӯшид, ки ҳатто заифтарин қудрати хонро аз байн барад ва қудрату тавоноии худро ба пуррагӣ таъмин кунад. Раҳимбӣ қарор кард, ки Абдулмуминхонро аз сахнаи сиёсӣ дур кунад. Вай, ҳам ба зӯрӣ ва ҳам ба дипломатия муваффақ шуд, ки амиронро маҷбур кунад, ки бо ин вазъ муросо кунанд ва амалҳои ӯро тасдиқ кунанд.

Ховаршиноси рус В.В. Григорев ба ёддоштҳои Мирзо Шамс Бухорӣ эродҳои худро навишта, дар бораи ташкили кӯшиши зидди Раҳимбӣ аз ҷониби тарафдорони Абдулмуминхон пас аз шаш соли ба тахт нишастанаш хабар медиҳад. «Дар зиёфат бо ҷавони соҳибхитиёр, ки Раҳим-Бекро даъват карданд, марде, ки дар утоқ пинҳон буд, аз таппонча ба ӯ тир холӣ кард. Тир қулоғи Раҳим-бекро сӯроҳ кард, аммо худи ӯ осеб надид; ба ин муносибат ҷонибдорони ӯ мансабдорони соҳибхитиёрро куштанд ва пас аз шаш моҳ онҳо Абдул-Муъминхонро ба чоҳ андохта ғарқ карданд»¹.

Раҳимбӣ, бо куштори Абдулмуминхон, дарвоқеъ табаддулоти давлатӣ ба амал овард. Аввалан ӯ писари хурдии Абдулфайзхон – тифли навзод Убайдуллохонро хони оянда эълон кард. Пас аз чанд вақт, Убайдуллохон низ аз ҷониби Раҳимбӣ ба ғалокат расонида шуд. Тавре муъаққики олмонӣ, ховаршинос Анке фон Кугелген қайд мекунад, аз соли 1756, вақте ки Раҳимбӣ бо духтари Абдулфайзхон-Юлдуз-бегим издивоҷ кард, ҳукмронии воқеии сулолаи Манғитҳо дар Бухоро оғоз ёфт, яъне аз он вақт сар карда, Раҳимбӣ худро хон эълон кард².

Дар ёддоштҳои Мирзо Шамс Бухорӣ қайд карда мешавад, ки Раҳимбӣ пас аз издивоҷ бо духтари Абдулфайзхон, маросими тоҷгузорӣ барпо намуд ва унвони хонро ба даст овард (ин чорабинӣ мувофиқи ташаббуси рӯхониён баргузор шуд)³.

Нисбат ба дигар муаллифон, Муҳаммад Вафойи Карминағӣ (муаллифи «Тўнфат ул-хонӣ») маросими ба тахт нишастани Раҳимбиро муфассалтар тасвир кардааст.

Агар дар бораи генезиси ин маросим сухан ронем, пас он аз қадимулайём дар байни халқҳои турку муғул баргузор мегашт, ки онро ғалокони турк, қарахониён ва чингизҳо низ барпо мекарданд.

Тартиби "бардоштан ба намади сафед" чунин буд: фаррошон (хидматгорон) қолину палосъоро кушода, тахтро омода менамуданд; сипас, дар асоси ахбори ситорашиносон-мунальзимон, вақти муносиб

¹ О некоторых событиях в Бухаре, Коканде и Кашгаре. Записки мирзы Шемса Бухари, изданные в тексте, с переводом и примечаниями В.В. Григорьевым. - Казань, 1861. С.91.

² Анке фон Кюгельген. Легитимация среднеазиатский династии... С.266-269.

³ О некоторых событиях в Бухаре, Коканде и Кашгаре: Записки Мирзы Шемса Бухари, изданные в тексте, с переводом и примечаниями В.В. Григорьевым. - Казань, 1861. С.3.

барои тольгузорӣ муайян карда мешавад ва танҳо пас аз он султонҳо, ашрофзодагон ва рӯхониёни мусулмон даъват карда мешуданд. Дар вақти муайянкардаи муначҷимон, хонро ба намади сафед мешинониданд ва чор нафар, аз чор канори онро дошта мебардоштанд. Гузашта аз ин, танҳо намояндагони оилаҳои ашроф ҳуқуқи гирифтани канори намадро доштанд. Мувофиқи ин қоидаҳо, баъди аз болои намади сафед фаромадан, хон аз рӯи тартиботи махсус савганди садоқат ёд мекард. Хони навинтихобшуда ба тахт менишаст ва ба аъёну ашроф, меъмонон додани ҳадя- чомаҳои гаронбаҳо оғоз меёфт. Сипас ба шарафи ҳоким хутба хонда мешуд ва танга бо номи ӯ сикка зада мешуд. Ин тартиботи тольгузорӣ ҳам дар маъхазҳои хаттӣ ва ҳам шифоҳӣ инъикос гаштааст ва дар катибаҳо (навиштаҳои рӯи сангӣ), дар ин бора хабар медиҳанд.

О.А. Соловёви ин маросимро "маросими тағйир додани ҳокимияти олии хонӣ" шуморидааст. Ӯ қайд кардааст, ки: «Нақши ин маросим дар фарҳанги анъанавӣ гуногунчанба буда, аз як тараф, маросими мазкурро метавон ҳамчун яке аз соҳаҳои маросимии ҳаёти ҷамъиятӣ, ба сифати як ҳолати беназири ҳамкорӣ (хон) амир бо муҳити худ дар заминаи робитаҳои байниҳамдигарӣ пешвоёни тамоми сатҳҳои зинаи қудрат маънидод кард. Аз тарафи дигар, боз як вазифаи дигарӣ маросимро бояд таъкид кард, ки он бешубҳа ҷабҳаи муъими таъсири омили сиёсиро ба раванди сотсиализатсияи сиёсӣ ифода мекунад. Маросими дар болои намади сафед (намадин) баланд бардоштани хон марҳилаи ниҳоии рамзи қудрат дар хонигарӣ Бухоро ба шумор меравад»¹.

Муъаққӣ П. Шубинский дар бораи таъсиси маросими ба тахти Бухоро баромадани хонӣ сухан ронда, чунин қайд мекунад: «Ин маросим аз замони Раҳим-бӣ, ки баъд аз кушта шудани Абулфайз қудратро бо зӯрӣ ба даст овардааст, таъсис дода шудааст. Амирони пешини Бухоро дар Самарқанд тахти тоҷгузорӣ худро барпо намуда, ба тахти машҳури Темур – «Кўктош»² менишастанд. Сокинони Самарқанд нагузоштанд, ки Раҳим-Бӣ ба ин шаҳр роҳ ёбад. Барои соҳиб шудан ба тоҷ, ӯ бо маслиҳати наздикони худ ва ҳамчун як намояндаи олу насаби қабилаи узбек намадро (маъсулооти истеъсолоти ӯнармандии ўзбекон)-ро ҳамчун рамзи тоҷгузорӣ интихоб намуд. Њамзамон баъри нишон додани тозагии ниятҳо, пайдоиш ва сарвати авлодӣ, матои сафед интихоб карда мешуд³. По традиции легитимность власти правителей государства подтверждалась путем проведения церемониала «поднятия на белой кошме (войлоке)»⁴.

¹ Соловьева О.А. Поведенческий символ власти и политическая социализация (Бухарский эмират XIX-начала XX вв.) // Журнал социологии и социальной антропологии. – 2001.- Т.6. - № 4. С.104-105.

² Куксарай // <http://viza.biz.ua/kuksaray/>.

³ Шубинский П. Очерки Бухары // Исторический вестник. - № 7. -1892. -С.123.

⁴ Войлок (кошма) - плотный нетканый текстильный материал из валяной шерсти. Для изготовления белой кошмы использовали верблюжью шерсть. При восшествии на престол

Маросими тольгузорї тибқи анъанаҳои муғулҳо амалӣ карда мешуд. Маросими нишастани хон дар болои матои намадин дар Осиёи Марказӣ аз давраи улуси Чигатай то давраи хукмронии Аштархониён баргузор мешуд. Таърихшинос П.П. Иванов, хусусиятҳои ин маросимро омӯхта, қайд мекунад, ки ин маросим ҳам дар болои намад нишастан ва ҳам тоҷгузорию ифода мекард. Барои ин маросим асосан қабिलाҳои туркони муғул ва намояндагони бонуфузи рӯхониён даъват карда мешуданд¹.

Љузъиёти марказӣ, яъне нишони рамзи қудрат дар давраи тоҷгузорию хон намад ба шумор мерафт. Хусусияти маросими тоҷгузорӣ дар Бухоро дар он буд, ки қолини хурд ва кӯрпа низ ҳамчун ашёи тольгузорӣ истифода мешуд. Ҳангоми маросими "ба намади сафеди калон шинонидан" шахсони бонуфузи хонӣ аввал қолинро ба фарш паҳн мекарданд, аз болои он кӯрпа мекушоданд ва дар болои он намади сафедро мекушоданд. Сипас ба таври расмӣ, бо тантанаи ба худ хос маросими тольгузорӣ анҷом дода мешуд.

Чӣ тавре, ки О.А. Соловёва таъкид мекунад, ин маросим, гӯё маросими тағйир додани ҳокими олі дар хонигарӣ ҳисобида мешуд². Ҳодисаҳои марбут ба шинонидану бардоштани хон дар болои намади сафед, рамзи эътирофи қудрати хон дар хонии Бухоро, марҳилаи ниҳии тольгузорӣ буд³.

Муҳаммад Вафойи Карминагӣ рӯйдодҳои марбут ба маросими тольгузорию Раҳимбиро дар намади сафед муфассалтар баён кардааст⁴. Чӣ тавре ки дар рисолаи "Туҳфат ул-хонӣ" қайд шудааст, маросим рӯзи чумба (19 декабри 1756) баргузор шуд ва он бо хондани намози хутба ва зикри номи Муҳаммад Раҳимхон оғоз ёфт. Дар ҳама масҷидҳои ҷомеаи деҳот ва шаҳрҳои калон, аз Бухоро то Самарқанд, аз Миёнкӯл то Шаҳрисабз, аз Қаршӣ то Ёузар, аз Қароқӯл то соҳилҳои Аму ва дигар қаламравҳои хонӣ хондани хутба ва номи хон ба забон гирифта шуд⁵. Ғайр аз ин, сикка задани тангаҳо бо номи хони навинтихобшуда оғоз ёфт. Нумизматҳо В.В. Веляминов-Зернов ва Э.А. Давидович изҳор медоранд, ки дар тангаҳои номи "Муҳаммадраҳим Баҳодурхон" сабт карда шудааст⁶.

среднеазиатских ханов белый цвет войлока был выбран для обозначения чистоты намерений, происхождения и богатства рода.

¹ Иванов П.П. Очерки истории по Средней Азии (XVI - середина XIX в.). - М.: Изд-во Восточной лит., 1958. С.103 – 104.

² Соловьева О.А. Поведенческий символ власти и политическая социализация (Бухарский эмират XIX-начала XX вв.) // Журнал социологии и социальной антропологии. – 2001.- Т.6. - № 4. С.104-105.

³ Там же. С.107.

⁴ Абусейтова М. Казахская дипломатия зарождалась на...мягкой белой кошме // <http://www.kazpravda.kz/c/1340929666>

⁵ Мухаммед Вефа-йи Керминегӣ. «Туҳфат-ал-хонӣ» ... л. 226.

⁶ Веляминов-Зернов В.В. Монеты Бухарская и Хивинская // Записки Императорского археологического общества.–Спб., 1859.-Т.8. С.409; Давидович Е.А. История монетного дела

Ҳамаи чорабиниҳое, ки ҳангоми маросими тантанавии "Бардоштан дар намади сафед" баргузор мешуданд, алахусус, хондани хутба ҳангоми намози ҷумба ва сикка задани тангаҳо рамзи қудрати хонро ифода мекарданд ва инчунин нишонаҳои мавҷудияти ҳуди хонигарию ба ҳайси воҳиди ягонаи давлатӣ бо роҳбарии ҳокими яғонаро тасдиқ менамуданд. Иҷтимоигардонии сиёсии аҳолии Бухоро бевосита аз гузаронидани маросими тольгузорию дар боло зикршуда вобастагӣ дошт¹.

Тавсифи мухтасари ба тахт нишастани Муҳаммад Раҳимхон дар рисолаҳои муаллифони Осиёи Миёна - Муҳаммад Шариф ("Тоҷ ут-таворих"), Муин ("Тарих-и авоилу авохир"), Муҳаммад Ёқуб б. Амир Дониёл ("Рисола") ва дигарон низ инъикос шудаанд. Дар ин асарҳо таъкиди мегардад, ки Муҳаммад Раҳимхон ба *тахти саодат (тахти бахт)*, тахти Бухоро (*тахти ҳукмронӣ бар Бухоро*), *тахти (салтанат)* - и Бухоро нишастааст². Тавре ки дар маъхазҳо қайд карда шудааст, пайдоиши ӯ ҳокими ғайринчингизӣ - Муҳаммад Раҳимхон барои барпо намудани маросими тоҷгузорӣ монеа нашуд. Қонунӣ гаштани ба тахтнини Раҳимхонро Анке Фон Кюгелген муайян намудааст. Ӯ бо ишора ба Ёумулӣ ва Мирӣ қайд мекунад, ки "гӯё дар Мовароуннаҳр насли мардонаи Чингизхон дигар набуд ва аз ин рӯ Муҳаммад Раҳимбӣ хон эълон карда шуд"³.

Муҳаммад Раҳимхон, маросими тоҷгузорӣ ва тақсимои мансабҳо ба итмом расонида, ба Самарқанд рафт, то, ки ҳамон маросимро дар он ҷо низ баргузор кунад. Гап дар сари он аст, ки феврал пас аз маросими "Бардоштан дар намади сафед" дар Бухоро, Раҳимхон ба Самарқанд омад, то, ки ин маросимро анҷом диҳад. Аммо самарқандиён иҷозат надоданд, ки ин маросим дар шаҳри онҳо гузаронида шавад. Тибқи одати пешинӣ, маросими тоҷгузорӣ дар хонии Бухоро дар ду шаҳр баргузор мешуд.

Дар Бухоро ва Самарқанд анҷом додани маросими тольгузорию хон хусусиятҳои хоси ҳудро дошт. Дар Бухоро хон маросими тахтнини ба ӯ оварда, савганди садоқат ёд мекард ва бо ин амал ӯро қонунии идоракунии кишварро ба даст мегирифт⁴. Маросиме, ки дар Самарқанд иҷро мешуд, ба андозаи бештар ҳамчун амали муқаддас барои мустақам кардани ҳуқуқи қонунии ҳукмронӣ дар давлат зарур дониста мешуд. Бояд хон «ба санги ҳокимтарӣ нишаста, [ҳамаи] қабилаҳо ва улусҳои атрофро

Средней Азии XVII-XVIII вв. : (Золотые и серебряные монеты Джанидов).-Душанбе, 1964. С.178-183.

¹ Соловьева О.А. Поведенческий символ власти и политическая социализация: (Бухарский эмират XIX-начала XX вв.) //Журнал социологии и социальной антропологии. – 2001. –Т.4. - № 4. С.108

² См. об этом: Анке Фон Кюгельген. Легитимация... С. 268.

³ Там же... С.269.

⁴ Амин-и Бухари, Мир Мухаммед. Убайдулла-наме / Пер. с тадж. А.А. Семенова.-Ташкент, 1957. С.109.

ором мекард»¹. Бо савганди дуввум, намояндагон (пешвоён)-и қабилаҳои бонуфуз ва амалдорон итоати ниҳой ва эътирофи хонро маълум мекарданд. Ба як калима, дар Бухоро баргузор шудани маросими тоҷузори ҳокимияти вориси тахтро қонунӣ мекард ва тоҷузори такрорӣ дар Самарқанд муқаддас будани ҳокимияти хонро тасдиқ мекард. Аҳамияти ҳарду маросим аз он иборат буд, ки ҳатто агар мубориза барои қудрат қатъ нашуда бошад ҳам, аллақай мавқеи хон мустақкам мегафт, зеро намояндагони гурӯҳҳои муҳолиф бо хони қонунӣ мубориза мебуданд ва қудрати худро аз даст меоданд².

Ҳамин тавр, баргузор намудани маросими тоҷузори робитаи ҳокимияти марказиро бо маъалҳо ва вилоятҳои хонигарӣ мустақкам мекард, ба иваз шудани ҳокимони маъалҳо ва мансабҳои давлатӣ мусоидат менамуд, мустақкамии ҳокимияти марказӣ ва тартиботро дар низомии идоракунии давлатӣ таъмин менамуд.

Н.А.КИСЛЯКОВ ТАДҚИҚОТЛАРИДА БУХОРО АМИРЛИГИДАГИ ФЕОДАЛ ВА ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ МУНОСАБАТЛАРИНИНГ ЎРИТИЛИШИ

*Умаров Бахтишод Бахриддин ўгли-
БухДУ магистранти*

Ўрта Осиёдаги патриархал-феодал муносабатлар асосан кўчманчи ёки ярим кўчманчи жамиятлар асосида ўрганилиб келинган. Бу муаммо йигирманчи асрнинг бошларига қадар ўрганилмаган. Сабаби кўчманчи ва ярим кўчманчи аҳоли анча пайтлардан бери ҳаракатсиздир. Н.А.Кисляков патриархал-феодал муносабатларни тадқиқ этиш мақсадида иқтисодӣ ва маданий жиҳатдан кам ўрганилган Бухоро амирлиги ҳудудларини танлади.

Бухоро амирлиги ҳудудларида дала тадқиқотлари олиб бориш давомида кўплаб муҳим жиҳатларни, оила-ниҳоҳ ва феодал-патриархал муносабатлар билан боғлиқ маълумотларни қайд этиб борди ва ўз асарига киритди³. Бухоро амирлигида кўчманчи аҳолининг улуши оз бўлганлиги, амирликнинг сўнги давридаги аҳолининг асосий қисми ўтроқ бўлганлиги боис тадқиқотлар давомида Н.А.Кисляков йирик фундаментал асарлар, қўл ёзмаларга ҳам мурожаат қилди.

Тарихдан маълумки, 1950 йилда ушбу муаммо Тоҷикистонда ўтказилган махсус илмий сессия давомида ва “Вопросы истории” журнали саҳифаларида тарихчилар ва этнографлар ўртасида қизгин мунозарага сабаб бўлган. Кисляков собиқ Бухоро хонлигининг ўзига хос ўтроқ қишлоқ

¹ Ҳамон ҷо. С.54.

² Соловьева О.А. Поведенческий символ власти... С.109.

³ Кисляков Н.А. Патриархально-феодалные отношения среди оседлого сельского населения Бухарского ханства в конце XIX-нач XX вв. М-Л, 1962.

аҳолиси ҳақидаги материаллар асосида масалани ишлаб чиқиш вазифасини қуйидагича белгилаб берди: “Патриархал-феодал муносабатлар формуласи” икки хил муносабат турини, яъни патриархални бир томондан, феодал, бошқа томондан, лэкин уларнинг ҳар бирига хос бўлган муносабатларнинг моҳиятини белгиламайди, қайси муносабатлар устун бўлганлиги ва етакчи бўлганлигини кўрсатмайди деб таъкидлади. Н.А.Кисляковнинг иши қишлоқнинг ўтроқ аҳолисига бағишланган бўлсада, муносабатларнинг асосини шаҳарда маълум бўлган, ижтимоий муносабатларнинг ўзига хос хусусияти (хусусан, ҳунармандчиликнинг ўрни), патриархал-феодал муносабатларнинг асосий томонларини кўриб чиқиш вазифаси, шунингдек, Бухоро хонлиги шаҳарлари ўрганаётган О. А. Сухарева тадқиқотларига мурожаат қилиш ташкил этди¹.

Н.А.Кисляков “Бухоро хонлигида XIX аср охири –XX аср бошларида ўтроқ аҳоли орасида патриархал-феодал муносабатлар” асарида ўша даврлардаги ижтимоий ҳаётни очиб берди. Олимниг ушбу асари ўша даврда этнография ва тарих фани дунёсида катта шухрат қозонди. СССР ФА нинг Москва ва Ленинград бўлимларда асар юзасидан бир неча бор этнограф олимлар тўпланиб, муҳокама ўтказганлар. Ҳар томонлама асар ўрганилиб чиқилгандан сўнг ҳар иккала бўлим ҳам уни чоп этишга рухсат берди. Қизиқарли жиҳати шундаги асар 1962 йил бир вақтда ҳам Москвадан, ҳам Ленинграддан нашр этилди. Асарда Бухоро хонлигида ривожланган феодал муносабатлар ва уларнинг капиталистик тараққиётга тўсиқ бўлиб, аҳолининг турмуши, қишлоқ ҳаёти, аграр муносабатлар баён қилинади. Биринчи бўлим деярли 30 бетга яқин бўлиб, унда Бухоро хонлигининг (амирлиги) XIX аср охири – XX аср бошларидаги ижтимоий-иқтисодий ва сиёсий ҳаёти ҳақида муҳим маълумотлар бериб ўтилади. Асарнинг қимматлилик жиҳатини оширган жиҳатлардан бири Н.А.Кисляков томонидан XVI-XVII асрларда Бухорода бўлган рус сайёҳлари, савдогар ва элчилари томонидан қайд этилган кундаликлар ва ҳужжатлар билан таққосланган ҳам эди.

Ушбу масала бўйича Н.А.Кисляков учун қимматли маълумотларни Д.Н.Логофет, А. Шишов, В.И.Масалский ва В.В.Бартолд асарлари берган. Бухоро хонлигининг патриархал-феодал муносабатларига оид илмий-тадқиқот ишларини ёзишда Н.А.Кисляков 20-30-йиллардаги, шунингдек, урушдан кейинги 50-йиллардаги тарихий-этнографик материаллардан фойдаланади. Тадқиқотлар асосан Бухоро хонлигининг шарқий қисмида амалга оширилди. Бироқ, шуни таъкидлаш керакки, Н.А. Кисляков XIX аср охири - XX бошларидаги Бухоро хонлигининг архив материалларига мурожаат қилади. Шундай қилиб, Н.А.Кислякова ўтроқ аҳоли орасида Бухоро хонлигидаги патриархал тузумга оид материалларни таҳлил қилиб, Бухоро хонлиги даврида феодал мулк шакллари, асосан “танҳо” каби

¹ Сухарева О.А. Позднефеодальный город Бухара конца XIX –нач. XX вв, Ташкент.1962//Историко-этнографический очерки.Ташкент,1958.

тоифалар билан ривожланган еди, Ғарбий Бухоро рентабеллик тури иқтисодиётда эмас, балки заминда деган хулосага келади. Бухоро амирлигининг сўнгги хукмдорлари даврида хазинани тўлдиришнинг асосий манбаи аҳолидан олинадиган солиқлар бўлиб қолган эди. Янги-янги солиқларнинг жорий этилиши, ёки мавжуд солиқларнинг номи ўзгаритилиб қўйилиши аҳолини оғир аҳволга солиб қўярди. Ердан олинадиган асосий солиқлар “ушр”, “танҳо” ва “амал” солиқлари эди.

Н.А.Кисляковнинг таъкидлашича, энг сўнгги жорий қилинган солиқлардан бири “бона” ёки “танобона” бўлган. Полиз экиладиган ерлардан олинадиган ушбу солиқ тури асосан унумдор ерлардан сув билан таъминланганлигига қараб олинган. Агар далалар ёки боғлар ариқ ва каналлар яқинида бўлса катта солиқ тўлар эдилар. Н.Ф.Ситняковскийнинг ёзишича, 1899 йилда Зарафшон дарёсининг ўнг томонидан 32 та ариқ сув олган бўлса, сўл томонидан 20 та ариқ сув олган¹. Тадқиқотчи В.И.Масальский маълумотлари бўйича, 1892 йилда Зарафшон дарёсининг ўнг томонида 25 та , сўл томонида эса 18 та ариқ бўлганлиги қайд этилади². Агар 1892-1899 йилларда Зарафшон дарёсидан 9 та янги ариқ чиқарилгани ҳисобга олинса, гўёки амирликда суғориш тизими, йилдан – йилга яхшиланиб борилгандай кўзга ташланади. Аслидачи, бу даврда ҳам Бухоро амирлиги аҳолиси кам сувлик ва сувсизликдан қийналиб яшарди. Солиқлар эда муттасил ошириб борилар эди. Шарқий Бухоро ҳудудларида танҳо ерлари алоҳида хизматлари учун берилган бўлса-да, асосан, танҳога эгалик қилинган амалдор, амирлик олдида хизматлари баланд бўлган шахслар асосан танҳодан келадиган дароматга эгалик қилар эдилар. Бу эса уларни қишлоқнинг йирик мулкдорига айлантириб қўярди. Н.А.Кисляков “танҳо” ни ўрта асрлардаги “икто”га таққослайди. Бухоро амирлигининг чекка ҳудудларида танҳони олганлар катта мавқеига эга бўлибгина қолмай бошқарувга ҳам ўз таъсирларини ўтказган эдилар. Шарқий Бухородаги Қоратегин беклигида танҳо ерларини олган амалдор амир ва беклик ҳокимига “тортиқи” деб номланган совға-саломлар ва қимматбаҳо буйумлар тақдим этишган. Шу муносабат билан Қоратегиннинг деярли бутун аҳолиси: 1) амирга унинг жойлардаги вакили –ҳокими учун ер рентасини тўлаган “факирлар” ва 2) ўз ерларини “танодорларга” берган “бой” каби иккига бўлинган эди. Танҳодорнинг қонун билан белгиланган хуқуқлари “ушр” ва “амал” солиқларини олиши билан ниҳоясига етган³.

Н.А.Кисляков ўз асарларида "танҳо" га параллел равишда Салжуқийлар даврига оид “икто” ни ҳам айтиб ўтади. В.В.Бартольд⁴ ва

¹ Н.Ф.Ситняковский. Заметки о бухарской части долины Зарафшана. СПб, 1899. Том-1., -С.135.

² В.И.Масальский. “Хлопковой дело в Средней Азии (Туркестан, Закасп.обл. Бухары и Хива) и его будущее. СПб,1982.,-С.145.

³ Кисляков Н.А. Очерки по истории Каратегина. К истории Таджикистана.2-е издание, испр. И доп. Таджикгосиздат, Сталинабад.1954.223 с

⁴ Бартольд В.В. Туркестан в эпоху монгольского нашествия,11,СПб,1900. С.326-327.

А.А.Семенов иқто фақат вақтинчалик мукофот, иқто эгаси деҳқоннинг мол-мулкига, хотинларига ва болаларига емас, балки ортиқча маҳсулотига эга бўлиш ҳуқуқига эга бўлганлигини Низомулмулк сўзларини келтириб ўтадилар. В.В.Бартолд бу масала бўйича Д.Н.Логофет билан баҳслашар экан, у Бухорода деҳқонлар ҳақ-ҳуқуқлари тўла-тўқис эканлиги тўғрисида нотўғри гапираётганини таъкидлайди, мансабдор ўз даражасига қараб унга бўйсунувчининг маълум ҳудуддаги деҳқонлар устидан ҳукмронликни амалга ошириши ҳақида таъкидлайди. Бухоро ерларининг сувсиз дашт, тўқайзор қисми кўчманчи жамоаларга бўлиб берилган бўлиб, улар бу ерлардан фойдаланганликлари учун давлатга хирож тўлар едилар. Бундай ерлар сотилмасди ва айирбошланмасди. Бухоро амирлигининг шарқий қисмида Қоратегин, Дарбоз ва Кўлоб ҳудудларида табиий-географик жиҳатдан унумдор ва агротехника воситалари, шунингдек, сув билан яхши таъминланганлиги боис хирож солиғи бошқа ҳудудларга нисбатан юқорироқ олинган. Давлат ерларининг бошқа бир қисми ҳукмрон сулола аъзоларига, йирик давлат мансабдорларига, лашкарбошиларига давлат олдидаги хизматлари евазига суюрғол шаклида инъом етилган эди. Суюрғол олганлар у ерни бошқариш ҳуқуқини ҳам олганлар. Суюрғол эгаси давлат хазинасига хирож тўлаши ҳамда олий ҳукмдорнинг чақириғига кўра ўз қўшини билан ҳарбий юришларда иштирок етиши лозим эди. Шоҳмурод замонида ҳар бир зироатчидан қўшпули (ҳар қўш (48-50 таноб) ердан 40 тийин) олинган. 1807-йили амир Ҳайдарнинг бир ёрлиғида ҳар таноб ердан бир тиллодан танобона олиниши зарурлиги кўрсатилган. Агар экинзор эгаси танобона тўлашдан бош торца, ҳосилнинг учдан бир қисми мол (хирож) тариқасида олинган. Баъзида хирож ҳосилнинг ярмини ташкил етган. XV-XVIII асрдан закот солиғи бевабечоралар, мусофирлар фойдасига олинган бўлса, XVIII асрдан бошлаб хазина фойдасига олинадиган бўлди. Қоратегин ва Дарвоздаги эксплуатация шакллари деҳқонга нисбатан жуда қаттиқ бўлган, “танҳо” ерларида бўлган деҳқонлар ўз танҳохурларига солиқ ва тўловларни тўлашлари шарт эди. Кейинчалик деҳқонлар устига ҳукумат “подшои” солиғини амир хазинасига тўланадиган солиқни ҳам қўшди¹. Н.А.Кисляков Бухоро хонлигининг Шарқий қисмида, қисман деҳқонларга солиқ солинадиган ва деярли бутунлай феодалларга қарам бўлган Каратегин ва Дарвоздаги феодал муносабатларнинг моҳиятини аниқлаб ва ёритиб бера олди.

АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ

1. Boltayev, Bobir Baxtiyorovich. "BUXOROLIK MINIATURACHILASSOM SADRIDDIN POCHCHAYEV IJODIGA BIR NAZAR." *Scientific progress* 1.6 (2021): 998-1004.

¹ Кисляков Н.А. Очерки по истории Каратегина.//К истории Таджикистана Сталинабад,1954,С.-115-116

2. Rajabov, Oybek Iskandarovich. "BUXORODAGI AYRIM MUQADDAS QADAMJO-QAL'ALAR XUSUSIDA." *Scientific progress* 1.6 (2021): 1162-1168.
3. Умаров, Б. Б. "НА КИСЛЯКОВ ТАДҚИҚОТЛАРИДА ЖАНУБИЙ ТОЖИКИСТОН ЭТНИК ТАРИХИ." *Scientific progress* 1.6 (2021): 1005-1009.
4. Тўраева, Г. Б., Ўтаева, Ф. Х., & Жумаева, Н. А. (2021). ОА СУХАРЕВА ТАДҚИҚОТЛАРИДА БУХОРО ТАРИХИ ВА ЭТНОГРАФИЯСИНИНГ ЎРГАНИЛИШИ. *Scientific progress*, 1(6), 1010-1018.
5. Bakhtiyorovich, Boltaev Bobir. "Excerpts from the life of the bukharian artist." *Middle European Scientific Bulletin* 12 (2021): 160-165.
6. Ochilov, A. T. "DATING OF THE ZAMANBABA CULTURE: ASSED ON ARCHAEOLOGICAL SOURCES." *Theoretical & Applied Science* 12 (2019): 589-591.
7. Mubinov, M. A. "Diplomacy of the eastern states and central asian khanates in the struggle for independence." *CENTRAL ASIAN JOURNAL OF SOCIAL SCIENCES AND HISTORY* 2.5 (2021): 26-31.
8. Maksud, Beshimov. "Markets of Bukhara." *CENTRAL ASIAN JOURNAL OF SOCIAL SCIENCES AND HISTORY* 2.5 (2021): 18-21.
9. Sharopov, Dilshod Ravshan O'G'Li. "ABDURAZZOQ SAMARQANDIYNING "MATLAI SA'DAYN VA MAJMAI BAHRAYN" ASARINING O'RGANILISH TARIXI." *Scientific progress* 2.1 (2021): 358-361.
10. Очилов, Алишер Тўлис Ўғли. "БУХОРО ВОҲАСИ ШАКЛЛАНИШИДА ЗАРАФШОН ДАРЁСИНИНГ ЎРНИ ВА ВОҲА ТАРИХИЙ ГЕОГРАФИЯСИГА ДОИР АЙРИМ МУЛОҲАЗАЛАР." *Scientific progress* 1.6 (2021): 933-938 Murodova, Dilrabo Shomurodovna, and Feruza Xolmamatovna O'tayeva. "TF Gelax tadqiqotlarida Buxoro shahri mudofaa tizimining organilishi." *The Fifth International Conference on History and Political Sciences*. 2015.
11. Turaevich, Halimov Talat. "From the history of economic relations between central asia and india (XV-XVII centuries)." *CENTRAL ASIAN JOURNAL OF SOCIAL SCIENCES AND HISTORY* 2.5 (2021): 22-25.
12. OCHILOV, Alisher. "JEWELRYC TRADITION IS A SOURCE OF STUDY OF BUKHARA HISTORY." *Bayterek Uluslararası Akademik Araştırmalar Dergisi* 1.1: 105-116.
13. Бобожонова, Феруза Хаятовна. "БУХОРО МАДРАСАЛАРИ МАЪНАВИЯТ ДУРДОНАСИ." *Scientific progress* 2.1 (2021): 362-366.
14. Муродова, Дилрабо Шомуродовна. "ИККИНЧИ ЖАҲОН УРУШИ ЙИЛЛАРИДА БУХОРОДА ИЛМ ВА ФАН (БУХОРО ПЕДАГОГИКА ИНСТИТУТИ МИСОЛИДА)." *Scientific progress* 2.1 (2021): 660-664.

15. Ochilov Alisher. "The Role of Zamanbaba Culture in The Social and Economic History of Bukhara Oasis During Bronze Age." *CENTRAL ASIAN JOURNAL OF SOCIAL SCIENCES AND HISTORY* 2.4 (2021): 42-47.
16. JAMOLOVA, DILNOZA MUYIDDINOVNA. "THE END OF THE EMIRATE OF BUKHARA: THE END OF THE POLITICAL STRUGGLE BETWEEN THE JADIDS AND THE ULEMA." *International Journal of Philosophical Studies and Social Sciences* 1.1 (2021).
17. Jamolova, D. M. "Traveling to Modernity: Perception of Modernity of the Central Asian Muslims in the early 20th century." *International Journal of Psychosocial Rehabilitation* 9.24 (2020): 4202-4207.
18. Темиров Ф., Исломов Д. САДРИДДИН АЙНИЙ–ЗАМОНДОШИ ФИТРАТ ҲАҚИДА //Scientific progress. – 2021. – Т. 2. – №. 1. – С. 1349-1354.
19. Темиров Ф., Халикова Н. БУХОРО АМИРЛИГИДА ТАШҚИ СИЁСАТ ВА ДИПЛОМАТИЯНИНГ РИВОЖЛАНИШИ ТАРИХИДАН //Scientific progress. – 2021. – Т. 2. – №. 1. – С. 1276-1282.
20. Темиров Ф., Умаров Б. БУХОРО АМИРЛИКДА ОИЛА, НИКОҲ ВА МЕРОС ҲУҚУҚИНИНГ АМАЛДА ҚЎЛЛАНИШИ //Scientific progress. – 2021. – Т. 2. – №. 1. – С. 1201-1207.

МОЗИЙ ДУРДОЛАРИ СЎЙЛАГАНДА - ЁХУД МАТОДАГИ БИТИКЛАР

*Носирова Сория Саиджоновна-
Бухоро давлат музей-
қўриқхонаси мутахассиси*

Азалдан халкимизнинг диний эътиқоди, илмга бўлган чанқоғлиги ва тафаккурининг юқори савияда бўлганлиги сабаб, ижодкорона қарашларини ўз хунарларида ҳам акс эттирганлар. Нафақат Турон заминидан етишиб чиққан улуғ алломаларнинг мерослари, балким, хунармандлар томонидан яратилган нодир ашёлари, эпиграфика санъати орқали, Исломий илмлар хазинасини бойитишга ўз ҳиссаларини қўшиб келганлар. Мана шундай хунарлардан бири каштадўзлик, деярли барча халқларда қадимийлиги, иклими, табиий шароити, атроф-муҳити билан боғлиқ ҳолда ҳар бир халқ санъати, касб-хунар турлари билан бирга, улар таъсирида Ислом дини маданияти ривож топганлигини кўрсатади. Каштачилик хунари билан қадим-қадимдан хотин-қизлар шуғуланиб келишган бўлсада, хунарнинг сир-асрорларини пухта ўрганиб олишган ва безакли кашталарни тикибгина қолмай эпиграфика санъатидан ҳам кенг фойдаланиб келишган. Мана шундай қадимий кашталардан бири бўлган

лаълипўш ҳозирги кунда ҳам инсонлар диққатини ўзига тортмай қолмайди. Буни тиккан аёл табиатининг нозиклиги яққол кўринади. Қизнинг келин бўлиб тушган хонадонда, қизнинг тиккан сепига қараб қандай оилада тарбия олганлигини ва оиланинг мавқеини билишган. Хонадонларнинг деворларидан тортиб уй анжомларигача, сўзани, нимсўзани, жойнамоз, ойна халта, тароқ халта, лаълипўш, либослардан нимча, кўйлақларнинг ёқа ва этак безаклари, паранжилар, ҳатто оёқ кийимлари ҳам каштадўзлик санъати билан безатилган бўлган. Шундай санъат дурдоналаридан бири бўлган, “Йўрмадўзи” услубида нафис қилиб тикилган ноёб лаълипўш ҳақида таърифламоқчиман. Лаълипўш айлана кўринишда оч жигар рангли бахмал матода оч кўк, сариқ, қизил ва сабзи рангдаги ипак иплар ёрдамида “ислимий” нақшлар билан безатилган. Ипак иплар 100% табиий бўёқларга бўялиб ишлатилган. Табиий ранглар асосан илдизлардан, сабзавот, мевалар ва ўсимликлардан олинган. Масалан сариқ ранг-пиёз пўстидан, қизил ранг рўяндан, яшил ва кўк ранглар қошни бўяйдиган ўсмадан, жигар ранг ёнғоқ пўстидан олинган. Шу билан бирга насталиқ хатида араб ҳарфларда форс тилида ёзувлари мавжуд. Лаълипўшнинг четки ҳошияси “канда хаёл” техникасида қизил, оқ рангларда ипак ипларда нақш тикилган. Ҳошиянинг ички қисмида араб тилидаги ёзувлар, тўлқинсимон уч япроқли нақшлар, икки япроқли барг ва “тагалак” нақшли бутагул (хаёт дарахтига ўхшаш) марказга қараб тўлқинсимон уч япроқли сабзи рангдаги баргли мотивлар орқали бирлаштирилган.

Тўлқинсимон нақш–ҳаётнинг пасту-баландликлардан иборат эканлигига қиёсланган. Бутасимон гул хаёт дарахти мисол қизнинг келин бўлиб тушган хонадонга хаёт дарахти мисол кўқариши назарда тутилган бўлиши мумкин.

Лаълипўшдаги чиройли араб тилидиги сатрлар билан безалган сўзлар оҳанги жуда нафис ишланганлиги кўриш мумкин. Хонадон аъзолари дастурхон атрофида йиғилиб ўтирар экан, динга, илмга бўлган ҳурмат ва эътиқодини сатрларда ўз дури гавҳарларини сочганлигини гувоҳи бўлишимиз мумкин. Лаълипўш атрофидаги ёзувли безак кўйидагича:

Таржимаси:

Фуруғи ҳусни яктойи ки партав афкон аст имшаб
Тажаллийи дасгоҳам тури шамъ айман имшаб
Ба Фирдавс сари кўяш ба по шавам бихамдиллах
Сар сивоям дари ҳабиб ё дари доман аст имшаб.
Бихамдиллах, бабам чун субҳи давлати равшан аст имшаб.

Мазмуни:

Ягона бўлган зотнинг, яъни пайғамбаримиз С.А.В.нинг
Ҳуснларининг нури бу кеча ўз нурини сочади,

Бу кеча дастгоҳим жилваси Тур тоғида нур сочган бахтли шамъ каби бўлади.
Фирдавс жаннатида унинг, яъни пайғамбаримизнинг кўчасига кириб қолсам,
Аллоҳга шукур қилган ҳолда, Аллоҳнинг ҳабибининг яъни пайғамбаримизнинг эшикларига бошимни буриб, этакларини кўзимга суртар эдим.

(Бухоро давлат университети доценти А. Болтаев таржимаси)

Олиб борилган илмий изланишлар натижаси шуни кўрсатадики, бу каштачилик намунаси Бухоро амирлигининг Ғиждувон, Шофиркон каштачилик мактабларига хос беқиёс саъат асаридир. Моҳир ҳунармандлар ўзларининг урф-одатига кўра баъзи нақш ёки ҳарфларни тўлиқ тугалламаган. Балким булар бу ҳатти ҳаракатлари билан, тикаётган каштасининг битказмай кўйишига сабаб, ўз ҳунарларини келгуси авлодлари давом эттириши мақсадида охиригача битказмасдан ўз анъаналарига содиқ қолгандир. Нима бўлганда ҳам бундай дурдона санъат асарларини яратишнинг ўзи бир мўжиза десак янглишмаган бўлармиз.



АРХЕОЛОГИК ТАДҚИҚОТЛАРДАГИ ИННОВАЦИОН ҲАМКОРЛИК

Утаева Феруза Холмаматовна
Бухоро Давлат Университети
Бухоро тарихи кафедраси катта ўқитувчиси
Аббосов Аббосали Зарипович
Ислом Каримов номидаги
давлат стипендияси совриндори

Замонавий рақамли инновацияларни базасини кенгайтириб, фанни маълумотлар базасини такомиллаштириб борилиши давр талабидир. Тарихга таълуқли рақамларнинг салоҳиятини оширишнинг аҳамиятли

йўлларида бири бу археологик тадқиқотлардир. Тарихнинг аҳамиятини бойитиб борилишида инновацион ҳамкорликнинг даражаси юқоридир.

Бугунги кунда ҳар қандай давлатнинг барқарор тараққиёти асосини инновацион фаолият ташкил этади. Тарих шундан далолат берадики, инсон ўзининг ақл-заковати билан дастлабки меҳнат қуролиларини ўйлаб топди ва меҳнат қуролилари ёрдамида ортиқча маҳсулотлар ишлаб чиқдилар. Ўша ортиқча маҳсулотларни сотиш учун бозорларни ташкил этдилар. Одамлар гавжум ва кўп бўлиб ўзларидан ортиб қолган қўшимча маҳсулотларни сотадиган жойларда дастлабки шаҳарлар пайдо бўлди. Шаҳарларда ҳаёт ва тараққиёт ривожланди, замонавий инновацион компьютерлар ва бошқа юқори технологияларни кашф этишгача бўлган мураккаб йўлни босиб ўтди.

Бугун биз давлат ва жамият ҳаётининг барча соҳаларини тубдан янгилашга қаратилган инновацион ривожланиш йўлига ўтмоқдамиз.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев томонидан 2018 йилни “Фаол тадбиркорлик, инновацион ғоялар ва технологияларни қўллаб-қувватлаш йили” ва 2019 йил “Фаол инвестициялар ва ижтимоий ривожланиш йили” деб эълон қилинди. Инновация бу келажак дегани. Биз буюк келажакимизни барпо этишни бугундан бошлайдиган бўлсак, уни айнан инновацион ғоялар, инновацион ёндашув асосида бошлашимиз керак.¹

Ўзбекистонда мустақилликнинг дастлабки йилларидан мамлакатимиз илм-фани, етакчи илмий мактаблар, биринчи навбатда, энг йирик ва муҳим аҳамиятга эга ташкилот Ўзбекистон Республикаси Фанлар Академиясини янада ривожлантиришга эътибор қаратилди. 1992 21-июлдаги “Илм-фанни ривожлантиришни ва инновация фаолиятини давлат йўли билан қўллаб-қувватлаш чоралари тўғрисида” ги қарори илм-фан ва инновацияларни ривожлантириш соҳасидаги дастлабки ҳужжатлардир.

Инновацион ғоялар ва тенденциялар борасидаги изланишлар самарасида Бухоро тарихида илм-фан тараққиёти ва ривожланиш жараёнида жуда катта ўзгаришлар ва ютуқларга эришилди. Айниқса, археологик тадқиқотлар Бухоронинг қадимийлиги ва цивилизация жараёнларининг тарихи қайтадан кенг ўрганилди. Ўзбекистон ЮНЕСКО га аъзо бўлганидан кейин, Бухоронинг қадимий ёдгорликлари ва маданий обидаларига эътибор янада ошди ва тадқиқот ишлари жонлантирилди. Археологик объектларга инновацион нуқтаи назардан ёндашилди. Жаҳон археологик тадқиқотлардаги изланишлар ва тенденциялар Бухородаги қадимики археологик объектларни ўрганишга жалб этилди.

Тарихдан маълумки инсониятнинг маданий ва маърифий жиҳатдан ривожланган маскани бу илк шаҳарлардир. Бухоронинг энг қадимги шаҳарларидан бири бўй Пойкентдир. Археологик маълумотларга қараганда

¹ Шавкат Мирзиёев Олий мажлисга мурожатномасидаги нутқи. “Халқ сўзи” газетаси. 2018 йил 22-декабр

бу хуудда инсоният бронза давридан бошлаб яшай бошлаган. Ўзбекистонда иккинчи жаҳон уруши йилларида ФАнинг филиалининг ташкил этилиши Археологик тадқиқотларнинг Бухорода ва айниқса, Пойкентда ишлари кенг олиб борилган. Жумладан, 1940 йил Эрмитаж музейининг илмий ходимлари А.Ю.Якубовский, В.Н.Кесаев ва В.А.Шишкин Пойкентнинг топографик харитасини яратдилар. 1980 йилларда Ўз ФА Археология институтининг етакчи илмий ходими А.Р.Муҳаммаджонов, Ж.Мирзааҳмедовлар ва Эрмитажнинг илмий ходими Г.Л.Семёнов иштирокида Пойкентда қазилмалар ўтказилди. 1990-2000 йилларда Ўзбекистон-Россия қўшма экспедицияси Пойкент шаҳар харобаларини ўрганиб, йиллик ҳисоботларни ёзиб қолдирдилар. 2000-2002 йилларда Тайван университети археолог аспирантлари Жон Стенли – Бейкер бошчилигида шаҳарнинг ғарбий қисмида изланишлар олиб бордилар. Пойкентдаги уйлар Варахша ва Афросиёб уйларида фарқли равишда қурилганлигини аниқладилар. 2002- 2004 йилларда шаҳарнинг арк қисмида Б.Абдуллаев ва Н.Собировлар изланишлар олиб бордилар. IX-XI асрларда аҳоли яшаш учун ўзларига анча қулайликлар, жумладан, ҳар бир уйда ҳаммом, ташнай, ва ҳожатхона алоҳида қилиб қуриш анъанаси ўзлаштирилди. 2005 йилда беш вақт номоз ўқиладиган масжид топиб ўрганилган. Замонавий инновациялар ёрдамида кейинги ўн йил давомида Пойкентда археологик изланишлар самараси сезиларли даражада амалга оширилди.¹

Бухоро тарихини яънада бойитиш ёки унинг тарихнинг 3000 йиллик бой манбага эга эканлигини юзага чиқаришда жаҳондаги илғор тажрибалар билан инновацион ҳамкорликни узлуксиз олиб боришлигидир. Пойкентда археологик тадқиқотларнинг кўламини яънада кенгайтириш аҳамиятлидир.

Қизилқир неолит, жез даврига мансуб археологик ёдгорликлар мажмуасида ҳам тадқиқотлар кенг олиб борилган. Вобкент дарёсининг қадимги адоғи, Бухоро шаҳридан 40 км шимолий-ғарбда жойлашган бўлиб, 1953 йилда Я.Ғ.Ғуломов томонидан қайд этилган. 1953 - 1960 йилларда Ўзбекистон ФА Тарих ва археология институтининг Моҳондарё археологик экспедицияси ходимлари томонидан археологик қазилмалар ўтказилган. Тадқиқотлар натижасида Қизилқир археологик мажмуаси 4 даврга мансуб 4 та ёдгорликдан иборатлиги аниқланган. Улардан давр жиҳатдан энг қадимгиси неолит даври (милоддан аввалги 4 – 3 - минг йиллик) га оид манзилгоҳ ва микролит (майда тош) қуроллар яшаш устахонасининг ўрни бўлган. Мустақиллик йилларида бу ёдгорликда археологик тадқиқотлар олиб борилди. 2002 йилларда ёдгорлик саҳнидан кўгшаб чакмоқтош, ақиқ, оқ хальседон ва шаффоф тош жинсларидан ишланган микролит қуроллари топиб ўрганилган.

¹ Ўзбекистон миллий энциклопедияси. Т: 2001.2-том.-Б- 435

Замонбобо маданияти Қоракўл тумани марказидан 15 км шимолий-ғарбда жойлашган Замонбобо (номи шундан) кўли соҳилидаги макон (майдони 170 м²) ва қабристон (44 қабр) ўрганилган. Қабристонда Я.Ғуломов (1950-1951, 1953-1954), А.Аскарлов (1961, 1964) археологик казиш ишлари олиб борган. Қабилалар ярим ертўла, енгил чайлаларда яшаган. Ертўла ўтов шаклида, устунлари чуқурчаларга ўрнатилган, усти камиш билан ёпилган ва сомонли лой билан сувалган. Ўчоқ ва дон сақланадиган ўралар девор яқинида бўлган. Қабрларда мурдалар якка, жуфт, айрим ҳолда учтадан (эркак, аёл, бола) ёнбошлатиб кўмилган. Қазилмаларда сопол синиқлари, чақмоқтошдан ишланган қуроллар - япроқсимон пайконлар, пичоқсимон тош парчалар, сурма тошлар, жез ойна, пичоқ, куракчалар, лазурит, ақиқ, феруза, сердолик, жилвир тошдан ишланган мунчоқлар, олтин маржон топилган. Сопол идиш (таги текис ва думалоқ хум, хумча, тўғри бурчакли сувдон, товоқча) лар нақшсиз бўлиб, асосан, кўлда, айримлари чарҳда ясалган. Уларнинг деярли барчаси юпқа, жарангдор, баъзилари қизил ангоб билан бўялган. Чақмоқтошдан ишланган қадама ўроқлар, ёргучоқ бўлаклари, ҳовонча дасталар ва кўмирга айланган буғдой, арпа донлари, сигир, кўй, эчки суякларининг топилиши, 1990-2005 йилларда археологик тадқиқотлар натижасида ҳосилдорлик маъбудасининг кичик сопол ҳайкалчасига мўл-кўлчилик рамзи сифатида эътиқод қилинган бўлса керак. Бадахшон тошидан ишланган мунчоқ, Жанубий Туркменистондаги қабилаларнинг сопол идиш ва бошқа буюмлари Замонбобо маданияти қабилаларининг кўшни қабилалар билан иқтисодий ҳамда маданий алоқада бўлганлигини кўрсатади. Бу районда неолит даврида Калтаминор маданиятига мансуб қабилалар яшаганлиги ҳам аниқланди.¹

1949-1954 йилларда Варахша тарихи ва меъморлиги ўрганилди. Квадрат шаклдаги йирик хом ғиштлардан кўшминора тарзида ўраб чиқилган тагкурси (баландлиги 15 м) ларнинг бирига подшо саройи ва иккинчисига соқчихонали дарвозахона бино қилинган.

Варахша ва унинг атрофида В.А.Шишкин (1937-1939, 1947-1954) кенг кўламда археологик тадқиқотлар олиб борган; А. Муҳаммаджонов (1975-1977), О.В.Обельченко (1977-1979), Г.В.Шишкина (1987-1990) ҳам Варахшанинг айрим қисмларида казишмалар олиб боришган. Археологик казишмалардан маълум бўлишича, Варахша милоддан аввалги 2 - асрда бир-бирига туташган бир нечта истехкомли қишлоқлар тарзида қад кўтарган. Мустақилликнинг дастлабки йилларида Варахша ёдгорлигига замонавий инновацион интеграциаллашув йўли билан хорижий давлатларнинг етук олимлари яъни археологлари жалб этилиб Бухоро тарихига жуда катта ҳиссалар кўшилди. Археологик топилмалардан аниқланишича, жанубий хоналарнинг иккинчи қаватидаги хона ганчкори

¹ Б. Мирзокулов Бухоро тарих зарварақларида.Т., 2016.-Б-8-9

нақшлар билан безатилган экан. Кўплаб топилган қабартма ганчкори нақшлар орасида ҳовузда сузиб юрган балиқлар, елкасидан ўқ еган архар, елиб бораётган жайран, беданалар, аёл бошли бахт қуши Ҳумо, ҳамлага тайёрланаётган аждарҳо, тақимиға садоқ боғлаган суворий ҳамда кўпдан-кўп аёлларнинг бош қисмлари билан бир қаторда турли хил ислимий ва гириҳ парчалари учрайди. Бу маълумотлар жамланиб, қатор олимлар томонидан Бухоро археология ва этнографиясига оид китоблар ва услубий қўлланмалар тайёрланган.

Бухоро қадимдан илм ва маънавият маркази. Бухорода археологик манзиллар жуда кўп бўлиб улар тадқиқ қилинган, лекин шунга қарамасдан замонавий илғор техника ва технологиялар ёрдамида ўрганилса тарихнинг бой манбалари очилиб, Бухоронинг қадимийлиги ҳақида кўплаб янги маълумотлар топилиши мумкин. Бухоро тарихини ўрганишда археологик тадқиқотлар жонлантирилиб, хорижий инновацион тажрибаларга таяниб иш олиб боришга эътиборни ошириш давр талабидир.

Бухоро халқи ўзининг янги инновацион ғоялари билан тарихдан гувоҳлик берувчи қадимий жойларни ўрганади ва таҳлил қилади.

АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ

1. Boltayev, Bobir Baxtiyorovich. "BUXOROLIK MINIATURACHIRASSOM SADRIDDIN ROCHCHAYEV IJODIGA BIR NAZAR." *Scientific progress* 1.6 (2021): 998-1004.
2. Rajabov, Oybek Iskandarovich. "BUXORODAGI AYRIM MUQADDAS QADAMJO-QAL'ALAR XUSUSIDA." *Scientific progress* 1.6 (2021): 1162-1168.
3. Умаров, Б. Б. "НА КИСЛЯКОВ ТАДҚИҚОТЛАРИДА ЖАНУБИЙ ТОЖИКИСТОН ЭТНИК ТАРИХИ." *Scientific progress* 1.6 (2021): 1005-1009.
4. Тўраева, Г. Б., Ўтаева, Ф. Х., & Жумаева, Н. А. (2021). ОА СУХАРЕВА ТАДҚИҚОТЛАРИДА БУХОРО ТАРИХИ ВА ЭТНОГРАФИЯСИНИНГ ЎРГАНИЛИШИ. *Scientific progress*, 1(6), 1010-1018.
5. Bakhthiyorovich, Boltaev Bobir. "Excerpts from the life of the bukharian artist." *Middle European Scientific Bulletin* 12 (2021): 160-165.
6. Ochilov, A. T. "DATING OF THE ZAMANBABA CULTURE: ASSED ON ARCHAEOLOGICAL SOURCES." *Theoretical & Applied Science* 12 (2019): 589-591.
7. Mubinov, M. A. "Diplomacy of the eastern states and central asian khanates in the struggle for independence." *CENTRAL ASIAN JOURNAL OF SOCIAL SCIENCES AND HISTORY* 2.5 (2021): 26-31.
8. Maksud, Beshimov. "Markets of Bukhara." *CENTRAL ASIAN JOURNAL OF SOCIAL SCIENCES AND HISTORY* 2.5 (2021): 18-21.

9. Sharopov, Dilshod Ravshan O'G'Li. "ABDURAZZOQ SAMARQANDIYNING "MATLAI SA'DAYN VA MAJMAI BAHRAYN" ASARINING O'RGANILISH TARIXI." *Scientific progress* 2.1 (2021): 358-361.
10. Очиллов, Алишер Тўлис Ўғли. "БУХОРО ВОҲАСИ ШАКЛЛАНИШИДА ЗАРАФШОН ДАРЁСИНИНГ ЎРНИ ВА ВОҲА ТАРИХИЙ ГЕОГРАФИЯСИГА ДОИР АЙРИМ МУЛОҲАЗАЛАР." *Scientific progress* 1.6 (2021): 933-938 Murodova, Dilrabo Shomurodovna, and Feruza Xolmamatovna O'tayeva. "TF Gelax tadqiqotlarida Buxoro shahri mudofaa tizimining organilishi." *The Fifth International Conference on History and Political Sciences*. 2015.
11. Turaevich, Halimov Talat. "From the history of economic relations between central asia and india (XV-XVII centuries)." *CENTRAL ASIAN JOURNAL OF SOCIAL SCIENCES AND HISTORY* 2.5 (2021): 22-25.
12. OCHILOV, Alisher. "JEWELRYC TRADITION IS A SOURCE OF STUDY OF BUKHARA HISTORY." *Bayterek Uluslararası Akademik Araştırmalar Dergisi* 1.1: 105-116.
13. Бобожонова, Феруза Хаятовна. "БУХОРО МАДРАСАЛАРИ МАЪНАВИЯТ ДУРДОНАСИ." *Scientific progress* 2.1 (2021): 362-366.
14. Муродова, Дилрабо Шомуродовна. "ИККИНЧИ ЖАҲОН УРУШИ ЙИЛЛАРИДА БУХОРОДА ИЛМ ВА ФАН (БУХОРО ПЕДАГОГИКА ИНСТИТУТИ МИСОЛИДА)." *Scientific progress* 2.1 (2021): 660-664.
15. Ochilov Alisher. "The Role of Zamanbaba Culture in The Social and Economic History of Bukhara Oasis During Bronze Age." *CENTRAL ASIAN JOURNAL OF SOCIAL SCIENCES AND HISTORY* 2.4 (2021): 42-47.
16. JAMOLOVA, DILNOZA MUYIDDINOVNA. "THE END OF THE EMIRATE OF BUKHARA: THE END OF THE POLITICAL STRUGGLE BETWEEN THE JADIDS AND THE ULEMA." *International Journal of Philosophical Studies and Social Sciences* 1.1 (2021).
17. Jamolova, D. M. "Traveling to Modernity: Perception of Modernity of the Central Asian Muslims in the early 20th century." *International Journal of Psychosocial Rehabilitation* 9.24 (2020): 4202-4207.
18. Темиров Ф., Исломов Д. САДРИДДИН АЙНИЙ–ЗАМОНДОШИ ФИТРАТ ҲАҚИДА //Scientific progress. – 2021. – Т. 2. – №. 1. – С. 1349-1354.
19. Темиров Ф., Халикова Н. БУХОРО АМИРЛИГИДА ТАШҚИ СИЁСАТ ВА ДИПЛОМАТИЯНИНГ РИВОЖЛАНИШИ ТАРИХИДАН //Scientific progress. – 2021. – Т. 2. – №. 1. – С. 1276-1282.

20. Темиров Ф., Умаров Б. БУХОРО АМИРЛИКДА ОИЛА, НИКОҲ ВА МЕРОС ҲУҚУҚИНИНГ АМАЛДА ҚЎЛЛАНИШИ //Scientific progress. – 2021. – Т. 2. – №. 1. – С. 1201-1207.

СБОР ЮВЕЛИРНЫХ ИЗДЕЛИЙ И СОЗДАНИИ ВЫСТАВКИ В БУХАРСКОМ МУЗЕЕ

*Джураев Шерали Гулямович-
Научный сотрудник Бухарского музея*

После создания музея в Бухаре была также начата работа по сбору экспонатов для его фонда. Фактически музейный фонд состоит из нескольких коллекций, основу которых составляют нумизматические, археологические, документы, этнографические предметы, драгоценные предметы и др. Сбор экспонатов в музейный фонд состоит из нескольких этапов. Ценные артефакты, манускрипты собирались в Бухарской земле ещё до создания музея.¹ В каталоге музея-заповедника, указанное количество ювелирных изделий составляет около 3 тысяч.² В число ценных предметов музея входят археологические находки.³ Если опираться на данные из книги приёма музея, то среди принятых в фонд ювелирных изделий – экспонатов из коллекции эмира, то следующий поток был получен в 1937 году от артели “Мехнаткаш”. За ними были обнаружены археологические артефакты,⁴ многие из которых также были продемонстрированы в музейной выставке. Среди них также были приняты предметы, которые не имели отношения к ювелирным изделиям, но использовались в качестве украшений.⁵ Львы и черепахи, сделанные из египетского фаянса,⁶ являются одним из них. Большая часть ювелирных изделий написано в первом томе КП (Главная инвентарная книга) музея, а общее количество первоначально принятых предметов превышает 150. Их можно описать следующим образом: серьги, серебряные браслеты, налобное и нагрудное украшение, бозбанд – футляр, пластинки, брошь, резные камни, ожерелье, подвески, амулет, нойча-тилло – цилиндрически трубки и др. Основные техники изготовления драгоценных экспонатов –

¹ Джураев Ш.Г. Сокровищница рукописей Бухарского музея. // Диссертация на соискание академической степени магистра. Бухара -2020. -10 с.

² Бухарский государственный музей-заповедник. Каталог коллекции. -Ташкент: Дизайн полиграф, -2006, с.296

³ Ниязова М.И. Предметы украшений из Тали-Мурда Портау // Из истории культурного наследия Бухары. Вып.№9. -Бухара: «Бухара», 2004, -25 с.

⁴ Фахреддинова Д.А. Ювелирное искусство Узбекистана. Ташкент: 1988 г.

⁵ Ниязова М.И. Обзор ювелирной коллекции Бухарского государственного музея-заповедника. // Из истории культурного наследия Бухары. Вып.№7. -Бухара: «Бухара», 2001, -113 с.

⁶ Джураев Ш.Г. Бухоро музейидаги Миср фаянсидан тайёрланган аёллар такинчоғи // Тамаддун силсиласи, Наманган: «Iste`dod ziyo press», -2021 №3. -17 с.

ковка, литье, прорезь, шлифовка, золочение, цветная эмаль. Ювелирные изделия иногда обогащены с монетами, которые назывались «тумор», «марджон», «бибишак», «тапиши диль», «понча», «камарбанд».¹ Цилиндрические футляры – бозубанды играли роль амулета,² которые охраняли своего владельца от дурного глаза.

Эта коллекция музея состоит из предметов, привезенных из нескольких районов Бухары, а также из Нураты, Карши и Ферганской долины. Судя по данным, записанным во 2-й части книги КП, поступает большая коллекция туркменских ожерелий в фонд.³ Их общее количество составляет около 30 и отделано драгоценными камнями. Уникальность туркменских драгоценностей заключается в том, что они отличаются большими размерами: нагрудные ожерелья крупной формы и украшения, которые носят на головных уборах. В этой же книге под названием из имущества бухарского эмира также сообщается о приеме ряд экспонатов: это разные сундуки и шкатулки, позолоченные и эмалированные, их основу составляет обычно серебро.

Среди уникальных экспонатов музея – дамский ремень, который был принят в фонд музея в 1957 году. Данный экспонат относится к Кавказской школе и изготовлен в Азербайджане.⁴ Согласно данным КП музея куплен у гражданина Бухары и дата 1290 г. по хиджре. На всей площади имеется 3 ряда серебряных бляшек, 2 ряда серебряных русских монет. К поясу прикреплены подвески с двумя пластинками. Это не означает, что предметы другой национальности в Бухарском музее не существует. В 1973 году в фонд музея поступили женские украшения татарской национальности - подвески.⁵ В центре подвески большой камень – сердолик, края выполнено работой филигрань.

3-й этап приема ценных предметов в музейный фонд начинается с 60-70-х годов прошлого столетия.⁶ В 1975 году от гражданина из Шафирканского района был получен нагрудное украшение – амулет, стоимость которого оценивалась в 50 рублей, проба сделана в 1999 году. Одновременно куплены от другого гражданина серьги. Однако место проживания этих людей находилось в одной селении. Нагрудное украшение и другие, полученные после этого, подробно описаны в книгах КП. Около 40 ювелирных изделий были приняты от нескольких граждан одновременно. По описанию женское ожерелье – нагрудное украшение

¹ Авезова Ш.Р., Арсланова Ф.Ш. Ювелирные украшения, украшенные монетами из коллекции Бухарского государственного музея-заповедника. // Из истории культурного наследия Бухары. Вып.№9. -Бухара: «Бухара», 2004, -33 с.

² Ниязова М.И. О бозубандах. // Из истории культурного наследия Бухары. Вып.№6. -Бухара: «Бухара», 1998, -72 с.

³ КП №2

⁴ КП №5

⁵ КП№7

⁶ Бухарский государственный музей-заповедник. -Ташкент: Дизайн полиграф, 2006, -297 с.

«Зеби гардон» состоит из семи серебряных пластинок, которые соединены между собой с шестью цепочками.

В 1976 году от гражданина Джумаева был получен ряд экспонатов, изготовленных и использовавшихся в дореволюционный период: амулеты и серьги. Амулет прикреплялся к одежде ребенка, вверху железный крючок, на который надеты две цепочки, в середине находится желтое стекло. Основа амулета закреплена на эти две цепочки, имеются 18 гнездышек. Серьги - нижнее звено крупнее верхнего, в центре овальной формы гранатовидное стекло, вокруг которого 12 маленьких гнезд, обогащен бирюзой.

В 1977 году у граждан были приобретены образцы прикладного искусства и предметы, относящиеся к этнографии. Среди них были тиллякош – налобное украшение, браслет и нойча-тилла. Последний из них содержит цилиндрические штампованные трубки, серебро, цветные камни, золотые нити, коралл, бирюзу, смальту, драгоценные камни, сердолик.

В 1982 году музейный фонд ещё раз пополнялся экспонатами с ювелирными изделиями. Теперь в фонде увеличилось количество серьг. Подвеска бибишак из белого металла ажурной работы, овальной форме. В центре подвески сердолик (акык), вокруг которого в оправе смальты под бирюзу. В верхней части две короткие цепочки, пронизанные тремя кораллами. Прием экспонатов продолжится и в 1983 году. Большинство из них составляют туфы (накосние украшение), браслеты, понча (детские браслеты) и монеты. Многие из них были предметами, купленными у горожан, чтобы обогатить фонды музея. Предметы, принятые в 1984 году, также считаются имеющими музейное значение. Один из таких Буйинтумор (амулет) серебряный треугольной формы. В верхней части 2 цепочки, в нижней 9 штампованных лепестков. Центр амулета декорирован зеленым стеклом.

Первоначальная выставка ценных предметов и ювелирных изделий в музее была выставлена в резиденции дворца Ситораи Мохи-Хосса, а затем в здании восьмигранника. Следующая выставка была под названием “Золотая кладовая”, организованной в конце прошлого столетия, в музее искусств. Большинство музейных экспонатов, представленных в этой экспозиции, не были повторно выставлены на другой выставке. Экспозиция также содержала археологические украшения, о некоторых из них была опубликована электронная статья.¹ Найденная на Лавандаксом кладбище золотая плакетка и серьги, относящиеся к III-II векам до нашей эры (выполненные в штампованном стиле из золота и сердолика),² были приняты в фонд музея в 1969 году.

¹ <https://xs.uz/uzkr/post/bundan-51-jil-muqaddam-bukhoro-yaqinidagi-qadimij-qabristondan-nimalar-topilgan-edi>

² Бухарский государственный музей-заповедник. -Ташкент: Дизайн полиграф, 2004, -22 с.

В соответствии с годовым планом работы Бухарского государственного музея-заповедника в сентябре-октябре 2019 года обновлена экспозиция научного отдела искусства и этнографии областного краеведческого музея - Арк, выставка переименовалась и называется теперь «История Бухарского ювелирного искусства и медной резьбы», в котором экспонируется около 300 экспонатов, ювелирные изделия и драгоценности составляют более 150.

Уникальные артефакты, демонстрируемые в экспозиции отдела, являются одним из видов ремесел, которые сохраняются на протяжении веков. Основной целью данной выставки является воспитание у туристов, особенно подрастающего поколения, чувства уважения к национальным и общечеловеческим ценностям, бесценному историческому и культурному наследию, гордости и гордости, любви и преданности Родине

СПИСОК ЛИТЕРАТУРЫ

1. Boltayev, Bobir Baxtiyorovich. "BUXOROLIK MINIATURACHIRASSOM SADRIDDIN POCHCHAYEV IJODIGA BIR NAZAR." *Scientific progress* 1.6 (2021): 998-1004.
2. Rajabov, Oybek Iskandarovich. "BUXORODAGI AYRIM MUQADDAS QADAMJO-QAL'ALAR XUSUSIDA." *Scientific progress* 1.6 (2021): 1162-1168.
3. Умаров, Б. Б. "НА КИСЛЯКОВ ТАДҚИҚОТЛАРИДА ЖАНУБИЙ ТОЖИКИСТОН ЭТНИК ТАРИХИ." *Scientific progress* 1.6 (2021): 1005-1009.
4. Тўраева, Г. Б., Ўтаева, Ф. Х., & Жумаева, Н. А. (2021). ОА СУХАРЕВА ТАДҚИҚОТЛАРИДА БУХОРО ТАРИХИ ВА ЭТНОГРАФИЯСИНИНГ ЎРГАНИЛИШИ. *Scientific progress*, 1(6), 1010-1018.
5. Bakhtiyorovich, Boltaev Bobir. "Excerpts from the life of the bukharian artist." *Middle European Scientific Bulletin* 12 (2021): 160-165.
6. Ochilov, A. T. "DATING OF THE ZAMANBABA CULTURE: ASSED ON ARCHAEOLOGICAL SOURCES." *Theoretical & Applied Science* 12 (2019): 589-591.
7. Mubinov, M. A. "Diplomacy of the eastern states and central asian khanates in the struggle for independence." *CENTRAL ASIAN JOURNAL OF SOCIAL SCIENCES AND HISTORY* 2.5 (2021): 26-31.
8. Maksud, Beshimov. "Markets of Bukhara." *CENTRAL ASIAN JOURNAL OF SOCIAL SCIENCES AND HISTORY* 2.5 (2021): 18-21.
9. Sharopov, Dilshod Ravshan O'G'Li. "ABDURAZZOQ SAMARQANDIYNING "MATLAI SA'DAYN VA MAJMAI BAHRAYN" ASARINING O'RGANILISH TARIXI." *Scientific progress* 2.1 (2021): 358-361.
10. Очилов, Алишер Тўлис Ўғли. "БУХОРО ВОҲАСИ ШАКЛЛАНИШИДА ЗАРАФШОН ДАРЁСИНИНГ ЎРНИ ВА ВОҲА

ТАРИХИЙ ГЕОГРАФИЯСИГА ДОИР АЙРИМ МУЛОҲАЗАЛАР." *Scientific progress* 1.6 (2021): 933-938 Murodova, Dilrabo Shomurodovna, and Feruza Xolmamatovna O'tayeva. "TF Gelax tadqiqotlarida Buxoro shahri mudofaa tizimining organilishi." *The Fifth International Conference on History and Political Sciences*. 2015.

11. Turaevich, Halimov Talat. "From the history of economic relations between central asia and india (XV-XVII centuries)." *CENTRAL ASIAN JOURNAL OF SOCIAL SCIENCES AND HISTORY* 2.5 (2021): 22-25.

12. OCHILOV, Alisher. "JEWELRYC TRADITION IS A SOURCE OF STUDY OF BUKHARA HISTORY." *Bayterek Uluslararası Akademik Araştırmalar Dergisi* 1.1: 105-116.

13. Бобожонова, Феруза Хаятовна. "БУХОРО МАДРАСАЛАРИ МАЪНАВИЯТ ДУРДОНАСИ." *Scientific progress* 2.1 (2021): 362-366.

14. Муродова, Дилрабо Шомуродовна. "ИККИНЧИ ЖАҲОН УРУШИ ЙИЛЛАРИДА БУХОРОДА ИЛМ ВА ФАН (БУХОРО ПЕДАГОГИКА ИНСТИТУТИ МИСОЛИДА)." *Scientific progress* 2.1 (2021): 660-664.

15. Ochilov Alisher. "The Role of Zamanbaba Culture in The Social and Economic History of Bukhara Oasis During Bronze Age." *CENTRAL ASIAN JOURNAL OF SOCIAL SCIENCES AND HISTORY* 2.4 (2021): 42-47.

16. JAMOLOVA, DILNOZA MUYIDDINOVA. "THE END OF THE EMIRATE OF BUKHARA: THE END OF THE POLITICAL STRUGGLE BETWEEN THE JADIDS AND THE ULEMA." *International Journal of Philosophical Studies and Social Sciences* 1.1 (2021).

17. Jamolova, D. M. "Traveling to Modernity: Perception of Modernity of the Central Asian Muslims in the early 20th century." *International Journal of Psychosocial Rehabilitation* 9.24 (2020): 4202-4207.

18. Темиров Ф., Исломов Д. САДРИДДИН АЙНИЙ-ЗАМОНДОШИ ФИТРАТ ҲАҚИДА //Scientific progress. – 2021. – Т. 2. – №. 1. – С. 1349-1354.

19. Темиров Ф., Халикова Н. БУХОРО АМИРЛИГИДА ТАШҚИ СИЁСАТ ВА ДИПЛОМАТИЯНИНГ РИВОЖЛАНИШИ ТАРИХИДАН //Scientific progress. – 2021. – Т. 2. – №. 1. – С. 1276-1282.

20. Темиров Ф., Умаров Б. БУХОРО АМИРЛИҚДА ОИЛА, НИКОҲ ВА МЕРОС ҲУҚУҚИНИНГ АМАЛДА ҚЎЛЛАНИШИ //Scientific progress. – 2021. – Т. 2. – №. 1. – С. 1201-1207.

КОРЕЙСКАЯ ЭТНИЧЕСКАЯ ЕДИНИЦА В БУХАРЕ: ИСТОРИЯ ПОЯВЛЕНИЯ И ДАЛЬНЕЙШАЯ СУДЬБА

*Мубинов М.А. - БухГУ, преподаватель,
Шадиева В.Р. - БухГУ, студент*

Как гласит статья 4 Конституции Республики Узбекистан, «Республика Узбекистан обеспечивает уважительное отношение к языкам, обычаям и традициям наций и народностей, проживающих на ее территории, создание условий для их развития». Данное заключение еще один раз доказывает уважительное отношение узбекского правительства к этническим меньшинствам. Данное положение также закреплено в пятом приоритетном направлении «Стратегии развития Республики Узбекистан по пяти приоритетным направлениям в 2017-2021 годы» (Приоритетные направления в сфере обеспечения безопасности, межнационального согласия и религиозной толерантности, а также осуществления взвешенной, взаимовыгодной и конструктивной внешней политики).

Одной из таких этнических меньшинств является корейская диаспора Республики Узбекистан. Корейская диаспора Узбекистана считается самой большой из аналогичных по всему центральноазиатскому региону.

Если обратиться к истории появления данного национального меньшинства, можно выделить конкретное время его появления – 1937 год, когда по указу советского правительства корейское население Дальневосточного края было выселено на территории современных Узбекистана и Казахстана¹.

В дальнейшем этническим корейцам удалось в известной степени приспособиться к местным условиям жизни, быту и обычаям. Не будет преувеличением сказать, что представители «корё-сарам» частично адаптировались и с узбекским народом, большинство из них имеют узбекские имена.

Обретение Узбекистаном независимости также стало важным толчком на пути консервации и консолидации корейских общин. Ассоциация корейских культурных центров Узбекистана была открыта в 1991 году и ее филиалы на сегодняшний день охватывают 22 подразделения в ² таких областях как: Ташкент, Андижан, Джизак, Навои, Наманган, Самарканд, Сырдарья, Хорезм, Фергана, и, конечно же, Бухара³.

¹ Lee U Khe, Kim Yen Un, сопр. Белая книга о депортации корейского населения России в 30-40 годах. М.: Фирма "Интерпракс", 1992.

² Перепись проведена Комитетом по межнациональным отношениям и дружественным связям с зарубежными странами при кабинете министров республики Узбекистан

³ Валерий Хан. Корейцы на земле Средней Азии // Оазисы Шелкового пути. Современные проблемы этнографии, истории и источниковедения Центральной Азии. - Москва: Исламская книга, 2018....

Национально-культурный центр корейцев Бухары под председательством Р. Ли, созданный 24 мая 1990 года указом Исполкома Бухарской области, принимает активное участие в мероприятиях, проводимых органами местного управления данного региона. Численность корейского населения на сегодняшний момент составляет 1816 человек. Данный показатель весьма велик по сравнению с показателями 1920-х годов, когда в Бухарском округе присутствовал всего лишь один представитель корейской нации¹.

Для корейского населения нашего региона (и не только) проводятся многочисленные концерты корейской народной фольклорной музыки, устраиваются показы корейских фильмов, а также регулярно устраиваются фестивали и недели корейской культуры².

В заключение хотелось бы отметить также то, что изучение национальных меньшинств на территории нашей страны, в частности Бухарского региона, способствует укреплению взаимоотношений различных народов, улучшает взаимопонимание и взаимопомощь межгосударственных связей, создает основу для формирования и развития уважения и терпимости в межрегиональных контактах, усиливает взаимное обогащение различных культур. Исследования в данной области имеют место быть и будут продолжаться. В дальнейшем приведенные выше вопросы будут изучаться более подробно.

Данную работу хотелось бы завершить словами И.А. Каримова: “Любая нация, будь она самая малая, — есть богатство человечества, и исчезновение любой национальной общности с ее языково-культурными и другими особенностями приводит к обеднению культурного и генетического фонда Земли, возможностей личности. Поэтому сохранение каждой этнической общности должно быть важнейшей целью входящих в нее людей. И в первую очередь — это задача каждого отдельного государства, в состав которого входят эти этнические группы”³ (“Узбекистан на пороге XXI века: угрозы безопасности, условия и гарантии прогресса”, 1997).

СПИСОК ЛИТЕРАТУРЫ

1. Boltayev, Bobir Baxtiyorovich. "BUXOROLIK MINIATURACHIRASSOM SADRIDDIN POCHCHAYEV IJODIGA BIR NAZAR." *Scientific progress* 1.6 (2021): 998-1004.
2. Rajabov, Oybek Iskandarovich. "BUXORODAGI AYRIM MUQADDAS QADAMJO-QAL'ALAR XUSUSIDA." *Scientific progress* 1.6 (2021): 1162-1168.

¹ Ким П.Г. *Корейцы Республики Узбекистан*. Т.: Издательство: Узбекистан. 1993

² Ким П.Г. *Корейцы Республики Узбекистан*. Т.: Издательство: Узбекистан. 1993.

³ Каримов И.А. “Узбекистан на пороге XXI века: угрозы безопасности, условия и гарантии прогресса”, 1997.

3. Умаров, Б. Б. "НА КИСЛЯКОВ ТАДҚИҚОТЛАРИДА ЖАНУБИЙ ТОЖИКИСТОН ЭТНИК ТАРИХИ." *Scientific progress* 1.6 (2021): 1005-1009.
4. Тўраева, Г. Б., Ўтаева, Ф. Х., & Жумаева, Н. А. (2021). ОА СУХАРЕВА ТАДҚИҚОТЛАРИДА БУХОРО ТАРИХИ ВА ЭТНОГРАФИЯСИНИНГ ЎРГАНИЛИШИ. *Scientific progress*, 1(6), 1010-1018.
5. Bakhtiyorovich, Boltaev Bobir. "Excerpts from the life of the bukharian artist." *Middle European Scientific Bulletin* 12 (2021): 160-165.
6. Ochilov, A. T. "DATING OF THE ZAMANBABA CULTURE: ASSED ON ARCHAEOLOGICAL SOURCES." *Theoretical & Applied Science* 12 (2019): 589-591.
7. Mubinov, M. A. "Diplomacy of the eastern states and central asian khanates in the struggle for independence." *CENTRAL ASIAN JOURNAL OF SOCIAL SCIENCES AND HISTORY* 2.5 (2021): 26-31.
8. Maksud, Beshimov. "Markets of Bukhara." *CENTRAL ASIAN JOURNAL OF SOCIAL SCIENCES AND HISTORY* 2.5 (2021): 18-21.
9. Sharopov, Dilshod Ravshan O'G'Li. "ABDURAZZOQ SAMARQANDIYNING "MATLAI SA'DAYN VA MAJMAI BAHRAYN" ASARINING O'RGANILISH TARIXI." *Scientific progress* 2.1 (2021): 358-361.
10. Очилов, Алишер Тўлис Ўғли. "БУХОРО ВОҲАСИ ШАКЛЛАНИШИДА ЗАРАФШОН ДАРЁСИНИНГ ЎРНИ ВА ВОҲА ТАРИХИЙ ГЕОГРАФИЯСИГА ДОИР АЙРИМ МУЛОҲАЗАЛАР." *Scientific progress* 1.6 (2021): 933-938 Murodova, Dilrabo Shomurodovna, and Feruza Xolmamatovna O'tayeva. "TF Gelax tadqiqotlarida Buxoro shahri mudofaa tizimining organilishi." *The Fifth International Conference on History and Political Sciences*. 2015.
11. Turaevich, Halimov Talat. "From the history of economic relations between central asia and india (XV-XVII centuries)." *CENTRAL ASIAN JOURNAL OF SOCIAL SCIENCES AND HISTORY* 2.5 (2021): 22-25.
12. OCHILOV, Alisher. "JEWELRYC TRADITION IS A SOURCE OF STUDY OF BUKHARA HISTORY." *Bayterek Uluslararası Akademik Araştırmalar Dergisi* 1.1: 105-116.
13. Бобожонова, Феруза Хаятовна. "БУХОРО МАДРАСАЛАРИ МАЪНАВИЯТ ДУРДОНАСИ." *Scientific progress* 2.1 (2021): 362-366.
14. Муродова, Дилрабо Шомуродовна. "ИККИНЧИ ЖАҲОН УРУШИ ЙИЛЛАРИДА БУХОРОДА ИЛМ ВА ФАН (БУХОРО ПЕДАГОГИКА ИНСТИТУТИ МИСОЛИДА)." *Scientific progress* 2.1 (2021): 660-664.
15. Ochilov Alisher. "The Role of Zamanbaba Culture in The Social and Economic History of Bukhara Oasis During Bronze Age." *CENTRAL*

ASIAN JOURNAL OF SOCIAL SCIENCES AND HISTORY 2.4 (2021): 42-47.

16. JAMOLOVA, DILNOZA MUYIDDINOVNA. "THE END OF THE EMIRATE OF BUKHARA: THE END OF THE POLITICAL STRUGGLE BETWEEN THE JADIDS AND THE ULEMA." *International Journal of Philosophical Studies and Social Sciences* 1.1 (2021).

17. Jamolova, D. M. "Traveling to Modernity: Perception of Modernity of the Central Asian Muslims in the early 20th century." *International Journal of Psychosocial Rehabilitation* 9.24 (2020): 4202-4207.

18. Темиров Ф., Исломов Д. САДРИДДИН АЙНИЙ–ЗАМОНДОШИ ФИТРАТ ҲАҚИДА //Scientific progress. – 2021. – Т. 2. – №. 1. – С. 1349-1354.

19. Темиров Ф., Халикова Н. БУХОРО АМИРЛИГИДА ТАШҚИ СИЁСАТ ВА ДИПЛОМАТИЯНИНГ РИВОЖЛАНИШИ ТАРИХИДАН //Scientific progress. – 2021. – Т. 2. – №. 1. – С. 1276-1282.

20. Темиров Ф., Умаров Б. БУХОРО АМИРЛИҚДА ОИЛА, НИКОҲ ВА МЕРОС ҲУҚУҚИНИНГ АМАЛДА ҚЎЛЛАНИШИ //Scientific progress. – 2021. – Т. 2. – №. 1. – С. 1201-1207.

XIX АСРДА ЗАРАФШОН ДАРЁСИНИНГ ГИДРОГРАФИК ЎРГАНИЛИШИ ТАРИХИ

*Хакимова Саида Бахтиёровна-
Фаргона давлат университети
таянч докторанти*

Зарафшон дарёси қадимдан Бухоро воҳасининг асосий сув манбаи бўлиб келган. Юнон тарихчилари Арриан ва Страбоннинг асарларида бу дарё номи “Политимет” деб аталиб, “қутлуғ” ёки “улуғ” дарё маъносини англатган. Абул Ҳасан Нишопурийнинг “Ҳазойин ул-улум” ва Наршахийнинг “Тарихи Бухоро” асарларида дарё Мосаф, “Худуд ул-олам”да эса “Наҳр ул-Бухоро” деб аталган. Зарафшон дарёси ўрта аср тарихий манбаларида Кўҳак номи билан аталган. Шарафиддин Али Яздийнинг “Зафарнома”, Алишер Навоийнинг “Хамса”, Заҳириддин Муҳаммад Бобурнинг “Бобурнома” асарларида Зарафшон дарёси асосан шу ном билан қайд этилган. Ўрта асрда Бухоро воҳаси ҳудудида Наҳри Зар, Руди Зар, Наҳри шаҳри Бухоро ва Руди шаҳри Бухоро, Шаҳруд номлари билан аталган. XVIII асрдан бошлаб тарихий манбаларда бу улуғ дарё Зарафшон номи билан аталган¹.

Зарафшон номи форсчадан “олтин сочувчи” маъносини англатади. Бироқ бу таърифни дарё суви таркибида олтин зарралари бор қумларнинг

¹ Жумаев И. Бухоро сув йўллари. – О‘zbekiston qishloq xo‘jaligi. – 2009. – №11. – Б.36.

мавжудлиги эмас, балки кўпроқ унинг сувлари билан суғорилган унумдор ерларнинг шу жой аҳолиси фаровонлигини оширганлиги белгилаб беради. Шу жихатдан Зарафшоннинг воҳа аҳолиси ҳаётидаги ўрни бекиёс бўлган.

XIX асрда Россия империяси хонликларнинг аксарият қисмини эгаллаб олгач, Зарафшоннинг юқори оқими империя таъсир доирасига тушиб қолади. Бу ҳолат кейинчалик Бухоро амирлигига сиёсий босим ўтказишда кўл келган. Империянинг ҳарбий-сиёсий ва ижтимоий-иқтисодий манфаатларидан келиб чиқиб Зарафшон дарёсини илмий жихатдан ўрганишга киришилади. Биринчи навбатда унинг гидрографик характеристикалари, яъни уларнинг сатҳи, кенглиги, сув оқими тезлиги, сувдаги лойқаларнинг чўкиш тезлиги, турли фасллардаги сув ҳарорати, сувнинг кўпайиш ва озайиши, музлаш режимлари, сувнинг кимёвий таркиби, дарё сувларининг суғоришга ишлатиладиган миқдори каби ўлчовлар аниқланади.

XIX аср рус манбаларида айтилишича, Зарафшон дарёсининг узунлиги 600 верст¹, шундан 350 верст қисми Туркистон генерал-губернаторлиги, қолган қисми Бухоро амирлиги ҳудудидан ўтган. Юқори қисми тоғли ҳудудларда бўлгани ва баландликдан тушгани учун оқими жуда тез. Оқимнинг тезлигидан дарёнинг чуқурлигини ўлчаш имкони ҳам мавжуд эмас. Панжикентдан бошлаб дарё текисликка чиқиб, кенгая боради. Тоғли ҳудуддан чиққач, Зарафшон сувлари ариқларга тақсимлана бошлайди. Бундай ариқларнинг энг каттаси Дарғом (Ангор) ва Нарпай ариқларидир. Дарғомнинг узунлиги 70 верст бўлиб, кўринишидан катта дарёга ўхшайди. Самарқанддан 8 верст шимолда Зарафшон Оқдарё ва Қорадарёга ажралиб оқади (форсчада Дарё-и Сафед ва Дарё-и Сиёх). Бунда Оқдарё асосий ўзан ҳисобланади. Улар бир-биридан 15-18 верст масофага узоклашиб, Хатирчи яқинида қайта бирлашади².

Дарёнинг бу икки ирмоғи улар орасида жойлашган Миёнқол водийсини ҳамда ундан шимол ва жанубдаги ерларни суғорувчи сув манбалари бўлган. Бунда Қорадарё муҳим аҳамиятга эга бўлиб, кўпроқ майдонни суғоргани боис унга тўғон ёрдамида Оқдарёдан кўшимча сув йўналтирилган. Ушбу заруратни империя маъмурлари Бухоро амирлигига сиёсий таъсир ўтказиш воситаси деб билган. Чунончи, Д.Логофет Қорадарёга сув ўтказмасликни воҳа аҳолисини ўлимга маҳкум этиш билан тенглаштиради³. Ваҳоланки, А.Муҳаммаджонов Зарафшон водийсининг суғорилиш тарихига бағишланган асарида Логофетнинг бу фикри муболаға эканлиги, Қорадарёни сувсиз қолдириш табиий жихатдан ҳам, инсон омили жихатидан ҳам амалга ошириб бўлмайдиган иш эканлиги,

¹ Верста – 1066,9 метрга тенг узунлик ўлчови.

² Костенко Л. Туркестанский край. Опыт военно-статистического обозрения Туркестанского военного округа. Том 1. – Санкт-Петербург, 1880. – С.225.

³ Логофет Д.Н. Бухарское ханство под русским протекторатом. Том 1. – Санкт-Петербург, 1911. – С. 114.

қолаверса, бунинг натижасида нафақат амирликка тегишли, балки Зарафшон округи ерлари ҳам сувсиз қолишини ёзиб бу хулосанинг асоссиз эканлигини таҳлил қилиб берган¹. Шундай бўлса-да, империя маъмурлари сувдан фойдаланишни суиистеъмом қилиш орқали исталган пайтда Бухоро амирлигига тазйик ўтказиши мумкин эди.

Зарафшон дарёси суви асосан суғоришга сарфлангани боис олиб борилган гидрографик тадқиқотлар ҳам ҳосил унумдорлигини ошириш ва сув ресурсларидан унумли фойдаланишни таъминлаш мақсадида олиб борилган. Зарафшон дарёсининг сув балансини ҳамда Самарқанд ва Бухоро воҳаларида сарфланадиган сув миқдорини аниқлаш учун XIX асрнинг 70-йилларидаёқ дарёнинг олти жойига сув ўлчаш пунктлари барпо этилган². 1896 йилдан Зарафшонда муттасил гидрометрик ўлчаш ишлари йўлга қўйилади. Бунда Дупул кўприги яқинида иккита сув ўлчаш пости асос бўлган. 1914 йилда бу постларнинг Ер-сув ишларини яхшилаш бўлимига қарашли Гидрометрик қисм ихтиёрига ўтказилиши билан ўлчаш ишларининг сифати яхшиланади³.

Рус тадқиқотчилари йирик сув ҳавзаларини албатта кема қатновини йўлга қўйиш мумкинлиги жиҳатидан ҳам ўрганган. Лекин Зарафшон сувининг тўлалигича суғориш мақсадларида ишлатилиши унинг ўзанини чуқурлашишига йўл қўймагани боис дарёда бундай имконият мавжуд эмас эди. Ундан фақат солларда ёғоч ташишда фойдаланиш мумкин бўлган.

Шундай қилиб, XIX асрнинг иккинчи ярмидан бошлаб Зарафшон дарёсида рус тадқиқотчилари томонидан гидрографик изланишлар олиб борилади. Улар империянинг стратегик мақсадларига бўйсунган бўлса-да, дарёнинг янги даврда илмий ўрганилишига асос бўлиб хизмат қилган.

МОНЕТНЫЕ КЛАДЫ, НАЙДЕННЫЕ В БУХАРСКОМ ОАЗИСЕ (НА ОСНОВЕ КНИГИ ПРИЁМА БУХАРСКОГО МУЗЕЯ)

*Джураев Шерали Гулямович-
Научный сотрудник Бухарского музея
Кабиров Шохрух – Студент БухГУ*

Часть истории не только отражена в рукописях и документах, иногда вспомогательные исторические науки имеют свой собственный смысл в ее изучении. В этом же деле нумизматические предметы играют особый характер. В Бухарском государственном музее заповеднике имеется множество коллекции. Фонд музея разнообразен по коллекциям. Один из самых больших коллекций является фонд нумизматики, который

¹ Мухаммаджонов А. Қуйи Зарафшон водийсининг суғорилиш тарихи (кадимги даврдан то XX аср бошларигача). – Т.: Фан, 1972. – Б. 191.

² Ўша жойда. Б.205.

³ Чаплыгин А.В. Урегулирование водного хозяйства Зеравшанской долины. – Москва, 1925. – С.7.

составляет почти 1/3 общих экспонатов. Нумизматический фонд музея вовсе не уступает собраниям ведущих коллекций музеев Узбекистана. Нумизматические предметы были найдены в основном в результате археологических раскопок или приобретены от граждан. Запись нумизматических материалов в книгу приёма (КП или ГИК – Главная инвентарная книга) музея начинается с книги №4.¹

Поскольку нумизматические материалы представляют собой широкое понятие, так как история определяется по артефактам - монеты считаются основными источниками определения датировки местности, в статье приводятся сведения только о кладах, найденных в результате археологических раскопок в Бухарском оазисе. Так как история определяется по артефактам - монеты считаются основными источниками определения датировки местности из-за этого мы начали исследовать клады, которые найдены в Бухарском оазисе. Предметы изначально приняты в музейный фонд, то есть общее количество монет составляет 350 штук. Однако в книге КП нет информации о том, от кого они принимаются и являются ли они монетным кладом. Первая книга, написанная в книге приёма, относится к эпохе Бабуридов, точнее по описанию монета Шах-Джахана сына Джахангир-хана (1037-1068 г. по хиджре).

Однако невозможно вместить информации в одной статье о всех нумизматических кладах, найденных в Бухарской земле. Авторы постараются глубоко изучать в дальнейшем остальные клады бухарского оазиса, пока сведения о некоторых из них будут представлены. По Каталогу музея-заповедника можно осуждать, что коллекция монетных изделий разделится на 3 части: домусульманских, мусульманских и современных монет.² Здесь еще ценная информация, что общее количество кладов составляет 34. И каждый клад отличается своим свойством. Клады в основном находят при раскопке древних городищ, которые были центрами остановки торговых караванов и когда-то процветавшими населёнными пунктами. Иногда клады находят при рытье котлованов в Старом городе при реконструкции домов и передают в музей.

В марте 1973 года на берегу арыка около аэропорта найден небольшой клад золотыми и серебряными монетами.³ на одной стороне надпись: «Бухара-и шариф» и дата, на другой стороне «Рахмат бод Маъсум Гази» и дата. Общее количество 70 шт, датированный с 1297 г.х - по 1329 г.х. этих монет обычно среди сотрудников музея и в литературном виде называются «Ашрафи».

В 1975 году передан небольшая часть медных монет археологом Е.Г.Некрасовой, но не указано в Книге приёма, где найден данный клад. А

¹ КП музея-заповедника №4

² Бухарский государственный музей-заповедник. Каталог коллекции. -Ташкент: Дизайн полиграф, -2006, 43с

³ КП музея-заповедника №6.

также не описано имя правителя, датировка и место чеканки.¹ В конце года передал еще 41 монет (дарственно) директор музея А.А.Махмудов. Клад найден в тепе Бугре – Талли-тепе, в территории Шафиркана. В январе 1974 года на глубине одного метра обнаружен кувшин бело-розового цвета – IX-X вв. При нахождении были Б.Турдиев– бригадир, А.Турдиев, З.Кабиллов, Н.Ниязов.² Монеты, выпущенные в V веке, в подражание монетам согдийского царя Варахрана (420-438 гг.) чеканено в Бухаре из белого металла. В 1978 году руководитель группы археологов СНРПИМ (специализированная научно-реставрационная производственная мастерская) Расулзаде сдавал в музейный фонд одновременно более полтора тысяч монет: серебряные, относящиеся в эпоху Аштарханидов, неправильной формы. Имя правителя Абдулазизхан. Это тоже такой клад, как вышеупомянутый, не указан, где именно найден.³

Клад медных монет периода Улугбека (1048 ед.) найден во время рытья траншеи в посёлке «Факел» г. Каган, машинистом экскаватора А.П.Брыком в июле 1979 года 572 монеты переданы ими в бухарский музей

476 монет собраны на месте находки и у местного населения научным сотрудником музея Ф.И.Водопщином. По внешнему виду монеты были распределены на 25 частей (видов). Бухарский нумизмат-любитель Ивков определил Каганского клада как чекан Улугбека.⁴

Очередной поступивших в музейный фонд – клад состоящих из серебрянных тетрадрахм.⁵ Данный монетный клад найден в 1983 году в территории Бухары. Монеты датируется с III веком до н.э. они тоже демонстрируется в отделе Нумизматики и эпиграфики (нынешний отдел Истории, экспозиции Нумизматики) только в муляжной форме. Проба этих монет 960 по проверки 21.04.1995 году. Интересно в том, что эти монеты не найдены археологами, а со стороны учителя школы №22 г. Бухары А.В.Миллера и учителя школы №21 С.И.Ткачева, а потом приобретен за 500 рублей в музей.⁶ Здесь подробно описаны монет, общее количество 50 ед., где найдено и кто передал их в фонд. Спустя почти 35 лет такая история еще повторилась, но об этом подробно чуть позже.

В фонде находится много нумизматических изделий, однако монеты не только имеет местного характера, также европейские и азиатские денежные знаки встречаются, но это объект для другого исследования. Монетные клады бухарской земли еще найдены в городищах Пайкенда.

¹ КП музея-заповедника №8

² На том же месте

³ КП музея-заповедника №12

⁴ Казаков Б. Клад с монетами. // Правда Востока. 1979 г. 28.08. -с.3

⁵ Бухарский государственный музей-заповедник. Каталог коллекции. -Ташкент: Дизайн полиграф, -2006, 3 с

⁶ КП музея-заповедника №14

В 1986 году начинает свою деятельность новый отдел музея-заповедника "Нумизматика и эпиграфика" Г.Н.Курбанов, работавший заведующим отделом, участвовал в научных экспедициях. В инвентарной книге музея, среди тех, кто обогатил музейный фонд, его имя было написано несколько раз. В музейном фонде сегодня хранится около 45 тысяч нумизматических предметов, многие из которых распределены по коллекциям по периодам. Также составлено краткое описание клада средневековых мусульманских монет Бухарского музея¹.

В 2013 году в городище Пайкенд найден монетный клад более 4 500 монетами. В начальном этапе изучения участвовали Д.Мирзаахмедов – ведущий научный сотрудник института археологии АН РУз, Н.Собиров – зав. филиал музея истории древнего Пайкенда, А.В.Омельченко – научный сотрудник Восточного отдела Государственного музея Эрмитажа. Место нахождения Шахристан I, оказывается среди стен был спрятан медный клад (В середине VIII века. В аверсе бюст государя окружен двумя ободками: линиями и точками. В левой стороне государя печать Бухары. В реверсе монет изображендвигающий конь.

Еще в этом же цитадели были найдены серебряные монеты. В результате выяснилось, что монеты относятся к эпохе Бухархудатов (некоторые из них прототип Сасанидского Варахрана). В лицевой части монет изображен бюст бородатого государя с короной на голове, перед лицом согдийская легенда.

В 2017 году в бухарском оазисе еще найден один монетный клад. Место нахождения селение Гиждуванского района. Серебряные монеты датируемый первой половины XIV века – эпоха Чигатая. После этого сотрудники музея начали их консервации (более чем 200 монет), и они были приняты в музейный фонд.² В результате исследования обнаружены в реверсе имена правителей Чигатайского улуса – Кебекхан, Гармаширин, Баёнкулихан и их звания.³

В заключении можем сказать, что в этой статье мы постарались информировать вас, о кладах, которые найденные в Бухарском оазисе и с информацией в котором имеем доступ, так как это является часть кладов освещено со стороны археологов и нумизматами, но имеется не изученная часть и археологические работы не прекращались можно будет следующие годы дополнят нашу статью и продолжим изучение монет, которые хранятся в фонде музея, так как это начало нашего исследование по монетам. В будущем стараемся издать нашу статью в трех языках.

¹ Жураев Ш.Г. Бухоро музейи нумизматик ва эпиграфик буюмлари тарихчи ва нумизмат олим Г.Н.Курбанов илмий меросида // Ўрта Осиё археологияси кафедраси “Авлодлар изланиши ва кашфиётлари” тўплами. -Т:2020, -201. с

² Отчет Бухарского государственного музея-заповедника за 2017, -с.23

³ Б.Курбанов, Ш.Бобожонов. Находки Саидкента.// Мозийдан садо. №2(78) 2018, -с. 22.

СПИСОК ЛИТЕРАТУРЫ

1. Boltayev, Bobir Baxtiyorovich. "BUXOROLIK MINIATURACHIRASSOM SADRIDDIN ROCHCHAYEV IJODIGA BIR NAZAR." *Scientific progress* 1.6 (2021): 998-1004.
2. Rajabov, Oybek Iskandarovich. "BUXORODAGI AYRIM MUQADDAS QADAMJO-QAL'ALAR XUSUSIDA." *Scientific progress* 1.6 (2021): 1162-1168.
3. Умаров, Б. Б. "НА КИСЛЯКОВ ТАДҚИҚОТЛАРИДА ЖАНУБИЙ ТОЖИКИСТОН ЭТНИК ТАРИХИ." *Scientific progress* 1.6 (2021): 1005-1009.
4. Тўраева, Г. Б., Ўтаева, Ф. Х., & Жумаева, Н. А. (2021). ОА СУХАРЕВА ТАДҚИҚОТЛАРИДА БУХОРО ТАРИХИ ВА ЭТНОГРАФИЯСИНИНГ ЎРГАНИЛИШИ. *Scientific progress*, 1(6), 1010-1018.
5. Bakhtiyorovich, Boltaev Bobir. "Excerpts from the life of the bukharian artist." *Middle European Scientific Bulletin* 12 (2021): 160-165.
6. Ochilov, A. T. "DATING OF THE ZAMANBABA CULTURE: ASSED ON ARCHAEOLOGICAL SOURCES." *Theoretical & Applied Science* 12 (2019): 589-591.
7. Mubinov, M. A. "Diplomacy of the eastern states and central asian khanates in the struggle for independence." *CENTRAL ASIAN JOURNAL OF SOCIAL SCIENCES AND HISTORY* 2.5 (2021): 26-31.
8. Maksud, Beshimov. "Markets of Bukhara." *CENTRAL ASIAN JOURNAL OF SOCIAL SCIENCES AND HISTORY* 2.5 (2021): 18-21.
9. Sharopov, Dilshod Ravshan O'G'Li. "ABDURAZZOQ SAMARQANDIYNING "MATLAI SA'DAYN VA MAJMAI BAHRAYN" ASARINING O'RGANILISH TARIXI." *Scientific progress* 2.1 (2021): 358-361.
10. Очилов, Алишер Тўлис Ўғли. "БУХОРО ВОҲАСИ ШАКЛЛАНИШИДА ЗАРАФШОН ДАРЁСИНИНГ ЎРНИ ВА ВОҲА ТАРИХИЙ ГЕОГРАФИЯСИГА ДОИР АЙРИМ МУЛОҲАЗАЛАР." *Scientific progress* 1.6 (2021): 933-938 Murodova, Dilrabo Shomurodovna, and Feruza Xolmamatovna O'tayeva. "TF Gelax tadqiqotlarida Buxoro shahri mudofaa tizimining organilishi." *The Fifth International Conference on History and Political Sciences*. 2015.
11. Turaevich, Halimov Talat. "From the history of economic relations between central asia and india (XV-XVII centuries)." *CENTRAL ASIAN JOURNAL OF SOCIAL SCIENCES AND HISTORY* 2.5 (2021): 22-25.
12. OCHILOV, Alisher. "JEWELRYC TRADITION IS A SOURCE OF STUDY OF BUKHARA HISTORY." *Bayterek Uluslararası Akademik Araştırmalar Dergisi* 1.1: 105-116.
13. Бобожонова, Феруза Хаятовна. "БУХОРО МАДРАСАЛАРИ МАЪНАВИЯТ ДУРДОНАСИ." *Scientific progress* 2.1 (2021): 362-366.

14. Муродова, Дилрабо Шомуродовна. "ИККИНЧИ ЖАҲОН УРУШИ ЙИЛЛАРИДА БУХОРОДА ИЛМ ВА ФАН (БУХОРО ПЕДАГОГИКА ИНСТИТУТИ МИСОЛИДА)." *Scientific progress* 2.1 (2021): 660-664.

15. Ochilov Alisher. "The Role of Zamanbaba Culture in The Social and Economic History of Bukhara Oasis During Bronze Age." *CENTRAL ASIAN JOURNAL OF SOCIAL SCIENCES AND HISTORY* 2.4 (2021): 42-47.

16. JAMOLOVA, DILNOZA MUYIDDINOVNA. "THE END OF THE EMIRATE OF BUKHARA: THE END OF THE POLITICAL STRUGGLE BETWEEN THE JADIDS AND THE ULEMA." *International Journal of Philosophical Studies and Social Sciences* 1.1 (2021).

17. Jamolova, D. M. "Traveling to Modernity: Perception of Modernity of the Central Asian Muslims in the early 20th century." *International Journal of Psychosocial Rehabilitation* 9.24 (2020): 4202-4207.

18. Темиров Ф., Исломов Д. САДРИДДИН АЙНИЙ–ЗАМОНДОШИ ФИТРАТ ҲАҚИДА //Scientific progress. – 2021. – Т. 2. – №. 1. – С. 1349-1354.

19. Темиров Ф., Халикова Н. БУХОРО АМИРЛИГИДА ТАШҚИ СИЁСАТ ВА ДИПЛОМАТИЯНИНГ РИВОЖЛАНИШИ ТАРИХИДАН //Scientific progress. – 2021. – Т. 2. – №. 1. – С. 1276-1282.

20. Темиров Ф., Умаров Б. БУХОРО АМИРЛИҚДА ОИЛА, НИКОҲ ВА МЕРОС ҲУҚУҚИНИНГ АМАЛДА ҚЎЛЛАНИШИ //Scientific progress. – 2021. – Т. 2. – №. 1. – С. 1201-1207.

КЛАССИФИКАЦИЯ АРХИТЕКТУРНЫХ АНСАМБЛЕЙ И ТИПЫ ИХ ПРОИСХОЖДЕНИЯ

Салохиддинова Д.З.-

к.арх.н., старший преподаватель;

Жураев З.З.- докторант,

Самаркандский государственный а

рхитектурно строительный институт


Архитектурные ансамбли, как и города, в большинстве своем складывались в течение жизни многих поколений. Части Ансамблей разрушались, на их месте возводились новые, отвечающие современным потребностям общества. Однако этот процесс не бесконечен. На определенном этапе Ансамбль оставался неизменным. Появлялись проекты и предложения, однако они не реализовывались. Это можно объяснить тем, что каждое поколение наиболее остро реагирует на новации своего времени. Человек хорошо знающий город, улицу или площадь, чутко улавливает изменения в их облике. Он воспринимает изменения в сопоставлении с прежним обликом, в течение длительного времени, в то время как приезжий человек и последующие поколения

воспринимают весь Ансамбль, не фиксируя внимания на последовательности появления его элементов.

Новые элементы, появляющиеся в уже сложившемся Ансамбле, могут вызывать у современников как положительную, так и отрицательную реакцию, а иногда и отсутствие какой-либо реакции вообще. Общество лишь тогда усваивает произведение (новшество), принимает и делает его своим достоянием, когда находит в нем нечто созвучное своим мыслям, чувствам, интересам, потребностям, видит в нем отражение своего собственного мировоззрения.

Можно сделать вывод, что Ансамбль явление социокультурное, так как выражает качественную характеристику объекта, то есть Ансамблевость - единство (композиционное или художественно-образное) не присущее определенному объекту как таковому, а единство, как качество, которым объект наделяется обществом (человеком). Иными словами для формирования Ансамблей будет недостаточно задумать и построить объект, необходимо, чтобы общество выразило свое отношение к нему.

Таким образом, получается система, состоящая из создателя архитектурного объекта (архитектора), самого объекта (здесь и далее под объектом подразумевается Ансамбль не получивший интерпретаций обществом) и общества, выступающего в роли ценителя (рис. 1).



- 1 – идея, проект
- 2 – строительство
- 3 – восприятие
- 4 – оценка

Рис. 1 Формирование единовременных ансамблей

Архитектор - создатель объекта использует определенную композиционно-художественную систему и представляет свое видение объекта, воплощаемое в материале, фиксируемое в вещественной модели - макет, чертеж, рисунок и т.д.

Вопросы теории и практики архитектурного Ансамбля в новых исторических условиях сохраняют свою актуальность. Вместе с тем, современное положение в градостроительстве породило принципиально отличные от прежних проблемы. Ансамбль – это несколько зданий и сооружений, образующих единую композицию, элементы которой объединены общими требованиями, идейно художественным замыслом и учитывают как архитектурную среду, так и природное окружение

Из определения Ансамбля следует, что он, по своей природе, обязательно должен обладать единством [1]. Это свойство закладывается в него либо на стадии проекта и развивается при восприятии Ансамбля обществом, либо придается ему группой экспертов и подтверждается публикой. Однако существует ряд объективных причин, по которым информация, заложенная архитектором, искажается. То, что первоначально хотел сказать архитектор, нередко имеет мало общего с тем значением, которое сообщает зданию его культурные интерпретации. Действительно, существует четыре варианта взаимодействия источника информации, в роли которого выступает объект (Ансамбль), с получателем информации (адресатом), в роли которого выступает публика (общество) [2]. Первый вариант *сказал – понял*, то есть информация, получаемая адресатом от источника, в данном случае обществом от восприятия объекта, не исказилась и в целом понята верно. Вторым вариантом *сказал – понял по-своему*, иными словами получатель информации интерпретирует ее по-своему, частично искажая первоначальный смысл. Общество воспринимает объект отлично от того, что было задумано архитектором и вносит свои изменения в объект. Третьим вариантом *сказал – ничего не понял*, то есть в силу тех или иных причин адресат не воспринял информацию вообще. В данном случае общество, несмотря ни на что, не воспринимает объект как Ансамбль. Четвертым вариантом *ничего не говорил – понял*, иными словами получатель информации по тем или иным причинам воспринимает информацию при отсутствии его источника. Объект не задумывался, как Ансамбль, но по истечении времени воспринимается обществом как Ансамбль. Исходя из этого, можно преднамеренные.

Преднамеренные – Ансамбли, которые проектировались или строились как единое целое. Они делятся на единовременные, выращенные и непризнанные. *Непреднамеренные (объявленные)* – случайные сочетания зданий и сооружений по тем или иным причинам возведенные в ранг культурной реликвии и наделенные обществом свойствами Ансамбля.

Единовременные – Ансамбли, созданные одновременно по воле зодчего или заказчика, фиксирующие идеалы эпохи, ставшие их символами (Дур-Шаррукин, Афинский Акрополь, римские форумы, пл. Капитолия, пл. Дель-Попполо, пл. Собора Святого Петра в Риме, Версаль, королевские площади Парижа). Из определения данного типа Ансамблей следует, что они создаются за небольшой промежуток времени по единому замыслу одним или несколькими архитекторами. [3].

«Архитектор» – создатель информации, разрабатывающий проект, используя определенную систему языка, закладывает в объект художественно-образное единство (рис. 1). На следующей стадии осуществляется процесс возведения объекта. В ходе строительства идеи, заложенные в «Объект» архитектором, нередко подвергаются изменениям, однако это незначительно влияет на становление ансамбля.

Наибольшее влияние оказывает следующий этап – восприятие архитектурного произведения публикой. Созданный объект (Ансамбль) воспринимается современниками и получает положительную оценку. Однако этот процесс значительно сложнее, так как общество неоднородно по своей структуре. [4]. Поэтому «Объект» должен приобрести положительную оценку экспертов, то есть «художественной элиты». Только после этого он превращается в ценность для всей культуры в целом.

Постоянное изменение интересов общества, мотивирует исчезновение некоторых Ансамблей прошлого из центра его внимания и замещения их места другими. В степени изменения обстановки, изменяются также наши интерпретации произведений прошлого. Следовательно, изменяется и отношение к Ансамблю, а останется он ценностью (идеалом) или нет, зависит от того, насколько он будет вписываться в новую систему ценностей. Сохраняя свою значимость, Ансамбль сохраняет свою форму, и по истечению времени общество сопротивляется внесению изменений в Ансамбль тем самым, подтверждая наивысшую оценку, данную объекту.

Выращенные – Ансамбли, прошедшие долгий эволюционный путь, сознательно "выращенные" методом умелых добавлений к постройкам предшественников (Пирамиды в Гизе, римские форумы, пл. Святого Марка в Венеции). Из определения данного типа Ансамблей следует, что они создаются за длительный промежуток времени, но по единому замыслу несколькими архитекторами (рис. 2).

Первые два этапа развиваются также как и у единовременных Ансамблей. Следующий этап – восприятие архитектурного произведения обществом. Данный этап протекает почти также как у единовременных Ансамблей. [4]. Созданный «Объект» воспринимается современниками и может получить или не получить положительную оценку. При получении отрицательной оценки объект может подвергнуться либо частичному

изменению и перестройке, либо полному разрушению. Иными словами он не представляет для общества значительной ценности и возвращается к первой стадии. При получении положительной оценки и «художественной элитой», и публикой «Объект» превращается в ценность. *Непризнанные* – Ансамбли, которые проектируются и строятся как взаимосвязанное, согласованное, стройное целое, но позже их никто такими не воспринимает.

- 1 – идея, проект
- 2 – строительство
- 3 – восприятие
- 4 – оценка





Рис. 2 Формирование выращенных ансамблей


Из определения данного типа Ансамблей следует, что они создаются по единому замыслу одним или несколькими архитекторами, но как Ансамбли не воспринимаются (рис. 3).



- 1 – идея, проект
- 2 – строительство
- 3 – восприятие
- 4 – оценка

Рис. 3 Формирование непризнанных ансамблей

Первые два этапа развиваются также, как у единовременных и выращенных ансамблей. Следующий этап – восприятие объекта публикой. Данный этап протекает почти также как у двух предыдущих типов ансамблей. [5]. Созданный «Объект» воспринимается современниками, но получает отрицательную оценку. Общество изменяется со временем, эволюционирует. Нередко при развитии общества его ценностные ориентации изменяются. Изменяется и отношение к Ансамблю, поэтому данный тип Ансамблей может получить положительную оценку обществом и стать единовременным или выращенным типом Ансамбля. *Объявленные* – случайные сочетания зданий и сооружений по тем или иным причинам возведенные в ранг культурной реликвии и наделенные свойствами Ансамбля (рис. 4).



- 1 – идея, проект
- 2 – строительство
- 3 – восприятие
- 4 – оценка

Рис. 4 Формирование объявленных ансамблей

Из определения данного типа ансамблей следует, что они не создаются по единому замыслу. Здесь в отличие от трех предыдущих типов Ансамблей отсутствует автор, точнее ряд архитекторов присутствует, но нет общей идеи замысла. В процессе возведения объекта идеи, заложенные в объект архитектором, нередко подвергаются изменениям. Однако это незначительно влияет на становление Ансамбля.

Главную роль играет восприятие архитектурного произведения публикой. Данный этап протекает не так, как у преднамеренных Ансамблей. Первое время произведение архитектуры игнорируется большей частью общества. Созданный «Объект», воспринимаясь

современниками, не сразу получает положительную оценку, а по истечении определенного времени. При этом, как ценность он трактуется в первую очередь «художественной элитой». Так как общество изменяется со временем, его ценностные ориентации изменяются. Они отвергаются совсем или пересматриваются в зависимости от потребностей. Следовательно, изменяется и отношение к объекту по истечении значительного промежутка времени, получив положительную оценку художественной элиты, он воспринимается обществом как Ансамбль.

Данная классификация может помочь искусствоведам и историкам архитектуры, занимающимся проблемами ансамбля.

ҚУЙИ ЗАРАФШОН ХУДУДИНИНГ ЎЗЛАШТИРИЛИШ БОСҚИЧЛАРИ ТАРИХИДАН

*Ибрагимов Р.З.-
Ўз РФА Миллий археология
Маркази*

Ўрта Осиёнинг таркибий қисми ҳисобланган Сўғд тарихий-маданий ўлкасининг ғарбий қисмини ташкил этган Қуйи Зарафшон ва Қизилқум худудларида палеолит давридан яшаб бошлаган. Бу худудда палеолит даврига оид Учтут Ижонд ва Вауш каби ёдгорликлар тош даврининг энг қадимги маконлари саналади. Тарихнинг кейинги даврларида аҳолининг мазкур худудларни ўзлаштириш жараёни тезлашиб кетади. Маълумки, мил авв. IX асрдан сўнг буюк вюрм музланишидан кейинги *атлантик* даврида Қуйи Зарафшон, Қуйи Амударё, Қизилқум ва уларга яқин ерларда намгарчилик миқдори юқори ҳисобланган иқлим шароити қарор топади. Лавлакон намгарчилиги, деб номланган¹ мил. авв. VIII-III минг йилликларда макур худудда ўзлаштирувчи хўжалик (овчилик, термачилик ва балиқчилик) шаклини юритган қабилалар яшаган. Зарафшоннинг қуйи оқими ерлари ва ҳозирги Қизилқум чўлларида Лавлакон намгарчилиги даврига оид 700 дан ортиқ маконлар аниқланган. Қуйи Зарафшондаги Қалтаминор маданиятининг илк босқичига оид Учаси 131 макони мил. авв. VII минг йилликнинг охирида фаолият юритган энг қадими ёдгорлик саналади². Бу ердаги Дарвозақир I, II, Катта ва Кичик Тузкон, Дараишўр, Қоронғи Шўр, Пойкент ва бошқалар Қалтаминор маданиятининг иккинчи босқичи оид муҳим маконлардир. Бу худудда яшаган Қалтаминор

¹ Виноградов А.В., Мамедов Э.Д. Первобытный Лавлякан Этапы древнейшего заселения и освоения Внутренних Кызылкумов М., «Наука» 1975.-С.234-255.

² Холматов Н.У. Ўзбекистон неолит даври жамоалари моддий маданияти. Тошкент, 2008.

маданияти жамоаси аъзолари хўжаликнинг (овчилик, термачилик ва балиқчилик) ўзлаштирувчи шакллари билан кун кечирганлар¹.

Лавлаконт намгарчилигининг тугаб бориши оқибатида курғоқчил иқлим шароитининг қарор топиш жараёни кечади. Бу ерларда яшаган аҳолининг бир қисми намчил иқлим шароитига эга бўлган шимолга кўчган, қолган қисми эса маҳаллий ҳудудда ўтроқлашиб, ишлаб чиқарувчи хўжалик шаклига ўта бошлаган. Ба жараён мил. авв. III минг йилликнинг иккинчи ярмида жадаллашади. Асримизнинг бошларида Ўзбекистон-Польша қўшма экспедицияси томонидан олиб борилган тадқиқот ишлари натижасида Зарафшоннинг қуйи оқимида, Бухородан 150 км. шимолда жойлашган неолит даврига оид Оёқоғитма манзилгоҳидан топилган ҳайвон суяклар орасида сугир, қўй, эчки, чўчка, от ва икки ўрқачли туяларнинг суякларини тадқиқотчилар хонакилаштирилган зотига тегишли, деб ҳисоблаган². Бу ҳудудда от ва туянинг хонакилаштирилиши масаласига эҳтиёткорлик билан ёндашиш мумкин³.

Зарафшоннинг қуйи оқимида ҳудудидан ўтган асрнинг 50-йилларида Я.Ғ.Ғуломов раҳбарлигидаги Моҳандарё археологик экспедицияси мил. авв. III минг йилликнинг охирида шаклланган Зомонбобо маданиятига оид ўндан ортиқ археологик ёдгорликлар (манзилгоҳлар ва қабрлар) ўрганилган⁴. Зомонбобо маданиятига оид аҳоли ярим ертўла уйларда истиқомат қилиб, хўжаликнинг баҳорги лалми деҳқончилик (арпа, буғдой), хонаки чорвачилик (қўй, эчки, қора мол) ва уй ҳунармандчилиги билан шуғулланган. ўзлаштирувчи хўжалик (овчилик, балиқчилик) шакли аҳамиятини йўқотмаган. Уларда тўқай шароитида яшайдиган ёввойи ҳайвонлар (тўқай буғуси, чўчка ва жайронлар) ва сув ҳавзаларида яшайдиган (зоғора, лаққа ва чўртан) балиқлар ов қилинган⁵.

Мил. авв. II минг йилликнинг иккинчи ярмида шимолдан Андронов маданиятига кўчманчи чорвадор қабилалари келиб жойлашган. XIX асрнинг 50-60-йилларида Я.Ғ.Ғуломов раҳбарлигидаги археологик экспедицияси Қуйи Зарафшоннинг Гужайли, Кичик, Катта Тузкон, Каптарниқуми, Пойкент ва бошқа ерларидан ушбу маданиятга оид ўттизга яқин макон излари ва қабрларни аниқлаб, улардан топилган моддий ашёларни ўрганган⁶. Уларнинг биронтасида ҳам маданий қатлам

¹ Гулямов Я.Г., Исломов У., Асқаров А. Первобытная культура в низовьях Зарафшана. Ташкент “Фан”, 1966.-С. 23-86.

² Szymezak K., Khudzhazarov M., Fontugne M., Muchiak R. 14C Dating of Aykagytna the site, neoletic settlement in south-eastern Kyzyl-Kums, Uzbekistan. // ИМКУ, вып. 34. Самарканд, 2004.- С. 26-31.

³ Сверчков Л.М. Тохары древние индоевропейцы в Центральной Азии. Ташкент SMI-ASIA 2011, -С.75.

⁴ Гулямов Я.Г., Исломов У., Асқаров А. Первобытная культура в низовьях Зарафшана. Ташкент “Фан”, 1966.-С.118-141.

⁵ Ўша асар. –Б.171-179.

⁶ Гулямов Я.Г., Исломов У., Асқаров А. Первобытная культура в низовьях Зарафшана. Ташкент “Фан”, 1966.-С. 151-157.

аниқланмаган, моддий ашёлар қумнинг устидан териб олинган. Кўринишдан ушбу маконларда қадимги одамлар қисқа муддат яшаганликлари учун маданий қатлам сақланмаган. Гужайли 9 ва Пойкент 6 маконларида маданий қатламнинг қалинлиги 20 см. дан ошмайди¹. Топиб ўрганилган барча материаллар Андронов маданиятининг Алакул босқичига, яъни мил. авв. XII-XI асрларга оидлиги қайд қилинган².

1958 йилда Я.Ғ.Ғуломов раҳбарлигидаги Мохандарё археологик экспедицияси Бухородан шимоли-ғарбда жойлашган антик даврига оид Қизилқир I манзилгоҳининг қуйи қатлампидан битта қабри очиб ўрганган. 1963 йилда мазкур экспедициянинг қидирув ишлари давомида Катта Тузкон ва Қашқадарё қуйи оқимида сопол буюмлар уюмига дуч келган. Тадқиқотчи улардан топилган сополларни қўшни ҳудудларнинг материаллари билан қиёслаб, мил авв X-VIII асрлар билан саналаган ва ўтроқ чорвачилиқдан яйлов чорвачилигига ўтган қабилаларга тегишли эканлигини қайд этган³. Ушбу маконлардан бошқа мазкур даврга оид ёдгорликлар ҳозирча аниқланмаган. Ҳудудда кейинги даврда чўллашишиш жараёнининг кучайиши натижасида мазкур даврга оид маконлар қумнинг тагида қолиб кетган бўлиши мумкин.

Зарафшоннинг қуйи оқими ҳудудининг ўзлаштирилиши бевосита Сўғднинг марказий ёки жанубий ерлари маданий тараққиётининг ҳудудудий кенгайиши натижасида содир бўлмасдан, аксинча Амударёнинг қуйи оқими ҳудудида яшаган ўтроқ деҳқон жамоаси маданий таъсирида ва қисман кўчманчи чорвадор қабилаларининг ўтроқлашиши натижасида содир бўлган.

Мил. авв. VI асрнинг бошларидаёқ Қадимги Хоразмнинг жанубий чегарасигача кириб келган деҳқон жамоалари таъсирида Зарафшоннинг қуйи оқими ерларда илк ўтроқ деҳқончилик маданияти шаклланади⁴. Чоржов шаҳридан 30 км. шимолий-ғарбда жойлашган Қўшқалъа 1 ва Одойтепа ёдгорликларидан топилган археологик материалларни ўрганиш орқали шундай хулосага келинган. Уларнинг қуйи қатлами моддий топилмалар Яз I, II даврларига оид⁵. Бу манзилгоҳ тадқиқотчи олима М.Ғ.Воробьеванинг фикрига қараганда қадимги бактрияликлар ёки қадимги марғиёналиклар томонидан Хоразм томондан бўладиган ҳарбий ҳавфни назорат қилиш мақсадида барпо қилинган⁶.

Сўғднинг шимоли-ғарбий қисмидаги Боштепа, Конимех-Сармишсой

¹ Ўша жойда

² Ўша асар. -174.

³ -Ўша асар. 181-187.

⁴ Воробьева М. Г. Проблема «Большого Хорезма» и археология //Этнография и археология Средней Азии. М 1979 С. 40-41.

⁵ Филиппко В. Н. Из работ Амударьинского отряда//АО 1968 г. М., 1969. С. 437-428; Его же. Раскопки в Дейнауском районе Чарджоуской области //АО 1974г. М., 1975. С. 528.

⁶ Воробьева М. Г. Проблема «Большого Хорезма» и археология //Этнография и археология Средней Азии. М., «Наука» 1979, С. 40-41.

худудларида жойлашган мил. авв. VI-V асрларга оид ўтроқ деҳқончилик манзилгоҳлари ҳам Хоразмнинг архаик даври маданияти таъсирида шаклланган. Бу даврдаги манзилгоҳларнинг дастлабки уй-жойлар ертўла ва ярим ертўлалардан иборат бўлган. Кейинги босқичда хом ғиштдан барпо этилган меъморчилик ривожланган. Конимех туманидаги Кумработ манзилгоҳида ўрганилган иморат пахсадан барпо этилган катта патриархал оилага тегишли кўп хонали уйнинг атрофи айлантириб девор билан ўраб олинган. Ушбу ёдгорликлардан топиб ўрганилган сопол буюмлари шаклига кўра архаик даврининг сўнгги босқичига оид¹.

Конимех-Саримишсой худудида мил. авв. VI-V асрларга оид ўтроқ деҳқончилик манзилгоҳлари билан бир даврда фаолият юритган қабр-қўрғонлар (Хазора, Қалқонсой ва Шодибек қабристонлар) ҳам мавжуд. Кўчманчи саклар Сирдарёнинг куйи оқимидан Қизилқум чўлини кесиб ўтиб, бу ерларга келиб қолган. Қабр-қўрғонлардан олинган моддий топилмалар орасида кулолчилик чархида ясалган Ёз II босқичига хос бўлган цилиндр ва банкасимон шаклли сопол буюмлари ҳам мавжуд² Бундай сопол буюмлари Ўрта Осиёнинг қадимги шаҳар маданиятига эга бўлган жанубий ўтроқ деҳқончилик марказларининг (Бақтрия, Марғиёна) бевосита маданий таъсири ёки улар билан маданий алоқаларнинг натижаси ҳисобланади.

Боштепа худудидаги мил. авв. IV асрда шаклланиб, милодий III асргача фаолият юритган Ўртатепа қалъаси тараққиётининг илк босқичида қалин мудофаа девори билан ўраб олинган. Бу худудда шунингдек, оид Боштепа, Оёктепа I ва II манзилгоҳлар ўрганилиб, улар ҳам мазкур даврнинг муҳим аҳоли пунктларини ташкил этган³. Антик даври ёзма манбаларида Александр Македонский қўшинларининг Ғарбий Сўғдга амалга оширган ҳарбий ҳаракати давомида уларга қарши ҳимояланган қалъа тўғрисида маълумотлар мавжуд⁴. Унда Ўртатепа каби қалъа назарда тутилган бўлиши эҳтимолдан ҳоли эмас⁵. Шунини алоҳида таъкидлаш жоизки, россиялик тадқиқотчи олим А.С.Балахванцев қадимги форс манбаларида қайд этилган *дах* (даи) қабилалари тўғрисидаги тадқиқотчи олимларнинг илмий хулосаларини таҳлил қилиб, уларни Ғарбий Сўғд худудига жойлаштиради⁶. Бундай ҳолатда О.В.Обельченко томонидан

¹ Мухаммаджонов А. Р. Қадимги Бухоро. Тошкент, “Фан” 1991. Б. 31–33.

² Мухаммаджонов А. Р. Қадимги Бухоро. Тошкент, “Фан” 1991. Б. 31–33.

³ Шишкин В. А. Археологическая разведка на Баш-тепа // Труды ИИА АН Уз. Вып. VIII. Ташкент, 1956; Жуков В. Д. Материалы к изучению Баш-тепинской группы памятников в западной части Бухарского оазиса // Там же.

⁴ История Узбекистана в источниках Ташкент “Фан” 1982. -С. 101.

⁵ Адылов Ш.Т. Поселение Уртатепа (Некоторые предварительные итоги обследования) // ОНУ. 1995. № 5–6–7–8. С. 47–50.

⁶ Балахванцев А.С. Политическая история ранней Парфии. Дисс. на соис. док. ист. наук. М., 2018, -С.68-106.

Бухоро воҳасида ўрганилган Қуйимазор ва Лавандак қабрлари¹ дах қабиласига алоқадорлик эҳтимоли келиб чиқади.

Бухоро, Ромиш ва Хўжа Бўстонлар (Тавовис) Ғарбий Сўғднинг архаик даврининг охирлари шаклланган шаҳар шаклидаги аҳоли манзилгоҳлари ҳисобланади. Бу қадимги шаҳарлар дастлаб алоҳида жойлашган икки-уч қисмдан иборат бўлиб, уларнинг ҳар бири алоҳида мудофаа деворларига эга бўлган. Юқорида келтирилган аҳоли манзиллари бир даврда шаклланиб, муҳофаза деворлари билан ўраб олинган. Уларнинг арки табиий ёки сунъий тепалик устида қурилган. Мазкур ҳолат Варахшанинг илк босқичлари учун ҳам хос хусусият ҳисобланади.

Умуман Зарафшоннинг қуйи оқими ҳудудида мил. авв. IV асрнинг бошида икки қисмдан иборат илк шаҳар шаклидаги йирик манзилгоҳларлар вужудга келган. Бу манзилгоҳлар мудофаа тизимига эга бўлган кичик марказий қалъадан ташкил топиб, уларнинг атрофида ихтисослашган ҳунармандчилик ишлаб чиқариши ва қишлоқ хўжалиги ривожланган.

Зарафшон дарёсининг қуйи оқими ва Қизилқум ерларини ташкил этган Ғарбий Сўғд ерларида қадимги даврлардан инсоният аждодлари яшаб келган. Маҳаллий ҳудуднинг табиий-географик ва иқлим шароитига мос равишда ўзлаштирилиб, хўжалик шакллари юритилган. Мил. авв. биринчи минг йилликнинг ўрталари келиб, бир томондан қўшни ҳудудларнинг маданий таъсирида ва бошқа томондан кўчманчи чорвадор қабилаларининг бир қисмининг ўтроқлашиши натижасида Бухоро воҳасининг дарё ҳавзари ҳудудида урбанизация жараёни шаклланган. Македониялик Искандар қўшинининг Сўғд ҳудудини босиб олган давргача Бухоро воҳасида шаҳарсозлик маданияти шаклланиб бўлганлиги археологик исботига эга. Искандар юришларидан кейин Зарафшоннинг қуйи оқимида шаҳарсозлик маданияти тараққиётининг кейинги босқичи бошланиб, эллин маданияти таъсирида ривожланишни бошидан кечиради.

BUXORO SHAHRINING NOMLANISHI VA ETIMOLOGIK TARIXI

*Mirzayeva Diloromxon-
Farg'ona davlat universiteti talabasi*

Бухоро Марказий Осиёнинг энг кўна шаҳарларидан биридир. Ўзбекистоннинг жанубий-ғарбиди, Зарафшон дарёси қуйи оқимида жойлашган. Археологик маълумотларга кўра, Бухорога милoddan avval VI asrda asos solingan. Зарафшон дарёсининг қуйи оқимида жойлашган Бухоро шаҳри ва унинг атрофидидаги yerlar qadimda nihoyatda xushmanzara — hayvonot va

¹ Обельченко О.В. Лявандакский могильник ЎММТ, 2-нашр, Тошкент “Фан”, 1961. –С.97-176; он же. Кую-Мазарского могильника.// Тр. ИИА АН УзССР, вып. VII, Ташкент 1956, -С. 205-207.

o'simlik dunyosi betakror, ko'l va oqar suvlarga boy bo'lib, tarixchi Narshaxiyning „Buxoro tarixi“ asaridagi ma'lumotlar buni tasdiqlaydi.

Buxoro nomi ilk orta asr Xitoy manbalarida turlicha (An, Ansi, Ango, Buxo, Buku, Buxe, Buxaer, Buxuaer, Buxala, Buxuala, Fuxo, Puxuala va boshqalar) atalgan. Bu atamalardan avvalgi uchtasi Buxoro shahrining xitoycha nomlari bolib, qolgani Buxoro sozining xitoy tilidagi talaffuzidir. Orta asr arab manbalarida esa Buxoro shahri Numijkat, Navmichkat, Bumichkat (Yangi qorgon), Al-Madina assufriyya (Mis shahar), Madinat attujjor (Savdogarlar shahri), Foxira (Faxrli shahar) kabi nomlar bilan tilga olingan. Buxoro atamasi sanskritcha vixora sozining turkmogulcha shakli buxor (ibodatxona) dan kelib chiqqan deb taxmin qilingan. Keyingi tadqiqotlarda bu atama sugdiycha bug yoki bag (tangri) hamda oro (jamol) sozlaridan iborat bolib, tangri jamoli degan manoni anglatadi, degan fikr ilgari surilmoqda.

Haqiqatdan ham, toponimikadan (yani shaharning joy nomlaridan) ham otashparast (zardushtiy) muglar, majusiylar, nasroniylar, moniylik va nixoyat, budda dini ibodatxonalarining islom tarqalguncha kanday tartibda joylashganini bilib olsa boladi. Xatto shahar nomining uzi ham "Vihara" (buddachilarning machiti) suzidan kelib chikkan deb faraz kilinadi. Aslida "Buxoro" "buxor" suzidan kelib chikkan bulib, utparastlar tilida "ilm makoni" degan manoni anglatadi. Bu ifoda uygur va xitoy butparastlarining tiliga yakindir, ularda butlar saklanadigan joy "buxor" deyiladi. Buxoro solnomachisi Xofizi Tanish (XVI asr) "Shaharning nomi aslida Lumjkat edi", deb xabar qiladi.

Miloddan avvalgi I minginchi yilning urtalarida Buxoro vohasi Markaziy Osiyodagi katta So'g'd (So'g'diyona) viloyatining bir kismi edi. Yunonistonlik Iskandar bu viloyatni zabt etgan. U Samarkandni egallagach, mamlakat ichkarisiga, Buxoro eriga kushin tortgan.

Eramizning VI-VII asrlari So'g'd tarixida feodal ijtimoiy munosabatlarning shakllanishi davridir. Bu xil munosabatlar esa yangi-yangi kuzgolonlarga sabab bulgan.

VI asrning ikkinchi yarmida Buxoroni Abruy boshchiligidagi xalq harakati kamrab oldi. Uni boy mulkdorlar - er egalari bostirdilar. Buxorodagi ilk feodalizm boskichi ana shu davrdan boshlanadi. Yangi ijtimoiy tuzum feodal davlat boshkaruvini karor toptirdi: ayrim mulklarning kichik xukmdorlari harbiy zodagonlarga, savdogarlar va turli dindagi ruxoniylarga tayanar edilar. Shaharlar barpo etish jarayoni jadal bordi: Buxoro atrofidagi kadim manzilgoxlar urnida Varaxsha, Vardonze, Romish (Romiton), Karmana, Poykent shaharlari shakllandi. Ilk urta asrlarga mansub Varaxshadan bizgacha toshga ishlangan tasvirlar bilan bezatilgan saroy etib kelgan. Bu tasvirlar Panjakentda topilgan mashhur suratlardan mutlako kolishmaydi. Bu shaharlar ichkarisida bir necha asosiy kislarga bulinar edi: kala (ark), shaxriston (tugri rejalashtirilgan shahar) va shaxristondan tashkaridagi uchinchi kism. Bu uchinchi qism er ustidagi dahmalarda marhumlarning suyaklari saklanadigan sopol idishlar kuyiladigan kabristondan iborat.

Ilk orta asrlardagi Buxoroning tuzilishi ham taxminan ana shunday edi.

Buxoro yirik shahar bulib, 40 gektarcha maydonni egallardi. Tugri burchakli shaxriston bir-birini kesib utuvchi ikkita kattakon kucha bilan turt kismga bulingan bulib, bu kuchalar dunyoning turt tomoniga karagan darvozalarga olib borardi. Bu xil kurinish tekislikda joylashgan shaharlar uchun anana sanalgan. Bu ananada Sharq xalqlari dunyokarashidagi kadimiy tasavvurlar uz ifodasini topgan bulsada, aslida, shaharga xos bu shakl Olam tuzilishining ramzidir. Uning bichimida moddiy olam haqidagi kosmogonik karashlar aks etgan. Shaharning shimoli-garbiy tarafi, yani turida buxorxudotlar xukmdorlari kurgoni joylashgan edi. Ark va shaxriston devorlari ortida har bir paxsa devorli uylardan iborat maxallalarga bulingan rabotlar (savdo-xunarmandchilik daxalari) yuzaga kela boshladi. Xitoyni Eron va Xindiston bilan boglaydigan kadimiy savdo yullari Buxoro orkali utgani savdo- sotikning rivojlanishiga turtki buldi hamda rabotlarning kengayishiga yul ochib berdi. Kalaning garbiy darvozasi yakinida davlat idorasi devonxona va zodagonlarning machiti bor edi.

Buxoroning arab xalifaligi kushinlari etib kelishi arafasidagi kiyofasi ana shunday edi. Garchi boskinlar, siyosiy muzokaralar, kamallar, janglar 673-yildan boshlangan bulsa-da, Buxoro 708-yildagina uzil-kesil zabt etildi. Keyin esa arab xalifaligining viloyatlaridan biri bolib qoldi.

IX asr oxirlarida xokimiyatni maxalliy xukmdorlar – somoniylar egallandi. Lekin shunda ham mamlakat xalifalikka kisman karam edi. Garchi mamlakat siyosiy va iktisodiy jixatdan mustakil bulsa-da, somoniylar uz tangalarida xalifalik taxtida utirgan salotlarning nomlarini zarb etishni va xalifalik xazinasiga solik, tulashni davom ettirdilar. Buxoro IX asr oxiriga kelibok musulmon dunyosining yirik madaniy va diniy markazlaridan biriga aylangan edi. Shahar azaldan turli din vakillari jamlangan joy bulib kelgan bulsa-da, uni "Islom gumbazi" ("Kubba-tul islom") deb atadilar.

2-ШЎБА. БУХОРО ВОҲАСИДА ДАВЛАТЧИЛИК АСОСЛАРИ, ШАҲАРСОЗЛИК, МОДДИЙ ВА МАЪНАВИЙ МАДАНИЯТ МАСАЛАЛАРИ

БУХОРО ВОҲАСИДА ДАВЛАТЧИЛИК – БУХОРХУДОТЛАР ДАВЛАТИ

*Отахўжаев Азимхўжа-
ЎзР ФА Тарих институти бош илмий ходими,
тарих фанлари доктори*

Қадим Туронзаминнинг қўхна давлатчилиқ анъаналари мавжуд бўлиб, ҳар бир тарихий-маданий вилоят ўзига хос давлат бошқарув амалиётига эга бўлган. Шу маънода Бухоро воҳасининг ўзбек давлатчилиги тарихида тутган ўрни бекиёсдир. Бу ҳудуд гарчи қадим ва ўлк ўрта асрлардаги географик Суғднинг таркибий қисми саналса-да, ўз тараққиёт босқичида оҳани маъмурий бошқарув анъаналари шаклланиб, давлатчилиқ пойдевори милоддан олдинги I мингйилликнинг иккинчи ярмидан қўйила бошланган. Бу давлатчилиқ маҳаллий бошқаруви тажрибаси ва аҳамонийлар, юнон-македонлар, юнон-бактрияликлар, кушонлар, эфталийлар, туркий хоқонлар анъаналарини ўзига мужассам этган эди. Ҳеч шубҳа йўқки, бу воҳадаги давлатчилиқ сўнги асрлардаги Сомонийлар, Қорахонийлар, Чигатойлар, Манғитлар бошқаруви учун замин вазифасини ўтади.

Илк ўрта асрларда даври (V-VIII аср биринчи ярми)да Суғд учта ўзига хос ҳудудий-маъмурий бирликлар: Маркази Суғд (Самарқанд), Жанубий Суғд (Кеш ва Насаф) ва Ғарбий Суғд (Бухоро)дан иборат эди. Марказий ва Жанубий Суғд мулклар конфедерация сифатида бирлашган бўлса, Ғарбий Суғд алоҳида маъмурий мақомга эга эди¹.

Бухоро Суғди ўзига хос бўлган қадимий бошқарув анъаналарини давом эттирарди. Шундай бўлса-да, хитой муаллифлари Суғд мулкларига умумий таъриф беришарди. Сайёҳ ва роҳиб Сюань Цзаннинг 629-630 йиллардаги маълумотида: маркази Кан (Самарқанд) бўлган Мимокия / Мимохэ (Маймурғ), Цзебудана (Кабудан), Цюйшуанницзя (Кушония), Цзешуанна (Кеш) мулкларини ҳамда Бухэ (Бухоро)ни Суғд мулклари сифатида қайд этган. Хой Чао (миллати корейс) эса, 726 йилга оид маълумотида, “Ху (Ғарб) мамлақати”даги Ан (Бухоро) ҳамда Цао (Иштихон), Ши (Кеш), Ши-ло (Чоч ва Илоқ мустақил мулкликлар – А.А.), Ми (Маймурғ) ва Кан (Самарқанд) каби мулклар ўз ҳукмдори ва қўшинига эгаллигини қайд этган². Хитой солномаси “Бэй-ши”нинг 97-бобида, VI–VIII

¹ Отахўжаев А. Илк ўрта асрлар Марказий Осиё цивилизациясида турк-суғд муносабатлари. – Тошкент: ART-FLEX, 2011. – Б.73-78.

² Fuchs W. Huei-Ch'ao's Pilgerreise durch Nordwest Indien und Zentral Asien um 726 // APAW. – 1938. – Vol. 30. – S. 451–452; Бернштам А.Н. Тюрки и Средняя Азия в описания Хой Чао (726) // ВДИ. – 1952. – № 2. – С. 187–195.

асрларда Кан (Самарқанд Суғди)га таркибидаги Ми (Маймурғ), Ши (Кеш), Цао (Иштихон), Хэ (Кушония), Кичик Ан (Шаркий Бухоро), Нашебо (Нахшаб), Унагэ, Му каби саккизта; “Тан-шу”нинг 221-бобида Чжаоу хонадони бошқарган 9 та мулк: Ан, Цао, Ши, Ми, Хэ, Хосюан, Маоди, Шиши ва 9-си Кан тилга оланади¹. Қолаверса, 712 йилдаги Суғд ихшиди Ғурак ва араб лашкарбошчиси Қутайба ибн Муслим имзоланган “Самарқанд шартномаси” ҳам ушбу маъмурий бўлинишнинг айрим жиҳатларини ўзини топган².

Шу ўринда таъкидлаш жоизки, Марказий Суғдга 9та мулк бирлашган ҳолда, Ғарбий Суғд сиёсий жиҳатдан Самарқандга тобе бўлмаган. Аммо мустақил сиёсат юритган Бухоро воҳасини ўраб турган девор ал-Масъудийга кўра, Суғд ихшидлари томонидан қурилгани бу воҳанинг туркий сулола Эларслонийлар (Шери Кишвар) ҳокимиятга келган 585-586 йилдан сўнг мустақил сиёсат юрита бошлаган кўрсатади. Айни пайтда Бухоро Суғди ўз атрофига Тавовис, Қуйи Харқана, Ҳитфар, Қохуштивон, Юқори Самжон, Қуйи Самжон, Юқори Фаравиз, Қуйи Фаравиз, Зар, Фарғидат, Фароб каби 22 та мулкни бирлашган ва Пойкент шаҳри мустақил ички маъмурий бошқарувга эга бўлган. Мазкур мулкларининг 15 таси Бухоро воҳаси мудофаа девори ичида, 7 таси ташқарисида бўлган³.

Бухороликлар нисбатан “бухоролик – пухар(ик)” атамаси қўлланилгани ҳам эътиборни тортади. Жумладан, монийларнинг “Халқнома” – “Name” асарида *pwu’r* - “бухоролик” атамаси “суғдий, форсий, тохарий” билан бир қаторда келтирилган⁴.

Наршахийга кўра, воҳа аҳоли дастлаб Туркистон томондан келиб, чодир ва ўтовларда яшаган. “Сўнг вақт ўтиши билан одамлар йиғилиб иморатлар қурган”. Аммо Нумичкат, Фаробдиз, Нур (Нурота), Харқанруд (Харқана), Вардана (Қўрғони Вардозе), Таровча (Тароб), Сафна ва Исвона қишлоқ (кент)лари Бухоро шаҳридан қадимий ҳисобланган. Подшо турадиган катта қишлоқ – кент Пойканд (Бойкент) ҳисобланган. Бу маълумотлар Бухоро Суғдининг илк пойтахти Пойканд бўлганлигини,

¹ Бичурин Н.Я. (Иакинф) Собрание сведений о народах, обитавших в Средней Азии в древние времена. В 3-х томах. – М. – Л.: Изд. АН СССР. том II. – 1950. – С. 280–286; 323.

² Смирнова О.И. К истории Самаркандского договора 712 г. (Договор арабского полководца Кутейбы с царем Согда Гурекком, заключенный в 712 г.) // КСИВАН. – 1960. – Вып. XXXVIII. – С. 69–79.

³ Ҳудуд ул-олам (Мовароуннахр тавсифи) / Форс тилидан тарж., сўз боши, изоҳлар ва жой номлари кўрсат. муаллифи Омонулло Бўриев. – Тошкент: O’zbekiston, 2008. – Б. 11–12; Адълов Ш.Т. Административно-территориальное устройство Западного Согда в раннем средневековье // ОНУ. – 1998. – № 6. – С. 18.

⁴ Лившиц В.А., Кауфман К.В., Дьяконов И.М. О древней письменности Бухары // ВДИ. – 1954. – № 1. – С. 154.

эфталиийлар (ёки турклар) келгач, Бухоро ўрнидаги янги марказ танланганлигини исботлайди¹.

Пойканд пойтахт пайтида 20 гектарли, кучли мудофаа девори билан ўралган, ичкарида ҳукмдор арки жойлашган шаҳар бўлган. Турк шаҳодаси Абруй (Абохон)нинг айнан Пойкентни эгаллаб, аҳолисига зулм ўтказгани ҳам бежиз эмас. Унинг зулмидан қочган пойтахтнинг бой савдогар ва деҳқон аҳли “Туркистон ва Тароз (яқинида) бир шаҳар бино қилиб”, ўз етакчилари номи билан “Ҳамукат деб аташган”. Абруй (Абохон) исённи бостиришга Турк ябғу-хоқони Истамининг ўғли Биёғу (Буюк ябғу) – Қорачўрин ўз ўғли Эл Арслон (Шери Кишвар)ни жўнатади. У пойтахт Пойкандни Абруй (Абохон)дан халос этгач, Бухорони ўз тасарруфига олади ва Ҳамукатдаги бухороликларни юртига қайтаради. “Ҳамукетдан келган ҳар бир киши (амир)нинг яқини бўлди” деган буйруқ беради. Бухоро ўрнидаги янги пойтахтда қадимги “бухорхудот” унвони қайта тикланади. Чунки Эл Арслонга қадар Бухоро Суғдини милодий аср бошларидан VI асрнинг сўнгги чорагигача чжаоу хонадонига мансуб “бухорхудот”ларининг 22-авлод бошқарариб келаётган эди. “Тан шу”да бу хонадоннинг сўнгги вакили Ша-Алания (Алинг/ Holing-kia) номи билан зикр этилади².

585/586 йилдан чжаоулар бошқаруви тугатилиб, улар ўрнини туркий ҳукмдор Эл Арслон (Шери Кишвар) эгаллади. Унинг даврида (585/586-605/606) Абруй (Абохон) вайрон қилган кўрғон ва қалъалар тикланди. Бухоро шаҳристони, шаҳар ғарбидаги Мамастин (Мамостий қишлоғи), Шоҳруд канали бўйида Сақматин (Сумитан – Чорбақр), Самтин ва Фароб қишлоқлари барпо этилди. Бухорхудотларнинг ёзги қароргоҳи Варахша ҳокими Хунукхудот томонидан таъмирланди. Бу қароргоҳ Бунёд ибн Туғшода даврида (768-782/783) ҳам янгилаган эди³.

Бухорони эшалаган Эл Арслон (Шери Кишвар) ўзига нисбатан “бухорхудот” унвони қўлланилмади. Ундан кейинги авлодларигина қадимий маҳаллий “бухорхудот” унвони билан юритила бошланди⁴.

Эл Арслон (Шери кишвар)дан сўнг Бухорони “Тан шу”га кўра, тахминан 600/605 – 620-йилларда Шелидин ёки Шели; 620-630 – йилларга келиб, Нишу Гяна шад (Наршахий бўйича Шери Кишварнинг невараси

¹ Наршахий. Бухоро тарихи / А. Расулов тарж. // Мерос туркуми. – Тошкент: Камалак, 1991. – Б. 90–91; Отахўжаев А. Илк ўрта асрлар Марказий Осиё цивилизациясида турк-суғд муносабатлари. – Б. 74-75.

² Наршахий. Бухоро тарихи. – Б. 91–92; Бичурин Н.Я. Собрание сведений. Т. II. – С. 282; Смирнова О.И. Очерки из истории Согда. – М.: Наука, 1970. – С. 24–25; Бобоёров Ф. Турк хоқонлигининг Мовароуннаҳрдаги бошқарув тизими ҳақида // O'zbekiston tarixi. – 2000. – № 4. – Б. 76.

³ Наршахий. Бухоро тарихи. – Б. 90–92; Шишкин. В.А. Варахша. – М.: Изд. АН СССР, 1963. – С. 212–215.

⁴ Отахўжаев А. Илк ўрта асрлар Марказий Осиё цивилизациясида турк-суғд муносабатлари. – Б. 75.

Кано); 630–639/640 йилларда хитой манбаларида Хелинцзе, араб манбаларида 639/640-660 йилларда Эл арслон (Шери Кишвар) авлодларидан Ша (шад) ҳамда 673-680 йилларда Бухорони бухорхудот Бидун бошқарган¹. Табарий ҳамда Наршахий Бидун араб истилоси даврида Муслим ибн Зиёд томонидан ўлдирилганини қайд этишади. Сўнгра ўғли Туғшода ёш бўлганиги боис давлатни малика Қабаж Хатун ўн беш йил (680-695) бошқариб тургани қайд этилади. Унинг даврида белларига олтин камар ва қилич таққан, “мард ва жасур кишилар”дан 200 та чокар сарой хизматида бўлган. Бу йигитлар бир йилда тўрт марта шу вазифага чорланган. Малика Қабаж Хатун бошқарув даври араб истилосининг дастлабки босқичига тўғри келади. 695 йилда Қабаж Хотун вафот этиб, тахт ўғли Туғшодага ўтди. Туғшода I ибн Бидун (суғд. Туғаспада, хитой. Дусабати) 32 йил юртни бошқарди. Унга маслаҳатчи бўлиб, Туркистондан Вардонхудот исмли бир вазир келиб ёрдамга келган эди. Туғшода I хукмронлик даври (693/695-724) Хуросон ноиблари Қутайба ибн Муслим (705-715), Саид Хараший (721-723) кабиларнинг Мовароуннахрни эгаллашга жиддий киришган даврига тўғри келади. Истилочиларга қарши бухорхудотларнинг ҳаракатлари халокатли тугади. 724 йилда тахтга Туғшода II (724–738/739) келди. Бу пайтда Хуросонга Муслим ибн ал-Килабийдан (104-105/723-724)дан то Наср ибн Сайёр (110-121/728-738)гача бўлган ноиблар келиб кетган эди. Қаршилиқ кўрсатиш бесамар эканлиги англаган Туғшода II исломга кириб, ўғлини Қутайба деб номлади. Ҳатто, қизини Наср ибн Сайёрга узатди ҳам. Аммо Бухорога амири этиб тайинланган Васл ибн Амр томонидан бухорхудотларга тегишли ерларнинг тортиб олиниши, бухорхудотларнинг нафақат сиёсий, балки иқтисодий мавқеига зарба берди. Натижада Туғшода II яна истилочиларга қарши чиқишга мажбур бўлди. У умумсуғд қўзғолонлар вақтида (738/739) Наср ибн Сайёр фитнаси билан ўлдирилди². Ундан сўнг ўрнига ўғли Қутайба ибн Туғшода (738/739-753) келди.. У ҳам истилочиларга қарши ҳаракатлари боис ўлдирилди. Бухоро тахтини эгаллаган Туғшода III (753-768) дастлаб исломни қабул қилди. Айрим сабаблар билан ундан қайтгани боис у ҳам 768 йилда араблар томонидан қатл этилди. 768 йилдан 775 йилгача Бухоро тахтини Сукон исмли бухорхудот бошқаргани тахмин қилинади. Бизнингча, тахт вориси Бунёд ибн Туғшода ёш бўлгани боис Бухорони бошқариб турган оталиқ бўлиши керак. Чунки Бунёд ибн Туғшоданинг ҳижрий 166 (782/783) йилгача ўз юртини бошқаргани маълум. У “оқ кийимликлар” ҳаракатини қўллагани

¹ Қаранг: Смирнова О.И. Очерки из истории Согда. – С. 278; Шишкин В.В. Варахша. – М.: Изд. АН СССР, 1963. – С. 235-238; Бобоёров Ф. Турк хоқонлигининг Мовароуннахрдаги бошқарув тизими ҳақида. – Б. 76.

² История ат-Табари. / Пер. с араб. В.И. Беляева с допол. О.Г. Большакова, А.Б. Халидова. – Ташкент: Фан, 1987. – С. 44, 269; Наршахий. Бухоро тарихи. – Б. 92-93. Кадырова Т. Из истории крестьянских движений Мавераннахре и Хорасане в VIII – начале IX в. – Ташкент: Фан, 1965. – С. 35–41.

сабабли Варахша қасрида амир Махдий фармони билан ўлдирилди. Манбаларда Бунёднинг авлодлари то амир Исмоил Сомоний даври (874 йил)гача Бухорони бошқарганликлари, сўнгги бухорхудо номи Абу Исҳоқ Иброҳим ибн Холиб ибн Бунёд эканлиги айтилади¹. Шунга кўра, туркий бухорхудо Эларслонийлар сулоласи Бухорони 585/586 йилдан то 852/873 йилгача бошқаргани ойдинлашади.

Ғарбий Суғд – Бухорода мустақил сиёсат белгиси мис чақалар (ички бозор учун) ва кумуш тангалар (ташқи савдо учун) мил. II–IV асрлардан бошлаб Евтидем тетрадрахмалари кўринишида ва V асрдан суғдий тангалар намунасида зарб этилган. IV–V асрлардаги мис тангалар сиртига “Апсар ҳвабу” (“Чавандоз ҳукмдор”) деб битилган. Муғ архивининг А-5 ҳужжатида ҳам “пухарик драғм” (“бухоро драҳмаси”) жумласида учрайди. Агар II–III аср тангаларига подшо тасвири ва ёзув туширилган бўлса, V асрдан кейинги тангаларда подшоларнинг исми, унвони ҳамда тамғаси акс этирилган. Бухоронинг ўз пул бирлигига эгаллиги бу воҳада ишлаб чиқариш ва савдонинг ривожидан далолат беради. Қолаверса, Бухоронинг “занданачи” матолари Ироқ, Форс, Кермон, Ҳиндистон каби ўлкаларда ҳам машҳур бўлган².

Бухороликлар шимолий-шарқий йўналишдаги савдо-колониал ҳаракатда ҳам фаол бўлишди. Ҳатто пойкентлик савдогарлар денгиз йўллари орқали ҳам хориж билан алоқа қилишди. Хусусан, Хитойдаги Цзюцюан шаҳрида аксарияти бухороликлар бўлганлар савдо қилишган. Улар Турк хоқонлиги ва Хитой сиёсатида ҳам ўз ўринларига эга бўлишган. Жумладан, Ан-Напанто (Нахбанд) Турк хоқони Бумин (Тумин) (551-553) ҳузурига Хитой вакили сифатида 545 йилда юборилган бўлса, Ан Суй-цзе эса Тўнга Турон хоқоннинг (588-599) маслаҳатчиси эди. Ан У-хан ва унинг ўғли Ан Ту-ханлар хоқон ноиблари – элтабар унвонини олишганди. Жумладан, Ан Ту-хан самарқандлик Кан Су-ми билан 5000 юртдошини Шарқий Турк хоқонлиги ҳудудига жойлаштириб, хоқонликнинг иқтисодий ва сиёсий қудратининг ошишига ҳисса қўшган эди. Ан Ян-ян исмли бухоролик лашкарбоши Қапағон хоқон (692-716) кўмондони сифатида асир олинган суғдийларни Хитой асоратидан қутқаришда қатнашиб, Ашина уруғига куёв бўлишга эришди. Ан Лушан бошлаган исён (755-762) эса, бутун Хитойни ларзага солиб, Тан сулоласини инқирозга олиб келганлиги ҳам тарихдан маълум³.

¹ Наршахий. Бухоро тарихи. – Б. 94.

² Наршахий. Бухоро тарихи. – Б. 99–101; Смирнова О.И. Очерки из истории Согда. – С. 56–57, 159; Ртвеладзе Э.В., Мусакаева А. К истории денежного обращения в Западном Согде (клад подражаний тетрадрахмам Евтидема из Бухары) // ОНУ. – 1986. – № 6. – С. 35–38; Согдийские документы с горы Муг. Вып. II: Юридические документы и письма / Чтен., пер. и коммент. В.А. Лившица. – М.: ИВЛ, 1962 (СДГМ II). – С. 181–185, 209.

³ Зуев Ю.А. Ранние тюрки: очерки истории и идеологии. – Алматы: Дайк-пресс, 2002. – С. 10, 159; Кляшторный С.Г. Древнетюркские рунические памятники как источник по истории

Култегин битигидаги: buqaraq ulus – “Бухоро ўлкаси халқи”¹ жумласи бу юрт вакилларнинг хоқонликдаги сиёсий, иқтисодий ва маданий жараёнларда туркийлар билан ёнма-ён иштирок этганлигини исботлайди.

Бухоро воҳаси азалдан ўтроқ ва кўчманчи қавмлар яшагани Варахша қасри деворий тасвирларида ўз аксини топди². Бу воҳадаги азалий сиёсий ва этномаданий алоқаларининг ўзига хос жиҳатларини кўрсатади.

Бухоро аҳли умумсуғдий тилининг бир шевасида гаплашган. Улар ўзига хос ёзув маданиятига ҳам эга бўлганлар. Бу ёзув намуналари асосан тангаларда ва кумуш идишлар сиртида сақланган. Бухоро ёзуви IV асрга оид суғд ёзувининг “Кўхна хатлар” намунасига яқин бўлиб, ҳатто В.Б. Хеннинг Бухоро тангаларидаги ёзувларни “Кўхна хатлар” ёзувларидан қадимийроқ, деган фикрни ўртага ташлайди. Мазкур қараш Бухоро ёзуви оромий ёзувига асосланган суғд ёзувининг қадимий график анъаналарини сақлаган, деган хулосани беради³. Унинг бу жиҳатлар умумсуғд маданиятининг серқирра эканлигини исботлайди.

Бухоро Суғди аҳолиси эътиқодидаги ўзига хослик, бу янги йилнинг биринчи кунини Сиёвуш хотирасига хўроз қурбонлик қилиб, марҳумнинг “йўқолган суяқларини излаш” маросими билан етти кун давом этган масросимда намоён бўлади⁴.

Мухтасар қилганда, Бухоро Суғди ва уни бошқарган бухорхудотлар нафақат умумсуғд тарихи узвий бир бўлаги, балки ўзбек халқи ва унинг давлатчилиги тарихининг ноёб намунаси саналади.

АМУДАРЁ БЎЙЛАБ БУХОРО АМИРЛИГИ ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИК МАҲСУЛОТЛАРИНИНГ ТАШИЛИШИ

*Алламуратов Ш.А. –
ТерДУ таянч докторанти*

XIX аср охири – XX аср бошларида Бухоро амирлиги аҳолиси савдо-сотик ишларининг ривожланишига эътибор қаратиб, Шарқий Бухоро бекликлари ҳудудларини ғарбий ҳудудлар билан боғлаш, айниқса, сув йўлларида унумли фойдаланиш муҳим аҳамият касб этган. Маълумки,

Средней Азии. – М.: Наука, 1964. – С. 121; Камалов А.К. Положение иноземцев в Танской империи : восстание Ань Лушанья и Ши Чао-и (755-762) // Shygys. –2005. – № 2.– С. 10–20.

¹ Малов С.Е. Памятники древнетюркской письменности. Тексты и исследования. – М. – Л.: Изд. АН СССР, 1951. – С. 52.

² Шишкин В.А. Варахша. – С. 158–159, 173, 220–221; Исаков А. Дворец правителей древнего Пенджикента // СНВ. – 1971. – Вып. X. – С. 76–82; Альбаум А.И. Новые росписи Афрасиаба // СНВ. – Москва: Наука, 1971. – Вып. X. – С. 83–89.

³ Henning W.B. The Date of the Sogdian Ancient Letters // BSOAS. – 1948. – Vol. 12. – pt. 3–4. – P. 314; Лившиц В.А., Кауфман К.В., Дьяконов И.М. О древней письменности Бухары // ВДИ. – 1954. – № 1. – С. 163–164; Лившиц В.А., Хромов А.Л. Согдийский язык / Основы иранского языкознания. Среднеиранские языки. – М.: Наука, 1981. – С. 349.

⁴ Дьяконов И.М. и др. Документы из древней Нисы (дешифровка и анализ) // Материалы ЮТАКЭ. – 1951. – Вып. 2. – С. 36–37.

Амударёнинг ҳар иккала қирғоқ бўйи ҳудудлари деҳқончилик учун қулай ҳисобланган. Кенг майдондаги қум-тупроқли ҳосилдор ерлар халқ хўжалигининг деҳқончилик соҳасини ривожлантиришга имкон яратган. Бу даврда деҳқончилик маҳсулотлари нафақат амирлик аҳолиси эҳтиёжларини қондиришга етиб, балки ташқи бозорларга сотишга ҳам етарди.

Маълумки, шарқий Бухоро бекликлари ҳудудларини ғарбий ҳудудлар билан боғлашда қуруқлик йўлари билан бир қаторда Амударё сув йўлидан ҳам фойдаланилган. Амирликда шарқий бекликлар асосий қишлоқ хўжалик маҳсулотлари омбори эди. Бу даврда Амударё бўйлаб 500 га яқин қайиқларда асосан пахта, ғалла ва бошқа қишлоқ хўжалик маҳсулотлари ташиларди¹.

XIX аср охири – XX аср бошларида Бухоро амирлигида етиштирилган пахтанинг 300-400 минг пуди мамлакатнинг ўзида ишлатилиб, тахминан 1,4 млн пуди эса Россияга олиб кетилган. Ушбу пахтанинг 150 минг пуди айнан Амударё сув йўли орқали Чоржўй темир йўл станциясига ташиб келинган². Хива хонлигидан Чоржўйга Амударё бўйлаб қайиқларда 400 минг пуд атрофида, Амударё флотилияси кемаларида эса 150 минг пудгача пахта олиб келинган. Бошқа товарларнинг ҳам худди шундай катта қисми қайиқларда, кам миқдордагиси эса флотилия кемаларида ташиларди³.

Дарё бўйлаб пахта ташишдан кейинги ўринда буғдой, арпа, гуруч ва зиғир турган. Пахта ва ғалла маҳсулотлари қайиқларда ташиладиган энг қулай юк ҳисобланиб, 6 сажен майдонли қайиқларга 810 пуд буғдой, 96 пуд ун, 671 пуд арпа, 877 пуд ёрма ва 310 пуддан зиёд қурилган нон жойланган 108 та қопни сиғдириш мумкин эди⁴.

Рус ҳарбий амалдорлари Г.А.Арандаренко ва капитан Васильев маълумотларига кўра, Кўлобда 4 млн пуд, Балжувонда 5 млн пуд, Қоратегинда 4 млн пуд, Дарвозда 1,5 млн пуд, жами 14 млн пуд ғалла захираси бўлган. Бу ердаги етиштирилган жами ғалланинг 1,5 млн пуди сотиш учун бозорларга чиқариларди⁵. Шарқий Бухорода ғалланинг асосий савдо марказлари – Гарм, Балжувон, Кўлоб, Хавалин шаҳарлари ва Сарой, Сари-Чашма ва Пошин қишлоқлари бозорлари бўлган. У ердан ғалла икки йўналишда: биринчиси, Ҳисор, Қарши ва Бухорога туялар орқали; иккинчиси, Саройдан қайиқ орқали Термиз ва Карки юборилган⁶.

¹ Ремез И. А. Внешняя торговля Бухары до мировой войны. – Ташкент, ЦСУ Туркесреспублики, 1922. – С. 7.

² Ўз МА, И-1396 - жамғарма, 2 - рўйхат, 515 - иш, 75 - варақ.

³ Ўз МА, И-1396 - жамғарма, 2 - рўйхат, 515 - иш, 85 - варақ.

⁴ Логофет Д.Н. Бухарское ханство под русским протекторатом. Том I. – СПб., В.Березовский, 1911. – С.217.

⁵ Логофет Д. Н. Хлебная торговля и запасы Восточной Бухары // Туркестанский сборник. Том 417. – Ташкент, 1907. – С. 106.

⁶ Ўша жойда.

Шарқий Бухорода ғалла маҳсулотларини сотиб олишни амалга ошириб келган рус Ҳарбий маҳкама зобити маълумотларига кўра, ҳар йили 300 минг пуд буғдой, 200 минг пуд арпа, 50 минг пуд гуруч, 50 минг пуддан зиёд жўхори ва 100 пуд беда уруғи Амударё бўйлаб қуйи оқим ҳудудларига етказилган¹.

Кўлоб, Балжувон, Қоратегин каби шарқий бекликлардаги ғалла дастлаб Сарой шаҳрига, ундан Амударё орқали Термиз, Карки, Чоржўй шаҳарларига ва ҳатто Хива хонлигигача ҳам етказилган². Шунингдек, архив манбаларида номлари келтирилган бекликлардан ташқари Ҳисор ва Шеробод беклигида ҳам унча кўп бўлмаган миқдордаги ортиқча ғалланинг бир қисми туяларда Қаршига, яна бир қисми эса Амударё бўйлаб Карки, Чоржўй ва ҳатто Петро-Александровсккача етказилганлиги тўғрисидаги маълумотлар учрайди³.

Панж дарёси дарёси бўйлаб Кўлобда етиштирилган ғалла маҳсулотлари ҳар пудига 15 копеек ҳисобида аввал Сарой шаҳрига, ундан яна худди шунча нархда Амударё бўйлаб қайиқларда Термизга ташиб келинган⁴. 1905 йилда Шарқий жамиятнинг юкларни ташиш ва сақлаш учун Сарой шаҳрида идораси ташкил этилган. Саройда қабул қилинган ғалла бандаргоҳ омборхоналарида сақланиб, Амударё бўйлаб Термизга етказишда пудига 20 копеекдан суғурта олинган⁵. Шундай қилиб, Шарқий Бухородаги ғалланинг асосий қисми Термизда тўпланарди⁶. Бундан ташқари, бу ерларда ғалланинг нархи Бухоро амирлигининг ғарбий ҳудудларига қараганда анча арзон эди. Мисол учун, Кўлоб ва Балжувонда бир ботмон арпа 25 тангадан 40 тангагача (3 рубль 75 копеекдан 6 рублгача), буғдой эса 35 тангадан 45 тангагача баҳоланган⁷.

Шу боисдан ҳар йили август ойида Термизга ғарбий Бухоро ва Хива хонлигидан савдогарлар келиб ғаллани харид қилишган. Термиз шаҳрида тўпланган ғаллани савдогарлар Амударё бўйлаб қайиқларда Карки, Чоржўй шаҳарлари ва Хива хонлигига олиб кетишган⁸.

Ғалладан ташқари Амударё сув йўли орқали мовут ҳам ташиларди. Амударё бўйларидаги ҳудудлардан йиғиб олинган мовут дарё бўйлаб Чоржўйдаги темир йўл станциясига етказилиб, у ердаги Стукен, К⁰ ва

¹ Ўз МА, И-1396 - жамғарма, 2 - рўйхат, 515 - иш, 76 - варақ.

² Логофет Д. Н. Хлебная торговля и запасы Восточной Бухары // Туркестанский сборник. Том 417. – Ташкент, 1907. – С. 105.

³ Ўз МА, И-1396 - жамғарма, 2 - рўйхат, 515 - иш, 76 - варақ.

⁴ Логофет Д. Н. Хлебная торговля и запасы Восточной Бухары // Туркестанский сборник. Том 417. – Ташкент, 1907. – С. 106.

⁵ Ўша манба, – С. 107.

⁶ Очилдиев Ф. Сурхон воҳаси бекликларидаги ижтимоий-сиёсий ва иқтисодий ўзгаришлар (XIX асрнинг иккинчи ярми – XX аср бошлари). – Тошкент, АБУ МАТБУОТ-KONSALT, 2008. – Б. 141.

⁷ Логофет Д. Н. Хлебная торговля и запасы Восточной Бухары // Туркестанский сборник. Том 417. – Ташкент, 1907. – С. 106.

⁸ Снесарев А.Е. Восточная Бухара. – СПб., 1905. – С.57.

бошқа фабрикаларга тозалаш учун олиб келинарни. Тозаланган мовут Россия, Англия ва Америкага жўнатилган. 1907 йилда Чоржўй орқали Бухоро амирлигидан 110 минг пуддан ортиқ мовут четга чиқарилган¹.

Амирликда рус ишбилармонлари шуғулланган яна бир соҳа шифобахш қизилмия илдизини сотиб олиш ва қадоқлаш ҳисобланган. Қизилмия ўсимлиги Амударё ва унинг ирмоқлари бўйларида ёввойи шаклда ўсган. Маҳаллий аҳоли унинг илдизларини қазиб олиб, Амударё бўйлаб қайиқларда Чоржўйдаги заводга ташиган. Илдизи қуритилиб, сўнгра сиқилган қизилмия илдизлар қопларга 10 пуддан қилиб жойланиб, Красноводскка ва ундан Кавказ орқали Батумига жўнатилган. Ўша ердан бу товарлар ҳатто Америка ва Англияга ҳам сотилган. 1908 йилда Бухородан 230 минг пуд қизилмия илдизи четга чиқарилган².

Қизилмия илдизини йиғиш ва сотиш билан шуғулланувчи фирма вакиллари Амударё флотилиясидан кўра маҳаллий қайиқларда Амударё бўйлаб ташишни афзал кўрган. Тўғри ташкил қилинган қайиқ катновлари орқали Чоржўйга йилига 300 минг пудгача қизилмия илдизи ташиш мумкин эди³. Шунга қарамай қайиқчилар фирма сотиб олиши мумкин бўлган барча товарларни ташиб беришга улгуришмасди.

Шундай қилиб, тахминий ҳисоб китобларга кўра, Амударёнинг қуйи оқими бўйлаб Бухородан чекка ўлкалари жўнатилган товарлар миқдорини қуйидаги жадвал маълумотлари билан тўлдириш мумкин⁴:

Пахта толаси	150,000 пуд
Мовут	110,000 пуд
Қизилмия илдизи	230,000 пуд
Буғдой	300,000 пуд
Арпа	200,000 пуд
Гуруч	50,000 пуд
Жўхори	50,000 пуд
Беда уруғи	100,000 пуд
Бошқа маҳсулотлар	250,000 пуд
Жами	1,440,000 пуд

Чоржўйдан Амударёнинг юқори оқими бўйлаб Бухоронинг чекка ўлкаларига Амударё флотилияси кемалари билан йилига тахминан 300 - 400 минг пуд товар юқлари жўнатилган⁵. Юқоридаги жадвал маълумотларини қўшиб ҳисоблаганда Бухоронинг Амударё бўйлаб юк айланмаси тўлиқ ҳисоблаб айтилганда, йилига камида 1,840,000 пуд деб тахмин қилиш мумкин.

¹ Ўз МА, И-1396 - жамғарма, 2 - рўйхат, 515 - иш, 76 - варақ.

² Ўз МА, И-1396 - жамғарма, 2 - рўйхат, 515 - иш, 77 - варақ.

³ Ўша жойда.

⁴ Ўз МА, И-1396 - жамғарма, 2 - рўйхат, 515 - иш, 78 - варақ.

⁵ Ўша жойда.

Амударёнинг юқори ва қуйи оқими бўйлаб (Бухоро, Афғонистон, Хива ва Амударё бўлими) жами юк айланмаси 4,343,470 пуд бўлган¹. Шунинг эътиборга олиш керакки, жўнатилган юкларнинг барчаси ҳам транспорт идоралари орқали ташилмаган. Ҳақиқатан, Амударё бўйлаб бундан бир неча баровар кўпроқ юклар ташилган бўлиши ҳам мумкин.

Шундай қилиб, Бухоро божхонаси бошлиғи Е.П.Ковалев Амударёда юк ташиш тўғри ташкил қилинганда, эҳтимол, янада кўпроқ юкларни ташиш имкони бўлишини ва йиллик юк айланмасини 6 млн пудгача етказиш мумкинлигини таъкидлайди².

Юқорида келтирилган маълумотларни шундай хулоса қилиш мумкинки, XIX аср охири – XX аср бошларида Амударё сув йўли бўйлаб Бухоро, Афғонистон, Хива ва Амударё бўлими ўртасида тинимсиз савдо алоқалари ва юк айрбошлови амалга оширилган. Амударё бўйлаб савдо ва юк алмашинуви фаоллашуви бевосита Марказий Осиё мамлакатларининг иқтисодиётига таъсир ўтказиб, ўлка товарларининг ҳатто жаҳон бозорларига сотилишига олиб келган. Шунингдек, Амударё бўйлаб тижорий кема ва қайиқлар қатновининг йўлга қўйилиши эса худудлар ўртасидаги ўзаро яқинлашувни кучайтирган.

INTERETHNIC HARMONY IS AN IMPORTANT FACTOR IN THE SOCIO-POLITICAL DEVELOPMENT OF UZBEKISTAN

*Abdumalikova Muslima-
Chief researcher at the center for applied
research of interethnic relations at the
Committee of the interethnic relations
and friendly cooperation with
foreign countries under the Cabinet
of Ministers of the Republic of Uzbekistan*

Since the first days of independence, one of the priorities of the state policy in Uzbekistan has been to create the most favorable conditions for the revival and preservation of their traditional cultural heritage for all the nations and nationalities living in the republic.

The Strategy of Action on the five priority areas of development of the Republic of Uzbekistan in 2017-2021 specifically emphasizes: the peace and tranquility reigning in our country, friendship and unity, mutual respect and interethnic harmony are priceless wealth and the main achievement of independence.

¹ Ўз МА, И-1396 - жамғарма, 2 - рўйхат, 515 - иш, 87 - варақ.

² Ковалев Е.П. Афғанистан, и его промышленность и торговля (Отчёт управляющего Бухарского таможеню Ковалева по командировке 1907 г.)

Today, more than 130 nations and nationalities live in Uzbekistan, and 138 national cultural centers operate.

An important step in this direction was the Decree of the President of the Republic of Uzbekistan Sh. M. Mirziyoyev «On measures to further improve interethnic relations and friendly relations with foreign countries» dated May 19, 2017.

One of the most important priorities of the state policy of Uzbekistan, the Decree notes, is the development of a culture of tolerance and humanism, the strengthening of interethnic, interfaith and civil harmony in society, as well as the strengthening of friendly, equal and mutually beneficial relations with foreign countries.

The Committee on Interethnic Relations and Friendly Relations with Foreign Countries under the Cabinet of Ministers of the Republic of Uzbekistan was established by the Decree of the President of the Republic of Uzbekistan dated May 19, 2017 on the basis of the connection of two non-governmental non-profit organizations – the Republican International Cultural Center and the Council of Friendship Societies of Uzbekistan with Foreign Countries. The Committee is responsible for coordinating the activities of all 138 national cultural centers and 36 societies of friendship with foreign countries, as well as working with compatriots living abroad.

When we say that the image of Uzbekistan needs to be strengthened all over the world, we mean both tourism and investments that are now being rapidly invested in the economy of the republic, various transformations. And along with this, interethnic relations and tolerance play an important role. Even from history, we all know that the caravan routes ran through the territory of our country, and it was always possible to pass safely here, the people were always friendly and hospitable.

Uzbekistan's experience in tolerance and peaceful coexistence of representatives of different nationalities can serve as an example for other countries and the whole world. One of the most striking examples of such an open soul of our people is the fact that during the Second World War, Uzbekistan received hundreds of thousands of evacuated orphans and families. Representatives of many peoples were deported from their historical places of residence in the former Soviet Union to Uzbekistan - Koreans, Crimean Tatars, Germans, Poles, Turks and others. Here, on the land of Uzbekistan, they found shelter, shelter over their heads and a piece of bread. And to this day, these people express their gratitude to the people of Uzbekistan and their love for the Motherland that they have found here.

The activities of the Committee on Interethnic Relations and Friendly Relations with Foreign Countries are very important, since interethnic relations have been given the status of state policy, so that the national cultural centers and friendship societies operating under its wing, as well as the entire interethnic policy in our country, can develop further.

Currently, many proposals are being worked out to strengthen interethnic relations and friendly ties. Every year, on November 16, the World Day of Tolerance is celebrated. In particular, the Committee on Interethnic Relations and Friendly Relations with Foreign Countries under the Cabinet of Ministers of the Republic of Uzbekistan annually holds the friendship festival «Uzbekistan is our common home!». Of course, such events play a special role in ensuring that peace and harmony in our country are strengthened, that representatives of all nationalities living in Uzbekistan are one big family, and that friendly relations with foreign countries are developed in order to be in unity with the world community.

The history of relations between different peoples on the territory of Uzbekistan knows many important events, tested by friendship and difficult trials. In the twenties and thirties of the twentieth century, thousands of people of different nationalities, fleeing from hunger, came here to find a living, a piece of bread. And the people of Uzbekistan generously shared the warmth and hot tortilla with representatives of other nationalities, saved them. No wonder there was such an expression: «Tashkent - the city of bread».

Then these historical trials fell on the lot of all the peoples of the country, when the Second World War began, and Uzbekistan again extended a helping hand, showing great cordiality, humanity, welcoming hundreds of thousands of people, children. And no one left here, not a single child was left on the street. They all found shelter and warmth here.

Years later, Uzbekistan became an independent state. And the country has enabled the development of all the nations and nationalities that inhabit Uzbekistan. Representatives of all nationalities are actively involved in the implementation of the huge transformations and reforms that are taking place at the initiative of the country's President Shavkat Mirziyoyev.

And as evidence that representatives of all nationalities honestly and conscientiously apply their intelligence and talent – the numerous awards and titles they have been awarded, the authority that representatives of different nationalities have acquired. It is enough to mention such names as the chairman of the Russian Cultural Center of Uzbekistan Sergey Mironov, the chairman of the board of the Republican Ukrainian Cultural Center «Slavutich» Vladimir Boyko, the member of the board, the activist of the Crimean Tatar National Cultural Center «Avdet» Ilhamiya Yazidzheva, the chairman of the Republican Azerbaijani National Cultural Center Firdousi Huseynov, the head of the Tashkent city branch of the Association of Korean Cultural Centers of Uzbekistan Lyudmila Ni, chairman of the Kazakh National Cultural Center Serik Usenov and many others.

National cultural centers strive to preserve their traditions. The younger generation is taught their native languages, and many events are held with representatives of different cultural centers in order to preserve their traditions, customs, culture, and the positive image of their historical Homeland. By

holding such events, representatives of different nationalities get to know each other better. National cultural centers are the foundation on which all spheres of the country's life are based. Traditional competitions, book presentations, meetings with well-known figures of culture, science and art of Uzbekistan and foreign countries are regularly held.

The national cultural centers of our country are united by interethnic tolerance, friendship, brotherhood, and kinship ties. Since 2017, all activities are held under the motto «Uzbekistan is our common home!». National cultural centers take part in all national holidays. They demonstrate their national songs, dances, various exhibitions, samples of national dishes and handicraft products, and prepare special cultural programs. In addition, it is interesting and colorful to celebrate their traditional national holidays in the centers.

ASHTARXONIYLAR SULOLASI VA HINDISTON DAVLATI TASHQI ALOQALARI

Baqoyev Umidjon

Buxoro davlat universiteti talabasi

Ilmiy rahbar:

Jamolova D.M

Tarix fanlari bo'yicha falsafa doktori

Shayboniylar inqirozidan so'ng Buxoro xonligida hokimiyat tepasiga Ashtarxoniylar sulolasi keldi. Ashtarxoniylar sulolasi davrida tashqi aloqalar asosan qo'shni mamlakatlar bilan olib borilgan. Ashtarxoniylar sulolasi chegaralariga yaqin bo'lgan davlatlardan biri Hindiston hisoblanadi. XVII asr boshlarida Hindiston Boburiylar sulolasi¹ hukmronligi ostida edi.

1614-yilda Ashtarxoniylar hukmdori Imomqulixon(1611-1642) o'z elchilarini imperator Jahongir saroyiga yuboradi.² Maktubda Shayboniylar hukmdori Abdullaxon II va Akbarshoh zamonlarida Buxoro xonligi va Hindiston mamlakati o'rtasida o'zaro ittifoq tuzilgan bo'lib, bu ittifoq natijasida Iroq va Eronning ko'p qismi va Xurosonning bosib olinganligi to'g'risida yozilgan.³

Muhammad Yusuf Munshiy o'zining "Tarixi Muqimxoniy" asarida ko'rsatishicha, oradan bir necha vaqt o'tgach, Jahongir podshoh Hakim Hoziq⁴ni

¹Xorijiy va ko'plab tadqiqotlarda Bobur va uning avlodlarini "Buyuk mo'g'ullar imperiyasi" deb atashgan. Boburiylar temuriyzoda Bobur avlodlaridan. Boburiylarning mo'g'ullar imperiyasi deb xato atalishiga asosiy sabablardan biri Amir Temur va uning avlodlari mo'g'ullardan kelib chiqqan deb talqin qilinganligidir. Ammo tarixiy jihatdan ular "Buburiylar imperiyasi" deb atalishi lozim.

² Мухаммад Юсуф Мунши. Муқим-ханская история / Перевод с таджикского, предисловие, примечания и указатели А.А.Семенова. -Ташкент: Изд-во АНУзССР, 1956. -С. 88

³ Низомиддинов И. XVI-XVIII асрларда Ўрта Осиё- Ҳиндистон муносабатлари Ўзбекистон ССР "ФАН" нашриёти Тошкент- 1966. Б

⁴ Hakim Hoziq o'z zamonasining buyuk kishisi, yorqin aql egasi, olim, shoir va tabib edi.

elchilik rasmi bilan oliy maqom xon (Imomqulixon) huzuriga yuboradi.¹ Tadqiqotchi Nizomiddinov I. asar haqida to'xtalib, Hakim Hoziq elchiligi Buxoroga jo'nab ketganidan bir yil keyin Jahongir vafot etgan. Agar biz Hakim Hoziq elchiligini Buxoroda bir yil turgan deb faraz qilsak, (Jahongirshoh 1627 yil vafot etgan) u holda hind elchilari Buxoroga 1624-1625 yillari, demak, Imomqulixon elchiligidan o'n yil keyin ("Oradan bir qancha vaqt emas" !) kelgan bo'ladi.² Muhammad Yusuf Munshiy asarida Hakim Hoziq elchiligi Jahongirshoh tomonidan yuborilgan elchilik deb yozgan. Ammo "Matlabut-tolibin" asaridagi voqelarning tavsifi Hakim Hoziq Shoh Jahon tomonidan yuborilgan elchi ekanligi aniqlab beradi.³

Hindiston va Buxoro xonligidagi aloqalar uzoq vaqt uzilib qolmagan. Manbalarda ko'rsatilishicha, Hakim Hoziq elchiligidan avval Hindistondan Buxoroga Birka elchiligi kelgan va Ular Buxoroda bir necha yil turganliklaridan so'ng, vatanlariga qaytganlar.⁴ Shundan so'ng Buxoro xonligidan Hindistonga Xo'ja Abdurahim⁵ boshchiligida elchilar yuboriladi.

1626-yilda Imomqulixon imperator Jahongir huzuriga o'z elchisi Abdurahmon Jo'yboriyini jo'natib, Xuroson uchun safaviylarga qarshi kurashda yordam ko'rsatilishini so'raydi, lekin muzokaralar Jahongir vafoti tufayli to'xtab qoladi.⁶ Imomqulixon elchisi Abdurahimxo'ja turli sovg'a- salomlar bilan birga Jahongirga bir yirik la'l "tuhfa" qiladi. Jahongir ham Abdurahimxo'jaga 40 ming rupiya pul va har biri 1500, 1000 va 500 misqol og'irlikdagi uchta oltin "kavkabi tole" hadya etgan.⁷ Hind tarixchisi Banarsi Prasad Saksenaning fikricha, Hindistonga elchilik vazifasi bilan kelgan Xo'ja Abdurahim Buxoro xonligining Xurosonni Hindiston va Buxoro o'rtasida bo'lib olish haqidagi taklifni ham bayon qilgan va Jahongirshohning vafoti munosabati bilan taklif amalga oshmagan.⁸ Tarixiy asarlarda Imomqulixonning onasi va

¹ Мухаммад Юсуф Мунши. Муким-ханская история / Перевод с таджикского, предисловие, примечания и указатели А.А.Семенова. -Ташкент: Изд-во АНУзССР, 1956. -С. 88

²U o'z tadqiqotlarida Muhammad Yusuf Munshiyning "Tarixi muqimxoniy asaridagi chalkashlik va xatoliklarni isbotlab beradi. *Bu haqida qarang:* Низомиддинов И. XVI-XVIII асрларда Ўрта Осиё-Ҳиндистон муносабатлари Ўзбекистон ССР "ФАН" нашриёти Тошкент- 1966. - Б. 46

³ *Bu haqida qarang:* Низомиддинов И. XVI-XVIII асрларда Ўрта Осиё- Ҳиндистон муносабатлари Ўзбекистон ССР "ФАН" нашриёти Тошкент- 1966. - Б. 49

⁴ Низомиддинов И. XVI-XVIII асрларда Ўрта Осиё- Ҳиндистон муносабатлари Ўзбекистон ССР "ФАН" нашриёти Тошкент- 1966. - Б. 46

⁵ Xo'ja Islom Jo'yboriyning nabirasi va Xo'ja Sa'd Jo'yboriyning ikkinchi o'g'li hisoblanadi. Abdurahim Xo'ja umri davomida zamon marhamatlaridan hamda Jo'yboriyalar xonadoni imtiyozlari va ichki udumlaridan o'z manfaati yo'lida foydalanib qolishga harakat qiladi va bunga erishadi. U Jo'yboriyalar xonadonining omadli merosxo'ri edi. *Bu haqida qarang:* Тўраев Ҳ Бухоро хонлигининг XVI-XVII асрлар ижтимоий-сиёсий ва маънавий-маданий ҳаётида Жўйбор хўжаларининг тутган ўрни. Тарих фанлари доктори илмий даражасини олиш учун ёзилган диссертация. Тошкент-2007.- Б.176

⁶ Хайруллаев М. Ўзбек дипломатияси тарихидан Тошкент- 2003. Б. 112

⁷ Низомиддинов И. XVI-XVIII асрларда Ўрта Осиё- Ҳиндистон муносабатлари Ўзбекистон ССР "ФАН" нашриёти Тошкент- 1966. - Б. 19

⁸ Низомиддинов И. XVI-XVIII асрларда Ўрта Осиё- Ҳиндистон муносабатлари Ўзбекистон ССР "ФАН" нашриёти Тошкент- 1966. - Б. 47

Jahongirshohning xotini Nurjahonbegim ham (o'z vakillari orqali) bir-birlariga do'stona maktublar va qimmatbaho tuhfa hamda hadyalar yuborib turganliklari haqida ma'lumotlar bor.¹

Boburiylar hukmdori Avrangzeb zamonida ham Buxoro hukmdorlari bilan do'stona aloqalar yo'lga qo'yilgan. Bu munosabatlar Buxoro xoni Abdulazizning Avrangzeb podshohlik taxtiga o'tirganligini qutlovchi xati bilan boshlanib ketadi.

O'zbekiston Fanlar akademiyasining Sharqshunoslik institutida saqlanayotgan "Maktubot, munshaot va manshurot" qo'lyozma asarda Abdulazizning Avrangzeb nomiga yozilgan uch maktubi keltirilgan.² Ushbu maktub va elchilik to'g'risida Nizomiddinov I. o'z tadqiqotlarida batafsil bayon qilgan.

Abdulazizxon (1645-1681) Avrangzebning taxtga o'tirganligini qutlovchi maktub yozib, maktubni elchi Xo'ja Ahmad al-Husayniy Naqshbandiy olib boradi. Maktubda Avrangzeb shaxsiyatini uzoqdan-uzoq ta'riflash bilan boshlanib, so'ng hamjihatlik odati do'stlik uchun bebaho gavhardir, deb uqtirilgach, birdamlikni mustahkamlash lozimligi izhor etadi. "Mirotul olam"da ko'rsatilishicha, Buxoro elchilari Avrangzeb saltanatining to'rtinchi yiliga kelib ikki marta to'rt rabi-ussoni oyida (27 noyabr 1661 yil) va 24 rajab oyida (14 mart 1662 yil) hind shohi qabulida bo'lganlar. Elchilarga Hindistondan taxminan bir lak-u yigirma (120) ming rupiya naqd pul va mollar tuhfa etilgan. Avrangzeb saltanatining beshinchi yili boshlangan kunda elchilarga ketishga ruxsat berilgan ammo elchilik boshlig'i Xo'ja Ahmad(al-Husayniy) Lohurda vafot etgan.³ Avrangzeb saltanatining oltinchi yili (1664) Abdulazizxonning mulozimi Kuchakbek Buxorodan hind shohi uchun ot va ov hayvonlari keltiradi; buning evaziga Kuchakbekka faxriy to'nva ikki ming rupiya in'om etadi. Keltirilgan tuhfa ichida ov qushlari hukmdorga ma'qul bo'ladi, Avrangzeb Abdulazizxonga xat yozib, yana bir necha ov qushlari va jonivorlarni berib yuborishni iltimos qiladi. Maktubda bu xil tortiqlarni do'stlik ramzidir deb ta'rif qiladi.

1665- yil iyul oyida Avrangzeb Buxoroga Mustafaxon Xofi boshchiligidagi elchi yuboradi. Elchilar Abdulazizxon nomiga yozilgan maktub va umumiy qiymati 150 ming rupiyalik sovg'a keltiradilar.⁴ Mustafaxon Xofi elchiligi qanday maqsadlar bilan yuborilganligi, uning Buxorodan qaytgan-qaytmagani to'g'risida aniq ma'lumotlar bo'lmasada, Abdulazizxonning Avrangzeb nomiga yuborgan maktubi bu elchilik haqida birmuncha ma'lumot topishga yordam

¹ Низомиддинов И. XVI-XVIII асрларда Ўрта Осиё- Ҳиндистон муносабатлари Ўзбекистон ССР "ФАН" нашриёти Тошкент- 1966. - Б. 49

²Мактубот, мушноот ва маншурот. Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Шарқшунослик институтининг қўлёзмалар хазинаси 289-қўлёзмаси 1. *Bu haqida qarang:* Хайруллаев М. Ўзбек дипломатияси тарихидан Тошкент- 2003. Б.113

³ Низомиддинов И. XVI-XVIII асрларда Ўрта Осиё- Ҳиндистон муносабатлари Ўзбекистон ССР "ФАН" нашриёти Тошкент- 1966. 58-59 бетлар.

⁴ Низомиддинов И. XVI-XVIII асрларда Ўрта Осиё- Ҳиндистон муносабатлари Ўзбекистон ССР "ФАН" нашриёти Тошкент- 1966. - Б. 60

beradi. Maktubda Avrangzeb shaxsi ulug'lanib, ikki o'rtadagi do'stlikni mustahkamlash, shia mazhabidagi eronliklarga qarshi Iroq va Xurosonga yurishga qaror qilinganligi bayon qilingan bo'lsada, Mustafaxon Xofi tomonidan shu masala yuzasidan muayyan fikr aytilmaganligi taajjublaniladi.¹

1669 yil 11 may Hindistonga Buxorodan Rustambiy boshchiligidagi elchilar kelgan. Rustambiy Abdulazizxon maktubi bilan birga turli hadyalar olib kelgan. Rustambiy Avrangzeb saroyida yaxshi kutib olingan va birinchi qabulda hind shohi elchiga qimmatbaho sovg'alar hadya etgan. Abdulazizxonning Avrangzeb nomiga bitilgan maktubi Rustambiy tomonidan olib kelingan. Rustambiy elchiligiga javoban 1670 yil may oyida Hindistondan Yakkatozxon elchiligi yo'lga chiqadi. Elchilar Buxoro xoniga 100 ta podsholik (matndamuhlik, deyilgan) oti, 4 ming rupiya turadigan bir fil, qimmatbaho toshlar bilan bezatilgan jamdar quroli, qilich, jig'a va boshqa hadyalar keltiradilar.²

Ashtarxoniylar hukmdori Subhonqulixon(1681-1702) zamonida ham Boburiylar sulolasi bilan aloqalar birmuncha rivojlangan.

1684 yilda Avrangzeb Buxoroga elchi yuborib, "dahriy" shialarga qarshi birgalashib hujum qilish taklifini bildirgan. Shu bilan birga ushbu tashabbusdan yana bir alohida maqsad ham bor edi. Buning ma'nosi boburiylarning Qandahorni qaytarib olishga intilishi edi.³ Xuddi shu fikr "Tarixi Muqimxoniy"da ham bildiriladi. Undagi ma'lumotga ko'ra Hind elchisi bilan Buxoro xoni o'rtasida Eronga qarshi bir ittifoq tuzilgan. Subhonqulixon shu ittifoqqa suyangan holda Xurosonni bosib olish uchun bir necha bor hujum uyushtirgan, lekin o'sha vaqtda Xorazm xoni Ernak sultonning Buxoroga qo'shin tortib kelishi Xuroson urushining muvaffaqiyatli chiqishiga to'sqinlik qilgan edi.⁴

Xulosa qilib aytganda, Ashtarxoniylar davrida Boburiylar sulolasi bilan ko'plab elchilik aloqlari olib borildi. Jumladan, Imomqulixon, Abdulazizxon, Subhonqulixon, kabi hukmdorlar boburiyzoda hukmdorlar bilan yozishmalar olib borib, ikki davlat o'rtasidagi munosabatlarni mustahkamladilar va yuqori pag'onaga ko'tardilar. Buxoro xonligi va Hindistondagi boburiylar imperiyasi o'rtasidagi diplomatik aloqalarni tahlil etar ekanmiz, bu aloqalar ko'proq ikki tomonning safaviylar sulolasi hukmronlik qilgan Eronga qarshi kurashda ittifoqtuzish rejasini amalga oshirish maqsadini ko'zlab olib borilganligini ko'rishimiz mumkin. Buxoro xonligi va unga tutash davlatlar muayyan manfaatlarni ko'zlab, ya'ni o'z chegaralariga yaqin joylashgan hududlar, xususan, Xuroson va hozirgi Afg'oniston yerlari ustidan nazorat o'rnatish uchun kurash olib bordilar. Ashtarxoniylar davrida mamlakatdagi

¹ Низомиддинов И. XVI-XVIII асрларда Ўрта Осиё- Ҳиндистон муносабатлари Ўзбекистон ССР "ФАН" нашриёти Тошкент- 1966. - Б. 60

² Низомиддинов И. XVI-XVIII асрларда Ўрта Осиё- Ҳиндистон муносабатлари Ўзбекистон ССР "ФАН" нашриёти Тошкент- 1966. - Б. 61

³ Хайруллаев М. Ўзбек дипломатияси тарихидан Тошкент- 2003. Б.114

⁴ Мухаммад Юсуф Мунши. Муқим-ханская история / Перевод с таджикского, предисловие, примечания и указатели А.А.Семенова. -Ташкент: Изд-во АНУЗССР, 1956. -С. 153

tartibsizlar bo'lishiga qaramay, ma'lum darajada tashqi aloqalar rivojlandi. Ashtarxoniyalar 150 yildan ortiq hukmronlik qilgan bo'lsada, tashqi siyosatda muhim elchilik aloqalari olib bordi.

ADABIYOTLAR RO'YXATI

1. Boltayev, Bobir Baxtiyorovich. "BUXOROLIK MINIATURACHI-RASSOM SADRIDDIN POCHCHAYEV IJODIGA BIR NAZAR." *Scientific progress* 1.6 (2021): 998-1004.
2. Rajabov, Oybek Iskandarovich. "BUXORODAGI AYRIM MUQADDAS QADAMJO-QAL'ALAR XUSUSIDA." *Scientific progress* 1.6 (2021): 1162-1168.
3. Умаров, Б. Б. "НА КИСЛЯКОВ ТАДҚИҚОТЛАРИДА ЖАНУБИЙ ТОЖИКИСТОН ЭТНИК ТАРИХИ." *Scientific progress* 1.6 (2021): 1005-1009.
4. Тўраева, Г. Б., Ўтаева, Ф. Х., & Жумаева, Н. А. (2021). ОА СУХАРЕВА ТАДҚИҚОТЛАРИДА БУХОРО ТАРИХИ ВА ЭТНОГРАФИЯСИНИНГ ЎРГАНИЛИШИ. *Scientific progress*, 1(6), 1010-1018.
5. Bakhtiyorovich, Boltaev Bobir. "Excerpts from the life of the bukharian artist." *Middle European Scientific Bulletin* 12 (2021): 160-165.
6. Ochilov, A. T. "DATING OF THE ZAMANBABA CULTURE: ASSED ON ARCHAEOLOGICAL SOURCES." *Theoretical & Applied Science* 12 (2019): 589-591.
7. Mubinov, M. A. "Diplomacy of the eastern states and central asian khanates in the struggle for independence." *CENTRAL ASIAN JOURNAL OF SOCIAL SCIENCES AND HISTORY* 2.5 (2021): 26-31.
8. Maksud, Beshimov. "Markets of Bukhara." *CENTRAL ASIAN JOURNAL OF SOCIAL SCIENCES AND HISTORY* 2.5 (2021): 18-21.
9. Sharopov, Dilshod Ravshan O'G'Li. "ABDURAZZOQ SAMARQANDIYNING "MATLAI SA'DAYN VA MAJMAI VAHRAYN" ASARINING O'RGANILISH TARIXI." *Scientific progress* 2.1 (2021): 358-361.
10. Очилов, Алишер Тўлис Ўғли. "БУХОРО ВОҲАСИ ШАКЛЛАНИШИДА ЗАРАФШОН ДАРЁСИНИНГ ЎРНИ ВА ВОҲА ТАРИХИЙ ГЕОГРАФИЯСИГА ДОИР АЙРИМ МУЛОҲАЗАЛАР." *Scientific progress* 1.6 (2021): 933-938 Murodova, Dilrabo Shomurodovna, and Feruza Xolmamatovna O'tayeva. "TF Gelax tadqiqotlarida Buxoro shahri mudofaa tizimining organilishi." *The Fifth International Conference on History and Political Sciences*. 2015.
11. Turaevich, Halimov Talat. "From the history of economic relations between central asia and india (XV-XVII centuries)." *CENTRAL ASIAN JOURNAL OF SOCIAL SCIENCES AND HISTORY* 2.5 (2021): 22-25.

12. OCHILOV, Alisher. "JEWELRYC TRADITION IS A SOURCE OF STUDY OF BUKHARA HISTORY." *Bayterek Uluslararası Akademik Araştırmalar Dergisi* 1.1: 105-116.
13. Бобожонова, Феруза Хаятовна. "БУХОРО МАДРАСАЛАРИ МАЪНАВИЯТ ДУРДОНАСИ." *Scientific progress* 2.1 (2021): 362-366.
14. Муродова, Дилрабо Шомуродовна. "ИККИНЧИ ЖАҶОН УРУШИ ЙИЛЛАРИДА БУХОРОДА ИЛМ ВА ФАН (БУХОРО ПЕДАГОГИКА ИНСТИТУТИ МИСОЛИДА)." *Scientific progress* 2.1 (2021): 660-664.
15. Ochilov Alisher. "The Role of Zamanbaba Culture in The Social and Economic History of Bukhara Oasis During Bronze Age." *CENTRAL ASIAN JOURNAL OF SOCIAL SCIENCES AND HISTORY* 2.4 (2021): 42-47.
16. JAMOLOVA, DILNOZA MUYIDDINOVNA. "THE END OF THE EMIRATE OF BUKHARA: THE END OF THE POLITICAL STRUGGLE BETWEEN THE JADIDS AND THE ULEMA." *International Journal of Philosophical Studies and Social Sciences* 1.1 (2021).
17. Jamolova, D. M. "Traveling to Modernity: Perception of Modernity of the Central Asian Muslims in the early 20th century." *International Journal of Psychosocial Rehabilitation* 9.24 (2020): 4202-4207.
18. Темиров Ф., Исломов Д. САДРИДДИН АЙНИЙ–ЗАМОНДОШИ ФИТРАТ ҲАҚИДА //Scientific progress. – 2021. – Т. 2. – №. 1. – С. 1349-1354.
19. Темиров Ф., Халикова Н. БУХОРО АМИРЛИГИДА ТАШҚИ СИЁСАТ ВА ДИПЛОМАТИЯНИНГ РИВОЖЛАНИШИ ТАРИХИДАН //Scientific progress. – 2021. – Т. 2. – №. 1. – С. 1276-1282.
20. Темиров Ф., Умаров Б. БУХОРО АМИРЛИКДА ОИЛА, НИКОҶ ВА МЕРОС ҲУҚУҚИНИНГ АМАЛДА ҚЎЛЛАНИШИ //Scientific progress. – 2021. – Т. 2. – №. 1. – С. 1201-1207.

XX ASR 50-YILLARIDA BUXORO ADABIY MUHITI

*Amonkeldi Axmatov –
BuxDU tayanch doktaranti*

1950-yil Buxoro adabiy muhitida alohida ahamiyatga molik yil bo'ldi. Avvalo, ushbu yilda aksar tadbirlar O'zbekiston SSRning 25 yilligiga bag'ishlanadi. Shu munosabat bilan O'zbekiston Sovet Yozuvchilar uyushmasi prezidiumi partiya tashkilotlari bilan birgalikda korxonalar, kolxozlar va ta'lim muassasalariga yozuvchilar jamoalarini muntazam ravishda yuborib turgan. O'zbekiston sovet adabiyotining 25 yilligi munosabati bilan yozuvchilar jamoasi viloyatlarga tashrif buyurishadi va ko'plab adabiy kechalarda ishtirok qilib, O'zbekiston sovet adabiyotining yutuqlari haqida ma'ruzalar qiladilar.

“Mintaqalarda adabiy uyushmalar va to’garaklar bilan muntazam aloqada bo’lish va rejalashtirilgan tadbirlarning bajarilishini nazorat qilish uchun har bir hududga prezidium a’zolari tayinlangan”¹.

Buxoro viloyatida O'zbekiston SSR-ning 25 yilligi munosabati bilan o'tkazilgan ijodiy va adabiy kechalarni o'tkazish to'g'risida hisobotdan ma'lum bo'lishicha: O'zbekiston Sovet Yozuvchilar uyushmasi Prezidiumining buyrug'i bilan Uyg'un 1950-yil 6-yanvardan 11-yanvargacha Buxoro shahri va viloyatida bo'lib, bir qator tadbirlarda ishtirok qiladi.

7-yanvar kuni Buxoro o'qituvchilar uyida buxorolik yosh yozuvchilarning Buxoro shahar ziyolilari bilan uchrashuvi bo'lib o'tadi. "O'zbekiston yozuvchilari qanday qilib O'zbekiston SSRning 25 yilligini nishonlaydilar" mavzusida ma'lumot beriladi. Shuningdek, yozuvchilarining ushbu tarixiy sanaga bag'ishlangan asarlari haqida suhbatlashildi.

Tadbir davomida buxorolik yosh yozuvchilar o'z asarlarini o'qishdi. So'ngra, ishtirokchilarning iltimosiga binoan, Uyg'un ham bir nechta she'rlaridan o'qib beradi.

8-yanvar kuni Shofirkon tumanidagi, "Qizil Bayroq" kolxozining klubida kolxozchilar va xodimlar, o'qituvchilar, sovet va partiya ishchi faollari, tuman faollari ishtirokida ikki qismdan iborat adabiy kecha bo'lib o'tadi. Tadbirni rayon partiya komiteti kotibi Sharipov boshqaradi va Uyg'unning "Sirdaryo sirlari" she'rini o'qiydi.

Birinchi qismda Uyg'un O'zbekiston sovet adabiyotining holati to'g'risida ma'ruza qiladi, shundan so'ng yosh buxorolik yozuvchilar O'zbekiston SSRning 25 yilligiga bag'ishlangan asarlaridan namunalar o'qishdi. Ikkinchi qismda havaskorlarning tomonidan kontsert beriladi, unda asosan O'zbekiston shoirlari she'rlaridan tuzilgan qo'shiqlar ijro etiladi. Kechaning oxirida ma'ruza va badiiy qism uchun minnatdorchilik bilan kolxoz partiya tashkiloti kotibi va kolxoz jamoasi a'zosi Raya Abidova so'zga chiqadi. Ularga tez-tez tashrif buyurishni va o'zlarining ijod namunalaridan o'qib berishni iltimos qildi.

9-yanvar kuni Buxoro viloyat teatri binosida korxonalar ishchilari, ziyolilar, talabalar ishtirokida adabiy tadbir bo'lib o'tadi. Kechki qism ikki qismdan iborat edi. Oqshom raisi viloyat qo'mitasi kotibi Qo'chqorov kechani ochib beradi. Buxoro Pedagogika instituti dotsenti Yunusov “O'zbekiston sovet adabiyotining 25 yilligi” nomli maruza qiladi. Ma'ruzadan so'ng buxorolik shoirlar, yosh yozuvchilar o'zlarining O'zbekiston SSRning 25 yilligiga bag'ishlangan asarlarini o'qishadi. O'zbekiston shoirlari - Hamid Olimjon, G'afur G'ulom, Uyg'un, Amin Umariy va boshqalarning eng yaxshi asarlaridan namunalar o'qiladi.

“O'zbekiston SSR Yozuvchilar uyushmasi prezidiumi kishilarni kommunizm ruhida tarbiyalaydigan zamonaviy mavzudagi yuksak g'oyaviy va yuksak badiiy asarlarni yaratishni eng muhim ustuvor va doimiy vazifasi deb

¹Ўзбекистон МДА, 2356-фонд, 1-рўйхат, 162-иш,42-варақ

biladi va ushbu vazifalarni bajarish uchun astoydil harakat qilmoqda” - deyiladi O‘zbekiston SSR Markaziy Qo‘mitasi Byurosining 1949-yil 25-iyuldagi "O‘zbekiston Sovet Yozuvchilar uyushmasining ishi to‘g‘risida" gi qarori ijrosi bajarilishi yuzasidan berilgan № 23/85 sonli hisobotda¹

Arxiv materiallarini o‘rganish jarayonida ma‘lum bo‘ladiki, 1950 yil 15-18-mart kunlari bo‘lib o‘tgan O‘zbekiston SSR Yozuvchilar uyushmasi prezidiumining IV pleniumida yozuvchilarning g‘oyaviy va badiiy o‘shishiga hissa qo‘shayotgan adabiy tanqidni rivojlantirish masalasi alohida ko‘rilgan. Uyushmaning tanqid bo‘limi ishida va Yozuvchilar uyushmasining kundalik faoliyatida kosmopolitizm va millatchilikning eng kichik ko‘rinishlariga qarshi murosasiz kurash olib borilishi qayd qilingan. Viloyatlardan konsultatsiya markaziga kelayotgan yosh yozuvchilarning asarlariga jiddiy e‘tirozlar bildirilgan.

1940 yildan o‘tkazib kelinayotgan respublika yosh yozuvchilar konferensiyasi 1950 yilda ham tashkillashtirildi. Ushbu yilgi konferensiyada yosh yozuvchilar bilan ishlash uchun maxsus komissiya tuziladi. Komissiyaning keyingi faoliyati va rivojlanish konsepsiyasi ishlab chiqilgan. Yosh yozuvchilar ishtirokida o‘zbek va rus tillarida oyiga ikki marotaba seminarlar tashkil qilinadigan bo‘ldi. Seminarga respublikaning adabiyotshunos olimlari va adabiy tanqidchilari jalb qilib kelingan. IV pleniumda bolalar adabiyoti ham muhokama qilindi va rivojlantirish chora tadbirlari ishlab chiqildi. Respublika va viloyat gazeta jurnallari faoliyati jonlandi biroq viloyat gazetalarida adabiyot sahifalari muntazam yo‘lga qo‘yilmagan.

Buxoroga rasmiy tashrif bilan kelgan adib Uyg‘un "Buxoro haqiqati" tahririyatida yosh buxorolik yozuvchilar bilan suhbat quradi va ularning asarlari bo‘yicha konsultatsiyalar beradi. “Buxoro haqiqati” gazetasida O‘zSSR tashkil etilganligining 25 yilligiga bag‘ishlangan adabiy sahifani tashkil qilishga amaliy yordam ko‘rsatadi².

Viloyat yosh yozuvchilari Respublika matbuotida xam o‘zlarining asarlari bilan faol katnashyaptilar jumladan: T.Hamidov, Tagaev, M.Yunusov (Buxoro) o‘z ijodlari bilan ma‘lum bo‘lib ulgurganlar.

O‘zbekiston Yozuvchilar uyushmasida yosh yozuvchilar uchun ikkita seminar (o‘zbek va rus tillarida) muntazam ravishda faoliyat olib borgan. "Yoshlar daftarchasi" nomli 6 ta almanax (o‘zbek va rus tillarida) nashr etilgan bo‘lib, universitetlar va korxonalarda yosh adiblarning respublika konferensiyasi o‘tkazib kelingan. 45 ta adabiy to‘garaklar tashkil etilgan bo‘lib, biroq ularning faoliyatini nazorat qilish yaxshi tashkillashtirilmagan³.

Adabiy to‘garaklari viloyat gazeta tahririyatlari huzuridagi barcha viloyat markazlarida (faqat Termiz shahridan tashqari), Toshkent, Samarqand, Qarshi

¹ Ўзбекистон МДА, 2356-фонд, 1-рўйхат, 162-иш,41-варақ

² Ўзбекистон МДА, 2356-фонд, 1-рўйхат, 162-иш,75-варақ

³Ўзбекистон МДА, 2356-фонд, 1-рўйхат, 162-иш,53-варақ

va Buxoroda esa sanoat korxonalari va o'quv muassasalarida ham adabiy to'garaklar tashkil etilgan.¹

O'zbekiston yozuvchilar uyushmasi a'zolari bo'lgan viloyatlarda va shaharlarda to'garaklarga ushbu yozuvchilar rahbarlik qiladi, qaysiki viloyatda uyushma a'ziligini olgan ijodkor bo'lmasa, to'garaklarni boshqarish gazetalar tahririyatiga yuklangan. Afsuski, 1950 yilda Buxoro viloyatidan uyushma a'zo ijodkor yoqligi bois to'garak faoliyatiga gazeta tahririyati rahbarlik qilgan. Adabiy to'garaklar uchun dastur yosh yozuvchilar bilan ishlash komissiyasi tomonidan tuzilib, joylarga yuborilgan.

1950-yilda O'zbekiston SSR yozuvchilar uyushmasining faqat Samarqand filiali mavjud bo'lib, Buxoro bo'limi urush yillari o'z faoliyatini to'xtatgan edi. Shu sababli boshqa viloyatlar singari Buxoroda ham adabiy seminarlar matbuot jumladan, "Buxoro haqiqati" tahririyati huzurida tashkillashtirilgan edi. Ularga birlashtirilgan rayosat azolari hududlardagi adabiy ishlarning holati uchun javobgar edi.

Xulosa qilib aytganda, O'zbekiston yozuvchilar uyushmasi Prezidiumi yozuvchilarning viloyatlardagi kolxozchilar, ishchilar, ziyolilar va talabalar bilan yaqin aloqalarini mustahkamladi va rivojlantirdi. XX asrni ikkiga bo'luvchi 1950-yilda Buxoro adabiy muhitda ham jo'shqin hayot davom etar edi. Markazdan berilgan topshiriqlar, konsultatsiya uchun yuborilgan vakillar bilan adabiy muhit yanada qizg'in tus oladi. Yozuvchi adib Uyg'unning Buxoroda bo'lishi va adabiy tadbirlarda ishtiroki yosh qalamkashlarga katta saboq darsini o'tadi. Uyg'un rahbarligidagi Yozuvchi, shoirlar delegatsiyasi oliy ta'lim muassasalari, kutubxona, yirik korxonalar, maktab, kolxozlarga tashrif buyurib badiiy chiqishlar, maruzalar qildilar. Ushbu yilda Buxoroda adabiy seminar, adabiy to'garak faoliyat yuritilar biroq, yozuvchilar uyushmasining Buxoro bo'limi tashkillashtirilmagan, ammo, tuzilishi uchun to'la ma'noda sharoit yetilib kelgan edi.

БУХОРО АМИРЛИГИДАГИ ИЖТИМОЙ ҚАТЛАМЛАР ФАОЛИЯТИ (XIX АСР ИККИНЧИ ЯРМИ – XX АСР БОШЛАРИ)

*Шодиева Шахло Солиевна –
Бухоро давлат университети
таянч докторанти*

Бухоро амирлиги ўз хусусиятига кўра аграр мамлакат бўлиб, мамлакат умумий аҳолисининг 65% ни деҳқонлар ташкил этган². Бухоро амирлигида қишлоқ хўжалик маҳсулотларининг асосий ишлаб чиқарувчилари ҳисобланган деҳқонлар қуйидаги гуруҳларга бўлинган:

- кичик ер ҳудудига эга бўлган деҳқонлар,
- давлат ерларининг ижарачилари бўлган деҳқонлар,

¹Ўзбекистон МДА, 2356-фонд, 1-рўйхат, 162-иш,42-варақ

² Исмаилова Б. Бухарский эмират в период протектората (1868-1917 гг.). – Худжанд, 1997. –с.39

-танхо, вақф ерларини ижарага олган деҳқонлар ва

-ерни ижарага олиб, ҳаққини ҳосилнинг бир қисми билан тўловчи деҳқонлар. Бундай деҳқонлар “чорикорлар” деб аталган. Бу сўз тожик тилида «тўртдан бир қисм», деган маънони ифодаловчи чораккок сўзининг шевага мослаштирилган кўриниши (Ш.Ш).

Бухоро амирлигида узоқ вақтлардан бери жуда кичик ер ҳудудига эга ёки умуман ери бўлмаган ҳур-озод деҳқонлар мавжуд бўлиб, улар масжид, мадраса, мазор, қорихона ва шунга ўхшаш диний муассасаларга тегишли бўлган ерларни ижарага олиб, деҳқончилик билан шуғулланганлар. Шунингдек, ери ҳам, иш қуроли ҳам бўлмаган йирик заминдорларнинг қўлида ёлланиб ишловчи чорикорлар ҳам аҳолининг анчагина қисмини ташкил этган. Амирликда пахтачилик, боғдорчилик ва сабзавотчилик соҳаларида чорикорлик энг кўп тарқалган йўналиш бўлган¹.

Деҳқонлар, кичик ер эгалари жамиятнинг бошқа табақаларидан нафақат ижтимоий мавқеи, балки кийиниши, одоби, ахлоқи ва мулоқот шакли билан ҳам фарқ қилганлар. Деҳқонларнинг кийимлари ола-була рангли матодан салла (чунки энг арзони), халат-яхтадан иборат бўлиб, маҳаллий шароитларда ишлаб чиқарилган бу буюм ва кийимлар дағал пахта матолари (карбос ёки қалами)дан тайёрланган, улар жуда кўпол, сифатсиз ва дағал кўринишда бўлган. Деҳқонлар тоғлик ҳудудларда "Хомак" деб аталадиган дағал, кам ишлов берилган, сифатсиз ишланган чармдан, тўпиксиз (мўкки) ёки хом, тозаланмаган чармдан тикилган оёқ кийимлар (чорук)да юришган. Деҳқонларга мурожаат қилинганда "фуқаро" сўзи ишлатилиб, яшаш жойининг номи бевосита исмга қўшиб қўйилган, ер эгалари ва бойларга эса "бой" сўзи кўпинча ном охирида қўйилиб, унинг номи ушбу исм эгасининг бой, заминдор ва мулк эгаси эканлигини англатган². Масалан: фуқаро Сўфий Муҳаммади Лангари (Лангар қишлоғидан деқон Сўфи Муҳаммад); Муҳаммад Нидои Заркў-йи (Заркў қишлоғидан Муҳаммад Нидо); Рузибой Гулистони (Гулистон қишлоғидан Рўзибой) ва ҳоказо.

Амирлик аҳолисининг бир миллионга яқини Ҳисор тоғ тизмаси этагларида ва қисман Ғарбий Бухоро даштларида яшаган кўчманчилар бўлган. Бунга ўзбеклар ва туркманларнинг айрим қабилалари, шунингдек, қирғизлар ҳам кирган. Амирлик аҳолисининг деҳқончиликдан кейин иккинчи энг муҳим машғулоти кўчманчи ва ярим кўчманчи аҳоли томонидан шуғулланиладиган чорвачилик соҳаси бўлган. Барча суғориладиган текис ва пастекисликлар шудгорланиб, қайта ишланиб, экин экиладиган майдонларга айлантириб олинган. Суғорилмайдиган

¹ Қаранг: История народов Узбекистана. Т.2. отв. ред. Бахрушина С.В. Т.: Изд АН УзССР, 1947. -514с.

² Кисляков Н.А Патриархально-феодалные отношения среди оседлого сельского населения Бухарского ханства в конце XIX – начале XX вв. //Тр. Ин-та этнографии им. Миклухо-Маклая Н.С. – 1962. –Т. 74. –С.86.

майдонлардаги жуда кам ўт-ўланлар жуда қисқа баҳор мавсумидагина кўкариб, тез фурсатда қуриб, қовжираб қолган. Мана шу жойларда ва шу шароитларда амударё туркман қабилалари, ўзбек қабилалари чорвачилик билан шуғулланишган. Амирликнинг ғарбий ва шимолий қисмларида кўчманчилик билан яшовчи қирғизлар ҳам чорвачилик билан шуғулланганлар.

Шуни таъкидлаш керакки, чорвадорлар, яъни кўчманчилар асосан амирликнинг шарқий қисмида, ясси пасттекисликларнинг охири қир-адир ва тоғларга бориб тақалувчи ҳудудларда чорвадорлик билан шуғулланишган. Чорва моллари тоғлар ён бағирларида баландликларга кўтарилиб, абадий қорлар ястаниб ётган ҳудудларгача чиқиб кетган. Куз бошланиши билан чорвадорлар мол, кўй-қўзиларни ҳайдаб, тоғдан тушиб, қишни ўтказиш учун дараларда жойлашганлар.

Амирликдаги чорвачиликнинг барча тармоқларидан энг муҳими кўйчилик бўлиб, асосан юқори қийматли қорақўл терилар етиштириш кенг тарқалган, сўнгра навбатни эчкичилик, қорамолчилик, туячилик, отчилик ва бошқа соҳалар давом эттирган.

Кўйчиликда чорвадорлар учун энг катта муаммо амирликда ветеринария хизмати ёки кузатувининг йўқлиги бўлиб, кўпинча ҳар хил ветеринар касалликлар кўйларнинг оммавий ўлимига сабаб бўлган¹. Кўчманчи ва ярим кўчманчи қабилалар орасида ҳар бир қабила гуруҳи (жамоаси) алоҳида иқтисодий ёки маъмурий бирликда бўлган. Жамоа аъзолари ўзларининг яйлов ерларига эга бўлган бўлсаларда, лекин аслида улар тўлиқ феодал-бой ҳукмрон синфларнинг ихтиёрида бўлганлар. Уларнинг ўтроқ ҳаёт тарзига ўтишлари жараёни аслида тарихан прогрессив ҳодиса бўлган, чунки бу кўчманчилар кўчманчи чорвадорликдан қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришининг янада самарали усули – ерларни ишлов бериб қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ишлаб чиқариш соҳасини ривожлантиришга ҳисса қўшганлар.

XIX аср бошларида умуман Ўрта Осиёнинг кўпгина ҳудудларида ва хусусан Бухоро амирлигида ҳам ҳунармандчилик ҳали қишлоқ хўжалигидан тўлиқ ажралмаган эди. Кўпчилик ҳунармандлар ёз вақтларида кўпроқ вақтларини озиқланиш учун, тирикчиликни юритиш учун сабзавот, резавор ва мевалардан баҳраманд бўлиш мақсадида ўзлари бевосита ўз ерларида ишлаганлар ва қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштирганлар. Амирликнинг шаҳар ва катта қишлоқларида катта ижтимоий гуруҳ ҳунармандлардан иборат бўлган. Ишлаб чиқаришнинг асосий шакли оғир қўл меҳнати ва самарадорлиги жуда паст бўлган ибтидоий-содда технологияга асосланган ҳунармандчилик бўлган.

¹ Искандаров Б.И. Восточная Бухара и Памир во второй половине XIX в. Ч.2. Изд. АН Тадж. ССР, Душанбе, 1963. С -203.

Шундай бўлишига қарамасдан Бухоро шаҳри узоқ йиллар давомида Ўрта Осиёдаги энг йирик ҳунармандчилик марказларидан бири бўлиб келган.

Мамлакатда ҳунармандчиликнинг қуйидаги турлари кенг тарқалган бўлган: тўқувчилик, металлга ишлов бериш, темирчилик, ўймакорлик, чармга ишлов бериш, қурилиш ҳунармандчилиги, озиқ-овқат ва гилам ишлаб чиқариш ва бошқалар. О.А.Сухареванинг фикрича, Бухоро амирлигида ҳунармандчиликнинг бир неча тармоқлари мавжуд бўлган¹. Бухоро, Самарқанд ва Қоратоғда ранг-баранг ипак матолардан "шоҳи" ва хилма-хил нақшларга бой бўлган, "абр" (булут) услубидаги каштага эга бўлган атлас матолари ишлаб чиқарилган. Дарвоз беклигида жундан турли жун ва ярим жун матолар тўқилган. Эркаклар ҳам, аёллар ҳам тўқиш билан шуғулланишган. Дехқонлар ҳунармандчилик билан асосан қишда шуғулланганлар².

Бухоро амирлигида тўқувчиликдан ташқари темирчилик, кумуш ва олтиндан зеб-ҳашам буюмлари ишлаб чиқарадиган заргарлик, кулолсозлик, ёғоч ўймакорлиги, қуролсозлик, этикдўзлик каби яна бошқа турли ҳунармандчилик соҳалари ҳам мавжуд бўлиб, кенг ривож олган. Бухоро амирлигининг барча шаҳарларида бир хил касбдаги ҳунармандлар у ёки бу ҳудудни (асосан маҳалла ва гузарларда, ёки тим ва тоқиларда) эгаллаб, ўзига хос жамоалар ёки ҳозирзамон тилида айтганда бир турдаги корпорациялар тузганлар. Хўжандлик ҳунармандлар асосан металлга ишлов бериш ва металл буюмлар ишлаб чиқаришга чуқур ихтисослашганлар (совуқ қурол-яроғ ишлаб чиқариш, қўнғироқлар яшаш, уй рўзғор буюмлари яшаш ва ҳоказо). Хўжанд ҳунармандларининг маҳсулотлари ҳатто Бухоро амирлигининг бошқа вилоятларига ҳам экспорт қилинган. Ҳисор ва Қоратегин ҳунармандлари ўзининг ханжар ва киличларининг сифати ва қулайлиги билан шуҳрат қозонганлар. Ўратепа шаҳри ҳунармандалари сифати ҳисорлик ҳунармандларникидан қолишмайдиган совуқ қуроллар ва ханжарлар ишлаб чиқариш билан машҳур бўлган. Ванча водийси узоқ вақт давомида ўша ердан қазиб олинадиган темир билан машҳур бўлган. Бу ерда "азалдан чўян ишлаб чиқарилган ҳамда темир ва пўлат тайёрланган"³. Бу ердан чўян, темир ва пўлат барча яқин ҳудудларга ва ҳатто Қўқон хонлигига ҳам экспорт қилинган.

Ҳунармандчилик ва савдо-сотиқнинг ривожланиши, ишлаб чиқарилган маҳсулотларнинг сифатининг яхшилиги, хилма хил ва бетакрорлиги Бухоро, Самарқанд, Хўжанд, Ўратепа, Ҳисор каби

¹ Сухарева О.А. позднефеодальный город Бухара конце XIX - начала XX вв. Т.:1962. –Ч. 2. -. 182.

² Писарчик А.К. О народном прикладном искусстве Таджикистана // Тр. АН Тадж. ССР. – Т.29. –Вып.2 –С.93.

³ Минаев И. Свидения о странах по верховьям Аму-Дары (по 1878 г.). – СПб.: 1879. –С 197.

шаҳарларнинг ўсиб ривожланишига ёрдам берган. Ўлканинг йирик шаҳарларида ҳунармандчилик ишлаб чиқаришнинг мустақил тармоғи бўлган, қишлоқларда эса қишлоқ хўжалиги билан бирлаштирилган: деҳқонлар қишда ҳунармандчилик, ёзда эса қишлоқ хўжалиги билан шуғулланганлар.

Товар ва маҳсулотларни сотишда улардан махсус "даллоли" тўлови ҳам ундирилиб, унинг миқдори товар қийматининг 7% га ёки ундан кўпга тенг бўлган. Бухоро амирлиги бозорларида харидорлар брокерлар (даллоллар) воситачилигисиз иш қила олмаганлар. Уларнинг "хизматлари" жуда қиммат бўлган. Улар деярли барча савдо сотиқ ишларида иштирок этишган. Кўпинча, улар сотувчи билан олдиндан нарх ҳақида умумий тил топишиб, келишиб олишган ва бу молларини сунъий равишда оширилган нархлар билан сотганлар. Гувоҳларнинг сўзларига кўра, XIX асрнинг 20 йилларида Бухородаги даллоллар "жуда кўп эди ва ҳар бир нарса, нафақат қиммат, балки майда-чуйда нарсаларни ҳам уларсиз сотиб олиш мумкин эмас эди"¹. Даллоллик ўша вақтда қонунийлаштирилган фирибгарлик бўлган.

Ҳунармандларнинг иқтисодий аҳволи ҳам деҳқонларнинг аҳволидан унча фарқ қилмаган. Уларнинг ҳам даромадлари оилаларини қўллаб-қувватлаш ва хом ашё сотиб олиш учун зўрға етган, баъзида шу харажатларни ҳам қопламаган.

Ҳунармандлар, деҳқонлар каби, ўзларининг анъанавий кийимлари, урф-одатлари ва муносабат шаклларига эга бўлганлар. Улар кичик оқ салла, пахтали либос-чопон ёки яктак, хом чармдан тикилган этик ёки ёғоч пойафзал кийганлар. Уларни касбига қараб "усто" деб аташган. "Усто" сўзи одатда кишининг исмидан олдин жойлаштирилган ва ундан кейин касбнинг номи келган. Масалан, усто Карим-мўзадўз (уста Карим-этикдўз); усто Раҳмати-оҳангар (уста Раҳмат-темирчи) ва ҳоказо. Амирликдаги ҳунармандлар ўз низоми - "рисола"га эга бўлган, бу низом диний руҳда тузилган бўлиб, унга қатъий амал қилишган².

Е.К.Мейндорффнинг ўз асарида таъкидлашича, Бухорода ярим чақиримгача чўзилиб кетган, икки томонида расталар билан тўлган кўчаларни кузатиш мумкин бўлган. Бир савдо қатори аёллар пойафзали билан тўлган бўлса, яна бири мушк анбар билан тўлган, учинчиси-унча қиммат бўлмаган қимматбаҳо тошлар билан масалан, форс ферузаси, Бадахшон ва Арабистондан олиб келинган татар ёқутлари, ҳар хил олтин тақинчоқ ва зебу-зийнатлар ва ҳоказо товарлар билан тўлиб тошиб кетган, деб таъкидлайди. Яна Мейендорффнинг таъкидлашича, Бухорода Амир Хайдар даврида 14 та қарвонсарой бўлган, яъни: Абдуллажон, Қушбеги, Ҳинди, Нўғайи, Хўжа-Жўйбори, Тошкент, Қарши, Мирагул, Амири,

¹ Бурдин. Русские в Бухаре 1820 г. (записке очевидца)// справочная книжка Оренбургской области в 1821 г. С-27.

² Бу ҳақида қаранг: Сухарева О.А. Бухара XIX - начала XXвв. – М.: 1966. – С.236.

Куллата Фишана, Дангула-шира ва иккита Урганч карвонсаройлари бўлиб, 2 та Урганч карвонсаройи энг кичиклари бўлган. Энг каттаси-Абдуллажонсарой 1819-йилда Амир Хайдар даврида қурилган бўлиб, бу ерда бир хона учун ижара ҳақи бир ойда 16 руб/ сўм атрофида бўлган¹.

Бухоро амирлигида аҳолининг катта қисми қишлоқ хўжалиги соҳасида банд бўлиб, ишлаб чиқаришнинг асосий шакли оғир қўл меҳнати ва самарадорлиги жуда паст бўлган ибтидоий-содда технологияга асосланган ҳунармандчилик бўлган. Аммо шунга қарамадан, ҳунармандчилик ва савдо-сотиқнинг ривожланиши, ишлаб чиқарилган маҳсулотларнинг сифатининг яхшилиги, хилма хил ва бетакрорлиги Бухоро, Самарқанд, Хўжанд, Ўратепа, Ҳисор каби шаҳарларнинг ўсиб ривожланишига ёрдам берган. Бухоро амирлигида бозорлар ҳар доим гавжум бўлиб, деҳқон ва ҳунармандлар томонидан бозорга олиб чиқилган маҳсулотлар нафақат ички, балки ташқи савдода ҳам ўз ихлосмандларига эга бўлган.

АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ

1. Boltayev, Bobir Baxtiyorovich. "BUXOROLIK MINIATURACHIRASSOM SADRIDDIN ROHCHAYEV IJODIGA BIR NAZAR." *Scientific progress* 1.6 (2021): 998-1004.
2. Rajabov, Oybek Iskandarovich. "BUXORODAGI AYRIM MUQADDAS QADAMJO-QAL'ALAR XUSUSIDA." *Scientific progress* 1.6 (2021): 1162-1168.
3. Умаров, Б. Б. "НА КИСЛЯКОВ ТАДҚИҚОТЛАРИДА ЖАНУБИЙ ТОЖИКИСТОН ЭТНИК ТАРИХИ." *Scientific progress* 1.6 (2021): 1005-1009.
4. Тўраева, Г. Б., Ўтаева, Ф. Х., & Жумаева, Н. А. (2021). ОА СУХАРЕВА ТАДҚИҚОТЛАРИДА БУХОРО ТАРИХИ ВА ЭТНОГРАФИЯСИНИНГ ЎРГАНИЛИШИ. *Scientific progress*, 1(6), 1010-1018.
5. Bakhtiyorovich, Boltaev Bobir. "Excerpts from the life of the bukharian artist." *Middle European Scientific Bulletin* 12 (2021): 160-165.
6. Ochilov, A. T. "DATING OF THE ZAMANBABA CULTURE: ASSED ON ARCHAEOLOGICAL SOURCES." *Theoretical & Applied Science* 12 (2019): 589-591.
7. Mubinov, M. A. "Diplomacy of the eastern states and central asian khanates in the struggle for independence." *CENTRAL ASIAN JOURNAL OF SOCIAL SCIENCES AND HISTORY* 2.5 (2021): 26-31.
8. Maksud, Beshimov. "Markets of Bukhara." *CENTRAL ASIAN JOURNAL OF SOCIAL SCIENCES AND HISTORY* 2.5 (2021): 18-21.

¹ Мейендорф Е.К. Путешествие из Оренбурга а Бухару. –М.: Наука, 1975. С 182

9. Sharopov, Dilshod Ravshan O'G'Li. "ABDURAZZOQ SAMARQANDIYNING "MATLAI SA'DAYN VA MAJMAI BAHRAYN" ASARINING O'RGANILISH TARIXI." *Scientific progress* 2.1 (2021): 358-361.
10. Очиллов, Алишер Тўлис Ўғли. "БУХОРО ВОҲАСИ ШАКЛЛАНИШИДА ЗАРАФШОН ДАРЁСИНИНГ ЎРНИ ВА ВОҲА ТАРИХИЙ ГЕОГРАФИЯСИГА ДОИР АЙРИМ МУЛОҲАЗАЛАР." *Scientific progress* 1.6 (2021): 933-938 Murodova, Dilrabo Shomurodovna, and Feruza Xolmamatovna O'tayeva. "TF Gelax tadqiqotlarida Buxoro shahri mudofaa tizimining organilishi." *The Fifth International Conference on History and Political Sciences*. 2015.
11. Turaevich, Halimov Talat. "From the history of economic relations between central asia and india (XV-XVII centuries)." *CENTRAL ASIAN JOURNAL OF SOCIAL SCIENCES AND HISTORY* 2.5 (2021): 22-25.
12. OCHILOV, Alisher. "JEWELRYC TRADITION IS A SOURCE OF STUDY OF BUKHARA HISTORY." *Bayterek Uluslararası Akademik Araştırmalar Dergisi* 1.1: 105-116.
13. Бобожонова, Феруза Хаятовна. "БУХОРО МАДРАСАЛАРИ МАЪНАВИЯТ ДУРДОНАСИ." *Scientific progress* 2.1 (2021): 362-366.
14. Муродова, Дилрабо Шомуродовна. "ИККИНЧИ ЖАҲОН УРУШИ ЙИЛЛАРИДА БУХОРОДА ИЛМ ВА ФАН (БУХОРО ПЕДАГОГИКА ИНСТИТУТИ МИСОЛИДА)." *Scientific progress* 2.1 (2021): 660-664.
15. Ochilov Alisher. "The Role of Zamanbaba Culture in The Social and Economic History of Bukhara Oasis During Bronze Age." *CENTRAL ASIAN JOURNAL OF SOCIAL SCIENCES AND HISTORY* 2.4 (2021): 42-47.
16. JAMOLOVA, DILNOZA MUYIDDINOVNA. "THE END OF THE EMIRATE OF BUKHARA: THE END OF THE POLITICAL STRUGGLE BETWEEN THE JADIDS AND THE ULEMA." *International Journal of Philosophical Studies and Social Sciences* 1.1 (2021).
17. Jamolova, D. M. "Traveling to Modernity: Perception of Modernity of the Central Asian Muslims in the early 20th century." *International Journal of Psychosocial Rehabilitation* 9.24 (2020): 4202-4207.
18. Темиров Ф., Исломов Д. САДРИДДИН АЙНИЙ–ЗАМОНДОШИ ФИТРАТ ҲАҚИДА //Scientific progress. – 2021. – Т. 2. – №. 1. – С. 1349-1354.
19. Темиров Ф., Халикова Н. БУХОРО АМИРЛИГИДА ТАШҚИ СИЁСАТ ВА ДИПЛОМАТИЯНИНГ РИВОЖЛАНИШИ ТАРИХИДАН //Scientific progress. – 2021. – Т. 2. – №. 1. – С. 1276-1282.

20. Темиров Ф., Умаров Б. БУХОРО АМИРЛИКДА ОИЛА, НИКОҲ ВА МЕРОС ХУҚУҚИНИНГ АМАЛДА ҚЎЛЛАНИШИ //Scientific progress. – 2021. – Т. 2. – №. 1. – С. 1201-1207.

МИРЗА НАСРУЛЛОҲБИЙ ҚЎШБЕГИ – ИСЛОҲОТПАРВАР ВАЗИР

*Нормуродова Г.Б.-
СамДУ., тарих фанлари доктори*

XX аср бошларига келиб, протекторат Бухоро амирлиги ва Хива хонликлари ижтимоий-сиёсий ҳаётида мураккаб тарихий жараёнларнинг юз бериши давомида, ҳокимият тепасига узоқни кўра олган нуфузли давлат арбобларининг келиши ҳамда самарали фаолияти кўзга ташланади. Россия империясининг ярим мустамлакаси ва бошқа томондан, ижтимоий-сиёсий ҳаётда ички кучлар ўртасидаги зиддиятларнинг тобора кескинлашиб бораётган бир даврида, давлат сиёсатини ақл-заковатга таяниб бошқариш ҳукумат арбобларидан катта масъулият талаб этганди. Бухоро амирлиги ва Хива хонликларида бош вазир сифатида шундай вазифаларни деярли тўлақонли равишда бажарган шахслар қаторида – Мирза Насруллоҳбий қўшбеги ва Исломхўжалар номи тарихга муҳрланган. Таъкидлаш лозимки, бу каби шахсларни персонографик жиҳатидан ўрганиш ва уларнинг жамият ҳаётига кўрсатган тарихий хизматларини очиб бериш тарих фанида мавжуд илмий бўшлиқларни тўлдиришга имкон беради.

1910-1917 йилларда Бухоро амирлиги ижтимоий-сиёсий ҳаётида қўшбеги, яъни бош вазирлик фаолиятини олиб борган Мирза Насруллоҳбий қўшбеги ўзига хос тарихий из қолдирган давлат арбобларидан ҳисобланади. Маълумки, амирлик бошқарув соҳасида қўшбеги энг юқори мансаблардан саналиб, бир вақтнинг ўзида бош вазир ваколатига эга бўлган. Одатда, бундай лавозимга давлатнинг эски, тажрибали, ишбилармон, сиёсий аҳволдан хабардор бўлган кишилар тайинланган. Мирза Насруллоҳбий ҳам бу лавозимга тайинлангунга қадар, маълум амал поғоналарини жумладан бий, парвоначи каби амалларни бажариб келган. Хусусан, бошқарув аппаратида юқори даражали амаллардан бўлган парвоначи - олий ҳукмдорнинг буйруқ, фармонларини умаро, уламо ва барча аҳолига етказган ва одатда “аморатпаноҳ” унвони билан юритилган.

“Тарихи нофеий” асарида келтирилишича, амирлик мансаблари орасида қўшбеги “*вазоратпаноҳ*”, “*вазирати олий*” деб юритилиб, давлатнинг барча ишлари унинг қўлида бўлган. *Қўшбеги калон* ва *қўшбеги поён* сифатида бўлинган бу мансаблар орасида *қўшбеги калоннинг* ҳуқуқи бошқа вазирларникидан ортиқ бўлиб, у ҳибсга олиш, жазо бериш, қатл

қилиш, гуноҳкорнинг молини мусодара этиш ҳуқуқларига эга бўлган¹. Шу ўринда, Мирза Салимбекнинг “Тарихи Салимий” асари таъкидланишича, фавқулодда вазиятларда *қўшбегийи кулл ёки куллқўшбеги* лавозими таъсис этилган ва бу лавозим юқорида эслатилган иккала қўшбеги мажбуриятларини бир шахс қўлида мужассам этган. Мисол учун, шу лавозимда Муҳаммадбий (1885-1889), Остонақулбий (1888-1910), Мирза Насруллоҳбий (1910-1917), Усмонбек (1918-1920) лар мамлакатдаги оғир вазиятларда шундай вазифани бажарган².

Тарихий манбаларда Мирза Насруллоҳбий қўшбеги ва унинг фаолияти тўғрисида маълум даражада маълумотлар берилган. Таъкидлаш лозимки, унинг қўшбеги сифатидаги фаолияти XX аср бошларида амирликда мураккаб ижтимоий-сиёсий вазият ҳукм сурган вазият, яъни бир томондан, тараққийпарвар жаидларнинг тобора ўсиб бораётган ислохотчилик ҳаракати, бошқа томондан мутаассиб кучларнинг демократик ислохотлар ўтказишга қаршилиги авж олган, шунингдек шу кучлар ўртасида зиддиятларнинг ўта кескинлашган даврига тўғри келади. Хусусан, шу даврда мамлакат ҳукмдори бўлган Амир Саййид Олимхон ҳам “қадимчилар” ва “ёш бухороликлар” ўртасидаги кураш марказида қолган эди. Ана шундай синовли мураккаб вақтда Мирза Насруллоҳбий қўшбеги ҳукумати сиёсатини маҳаллий ижтимоий-сиёсий кучлар ва Россия империяси билан барқарорлаштиришга ҳаракат қилди.

Шу ўринда, маҳаллий муаллифлар ва айрим ҳукумат вакиллариининг Мирза Насруллоҳбий шахси ва унинг фаолияти тўғрисида берган фикр-мулоҳазаларига тўхталсак. Дастлаб, шулар орасида давлат арбоби, қозикалон Муҳаммад Шариф Садри Зиё мулоҳазасига эътиборни қаратадиган бўлсак, у *“Мирзо Насруллоҳбий куллқўшбеги - тоза насабли, мустақил фикрга эга ва тадбирли киши эди. Бу вазирнинг тадбирлари билан мамлакатдаги ахлоқий-диний, мулкӣ ва оқсаётган бошқа масалалар ҳал бўла бошлади. Дин ва миллатнинг ишлари кундан кунга авжи тараққий этди, раият шод ҳамда мамлакат обод, тинчлик ва осойишталик ҳукм сурди”*³, дея қайд этган эди.

Амир Саййид Олимхон даврида бош закотчи сифатида амирлик молиявий ишларини назорат қилган Мирза Салимбек эса, ўз асарида Мирза Насруллоҳбий фаолиятига танқидий ёндошади. Маълумки, Мирза Салимбек ҳукумат томонидан 1918 йилги “Колесов воқеалари”да бевосита иштирок этган ва ёш бухорликлар ҳаракатига қарши бўлган. Шу сабабли, у Мирза Насруллоҳбийни жаидларни қўллаб-қувватлаганликда айблаб муносабат билдирган.

¹ Муҳаммад Али Балжувоний. Тарихи нофеи. – Тошкент: Академия, 2001. – Б. 26.

² Мирза Салимбек. Тарих-и Салими. – Ташкент: Академия, 2009. – С.30.

³ Муҳаммад Шариф Садри Зиё. Зикри салтанати ва подшоҳи амир Абдуллаҳадхон бин амир Музаффархон. Қўлёзма, ТошДШИ хузуридаги Шарқ қўлёзмалар фонди, № 2241.109-варақ.

Таъкидлаш лозимки, Амир Саййид Олимхон билан бир йилда ҳукумат тепасига келган Мирза Насруллоҳбий қўшбеги узоқни кўра оладиган нуфузли табақа вакили сифатида амирликда ислоҳотлар ўтказишга тарафдор бўлди ва унинг даврида маълум хайрли тадбирлар амалга оширилди. Бу борада 1911-1912 йилларда Амир Олимхон томонидан мактаб, маориф ишларига оид айрим тадбирлар ўтказилишида бош вазир Мирза Насруллоҳбий қўшбегининг ҳамжиҳат таъсири бўлган, деб ҳисоблаш мумкин. Жумладан, амир томонидан бошланғич кичик-кичик (баъзан 3-4 нафар ўқувчидан ташкил топган) мактаблар йирикроқ қилиб бирлаштирилиб, мактаб ўқитувчилари учун хазинадан маош тайинланган бўлиб, шу тарзда бу соҳага маълум даражада ҳукумат томонидан эътибор қаратилди¹.

Жадидлар фаолиятини ҳар томонлама қўллаб-қувватлаган Мирза Насруллоҳбий қўшбеги даврида янги усул мактаблари сони кўпайди ва ҳатто, уларни давлат ғазнаси маблағлари билан таъминлади. Шу ўринда, маърифатпарвар Садриддин Айнийнинг: *“Насруллоҳбий қўшбеги рус тилини яхши билган ва доимий равишда даврий матбуотни мутолаа қилиб жаҳондаги воқеалардан хабардор бўлишга интилган. У ислоҳотчиликка мойил эди”*², деб таъкидланган маълумотига таянадиган бўлсак, Мирза Насруллоҳбий ҳам ўз замонасининг илғор кишиси сифатида, диний мутаассиблик, беҳуда одатлар илдиз отган Бухоро жамиятини тушкунликдан халос этиш, маорифни ислоҳ этиш асосида халқ ҳаётини юксалтириш мақсади билан жадидларга ён босганлигини гувоҳи бўлиш мумкин.

Шу даврда “қадимчилар” норозилиги тобора кучайиб, кўп бора жадид мактабларини ёпиб қўйишга ҳукуматни мажбур қилиши, ҳатто бундай мактаблардан бир нечтаси тошбўрон қилиниб, мактаб эгаларининг қувғин қилиниш ҳолатлари учраб турарди. Бир вақтнинг ўзида қадимчиларнинг татар мактабларига норозилиги сабаб ҳам, Мирза Насруллоҳбий қўшбеги Россиянинг амирликдаги Сиёсий агенти билан ҳам келишиб муносабат олиб боришга ҳаракат қилган. Бу борада, қадимчиларнинг пойтахт Бухорода татарлар томонидан ташкил этилган янги усул мактабларига нисбатан норозилиги ошгач, қўшбеги мактабларни шаҳар четига кўчиришга эришади³.

Мирза Насруллоҳбий қўшбеги фаолияти даврида марказий ва маҳаллий бошқарув соҳасида ҳам мўайян даражада тартиблар ўрнатилди. 1910-йилларда маъмурий соҳада жорий қилинган тартиблар орасида қўшбеги маҳкамаси билан маҳаллий ҳокимият ёзишмалардаги

¹ Ражабов Қ. Тарбия атфол // Ўзбекистон миллий энциклопедияси. Ж. 8. – Т: ЎЗМЭ нашриёти. 2004.

² Айни Садриддин. Таърихи инқилоби Бухоро. – Душанбе: Адиб, 1987. – Б. 96.

³ РИ ТСА (Россия империяси ташки сиёсат архиви), 147-фонд: Ўрта Осиё столи, 485-рўйхат, 101-иш, варақ 16.

ўзгаришларни қайд этиш мумкин. Хусусан, маҳкамага келиб тушган хатлар мазмунига қараб алоҳида “баённомалар” тузилган ва уни вақти-вақти билан қўшбеги маҳкамасига ҳисобот тариқасида топшириш тартиби жорий этилган. Бундан мақсад, маъмурий марказни иш юритиш жараёнидан хабардор қилиш эди. Насруллоҳбий қўшбеги даврида шунингдек, жойлардаги жабр-зулм, суистеъмолликни олдини олиш мақсадида, жадидлар орасидан тайинланган нозирларнинг маҳрамлар сифатида вилоят ҳокимлари фаолиятини назорат қилишга тайинланиши¹, ҳам муҳим ҳисобланади.

Амирлик ижтимоий-сиёсий ҳаётини маълум даражада ислоҳ қилишга бел боғлаган Мирза Насруллоҳбий қўшбеги фаолияти империя маъмуриятини ҳам бефарқ қолдирмаган. Бу борада, 1910 йилда Туркистон район муҳофаза бўлими бошлиғининг Туркистон генерал-губернаторига етказган махфий маълумотида, Мирза Насруллоҳбий қўшбеги шахси тавсифланар экан, шулар орасида “у тараққийпарвар шахс ва ёш бухороликлар ҳаракатига тарафдор сифатида қадимчиларга қарши бўлган”лиги таъкидланади².

Мирза Насруллоҳбий қўшбегининг 1917 йил апрел воқеаларидаги фаолияти бир мунча оғир кечади. Маълумки, 1917 йил апрел ойига келиб, амирликда демократик кучларнинг ислоҳатчиликка оид талаби кун сайин кучайиб боргач, резидент Миллер қўшбегининг амирни ислоҳатлар ўтказишга ундаганлигини таъкидлайди. Шундан сўнг, ёш бухороликлар талаби асосида Амир Саййид Олимхон 1917 йил 7 апрелда мамлакатда ислоҳотлар ўтказиш тўғрисида фармон эълон қилади. Амир фармони эълон қилиниши чоғида сарой аёнлари, уламолар, рус элчихонаси аъзолари, М. Беҳбудий каби тараққийпарварлар ҳамда Мирза Насруллоҳбий қўшбеги ҳам иштирок этган эдилар.

1917 йил 8 апрел Бухоро шаҳрида уюштирилган катта намойишда ёш бухороликлар ва уларга тарафдор кучлар тарқатилиб, айримлари зиндонга ташланади. Намойишни баҳона қилиб 14 апрелда амир ўз фармонини бекор қилади. Бундан фойдаланган мутаассиб кучлар Мирза Насруллоҳбий ўрнига Низомиддинхўжа девонбегини тайинлашни амирдан сўрайдилар. Шундан сўнг, Мирза Насруллоҳбий жадидларни қўллаб-қувватлаганликда айбланиб лавозимидан бўшатилади. Унинг мол-мулки мусодара қилиниб, ўзи оиласи билан Қаршига юборилади. Кейинроқ Карманага олиб келинган Мирза Насруллоҳбий 1918 йилги март воқеаларидан сўнг ўзининг бир қанча оила аъзолари билан биргаликда қатл этилади. Қисқача хулоса қилиб айтганда, жуда қисқа вақт мобайнида бош вазир фаолиятини олиб борган Мирза Насруллоҳбий қўшбеги, ўзига юклатилган вазифани астойдил масъулият билан бажаришга ҳаракат қилди. Бу даврда амирликда кечган

¹ Мирза Салимбек. Тарих-и Салими ... – С.30.

² РД ҲТА (Россия давлат ҳарбий-тарихий архиви), 400-фонд: Бош штаб Осие бўлими, 1-рўйхат, 3871-иш, варақ 67 нинг орқаси.

мураккаб ижтимоий-сиёсий жараёнларда қўшбеги ҳукуматнинг биринчи вакили сифатида, Россия ва амирлик ўртасидаги ҳамда бошқа томондан ички кучлар муносабатларни қийинчилик билан изга солди. Ҳақли равишда айтиш мумкинки, давлат бошқаруви, ижтимоий ва маданий ҳаётда юз берган сезиларли ўзгаришларда Мирза Насруллоҳбий қўшбегининг муносиб ўрни бўлди.

БУХОРО ОБЛАСТИДА КОЛЛЕКТИВЛАШТИРИШ СИЁСАТИ ВА УНИНГ ОҚИБАТЛАРИ

*Бобоев Феруз -
Ўзбекистон ФА Тарих институти доктаранти,
тарих фанлари бўйича фалсафа доктори*

Тарихда ҳар бир тузум ёки жамият мавжудки, унинг ўзига хос ютуқ ва камчиликлари мавжуд. Худди шундай ҳолатни Ўзбекистон совет ҳокимияти йилларида бўлган даврда ҳам кузатиш мумкин. Ҳар бир даврда ҳокимият тепасига келган янги тузум борки, у биринчи навбатда ўз ҳокимиятини мустаҳкамлашга ҳаракат қилади. Бу йўлда тузумнинг қарашларини ва ғояларини қўллаб-қувватламаган, унга нисбатан бошқача фикрда бўлган ҳар қандай кишини душман сифатида баҳолаб уни жисмонан ва маънан йўқ қилиш йўллари ўйлаб топилган. Бу каби хатти-ҳаракатларга ҳокимиятни мустаҳкамлашга қаратилган асосий йўл сифатида қаралган. Бироқ бундай усуллар жамиятнинг тараққиёти учун хизмат қилмас эди. Жамиятнинг ривожланиши учун унга албатта соғлом муҳолифат зарур бўлади. Турли хил қарашлар, ғоялар, фикрлар хилма-хиллиги ёки кўпфикрлилик, кўппартиявийлик каби тушунчалар мавжудки, булар жамиятнинг ўзгаришига ва инсонлар дунёқарашига кучли таъсир кўрсата олади. Бу каби тушунчалар амалда бўлган жамиятда демократиянинг белгилари мавжуд, деб баҳолаш мумкин.

Бироқ совет ҳокимияти йилларида айниқса, XX асрнинг 20-30 йилларида айнан шундай тушунчалар қаттиқ танқинга олинди. Шу йилларда амалга оширилган турли реформалар (ер-сув “ислоҳоти”, “Ҳужум” ҳаракати, диний сиёсат, коллективлаштириш) аҳоли онгида совет ҳокимиятига нисбатан салбий фикрларни шаклланишига олиб келди. Бу реформалардан аҳоли умуман манфаат кўрмаган дея айтаолмаймиз. Бундан аҳолининг жуда кам қисми фойда кўрган, холос. Аксарият қисми эса жабрдийдага айланган. Шунинг учун ҳам айнан совет ҳокимиятининг шу даврлари аҳоли онгида жуда салбий тасаввурларни шакллантирган. Бундай ҳолатларда ҳам ҳар доимгидек аҳоли ўзининг сўзини айтган. Улар қарши фикр билдирган, қўзғолон кўтарган, митинглар ташкил этган, совет ҳокимияти идораларига ҳужум уюштирган. Совет ҳокимиятининг амалга ошираётган бу каби реформалари ҳали давом этаётган курулли

ҳаракатнинг янги тўлқинини бошланишига ва унинг иштирокчиларининг ўсишига олиб келган.

Совет ҳокимияти томонидан қишлоқ хўжалигида амалга оширилган ўзгаришлардан бири бу – коллективлаштириш сиёсати эди. Ушбу сиёсатдан бутун Ўзбекистон сингари Бухоро областининг ҳам кўпгина инсонлари жабр кўрган. Уларнинг большевиклар сиёсатига қарши фикрлари, норозиликлари ва кўзғолонлари қурол кучи билан бостирилиб, уларнинг ўзига қамоқ, сургун, мол-мулкни мусодара қилиш, фуқаролик ҳуқуқидан маҳрум этиш, яшаб турган жойидан кўчириб юбориш, солиқ юкни ошириш каби жазо турлари қўлланган. Мазкур мақолада Бухоро областидан худди шундай жазоларга дучор бўлган инсонларнинг хотирасини шод этиш мақсадида айримлари ҳақида маълумот келтирилиб ўтилади.

1931 йил 11 сентябрда очилган Абдуназаров Ғойиб ва бошқаларнинг тергов ҳужжатлари билан танишганда шу нарса маълумки, унда Мулла Жўра Ботиров, Жаббор Такаев, Саидхўжа Хўжаев, Мулла Одир Зокиров, Ғойиб Абдуназаров, Хўжа эшон Жунайнуллаев, Мулла Эгамберди Раҳимовнинг устидан олиб борилган суд иши жамланган¹.

1. Раҳимов Эгамберди, 1891 йилда Қоракўл тумани, Янгибозор селсовети, Жевачи қишлоғида туғилган. 40 ёш, мулла; 2. Такаев Жаббор, 1890 йилда Қоракўл тумани, Янгибозор селсовети, Магон қишлоғида² туғилган. Қувача қишлоғида яшаган. 41 ёш, жевачи; 3. Зокиров Одил, 1866 йилда Қоракўл тумани, Янгибозор селсовети, Қувача қишлоғида туғилган. 65 ёш, мулла; 4. Хўжаев Саидхўжа, 1865 йилда Кўлоб тумани, Мўминобод туманида туғилган. Қоракўл тумани, Янгибозор селсовети, Акрабод қишлоғида яшаган. 66 ёш, мударрис; 5. Жунайдуллаев Эшонхўжа, 1876 йилда Чоржўй селсоветининг Хўжақалъа қишлоғида туғилган. Қоракўл тумани, Жевачи селсовети, Қорақуланчи қишлоғида яшаган. 55 ёш, эшон; 6. Ботиров Тўра, 1871 йилда Эски Чоржўйнинг Мугалбола қишлоғида туғилган. Қоракўлнинг Арабхона қишлоғида яшаган. мулла; 7. Абдуназаров Ғойиб, 1861 йилда туғилган.

Юқоридагиларнинг ҳаммаси 1931 йил 28 сентябрда 3 йилга қамалган. 1990 йил 17 апрелда оқланган.

Буларнинг иши 12 октябрда Қоракўл район ГПУсининг маълумотларига қараганда, улар совет ҳокимиятига қарши бўлган гуруҳ ташкил этганликда ва қишлоқларда совет ҳокимиятининг олиб бораётган чора-тадбирларига қарши фаолият юритганликда айбланган.

¹ Ўзбекистон ФА Тарих институти жорий архиви, 4-дафтар, 17-варақнинг орқаси ва 18-варақлар.

² Жой номлари ҳужжатда қандай келтирилган бўлса шундай ёзилди. Бироқ бу номлар ҳозир ҳам мавжуд бўлиб, ҳужжатда бошқачароқ ёзилган бўлиши ҳам мумкин. Айниқса қишлоқларнинг номлари.

Ҳужжатда келтирилишича, уларнинг совет ҳокимиятига қарши фаолияти қуйидаги далиллар билан асосланади: бир-бирлари билан алоқа қилиш учун ҳар жума кун масжидда ва бошқа пайтларда турли қишлоқларда учрашиб, ўзларининг режаларини муҳокама қилишган. Жевачи қишлоғидаги “Файзил Эшон” масжидида уларнинг ҳаммаси тўпланиб, 25 кишидан иборат гуруҳ ташкил қилиш ва уни қурол, от ва озиқ-овқат билан таъминлашга келишилган. Йиғилишда Жаббор Такаев “босмачилик”нинг пайдо бўлиши, улар билан алоқани кучайтириш ва тезда совет ҳокимиятини қулатиш учун гуруҳ ташкил этишга чақирган. Улар ўз яқинларини ҳам бу ишга жалб қилишга қарор қилган. Қишлоқларда колхозларнинг ташкил этилишига қарши бўлган¹.

Мазкур ҳужжатда номлари тилган олинган шахсларнинг ижтимоий келиб чиқишини назарда тутилса, улар амирлик даврида жевачи (қурол-яроғ тайёрловчи), мударрис, эшон ва мулла бўлган. Шундай экан ушбу тоифа вакиллари ҳеч қачон совет ҳокимиятининг минтақада юритган сиёсатидан рози бўлмаган. Улар ҳар доим қарши курашган ва бу кураш шакли гоҳ зимдан гоҳ ошкора равишда олиб борилган. Архивларда минг-минглаб шундай турдаги ҳужжатларни учратиш мумкин. Бундан шундай хулоса чиқариш мумкинки, XX асрнинг 20-30-йилларида совет ҳокимиятидан норози бўлган қатлам хайрихоҳларга нисбатан кўпроқни ташкил қилади.

Шунингдек, коллективлаштириш сиёсатига қарши чиққанликда айбланиб Очилбек Раҳматов ва бошқалар, жами 17 кишининг устидан ўтказилган тергов ҳужжатлари ҳам мавжуд. Тергов ишлари 1932 йил 1 февраль – 17 март кунлари олиб борилган.

ОГПУнинг Бухородаги тезкор бўлими Ўзбекистон ССР Жиноят кодексининг 14-78 ва 78-моддасига мувофиқ, қуйидаги 17 киши: Очилбек Раҳматов, Ҳайдар Шодиев, Избосар Раҳматов, Сайфуддин Шарипов, Наим Насимов, Пўлат Собиров, Рўзи Муқимов, Сафар Хўжаев, Қиём Шахобутдинов, Фармон Отабоев, Асад Баракаев, Қули Кенжаев, Гелдиёр Саломов, Қайнар Бобожонов, Қодир Жўраев, Камол Алохитдинов ва Дўст Тошевларнинг устидан суд ҳукми чиқарган.

Ҳужжатда улар ҳақида қуйидагича маълумотлар келтирилади:

1. Қодир Жўраев, 26 ёш, ўзбек, Янги Бухоро тумани, Тайтал селсовети, Қуйимозор қишлоғида яшайди. Саводсиз, оилали, ижтимоий келиб чиқиши жихатидан катта бой, йирик ер эгасининг ўғли. Илгари 70 таноп ери бўлган, 4 та от, 3 та хўкизи, 3 та сигири, 1 та туяси, 4 та эшаги, 70 бош қоракўл қўйлари, мойжувоз ва тегирмони бўлган. У ўз хўжалигида 1920-1926 йилларда батрақларни эксплуатация (биронинг кучидан, меҳнатидан фойдаланиш) қилиб келган.

¹ Ўзбекистон ФА Тарих институти жорий архиви, 4-дафтар, 17-варақнинг орқаси.

1922-1925 йилларда Қодир Жўраев совет ҳокимиятига қарши курашган кўрбошилар Тошмурдашўй ва Нарзи Хўжайинларнинг гуруҳларида бўлган. У то қўлга олингунга қадар 1932 йилнинг бошида гуруҳи тугатилган кураш раҳбари Рамазон Раҳимов ва кейин ҳам ҳаракат олиб бораётган кўрбоши Мулла Дехқон Очиловнинг гуруҳида фаол иштирок этган.

2. Кули Кенжаев, 50 ёш, ўзбек, Янги Бухоро тумани, Тайтал селсовети, Тайтал қишлоғида яшайди. Саводсиз, ўртаҳол, оилали. Хотини Рухияой 40 ёш. Совет ҳокимиятига қарши кураш энг авж олган 1922-1924 йилларда у Бозор Мўминов ва Нарзи Хўжайинларнинг гуруҳида бўлган. Унинг хотини кўрбоши Мулла Дехқон Очилов билан қариндошлиги бўлган. Охириги йилларда қамоққа олингунга қадар кўрбоши Рамазон Раҳимов ва Мулла Дехқон Очиловнинг гуруҳида иштирок этган.

3. Асад Баракаев, 32 ёш, ўзбек, Янги Бухоро тумани, Тайтал селсовети, Юқори Яглау қишлоғида яшайди. Саводсиз, ўртаҳол, оилали. Ижтимоий жихатдан амир амалдори хонадонида туғилган. Унинг отаси амирликда амин лавозимида ишлаган. 1927 йилгача ўзининг хўжалиги бўлган. 7 йил мобайнида хўжалигида батрақларни ишлатиб келган. 1922-1924 йилларда у кўрбоши Бозор Мўминовнинг йигити бўлган. Охириги йилларда қамоққа олингунга қадар кўрбоши Рамазон Раҳимовнинг фаол ёрдамчиси ва унинг гуруҳи тугатилгач эса Мулла Дехқон Очиловнинг гуруҳида иштирок этган.

4. Ҳайдар Шодиев, 40 ёш, ўзбек, Янги Бухоро тумани, Тайтал селсовети, Нишабур қишлоғида яшайди. Саводсиз, ўртаҳол, оилали. Ер-сув ислохотида қадар унинг катта ҳовлиси, 60 таноп ери, 2 та оти, 2 та хўкизи, 2 та телка, 2 та сигири. 2 та эшаги ва мойжувози бўлган. Ер-сув “ислохоти” даврида у 20 таноп ерини яширган. 1922-1924 йилларда у кўрбоши Бозор Мўминовнинг йигити бўлган. У оқсоқол бўлганлиги учун кўрбошини озиқ-овқат ва аҳолидан солиқларни йиғиб бериш билан шуғулланган. Қамоққа олингунга қадар кўрбоши Рамазон Раҳимов ва Мулла Дехқон Очиловнинг гуруҳида иштирок этган.

5. Очилбек Раҳматов, 35 ёш, ўзбек, Янги Бухоро тумани, Тайтал селсовети, Нишабур қишлоғида яшайди. Саводсиз, ўртаҳол, оилали. Илгари мавжуд бўлган хўжалиги: 70 таноп ери, катта ҳовлиси, 4 та хўкизи, 2 та оти, 3 та сигири, 4 та эшаги, 40-50 бош қўйи, мойжувози ва Яглау, Хасрабод ариқларида сув тегирмонлари бор. 1920-1928 йилларда 2 нафар хизматкори бўлган. Қамоққа олингунга қадар Рамазон Раҳимовнинг фаол ёрдамчиларидан бири, кейин эса ҳаракатни давом эттираётган Мулла Дехқон Очиловнинг гуруҳида бўлган.

6. Избосар Раҳматов, 38 ёш, ўзбек, Янги Бухоро тумани, Тайтал селсовети, Қуйимозор қишлоғида яшайди. Саводсиз, оилали. Катта заминдор бўлган. Олдин унга 70 таноп ери, катта ҳовлиси, 2 та хўкизи, 3 та оти, 2 та сигири, 4 та эшаги, мойжувоз ва тегирмонлари бўлган. 1922-1927

йилларда ўз хўжалигида батракларни ишлатган. 1922 йилдан бери у кўрбоши Жафар Хўжайин ва Тошмурдашўйларга хизмат қилган. Охириги вақтларда қўлга олингунга қадар Мулла Деҳқон Очиловнинг қўл остида бўлган.

7. Қиём Шахобутдинов, 32 ёш, ўзбек, Янги Бухоро тумани, Тайтал селсовети, Шўробод қишлоғида яшайди. Саводсиз, оилали. Катта эшоннинг ўғли. Унинг отаси Тайталга Вобкент туманидан кўчиб келган. Илгари уйи, 35 таноп ери, 10 та хўкизи, 200-300 га яқин қўйлари ва мойжувози бўлган. 1923 йилдан бошлаб Қиём кўрбоши Тошмурдашўй ва Мулла Абдулқаҳҳорларнинг фаол ёрдамчиси. Уларнинг гуруҳи тарқалгандан сўнг ўзи гуруҳ ташкил этган. Охириги вақтларда Рамазон Раҳимов ва Мулла Деҳқон Очиловнинг гуруҳида бўлган.

8. Пўлат Собиров, 45 ёш, ўзбек, Янги Бухоро тумани, Тайтал селсовети, Илач қишлоғида яшайди. Илгари 35 таноп ери, 2 та хўкизи, 2 та эшаги, 1 сигири, ва мойжувози бўлган. 1922 йилдан у кўрбоши Жафар Мўминов ва Тошмурдашўйнинг гуруҳида бўлган. Охириги вақтларда Рамазон Раҳимовнинг агент-ёрдамчиси кейин эса Мулла Деҳқоннинг гуруҳида бўлган.

9. Наим Насимов, 31 ёш, ўзбек, Янги Бухоро тумани, Тайтал селсовети, Қуйимозор қишлоғида яшайди. Уйланмаган. Ижтимоий жиҳатдан катта бой. Илгари катта ҳовлиси, 80 таноп ери, 3 та хўкизи, 3 та оти, 3 та эшаги, 3 сигири ва мойжувози ва тегирмони, 1 та чойхонаси бўлган. Ер-сув ислоҳоти даврида 40 таноппа қисқарган. 1923-1925 йилларда Бозор кўрбошининг ва охириги вақтларда эса Рамазон Раҳимовнинг гуруҳида бўлган.

10. Сайфуддин Шарипов, 36 ёш, ўзбек, Янги Бухоро тумани, Тайтал селсовети, Илач қишлоғида яшайди. Илгари катта ҳовлиси, 40 таноп ери, 3 та хўкизи, 3 та оти, 2 сигири ва 100 бош қўйлари ва мойжувози бўлган. Унинг ўзи гўшт савдоси билан шуғулланган. 1922-1924 йилларда у Турсун ва Нарзи кўрбошиларнинг, охириги пайтда эса Рамазон Раҳимовнинг гуруҳида бўлган.

11. Фармон Отабоев, 25 ёш, ўзбек, Янги Бухоро тумани, Тайтал селсовети, Илач қишлоғида яшайди. Аслида у Ғиждувон туманининг Гардиён қишлоғидан. Катта бойнинг ўғли. Ер-сув ислоҳоти даврида қочиб Илач қишлоғига келиб қолган. У кўрбоши Рамазоннинг гуруҳида бўлган.

12. Қайнар Бобожонов, 36 ёш, ўзбек, Янги Бухоро тумани, Тайтал селсовети, Нишабур қишлоғида яшайди. Ер-сув ислоҳотига қадар катта ҳовлиси, 45 таноп ери, 2 та хўкизи, 2 та эшаги, 10 та қўйи, 4 та туяси бўлган. 1922-1924 йилларда Бозор кўрбошининг ва охириги вақтларда эса Рамазон Раҳимовнинг гуруҳида бўлган.

13. Гелдиёр Саломов, Ғиждувон тумани, Бўстон селсовети, Муллакаш қишлоғида яшайди. Уйланмаган. Ҳовлиси, 8 таноп ери, 2 та

хўкизи, 2 та сигири, 2 та оти, 2 та эшаги бўлган. Қўрбоши Рамазоннинг гуруҳида бўлган.

14. Сафар Хўжаев, 30 ёш, ўзбек, Эски Бухоро тумани, Хайрабодча селсовети, Ваданча қишлоғида яшайди. Ер-сув ислоҳотида қадар ўртача хўжаликка эга: ҳовлиси, 8 таноп ери, 1 та хўкизи, 1 та оти, 1 та эшаги бўлган. 1920-1924 йилларда Тошмурдашўйнинг йигити ва Харгўш қишлоғида таслим бўлган. Кейинчалик қўрбоши Рамазоннинг фаол ёрдамчиларидан бири.

15. Рўзи Муқимов, 40 ёш, ўзбек, Эски Бухоро тумани, Хайрабодча селсовети, Имарзи қишлоғида яшайди. Хотини 30 ёш, ўғли 10 ёш. Кичик хўжалиги бўлган. 1920-1924 йилларда Тошмурдашўйнинг йигити, кейин эса қўрбоши Рамазоннинг гуруҳида.

16. Камол Алауддинов, 18 ёш, ўзбек, Эски Бухоро тумани, Хайрабодча селсовети, Имарзи қишлоғида яшайди. Саводсиз. Ўртаҳол. Уйланмаган. қўрбоши Рамазоннинг гуруҳида.

17. Дўст Тошев, 18 ёш, ўзбек, Вобкент тумани, Эҳсом селсовети, Имарзи қишлоғида яшайди. Саводсиз. Ўртаҳол. Уйланмаган. қўрбоши Рамазоннинг гуруҳида бўлган.

Сафар Хўжаев, Дўст Тошев, Қули Кенжаев, Камол Алауддиновларнинг айблари исботланмагач, улар озодликка чиқарилган. Қолганларининг барчаси 1932 йил 7 февралда 3 йилга қамоқ жазосига ҳукм қилинган. 1990 йил 17 апрелда оқланган¹.

Хулоса сифатида шуни айтиш мумкинки, совет ҳокимиятининг коллективлаштириш сиёсати кўплаб оилаларнинг турмуш тарзини оғир аҳволга солиб қўйди. Уларнинг қўлидаги мол-мулки давлат ихтиёрига олиб қўйилди. Шунингдек, унга қарши бўлган инсонлар жазога дучор қилинди. Бунинг натижасида бир неча оилалар ўзининг ягона боқувчисидан ажралди. Бу ҳолат оилаларда оғир психологик тушкунликни юзага келтирди. Лекин матонатли ва пўлат иродага эга бўлган ўзбек халқи ўз бошига тушган шундай қийинчиликларни ҳам мардонавор енгиб ўтди.

БУХОРО ШАҲАРСОЗЛИГИ ТАРАҚҚИЁТИДА ЛОГИСТИКА ХИЗМАТЛАРИНИНГ АҲАМИЯТИ (транспорт хизмати мисолида)

*Ҳаётова Нафиса Закировна-
БухДУ, “Миллий гоя, маънавият асослари
ва ҳуқуқ таълими” кафедраси ўқитувчиси*

Ҳар бир мамлакат иқтисодийётининг ривожланишида логистика тизими жуда муҳим аҳамиятга эга. Самарадор логистика тизими ички бозорда тайёр маҳсулот ва хом-ашё ҳаракатини оптималлаштириш орқали товарларни келиб

¹ Ўзбекистон ФА Тарих институти жорий архиви, 4-дафтар, 12-варақнинг орқаси, 17-варақнинг орқаси ва 18-варақлар.

чиқиш жойидан истеъмол қилишгача самарали ташиш ва сақлашни режалаштириш ва амалга ошириш жараёни ҳисобланади. Логистика тизимининг мақсади мижозларнинг талабларини ўз вақтида ва тежамли равишда қондиришдир. Ташқи бозорда эса мамлакатнинг иқтисодий рақобат бардошлигини оширади ва жаҳон иқтисодиётига интеграция жараёнини тезлаштиради.

Логистиканинг пайдо бўлиши ҳарбий соҳа билан боғлиқдир. Дастлаб логистика ҳарбий хизматчилар, техника ва буюмлар ҳаракатида муҳим ўрин ўйнаган. Логистика ҳарбий соҳада ҳар қачонгидан ҳам муҳимроқ бўлса, бугунги кунда бу атама таъминот занжири орқали тижорат товарлари ҳаракат шароитида кўпроқ қўлланилади. Ривожланиб бораётган мамлакатимиз учун самарадор логистика тизимини ташкил қилиш жуда муҳимдир.

Бухоро шаҳри инфраструктураси тараққиётида логистика ва коммуникация хизматлари совет ҳукумати даврида шаклланган бўлиб, мустақиллик йилларида шаҳарлар тараққиётида бу соҳага йўналтирилган Ўзбекистон Республикаси Президенти ва Вазирлар Маҳкамасининг кўплаб қарор ва фармонлари қабул қилинган. Ўтган давр мобайнида Бухоро шаҳри республикада ўзининг хизмат кўрсатиш, логистика ва ривожланган коммуникация тармоқлари билан алоҳида ўрин эгаллайди. Бугунги кунда Бухоро шаҳрида 1 та халқаро аэропорт, 1 та темир йўл вокзали мавжуд.

Бухоро шаҳрида транспорт хизматлари билан таъминлаш соҳасини янада ривожлантириш, ҳудудларни комплекс ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришга эришиш ҳамда мамлакат шаҳар ва қишлоқларида аҳоли бандлиги муаммоларини ҳал этишда автотранспорт хизматлари кўрсатишнинг ролини кучайтириш, йўловчилар ташиши хавфсизлигини ошириш бўйича изчил ислохотлар амалга оширилмоқда. Шаҳарда транспорт хизматларини ташкил этиш Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1999 йил 29 июлдаги “Шаҳар атрофи, шаҳарлараро ва халқаро ва йўловчилар ташиш автомобил таранспортида очик тендерлар ташкил этиш ва ўтказиш масалалари тўғрисида” ги қарорига мувофиқ олиб борилди. Шу билан бирга 2019 йил 1 февралдаги Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Транспорт соҳасида давлат бошқарув тизимини тубдан такомиллаштириш чоратадбирлари тўғрисида” Фармониға мувофиқ ва Ўзбекистон Республикаси Транспорт вазирлиги фаолиятини самарали ташкил этишни таъминлаш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш. М.Мирзиёевнинг 2019 йил 1 февралдаги “Ўзбекистон Республикаси Транспорт вазирлиги фаолиятини ташкил этиш тўғрисида”ги қарори тасдиқланди. Шу қарор асосида Бухоро вилояти транспорт бошқармаси ташкил этилди. Бошқарма Бухоро вилоятида автомобиль, темир йўл, ҳаво, дарё ва электр транспорти, метрополитен ва йўл хўжалигини ривожлантириш борасида ягона давлат сиёсатини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш ҳамда норматив-ҳуқуқий тартибга солиш бўйича давлат бошқаруви органи ҳисобланади.

Сўнгги йилларда аҳолига транспорт хизмати кўрсатиш тизимини тубдан такомиллаштириш, уни замон ва давр талабларига мос равишда ривожлантириш борасида кенг ислохотлар олиб борилмоқда. Аҳолига автомобиль транспорти билан хизмат кўрсатиш тизимини ташкил этиш ва назорат қилишни, шаҳар ҳокимлиги, вилоят транспорт бошқармаси, ИИБ ЙХХБ, вилоят автомобиль йўллари бош бошқармаси амалга оширади.

1995-2005 йилларда шаҳарда транспорт хизмати хусусий ва давлат транспортлари томонидан амалга оширилган. Мустақилликнинг дастлабки йилларида шаҳарда трамвай қатнови ҳам йўлга қўйилади, лекин сарфланаётган электр энергияни қопламагани ва жамоат транспорти сифатида хизмати талаб даражасида бўлмагани сабабли 2008 йилда трамвай парки фаолияти тўхтатилади¹.

2020 йил декабрь ҳолатига кўра, Бухоро шаҳрида Транспорт хизмати уюшмалар сони-164 та бўлиб, уюшмалардаги жами автомобиллар сони 2597 тани ташкил қилади. Шундан автобуслар сони 290 та, микро автобуслар сони 14 та, енгил автомашиналар сони 1586 та, юк автомобиллар сони 707 тани ташкил қилади². Бухоро шаҳрида транспорт хизматини қуйидаги жадвалда кузатиш мумкин.

Транспорт воситалари турлари	Жами сони	шундан,	
		Шахсий	Юридик шахсларга тегишли
Жами транспорт воситалари:	35493	28985	6508
- енгил автомобиллар	30697	26608	4089
- юк автомобиллари	2641	1406	1235
- автобуслар	556	82	474
- махсус транспортлар	577	69	508
- бошқа транспортлар	1022	820	202

Йўловчи ташиш соҳаси бўйича Бухоро вилоятида 544 маҳалла фуқаро йиғинидаги 1469 та аҳоли пунктларида яшовчи аҳолига сифатли ва хавфсиз транспорт хизматини кўрсатиш бўйича 130 та юридик корхоналар томонидан жами 285 та йўловчи ташиш йўналишлари хизмат кўрсатади³. Бухоро шаҳрининг ўзида 30 та йўналишда, жумладан 28 та автобус ва 2 та Дамас русумли автотраспорт, бошқа туманлар ва шаҳарлар аро йўналишларда 2 та, шундан 2 та автобус йўналишида аҳолига хизмат

¹ Бухоро вилоят транспорт бошқармаси берган маълумотлар асосида.

² Бухоро шаҳар паспорт маълумотлари. Бухоро, 2020 йил.-Б.83.

³ Бухоро вилоят транспорт бошқармаси берган маълумотлар асосида.

кўрсатиб келмоқда¹. Шунингдек, шаҳарда автотранспорт воситалари ва йўловчиларга хизмат кўрсатиш мақсадида 3 та, яъни “ Бухоро-Авто-Шох” , “Чор Бакр”, “Шарқ” автостанциялари (шундан, 2 таси хусусий секторга ва 1 таси “Узавтовокзал Сервис” ДУК Бухоро филиалига тегишли) фаолият олиб боради.

2020 йил декабр ойи маълумотларига кўра, Бухоро шаҳрида 23 та автомобилларга ёқилғи (бензин) қуйиш шахобчаси, 6 та автомобилларга суюлтирилган газ тўлдириш шахобчалари мавжуддир. Айтиш жоизки, шаҳарда транспорт хизматининг замон талаблари даражасига амалга оширилиши Бухоронинг иқтисодий-туристик минтақа сифатидаги мавқеининг янада мустаҳкамланишида муҳим аҳамият касб этади. Хусусан хавфсиз туризмни таъминлаш бўйича бир қатор ижобий ишлар амалга оширилди. Шаҳарнинг эски шаҳар қисмида асосан туристлар учун қулай транспорт воситаларнинг йўналиши ҳам ташкил этилдию.

Хулоса қилсак, Бухоро шаҳрида транспорт хизмати бугунги кунга келиб мавжуд муаммоларга қарамай ривожланиб бормоқда. Лекин пандемия муносабати билан Вазирлар Маҳкамасининг “Коронавирус инфекцияси тарқалишига қарши қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида” қарори асосида, аҳоли соғлигини ҳимоя ва хавфсизлигини таъминлаш мақсадида шаҳарда автобус йўналишлари тўхтатилганлига сабабли хусусий МЧЖ корхоналари кредитни тўлолмай маълум даражада зиён кўрдилар. Бугунги кунга келиб карантин қоидалари енгиллаштирилган бўлсада, шаҳарда автобус йўналишлари тўлиқ ишга тушгани йўқ. Ҳолбуки аҳолининг автобус йўналишларига эҳтиёжи катта бўлиб ва келажақда аҳолига транспорт хизмати кўрсатиш борасидаги ислохотлар натижаси амалда ўзини намоён қилади деган умиддамиз.

ЎРТА ОСИЁДА МИЛЛИЙ - ҲУДУДИЙ ЧЕГАРАЛАНИШЛАРДАН СЎНГ ЯНГИДАН РАЙОНЛАШТИРИШ ТАДБИЛАРИ (1925-1932 ЙИЛЛАР)

***Ҳайтов Ш.А. -Бухоро давлат университети
“Жаҳон тарихи” кафедраси профессори,
тарих фанлари доктори***

1924 йилда собиқ Туркистон АССР, Хоразм ва Бухоро Совет Социалистик республикалари БССР ва ХССР га қарашли ерларда миллий-худудий чегараланиш ўтказилиши оқибатида СССР таркибида Ўзбекстон ССР, Туркистон ССР ташкил топди. Шунингдек, Ўзбекистон ССР таркибида Тожикистон АССР (1924 йил 27 октябрь) Қирғизистон (Қозоғистон) АССР таркибида Қорақалпоғистон автоном (мухтор) области РСФСР такибида эса Қирғизистон (Қирғиз автоном области) тuzилди.

¹ Бухоро вилоят транспорт бошқармаси берган маълумотлар асосида

Кейинчалик, 1925 йил 2 январдаги СССР МИҚ қарори билан Тожикистон АССР худудига Помир киритилиб, унинг худуди 1929 йилда Тоғли Бадахшон областига алантирилди¹. Ўрта Осиёдаги миллий - худудий чегараланиш жараёни, чегараларни ўтказиш вақтидаги тадбирлар туб жой миллатлар томонидан қатъий этирозларга сабаб бўлганлиги, “кайта тақсимлашлар” районлаштириш чоралари мавжуд муаммоларни ҳал эта олмаганлиги кўпгина тадқиқотлардан ўрин олган.

Ушбу кичик тадқиқотда Ўрта Осиёда янги субъектлар вужудга келганидан сўнг, 1925 - 1926 йиллардан бошланиб, 1930 йилларгача давом этган янгидан районлаштириш масалалари ҳақида архив хужжатлари орқали мухтасар фикр юритилади.

Маълумки миллий - худудий чегараланишдан сўнг, янги Республикаларда маъмурий - бўлинишнинг Россия империяси ва Совет ҳокимияти даврида бугун вужудга келган шаклларида фойдаланилди. Бироқ, 1925 йилда янгидан районлаштириш комиссияси тузулиб, маъмурий-худудий бўлиниш ва бошқарув тизимига бир қатор ўзгаришлар киритилди. Маъмурий бўлинишда ўтроқ, кўчманчи ва ярим кўчманчи аҳолининг хусусиятлари ҳамда этносоциал эҳтиёжларини ҳисобга олишга бир қадар эътибор берилди. Бироқ, янгидан районлаштириш ҳам маҳаллий талабларга тўла жавоб берманганлигини олдиндан таъкидлаш ўринли бўларди.

Маъмурий бўлинишда Ўзбекистонда округ, район ва қишлоқ советларидан иборат уч босқичли бошқарув, Туркменистонда ҳам округ, район, қишлоқ совети бошқаруви жорий қилиниб, фақат икки округ Полтрацкий ва Марв округларида икки босқичли район қишлоқ совети ташкил этилиб, улар бевосита республика марказига бўйсундирилди. Қирғизистонда (Қозоғистонда) катон, волост ва қишлоқ советидан иборат уч босқичли бошқарув жорий этилди. Демак, районлаштириш 1925 йилда бошланиб, 1926 йилда қисман икки томонлама босқич тизимига ўтилган².

Туркменистонда беш округ, 32 район, 372 овул советлари ўрнида, уч округ, 18 район, округларга кирмайдиган бевосита марказга бўйсунадиган 15 та район 377 та овул советлари ташкил этилди.

Ўзбекистонда 7 област, 23 та уезд, 241 волость 1163 қишлоқ совети ўрнида 10 та округ, 33 та район, 1750 та қишлоқ советлари тузилди. Қирғизистонда дастлаб районлаштириш даврида 4 округ, 72 волост, 426 овул совети мавжуд эди. Улар ўрнида 7 кантон, 52 волость, 451 овул советлари ташкил этилди. Ушбу районлаштириш натижасида қишлоқ советлари орасидаги масофа 10 чақиримдан ошмаслиги улар аҳолиси сони эса, 2 мингдан кўп бўлмаслиги инобатга олинди³. Республикалардаги

¹ Тихонова Е.В. Районирования Средней Азии: экономический целесообразность в кн: Районирование Средней Азии. –М.: 2015. –С. 151-164.

² Ўзбекистон Миллий Архиви Р-1 –фонд, 1-рўйхат, 752-йиғма жилд, 169-170 бетлар.

³ Ўша архив, 170-171 бетлар

район, волстлари ташкил этилишида табиий – тарихий, хўжалик, маданий-маиший, миллий эътиқодлари ва белгилари ҳисобга олинди. Районлар ўз аҳолиси жиҳатидан олидинги уездлардан фарқ қилиб, улар аҳолиси уч баробар кўп эди. Ўзбекистон ССР районларида 50 минг нафаргача Туркменистон ССР районларида 30 минггача, Қирғизистон районларида 16 минггача аҳоли истиқомат қилган. Район ва волостлар ўз бюджетига, бошқарув аппаратиغا эга бўлиб, хўжалик тадбирларини ўтказган¹. Тадқиқот натижалари шуни кўрсатдики, собиқ Бухоро ва Хоразм Республикаларига тегишли бўлган ҳудудларидаги район ва қишлоқ советлари бир-бирига нисбатан белгиланган меъёрида узоқ масофаларда жойлашган. Айрим қишлоқ советларида (овуллар)да аҳоли сони ҳам 1000, 1500 кишидан ошмаган. Айниқса, кўчманчи, ярим кўчманчи аҳоли истиқомат қиладиган тоғ-тоғ олди, дашт, чўл ҳудудларида ушбу ҳолат яққол кўзга ташланади². Районлаштириш жараёнларида 1925-1926 йилларда Европа тилли аҳоли яшайдиган волостлар билан қирғиз ва ўзбеклар яшайдиган волостлар ёнма-ён жойлашганлиги ҳисобга олиниб, маъмурий жиҳатларга алоҳида эътибор берилган. Бу эса Ўшдаги волостларда яққолроқ кўзга ташланади. Архив манбаларида 1926-1932 йилларда Ўрта Осиё Республикаларидаги аҳолининг сони ўсиб бориш динамикаси билан боғлиқ маълумотлар ҳам учрайди. Жумладан, Тожикистон АССРда (1929 йилдан сўнг Тожикистон ССР) 1926-1927 йилларда – 817.201 киши, 1927-1928 йилларда 850.073 киши, 1928-1929 йилларда 839.023 киши, 1929-1930 йилларда 911.053 киши, 1930-1931 йилларда 925.164 киши, 1931-1932 йилларда 1.059.210 киши истиқомат қилган³.

Бироқ Тожикистон АССР ҳудуди ер майдони билан боғлиқ маълумотлар беш хил ҳолатда акс эттирилишга гувоҳ бўлинди. Ушбу маълумотлар Туркистон ССР статистика бошқармаси, иттифоқ статистика бошқармаси, Тожикистон справочниги, Ўзбекистон ССР статистика бошқармалари томонидан эълон қилинган. Тожикистон АССРга тегишли ер майдони 1929 йилда 135.619 кв/км, 137.484 кв/км, 137.400 кв/км каби турли туман рақамларда ифодаланган⁴. Ушбу жиҳат янгидан районлаштириш пайтида Ўрта Осиё республикаларининг ҳудуди вақти-вақти билан ўзгариб турганлигидан бўлса керак. Иккинчи бир манбадан эса 1914 йилдан 1926 йилга қадар Тожикистон аҳолиси 568.676 кишидан 1.243.544 кишига ошганлиги қайд этилган⁵. Тожикистон АССР аҳолиси ҳақидаги маълумотлар 15 хил рақамда берилган ҳолат ҳам кузатилди⁶.

¹ Ўзбекистон Миллий Архиви Р-1-фонд, 1-рўйхат, 728-йиғма жилд, 125,126,127 бетлар.

² Ўзбекистон Миллий Архиви Р-1-фонд, 1-рўйхат, 725-йиғма жилд, 171-172 бетлар.

³ Ўша жойда 91-92 бетлар

⁴ Ўзбекистон Миллий Архиви Р-1-фонд, 1-рўйхат, 726-йиғма жилд, 11-12 бетлар

⁵ Ўзбекистон Миллий Архиви Р-1-фонд, 1-рўйхат, 726-йиғма жилд, 11-бетлар

⁶ Ўша жойда 13 бет

т/р	Округла р	М и л л а т л а р						Жаъми
		Қирғиз	Қозоқ	Ўзбек	Қипч оқ	Рус	бошқал ар	
1	Пишпак	11.4825	11900	10754	-	105270	12808	255557
2	Қоракўл Норин	140.439	3658	4479	-	41568	6308	26520
3	Лепсин	98.177	-	29.644	889	5775	2682	106.667
4	Ўш	123.708	-	733.59	-	4472	407	209.000
	Жаъми	177.489	155.88	1.7906	889	158.100	18.179	795.053

Хуллас, 1926-1932 йилларда Ўрта Осиё Республикаларда янгидан районлаштириш тadbирлари ўтказилиб, бу тadbирларда марказ маҳаллий аҳолининг миллий менталитетини етарлича ҳисобга олмади. Юқорида бу борада маъмурий буйруқбозлик сиёсати юритилиб, бошқарувда диктатура таркиби қарор топа бошлади. Айниқса, республикаларда маъмурий бўлиниш жараёнидаги ўзгаришлар кейинги тарихий босқичларда ҳам давом этиб турди. Охир-оқибат маъмурий бошқарув ва районлаштириш ишлари 1930 йилларнинг охиригача давом этди.

BUXORO VOHASI AHOLISINING XALQARO SAVDO-SOTIQDAGI ALOQALARI XUSUSIDA

Rajabov O.I.-BuxDU, o'qituvchi
Xolova U.- BuxDU talabasi

Buxoro vohasi aholisi qadimdan tadbirkor, savdo-sotiqda mohir, omilkor bo'lganligini manbalar tasdiqlashi bilan birga mohir dengizchi bo'lib, xususan dengiz orqali ham savdo-sotiq qilganlari ham tarixchilar tomonidan e'tirof etiladi. Bu esa qadimgi Buxoroda quruqlik yo'llari bilan bir qatorda suv yo'llarining ahamiyati ham yuqori bo'lgan degan xulosa chiqarishga imkon beradi. Qadimdan Buxoro vohasida o'troq dehqonchilik, shaharsozlik madaniyatining vujudga kelishida Zarafshon daryosining o'rni beqiyos. Qadimda Misr "Nilning hadyasi" bo'lganidek, Buxoro vohasini ham Zarafshon daryosining in'omi desa bo'ladi. Chunki daryo adog'ida joylashgan bu o'lkaning o'zi, avvalambor, Zarafshonning ming yillar davomida oqizib kelgan loyqa yotqiziqqlari tufayli vujudga kelgan. Uning toshqinlaridan hosil bo'lgan son-sanoqsiz irmoqlar, ko'l va ko'lmaklar esa voha tabiatining shakllanishi va uning o'zlashtirib obod etilishida hayotbaxsh rol o'ynagan.

Ma'lumki muzliklar davri tugab, ob-havo iliy boshlagach, Turkiston, Hisor va Zarafshon tog' tizmalaridagi qalin muzliklar, abadiy qorliklar erib, ulardan hosil bo'lgan ulkan toshqinlar Zarafshon daryosi bo'ylab oqqan. Uning o'sha zamonlardagi toshqinlari, shubhasiz afsonalarda tasvirlangan «Nuh

to'foni»ni eslatadi. O'sha-zamonlarda Zarafshon vodiysida nihoyatda keng maydon bo'ylab yoyilib oqqan. Uning o'ng qirg'og'i hozirgi Samarqand viloyatida Payariq va Xatirchi adirlarini, so'l qirg'og'i esa Pastdarg'om va Kattaqo'rg'on qirlarini yuvib o'tgan. Bu katta oqimning biror tomchisi ham Zarafshon vodiysining yuqori va o'rta qismlarida na dehqonchilik na obodonchilik uchun sarf bo'lmay u hozirgi Navoiy shahri yaqinida tor Xazora darbandini yorib o'tib, konussimon Buxoro vohasiga oqib kirgan¹.

Zarafshon daryosi Buxoro vohasida qadimgi Xitfar (Vobkentdaryo), Rudizar (Shohrud), Qorako'ldaryo, Moxondaryo va Tayqir kabi bir nechta tarmoqlar hosil qilib, butun voha bo'ylab yoyilib oqqan. O'sha zamonlarda hozirgi Buxoro viloyatining vodiy qismi Zarafshonning toshqin suvlaridan hosil bo'lgan ko'l va botqoqliklardan iborat bo'lib, ular qalin butazor, chakalakzor va to'qayzorlar bilan qoplangan.

Buxoro vohasining bu qadimiy tabiiy manzarasi X asrda yashagan tarixchi Muhammad Narshaxiyning «Buxoro tarixi» asarida quyidagicha tasvirlanadi: «Hozirda Buxoro (o'rnashgan) bu mavze, ilgari botqoqlik bo'lib, uning ba'zi yerlarini to'qayzor, daraxtzor va ko'kalamzorlar tashkil etgan. Buning sababi shuki, Samarqand tomonidagi viloyatlarda tog'larda qor erib, suvi (oqib kelib) o'sha joyga yig'ilib yotgan. Samarqand tomonida bir katta daryo borki, uning «Rudi Mosaf» - «Mosaf daryosi» deb ataydilar. Bu daryoga ko'p suv yig'ilgan, u bir talay yerlarni yuvib, o'pirib, loyqalarni surib kelgan, natijada bu botqoqliklar to'lib qolgan. Suv ko'p oqib kelaverdi, loyqalarni to Bitik va Farobgacha surib keltira berdi. So'ng suv (toshib kelishi) to'xtadi, Buxoro o'rnashgan joy (asta-sekin) to'lib, tekis yerga aylandi va shunday qilib u kattadaryo So'g'd va bu (loyqalar bilan) to'lgan mavze Buxoro bo'lib qoldi». Ayni o'sha zamonlarda hozirgi Qorako'l va Olot nohiyalari o'rnida ulkan ko'l bo'lib, unga bir tomondan Qashqadaryoning, ikkinchi tomondan Qorako'l daryo orqali Zarafshon daryosining suvlari qishin-yozin muttasil quyilib turgan².

O'rta asr yozma manbalarida bu ko'l «Buxayrayi Somjan» (ya'ni, Somjan dengizi), «Bahr ul-Buxoro» (ya'ni, Buxoro dengizi), «Borgini Farroh» - «Keng hovuz», «Movozai Boykand», ya'ni Boykand yaqinidagi ko'l kabi bir nechta atamalar bilan tilga olinadi. Turklar uni «Dengiz» yoki «Qorako'l» deb yuritishgan. Bu ko'lning uzunligi ham, kengligi ham 20 farsang, ya'ni 120-140 kmga teng bo'lgan. Buxoro dengizi va Boykandko'l nomlari bilan shuhrat topgan bu ko'lning shimoliy qirg'og'i Shiburdonota balandliklariga tutashgan. Zamonbobo adirlklariga, janubiy qirg'og'i Dengizko'lning janub sohillariga, sharqiy qirg'og'i Poykent-Tayqir qirlari orqali Qarshi dashtiga, g'arbiy qirg'og'i esa Olot tekisliklari orqali Urganjiy dashtiga-Qizilqumga tutashib ketgan. Muhammad Narshaxiyning yozishicha bu ko'l suv jonivorlariga nihoyatda boy

¹To'raev H.H. Buxoro tarixi . Durdona nashriyoti, 2020. –B.51.

² To'raev H.H. Ko'rsatilgan asar. – B.52.

bo'lib, butun Xuroson muzofotida bu yerdagidek ko'p miqdorda parranda va baliqlar tutilmagan¹.

Qadimgi Buxoro aholisi bu bilan cheklanib qolmay, dengizlararo savdo - sotiqda ham qatnashganligi manbalarda qayd etiladi. Xususan, Poykent shahri xalqaro savdoda muhim ahamiyatga ega bo'lib, uning nufuzi arab va fors manbalarida "Madinat as-Sufiya" (mis shahar), "Madinat at-Tujjor" (Savdogarlar shahri) kabi nomlar ham ulug'langan. X asrda yashab o'tgan "Buxoro tarixi" asari muallifi yirik tarixchi olim Muhammad Narshaxiy ushbu fikrlarga qo'shimcha ravishda: "Baykand aholisi hammasi savdogar bo'lgan. Ular Xitoy bilan va dengiz (orqali boriladigan) mamlakatlar bilan savdo qilganlar va juda boy bo'lganlar"² – degan jummalarni keltirib o'tadi. Narshaxiyning ushbu ma'lumotiga ko'pgina tarixchilar mubolag'a ishlatilgan degan fikrlarni bildirganlar.

So'g'd yozma yodgorliklarining bilimdoni O.I.Smirnova Narshaxiydan iqtibos keltirib: "Poykent Buxoro vohasidagi qadimgi shaharlardan biri bo'lib, Tabariy uni savdogarlar shahri deb ma'lumot berganligini, Ishtixon, Arbinjon, Arqud, Tavois, Zandana kabi manzilgohlar garchi yirik savdo markazlari bo'lsalarda, ular xalqaro savdoda Poykentchalik nufuzga ega emasdilar"³ - degan fikrlarni keltirib o'tadi.

Narshaxiyning ushbu fikrlariga munosabatini bildirgan taniqli olim V.V.Bartol'd Poykentni Buxorodan qadimiyroq bo'lgan Varaxsha va Romitan shaharlari bilan yoshi teng ekanligini e'tirof etib, poykentliklarni Kaspiy dengizi bo'yi shaharlari bilan dengiz savdosida ishtirok etgan bo'lsalar kerak deb yozadi⁴. Savdo-sotiqda asosiy rol o'ynagan "Buyuk ipak yo'li"da ham savdoning rivojlanishiga katta ta'sirini ko'rsatgan.

Buyuk ipak yo'lining markaziy tarmog'i hozirgi O'zbekiston hududidagi shaharlar orqali o'tgan bo'lib, bir necha yo'nalishda bo'lgan. Xususan, Qashqardan Farg'ona vodiysiga, bu yerdan esa Choch-Iloq vohasi, Ustrushona, Samarqand, Buxoro, Marv orqali o'tib Eron va Suriyagacha yetib borgan yo'ning ahamiyati ayniqsa katta edi. Aynan shu yo'l orqali buxorolik savdogarlar dengiz orqali O'rta Yer dengizi portlariga savdo-sotiq uchun borganliklari qayd etilgan⁵.

Milliy davlatchiligimiz tarixini, qadriyatlarimiz, ma'naviy boy merosimizni tadqiq etish, tiklash va ularni chuqur o'rganish, uning mazmun mohiyatini hamda ahamiyatini xalqimiz, o'sib kelayotgan yosh avlodlarga targ'ib qilish, tarixiy manbalarni tadqiq etish, ulardan oqilona foydalanish davr talabidir.

¹ То'раев Н.Н. Бухоро тарихи. - В.51.

² Абу Бакр Муҳаммад ибн Жаъфар Наршахий. Бухоро тарихи. – Т., 1993. –Б.53.

³ Смирнова О. И. Очерки из истории Согда. – М.: Наука; 1970. – С.126.

⁴ Бартольд В.В. Сочинения. Том 1. Туркестан в эпоху монгольского нашествия.–М.:1963. – С.169.

⁵ Mavlonov O'. Markaziy Osiyoning qadimgi yo'llari. T., 2008.-Б. 49.

ADABIYOTLAR RO'YXATI

1. Boltayev, Bobir Baxtiyorovich. "BUXOROLIK MINIATURACHIRASSOM SADRIDDIN POCHCHAYEV IJODIGA BIR NAZAR." *Scientific progress* 1.6 (2021): 998-1004.
2. Rajabov, Oybek Iskandarovich. "BUXORODAGI AYRIM MUQADDAS QADAMJO-QAL'ALAR XUSUSIDA." *Scientific progress* 1.6 (2021): 1162-1168.
3. Умаров, Б. Б. "НА КИСЛЯКОВ ТАДҚИҚОТЛАРИДА ЖАНУБИЙ ТОЖИКИСТОН ЭТНИК ТАРИХИ." *Scientific progress* 1.6 (2021): 1005-1009.
4. Тўраева, Г. Б., Ўтаева, Ф. Х., & Жумаева, Н. А. (2021). ОА СУХАРЕВА ТАДҚИҚОТЛАРИДА БУХОРО ТАРИХИ ВА ЭТНОГРАФИЯСИНИНГ ЎРГАНИЛИШИ. *Scientific progress*, 1(6), 1010-1018.
5. Bakhtiyorovich, Boltaev Bobir. "Excerpts from the life of the bukharian artist." *Middle European Scientific Bulletin* 12 (2021): 160-165.
6. Ochilov, A. T. "DATING OF THE ZAMANBABA CULTURE: ASSED ON ARCHAEOLOGICAL SOURCES." *Theoretical & Applied Science* 12 (2019): 589-591.
7. Mubinov, M. A. "Diplomacy of the eastern states and central asian khanates in the struggle for independence." *CENTRAL ASIAN JOURNAL OF SOCIAL SCIENCES AND HISTORY* 2.5 (2021): 26-31.
8. Maksud, Beshimov. "Markets of Bukhara." *CENTRAL ASIAN JOURNAL OF SOCIAL SCIENCES AND HISTORY* 2.5 (2021): 18-21.
9. Sharopov, Dilshod Ravshan O'G'Li. "ABDURAZZOQ SAMARQANDIYNING "MATLAI SA'DAYN VA MAJMAI VAHRAYN" ASARINING O'RGANILISH TARIXI." *Scientific progress* 2.1 (2021): 358-361.
10. Очиллов, Алишер Тўлис Ўғли. "БУХОРО ВОҲАСИ ШАКЛЛАНИШИДА ЗАРАФШОН ДАРЁСИНИНГ ЎРНИ ВА ВОҲА ТАРИХИЙ ГЕОГРАФИЯСИГА ДОИР АЙРИМ МУЛОҲАЗАЛАР." *Scientific progress* 1.6 (2021): 933-938 Murodova, Dilrabo Shomurodovna, and Feruza Xolmamatovna O'tayeva. "TF Gelax tadqiqotlarida Buxoro shahri mudofaa tizimining organilishi." *The Fifth International Conference on History and Political Sciences*. 2015.
11. Turaevich, Halimov Talat. "From the history of economic relations between central asia and india (XV-XVII centuries)." *CENTRAL ASIAN JOURNAL OF SOCIAL SCIENCES AND HISTORY* 2.5 (2021): 22-25.
12. OCHILOV, Alisher. "JEWELRYC TRADITION IS A SOURCE OF STUDY OF BUKHARA HISTORY." *Bayterek Uluslararası Akademik Araştırmalar Dergisi* 1.1: 105-116.
13. Бобожонова, Феруза Хаятовна. "БУХОРО МАДРАСАЛАРИ МАЪНАВИЯТ ДУРДОНАСИ." *Scientific progress* 2.1 (2021): 362-366.

14. Муродова, Дилрабо Шомуродовна. "ИККИНЧИ ЖАҲОН УРУШИ ЙИЛЛАРИДА БУХОРОДА ИЛМ ВА ФАН (БУХОРО ПЕДАГОГИКА ИНСТИТУТИ МИСОЛИДА)." *Scientific progress* 2.1 (2021): 660-664.

15. Ochilov Alisher. "The Role of Zamanbaba Culture in The Social and Economic History of Bukhara Oasis During Bronze Age." *CENTRAL ASIAN JOURNAL OF SOCIAL SCIENCES AND HISTORY* 2.4 (2021): 42-47.

16. JAMOLOVA, DILNOZA MUYIDDINOVNA. "THE END OF THE EMIRATE OF BUKHARA: THE END OF THE POLITICAL STRUGGLE BETWEEN THE JADIDS AND THE ULEMA." *International Journal of Philosophical Studies and Social Sciences* 1.1 (2021).

17. Jamolova, D. M. "Traveling to Modernity: Perception of Modernity of the Central Asian Muslims in the early 20th century." *International Journal of Psychosocial Rehabilitation* 9.24 (2020): 4202-4207.

18. Темиров Ф., Исломов Д. САДРИДДИН АЙНИЙ–ЗАМОНДОШИ ФИТРАТ ҲАҚИДА //Scientific progress. – 2021. – Т. 2. – №. 1. – С. 1349-1354.

19. Темиров Ф., Халикова Н. БУХОРО АМИРЛИГИДА ТАШҚИ СИЁСАТ ВА ДИПЛОМАТИЯНИНГ РИВОЖЛАНИШИ ТАРИХИДАН //Scientific progress. – 2021. – Т. 2. – №. 1. – С. 1276-1282.

20. Темиров Ф., Умаров Б. БУХОРО АМИРЛИҚДА ОИЛА, НИКОҲ ВА МЕРОС ҲУҚУҚИНИНГ АМАЛДА ҚЎЛЛАНИШИ //Scientific progress. – 2021. – Т. 2. – №. 1. – С. 1201-1207.

МУРУНТОВ ОЛТИН КОНИНИНГ КЎХНА БУХОРО ТАРИХИДА ТУТГАН ЎРНИ

*Миракбаров Мирҳомид Мирхайдар ўғли
Мирзо Улуғбек номидаги ЎзМУ
мустақил тадқиқотчи PhD*

Ватанимиз тарихида жуда кўп сулолалар, давлатлар, хонлигу амирликлар бўлган. Улар ўз ҳукмронлиги даврида муайян хазинага эга бўлган. Тарихий манбаларда юртимиздаги энг охирги монархия – Бухоро амирлиги ҳам ўз даврида катта хазинага эга бўлгани қайд қилинади. 1756 йилдан 1920 йилга қадар манғитлар сулоласи бошқарувида ҳукм сурган Бухоро амирлиги бир неча йил давом этган ҳарбий ҳаракатлар, урушлар ва музокаралар сўнигида 1868 йилда Чор ҳукуматига вассалликни қабул қилган, унинг протекторати остида ярим мустақил давлат мақомини олган эди. 1917 йилда февраль инқилобидан сўнг Бухоро амирлиги тўла мустақил деб эълон қилинади. Март ойида “Ёш бухороликлар” ҳаракати аъзолари амирга қарши манифест ўтказадилар. Қизил армия кўмагида бир неча бор ҳукуматни қўлга олишга интиладилар. 1920 йили Туркистон fronti раҳбари Фрунзе ва амир ўртасидаги музокаралар кутилган

натижани бермагач, 1920 йил 30 августда қизил армия томонидан амирлик батамом тор-мор этилади.¹

Бухоронинг сўнгги амири Саид Олимхон 1920 йил 1 сентябрь куни Бухорони тарк этишга мажбур бўлади. Амирнинг ўз ватанини тарк этиши ҳақида шу пайтгача турли узук-юлуқ гаплар, афсоналар, миш-мишлар юради. Айтишларича, қизил армия кўшинлари томонидан мағлуб этилгач, у бутун хазинасини от-уловларга юклаб, ярим кечаси Бухородан чиқиб кетган. Амирнинг битмас-туганмас хазинасини ўнлаб қоровуллар кўриқлаб боришган. Карвон Ҳисор тоғ тизмалари орасида, Бугунги Тожикистон худудидаги бир ғорга ўта усталик билан беркитилади. Амирнинг ўзи барча одамлари билан жанубга – Афғонистон томон юришни давом эттирган. Йўлнинг ярмига борганда амирнинг ишончли одамларидан бири Даврон дарвиш унинг бир нечта қуролли ёрдамчилари хазинани яшириб чиққан одамларни бирма-бир ўлдиришган. Яна анча йўл юрилгач, амирнинг тансоқчиси дарвеш ва унинг одамларини қиличдан ўтказган. Ўша куни кечкурун амирнинг шахсий жаллоди тансоқчини ҳам гумдон қилган. Жаллоднинг кейинги тақдири ҳам номаълумлигича қолган. Амир шу тариқа фақат ўзининг энг яқин одамлари, оила аъзолари билан Афғонистонга кириб борган эмиш...² Бу афсона узоқ йиллар давомида собиқ иттифоқ нашрларида чоп этилди, бу ҳақда турли ҳужжатли ва бадий фильмлар ҳам яратилди. Тожикистон худудида амирлик хазинасини қидириб топиш учун экспедициялар ҳам ташкил қилинди. Аммо, барча уринишлар бекор кетди. Хазина топилмади...

Кейинчалик бир қатор мутахассислар, экспертларнинг айтишича, Амир Бухородан фақат шахсий эҳтиёжларини қоплайдиган даражадаги пул ва буюмлар билан кетган бўлиши мумкин. Чунки, ўнлаб от ва туяларга юкланган хазина билан “қизил”лар назорати остидан бемалол “сирғалиб” чиқиши мумкин эмасди. Амир Афғонистонда умрининг охиригача ўта камтарона, мамлакат подшоси Омонуллахон тайинлаган нафақа, кейинчалик қорақўл савдоси ҳисобидан кун кечирган. У 1920 йилнинг 12 октябрь куни Буюк Британия қироли Георг V га мактуб битиб, ундан 100 минг фунт-стерлинг ва қурол-яроғ жўнатишни сўрайди. Аммо, большевиклар билан муносабатлари бузилишини истамаган Буюк Британия қироли собиқ амирнинг илтимосини жавобсиз қолдиради.

Амир чиндан ҳам Ҳисор тоғларида ўз бойликларини яшириб кетганида, ўтган асрнинг 20-30 йилларда хорижий мамлакатлар ва халқаро ташкилотлар кўмагида бу бойликни олиб чиқишга уринган бўларди. Ҳолбуки, тарихда бундай уринишлар қайд этилмаган.³

¹ Рашидов У. Бухоро Халқ Республикаси (1920-1924 йиллар). –Бухоро: “Бухоро” нашриёти, 2003. –Б. 29.

² Эшов.Б. «Ўзбекистон давлатчилиги ва бошқаруви тарихи»,Тошкент-2012, 125-127 бетлар.

³ Гуломов С. О некоторых подлинных документах из коллекции рукописных произведений фонда ИВ АН РУз в История и культура Центральной Азии. Токио, 2012, с.147

Иброҳимбек кўрбоши 1930 йилда амирга ёзган мактубида “Мен 7 йил мобайнида советларга қарши жанг қилдим, аммо сиз ваъда қилган ёрдамдан ном-нишон бўлмади” деган сатрлар учрайдики, бу Саид Олимхоннинг ўз иттифоқчиларига ёрдамлашиш учун моддий имконияти етарли бўлмаганини кўрсатади. Амир 1944 йил 5 май куни Кобул шахрида, ғурбатда ўлим топади.

Аслида большевиклар Саид Олимхон бойликларини Бухородан олиб чиқиб кетиши учун ҳеч қандай имкон қолдиришмаганди. Тарихчи олимларнинг ёзишича, Фрунзе амирликда чоракам икки аср тўпланган бу бойликни ҳеч қандай қаршиликсиз вагонларга ортиб, ташиб кетади.

Россиялик публицист Игорь Буничнинг “Партиянинг олтинлари” китобида ёзилишича, большевиклар ҳокимиятни Германия кўшини ёрдамида босиб олиб, Россия хазинасини талон-торож қилиб бўлгач, Бухоронинг олтин хазинасини эгаллаш илинжида бу ерга бостириб келишган эди.¹

Хулоса қилиб айтганда, Кўҳна Бухоро тарихидаги буюк сулолаларнинг олтин конлари тарихида Мурунгов олтин конининг ўрни бекиёс ҳисобланади. Марказий Қизилқумнинг Мурунгов руда майдони минтақасидаги кон. Навоий шахридан 180 км шимолида, Зарафшон шахридан 40 км шарқда, Томдитовнинг жанубий этагида жойлашган. Руда захираларининг кўлами, рудани қазиб олиш технологик шароитларининг қулайлиги, ишлаб чиқарилаётган маҳсулот сифатининг юқорилиги ва бошқа хусусиятларига кўра дунёдаги ноёб конлар сирасига киради. Марказий Осиё, хусусан, Марказий Қизилқум ва Нурота тоғларида, олтин рудалари мавжудлиги милоддан аввалги VI-V асрлардан маълум бўлган. Бухоро хонлиги ва амирлик давлат тузуми даврида олтин кондан яширинча фойдаланилган ва тарихий маълумотларда ёритилмаганлиги маҳаллий тарихчилар томонидан ёритилиб кетилган. Мурунгов олтин кони тарихий 2500 йиллик тарихга эгаллиги ва тарихчиларнинг маълумотларида учраши ўз-ўзидан далолат берадики Кўҳна Бухоро тарихига кон олтинлари билан ҳиссасини қўшиб аҳамиятга эга бўлиб келган.

БУХОРОДА ДОНЛИ ЭКИН ЯНГИ НАВЛАРИНИНГ ТАРҚАЛИШИ ТАРИХИНИ ЎРГАНИШДА АРХИВ МАТЕРИАЛЛАРИ МУҲИМ МАНБА

*Ҳайитов Ж.Ш. - Жаҳон тарихи
кафедраси ўқитувчиси, т.ф.ф.д. (PhD)*

Озиқ-овқат масаласи глобал муаммога айланган ҳозирги даврда ер юзи аҳолисининг 30 фоизидан ортиғи тўйиб овқатланмаслиги туфайли улар организмида микроэлемент ва витаминлар етишмаслиги ҳамда

¹ Кахаров, С. К., & Басалай, Г. А. (2019). Анализ работы технологического оборудования, используемого при разработке золоторудного месторождения «МУРУНТАУ».

физиологик касалларга дучор бўлаётганлиги жаҳон жамоатчилигини ташвишга солмоқда. Мавжуд муҳим муаммони ҳал этишда тарихий тажрибалардан кенг фойдаланиш бўйича дунёнинг ривожланган давлатлари илмий марказларида кенг миқёсдаги жиддий илмий тадқиқотлар олиб борилмоқда.

Манбалар буғдой ва бошқа донли экинлар XIX аср охирида ўлкамиздаги ер фондларининг катта қисмини банд қилганлиги ҳақида маълумот беради. Бошоқли экинлар орасида буғдой асосий роль ўйнаб, ушбу донли экин минтақанинг водий ва воҳаларида, тоғ ва тоғ олди ҳудудларида етиштирилган. Буғдой сунъий суғоришга асосланган ерларда, қоқлама деҳқончилик ва лалмикор майдонларда экилиб, лалмикор экишда кўп жиҳатдан ҳосилдорлик йиллик ёмғир миқдориغا боғлиқ бўлади.

Азалдан етиштириб келинаётган донли ёхуд бошоқли экинлар ҳисобланган буғдой, арпа, гуруч, сули, тарик, маккажўхори, зиғир, кунжут, мош кабиларнинг ҳосилдорлик даражаси ва сувни тежаш ҳолати кабилар, ички ва ташқи бозорда уларнинг нарх-навоси, шунингдек, маҳаллий иқлим шароитларидан келиб чиқиб, ҳосилдор навларни саралаб, янги ерларга экиш тажрибаси қўлланилиб келинган.¹

Тарихдан маълумки Совет ҳукумати йилларида Ўзбекистон қишлоқ-хўжалиги асосан пахта етиштиришга мослашган эди. Шу жумладан Бухоро вилояти ҳам ҳукуматнинг асосий пахта берадиган ҳудуди саналган. Ерларнинг асосий қисмини пахта далалари эгаллаган бўлишига қарамай, иккинчи экин, шўрни ювиш, далани алмашлаб экиш, чорвага озуқабоп донли экинлар (арпа, маккажўхори, тарик, сули) етиштириш мақсадида вилоятимиз бўйлаб бошоқли экинлар етиштирилган. Вилоят иқлимига мос донли экинларни танлаб олиш ва етиштириш, кузги экинлар етиштиришда об-ҳаво инжиқликлари (-6-10 даражагача совуқ бўлганда буғдой ва арпа барглари сарғайиши кузатилган, ўсишдан тўхтаган) каби омиллар чидамли навларни танлаб экишни тоқозо этган. Акс ҳолда ҳосилдорлик етарли даражада олиб чиқилмаган.

Кузги арпанинг “Нутанс-799”, “Саврук”, “Лалмикор” каби навлар вилоятимиз совуқ иқлимида яхши натижа бермаган. Ҳосилдорликка ўз таъсирини ўтказган. Шу сабабдан иқлим инжиқликларига чидамли бўлган янги навларни иқламлаштириш ишлари олиб борилиб, “Радикал”, “Добриня” (Украина, Шимолий Кавказ ва Жанубий Россия ҳудудларида етиштирилган), “Токак” (Туркия) каби янги навлар келтирилиб иқлимлаштирилган.² Ушбу арпа навлари вилоятимиз ҳудудида кенг далаларда етиштирилиб, етарлича ҳосил олинган.

Суғориладиган ва лалми ер экин майдонларидан олинадиган ҳосил миқдорини ошириш билан боғлиқ ишлар махсус тажриба станцияларида

¹ ЎзМА, Р-2284 - фонд, 1 – рўйхат, 648 – йиғма жилд, 21 – варақ, 21 – варақ орқа томони.

² Холдоров А., Маматкулов Т. Лалми ерлар шароитида арпанинг совуққа чидамли манбалари // Агро илм – Ўзбекистон қишлоқ хўжалиги. №1. 2016. –Б.13–14.

олиб бориларди. Улар фаолиятида маҳаллий донли экинларни ўзаро частиштириш орқали янги навлар яратиш ҳамда синовдан ўтказиш ҳам кузатилади. Донли экинларнинг Россия, Қрим, Кавказ, Европа минтақаларидан янги навлари олиб келиниб, маҳаллий шароитда иқлимлаштирилди.¹

Буғдой навлари устида олиб борилган тажриба-синов ишларида улар ҳар бир буғдой нави бошоғида нечтагача дон бўлиши, ҳар бир бошоқ пишиб етилиши учун қанча микдорда сув сарф қилиниши масалаларини ҳам назардан четда қолдирмадилар.

Шоличилик дунёда қишлоқ хўжалигининг асосий экин навларидан ҳисобланиб, айниқса Шарқ мамлакатларида аҳоли истеъмолининг асосий хомашёси ҳисобланади. Дунё шоличилигида экинни кўчатидан етиштириш ҳозирда асосий ўринни эгаллаб, ҳозирги даврда ер юзида етиштирилаётган жами шолининг 95 фоизи кўчат ўтказиш орқали етиштирилмоқда. Бу эса ҳосилдорликни ошириб уруғни тежаш имкониятини бермоқда. Бундай экишда турида ҳар бир гектарига Ўзбекистон деҳқонлари 65-70 кг уруғ сарфланади. 150 кг уруғ иқтисод қилинади. Жаҳон шоликорлари эса ҳар гектар ерга 30-35 кг ўртача уруғлик сарфлашмоқда. Кўчатдан шоли етиштириш ҳосилдорликни 25-30 фоизгача оширади.² Кўчат шоли етиштириш учун шоли экилишидан тахминан бир ой олдин 1 га майдонга 650-700 кг уруғлик сувда ивителиб ерга сепилади.

Манбаларда Совет ҳокимияти йилларида Бухоро воҳасида ерларни шўрини ювиш, аҳолини шолига бўлган талабини оз бўлсада қондириш учун Бухоро вилояти ҳудудида сувсизликка чидамли Шимолий Ҳиндистон иқлимига мос гуруч навларини етиштириш йўлга қўйилгани билан боғлиқ маълумотлар учрайди. Бухоро вилояти Ромитан туманининг узоқ ҳудудди ҳисобланган “Қизил Равот” ҳудудида 1965 йилнинг 10 февralида ЎзССР Бухоро вилояти, Ромитан тумани халқ комиссарлар совети қарори билан “Қизил Равот” шоличилик совхози ташкил қилинган эди. Шоли майдонларига Амударёдан сув чиқарилши ва жами 7306 га ер майдони ўзлаштирилиши керак эди.³ Бундан кўриниб турибдики 1960 йилларда Бухоро вилоятининг узоқ ҳудудларида шоли етиштириш масаласи давлат даражасига кўтарилган эди.

Хуллас, XIX аср охирига қадар Туркистон аҳолисининг деҳқончилик маданиятида бошоқли экинлар экиш умумий ер фондларининг 3/1 қисмини ташкил этган. XX аср дастлабки ўн йиллигида ҳам ўз ерларининг асосий қисмига буғдой, жавдар (қора буғдой), арпа, сули, шоли каби экинларни эккан маҳаллий аҳоли аср ўрталарига келиб экин майдонларида асосан пахта етиштиришга мажбур бўлганлар. Ўлкада донли экинларнинг

¹ ЎзМА, И 1-фонд, 17-рўйхат, 79-йиғма жилд, 45, 47-варақлар.

² Абдуллаев А., Сатторов М. Кўчат усулида шоли етиштириш // Ўзбекистон қишлоқ хўжалиги. №7. 2015. –Б.7.

³ Пешку туман давлат архиви. 4 - фонд, 1 – рўйхат, 437 – йиғма жилд, 163 – варақ.

ҳосилдорлиги, нарх-навоси барқарор бўлмайд ўзгариб турган. Ички бозорда Ўзбекистонда етиштирилган бошоқли (донли) экинларга талаб катта бўлган. Бошоқли (донли) экинлар янги навларининг ўлкада иқлимлаштирилиши эса аҳоли хўжалик ҳаётида муҳим роль ўйнади. Шунингдек, донли товарлар кўпайиши, улар нарх-навоси кабиларга ўз таъсирини ўтказган.

ИККИНЧИ ЖАҲОН УРУШИ ЙИЛЛАРИДА БУХОРО ВИЛОЯТИГА РАҲБАРЛИК ҚИЛГАН ТАНИҚЛИ АРБОБ

(Абдураззоқ Мавлонов сиёсий портретига чизгилар)

*Рашидов Шохжаҳон -
Ўзбекистон ФА*

Тарих институти таянч докторанти

1938 йил 15 январда Ўзбекистон ССР таркибида Бухоро вилояти ташкил этилади. Дастлаб, вилоятга рус миллатига мансуб кадр раҳбарлик қилган бўлсада, 1939 йилдан бошлаб маҳаллий кадрларга ишонч билдирила бошланди. Шунингдек алоҳида таъкидлаш лозимки, Ўзбекистон ССР таркибидаги Бухоро вилоятининг биринчи маҳаллий раҳбари Абдураззоқ Мавлонов эди. У гарчи Жанубий Қозоғистонда туғилган бўлсада, ўзбек оиласида дунёга келган эди. Кейинчалик Ўзбекистонга биринчи сиёсий раҳбар бўлиб ишлаган Нуриддин Акрамович Муҳитдинов ўз хотираларида А.Мавлоновни шундай эсалайди: “У келиб чиқиши бўйича Жанубий Қозоғистонлик, ўзбек миллатига мансуб эди. А.Мавлонов ҳалол, принципиал шу билан бирга қизиққон эди”¹.

Унинг Бухоро вилоятига раҳбарлик қилган йиллари энг мураккаб даврга тўғри келди. А.Мавлонов 1939-1941 йилларда Бухоро вилояти партия комитетининг биринчи котиби сифатида фаолият кўрсатди². Иккинчи жаҳон уруши йиллари барча иттифоқдош республикалар қатори Ўзбекистон ҳам ўзининг барча имкониятларини шафқатсиз ва кучли душманга қарши ғалаба учун курашга сафарбар этди. Ана шундай оғир ва суронли йилларда А.Мавлоновнинг етакчилиги, талабчанлиги, меҳнаткашлиги каби сифатлари яққол кўзга ташланди ҳамда унинг кейинги сиёсий карьерасида ижобий роль ўйнади.

Абдураззоқ Мавлонов 1908 йилда Сайрам қишлоғида (Жанубий Қозоғистон) таваллуд топган. 11 ёшидан интернатда тарбияланган А.Мавлонов 1924 йилда Тошкент шаҳридаги ФЗУ (фабрика- завод университети)га киради, 1927 йилдан Тошкент шаҳридаги 1-босмахонада ҳарф терувчи бўлиб ишлайди. Шу йилдан у комсомол таркибига аъзо бўлади.

¹ Муҳитдинов Н. Река времени. От Сталина до Горбачёва. –Москва: “Руст-Рости”, 1995. -С.64.

² Ражабов Қ., Қандов Б., Ражабова С. Ўзбекистон тарихининг муҳим саналари. –Тошкент: “Ўзбекистон”, 2015. –Б.125.

Мавлонов бир неча йиллар давомида Ўзбекистондаги касаба уюшмалари ташкилотларида раҳбар лавозимларда ишлайди.

1929 йилдан партия аъзолигига қабул қилинади. 1937 йилдан Тошкент шаҳар Октябр райони партия комитетининг биринчи секретари, 1938-1941 йилларда Тошкент шаҳар партия комитетининг секретари, Самарқанд вилоят партия комитети секретари, Бухоро вилоят партия комитетининг биринчи секретари, 1941 йилдан бошлаб А.Мавлонов Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг тарғибот ишлари бўйича котиби, 1942-1946 йилларда у Тошкент вилоят партия комитети биринчи секретари, 1946-1948 йилларда Андижон вилоят партия комитетининг биринчи секретари бўлиб ишлайди¹.

Иккинчи жаҳон уруши ва ундан кейинги тикланиш йилларида Бухоро, Тошкент, Андижон вилоятларига раҳбарлик қилиш орқали, Абдураззоқ Мавлоновнинг бошқарувчанлик, ҳалоллик ва талабчанлик сифатлари яққол намоён бўлди. Буни республика ва Марказдаги раҳбарлар пайқамаслиги мумкин эмас эди. Шундан сўнг, А.Мавлонов 1949 йилда партия ва совет раҳбарларини тайёрлайдиган ВКП (б) МКнинг ўқув курсларида таҳсил олади². Унинг ВКП (б) МКнинг ўқув курсларига юборилиши 41 ёшли истиқболли кадрга билдирилган юксак ишонч намунаси эди.

Шундан сўнг унинг Ўзбекистон ССРнинг юқори давлат ва ҳукумат лавозимларидаги фаолияти бошланади. 1950 йилда А.Мавлонов Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети котиби ва сиёсий бюро аъзоси этиб сайланади. 1950 йил апрелдан 1951 йил апрелгача Ўзбекистон ижро ҳокимиятнинг раҳбари – Ўзбекистон Министрлар Совети раиси лавозимида фаолият кўрсатади. Шу билан бирга 1947-1951 йилларда давлатнинг юқори бошқарув органи ҳисобланган Ўзбекистон ССР Олий Советига раислик қилади.

Архив ҳужжатларининг маълумот беришича, 1950 йил 24 апрелда бўлиб ўтган Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг Пленумида Абдураззоқ Мавлоновнинг номзоди республика сиёсий раҳбарлигига кўрсатилади. Усмон Юсупов Марказга ишга ўтгач, 1950 йил 24 апрелдаги Пленумда Ўзбекистонга биринчи сиёсий раҳбар тайинлаш масаласи кўрилади. Унда Ўзбекистон Компартияси МКнинг биринчи секретари лавозимида номзодлар муҳокама қилинади. Сталин Ўзбекистонга янги раҳбар сайлашни республиканинг ўзига ишониб топширади³. Усмон Юсупов шахсан иштирок этган мазкур пленумда 2 нафар номзод – Амин Ниёзов ҳамда Абдураззоқ Мавлонов номзоди муҳокама қилинади. А.Ниёзов бунга қадар Ўзбекистон ССР Олий Совет Президиуми раиси

¹ Ўзбекистон Совет Энциклопедияси. 6 том. –Тошкент: Ўзбекистон совет энциклопедияси бош редакцияси, 1975. –Б.467.

² Ўзбекистон миллий архиви, 837-фонд, 33-рўйхат, 876-иш, 1-варақ.

³ Ўзбекистон Президенти администрацияси архиви. 58-фонд, 26-рўйхат, 9-иш, 76-варақ

бўлиб ишлаган бўлса, Абдураззоқ Мавлонов Ўзбекистон Министрлар Совети раиси бўлиб ишлаб келаётган эди. Пленум қатнашчиларининг аксарияти Абдураззоқ Мавлоновнинг номзодини қўллаб-қувватлашади¹. Унинг ташкилотчилик сифатлари, ижро тизимидаги тажрибаси, республиканинг ижтимоий-иқтисодий муаммоларидан хабардорлиги эътироф этилади.

Шунга қарамай, воқеалар ривожи бутунлай бошқача тус олади. Пленумда унинг шахсий ҳаётига оид айрим муаммоли ҳолатлар ва далиллар келтирилади. Жумладан, А.Мавлоновнинг укаси Ғани Мавлоновнинг судланганлиги (Ғани Мавлонов Иккинчи жаҳон урушида немислар қўлига асир тушган ва шунинг учун Курск ҳарбий трибунали томонидан 1944 йил 22 июлда судланган эди) сабабли яқунда биринчи секретар лавозимига Амин Эрматович Ниёзов номзоди танланади. Кейинчалик, 1950-1955 йилларда Ўзбекистонга раҳбарлик қилган А.Ниёзов нафақат иқтисодий балки, мафкуравий жабҳаларда ҳам кўплаб хатоларга йўл қўяди.

А.Мавлоновнинг сиёсий карьераси шундан сўнг қуйига қараб кета бошлайди. 1951 йил апрелда у ўз хоҳишига кўра Министрлар Совети раиси лавозимидан кетади. Унинг раҳбарлик фаолиятидаги инқирознинг сабабларини Нуриддин Муҳитдинов бир мунча ишончли ёритган. Муҳитдиновга кўра, унинг жанубий қозоғистонлик бўлгани айрим юқори доирадаги элита вакилларига маъқул бўлмаган. Марказда фаолият юритувчи, Сталиннинг яқин сафдоши бўлган Л.Берия ҳам раҳбарларни тайинлашда айна шу жиҳатга эътибор қаратган. Бериянинг маҳаллий раҳбар кадрлар масаласидаги сиёсати Сталин вафотидан кейин яққол намоён бўлади. Бу борада 1953 йил Берия номидан республикаларга юборилган хат эътиборга лойиқ: “Гап шундаки, унда миллий республикаларда зарур миқдорда кадрлар етишиб чиққани, улар партия, давлат идоралари, халқ хўжалигининг барча тармоқларига муваффақиятли тарзда раҳбарлик қилишлари мумкинлиги, шундай экан, у ерларга марказдан ва бошқа республикалардан кадрлар юборишга зарурат йўқлиги, миллий республикаларнинг раҳбарлик лавозимларида ишлаётган “бегона” ходимларни илгари яшаб турган ва ишгана жойларига қайтариб юбориш мақсадга мувофиқ эканлиги, уларни миллий кадрлар билан алмаштириш лозимлиги ҳақида гап борарди”². А.Мавлонов ҳам шу тариқа “бегона” раҳбарлар рўйхатига киритилган эди.

Ўша йилларда душманлик кайфиятидаги айрим кимсаларнинг юқори амалдаги раҳбарларга тухмат қилиши, уларни обрўсизлантириши ҳамда Марказга ёмонлаши оддий ҳол бўлган. Нуриддин Муҳитдиновнинг эслашича унинг ўзига ҳам бир неча бор шундай ишлар қилинган. Муҳитдиновнинг хотираларида қайд этилишича, бундай тухмат ва иғволар

¹ Ўзбекистон Президенти администрацияси архиви. 58-фонд, 26-рўйхат, 9-иш, 61-варақ

² Муҳитдинов Н. Кремлда ўтган йилларим. –Тошкент: “Ўзбекистон”, 1995. –Б.126.

А.Мавлоновни ҳам четлаб ўтмаган. Унга нисбатан қуйидаги айбловлар илгари сурилади: “Сиз партиявий раҳбар лавозимларда ишлаб, сўнг ҳукумат бошлиғи бўлиб турганингизда Ўзбекистондаги маҳаллий ўзбеклар ва русларни сиқиб чиқариб, Туркистон ва Чимкентдаги қариндошларингизни, дўстларингизни масъул лавозимларга жойлаштиргансиз...”¹.

Албатта, бундай тухматларни қабул қилиш ҳалолликни биринчи ўринга қўйган инсон учун оғир эди. Қолаверса, А.Мавлонов мазкур масаланинг асл моҳиятини яхши англади. Шу сабаб, у ўша вақтнинг ўзида бундай тухматларни қабул қилмаган ва ўз хоҳиши билан истеъфога чиқишга тайёрлигини билдирган. Бу каби тухмат ва айбловлар сохта экани, унинг олдиндан уюштирилганлигини кўпчилик яхши биларди. Н.Мухитдинов ҳам: “А.Мавлоновнинг шу масалага доир ҳикоясини тинглаб унга нисбатан қўйилган айбловларнинг бирёқлама эканлигидан таажубландим”, - деб таъкидлаган эди.

Абдураззоқ Мавлоновнинг юқори лавозимларидан олиб ташланишининг энг асосий сабаблардан бири Марказ ва у юритган раҳбар кадрлар борасидаги адолатсиз сиёсат эди. Бу тенденция айниқса Сталин даврида янада кучайган, раҳбарларни тайинлашда унинг келиб чиқиши, туғилган жойига катта эътибор қаратилар эди.

Кейинчалик А.Мавлонов Жанубий Қозоғистонга юборилади. У ерда 1954-56 йилларда Жанубий Қозоғистон вилояти ижроия кўмитаси раисининг биринчи ўринбосари бўлиб ишлайди. 1959 йилдан Тошкент вилояти “Қибрай” совхозига директорлик қилади. 1962 йилда нафақага чиқарилади. 1975 йилда Тошкент шаҳрида вафот этади.

А.Мавлонов СССР Олий Советининг 2 ва 3-чақириқ депутаты бўлган. Узоқ йиллик самарали меҳнатлари учун 3 марта Ленин ордени, Меҳнат Қизил байроқ, 2-даражали ватан уруши, “Ҳурмат белгиси” ордени ва медали билан тақдирланган².

БУХОРО АМИРЛИГИНИНГ ҒАРБ МАМЛАКАТЛАРИ БИЛАН САВДО АЛОҚАЛАРИ

*Қудратов Ш.Ё.- БухДУ,
Бухоро тарихи кафедраси катта уқитувчиси*

Бухоро амирлиги тарихини ўрганиш ва таҳлил қилиш борасида кўпгина олим ва тадқиқотчилар томонидан илмий изланишлар олиб борилган. Бугунги кундаги энг асосий вазифалардан бири, амирлик тарихини ёритиб берувчи ўрганилмаган манба ва ҳужжатларни илмий истеъмолга киритиб ёш, баркамол авлодни мустақиллик руҳида тарбиялайдиган тадқиқотлар яратиш лозим.

¹ Мухитдинов Н. Кремлда ўтган йилларим. –Тошкент: “Ўзбекистон”, 1995. –Б.70.

² Ўзбекистон миллий архиви, 837-фонд, 33-рўйхат, 876-иш, 1-варак.

XIX аср охири XX аср бошларида Бухоро амирлиги шарқнинг йирик давлатларидан бири бўлиб, амирлик бу пайтда шарқ мамлакатлари билан бир қаторда Европа ва Америка давлатлари билан савдо алоқалари олиб борган. Хусусан, Англия, Германия, Франция, АҚШ давлатлари бозорларига амирлик маҳсулотлари экспорт қилинган бўлиб, амирликнинг экспорт қиладиган маҳсулотлари асосан пахта, ёғ маҳсулотлари, қорақўл тери, жун ва жун маҳсулотлари, ипак ва шойи маҳсулотларидан иборат бўлган. Бу маҳсулотларнинг сифати дунё бозорларида жуда юкори баҳоланган.

Бухоро жуда қадимдан Ўрта Осиёда ва жаҳонда қорақўл тери савдоси маркази саналиб, Ўрта Осиёнинг қорақўл етиштирадиган туманлари Қорақўл ва Қарши, Туркменистоннинг Чоржўй, Карки ҳатто Хоразм ва Афғонистондан Бухорога қорақўл терилари олиб келинган. Биргина Афғонистондан ҳар мавсумда Бухоро бозорларига 150-200 минг донагача қорақўл терилари олиб келинганлиги ҳақидаги маълумотлар мавжуд бўлиб[1] қорақўл терилари Бухоро орқали Россия бозорларига ва Америкага, ҳатто қорақўл тери жуда қадрли бўлган Кавказга ва Эронга ўтиб турган.

XIX аср охири XX аср бошларида Бухородан товарларнинг Европага олиб чиқилиши учун қулай имкониятлар пайдо бўлди. Бухоро ва Туркистондаги фаолият кўрсатаётган ёғ-мой заводларида тўпланган 80.000 пуд кунжара (мол озукаси) нинг қариб ҳаммаси Ботуми, Петроград ва Либава шаҳарлари орқали Германия мамлакатига, қора молларни боқиш учун озуқа сифатида юборилган.[2] Мазкур мамлакатда катта талаб қилинадиган товарлардан яна бири қорақўл терилари бўлган. Германиянинг 6 та фирма вакиллари Бухоро амирлигида бўлиб, жами хос бўлган қорақўл териларининг 3/1 фоизини сотиб олганликлари кўрсатиб ўтилган.[3] Бу даврда Лейпциг шаҳри қорақўл териларини қайта ишлайдиган жаҳон маркази саналган.[4] Чоржўй ва Янги Бухоро (Когон)да жун тозалайдиган махсус заводлар бўлиб ишлов берилган қўй терилари Львов ва Ригага экспорт қилиниб, шу ердан Германияга жўнатилган.

Савдо мунособатларида немис ва француз фирмаларининг роли катта бўлиб, жумладан немис фирмаси хисобланган Герарт ва Гей акционерлик жамияти ссуда берган ҳолда юкларни ва товарларларни ташишда муҳим роль ўйнаган.

Луи Зальи фирмаси Марказий Осиёдан Германияга ҳар йили 6 вагон ҳажмда ширинликлар ишлаб чиқаришда зарур бўладиган турли гиёҳларнинг илдизларини жўнатиб турган бўлиб, бу 650 пудни ташкил этган. Бу ишда Дюр Шмид фирмаси ҳам ўзини намоён қилган.

Бухоро амирлигидан Франциянинг турли шаҳарларига биринчи навбатда майизнинг турли хил навлари (сорт) олиб борилган. Алоҳида талаб қилинадиган бошқа товар тури писта ҳисобланган[5] Амирлик худудида етиштирилиб, нафакат ички бозорда, балки ташқи савдода ҳам

этироф этилган махсулотлардан бири пилла саналган. Саноат хомашёларидан саналган пилла махсулоти асосан Марсель шахрига олиб борилган. Нафақат пилла, балки ипак қурти уруғи ҳам хорижга олиб борилган.

Этнограф олима О.А.Сухарева[6] бунга аниқлик кирита туриб Хикмати Кинос Марселга 90 вагон пилла махсулоти олиб бориб ундан 50 вагони унинг мулки бўлганлигини, 40 вагони эса Мирзо Мухиддиновнинг мулки бўлганлигини, бу товарларни ташишда савдогар Мирза Сирожиддин Ҳаким ҳам иштирок этганлигини қайд этади

Бундан ташқари Бухородан Марсель шахри бозорларига 5000 пуд бошқа ҳар хил озиқ-овқат махсулотлари олиб борилиб бу махсулотлар ўзининг таъм-сифатларига кўра юқори баҳоланган. Ҳатто шунга ўхшаш Америка товарларидан устун турган.[7]

Биргина 1913 йилда Европа мамлакатларига ипак калавасининг 4.000 пуди, шу жумладан 3.000 пуд ипак пилласи Италиянинг Генуя шахрига олиб борилган. Бу шундан далолат берадики пилла мамлакатнинг асосий импорт товари ҳисобланган. Шунингдек Мирза Сирожиддин Ҳаким Милан шахрига катта миқдордаги пиллани олиб борганлиги қайд этилади.

Бухоронинг юқори сифатли тўқилган гиламлари хориж бозорларини ўзига жалб қилиб Европа ва Американинг бозорларида катта обрўга эга бўлган. Бу товар шаклининг турли мамлакатларда экспорти 10.000 пудни ташкил қилиб ундан 75 ёки 7.500 пуди бу бозорларга тўғри келган. Америка бозорларига олиб борилган товарлардан яна бири жун ҳисобланган. Бухоро амирлигидан экспортга жўнатилган жуннинг 50 фоизи ёки 50.000 пуди Америка ва Англия бозорларига тўғри келади.[8]

Шундай қилиб Бухоро амирлигининг Европа ва Океан ортига экспорти 2.295 минг ёки қуйидаги экспорт қилинадиган товарларнинг 6.5 фоизини ташкил қилган.

Пахта ёғи- 32.000 сўмга (рубль)

Кунжара – 32.000 сўмга

Жун -45.000 сўмга

Қоракўл тери-100.000 сўмга

Гиламлар-750.000 сўмга

Пилла ва ипак

қурти уруғи -600.000 сўмга

Ширинликлар тайёрлаш

учун илдизлар - 3312.000 сўмга

Бухоро амирлигида ғарб мамлакатлари билан савдо алоқаларининг ривожланиши рус товарларининг ғарбий Европа саноат моллари билан рақобатини кучайтирди.[9] Бундай ҳолат русь саноатчиларини ташвишга солиб қўйди. Россия ҳукумати Бухоро амирлиги билан 1891-1894 йилларда ўзаро музокаралар олиб борди. 1894 йилда Петербургда ўтказилган кенгашда Бухоро ва Хивада рус божхоналарини қуриш ва Ўрта

Осиёнинг бошқа худудларида ҳам унинг филиалларини ташкил қилишга келишиб олинди. 1894 йил охири 1895 йил бошларида Қарши, Калиф, Ғузор ва Паттахисор божхоналари очилди. Бухорода 1895 йил 1 январдан биринчи русь божхонаси иш бошлади[10] Шу йилдан Бухоро амирлиги Россиянинг савдо тизимига киритилди. Амирликнинг божхона тизимига кириши ўз навбатида ташқи савдода маълум даражада Шарқ ва Ғарб давлатларидан яққаланиб қолишига олиб келди. Чунки Бухоро амирлигида Ғарбий Европа товарларини киритилишига чек қўйилди.

Маълумки, дастлаб киритиладиган ва чиқариладиган товарлар учун амирликда бож эмас закот олиш белгиланган эди. 1872 йил 1 апрелда Туркистон генерал-губернаторлиги таркибида Закот бошқармаси ташкил этилиб 1874 йил 10 декабр гача ўз фаолиятини олиб борган. 1895 йилдан Туркистон Закот бошқармасининг тугатилиши туфайли ўлка 1881 йилгача божхона назоратидан четда қолади. Вужудга келган бу вазият Россия империяси ҳукуматини таҳликага солиб қўйган эди..

XIX асрнинг охиридан бошлаб Ғарбий Европадан Бухорога саноат товарларини олиб кириш тақиқланган бўлса ҳам барибир бу мамлакатлардан 100.000 миқдордаги сўмга, барча импортнинг 0.2 фоизини ташкил қилган ҳолда турли хил товарлар олиб кирилган. Чунки Буюк Британия, Германия, Франция, АҚШ каби мамлакатлар Бухоро амирлиги билан савдо алоқаларининг ривожланишидан манфаатдор эдилар. Бу даврда немис фирмалари қорақўл терини ҳар йили ўртача 100.000 дона атрофида амирлик сарҳадларидан олиб ўтишган. Чет эл фирмалари саналган Торрер, Килин, Рейхенштейн каби фирмалар Бухоро ҳукуматига қўшимча солиқ тўлаш шарти билан ўз вакиллари орқали қорақўл тери савдоси билан шуғулланганлар. Бухоро ҳукумати молия вазирлиги билан келишган ҳолда чет элга чиқариладиган қорақўл терининг ҳар 10 донасига 5 рубль миқдорда бож олиш жорий қилинди. Торрер немис савдо уйининг Бухородаги бўлими Дюршмид Варонов раҳбарлигида фаолият олиб борган. 1914 йилнинг 12 майида амирнинг ёзги қароргоҳи Мохи-Хосада амир билан қорақўл тери ва тери маҳсулотлари сотиш ва сотиб олишга келишиб олинган.[11] Кейинчалик Россиянинг иқтисодий чоралари натижасида Бухоро амирлигининг ички ва ташқи савдоси тўлиқ Россия томонидан назорат қилинадиган бўлган.

Хуллас, Бухоро амирлигининг иқтисодий ҳаётида Европа ва Америка мамлакатлари билан савдо алоқалари муҳим ўрин эгаллаб, савдо-сотик мунособатларини ривожлантиришда хизмат қилган.

АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ

1. Boltayev, Bobir Baxtiyorovich. "BUXOROLIK MINIATURACHIRASSOM SADRIDDIN POCHCHAYEV IJODIGA BIR NAZAR." *Scientific progress* 1.6 (2021): 998-1004.

2. Rajabov, Oybek Iskandarovich. "BUXORODAGI AYRIM MUQADDAS QADAMJO-QAL'ALAR XUSUSIDA." *Scientific progress* 1.6 (2021): 1162-1168.

3. Умаров, Б. Б. "НА КИСЛЯКОВ ТАДҚИҚОТЛАРИДА ЖАНУБИЙ ТОЖИКИСТОН ЭТНИК ТАРИХИ." *Scientific progress* 1.6 (2021): 1005-1009.

4. Тўраева, Г. Б., Ўтаева, Ф. Х., & Жумаева, Н. А. (2021). ОА СУХАРЕВА ТАДҚИҚОТЛАРИДА БУХОРО ТАРИХИ ВА ЭТНОГРАФИЯСИНИНГ ЎРГАНИЛИШИ. *Scientific progress*, 1(6), 1010-1018.

5. Bakhtiyorovich, Boltaev Bobir. "Excerpts from the life of the bukharian artist." *Middle European Scientific Bulletin* 12 (2021): 160-165.

6. Ochilov, A. T. "DATING OF THE ZAMANBABA CULTURE: ASSED ON ARCHAEOLOGICAL SOURCES." *Theoretical & Applied Science* 12 (2019): 589-591.

7. Mubinov, M. A. "Diplomacy of the eastern states and central asian khanates in the struggle for independence." *CENTRAL ASIAN JOURNAL OF SOCIAL SCIENCES AND HISTORY* 2.5 (2021): 26-31.

8. Maksud, Beshimov. "Markets of Bukhara." *CENTRAL ASIAN JOURNAL OF SOCIAL SCIENCES AND HISTORY* 2.5 (2021): 18-21.

9. Sharopov, Dilshod Ravshan O'G'Li. "ABDURAZZOQ SAMARQANDIYNING "MATLAI SA'DAYN VA MAJMAI VAHRAYN" ASARINING O'RGANILISH TARIXI." *Scientific progress* 2.1 (2021): 358-361.

10. Очилов, Алишер Тўлис Ўғли. "БУХОРО ВОҲАСИ ШАКЛЛАНИШИДА ЗАРАФШОН ДАРЁСИНИНГ ЎРНИ ВА ВОҲА ТАРИХИЙ ГЕОГРАФИЯСИГА ДОИР АЙРИМ МУЛОҲАЗАЛАР." *Scientific progress* 1.6 (2021): 933-938 Murodova, Dilrabo Shomurodovna, and Feruza Xolmamatovna O'tayeva. "TF Gelax tadqiqotlarida Buxoro shahri mudofaa tizimining organilishi." *The Fifth International Conference on History and Political Sciences*. 2015.

11. Turaevich, Halimov Talat. "From the history of economic relations between central asia and india (XV-XVII centuries)." *CENTRAL ASIAN JOURNAL OF SOCIAL SCIENCES AND HISTORY* 2.5 (2021): 22-25.

12. OCHILOV, Alisher. "JEWELRYC TRADITION IS A SOURCE OF STUDY OF BUKHARA HISTORY." *Bayterek Uluslararası Akademik Araştırmalar Dergisi* 1.1: 105-116.

13. Бобожонова, Феруза Хаятовна. "БУХОРО МАДРАСАЛАРИ МАЪНАВИЯТ ДУРДОНАСИ." *Scientific progress* 2.1 (2021): 362-366.

14. Муродова, Дилрабо Шомуродовна. "ИККИНЧИ ЖАҲОН УРУШИ ЙИЛЛАРИДА БУХОРОДА ИЛМ ВА ФАН (БУХОРО ПЕДАГОГИКА ИНСТИТУТИ МИСОЛИДА)." *Scientific progress* 2.1 (2021): 660-664.

15. Ochilov Alisher. "The Role of Zamanbaba Culture in The Social and Economic History of Bukhara Oasis During Bronze Age." CENTRAL ASIAN JOURNAL OF SOCIAL SCIENCES AND HISTORY 2.4 (2021): 42-47.

16. JAMOLOVA, DILNOZA MUYIDDINOVNA. "THE END OF THE EMIRATE OF BUKHARA: THE END OF THE POLITICAL STRUGGLE BETWEEN THE JADIDS AND THE ULEMA." *International Journal of Philosophical Studies and Social Sciences* 1.1 (2021).

17. Jamolova, D. M. "Traveling to Modernity: Perception of Modernity of the Central Asian Muslims in the early 20th century." *International Journal of Psychosocial Rehabilitation* 9.24 (2020): 4202-4207.

18. Темиров Ф., Исломов Д. САДРИДДИН АЙНИЙ–ЗАМОНДОШИ ФИТРАТ ҲАҚИДА //Scientific progress. – 2021. – Т. 2. – №. 1. – С. 1349-1354.

19. Темиров Ф., Халикова Н. БУХОРО АМИРЛИГИДА ТАШҚИ СИЁСАТ ВА ДИПЛОМАТИЯНИНГ РИВОЖЛАНИШИ ТАРИХИДАН //Scientific progress. – 2021. – Т. 2. – №. 1. – С. 1276-1282.

20. Темиров Ф., Умаров Б. БУХОРО АМИРЛИҚДА ОИЛА, НИКОҲ ВА МЕРОС ҲУҚУҚИНИНГ АМАЛДА ҚЎЛЛАНИШИ //Scientific progress. – 2021. – Т. 2. – №. 1. – С. 1201-1207.

БХСР ДА МАРКАЗ ВАКОЛАТЛИ ТАШКИЛОТЛАРИ ФАОЛИЯТИГА ДОИР МУЛОҲАЗАЛАР

Хайдаров М.М.-

Тарих фанлари доктори, профессор

Туркистон жамиятида, хусусан, Россия империясининг марказий шаҳарларида 1903 йилдан бошлаб сиёсий оқим ва таълимот сифатида пайдо бўлган бошқа бир сиёсий партия-большевиклар 1917 йил октябрда ҳокимиятни зўравонлик билан босиб олдилар. 1917 йил ноябрда большевиклар томонидан совет ҳокимияти Туркистонда ҳам ўрнатилди. “Большевизм балоси” (Фитрат ибораси) Туркистон жамиятини ҳам емиришга киришди. Туркистон Мухторияти ҳукуматининг Тошкентдан юборилган ҳарбий кучлар ёрдамида 1918 йил февралда ағдариб ташланиши Совет ҳокимиятининг нафақат Туркистон ўлкасида, балки бутун совет Россиясида амалга оширган дастлабки хуружи, большевизмнинг биринчи хужуми, тинч аҳолига нисбатан қўллаган илк хунрезликлари сифатида тарихда қолди.

Октябрь тўнтариши Россия давлатига иқтисодий, сиёсий, социал зарба берди. Шунинг учун бир гуруҳ тарихчилар уни ижтимоий қиёматга ўхшатишади. Совет давлатчилиқ институтларининг ибтидосидан интиҳосигача темир интизом, ҳарбийча бошқарув элементлари, ўн йиллар давомида жазо отрядлари системаси мавжуд бўлиб келди. Бироқ СССРдаги

умумхалқ саводхонлиги, медицина, фан ва техника инқилоби, саноатлаштириш каби ютуқларни ҳам инкор қилиб бўлмайди.

Ўрта Осиё республикаларида советча бошқарув тизими ўрнатилгач, Марказнинг ваколатли органлари бу республикалар ҳудудларида фаолият кўрсатдилар. Улар аввал РСФСР, кейин СССР манфаатлари учун астойдил хизмат қилди. 1919 йил 8 октябрда Бутун Россия МИК ва РСФСР ХКСнинг Туркистон ишлари бўйича комиссияси (Турккомиссия) ҳамда 1920 йил июнда РКП (б) МК Туркистон бюроси (Туркбюро) тузилиб, Туркистонга жўнатилди. Туркбюро Марказнинг ғоявий-сиёсий таъсирини кучайтириш мақсадида большевиклар партияси сафларини мунтазам равишда “ёт унсурлар” дан тозалаб турди. Бу вазифани амалга ошириш учун Марказ Туркистон минтақасига доимий равишда “тажрибали партия ва совет ходимлари” ни, яъни ўз вакилларини жўнатиб турди.

Туркистон бюроси Марказнинг Туркистон минтақасидаги ишончли мафкуравий идораси эди. Туркистон, Бухоро, Хоразм республикаларида большевиклар ташкил қилган коммунистик партияларга бюро “ғоявий - ташкилий” жиҳатдан “ёрдам бериши ва мустаҳкамлаши” лозим эди. Аслида Туркистон бюросининг ташкил қилиниши Бухоро амирлигини босиб олиниши, Ўрта Осиё республикаларида совет режимига қарши куралиш ҳаракатининг кучайиши, кейинчалик Туркистон АССР, БХСР ва ХХСР даги бир қатор раҳбар кадрларнинг Миллий манфаатларни қатъийлик билан ҳимоя қилиши, Миллий республикаларда “советлаштириш” жараёнининг жадаллик билан амалга ошмаётганлиги, энг асосийси, Марказнинг Ўрта Осиё республикаларидаги маҳаллий раҳбар кадрларга ишонмаслиги сабаб бўлган эди.¹

Туркистон бюроси Марказнинг ғоявий-сиёсий таъсирини кучайтириш мақсадида партия сафларини мунтазам равишда “ёт унсурлар” дан тозалаб турди. Миллий раҳбар ходимларнинг “ғоявий софлиги” ни назорат қилди. Бу вазифани амалга ошириш учун Марказ Туркистонга мунтазам равишда “тажрибали большевиклар” ни юбориб турди. Фақат 1921 йилда РКП (б) МК Туркистон бюроси ихтиёрига Марказдан 354 нафар коммунистларни эмиссарлар сифатида юборди.² Улар Туркистон, Бухоро, Хоразм республикаларида масъул лавозимларда ишладилар.

Туркистон комиссиясига эса Марказнинг бошқа ташкилотларига нисбатан энг катта ва чексиз ҳуқуқ берилган эди. Уларнинг асосий вазифаси қандай қилиб бўлса ҳам Туркистонда совет ҳокимиятини сақлаб қолиш ва мустаҳкамлаш эди. Туркистон Комиссияси бу вазифани амалга оширишда зўравонлик усулидан асосий восита сифатида фойдаланди. У ўз фаолиятининг дастлабки кунларидан бошлаб ҳукмини ўтказишга ҳаракат

¹ Ўзбекистоннинг янги тарихи. 2-китоб. Ўзбекистон совет мустамлакачилиги даврида. –Т.: Шарқ, 2000. –Б-169.

² Ўзбекистон РПДА, 60-фонд, 1-рўйхат, 778-иш, 92-варақ.

қилди. Марказдан келган комиссия аъзолари худди Туркбюро аъзолар каби Туркистондаги миллий раҳбар ходимлар (миллий коммунистлар) ни ўлка ва халқ манфаатларини ҳимоя қилишларига, Марказ сиёсатига қарши чиқишларнинг барча кўринишларига қарши аёвсиз курашдилар. Айниқса, Туркистон минтақасидаги истиқлолчилик ҳаракатини тугатиш учун комиссия барча имкониятларини ишга солди.

Марказ вакили, илк Турккомиссар П.А.Кобозевнинг миссиясига фақат Туркистон республикасини бошқариш билан чекланмасдан унга Бухоро ва Хивани босиб олиш ҳам кирар эди. У 1918 йил апрель ойи ўрталарида Россия Халқ Комиссарлари Советига юборган радиотелеграммасида шундай маълумот етказди: “Мен Оренбургдан телеграф орқали Москвага хабар қилган ўз шахсий маърузамда аввал кўрсатиб ўтганимдек, Бухорода кўзғолон кўтаришнинг иложи бўлмади, бироқ сунъийлаштирилган ифвогарлик ва провокация ишлари давом этмоқда. Мен томонимдан “Қизил Армия” таҳририятига юборилган ҳужжатлар эълон қилинганидан кейин маълум бўлдики, Кўқондаги кўзғолон билан Дутов ўртасида алоқа бор экан”.¹

Ўрта Осиёдаги охириги миллий давлатлар бўлган Хива хонлиги ва Бухоро амирлигини тугатилишида Туркистон Комиссияси асосий ролни ўйнади. Бу мустақил давлатларга нисбатан босқинчилик режалари Туркистон комиссияси аъзолари М.В.Фрунзе, В.В.Куйбишев, Ф.Голошчекин ва бошқалар томонидан ишлаб чиқилди ҳамда Марказнинг рухсати билан амалга оширилди. Бухоро ва Хоразмда совет республикалари (БХСР, ХХСР; кейинчалик БССР, ХССР) ташкил қилиниши ҳам Туркистон Комиссияси “сценарийси” асосида қилинди. Туркистон комиссияси минтақада мустамлакачилик сиёсатини олиб борди. Бухоро амирлиги ва Хива хонлиги бойликларининг, минтақадаги хом ашё ресурсларининг мунтазам равишда Марказга олиб кетилишига раҳбарлик қилди.²

Бухоро амирлиги ва Хива хонлигини босиб олиб бу ҳудудларни янада советлаштириш мақсадини амалга ошириш учун Марказ ўзининг ваколатли органлари (Турккомиссия, Туркбюро, Туркфронт) дан унумли фойдаланди. Ана шу мақсадда большевиклар совет Туркистонида сиёсий муҳожир сифатида яшаётган Ёш бухороликлар ва Ёш хиваликларнинг радикал қисмидан 1918 йил ёзида Бухоро Коммунистик партиясини, 1919 йил бошларида эса Хоразм Коммунистик партиясини тузишди.³ Айни вақтда бухоролик ва хивалик коммунистлар Тошкент ва Москвада

¹ “Наша газета”, 10 апреля 1918 г.

² 1920 йил июлда РКП (б) МК Туркистон бюроси ташкил қилиниши муносабати билан Туркистон Комиссиясининг партиявий ваколоти тўхтатилди. 1922 йил май ойида Туркистон бюроси РКП (б) МК Ўрта Осиё бюроси (Средазбюро) қилиб қайта тузилди. Ўрта Осиё бюросининг тузилиши билан 1922 йил 16 августда Туркистон комиссияси тугатилди.

³ Қаранг: Очерки истории Коммунистических партий Туркестана, Бухары и Хорезма.-Т.: Госиздат УзССР.1959.-С 8,22.

очилоган махсус ташвиқотчилар курсларида тегишли мафкуравий ва ҳарбий тайёргарликдан ўтдилар.

Марказ ва унинг Туркистондаги вакиллари томонидан ишлаб чиқилган инқилобий тўнтаришнинг умумий режаси анча оддий эди. Бу режа воқеаларнинг қуйидагича авж олишини назарда тутарди: маҳаллий “инқилобчилар” ҳукмрон тартибга қарши “халқ чиқиши” ни уюштирадилар. Сўнгра коммунистлар РКП (б) МК ва совет Россиясига муружаат қилиб, улардан “байналминал ёрдам” кўрсатишни илтимос қиладилар. Шундан сўнг “қонуний” равишда бу давлатлар ҳудудига киритилган қизил армия монархик тузумни ағдариб ташлаб, янги ҳокимият ўрнатилишини таъминлайди. Янги ҳокимият “совет республикаси” типда бўлиб, дастлаб улар “мустақил” тараққиёт йўлидан боради.

Совет режими айнан ушбу сценарий асосида Хива ва Бухорода 1920 йил мобайнида ҳокимиятни қўлга киритди. Совет давлати бу усулдан ХХ аср давомида Европа ва Осиёда кўплаб давлатлар ҳудудини босиб олишда, бу мамлакатларда социалистик жамиятни қарор топтиришда унумли фойдаланди. Уларга кўрсатилган ҳарбий ва иқтисодий ёрдамлар совет халқи зиммасига оғир юк бўлиб тушди.

Бухорода ҳам воқеалар шу тарзда такрорланди. Фақат Қизил Армия Бухорони босиб олиш жараёнида жиддий қаршиликка дуч келди. Катта моддий талафотга учради. 1920 йил 2 сентябрда Бухорода амирлик тузуми ағдариб ташланди. Бу воқеадан бир ой олдин -1920 йил 1 августда Туркистон fronti қўмондони ва Туркистон комиссияси аъзоси М.В.Фрунзе Совет Россияси ҳукуматининг раиси В.И.Ленинга телеграмма юбориб, Бухоро амирлигидаги инқилобий жараённи авж олдиришни икки йўли борлигини кўрсатиб ўтади. Биринчиси-“инқилоб” нинг ички манбаларига асосланган секин йўл , иккинчиси –ташқаридан қизил армиянинг мунтазам қисмларини кенг жалб қилиш асосида фаол “ёрдам” кўрсатишни назарда тутувчи жадал йўл эди.¹Большевикларнинг дохийлари Ленин, Сталин, Бухарин ва Троцкий иккинчи-босиб олиш йўлини танлашди.

Хуллас, бутун Россия МИК ва РСФСР ХКС ҳузуридаги Туркистон комиссияси ва РКП (б) МК Туркистон бюроси аъзолари Туркистон fronti жангчилари Ўрта Осиёда Марказ манфаатларини амалга оширишди. 1920 йил 8 сентябрда Туркистон комиссиясининг аъзоси В.В.Куйбишев “озод ва мустақил” Бухорога келди. У РСФСР ҳукуматини Бухоро Республикаси ҳузуридаги мухтор вакили, РКП (б) МК нинг Бухоро Компартияси ҳузуридаги вакили мақомига эга бўлиб, “РСФСР манфаатлари йўлида қандай ҳаракатларни зарур деб ҳисобласа, уларнинг ҳаммасини амалга ошириш” ҳуқуқига эга бўлган.²

¹ Ўзбекистон РПДА, 361-фонд, 1- рўйхат, 260-иш, 14- варақ; 14-фонд, 1- рўйхат, 700-иш, 8- варақ.

² Ўзбекистон РПДА, 14-фонд, 1-рўйхат, 705-иш, 27-варақ.

В.В.Куйбишев ва Туркистон бюроси раисининг ўринбосари Г.И.Сафаров 1920-1921 йилларда БХСР да амалда ҳокимиятни ўзлари бошқаришга интилган. Бу ҳолат янги ташкил топган БХСР раҳбариятининг кучли норозилигига сабаб бўлган. БХСР раҳбарияти бир неча марта Москвага Мурожаат қилиб, ўз эмиссарларини Бухородан чақириб олишларини сўрашган. Бироқ Марказ уларнинг бу норозилигига дастлаб аҳамият бермаган.

1922 йил майда РКП (Б) МК Туркистон бюроси партиянинг Ўрта Осиё бюроси (Средазбюро)га айлантирилди. РКП (б) МК Ўрта Осиё бюросига Туркбюро зиммасидаги барча вазифалар юкланди, шу билан бирга унинг ғоявий ва сиёсий таъсир доираси янада кенгайди. Туркистон АССР, БХСР ва ХХСР да советлаштириш жараёнининг сўнгги босқичи, Ўрта Осиёда ўтказилган миллий-худудий чегараланиш, коллективлаштириш ва қулоқлаштириш сиёсати, индустрлаштириш, бевосита РКП (б) МК Ўрта Осиё бюросининг ғоявий раҳномолиги ва катъий назорати остида амалга оширилди.

Ўрта Осиё ва Қозоғистон республикаларидаги барча ғоявий-сиёсий тадбирлар ва ўзгаришлар Средазбюронинг рухсати ва унинг раҳбарлигида қилинди. Туркистон бюроси ва Ўрта Осиё бюроси Марказнинг ушбу минтақа устидан назорат қилувчи махсус бошқарув органи эди. Ўрта Осиё ва Қозоғистон республикалари раҳбарияти бу ташкилотга сўзсиз бўйсунушга мажбур эдилар.

1923 йил 30 январда бўлиб ўтган РКП (б) М К Ўрта Осиё бюроси мажлисида (мажлис раиси – Я.Э. Рудзутак) Марказ вакиллари И.Любимов, Я.Рудзутак ва Михайлов томонидан БХСР ҳукумати раҳбарияти, айниқса, Файзулла Хўжаев кескин танқид остига олинган. Бу мажлисда БХСР ва ХХСР даги иқтисодий жараёнлар муҳокама қилиниб, ушбу республикаларнинг иқтисодий салоҳиятидан Марказ манфаатлари йўлида фойдаланиш масаласи қўйилган. Бироқ БХСР Нозирлар Шўросининг раиси Файзулла Хўжаев мажлисда Бухоро Республикасининг иқтисодий мустақиллигини дадиллик билан ҳимоя қилади. Файзулла Хўжаев ўз сўзида Бухоро давлат банкида 5 млн. сўмдан иборат тилла фонд борлигини, БХСР иқтисодиёти қўшни Туркистон АССР, ҳатто Совет Россияси иқтисодиётига нисбатан анча барқарор ривожланаётганлигини таъкидлайди. Шунинг учун ҳам у БХСР да совет Россияси рубли жорий қилиниши ва Бухоро Халқ Совет Республикасини иқтисодий жиҳатдан Туркистон АССР билан бирлаштиришга қарши чиқади. Файзулла Хўжаев ўз фикрини қуйидаги кескин иборалар билан тугатган: “Ўртоқ Рудзутак, ...сиз ушбуни жуда яхши биласизки, мен тижорат билан ҳам шуғуланмайман, менда пул ҳам, шахсий манфаатлар ҳам йўқ. Мени фақат бизнинг давлатимиз БХСР ни манфаатлари қизиқтиради ва шунинг учун

ҳам биз ўз фикримизда қоламиз ва Сизлар ҳам бунга кўнишга мажбурсизлар”.¹

Хуллас, Туркистондаги маҳаллий раҳбарларнинг қатъий талаби билан 1922 йил май ойида Туркистон бюроси ва ўша йили август ойида Туркистон комиссияси фаолияти тугатилса ҳам Ўрта Осиё бюроси ҳар учала республикадаги сиёсий ва иқтисодий вазиятни жиддий назорат қилиб турган. Бунинг устига Марказ янги кенгашлар тузиш орқали минтақада ўз сиёсатини кучайтирган. 1923 йил март ойида Туркистон, Бухоро ва Хоразм иқтисодий кенгашлари бирлаштирилиб, янги ташкил қилинган Ўрта Осиё Иқтисодий Кенгаши (Средаз ЭКОСО)² Марказнинг бутун Ўрта Осиё республикаларидаги кенг ваколатли органи сифатида иқтисодий сиёсатни назорат қилиб турган.

Бу жараён куйидагича амалга оширилди. 1923 йил 5-9 мартда Тошкент шаҳрида –Туркистон, Бухоро ва Хоразм республикаларининг I иқтисодий конференцияси чақирилди.³ Конференциянинг 1923 йил 9 мартда бўлган охириги мажлисида Туркистон АССР, Бухоро ва Хоразм Халқ Совет Республикаларини иқтисодий жиҳатдан бирлаштириш тўғрисида қарор қабул қилиниб, Ўрта Осиё Иқтисодий Кенгаши (Средаз ЭКОСО) ташкил қилинди. Конференция қабул қилган Ўрта Осиё Иқтисодий кенгаши ҳақидаги Низомда Туркистон, Бухоро ва Хоразм Иқтисодий Кенгашлари Средаз ЭКОСО нинг низоми асосида ҳаракат қилиши белгилаб қўйилди. Шунингдек, бу кенгаш СССР нинг Меҳнат ва мудофаа кенгаши ташкилий структурасига кириши ва унинг умумий директивалари асосида фаолият кўрсатиши алоҳида таъкидланди.⁴

Средаз ЭКОСОНинг асосий вазифаси Ўрта Осиё республикаларининг иқтисодий имкониятларини бирлаштириб, Марказ эҳтиёжларини ҳисобга олган ҳолда социализм қурилишига йўналтириш эди. Бу кенгашнинг қарорларини барча Ўрта Осиё республикалари ҳукуматлари бажаришга мажбур бўлган. Средаз ЭКОСО ўз фаолияти давомида Ўрта Осиё республикалари иқтисодиётини Марказ манфаатларига мослаштиришга ҳаракат қилди. Бир сўз билан айтганда, Ўрта Осиё Иқтисодий Кенгаши Марказнинг мустамлакачи тузилмаси сифатида минтақадаги республикаларни иқтисодий жиҳатдан бошқарув тизимини марказлаштиришда муҳим роль ўйнади.⁵

¹ Ўзбекистон РПДА, 14-фонд, 1-рўйхат, 387-иш, 12-варақ .

²Туркистон Иқтисодий Кенгаши ва Ўрта Осиё Иқтисодий Кенгаши фаолияти тўғрисида тадқиқотчи И.Ҳайдаров ўзининг номзодлик диссертацияси ва монографиясида сўз юритган. Бу ҳақида батафсил қаранг: Ҳайдаров И. Ўзбекистонда Иқтисодий кенгашлар фаолияти (1917-1934й). –Т.: Abu matbuot-konsalt, 2008.- 152 бет.

³ Первая Экономическая конференция. Средне-Азиатских республик – Туркестана, Бухары и Хорезма. 5-9 марта 1923г. Стенографический отчет. –Т.: Туркгосиздат, 1923. - С 86.

⁴ Ўзбекистон МДА, 20-фонд, 1-рўйхат, 249-иш, 26-29-варақлар.

⁵ Ўрта Осиё Иқтисодий кенгаши ўз вазифасини бажариб бўлгач, 1934 йил 2 октябрда СССР ХКС ва ВКП (б) МК нинг қарори билан тугатилди.

Хуллас, Туркистон комиссияси, Туркистон бюроси, Ўрта Осиё бюроси, Ўрта Осиё Иқтисодий Кенгаши сингари Марказнинг ваколатли органлари Туркистон АССР, БХСР, ХХСР, Ўзбекистон ССРдаги фаолияти давомида маҳаллий халқ турмушига ёт бўлган коммунистик ғояни сингдириш билан бир қаторда миллий раҳбар ходимлар ва зиёлиларга нисбатан кўплаб қувғин ва қатағонларни уюштирдилар. Маҳаллий аҳолининг миллий маданияти, ислом дини ва қадриятлари топталишига раҳбарлик қилди.¹ Марказнинг ваколатли органлари, айниқса, Ўрта Осиё бюроси бошқарувнинг шундай шаклини ишлаб чиқдики Ўзбекистондаги барча ташкилотлар пировардида бу механизмнинг бир қисмини ташкил этди.

XX АСРНИНГ 20-ЙИЛЛАРИ ИЖТИМОЙ МУАММОЛАРИГА ДОИР АЙРИМ МУЛОҲАЗАЛАР

*Рахмонов Камол Жамолович –
БухДУ, Жаҳон тарихи кафедраси доценти,
тарих фанлари номзоди*

Жамият аъзоларининг ярмидан ортиғини ташкил этган хотин-қизлар масаласи ҳамда ўткир ижтимоий иллатлардан ҳисобланган турли ҳаражатли маросимлар билан боғлиқ муаммолар XX асрнинг 20-йилларида фаолият юритган БХСР ҳукуматининг диққат-эътиборида бўлган.

БХСР ҳукуматининг матбуот органлари - «Бухоро ахбори» ва «Озод Бухоро» газеталари саҳифаларидаги хотин-қизлар масаласига оид бир қатор мақолалар танишилганда, уларда «Жаннат оналарнинг оёғи остидадур!», «Оллоҳга ибодат қилинглар, ота-оналарингизга яхшилик қилинглар!» каби исломий қоидаларни ҳаётга тадбиқ қилишга даъват этилади. Илм олиш аёллар учун ҳам фарзлиги, айниқса, бош мақолаларда кўп ўринларда такрорий тарзда эслатиб ўтилади.

Ёш қизларни турмушга бериш, уларни оилага тайёрламасдан узатиш жаҳолат эканлиги айрим мақолалар мазмунига сингдирилган. «Жаҳолат қурбони бўлурға маҳкум бўлғон муҳтарам оналаримизнинг бисёрлари ямоқ кўрпачалар устида бекордан-бекорга мажбур қилиш асосида болаликданоқ турмушга чиқиб, сақич чайнаб, вақт зое қилгунча бироз тафаккур қилсалар, миллат ва ватан юксалғон бўлур эди»²-деб ёзилади мақолалардан бирида.

¹1934 йил 2 октябрдаги СССР ХКС ва ВКП (б) МК нинг қарори билан Ўрта Осиё бюросининг фаолияти тугатилди. Чунки бу пайтга келиб совет ҳокимияти минтақада мустаҳкам қарор топган, совет режимига қарши турувчи сиёсий ва ҳарбий кучлар бутунлай тор-мор қилинган эди.

² Фотима. «Ҳақиқат очдур, ҳазм этмоққа омухта бўлмоқ лозим» //Бухоро ахбори. 1922 йил 3 декабрь. 114-сон.

Бухоро Республикаси йилларида қизларни ўқитиш ва хунарга ўргатмасданок, 11-12 ёшларида¹ турмушга чиқариб юбориш одати давом этган. Бу иллатга қарши чиқилаб ёзилган мақолаларда оила қуриш ва никоҳ масалаларини ҳукумат доирасида расмий равишда кўриб, навбатдаги қурултойлар кун тартибига киритилиши зарурлиги баён қилинган. “Бухоро ахбори” газетасининг биринчи муҳаррири Маҳмуд Саид Аҳрорий БХСР ҳукумати даврида ўткир ижтимоий муаммолардан бири – хотин-қизлар масаласини ҳам ислоҳ қилиш тарафдори бўлган. Унинг 1924 йил 6 февралдаги “Озод Бухоро” газетасининг 44-сонидан чоп этилган “Адлияни ислоҳ этмак тўғрисида” номли салмоқли мақоласида бу соҳадаги муаммолар очиб ташланган: “Газета орқали неча бора шикоят этилган эсада ҳозиргача уйланатурғон эр ва хотунларнинг ёшдаги нисбатлари, қизларнинг неча ёшда эрга беришлари, кундошларнинг мавқеи ва ҳуқуқлари тўғрисида бирон қонун чиқарилмади. Бу ўзгаришга, виждонга, халқнинг турмушига қарши жуда катта бир жиноятдур. Қисқаси шудурким, ҳар ҳолда қозилик ишларини ислоҳ этмак керак бўлди. Халқнинг ҳаётини адолатли ҳукмлар ва маҳкамалар билан таъмин этмак тўғри келди. Мана шунинг учун Халқ Нозирлар Шўроси Тўртинчи Бутунбухоро қурултойида жуда фойдали ва қатъий бир қарор чиқарди. Шунинг муносабати билан биз ҳам комиссиянинг ишига ўз тилагимизни кўймоққа бўламиз:

- 1) Хотин-қизлар ҳуқуқи билан боғлиқ ҳар турли айб ва жиноят терговларнинг ишлари кўпга чўзилмасдан тезлик билан тегишли ҳукм ва қарорнинг чиқарилиши тўғрисида қатъий чоралар кўрилсун.
- 2) Хотунлар шўъбаси ва ҳавзолсиҳат идораси вакилларининг иштироки билан хотун-қизларнинг эрга бериш ёшлари қонуний равишда белгиланиб эълон этилсун”.

Нафақат ҳукумат аъзоларини, балки бутун жамоатчилик диққатини мазкур масалага жалб қилиш мақсадида газета мухбирлари томонидан кундалик ҳаётини лавҳалар ҳам бериб борилган. «Бундан 3 ой илгари Искобилев (Марғилон)дан Эргаш Ҳайдар ўғли номлик жуда камбағал бир одам келган. Бунинг ёнида хотини ва 11 ёшли қизи бор экан... Улар Дилкушо (Бухоро шаҳри) гузарида турғон уста Саид Неъмат исмли битта бой кишининг ҳовлисида хизмат қилғонлар. Уста Саид Эргаш Ҳайдарнинг 11 ёшар қизига Ромитан кентининг Челонғи қишлоғидаги жиянига қизнинг онаси ва ўз хотини билан келишиб, никоҳлаб берган. Адлия назорати қизни 11 ёшда бўлғонлиги ва отаси розилигисиз турмушга берилғонлиги учун хотинликдан қутқаришга тегишдур»².

Бухоро Республикаси аҳолиси орасида дафн этиш ва уйланиш (никоҳ) маросимлари учун ортиқча харажатлар қилиниши, ушбу

¹ «Ёш қизларнинг ҳомийси борми?» // Озод Бухоро. 1923 йил 8 декабрь. 21-сон.

² Ўша жойда.

масалаларга мутаасиб диндорлар томонидан сохта исломий тус берилиши амирлик даври иллоти сифатида ҳали ҳам давом этаётган эди.

Шунинг учун 1924 йилнинг 31 январиди бўлиб ўтган “Бухоро Республикаси уламоларининг қурултойи”да ушбу масалага алоҳида эътибор қаратилган. Дафн маросимларида сарф-харажатларни камайтириб, маросимларни камчиқим қилиб ўтказиш билан боғлиқ махсус қарор қабул қилинган¹. Ушбу қарорда майит руҳига “Қуръон” оятларини ўқиб, “бир пиёла чой устида уни хотирлаш” маросими шариатга тўғри келиши уқтирилади.

Камбағаллик ҳамда қалин пули катталиги туфайли эркак жинсидаги фуқароларнинг кўпчилиги 30-35 ёшга тўлишларига қарамай уйлана олмаётганлиги, бу эса республикада оила-никоҳ мўътадил муносабатларига ва аҳоли нуфузи ошувига салбий таъсир кўрсатаётганлиги ҳам махсус декретда қайд қилинган. Ушбу масалани тартибга солишга қаратилган декретда: “Никоҳ маросими бўлажак келин ва куёвнинг икки томонлама розилиги асосида ўтказилиши керак. Тўй харажатлари (никоҳ ва суннат тўйларида) қалин билан бирга 10 тангадан ошмаслиги керак. Моддий аҳволи яхши бўлганлар оила қуриши ёки никоҳ тўйларига 3000 тангадан ортиқ маблағ сарфлашга ҳақли эмаслиги” ёзиб қўйилганди².

Юқоридаги қарор ва декретдан кўриниб турибдики, дафн этиш ва тўй маросимлари билан боғлиқ урф-одат, расм-русумларни камчиқим қилиб ўтказиш чоралари кўрилган. Ушбу муаммо бугунги кунда ҳам ўзининг долзарблигини йўқотган эмас.

XVII-XIX ASRLARDA O`RTA OSIYO MASALASIDA INGLIZ-RUS RAQOBATI

*To'rayeva Guli Bahriddinovna-
Buxoro davlat universiteti
Buxoro tarixi kafedrasi o'qituvchisi
Elmurodova Xursandoy Gulmurod qizi –
Tarix va madaniy meros fakulteti talabasi*

XIX asrda Buyuk Britaniya hukumati ingliz maxfiy xizmatiga O`rta Osiyoni batafsil o`rganish haqidagi farmonni beradi. Savdo va harbiy diplomatik missiyalarni yuborish masalasida u yana bir davlat Rossiya davlati bilan manfaatlar to`qnashuvi XIX asrda „Buyuk o`yin “ atamasining vujudga kelishiga sabab bo`ladi.

Dastlabkilardan bo`lib O`rta Osiyoda bo`lgan ingliz josusi Mir Izzat Og`li taxallusi bilan 1812-1813-yillarda O`rta Osiyoda bo`lgan. Uning shaxsi bizning manbalarda uchramaydi. U dastlab Farg`ona vodiysi keyinchalik Buxoro amirligida bo`lgan.

¹ ЎзРМДА, 47-ф, 1-р, 347 х, 55 –в.

² ЎзРМДА, 47-фонд, 1-рўйхат, 547-хужжат, 32-варақ.

Keyinroq Murkfort boshchiligida ekspeditsiya tashkil etiladi .Ekspeditsiya 1824-yil Angliyadan chiqib 1825-yil fevral oyida Buxoroga yetib keladi.Ekspeditsiya tarkibida 70 kishi bo`lib, ular olib kelgan 80 sandiqdan ortiq turli mollar qo`shbegiga taqdim etilgan. Inglizlar Buxoro xonligini har tomonlama o`rganishga mahalliy hukmdorlar orasida inglizlarga tarafdor guruhni shakllantirishga muvaffaq bo`ldi. Ekspeditsiyaning yo`nalishi:Kashmir-Tibet-Sharqiy Turkiston (Yorkent , Koshg`ar) va O`rta Osiyo (Qo`qon , Samarqand, Buxoro) hududlari edi.¹

Murkfort ekspeditsiyasidan xabar topgan Rossiya hukmron doiralari tashvishga tushdi. Natijada Rossiya davlati hukumati Buxoro amiri Amir Haydarga Inglizlarning Buxorodagi hatti harakatlaridan noroziligini bildiradi.

Murkfort otryadi O`rta Osiyoga kelishdan oldin yaxshi tayyorgarlik ko`rib kelgan.Jumladan uning ekspeditsiyasining tarkibida yaxshi qurollangan qo`shin hamda 2 ta pushka ham bor edi.1825-yil dastlabki ekspeditsiyasi natijasida Buxorodan tashqari Hisor, Qorategin, Shahrizabz O`ratepa kabi shaharlarda bo`ladi.Uning esdaliklari vafotidan keyin 20 yil o`tib ingliz sharqshunosi Goratsiy Vilson tomonidan o`rganilgan va nashr qilingan .

Aleksandr Byorns 1832-yil Buxoroga kirib keldi. Yo`nalishi:Qobul orqali Hindikush,Qunduz, va Buxoroga undan so`ng Marv orqali Fors tomon chiqish yo`nalishi bo`lgan . U o`zini arman savdogari deb tanitdi.Qo`lida hind va afg`on savdogarlarining tavsiyanomalari bo`lgan bu „tadbirkor” Buxoro xonligi qo`shbegisi bilan aloqa bog`laydi.Buyuk Britaniya hukumati Hindiston bilan Markaziy Osiyo o`rtasida savdo aloqalarini kengaytirishga o`zining xonliklaridagi ta`sirini qaror topdirishning asosiy yo`li deb qarar edi.Shuning uchun ham Angliya hind savdogarlariga xonliklar bilan savdo-sotiq aloqalarini yo`lga qo`yishlarida katta yordam berdi. Xususan, hind savdogarlariga qarz hamda ingliz mollari berib turildi.Bu mollar Markaziy Osiyoda Rossiya mollaridan arzon sotilardi.Aleksandr Byorns mamlakat hudida katta razvedka ma`lumotlarini ham to`play olgan.

1839-yilda Angliya Afg`onistonga qarshi harbiy harakatlar boshlaganida Rossiya-Buyuk Britaniya munosabatlari yanada keskinlashdi. Afg`oniston bosib olingudek bo`lsa,navbat Markaziy Osiyoga kelishi mumkin edi.

1839-yil Hirotda o`z qarorgohini vujudga keltirgan ingliz razvedkasi ayg`oqchilar Markaziy Osiyoga yuborilib turgan.Xususan: Chalz Stoddart Lord Palmerston buyrug`i bilan 1838-yil 17-dekabr Buxoroda bo`lgan ingliz josusi.Shaxsan o`zi amir saroyida bo`lib amir Nasrullo bilan uchrashib ishonch yorlig`iga ega bo`ladi.Keyingi uchrashuvda u Amirga harbiy ko`mak taklifini bildiradi.Amir buni o`z shaxsiga nisbatan haqorat deb hisoblaydi.Uchrashuvlar chog`ida ingliz polkovniki hudud taomiliga ko`ra muzokarlarini tiz cho`kmay olib boradi.Bu esa uning taqdirini hal qiluvchi bahonalarini ko`paytiradi.Shu

¹ Evgeny Sergeev. The Great Game, 1856-1907: Russo-British Relations in Central and East Asia. Baltimore, MD. - John Hopkins University Press. 2014. –552 p.

sabab Amir Nasrullo uni zindonband etishga hukm qiladi. Keyingi yillarini u yana bir safdoshi Konolli bilan amir zindonida o'tkazadi.¹

1254-sanai hijriyda, 1838- milodiyda Buxoroyi sharifga amir Nasrullohon huzuriga ingliz hukumati tarafidan elchi bo'lib, polkovnik Stoddart/Sutud dorat kelgan edi. Mundin buyon ingliz hukumati birinchi daf'atan boshlab, Movarounnahr hukumati bilan munosabati do'stona tarmoqqa niyat va mubosharat etgan edi.¹ Qo'qon tarixchisi Mulla olim Mahdum Hoji "Tarixi turkiston" asarida bayon qilishicha², Buxoroga ular elchi sifatida kelganligi va yomon maqsadda kelmay, balki Rossiyaning bu yerga qasd va tajovvuzi haqida aytish uchun kelganligini aytib o'tadi. Ular o'zlarini ismini o'zgartirib, yashirincha kelmaganliklari ma'lum. Lekin ular o'zlarini Buxoro amiriga yaxshilab, Buyuk Britaniya va Buxoro orasidagi munosabatlarni mustahkamlash ekanligini aytib, Rossiya bilan munosabatlarini yomonlashtirib, asta-sekinlik bilan Angliya ta'siriga, ya'ni qaram davlatga aylantirish niyatlari borligini sezdirmaslikka harakat qilganlar. Haqiqatda esa, Stoddartning asosiy vazifasi Buxoroning hokim amaldorlari bilan Rossiyaga qarshi birgalikda kurash olib borish uchun shartnoma tuzishdan iborat edi. U o'zining mahfiy rejalarini sir saqlashga harakat qilgan.

Artur Konolli va uning, "Kundaligi" da Britaniya josusi kasbi yuzasidan turli davlatlarda bo'lganligi qayd qilingan. U o'z kundaligida Qo'qon yaqinida faoliyat yuritgani chunki bu davrda Afg'onistonda qo'zg'olonlar avj olgan bir paytda Buxoroga yaqinlashmaslik buyrug'ini olgan edi. Ayni paytda esa u Buxoro amiri uni amirlikka taklif etiladi. O'z safdoshi va do'sti Charlz Stoddartning Buxorodaligidan xabar topganidan so'ng Buxoroga yo'l oladi. Yetib kelgandan so'ng amirlik odamlari uni tutib berishadi. 1 yildan so'ng 1842- yil 17- iyunda Amir Nasrullaxon farmoniga binoan ikkala ingliz josusi qatl etiladi. Ularning safida yana bir qancha ingliz josuslari Jovanni Orlando, Flors Nazelli yunon Iosiflar ham bor edi.³

Bu haqidagi ma'lumotlar Mulla Olim Mahdum Hojining "Tarixi Turkiston", Lord Aberdeenning "Ameer of Bukhara" (Buxoro amiri), Solovyov va Leman asarlarida keltirilgan.

Bu haqidagi vaziyatga oydinlik kiritish uchun inglizlar tomonidan mayor Volf 1844- yil yuboriladi. Unga ma'lumotlarni to'plashda Buxoro hukmdorining kuchli qo'mondalaridan biri yordam beradi. O'zining maktubida u qo'momdonni Britaniya xalqining samimiy va ajoyib do'sti va yordami uchun undan Britaniya xalqi nomidan minnatdor ekanligini alohida ta'kidlab o'tadi. U bu xatni Kapitan Groverga yuboradi va o'z yurtiga qaytib ketishi uchun izn

¹ Мухаммаджанов Р. Неъматов Т. Бухоро ва Хиванинг Россия билан муносабатлари тарихига доир баъзи манбалар. -Т.: Ўзбекистон ССР Фанлар Академияси, 1957. – 224 б.

² Мирзо Олим Махдум хожи. Тарихи Туркистон. – Т.: Янги аср авлоди, 2009. – 249 б.

³ Conoly. A. Journet to the North of India overland from England through Russia, Persia and Afghanistan. London, 1838. – 232 p.

so'raydi. Ser, men bu xatni Noyib samitchan uyida yozyapman. Stoddart va Konollining amir tomonidan o'ldirilishiga sababni sizga ma'lum qilaman.

Stoddart o'ldirilishiga sabab, 1) Buxoro amiriga hurmatsizlik qilganligi; 2) Musulmon dinini qabul qilib, yana xristian diniga o'tganligi; 3) Angliyaga yashirin maktublar yuborib turganligi sababli, Konolli Xiva va Qo'qon xonliklarini Buxoroga hujum qilishga undaganligi uchun ular qatl qilingan. Volf aniqlagan sabablar hammasi haqiqat edi. Xususan, ikki elchi Buxoroga tashrif buyurganidan keyin, amir bilan uchrashib, Ost-indiya kompaniyasi bilan Buxoro o'rtasida shartnoma tuzishini va o'zining ilmiy maqsadlar bilan kelganligini aytishiga qaramasdan, Amir ulardan shubhalangan va bir necha marta qabul uchun chaqirgan. Stoddart mirzoxona va kotibxona tarbiyasini olgan yumshoq siyosatdonlardan bo'lmay, askariy tarbiya olgan, jasur, qattiqo'l va o'tkir odam bo'lganligi aytib o'tilgan.¹ U Buxoroga kelgan paytda bu yerdagi rasm-rusumlarni yaxshi bilmagan va Amir saroyiga piyoda kirib kelish mumkin emasligini ham bilmaydi. Bu davrda amir juda ham ulug'lanib, yuqori mansab egalari ham saroyda piyoda kirib kelishlari mumkin bo'lmagan va bu amirga nisbatan qattiq hurmatsizlikni bildirgan. "Buxoroda katta mehmonlarga otdan tushish, otlarini maydonga olib kirish yoki xizmatkorlari bilan tashqarida qoldirish va amir oldida bosh egish odat bo'lgan. Buning o'rniga Stoddart Buyuk Britaniyaning harbiy protokoliga amal qilib, uni otda o'tirishga va amirga egardan salom berishga chaqirdi. Ma'lum bo'lishicha, Nasrulloxon ushbu salomdan keyin bir muncha vaqt Stoddartga tikilib turgan va keyin indamay ketib qoldi" deyiladi ingliz manbasida.

O'rta Osiyo xonliklari (Buxoro, Xiva, Qo'qon) hududiga Ingliz elchilarini kirib kelishiga bir necha omillar sabab bo'lganini ko'rishimiz mumkin. Ular: a) Buyuk Britaniya imperiyasi uchun o'zining sanoat mahsulotlarini sotish uchun va arzon xomashyo uchun, b) O'rta Osiyo bozorlarida rus savdosini sindirish d) Rossiya imperiyasini xonliklar hududidagi faoliyatini zaiflashtirish e) O'rta Osiyo xonliklari bilan yaxshi aloqa o'rnatib, mustamlakaga aylantirish f) Rossiya imperiyasini Hindistonga xavf solishiga yo'l qo'ymaslik uchun tayanch yaratish va boshqalar.²

Britaniya rasmiy vakillari tomonidan Markaziy Osiyo hududi geografik o'rni, undagi daryo va tog'lar, muhim yo'llar, ushbu hududda joylashgan davlatlar aholisi, iqtisodiy imkoniyatlari: savdo munosabatlari va tabiiy boyliklari, harbiy xolati, jang taktikasi, mahalliy hukmdorlarning nufuzi, ularning Rossiya bilan munosabatlari to'g'risida ma'lumot to'plash va O'zbek xonliklarini Britaniya bilan harbiy, siyosiy va iqtisodiy sohadagi aloqalarni o'rnatish va mustahkamlash, zarur bo'lsa, ularni o'zaro ittifoqqa kelishtirish orqali rus bosqinidan saqlab qolish maqsadida o'z joususlarini yubordi.

¹ Мухаммаджанов Р. Неъматов Т. Бухоро ва Хиванинг Россия билан муносабатлари тарихига доир баъзи манбалар.-Т.:Ўзбекистон ССР Фанлар Академияси,1957. – 224 б.

² Халфин А.Н. Политика России в Средний Азии (1847-1868). – М.: Издательства восточный литературы, 1960. – 272 с.

ADABIYOTLAR RO'YXATI

1. Boltayev, Bobir Baxtiyorovich. "BUXOROLIK MINIATURACHIRASSOM SADRIDDIN POCHCHAYEV IJODIGA BIR NAZAR." *Scientific progress* 1.6 (2021): 998-1004.
2. Rajabov, Oybek Iskandarovich. "BUXORODAGI AYRIM MUQADDAS QADAMJO-QAL'ALAR XUSUSIDA." *Scientific progress* 1.6 (2021): 1162-1168.
3. Умаров, Б. Б. "НА КИСЛЯКОВ ТАДҚИҚОТЛАРИДА ЖАНУБИЙ ТОЖИКИСТОН ЭТНИК ТАРИХИ." *Scientific progress* 1.6 (2021): 1005-1009.
4. Тўраева, Г. Б., Ўтаева, Ф. Х., & Жумаева, Н. А. (2021). ОА СУХАРЕВА ТАДҚИҚОТЛАРИДА БУХОРО ТАРИХИ ВА ЭТНОГРАФИЯСИНИНГ ЎРГАНИЛИШИ. *Scientific progress*, 1(6), 1010-1018.
5. Bakhtiyorovich, Boltaev Bobir. "Excerpts from the life of the bukharian artist." *Middle European Scientific Bulletin* 12 (2021): 160-165.
6. Ochilov, A. T. "DATING OF THE ZAMANBABA CULTURE: ASSED ON ARCHAEOLOGICAL SOURCES." *Theoretical & Applied Science* 12 (2019): 589-591.
7. Mubinov, M. A. "Diplomacy of the eastern states and central asian khanates in the struggle for independence." *CENTRAL ASIAN JOURNAL OF SOCIAL SCIENCES AND HISTORY* 2.5 (2021): 26-31.
8. Maksud, Beshimov. "Markets of Bukhara." *CENTRAL ASIAN JOURNAL OF SOCIAL SCIENCES AND HISTORY* 2.5 (2021): 18-21.
9. Sharopov, Dilshod Ravshan O'G'Li. "ABDURAZZOQ SAMARQANDIYNING "MATLAI SA'DAYN VA MAJMAI VAHRAYN" ASARINING O'RGANILISH TARIXI." *Scientific progress* 2.1 (2021): 358-361.
10. Очиллов, Алишер Тўлис Ўғли. "БУХОРО ВОҲАСИ ШАКЛЛАНИШИДА ЗАРАФШОН ДАРЁСИНИНГ ЎРНИ ВА ВОҲА ТАРИХИЙ ГЕОГРАФИЯСИГА ДОИР АЙРИМ МУЛОҲАЗАЛАР." *Scientific progress* 1.6 (2021): 933-938 Murodova, Dilrabo Shomurodovna, and Feruza Xolmamatovna O'tayeva. "TF Gelax tadqiqotlarida Buxoro shahri mudofaa tizimining organilishi." *The Fifth International Conference on History and Political Sciences*. 2015.
11. Turaevich, Halimov Talat. "From the history of economic relations between central asia and india (XV-XVII centuries)." *CENTRAL ASIAN JOURNAL OF SOCIAL SCIENCES AND HISTORY* 2.5 (2021): 22-25.
12. OCHILOV, Alisher. "JEWELRYC TRADITION IS A SOURCE OF STUDY OF BUKHARA HISTORY." *Bayterek Uluslararası Akademik Araştırmalar Dergisi* 1.1: 105-116.
13. Бобожонова, Феруза Хаятовна. "БУХОРО МАДРАСАЛАРИ МАЪНАВИЯТ ДУРДОНАСИ." *Scientific progress* 2.1 (2021): 362-366.

14. Муродова, Дилрабо Шомуродовна. "ИККИНЧИ ЖАҲОН УРУШИ ЙИЛЛАРИДА БУХОРОДА ИЛМ ВА ФАН (БУХОРО ПЕДАГОГИКА ИНСТИТУТИ МИСОЛИДА)." *Scientific progress* 2.1 (2021): 660-664.

15. Ochilov Alisher. "The Role of Zamanbaba Culture in The Social and Economic History of Bukhara Oasis During Bronze Age." *CENTRAL ASIAN JOURNAL OF SOCIAL SCIENCES AND HISTORY* 2.4 (2021): 42-47.

16. JAMOLOVA, DILNOZA MUYIDDINOVNA. "THE END OF THE EMIRATE OF BUKHARA: THE END OF THE POLITICAL STRUGGLE BETWEEN THE JADIDS AND THE ULEMA." *International Journal of Philosophical Studies and Social Sciences* 1.1 (2021).

17. Jamolova, D. M. "Traveling to Modernity: Perception of Modernity of the Central Asian Muslims in the early 20th century." *International Journal of Psychosocial Rehabilitation* 9.24 (2020): 4202-4207.

18. Темиров Ф., Исломов Д. САДРИДДИН АЙНИЙ–ЗАМОНДОШИ ФИТРАТ ҲАҚИДА //Scientific progress. – 2021. – Т. 2. – №. 1. – С. 1349-1354.

19. Темиров Ф., Халикова Н. БУХОРО АМИРЛИГИДА ТАШҚИ СИЁСАТ ВА ДИПЛОМАТИЯНИНГ РИВОЖЛАНИШИ ТАРИХИДАН //Scientific progress. – 2021. – Т. 2. – №. 1. – С. 1276-1282.

20. Темиров Ф., Умаров Б. БУХОРО АМИРЛИҚДА ОИЛА, НИКОҲ ВА МЕРОС ҲУҚУҚИНИНГ АМАЛДА ҚЎЛЛАНИШИ //Scientific progress. – 2021. – Т. 2. – №. 1. – С. 1201-1207.

БУХАРА И СЕФЕВИДСКИЙ ИРАН: ОСНОВНЫЕ ТЕНДЕНЦИИ ВЗАИМООТНОШЕНИЙ

*Тураев Х.
д.и.н. проф.*

Когда шейбаниды в Мавераннахре пришли к власти, в сопредельной части Азии образовались три политические силы: шейбаниды в Мавераннахре, сефевиды в Иране, бабуриды в Индии. Противостояние их интересов вокруг Хорасана, который являлся важным военно-политическим и торгово-экономическим пунктом, было вполне очевидно. На этой почве между шейбанидами и сефевидами началась острая борьба. Существуют еще другие предпосылки ухудшения отношений между двумя правящими кругами сефевидов и шейбанидов, которые частично связаны с религиозной идеологией. Как известно, Исмаил Сефеви (1502-1524) после установления своей власти в Иране провозгласил шиизм как государственная религия. Это вызвало недовольство Мухаммеда Шейбанихана. Когда оба государя обменивались письмами памфлетного содержания, Шейбани-хан в одном из этих писем осыпал Исмаила Сефеви упреками в не заслуженном возвеличивании шиизма и, даже предложил ему отказаться от этого. В целом, в суннитском Мавераннахре, шиизм

рассматривался как еретическое течение. Это безусловно отразилось на внешней политике бухарских правителей в отношении Сефевидского Ирана. Сефевидский Иран также был беспокоен тем, что распространение суннизма на территории Ирана, может способствовать ослаблению политического авторитета власть предержащих.

Шейбаниды опасались того, что если они не будут противостоять военной экспанции шаха Исмаила, шиизм может получить распространение и в Мавераннахре. Факт был очевидным, что Шах Исмаил завоевав Герат, насильственным образом попытался обратить суннитское население города в шиизм. Помимо того, шейбаниды, считавшие себя легитимными преемниками тимуридов, хотели возвратить тимуридские владения в Хорасане.

Бухарские правители из династии шейбанидов более полувека предпринимали попытки отвоевать Мешхед и Герат у Сефевидов. Убайдулла-хан, Абдулла-хан со своим преемником Абдулмумином были явными противниками Сефевидского Ирана в течение всего XVI века. После смерти шаха Исмаила бухарский правитель Убайдулла-хан неоднократно вступал в сражение с шах Тахмаспом (1524-1576), чтобы завладеть Гератом и Мешхедом. Например в 1525 году он через Мерв двинулся в Мешхед и овладел городом. Борьба эта в большинстве случаев сопровождалась с переменным успехом. Для пополнения армии новыми силами Убайдулла-хан вернулся в Бухару и добился намеренного. Его ополчение состояло из кочевых племен и горожан со всего Мавераннахра, Туркестана и Дашти Кипчака.

Через некоторое время шах Тахмасп двинулся в Хорасан. Убайдулла-хан хотел окончательно разгромить войска шаха Тахмаспа, так как его армия имела численное преимущество над противником. У сефевидов было 24 тыс. человек, а под начальством Убайдулла-хана 120 тыс. Убайдулла-хан выиграл первый бой, однако, в дальнейшем успех отвернулся от него. В бою он получил ножевой удар по спине и потерял сознание. Но телохранителям удалось быстро увести его с поля боя. Это событие произошло в 1529 году. На некоторое время он даже потерял слух. Таким образом, Герат вновь перешел к шах Тахмаспу.

Шах Тахмасп в Герате находился около двух с половиной месяца. Затем, из-за того, что на западных границах страны было неспокойно, вынужден был переместит главные силы в сторону запада. Тем временем, Убайдулла-хану снова открылась дорога на Герат.

События 1532 года развернулись таким образом. К этому времени в Мешхеде наместником был Абд ал-Лазиз-хан, будущий правитель Бухары. Сефевиды под Нишапуром наголову разбили шейбанидов и под их натиском Абд ал-Лазиз-хан оставил Мешхед. Герат также перешел к шах Тахмаспу. Спустя три года, т.е. в 1535 году Мешхед вновь утвердился под рукой Убайдулла-хана. В 1537 году власть шейбанидов в Герате

установилась прочно и Убайдулла-хан двинулся дальше к Мешхеду через Бохарз. Но его известили о том, что шах Тахмасп уже выступил в поход на Хорасан и скоро он будет в Герате.

Убайдулла-хан устроил военный совет, на котором обсуждался вопрос дальнейшего действия. Эмирам предложил свой план военных действий с противником. Их уверял в том, что силы противника измотаны и шейбаниды имеют явное преимущество. Но его доводы не были приняты эмирами. Эмиры не хотели воевать, а скорее всего вернуться в Бухару. Даже угрожали верховному правителю, что если он не прислушивается к их мнению, то они уйдут в Мавераннахр без его согласия, а его также заберут с собой насильно. Убайдулла-хан вынужден был принять их условия и шейбанидские войска вернулись в Бухару.

За время пребывания Убадулла-хана в Герате часто пострадали представители сефевидской администрации. Смена власти в Герате вынуждала их приспособиться к порядкам завоевателей. В провинциальных городах, крепостях, селениях было немало сторонников и единоверцев Убайдулла-хана. Шиизм там еще не получил широкого распространения. Жители этих мест встречали бухарскую армию с радостью. Судя по источникам, когда бухарские войска вошли в провинциальный город Гурийан к западу от Герата, по дороге на Мешхед, тамошний сефевидский правитель Ходжа Калан, который был суннитом, со своими единомышленниками вышел ему на встречу. Он оказал снисхождение Убайдулла-хану и при этом произнес нехорошие слова в адрес шаха Тахмаспа. Позднее, когда сюда прибыли сефевидские войска, доносчики сообщили шаху Тахмаспу о недостойном поведении Ходжа Калана. По приказу шах Тахмаспа Ходжа Калан был казнен жестоким образом. Следовательно, смена властей во всех случаях сопровождалась тяжелыми эксцессами.

В 1539 году Убайдулла-хан умер и тем самым 15-летний спор между этими двумя правителями за Герат завершился.

Этот период был самым напряженным в сефевидско-бухарских отношениях. В результате больше всего пострадал Герат и частично Мешхед.

При бухарском правителе Абд ал-Лазиз-хане (1540-1550) в сефевидско-бухарских отношениях наблюдается относительное спокойствие. Спустя десять лет, т.е. в 1550 году шейбанид Науруз Ахмадхан возобновил военные действия против сефевидов и оказался у подножия Герата. Однако, через три недели сняв осаду, двинулся обратно.

В 60-х гг. XVI в. противоречия между сефевидами и бухарскими правителями обрели новую почву. Сефевиды установили контроль на дорогах, ведущих в хадж и, притесняли паломников, разграбили их имущества. Это вызвало недовольство мавераннахрских паломников, которые часто обращались к Абдулла-хану в надежде положить конец

этому безобразию. Такие поступки сефевидов в отношении паломников вызвали гнев эмиров Абдулла-хана и, они не раз предлагали ему совершить поход на Хорасан. Его духовный наставник Ходжа Ислам Джуйбари также подстрекал его против шиитов. С учетом этих обстоятельств, в 1561 году Абдулла-хан готовился предпринять военные действия против сефевидов. Но этому помешали внутренние разногласия и поход был отменен.

В период правления Абдулла-хана (1557-1598) имело место торгово-экономические отношения Бухары со сефевидами. Абдулла-хан в этом плане опирался на общественно-духовный авторитет и возможности бухарских Джуйбарских ходжей. Как известно, с их товаров на границе с сефевидском Ираном, не взимали таможенной пошлины. Абдулла-хан даже пожаловал Ходжа Саьду Джуйбари земли в качестве дарубаст на территории Язда и Исфахана.

Преемник Абдулла-хана Абд ал-Мумин продолжил традиционную политику своих предшественников по отношению к сефевидскому Ирану. В 1587 году он осадил Герат, которая продолжалась десять месяцев. С обеих сторон было много человеческих потерь. Ввиду голода и холода погибло много человек. Тем не менее, Абд ал-Мумину удалось установить контроль над городом. В 1589 году Абд ал-Мумин предпринял новый поход на Мешхед и осадил город. Попытка мешхедцев договориться с Абд ал-Мумином об условиях сдачи города не увенчалась успехом. Наоборот, он казнил эмира, посланного для переговоров. После четырехмесячной осады город был взят приступом с всех сторон. Взятие города сопровождалось погромами, поджогами и грабежом. Пленных отправляли в Мавераннахр. Разрушена могила шаха Тахмаспа, которая находилась около святыни имама Али Риза. Останки шаха Тахмаспа сожжены.

Иранские города Керман, Тебес, Исфаган, Нишапур, Казвин долгое время оставались очагом военных столкновений между Бухарой сефевидским Ираном. Противоборствующие стороны, особенно бухарские войска ограничивались мелкими стычками.

После смерти авторитетного эмира Бухары Кульбаба кукельташа, вслед за тем Абд ал-Мумина, захваченные бухарцами иранские города, постепенно отходили к сефевидам. Шах Аббас отвоевал Герат у Динмухаммада.

Таким образом, почти вековая борьба между Бухарой и сефевидским Ираном имела как религиозную, так и политическую почву.

Интересен факт о том, что аштарханид Надрмухаммад-хан имел иранское происхождение. Это засвидетельствовано следующими сведениями источников. В 1598 году, когда бухарские войска очередной раз устроили резню в Мешхеде, тогда военными действиями руководил один из военачальников Динмухаммад-хан. При разгаре событий, к Динмухаммадхану явился влиятельное духовное лицо Мешхеда Мирза

Абу Талиб - представитель дома Имама Риза. Он просил пощаду для своей семьи, и заявил о том, что готов выдать за Динмухаммад-хана свою дочь. Предложение было принято Динмухаммад-ханом. От этого брака родился будущий правитель Бухары – аштарханид Надрмухаммад-хан.

Что примечательно, Надрмухаммад-хан когда потерял власть в Бухаре в 1645 и попал в опалу, нашел политическое убежище у сефевидского правителя шаха Аббаса II (1642-1666). В течение двух с половиной года он находился при нем. В это время шах Аббас II не раз предложил ему свою военную помощь в возвращении бухарского престола. Но каждый раз он отказался, будучи не уверен в себе.

Аштарханид Абд ал-Лазиз-хан во внешних отношениях со сефевидским Ираном проводил политику мирного сосуществования. Это подтверждается следующим фактом. В преклонные годы, когда он собирался совершить хадж, передал иранскому правителю шах Сулейману (1667-1694) в качестве подарка различные драгоценности, среди которых и был диван Хафиза. Диван был оформлен искусным бухарским каллиграфом Ходжа Ядгаром в течение семи лет. Шах Сулейман не обратив никакого внимания на другие прочие подарки, взял книгу и сказал: «Сегодня Абд ал-Лазиз-хан подарил мне в сокровищнице этого переплета все дары земного шара»

При этом следует отметить, что в последующие периоды, т.е. при аштарханидах в бухарско-сефевидских отношениях наблюдается другая тенденция, которая ознаменуется торгово-экономическими и культурными связями.

Литература

1. Бадр ад-Дин Кашмири. Равзат ар-ризван. Рукопись ИВАН РУз.
2. Вохидов Ш., Тангиркулов Ж. Поход Исмаила Сефеви на Хорасан и гибель Шейбани-хана. - «Марказий Осиё халклари тарихи манбашунослиги ва тарихнавислиги масалалари» мавзусидаги Республика 5-илмий конференциясининг материаллари. – Тошкент, 2013. – Б. 125-141.
3. Мухаммад Юсуф Мунши. Муким-ханская история / Перевод с таджикского, предисловие, примечания А. А.Семенова. – Ташкент: Фан, 1956.
4. Туманович Н. Н. Герат в XVI-XVIII веках. – Москва: Наука, 1989.

СПИСОК ЛИТЕРАТУРЫ

1. Boltayev, Bobir Baxtiyorovich. "BUXOROLIK MINIATURACHIRASSOM SADRIDDIN POCHCHAYEV IJODIGA BIR NAZAR." *Scientific progress* 1.6 (2021): 998-1004.
2. Rajabov, Oybek Iskandarovich. "BUXORODAGI AYRIM MUQADDAS QADAMJO-QAL'ALAR XUSUSIDA." *Scientific progress* 1.6 (2021): 1162-1168.

3. Умаров, Б. Б. "НА КИСЛЯКОВ ТАДҚИҚОТЛАРИДА ЖАНУБИЙ ТОЖИКИСТОН ЭТНИК ТАРИХИ." *Scientific progress* 1.6 (2021): 1005-1009.
4. Тўраева, Г. Б., Ўтаева, Ф. Х., & Жумаева, Н. А. (2021). ОА СУХАРЕВА ТАДҚИҚОТЛАРИДА БУХОРО ТАРИХИ ВА ЭТНОГРАФИЯСИНИНГ ЎРГАНИЛИШИ. *Scientific progress*, 1(6), 1010-1018.
5. Bakhtiyorovich, Boltaev Bobir. "Excerpts from the life of the bukharian artist." *Middle European Scientific Bulletin* 12 (2021): 160-165.
6. Ochilov, A. T. "DATING OF THE ZAMANBABA CULTURE: ASSED ON ARCHAEOLOGICAL SOURCES." *Theoretical & Applied Science* 12 (2019): 589-591.
7. Mubinov, M. A. "Diplomacy of the eastern states and central asian khanates in the struggle for independence." *CENTRAL ASIAN JOURNAL OF SOCIAL SCIENCES AND HISTORY* 2.5 (2021): 26-31.
8. Maksud, Beshimov. "Markets of Bukhara." *CENTRAL ASIAN JOURNAL OF SOCIAL SCIENCES AND HISTORY* 2.5 (2021): 18-21.
9. Sharopov, Dilshod Ravshan O'G'Li. "ABDURAZZOQ SAMARQANDIYNING "MATLAI SA'DAYN VA MAJMAI BAHRAYN" ASARINING O'RGANILISH TARIXI." *Scientific progress* 2.1 (2021): 358-361.
10. Очиллов, Алишер Тўлис Ўғли. "БУХОРО ВОҲАСИ ШАКЛЛАНИШИДА ЗАРАФШОН ДАРЁСИНИНГ ЎРНИ ВА ВОҲА ТАРИХИЙ ГЕОГРАФИЯСИГА ДОИР АЙРИМ МУЛОҲАЗАЛАР." *Scientific progress* 1.6 (2021): 933-938 Murodova, Dilrabo Shomurodovna, and Feruza Xolmamatovna O'tayeva. "TF Gelax tadqiqotlarida Buxoro shahri mudofaa tizimining organilishi." *The Fifth International Conference on History and Political Sciences*. 2015.
11. Turaevich, Halimov Talat. "From the history of economic relations between central asia and india (XV-XVII centuries)." *CENTRAL ASIAN JOURNAL OF SOCIAL SCIENCES AND HISTORY* 2.5 (2021): 22-25.
12. OCHILOV, Alisher. "JEWELRYC TRADITION IS A SOURCE OF STUDY OF BUKHARA HISTORY." *Bayterek Uluslararası Akademik Araştırmalar Dergisi* 1.1: 105-116.
13. Бобожонова, Феруза Хаятовна. "БУХОРО МАДРАСАЛАРИ МАЪНАВИЯТ ДУРДОНАСИ." *Scientific progress* 2.1 (2021): 362-366.
14. Муродова, Дилрабо Шомуродовна. "ИККИНЧИ ЖАҲОН УРУШИ ЙИЛЛАРИДА БУХОРОДА ИЛМ ВА ФАН (БУХОРО ПЕДАГОГИКА ИНСТИТУТИ МИСОЛИДА)." *Scientific progress* 2.1 (2021): 660-664.
15. Ochilov Alisher. "The Role of Zamanbaba Culture in The Social and Economic History of Bukhara Oasis During Bronze Age." *CENTRAL ASIAN JOURNAL OF SOCIAL SCIENCES AND HISTORY* 2.4 (2021): 42-47.

16. JAMOLOVA, DILNOZA MUYIDDINOVNA. "THE END OF THE EMIRATE OF BUKHARA: THE END OF THE POLITICAL STRUGGLE BETWEEN THE JADIDS AND THE ULEMA." *International Journal of Philosophical Studies and Social Sciences* 1.1 (2021).

17. Jamolova, D. M. "Traveling to Modernity: Perception of Modernity of the Central Asian Muslims in the early 20th century." *International Journal of Psychosocial Rehabilitation* 9.24 (2020): 4202-4207.

18. Темиров Ф., Исломов Д. САДРИДДИН АЙНИЙ–ЗАМОНДОШИ ФИТРАТ ҲАҚИДА //Scientific progress. – 2021. – Т. 2. – №. 1. – С. 1349-1354.

19. Темиров Ф., Халикова Н. БУХОРО АМИРЛИГИДА ТАШҚИ СИЁСАТ ВА ДИПЛОМАТИЯНИНГ РИВОЖЛАНИШИ ТАРИХИДАН //Scientific progress. – 2021. – Т. 2. – №. 1. – С. 1276-1282.

20. Темиров Ф., Умаров Б. БУХОРО АМИРЛИҚДА ОИЛА, НИКОҲ ВА МЕРОС ҲУҚУҚИНИНГ АМАЛДА ҚЎЛЛАНИШИ //Scientific progress. – 2021. – Т. 2. – №. 1. – С. 1201-1207.

CHORIQLBOY HAYOTIGA BIR NAZAR

*Ahmadov Humoyun Hamzayevich-
BuxDU Tarix va madaniy
meros fakulteti talabasi*

Tarix ilmi o'tgan qavmlarning umumiy ahvolini bizlarga ibrat va dasturilamal qilib muhokama etadi. Bu ilm, avvalo, ikki qismdan iborat: 1. Muqaddas tarix. 2. Madaniyat tarixi.

Muqaddas tarix – anbiyolar ahvoli va hazrati Payg'ambarimiz siyratlarini bizga tushuntiradi. Jamiyat tarixi esa uch qismga bo'linadi: 1. Ilm va adabiyot tarixi, 2.tabiiy tarix, 3.siyosiy tarix [1.99] Biz fikrimizni vatandoshimiz, buyuk jadid ma'rifatparvari, professor Abdurauf Fitratning tarix ilmi haqidagi qarashlari bilan boshlashimiz bejiz emas. Zero, tarix bir ko'zguga o'xshaydi, har bir millat o'zining ahvoli ijtimoiy hayot qoidalarini unda ko'rib, yaxshini yomondan, haqiqatni yolg'ondan ajrata oladi. XIX asrning 2-yarmi XX asrning dastlabki choragida yashagan vatandoshimiz Choriqulboy va uning 1914-1917-yillarda Zarafshon daryosi ustida qurdirgan ko'prigi nafaqat Sharq, balki G'arb dunyosi sharqshunoslarini ham qiziqtirib kelmoqda. Choriqulboyning o'z ko'zi bilan ko'rgan o'zbek hajvnavis adibi Ne'mat Aminovning otasi, temirchi usta Amin bobo shunday eslaydi: "Choriqulboyning o'zini ko'rganman, Bo'yi uzun, chayir, cho'qqi soqqoli kishi edi. Boshida telpak, uzun qalami chopon kiyib, belini chilvir bilan bog'lagan, oyog'ida malla kovush..." [2.28.] Qarangki, uzoq tarixga ega xalqimiz vakilining tashqi ko'rinishining o'zida shijoat va bardosh, milliy ruh va olam taraqqiyoti uchun da'vat etuvchi kuch, harakat, mehrshavqat, rag'bat va adolat bor. Temirchi o'z fikrida davom etib, biz bilgan mashhur ko'priknining qurilish jarayoni haqida fikr yuritadi: " O'shanda daryo to'lib oqardi. Men ham akam bilan ikki kun ko'priknining qurilishiga qatnashganman.

Mis qozonlarda ertalab shirchoy, peshinlikda palav, kechlikda sho'rva pishirilar edi. Tandir-tandir patir yopilardi. Har kuni o'nlab qo'y so'yilar edi. Hasharchi ham ko'p, xizmatkor ham. Bamisoli katta saylgohga aylangan edi. [3.28] Shu o'rinda holatni Xondamirning "Makorimul-ahloq" asarida keltirilgan Hazrat Alisher Navoiyning Hirot shahridagi "Injil" arig'i bo'yida barpo qilgan qurilishlar jarayoniga qiyoslash o'rinlidir.

Ko'prik bitgach Choriqulboy Buxoro amiri, mang'itlar sulolasining so'ngi sakkizinchi vakili Amir Sayid Olimxonga shaxsan o'zi keladi. "Janobi oliy, ko'prik qurulishi bitdi. Shu ko'prikdan birinchi bo'lib o'zingiz qadam ranjida qilib, tabarruk qiling", - deydi. Lekin, nomalum sababga ko'ra amir o'zi kelmay, brr us konsulini yuboradi. Shunda Choriqulboy ko'ziga yosh olib, "Obbo shuncha xunoba yeb ko'rgan ko'prigimizdan birinchi bo'lib g'ayri din o'tdi-ya", - degan ekan entikib. Choriqulboyning xalq orasida obro'-e'tibori juda baland bo'lgan. Temirchining quyidagi xotirasi fikrimizni dalillaydi: "Sho'rcha qishlog'ida Choriqulboy, Ibrohimboy, Xolboy dalli degan boylar o'tgan. Ayniqsa, Choriqulboyning dovruqi olamni tutgan edi. Qo'ylarning son hisobini bilmas ekan. Bir kuni hovlimizda bir to'p mehmon keldi. Qishlog'imizning arbobi Ortiq cho'loq o'sha katta hovlini uch kun tozalatgan edilar. Mehmonlar keldi. Gijinglagan chavkar otda, simobiy salla, chorjo'yi yoqali chakmon, baland poshnali etik kiygan, qora soqqolli bir yigit, yoniga yana uch to'rt suvoriy kelib tashqari hovliga tushdi. "Choriqulboy kelibdi", degan ovoza tarqaldi. Keyin bilsak, bu Choriqulboyning o'zi emas, yetimi ekan. [2:27] 1920-yilda Buxoro amiri Sayid Olimxon Afg'onistonga qochganidan so'ng, qizil aqidaparastlar xalqqa foydasi tekshirildi, ko'prikni buzmoqchi bo'ladilar. Maqsad: ko'prikning g'ishtidan Xayrabod ustiga klub qurish edi. Ko'prikning buzilishidan xabar topgan Choriqulboy faryod chekib, o'zini kirka damiga tashlaydi. Klubni ham o'z puli evaziga qurib berish sharti bilan ko'prikni saqlab qoladi. Ertasiga Xayrabod bo'yiga qo'lbola g'isht xumdon tiklab, yantoq bilan g'isht pishirishga kirishadilar. Alqissa, Xayrabod bo'yidagi klubni ham Choriqulboy qurib beradi. Hozirgi kunda Buxoro viloyati Qorovulbozor hududi Urusquduq cho'l massividagi qorako'l zotli qo'ylarning egasi, 1988-1993-yillarda "Bauman" nomli Qazon veterinariya institutida o'qigan Choriqulboyning izdoshi Asqar Hayitov imtihon jarayonlarida rus millati professorlari Choriqulboy va uning ko'prigi haqida o'nlab savollar berganini eslaydi. (muallifning shaxsiy suhbatidan). Quloqlashtirish siyosati ta'srida Choriqulboyning butun avlodlari bilan o'zi qurgan klubga qamaydilar. Qo'ylarini odamlar talab ketadi. Qirq sakkizming boshini davlat musodara etadi. U qamoqda ekanida o'g'li bilan yuzlashtiradilar. O'g'li undan yuz o'giradi. Temirchining eslashicha, o'sha o'g'il bir umr tirnoqqa zor bo'lib o'tadi.

Buxoroning tuzli suv va sho'rtoq o'tiga o'rgangan qo'ylar ham ma'lumotlarga ko'ra yo'qolib ketadi, o'lib bitadi.

Qur'onning 7. A'rof surasi, 181-oyatida "Biz yaratgan zotlar orasida shunday jamoat ham borki, ular haq so'z bilan odamlarni to'g'ri yo'lga boshlarlar va haq hukmlar bilan adolat qilurlar. [3:250]

Darhaqiqat, yuqoridagi oyati karima tarix bilimdonlari uchun aytilgan deb o'ylayman. Buxoroda Ubaydulla Xo'ja, Choriqulboy, Samarqandda Olim paxtafurush kabi oliy himmat va badavlat yurtdoshlarimizning xotirasi barhayot bo'lsin. Tarixni va tarixda yashab o'tgan ajdodlarimiz hayot-faoliyatini tiniq va yorqin ranglarda ilmiy-nazariy asoslash bugungi zamon tarixshunoslarning muhim vazifasidir.

ADABIYOTLAR RO'YXATI

1. Boltayev, Bobir Baxtiyorovich. "BUXOROLIK MINIATURACHI-RASSOM SADRIDDIN POCHCHAYEV IJODIGA BIR NAZAR." *Scientific progress* 1.6 (2021): 998-1004.
2. Rajabov, Oybek Iskandarovich. "BUXORODAGI AYRIM MUQADDAS QADAMJO-QAL'ALAR XUSUSIDA." *Scientific progress* 1.6 (2021): 1162-1168.
3. Умаров, Б. Б. "НА КИСЛЯКОВ ТАДҚИҚОТЛАРИДА ЖАНУБИЙ ТОЖИКИСТОН ЭТНИК ТАРИХИ." *Scientific progress* 1.6 (2021): 1005-1009.
4. Тўраева, Г. Б., Ўтаева, Ф. Х., & Жумаева, Н. А. (2021). ОА СУХАРЕВА ТАДҚИҚОТЛАРИДА БУХОРО ТАРИХИ ВА ЭТНОГРАФИЯСИНИНГ ЎРГАНИЛИШИ. *Scientific progress*, 1(6), 1010-1018.
5. Bakhthiyorovich, Boltaev Bobir. "Excerpts from the life of the bukharian artist." *Middle European Scientific Bulletin* 12 (2021): 160-165.
6. Ochilov, A. T. "DATING OF THE ZAMANBABA CULTURE: ASSED ON ARCHAEOLOGICAL SOURCES." *Theoretical & Applied Science* 12 (2019): 589-591.
7. Mubinov, M. A. "Diplomacy of the eastern states and central asian khanates in the struggle for independence." *CENTRAL ASIAN JOURNAL OF SOCIAL SCIENCES AND HISTORY* 2.5 (2021): 26-31.
8. Maksud, Beshimov. "Markets of Bukhara." *CENTRAL ASIAN JOURNAL OF SOCIAL SCIENCES AND HISTORY* 2.5 (2021): 18-21.
9. Sharopov, Dilshod Ravshan O'G'Li. "ABDURAZZOQ SAMARQANDIYNING "MATLAI SA'DAYN VA MAJMAI VAHRAYN" ASARINING O'RGANILISH TARIXI." *Scientific progress* 2.1 (2021): 358-361.
10. ОЧИЛОВ, Алишер Тўлис Ўғли. "БУХОРО ВОҲАСИ ШАКЛЛАНИШИДА ЗАРАФШОН ДАРЁСИНИНГ ЎРНИ ВА ВОҲА ТАРИХИЙ ГЕОГРАФИЯСИГА ДОИР АЙРИМ МУЛОҲАЗАЛАР." *Scientific progress* 1.6 (2021): 933-938 Murodova, Dilrabo Shomurodovna, and Feruza Xolmamatovna O'tayeva. "TF Gelax tadqiqotlarida

Buxoro shahri mudofaa tizimining organilishi." *The Fifth International Conference on History and Political Sciences*. 2015.

11. Turaevich, Halimov Talat. "From the history of economic relations between central asia and india (XV-XVII centuries)." *CENTRAL ASIAN JOURNAL OF SOCIAL SCIENCES AND HISTORY* 2.5 (2021): 22-25.

12. OCHILOV, Alisher. "JEWELRYC TRADITION IS A SOURCE OF STUDY OF BUKHARA HISTORY." *Bayterek Uluslararası Akademik Araştırmalar Dergisi* 1.1: 105-116.

13. Бобожонова, Феруза Хаятовна. "БУХОРО МАДРАСАЛАРИ МАЪНАВИЯТ ДУРДОНАСИ." *Scientific progress* 2.1 (2021): 362-366.

14. Муродова, Дилрабо Шомуродовна. "ИККИНЧИ ЖАҲОН УРУШИ ЙИЛЛАРИДА БУХОРОДА ИЛМ ВА ФАН (БУХОРО ПЕДАГОГИКА ИНСТИТУТИ МИСОЛИДА)." *Scientific progress* 2.1 (2021): 660-664.

15. Ochilov Alisher. "The Role of Zamanbaba Culture in The Social and Economic History of Bukhara Oasis During Bronze Age." *CENTRAL ASIAN JOURNAL OF SOCIAL SCIENCES AND HISTORY* 2.4 (2021): 42-47.

16. JAMOLOVA, DILNOZA MUYIDDINOVNA. "THE END OF THE EMIRATE OF BUKHARA: THE END OF THE POLITICAL STRUGGLE BETWEEN THE JADIDS AND THE ULEMA." *International Journal of Philosophical Studies and Social Sciences* 1.1 (2021).

17. Jamolova, D. M. "Traveling to Modernity: Perception of Modernity of the Central Asian Muslims in the early 20th century." *International Journal of Psychosocial Rehabilitation* 9.24 (2020): 4202-4207.

18. Темиров Ф., Исломов Д. САДРИДДИН АЙНИЙ–ЗАМОНДОШИ ФИТРАТ ҲАҚИДА //Scientific progress. – 2021. – Т. 2. – №. 1. – С. 1349-1354.

19. Темиров Ф., Халикова Н. БУХОРО АМИРЛИГИДА ТАШҚИ СИЁСАТ ВА ДИПЛОМАТИЯНИНГ РИВОЖЛАНИШИ ТАРИХИДАН //Scientific progress. – 2021. – Т. 2. – №. 1. – С. 1276-1282.

20. Темиров Ф., Умаров Б. БУХОРО АМИРЛИҚДА ОИЛА, НИКОҲ ВА МЕРОС ҲУҚУҚИНИНГ АМАЛДА ҚЎЛЛАНИШИ //Scientific progress. – 2021. – Т. 2. – №. 1. – С.1201-1207.

BUXORO AMIRLIGINING O'Z MUSTAQILLIGI UCHUN KURASHLARDAGI DIPLOMATIYASI

*Mubinov Muhammadali Akobirovich -
BuxDU o`qituvchisi*

Buxoro amirligining XVII-XIX asrning birinchi yarmidagi tashqi siyosiy va diplomatik faoliyati amirlikning to`la huquqli va mustaqil subyekt bo`lganligidan dalolat beradi. Xonliklar tashkil topgan bir davrda Movarounnahr hududida faol siyosiy, ijtimoiy-iqtisodiy jarayonlar kechmoqda edi. Rossiya bosqini arafasigacha bo`lgan davrda Buxoro amirligi faoliyati katta ahamiyatga

molik hisoblanadi. Jahon tarixshunosligida alohida qiziqish uygʻotgan Buxoro amirligi tarixini oʻrganish, ilmiy, xolisona tahliliy fikrlar bildirish masalasida katta yutuqlarga erishilmoqda. Buxoro amirligi bilan tashqi siyosiy va iqtisodiy aloqalar oʻrnatish, savdo-sotiq ishlarini olib borish Angliya, Germaniya, Rossiya, Turkiya, Eron uchun muhim ahamiyatga ega boʻlib, bu tashqi aloqalar nihoyatda zarur edi.

Buxoro amirligining Rossiya imperiyasi bosqini arafasidagi diplomatik munosabatlari teng huquqlilik asosida ikki tomonlama va koʻp tomonlama kechgan. XVIII asrning ikkinchi choragida Buxoro amirligi bir necha xorijiy davlatlar bilan oʻzaro diplomatik aloqalarni yoʻlga qoʻydi. Jumladan, 1779-yilda Buxoro amiri Doniyolbiy otaliq Ernazar Maqsud oʻgʻlini Rossiya va Usmoniylar davlatiga elchi qilib tayinlaydi. U Usmoniylar va Rossiya bilan ikki tomonlama oʻzaro manfaatli aloqalarni mustahkamlashi zarur edi. Buxoro elchisini Yekaterina II va turk sultoni Abdulhamid I yaxshi qabul qiladi. Oʻrtada Buxoro-Usmoniy, Buxoro-Rossiya munosabatlariga doir suhbatlar boʻlib oʻtadi¹. Doniyolbiy otaliq 1783-1784-yillarda Abdulhamid I huzuriga (Istanbulga) ikkinchi marta Muhammad Sharif boshchiligidagi elchilarni yuborgan. Usmoniylar sultoni javob maktubini Muhammad Sharif orqali yuborgan. 1786-yilda sulton Abdulhamid I Olamdor Mahmud Said ogʻa boshchiligidagi elchilarni Buxoroga yuboradi. Chunki turklar 1774-yilgi Rossiya bilan imzolangan “Kuchuk-Qaynarja” shartnomasidan norozi edi. Shartnomaga koʻra, Rossiyaga oʻtgan Qrimni qaytarib olish uchun Rossiyaga qarshi Usmoniylar sultoni amir Shohmuroddan (1785-1800) ham siyosiy, ham maʼnaviy madad soʻraydi. Bundan koʻrinib turibdiki, Buxoro amirligi oʻsha davrda mustaqil va qudratli davlat boʻlib, tashqi aloqalarda toʻla mustaqil faoliyat olib borgan. Hattoki, amir Shohmurod Rossiya bilan Eron masalasini hal qilish va Rossiya-Turkiya urushini oldini olish uchun ham 1786-yilda Polvonqul qoʻrchi boshchiligidagi elchilarni Rossiyaga joʻnatgan. Bundan tashqari, amir Shohmurod Rossiyaning qozoq juzlari ustidan hukmronligiga qarshi chiqib, qozoq juzlari biylariga elchilari orqali maktub yoʻllagan². Ushbu maʼlumotlar shuni koʻrsatadiki, Buxoro amirlari Rossiyaga qarshi harakatlarni Rossiya bosqini xavf solmayotgan davrlardayoq boshlagan edilar.

XIX asr birinchi yarmida Buxoro-Xitoy munosabatlarida yaqinlashuv harakatlari boʻlgan. Bu harakatlar buxoroliklar tomonidan amalga oshirilgan. Xususan, Buxoro amiri Haydar (1800-1826) ikki mamlakat oʻrtasidagi oʻzaro siyosiy va savdo ishlarini yoʻlga qoʻyish maqsadida 1816-yili Qashqardagi manjur rasmiy idorasiga elchi yuborgan. Oʻrta Osiyo davlatlarining diplomatik munosabatlari qoidalariga koʻra, bu elchi bilan birga amirning maktubi va sovgʻa-salomlari ham joʻnatilgan edi. Xitoyning Manjur hukumati tomonidan

¹ Гулямов Х.Г. Из истории дипломатических отношений России с Бухарским ханством XVIII в. –Т. Фан. 1992. –С.95.

² Rahmonqulova Z. “Buxoro amirligining diplomatik aloqalari”//Jamiyat va boshqaruv. 2002. №3. – В.74-75.

rasmiy javob bo'lmagan bo'lsa-da, Buxoro-Xitoy o'rtasida savdo-iqtisodiy aloqalar davom etgan. Xullas, O'rta Osiyo davlatlari har qanday siyosiy va iqtisodiy vaziyatlarda ham qo'shni davlatlar bilan o'zaro savdo aloqalarini davom ettirganligi kuzatiladi. Shu davlatlar qatorida Buxoro amirligining Xitoy bilan olib borgan tashqi savdosi rivojlangan¹.

Buxoro amirligining tashqi aloqalari XIX asr boshlarida yanada faollashdi. Buxoro amirligining tashqi siyosati xususida El Universiteti professori G. Xembli tomonidan 1969-yili Nyu-Yorkda nashr etilgan "O'rta Osiyo" nomli kitobning o'zbek xonliklari tarixiga bag'ishlangan 13-bobida ma'lumotlar keltirilgan. Ushbu kitobda Buxoro amirligi ma'muriy-hududiy tuzilishi, tashqi diplomatiyasi, savdo aloqalari yoritilgan. 1969-yilda Londonda Jeyms Lantning "Byorns Buxoroda" kitobi chop etilib, unda Angliya hukumati topshirig'i bilan 1831-1832-yillarda Ost-Indiya kompaniyasining xodimi, leytenant Aleksandr Byornsning Buxoroga kelishi, Buxoro-Angliya o'rtasida diplomatik munosabatlarni o'rnatish bo'yicha amalga oshirgan ishlari, Buxoro-Rossiya-Turkiya-Eron munosabatlari haqida ma'lumotlar keltirib o'tilgan².

Amir Nasrullo davrida Buxoro amirligida islohotlar o'tkazilib, amirlikning tashqi ta'siri, harbiy qudrati ancha oshdi. Ammo 1845-yilda Qobul amiri Do'stmuhammadxon inglizlar ustidan g'alaba qozongandan so'ng, bir zamonlar amir Shohmurod tomonidan egallangan markazi Balxda bo'lgan hududlarni qaytarib oladi. Shundan so'ng, mang'it amirlari O'rta Osiyo hududida o'z hukmronligini qaror toptirish maqsadida siyosiy faoliyat olib bordi. Muhammad Hakimxon To'raning "Muntaxab at-tavorix" asarida Buxoro-Qo'qon munosabatlari, ushbu davr voqealari keltirilgan. Asarda Buxoro amiri qo'shinlarining Jizzaxni egallashi, Qo'qonga qarab yurishi, Qo'qon xoni Muhammadalixon qo'shinlarining mag'lubiyati aks ettirilgan. Mulla Olim Maxdum Hojining "Tarixi Turkiston" asarida yozilishicha: Buxoro amirligi XIX asrning 30-yillarida Eron bilan siyosiy aloqalar o'rnatgan hamda 1834-1835-yillarda Erondan Abdusamad Tabriziy to'pchi Buxoroga taklif etilgan. Qo'qonga qarshi urushda amir to'pchilarining boshlig'i sifatida Abdusamad Tabriziy boshchilik qilgan. N. Xanikovning "Описание Бухарского ханства" nomli asarida keltirilishicha: "Buxoro amiri 1841-yil kuzida 1000 ga yaqin sarboz, 30 ming o'zbeklar qo'shini, 11 ta to'p bilan katta qo'shinni Qo'qonga safarbar qilgan. Qo'qon bosib olingan". Shunday qilib, Buxoro amiri 1842-yilda Movarounnahrning katta qismini bosib olgan va tashqi siyosatda amirlik muhim rol o'ynay boshlagan.

XIX asrning birinchi yarmida Rossiya imperiyasi Buxoro amirligi, Qo'qon va Xiva xonliklari chegaralariga yaqinlashib qolgan, qozoqlarning Katta juz, O'rta juz va Kichik juz davlatlari imperiya tarkibiga kiritib yuborilgan edi.

¹ Qo'ldoshev Sh. Mang'itlar davrida Buxoro-Xitoy munosabatlari/Buxoro tarixi masalalari (Respublika ilmiy-nazariy anjumani materiallari). Buxoro: 2017. –B.178-179.

² Avazov Y. Buxoro amirligining tashqi iqtisodiy aloqalari (XIX-XX asr boshlari)//Moziydan sado. 2007. №1. –B.42.

Orenburg shahri Rossiya imperiyasi harbiy harakalarining mustahkam qal'asiga aylangan, Turkiston o'lkasini bosib olishga qaratilgan strategik rejalar ishlab chiqilgan, shuningdek, harbiy harakatlarni yo'naltiruvchi xaritalar tayyorlab qo'yilgan edi. O'rta Osiyo xonliklari hukmdorlari Rossiya imperiyasi bosqini xavfiga qarshi chora tadbirlar ko'rish tashvishi xonliklarni bezovta qildi. Rossiya imperiyasi bosqini arafasida mintaqada hukmdor bo'lib turgan mustaqil amir va xonlar Rossiya imperiyasi va Angliya o'rtasidagi ziddiyatlardan, Usmoniy saltanati harbiy madadidan foydalanish uchun o'z elchi va maxsus diplomatik vakillarini Britaniya Hindistoni hamda Istanbulga (Turkiya) yuborishga kirishdilar.

Xonliklar o'rtasidagi ziddiyatlar tufayli ular umumiy, yagona ittifoqni vujudga keltira olmagan edilar. Ayniqsa, Buxoro amirligi, Xiva va Qo'qon xonliklari bilan umumiy raqibga qarshi yakdil bo'lib kurash taklifini rad etib kelganligi manbalarda qayd etiladi. Qo'qon xonligidagi ayrim beklar Xudoyorxon bilan ziddiyatda bo'lib, Qurama begi Yoqubbek 50 nafar navkari bilan Sharqiy Turkistonga o'tib ketdi va bu yerda Yettishahar davlatini (1865-1877) tashkil etib, Xudoyorxonning akasi Mallaxon va Turk sultoni Abdulaziz nomidan tangalar zarb ettirdi, Usmoniylik hukmdoriga o'z Ichilarini sovg'a-salomlar bilan yubordi¹.

Rossiya imperiyasining siyosiy tazyiqi XIX asrning 50-60-yillaridan sezilarli darajada faollasha boshladi. Buxoro hukmdori Amir Muzaffar (1860-1885) Rossiya imperiyasi harbiylari Turkiston, Chimkent, Toshkent shaharlarini zabt etib, Qo'qon xonligining bir qator hududlarini egallab borayotganligi, amirlik chegaralariga yaqin kelib qolganligidan sarosimaga tushdi.

Amir 1867-yilning yozida muftiy Mulla Muhammad Xo'ja Porsoni Usmoniy hukmdor huzuriga, ya'ni Istanbulga elchi qilib uzatdi. Muhammad Xo'ja Porso amirning sovg'a-salomlari va maxfiy maktubini sulton Abdulazizga 1867-yilning 24-sentabrida topshirgan. Turk sultoni Buxoro amirligiga xayrixoh ekanligini bildirsa-da, ayni paytda amaliy harbiy yordam bera olmasligi, to'p quyuvchi va harbiy maslahatchilarini yuborishi mumkinligini bildirgan, xolos.

U sultonlik xazinasidan 50 ming qurish pul berib, Xo'ja Muhammad Porsoni hajga jo'natgan².

Amir Muzaffar ingliz qirolichasiga maktub yo'llab, inson huquqlari poymol bo'layotganligi, moddiy-ma'naviy yoram berish, hukmdor sifatida davlatni adolat bilan boshqarayotganligi kabilar haqida uni xabardor qiladi. Amirning shu mazmundagi maktubi Britaniya Hindistonidagi vitse-qiroli Jon Laurensiga ham yuborilgan edi³. Angliya qirolichasi Viktoriyaning 1872-yilda Buxoro amiri Muzaffarga yo'llagan yagona maktubi saqlanib qolgan.

¹ Qarang: To'xtiyev I. Tangalar tilga kirganda. –T.: Fan; 1989. –B.40.

² Mehmet Saroy. Rus ishg'ali devrinda Osmanli devletining Turkistan hanliklari orasindagi siyasi munasebetler (1775-1875). Istanbul, 1994. –S.101-105.

³ O'sha joyda.

Mojar olimi, sayyoh va ayg`oqchi Herman Vamberi (1833-1905) ham 1865-1867-yillarda O`rta Osiyo xonliklari Rossiya imperiyasi bosqinidan qutilib qolish uchun Angliya va Turkiyaga umid ko`zini tikkanliklarini qayd etadi.

1867-yilning 24-dekabrida Istanbuldagi Angliya bosh elchisi Genri Ellabga Buxoro elchisi amir maktubini taqdim etgan, lekin undan aniq javob ololmagan. O`sha yili Angliya Tashqi ishlar vaziri Lord Klarendon Rossiya imperiyasi harakatlari harbiy bosqinchilik ekanligi haqida maxsus nota bergan. Biroq, Rossiya imperiyasi Tashqi ishlar vaziri Gorchakov va harbiy vazir Milyutin O`rta Osiyo masalasida Angliya – Rossiya ta`sir doiralari kelishib olinganligini unga eslatib qo`yishgan. Angliya va Turkiya tomonidan Rossiya imperiyasiga nisbatan salbiy munosabat tufayli uzoqni ko`ruvchi siyosatchi Gorchakov ehtiyotkorlik bilan harakat qilish tarafdori edi. Biroq, harbiy vazir Milyutin keskin harbiy harakatlar olib boorish kerak, deb hisoblardi.

Buxoro amiri elchilar yuborish bilan cheklanib qolmadi, 1868-yil 7-fevralda amir va uning 14 nafar mansabdor shaxslari ingliz hukumatiga maktub yuborib, unda ruslarning harbiylari Jizzax, O`ratepa, Yangiqo`rg`on kabilarni egallab, minglab oddiy aholini, musulmonlarni qirg`in qilayotganligi bayon etilgan¹. Bu xat bilan Angliya e`tiborini amirlikka qaratish bo`lganligi isbot talab qilmaydi.

Xulosa o`rnida shuni ta`kidlash joizki, Buxoroning mang`it hukmdorlari Rossiyaning hujumiga qarshi hech narsa qilmagan degan tushunchalar xato ekanligi manbalarda o`z aksini topgan. Buxoro amirligi o`z siyosiy faoliyati davrida faol tashqi siyosat yuritdi. Ushbu fikr va mulohazalarni bildirishda, avvalo, manbalarga tanqidiy nuqtai nazardan murojaat qildik. Bu yo`nalishdagi tarixiy tadqiqotlar oldida istiqbolda muhim vazifalar turibdi.

ADABIYOTLAR RO`YXATI

1. Boltayev, Bobir Baxtiyorovich. "BUXOROLIK MINIATURACHI-RASSOM SADRIDDIN POCHCHAYEV IJODIGA BIR NAZAR." *Scientific progress* 1.6 (2021): 998-1004.
2. Rajabov, Oybek Iskandarovich. "BUXORODAGI AYRIM MUQADDAS QADAMJO-QAL`ALAR XUSUSIDA." *Scientific progress* 1.6 (2021): 1162-1168.
3. Умаров, Б. Б. "НА КИСЛЯКОВ ТАДҚИҚОТЛАРИДА ЖАНУБИЙ ТОЖИКИСТОН ЭТНИК ТАРИХИ." *Scientific progress* 1.6 (2021): 1005-1009.
4. Тўраева, Г. Б., Ўтаева, Ф. Х., & Жумаева, Н. А. (2021). ОА СУХАРЕВА ТАДҚИҚОТЛАРИДА БУХОРО ТАРИХИ ВА ЭТНОГРАФИЯСИНИНГ ЎРГАНИЛИШИ. *Scientific progress*, 1(6), 1010-1018.
5. Bakhtiyorovich, Boltaev Bobir. "Excerpts from the life of the bukharian artist." *Middle European Scientific Bulletin* 12 (2021): 160-165.

¹ Sodiqov H. Tarixning chigal so`qmoqlari//”Vatan” gazetasi, 1994. №28.

6. Ochilov, A. T. "DATING OF THE ZAMANBABA CULTURE: ASSED ON ARCHAEOLOGICAL SOURCES." *Theoretical & Applied Science* 12 (2019): 589-591.

7. Mubinov, M. A. "Diplomacy of the eastern states and central asian khanates in the struggle for independence." *CENTRAL ASIAN JOURNAL OF SOCIAL SCIENCES AND HISTORY* 2.5 (2021): 26-31.

8. Maksud, Beshimov. "Markets of Bukhara." *CENTRAL ASIAN JOURNAL OF SOCIAL SCIENCES AND HISTORY* 2.5 (2021): 18-21.

9. Sharopov, Dilshod Ravshan O'G'Li. "ABDURAZZOQ SAMARQANDIYNING "MATLAI SA'DAYN VA MAJMAI VAHRAYN" ASARINING O'RGANILISH TARIXI." *Scientific progress* 2.1 (2021): 358-361.

10. Очилов, Алишер Тўлис Ўғли. "БУХОРО ВОҲАСИ ШАКЛЛАНИШИДА ЗАРАФШОН ДАРЁСИНИНГ ЎРНИ ВА ВОҲА ТАРИХИЙ ГЕОГРАФИЯСИГА ДОИР АЙРИМ МУЛОҲАЗАЛАР." *Scientific progress* 1.6 (2021): 933-938 Murodova, Dilrabo Shomurodovna, and Feruza Xolmamatovna O'tayeva. "TF Gelax tadqiqotlarida Buxoro shahri mudofaa tizimining organilishi." *The Fifth International Conference on History and Political Sciences*. 2015.

11. Turaevich, Halimov Talat. "From the history of economic relations between central asia and india (XV-XVII centuries)." *CENTRAL ASIAN JOURNAL OF SOCIAL SCIENCES AND HISTORY* 2.5 (2021): 22-25.

12. OCHILOV, Alisher. "JEWELRYC TRADITION IS A SOURCE OF STUDY OF BUKHARA HISTORY." *Bayterek Uluslararası Akademik Araştırmalar Dergisi* 1.1: 105-116.

13. Бобожонова, Феруза Хаятовна. "БУХОРО МАДРАСАЛАРИ МАЪНАВИЯТ ДУРДОНАСИ." *Scientific progress* 2.1 (2021): 362-366.

14. Муродова, Дилрабо Шомуродовна. "ИККИНЧИ ЖАҲОН УРУШИ ЙИЛЛАРИДА БУХОРОДА ИЛМ ВА ФАН (БУХОРО ПЕДАГОГИКА ИНСТИТУТИ МИСОЛИДА)." *Scientific progress* 2.1 (2021): 660-664.

15. Ochilov Alisher. "The Role of Zamanbaba Culture in The Social and Economic History of Bukhara Oasis During Bronze Age." *CENTRAL ASIAN JOURNAL OF SOCIAL SCIENCES AND HISTORY* 2.4 (2021): 42-47.

16. JAMOLOVA, DILNOZA MUYIDDINOVNA. "THE END OF THE EMIRATE OF BUKHARA: THE END OF THE POLITICAL STRUGGLE BETWEEN THE JADIDS AND THE ULEMA." *International Journal of Philosophical Studies and Social Sciences* 1.1 (2021).

17. Jamolova, D. M. "Traveling to Modernity: Perception of Modernity of the Central Asian Muslims in the early 20th century." *International Journal of Psychosocial Rehabilitation* 9.24 (2020): 4202-4207.

18. Темиров Ф., Исломов Д. САДРИДДИН АЙНИЙ–ЗАМОНДОШИ ФИТРАТ ҲАҚИДА //Scientific progress. – 2021. – Т. 2. – №. 1. – С. 1349-1354.
19. Темиров Ф., Халикова Н. БУХОРО АМИРЛИГИДА ТАШҚИ СИЁСАТ ВА ДИПЛОМАТИЯНИНГ РИВОЖЛАНИШИ ТАРИХИДАН //Scientific progress. – 2021. – Т. 2. – №. 1. – С. 1276-1282.
20. Темиров Ф., Умаров Б. БУХОРО АМИРЛИКДА ОИЛА, НИКОҲ ВА МЕРОС ҲУҚУҚИНИНГ АМАЛДА ҚЎЛЛАНИШИ //Scientific progress. – 2021. – Т. 2. – №. 1. – С. 1201-1207.

TURKISTON TO‘PLAMINING YARATILISH TARIXI

*To‘rayeva Guli Bahriddinovna –
Buxoro davlat universiteti
Buxoro tarixi kafedrasida o‘qituvchisi*

Turkiston to‘plami - O‘rta Osiyo tarixi, etnografiyasi, iqtisodi, botanikasi, arxeologiyasi, geologiyasi, xalqlarning turmushi va madaniyatiga oid noyob bibliografik asardir.

«Turkiston to‘plami» (Turkestanskiy sbornik)ning yaratilishida va kutubxonachilik tarixida o‘chmas iz qoldirgan shaxs - general fon Kaufman hisoblanadi . Fon Kaufman topshrig‘i bilan «Turkiston to‘plami»ni shakllantirish ishlari o‘z ishining ustasi mashhur bibliograf V.I. Mejov zimmasiga yuklanadi. 1868 yilda boshlangan ushbu sa‘y-harakat natijasida Turkiston haqida XVIII-XIX asrlarda rus, ingliz, nemis, frantsuz, ispan, italyan va lotin tillarida yozilgan 4 600 nomdagi kitob, risola, jurnal va gazetalarda chop qilingan maqolalar 416 jildga to‘planadi. Yig‘ilgan axborotlar siyosiy va harbiy tarix, jismoniy tarbiya, matematika va siyosiy jug‘rofiya, etnografiya, huquqshunoslik ilmlari, siyosiy iqtisod, tarixiy fanlar, aniq fanlar, tibbiyot, matematika, statistika, qishloq xo‘jaligi, ishlab chiqarish usullari (texnologiya), adabiyot va tilshunoslik, san‘atshunoslik sohalarini qamrab olgan bo‘lib, bibliografiya bo‘limlariga ajratiladi.

Turkiston ommaviy kutubxonasining bunyod etilishi general fon Kaufmanni barcha harbiy ishlaridan ham ko‘ra ko‘proq mashhur qildi. U kutubxonasi ayni shakllanib, faoliyati yo‘lga qo‘yilgan paytda 1882 yili 4 may kuni Toshkentda vafot etadi. [1].

Turkiston to‘plami - O‘rta Osiyo haqidagi alohida kitoblar, gazeta va jurnal qirqimlaridan tuzilgan bo‘lib, jami 594 jilddan iborat. Uning 1867—1887 yillarga oid materiallarni o‘z ichiga olgan 416 jildi bibliograf VM.Mejov tomonidan tayyorlangan. U matbuotda O‘rta Osiyo haqida e‘lon qilingan barcha ma‘lumotlarni kiritishga harakat qilgan. To‘plamni nashr etish ishlari 1888 yilda Turkiston ma‘muriyati ko‘rsatmasi bilan to‘xtatilgan, faqat 1907 yilga kelib qayta davom ettirilgan. [2].

"Turkiston to'plami"ning davomini tuzishga O'rta Osiyo haqidagi adabiyotlar bo'yicha mutaxassis N.V. Dmitrovskiy, etnofaf A.A.Divayev, Turkiston xalq kutubxonasi mudiri I.P.Zikov, sharqshunos olim Yu.F.Bonch-Osmolovskiylar jalb etilgan. Ular hamkorligida to'planning yana 127 jildi tuzilgan. Bibliograf va kutubxonashunos A.A. Semyonov 1911—1916 yillarda "Turkiston to'plami"ning 48 ta jildini tuzdi. Bu to'plam tuzilish jihatdan ilgarigilardan yuqori turadi. Bibliograf Ye.K.Betger tahriri ostida 1939 yilda "Turkiston to'plami"ning so'nggi 3 jiddi tuzilgan.



1- dan 416-gacha bo'lgan "Turkiston kolleksiyasi" ning asosiy qismi 1867-yildan 1887-yilgacha mashhur rus bibliografi Vladimir Mejov rahbarligida Sankt-Peterburgda tayyorlangan. Keyinroq to'planning yangi jildlarini tuzish faqat 1907-yilda Toshkentda qayta boshlangan edi. 1910 yilga kelib bibliograf N. V. Dmitrovskiy rahbarligida 127 jilddan 417dan 543gacha, 1911 - 1916 yillarda esa sharqshunos Aleksandr Semyonov rahbarligida yana 48 jilddan 544dan 591gacha nashr etildi. 592-dan 594-gacha bo'lgan "Turkiston to'plami" ning oxirgi uch jildi 1939-yilda bibliograf E. K. Betger rahbarligida tuzilgan. Bundan tashqari, to'plam materiallariga bir necha katalog va indekslar turli vaqtlarda tuzilgan. [3].

To'planning asosini yaratgan olim - Vladimir Izmaylovich Mejov XIX asrning ikkinchi yarmidagi rus bibliografiyasi arboblari orasida birinchi o'rinlardan birini egallaydi. Qariyb qirq yillik faoliyati davomida u Rossiya va xorijdagi o'z davrining bibliograflaridan hech biri qila olmaydigan darajada ko'p ish qildi. Yuzdan ortiq hajmdagi bibliografik asarlarni o'z ichiga olgan Mejovning adabiy merosi ko'plab bilim sohaslariga oid keng adabiyotlar to'plami hisoblanadi.

XIX asrning 60-yillarida Mejov, asosan, 20 yildan ortiq vaqt mobaynida olib borgan faoliyati davrida geografiya, statistika va etnografiya bibliografiyasi, xalq ta'limi bibliografiyasi, huquq va dehqonchilik masalalari bibliografiyasi bo'yicha ish olib bordi.

XIX asrning 80 va 90-yillarida, savdo va geografik bibliografiya, shuningdek jurnal va gazeta maqolalar bibliografiyasini tayyorladi, Mejov oltin kon-sanoatichisi I. M. Sibiryakov hisobidan "Rossiya tarixiy bibliografiyasi " va "Osiyo bibliografiyasi " sohasida o'z tadqiqotlarini olib bordi.

Mejov va fon Kaufman o'rtasida "Turkiston to'plami"ni yaratilishi borasida bir qancha maktublar yozilgan. Mejov o'z maktublaridan birida to'planning tarixi haqida gapirib berdi: "1867da K. P. Kaufman I. S. Idarov orqali menga umuman O'rta Osiyo va, xususan, Turkiston o'lkasiga tegishli kitob va maqolalarning bibliografik indekslarini tuzish taklifi bilan murojaat qildi. U bilan shaxsiy uchrashuv chog'ida Toshkentning poytaxtdan uzoqligini hisobga olib, titullar ro'yxati uning uchun amaliy ahamiyatga ega bo'lmasligini tasavvur qildim. Muqaddimada eng ko'p kitob va maqolalarni o'z ichiga oladigan "Turkiston to'plami" tuzishini taklif qildim. U rozi bo'ldi va birinchi marta tajriba shaklida uni 10 jildini Toshkentga jo'natdim, buning uchun 1000 so'm mukofot oldim. Bu kutilmagan va saxovatli mukofot meni keyingi yillarda to'planning 20 jildidan 30 jildgacha yaratishimga turtki bo'ldi. Nihoyat, K. P. Kaufman tomonidan Turkiston o'lkasi ma'muriyatining keyingi yillarida har yili ajratilgan mablag' evaziga to'planning qolgan qismini tayyorlashga rozi bo'ldim." [4].

Vladimir Izmaylovich Mejovga Sankt-Peterburgda doimiy ravishda bo'lish va shu tariqa nashr etilayotgan kitoblar va davriy nashrlar bilan tanishish imkoniga ega bo'lish, shuningdek, Turkiston General-gubernatori tomonidan bu maqsadda unga ajratilgan mablag', O'rta Osiyo va qo'shni mamlakatlarga tegishli barcha narsalarni sotib olish va to'plash imkonini berdi.

Kaufman "Turkiston to'plami" ga katta ahamiyat berib, uni juda qadrlagan, "O'rta Osiyodagi mulklarimiz manfaati va ilm taraqqiyoti uchun" degan fikr ahamiyatini alohida ta'kidlagan. U to'plam Markaziy Osiyoni o'rganmoqchi bo'lganlar uchun ajoyib material ekanligini ta'kidladi. Dastlabki o'n jildni Kaufman shaxsiy kutubxona sifatida saqlab qoldi. 1876-yilda bu qismlar ham Turkiston Xalq kutubxonasiga ko'chirilgan. [5].

General fon Kaufman davrida "Turkiston to'plami"ning jami 250 jildlik qismi nashr etildi. 1882-1889-yillarda gubernatorlar Chernyaev va Rozenbaxlar davrida yana 166 jild tuzildi. Shunday qilib, jildlarning umumiy soni 416 ta bo'lib, o'z ichiga rus, fransuz, nemis, ingliz, italyan, ispan va lotin tillarida ham ma'lumotlarni o'z ichiga oladi. O'z davrida to'plamni tuzishning umumiy qiymati 23 169 so'mni tashkil etdi. [4].

Foydalanilgan adabiyotlar ro'yxati

1. Туркестанский сборник. — Т. 417-591: Систематический указатель составлен О.В.Масловой. — Ташкент, 1940. — Ч. 1. 1-2411. Предисловие.
2. Здобнов И.В. История русской библиографии до начала XX века. — М., 1955. — С. 585.
3. Касимова А.Г. Библиотечное дело в Узбекистане. — Ташкент, 1968. — С. 18.
4. Касимова А.Г. Развитие сети массовых библиотек Узбекистана (1918 — 1941): Дис. ... канд. пед. наук. — Ташкент, 1964. — С. 30.
5. Межов В. И. Туркестанский сборник / Голос. — 1878. — № 56 // Туркестанский сборник. — Т. 195. — С. 110.

6. Лагофет Д.М. Туркестанский сборник» и его значение / Туркестанские ведомости. — 1908. — № 271 // Туркестанский сборник. — Т. 495. — С. 181.
7. Boltayev, Bobir Baxtiyorovich. "BUXOROLIK MINIATURACHIRASSOM SADRIDDIN POCHCHAYEV IJODIGA BIR NAZAR." *Scientific progress* 1.6 (2021): 998-1004.
8. Rajabov, Oybek Iskandarovich. "BUXORODAGI AYRIM MUQADDAS QADAMJO-QAL'ALAR XUSUSIDA." *Scientific progress* 1.6 (2021): 1162-1168.
9. Умаров, Б. Б. "НА КИСЛЯКОВ ТАДҚИҚОТЛАРИДА ЖАНУБИЙ ТОЖИКИСТОН ЭТНИК ТАРИХИ." *Scientific progress* 1.6 (2021): 1005-1009.
10. Тўраева, Г. Б., Ўтаева, Ф. Х., & Жумаева, Н. А. (2021). ОА СУХАРЕВА ТАДҚИҚОТЛАРИДА БУХОРО ТАРИХИ ВА ЭТНОГРАФИЯСИНИНГ ЎРГАНИЛИШИ. *Scientific progress*, 1(6), 1010-1018.
11. Bakhtiyorovich, Boltaev Bobir. "Excerpts from the life of the bukharian artist." *Middle European Scientific Bulletin* 12 (2021): 160-165.
12. Ochilov, A. T. "DATING OF THE ZAMANBABA CULTURE: ASSED ON ARCHAEOLOGICAL SOURCES." *Theoretical & Applied Science* 12 (2019): 589-591.
13. Mubinov, M. A. "Diplomacy of the eastern states and central asian khanates in the struggle for independence." *CENTRAL ASIAN JOURNAL OF SOCIAL SCIENCES AND HISTORY* 2.5 (2021): 26-31.
14. Maksud, Beshimov. "Markets of Bukhara." *CENTRAL ASIAN JOURNAL OF SOCIAL SCIENCES AND HISTORY* 2.5 (2021): 18-21.
15. Sharopov, Dilshod Ravshan O'G'Li. "ABDURAZZOQ SAMARQANDIYNING "MATLAI SA'DAYN VA MAJMAI BAHRAYN" ASARINING O'RGANILISH TARIXI." *Scientific progress* 2.1 (2021): 358-361.
16. Очилов, Алишер Тўлис Ўғли. "БУХОРО ВОҲАСИ ШАКЛЛАНИШИДА ЗАРАФШОН ДАРЁСИНИНГ ЎРНИ ВА ВОҲА ТАРИХИЙ ГЕОГРАФИЯСИГА ДОИР АЙРИМ МУЛОҲАЗАЛАР." *Scientific progress* 1.6 (2021): 933-938 Murodova, Dilrabo Shomurodovna, and Feruza Xolmamatovna O'tayeva. "TF Gelax tadqiqotlarida Buxoro shahri mudofaa tizimining organilishi." *The Fifth International Conference on History and Political Sciences*. 2015.
17. Turaevich, Halimov Talat. "From the history of economic relations between central asia and india (XV-XVII centuries)." *CENTRAL ASIAN JOURNAL OF SOCIAL SCIENCES AND HISTORY* 2.5 (2021): 22-25.
18. OCHILOV, Alisher. "JEWELRYC TRADITION IS A SOURCE OF STUDY OF BUKHARA HISTORY." *Bayterek Uluslararası Akademik Araştırmalar Dergisi* 1.1: 105-116.

19. Бобожонова, Феруза Хаятовна. "БУХОРО МАДРАСАЛАРИ МАЪНАВИЯТ ДУРДОНАСИ." *Scientific progress* 2.1 (2021): 362-366.
20. Муродова, Дилрабо Шомуродовна. "ИККИНЧИ ЖАҲОН УРУШИ ЙИЛЛАРИДА БУХОРОДА ИЛМ ВА ФАН (БУХОРО ПЕДАГОГИКА ИНСТИТУТИ МИСОЛИДА)." *Scientific progress* 2.1 (2021): 660-664.
21. Ochilov Alisher. "The Role of Zamanbaba Culture in The Social and Economic History of Bukhara Oasis During Bronze Age." *CENTRAL ASIAN JOURNAL OF SOCIAL SCIENCES AND HISTORY* 2.4 (2021): 42-47.
22. JAMOLOVA, DILNOZA MUYIDDINOVNA. "THE END OF THE EMIRATE OF BUKHARA: THE END OF THE POLITICAL STRUGGLE BETWEEN THE JADIDS AND THE ULEMA." *International Journal of Philosophical Studies and Social Sciences* 1.1 (2021).
23. Jamolova, D. M. "Traveling to Modernity: Perception of Modernity of the Central Asian Muslims in the early 20th century." *International Journal of Psychosocial Rehabilitation* 9.24 (2020): 4202-4207.
24. Темиров Ф., Исломов Д. САДРИДДИН АЙНИЙ–ЗАМОНДОШИ ФИТРАТ ҲАҚИДА //Scientific progress. – 2021. – Т. 2. – №. 1. – С. 1349-1354.
25. Темиров Ф., Халикова Н. БУХОРО АМИРЛИГИДА ТАШҚИ СИЁСАТ ВА ДИПЛОМАТИЯНИНГ РИВОЖЛАНИШИ ТАРИХИДАН //Scientific progress. – 2021. – Т. 2. – №. 1. – С. 1276-1282.
26. Темиров Ф., Умаров Б. БУХОРО АМИРЛИҚДА ОИЛА, НИКОҲ ВА МЕРОС ҲУҚУҚИНИНГ АМАЛДА ҚЎЛЛАНИШИ //Scientific progress. – 2021. – Т. 2. – №. 1. – С. 1201-1207.

SUBXONQULIXONNING BIR NECHA MARTA TAXT VORISI TAYINLASHIGA NIMA SABAB BO'LGAN EDI?

Ilmiy rahbar: Zamonov A.T.- t.f.b. F. d.dots.

Magistrant: Subhonov Farruhjon

O'zbekiston Milliy universiteti

Tarixga bir nazar soladigan bo'lsak, turkiy an'analarga ko'ra taxtga o'tirishning ikki xil ko'rinishi mavjud bo'lgan. Dastlabki an'ana bu hukmdor vafot etgandan so'ng taxtga shu sulola vakilidan yoshi eng ulug'i o'tirgan. Keyingi holatda bevosita vafot etgan hukmdorning o'g'li taxtga o'tirgan. Har ikkala holat ham Buxoroda hukmronlik qilgan ashtarxoniyalar (1601-1756) sulolasi davrida bo'lganligini ko'rishimiz mumkin. Xususan, Boqimuhammadxon (1601-1605) vafotidan so'ng taxtga ukasi Valimuhammadxon (1605-1611) o'tirgan. Uning taxtdan ketishi esa taxt nasib etmagan akasi Dinmuhammadning o'g'illari Imomqulixon (1611-1642) va Nodirmuhammad (1642-1645) ning faoliyati bilan bog'liq. Ushbu holatlarda taxt, asosan, akadan o'z ukasiga o'tganligi ayon bo'ladi. Lekin Nodirmuhammadxon hukmronligi davrida xonlik sarhadlari o'z o'g'illari o'rtasida taqsimlanadi. Bu esa xon hokimiyati zaiflashuviga sabab bo'ladi.

Bundan foydalangan Jo'ybor shayxlari Nodirmuhammadga qarshi fitna uyushtirib, taxtga uning o'g'li Abdulazizxonni o'tkazishadi. Bu ashtarxoniylar davrida taxt ilk marta otadan so'ng o'g'li o'tirgan holati bo'ladi. Abdulazizxon(1645-1681) hukmronligi davri ham muammoli vaziyat yuzaga kelgan. Chunki uning ukalari xonlik taxtini egalash uchun urushlar olib borganlar . 1681-yilga kelib ancha qarib qolgan Abdulazizxon taxtni ukasi Subxonqulixonga topshirib, o'zi haj ziyoratini ado etish maqsadida Makkaga ketadi. Subxonqulixon hukmronligi davri(1681-1702) esa juda murakkab bo'lib , uning taxt vorisini tayinlash jarayoni ancha o'zgacha kechgan. Shu o'rinda quyidagi asosiy ikkita masala tahlili ko'rib chiqiladi:

- Subxonqulixon bir necha marta taxt vorisi tayinlashining sababi ;
- Ubaydullaxon II ning qanday qilib xonlik taxtini egallagani.

1681-yil xonlik taxtiga o'tirgan Subxonqulixon mamlakatdagi ichki nizolarni bartaraf etish barobarida o'zidan so'ng taxtga o'tiradigan valiahdni tayinlashi kerak bo'lgan. Uning bir nechta o'g'illari bo'lib, bular: Iskandarxon, Abulmansur, Ibodulla, , Siddiq Muhammad, Ubaydulla, Abulfayzxonlardir¹. Xonlik an'anasiga ko'ra valiahd Balx viloyati hokimi bo'lishi kerak edi. Bunday sharaftga dastlab, Iskandarxon tayinlanadi va Amudaryodan janubga o'tib Balx viloyatini idora qilishga kirishadi. Lekin uning hukmronligi uzoqqa bormadi. Bunga sabab 1683-yilda akasi Abulmansurxonning ishonchli odami Mavzun Suray Iskandarxon ovqatiga zahar aralashtiradi, natijada u vafot etadi. Bu vaqtda Iskandarxon endigina 28 yoshga kirgan edi².

Shundan so'ng Abulmansurxon Balx noibligini ko'zlay boshladi. Lekin otasi Subxonqulixon uning kirdikorlaridan xabardorligi va taxtga nomunosibligini sezib , Balx noibligini kichik ukasi Ibodullaga in'om etadi. Balx xalqi esa unga itoat qilishmaydi. Ibodulla o'rniga viloyatga noib bo'lgan akasi Abulmansurning boshqaruvi esa to'rt oy davom etdi. Bunga sabab Ibodullaning taxtga da'vo qilishidan qo'rqib , unga fitna uyushtirgani va buning oqibatida yana bir ukasining qotiliga aylangani sabab bo'ladi³. Bundan ko'rinib turibdi-ki, Abulmansurxon o'z ukalarini fitnalar oqibatida yo'q qiladi.

Birodarkushlik davom etayotgan bir sharoitda Subxonqulixonning navbatdagi o'g'li tarix sahnasida ko'rina boshladi. Bu Siddiq Muhammad bo'lib, u ham fitna-yu fasodlar uyushtirish borasida akasi Abulmansurdan qolishmas edi. Siddiq Muhammad o'z oldiga akasi Abulmansurning olib borgan siyosatidan norozi beklarni yig'a boshladi. Natijada Abulmansurni yo'q qilish maqsadida unga qarshi fitna tayorlanadi. Abulmansur ammasi Shamsiyabonu xonimning holidan xabar olish uchun borayotgan vaqtda bir guruh fitnachilar tomonidan o'ldiriladi. Bu vaqtda Abulmansur atigi 22 yoshda

¹ Mirzo Salimbek. Kashkoli Salimiy.-Buxoro:Buxoro nashriyoti,2003.-B. 279-280.

² Мухаммед Ю с у ф М у н ш и. Муким-ханская история. Перевод с таджикского, предисловие, примечания и указатели профессора .Семенов А.А.- Ташкент: Издательство Академии наук Узбекской ССР 1956.-С .118.

³ Armini Vamberi.Buxoro yoxud Movarounnahr tarixi.-Toshkent:Info capital group 2019.-С 136.

bo'lgan edi¹. O'z-o'zidan ayon bo'ladi-ki, endi Balx hokimi bo'lish navbati Siddiq Muhammadga yetgan edi va shunday bo'ladi ham. 1683-yildan boshlab u Balxni mustaqil idora qila boshlaydi. Siddiq Muhammad yuritayotgan siyosati otasi Subxonqulixonning noroziligiga sabab bo'ladi. Chunki u o'ta ketgan shuhratparast bo'lib, otasiga ham bo'ysunishni istamagan. Hatto, Xiva xoni Anushxon(1663-1686) Movarounnahrqa qarshi yurish qilganda, otasi Siddiq Muhammaddan harbiy yordam so'raganida unga yordam bermaydi². Vaziyatning chigallashib ketayotganini tushungan Subxonqulixon o'g'lining jilovini tortib qo'yish maqsadida Balxga 1685-yilda hujum uyushtiradi va o'g'lini qo'lga olib, zindonga tashlashni buyuradi. 3 oy davomida zindonda yotgan Siddiq Muhammad bezgak kasaliga chalinib 21 yoshida bu dunyodan ko'z yumadi³. Birin-ketin to'rt o'g'li dan ayrilgan Subxonqulixon bu jarayonlardan xulosa chiqarib, Balx noibligiga o'zining ishonchli vakillarini tayinlaydi. Dastlab Biy Otaliq(xonlikda shahzodalar tarbiyasi bilan shug'ullanuvchi mansab, ota vazifasini bajaruvchi,), u vafot etganidan so'ng 1687-yilda Mahbudbiy otaliq (keyinchalik Muqimxonning otalig'i) Balxga noiblik qilgan⁴.

Subxonqulixon 20 yildan ortiq xonlik taxtini idora qiladi. 1702-yilga kelganda 77 yoshni qarshi olgan xon o'ziga munosib taxt vorisi tayinlashi kerak edi. Subxonqulixon vafot etishidan oldin quyidagicha vasiyat qoldirgan: "Men vorislarim orasidan nabiram Muhammad Muqimxonni taxt vorisi qilib tayinlayman va mendan so'ng u xonlik taxtiga o'tirsin"⁵. Lekin uning taxtga o'tirishi amalga oshmaydi. Chunki bu davrda Muqimxon Balxda edi. Saroy amaldorlari va qo'shin ko'magiga tayangan Subxonqulixonning boshqa bir o'g'li Ubaydullaxon II (1702-1711) taxtni egallaydi. Shundan so'ng taxt uchun kurash boshlanib, Muqimxon otalig'i Mahmudbiy qatag'an ko'magida Balxni xonlikdan alohida qilib, o'z nomiga xutba o'qitadi va tanga zarb ettiradi⁶. Natijada xonlik hududi amalda ikki qismga bo'linib ketadi. Ubaydullaxon II mamlakat yaxlitligini ta'minlash maqsadida Muqimxonga yurish qiladi. Ikki o'rtada qonli urushlar boshlanadi. Mahmudbiy otaliq ko'magiga tayangan Muqimxon 1703-yilda Qo'bodiyonni, 1704-yilda esa Termizni Balxga qo'shib oladi. Lekin Balxning ham mustaqilligi uzoqqa bormadi. Muqimxon o'z otalig'i Mahmudbiy boshliq saroy beklarining fitnasi natijasida, 1707-yil martda

¹ М у х а м м е д Ю с у ф М у н ш и. Муким-ханская история. Перевод с таджикского, предисловие, примечания и указатели профессора .Семенов А.А.- Ташкент: Издательство Академии наук Узбекской ССР 1956.-С .120-121.

² Armini Vamberi. Buxoro yoxud Movarounnahr tarixi.-Toshkent:Info capital group 2019.-С 136.

³ Мухаммед Юсуф Мунши. Муким-ханская история. Перевод с таджикского, предисловие, примечания и указатели профессора .Семенов А.А.- Ташкент: Издательство Академии наук Узбекской ССР 1956.-С. 138-139.

⁴ Armini Vamberi. Buxoro yoxud Movarounnahr tarixi.-Toshkent:Info capital group 2019.-С 137.

⁵ Мухаммед Юсуф Мунши. Муким-ханская история. Перевод с таджикского, предисловие, примечания и указатели профессора .Семенов А.А.- Ташкент: Издательство Академии наук Узбекской ССР 1956.-С.177-178.

⁶ Mirzo Salimbek. Kashkoli Salimiy.-Buxoro:Buxoro nashriyoti,2003.-В. 279.

o'ldiriladi. Shundan so'ng Ubaydullaxon II Balxga qarshi hujumga o'tib, 1707-yil 27-mayda shaharni bo'ysundiradi. Keyinchalik uning o'z taqdiri ham ayanchli yakun topadi. Xususan, saroy fitnasi natijasida 1711-yilda Buxoroning Piri Mirza chorbog'ida o'diriladi¹. Taxtga esa 16 yoshli ukasi, fitna ishtirokchilaridan biri Abulfayzxon (1711-1747) o'tiradi.

Ushbu aytib o'tilgan ma'lumotlardan quyidagi xulosalarni chiqarish mumkin: birinchidan, Subxonqulixonning vorislari hokimiyatga intilib, bir-birlarining qotiliga aylanadilar. Bu esa o'z navbatida mamlakatda barqarorlikni ta'minlashga yo'l bermaydi, xonning taxt vorisini tayinlashi murakkablashadi. Xon farzandlari o'rtasidagi birodarkushlikning oldini olish maqsadida Balx boshqaruvini taxt vorisi yoki o'g'liga bermay, aksincha yuqorida aytilganidek ishonchli vakillariga berishga majbur bo'ladi. Bu omil keyinchalik xonlikda ichki nizolar avj olishiga yo'l ochib beradi. Ikkinchidan, vafot etayotganida nabirasi Muhamad Muqimxonni taxt vorisi qilib tayinlasa-da, uning taxtga o'tirishiga Ubaydullaxon II va saroy amaldorlari yo'l qo'yishmaydi. Natijada Balx xonlikdan ajralib chiqadi va yana taxt uchun kurashlar avj oladi. Muqimxonning taxtga o'tira olmaganining yana bir qancha sabablari bo'lgan edi. Xususan, Subxonqulixon vafot etganda uning Balxdaligi bo'lsa, yana bir sababi, Mir Muhammad Amin Buxoriyning "Ubaydullanoma" asarida Muqimxon voyaga yetguniga qadar xonlik taxtini boshqarish Ubaydullaxon II ga topshirilganligi aytilgan. Bundan keyin ashtarxoniylar taqdiri qanday bo'lganiga tarix guvoh...

¹ Sultonov F., Bozorboyev F. O'zbekiston hukmdorlari.-Toshkent:Alisher Navoiy nomidagi O'zbekiston Milliy kutubxonasi.2007.-B. 50.

3- ШЎБА. БУХОРО ТАРИХИ МАНБАШУНОСЛИГИ ВА ТАРИХШУНОСЛИГИ; БУХОРО ТАСАВВУФ ТАРИҚАТЛАРИ МАКТАБИ

БУХОРОЛИК О՛РТА АСР ИСЛОМШУНОС ОЛИМЛАР (ЖОНДОР ТУМАНИ МИСОЛИДА)

*Rajabov O.I.– BuxDU
Buxoro tarixi kafedrasi o՛qituvchisi*

Tarixi uch ming yilga borib taqaluvchi Buxoroi sharif VIII-XII asrlarda jahon tamadduniga ulkan hissa qo՛shgan davlat poytaxti, Movarounnahr uzra islom nurini baland sochgan minora, ilm-fan, dinu-diyonat, madaniyat va ma՛rifat markazi bo՛lib kelgan sharif shaharlardan biri hisoblanadi. Qubbatul Islom (islom gumbazi) degan unvonga sazovor bo՛lgan ko՛hna va boqiy Buxoro zaminida ko՛plab ilm peshvolari dunyoga kelgan. VIII asrning dastlabki yillaridan boshlab butun Movarounnahrda bo՛lgani kabi, Buxoro va uning atrofidagi barcha hududlarda islom dini va madaniyati tarkib topib, islomiy ilmlar rivojlanib bordi. Arab va fors tilida so՛zlashuvchi xalqlar tomonidan arab alifbosidagi yozma asarlar yuzaga kela boshladi. Masjidu madrasalar barpo etilib, unda diniy urfon, dunyoviy ilmlar chuqur o՛rgatila boshlandi.

O՛z zamonasida musulmon olamida islomshunos olimlar, allomalar yetishib chiqdiki, ularning ilmu-hikmati hali hanuz dunyo ahlini hayratga solib kelmoqda. Bu tabarryk maskan o՛rta asrlarda ilm maskani sifatida dovrug՛i jahonga taraldi¹. Buxoroning qadim go՛shalaridan bo՛lgan Xunbun qishlog՛idan ham ana shunday fozil kishilar, muhaddis olimlar yetishib chiqqanligi tarixiy manbalarda qayd etilgan. Imom Abdulkarim as-Sam՛oniyning guvohlik berishicha², Buxoro va Jondor atrofidagi qishloqlardan yuzlab olimu-fozil kishilar yetishib chiqqan. Jumladan, Abul Qosim Vosil ibn Hamza al-Xunbuniy Xuminda yashab o՛tgan allomalardan biri. Ushbu alloma o՛z zamonasida islom madaniyati va uning tarixini chuqur o՛rgangan olim bo՛lib, payg՛ambarimiz Muhammad sallollohu alayhi vasallam tomonlaridan insho qilingan hamda vaqt o՛tishi bilan og՛izdan-og՛izga ko՛chib kelayotgan hadislarni to՛plash ilmi bilan shug՛ullangan va bu maqomotda katta sharaftga ega bo՛lgan shaxslardan hisoblanadi. Allomaning dovrug՛i atrof shaharlarda ham mashhurligi “Nasabnoma”da keltiriladi. Abul Qosim al-Xunbuniy ilmi hadis uchun ko՛p safarlarda bo՛lgan. Bu fozil inson hadis ilmini g՛oyat teran tushungan va ko՛plab ishonchli hadislarni to՛plab, kitob tartib bergan. Nazari tushish, ta՛rif berishda gap ko՛p loyqlik ham bordirki, Xatib Bog՛dodiyning asari bo՛lmish “Bag՛dod tarixi”da keltirilishicha bu muhaddisning “Hadislari ko՛p va yaxshidir”. Demak,

¹ Бендриков К.Е. Очерки по истории народного образования в Туркестане (1865-1924).–М., 1960.–С.14.

²Абдулкарим ас – Самъоний. Насабнома (ал-Ансоб).(VIII-XII асрда яшаган Ўзбекистонлик олимлар ҳақида маълумот). Т., 2017.

Buxoroning ulug' allomalaridan sanalmish Abul Qosim Vosil ibn Hamza al-Xunbuniy Buxoroi sharifda mashhur bo'lgan Abdulkarim Gulobodiydan va yana bir nechta buxorolik fozillardan ham ta'lim olganlar. Ammo, allomaning yozib qoldirgan hadisi komillari bizgacha yetib kelmagan. Alloma hijriy 467, milodiy 1076 yilda o'z qishlog'i Xunbunda vafot etgan va shu hududdagi tepalik yonidagi qabristonda dafn etilgan¹.

Abu Roja Ahmad ibn-Dovud Xunbuniy ham o'z zamonasining ilmu donishlaridan bo'lgan hamda ishonchli hadislar to'plashda qishloqdoshi Abul Qosim Xunbuniydan kam bo'lmagan. U kishiga Xoja G'unjoriyning nazarlari tushgani ham bejiz emas. 100 ming hadisni yod bilganligi uchun Xoja laqabi berilgan G'unjoriy "Tarixi Xoja G'unjotiy", "Kitobi farzoili", "Sahobati arba" kabi kitoblar muallifi sifatida nom qozongan. Ko'plab hadisnavis muhaddislar qatori Abu Roja Xunbuniy merosiga ham alohida e'tibor bilan qaragan hamda boshqa hadisnavislar bilan uning sahih hadislarini taqqoslab ko'rgan. Abu Roja Xunbuniy yozib qoldirgan hadislar – ishonchliligi bilan ajralib turishini zo'r ehtirom bilan alohida ta'kidlagan. Islom olamida mashhurlik darajasiga yetgan olimu - allomalar Abul Qosim Vosil ibn Hamza al-Xunbuniy hamda Abu Roja Ahmad ibn - Dovud Xunbuniylar tufayli Xunbun "Shahri Islom" yorlig'i bilan ulug'langan. Bu yorliq esa Xunbun va xunbunliklar uchun ham siylov, ham faxrga aylanib qolgan va hali hanuz Xunbun qal'a tepaligi "Shahri Islom" tepaligi deb ataladi. "Shahri Islom" nomini olgan muqaddas qal'a bir necha yuz yillar gullab yashnagan. Hududning aholisi dehqonchilik, hunarmandchilik hamda savdo-tijorat ishlarida Poykent va Varaxshadan qolishmagan. Tepalik ustidagi tarixiy arxeologik qoldiqlar, bu yerning 2-3 ming yillik tarixga egaligi haqida guvohlik beradi. Mo'g'ullar istilosi davrida bu qishloq ham vayron etilgan. "Shahri Islom" qal'a xarobalari hanuzgacha nurab turibdi.

Buxorodan qadimiyroq va obod qishloqlardan sanalmish Torob, ayniqsa Buxorxudotlar hukmronligi davrida ravnaq topgan. Butun Buxoroda bo'lgani singari Torobda ham ilm va ma'rifat taraqqiy etgan. Qur'oni karimni yodlash, qiroat bilan shug'ullanish avj olgan. VIII-X asrlardan arab alifbosini o'rganishga ehtiyoj oshgan. Ilmga bo'lgan havas va izlanishlar natijasi o'laroq, bu davrga kelib, Torobda ham mashhur olim va allomalar yetishib chiqqan. Ana shulardan biri Abu Fazl ibn-Axshob at-Torobiydir. Imom al-Buxoriy bilan hamasr bo'lgan bu alloma boshlang'ich ta'limni ona qishlog'ida olgan. O'z bilimni oshirish va ilmiy ehtiyojini qondirish maqsadida bir necha yetuk ulamolardan ilm o'rgangan. O'z zamonasining mashhur allomasi Muhammad ibn-Salom Paykandiydan ta'lim olgan. Abu Fazl ibn-Axshob at-Torobiyning ilm va donishdagi darajasini anglash, maqomotini taqqoslash, Muhammad ibn-Salom Paykandiyning tariqat va darajalarini anglashdan boshlanadi. Rivoyat qilurlarkim, Buyuk Ipak Yo'lining Xuroson bilan Buxoro oralig'idagi yirik savdo va hunarmandchilik maskanlaridan biri bo'lgan Poykent juda obod va

¹ Хамро Асадов. Аждодлари қимматли юрт. Бухоро., 2011. –Б.86-87.

boy shaharlardan hisoblangan. Xalqi asosan savdogarchilik bilan shug'ullanganligi bois, bu yerda ilm-ma'rifat ham rivoj topgan, o'nlab olim-u allomalar yetishib chiqqan. Ular 100 ming hadisni yod bilguvchi Abu Fazl ibn Ali Paykandiy, Abu Ahmad al-Paykandiy, Abu Zakriyo ibn-Baykandiy, Muhammad ibn Salom Paykandiy... va boshqalar.

Abu Fazl ibn-Axshob at-Torobiyga ustozlik martabasida turgan Muhammad ibn Salom Paykandiy fiqh ilm peshvolaridan, hadis ilmining mashhur olimlaridan sanalgan. Bu ulug' zot Imom Buxoriydek allomaga ham ustozlik qilgan. Demak, Muhammad ibn Salom Paykandiy o'nlab ilm-u toliblar qatori Imom Buxoriyga ham, Abu Fazl ibn - Axshob at Torobiyga ham ustozlik maqomotida turgan. Ularga islomshunoslik, arab tili, mantiq, Qur'on sharhlari va hadisshunoslikdan saboq bergan, ilm o'rgatgan. Ustoz-u shogirdlik haqida gap ketar ekan, Muhammad ibn Salom Paykandiy Al-G'unjoriy, Al-Fag'ishtiy, Ash-Sharg'iy singari olimlarga shogird tushganliklarini aytmay bo'lmas. Az-Zaranjariy va az-Zabag'duvoniylar esa bul zotni ustoz deb bilishgan. Ana shunday benazir va nomdor olimdan saboq olish baxtiga musharraf bo'lgan at-Torobiy ham, shubhasiz fiqh, hadis ilmi peshvolari qatorida turgan. Afsuski, shunday allomaning ilmiy merosi haqida yetarli ma'lumotlar saqlanib qolmagan. At-Torobiy hijriy 265, milodiy 879 yilda olamdan o'tgan, qabrlari Torob tepaligi yonidagi shimoliy qabristondadir¹.

Torob qishlog'ida yashab o'tgan yana bir alloma - Abu Roja Ahmad ibn-Yaqub al-Paykandiy at-Torobiydirlar. Poykent shahrida tavallud topgan bu alloma umrining asosiy qismini Torobda o'tkazgan va shu yerda ilm-u hadis bilan mashg'ul bo'lgan. O'z zamondoshlaridan, xususan, qishloqdoshi - Abu Fazl ibn Axshob at-Torobiy merosini chin ixlos bilan o'rgangan. Ona yurti Poykentdan yetishib chiqqan olim-u fozillar o'g'itlari va yozib qoldirgan diniy va dunyoviy ilmlarga boy asarlarini to'plagan, o'rgangan, ularga izoh va sharhlar bitgan. Torob qishlog'ida hayot XVII asrgacha davom etgan. Qishloq o'zining olim-u fozillari, elsevar, yurtparvar o'g'lonlari xizmati-yu jasorati sharofatidan dunyoga tanilgan maskanlardan biridir.

Varaxsha Buxoro vohasidagi eng qadimgi shaharlar sirasiga kiradi. Abu Bakr Muhammad ibn Ja'far Narshxiy o'zining "Buxoro tarixi" nomli asarida Varaxsha shahri haqida ma'lumot berib, bu shahar va uning atrofida qishloqlar Buxorodan qadimiyroq deb ta'kidlaydi². Varaxsha qadimdan boshlab bir nechta nomlar bilan atalib kelingan. Tarixiy manbalarning ma'lumotlarida bu maskan Faraxshiy, Afrazshiy tarzida uchrasa-da, ko'proq Varaxsha nomi bilan mashhur bo'lgan. Qadimda Raj Fandun yoki Ra Fandun vohasidagi bu qal'a Zarafshon

¹ Садриддин Салим Бухорий. Бухоронинг табаррук зиёратгоҳлари. Т., 2015. –Б.48.

² Абу Бакр Муҳаммад ибн Жаъфар Наршахий. Бухоро тарихи. Т., 1993., Халқ турадиган жойларнинг рўйхати. Самарқанд Ўзбекистон марказий районлаштириш камиссиясининг нашри, 1926 йил. Кириш сўзи, араб алифбосидан табдил ва айрим изоҳлар муаллифи Аҳтам Аҳмедов. Бухоро., 2017. –Б.6-9., Насиленые пукты Бухарского эмирата (XIX-нач XX в). Ответственный редактор академии АНРУз А.Р.Мухаммеджанов.Т., 2001.-С.197.

daryosining hayqirib oqqan davrdan boshlab so'lim go'shaga aylangan. Varaxsha va uning atrofida o'nlab qal'a tepalar vujudga kelgan. Arxeologik tadqiqotlarda Varaxsha bilan bir qatorda uning atrofidagi bir necha tepaliklar ham tadqiq etilgan. Jumladan, Boshtepa, Talipo'ppi, Duqo'shshatepa va boshqalar¹. O'rta asrlardan boshlab shahar rivojlanib Buxoro podsholari "Buxorxudodlar" qarorgohiga aylangan. Varaxsha shahri rivojlangan o'rta asrda Islom madaniyatining kirib kelishi natijasida ilm maskani sifatida yanada yuksalib, bu maskanda madrasalar faoliyat ko'rsatgan. Ilm sohiblari bu rivojlangan shaharga to'planishgan, ilmda iqtidorli bo'lganlarga ustozlik qilishganligi sabab, bu shahar va uning atrofidagi maskanlardan bir necha olimlar, allomalar yetishib chiqqan.

"Nasabnoma"² asari muallifi hisoblangan Abulkarim as-Somoniyning keltirishicha, Varaxshadan al-Afraxshiy degan olim kishi o'tgan bo'lib, uning to'liq ismi Abu Bakr Ahmad ibn Muhammad al-Afraxshiy al-Buxoriydir. Bu alloma Buxoro olimlari yetakchilaridan biri bo'lgan. 914 yilda tug'ilib, 995 yilning ramazon oyida olamdan o'tgan. Bu alloma ham o'z zamondoshlari singari, avvalo, Qur'onni chuqur o'rgangan, uni sharhlay bilgan. Fiqh, mantiq bilan shug'ullangan, hadislarga sharh yozgan, ularni taqqoslay bilgan va to'plagan. Ana shunday olim-u alloma tarbiyasini olgan al-Afraxshiyning shuhrat topishida oila muhiti, xususan, otasining ta'siri katta bo'lganligi shubhasizdir. Shu bois al-Afraxshiy islomiy va dunyoviy ilmlarda bir necha asarlar yozib qoldirgan.

"Nasabnoma"da yana bir necha "varaxshiylar" nomi ketirilganki, ammo ular haqida to'liq ma'lumot kam. Ulardan biri Al Faraxshiy-Abu Bakr Muhammad ibn Hamid al-Faraxshiydir. Buxoroning yetuk olimlaridan hisoblangan al-Faraxshiy ilm-u donishda benazir bo'lganlar. Diniy ilmlarning o'nlab sohasi, jumladan, mantiq, til, tarix, Qur'onshunoslik va hadisshunoslikda bu kishiga teng keladigan alloma bo'lmagan. Madrasada mudarrislik qilgan. Iso G'unjoriydek tengsiz ilm sohibiga ustozlik qilganlar. Abul Muhammad Iso ibn Muso al-G'unjoriy (Ikki yuzlari qip-qizil bo'lganligi uchun G'unjor deganlar) - fozil, olim, sodiq va obid bo'lganlar. U kishi Buxoro shahrida, Iroq, Hijoz, Misr ulamolalaridan ham saboq olganlar. Birinchi bo'lib Imom Molikdan, so'ng yana bir necha ulamolardan, jumladan, al-Faraxshiydan ham islom ta'limotining qiyin masalalari bo'yicha ilm o'rganganlar. Imom al-Buxoriyning ustozlari hisoblanmish Muhammad ibn Salom Poykandiy ham al-G'unjoriydan ta'lim olganlar. Ana shunday ustozlar ustozlari bo'lmish ulug' allomlarga rahnamolik va mehribonlik qilgan al-Faraxshiy 155-hijriy, 767-yil rajab oyida vafot etganlar³.

¹ В.А.Шишкин. Варахша.М.,1963., А.Мухаммаджонов. Қадимги Бухоро. Т.-Б.34., Ўзбек Совет Энциклопедияси, 2 том. –Б.609-610.

² Абдулкарим ас – Самъоний. Насабнома (ал-Ансоб).(VIII-XII асрда яшаган Ўзбекистонлик олимлар ҳақида маълумот). Т., 2017., В.А.Шишкин. Варахша.М.,1963.

³ Абдулкарим ас – Самъоний. Насабнома (ал-Ансоб).-Б.101.

Varaxshada yashab o'tgan ulamolardan yana biri Abu Muso Ibrohim ibn Kostan al-Faraxshiy bo'lganlar. Bu alloma haqida yetarlicha ma'lumot saqlanmagan bo'lsada, al-Sam'oniyning diqqatini o'ziga tortganligining o'zi katta sharafdir. Shu manzilda yashab o'tgan yana bir olim -Abu Bakr Muhammad ibn Hotam al Afraxshiy ibn Hayit ham Buxoroning mashhur mashoyixlaridan bo'lganlar. Alloma 974-yilning ramazon oyida vafot etganlar. Yuqorida nomlari zikr etilgan olim-u ulamolar vatani, benazir allomalar beshigi hisoblangan Varaxsha qadimda ana shunday ilm-u ma'rifat rivoj topgan o'choqlaridan biri bo'lgan.

Shuningdek, Varaxshaga yaqin qadim tarixga ega Romush o'z zamonasida madaniy va ijtimoiy jihatdan taraqqiy etib, atrofdagi qadimiy shahar va qishloqlar bilan bo'ylasha olgan. Bu maskanda ham ilm-u ma'rifat rivojlangan. Ko'plab olim-u allomalar yetishib chiqqan. Bir nechta olim-u fozil kishilarga beshik bo'lgan Romush ko'plab tarixchilar diqqatini o'ziga qaratgan. Romushiy taxallusi bilan mashhur bo'lgan allomalar hayoti, asarlari to'g'risida Abdulkarim as-Sam'oniyning "Nasabnoma"siga tayandik. Sam'oniyning yozishicha, ana shunday fozillardan biri Abu ibn Muhammad ibn Ali Najmul-ulamo Hamiddidin az-Zarir ar-Romushiydirlar. Bu olim ulug' islom ulamolaridan bo'lib musavvir, muhaddis, jadaliiy, kalomiydirlar. U kishiga Abu Mansur Moturidiydek alloma ustozlik qilgani ham bejiz emas. Shunday ulug' insondan ta'lim olgan Ali ibn Muhammad ar-Romushiy ilmning ko'pgina yo'nalishlari bo'yicha komillik darajasiga yetgan. Uning birgina "Al-favoid"- ("Foydali masalalar") asari o'z zamonasida shuhrat topgan deyiladi "Nasabnoma"da¹.

Sig'noqiyning "Sharxun nofe" ("Foydali sharh") nomli asariga sharh kitobi ham yozgan. Shuningdek, ul zot Sig'noqiyning boshqa bir necha kitoblariga sharhlar ham yozganlar. Shu bois bo'lsa kerak, Imom as-Suntiy ar-Romushiyini yuqori darajadagi olimlar qatoriga kiritganlarki, bu e'tirof bejiz emas. Shuningdek, Romush bilan yonma - yon bo'lgan Xushkonu qishlog'idan ham bir necha allomalar o'tganligini ma'lum. Bu allomalarga: Al-Xushnomiy-Sha'roniy zohidlaridan bo'lib, Abdullo ibn Muborakdan ta'lim olganlar. Abul Hasan Ali ibn Shuayb Buxoriy ham ilm ahlidan bo'lganligi "Nasabnoma"da qayd etilgan². Abul Qosim Shuayb ham Xushkonidan bo'lib, Al faraj ba'dai shidda" ("Qiyinchiliklardan keyingi yengillik") asarining muallifidir. Allomaning uch o'g'illari bo'lib ular ham ilm ahlidan bo'lishgan. Uch ming yildan ko'proq tarixdan guvohlik berib turgan Romushtepa va unga yondosh qishloqlar ana shunday allomalar yurti hamdir. Bu ajdodlarimiz xoki - poyi bo'lgan Romushtepa hali ko'plab sir-u sinoatlarni o'z bag'rida yashirib yotganligiga shubha yo'q.

¹ Абдулкарим ас – Самъоний. Насабнома (ал-Ансоб).-Б.53., Ҳамро Асадов. Аждодлари қимматли юрт. –Б.86.

² Ҳамро Асадов. Аждодлари қимматли юрт. –Б.87.

Milliy qadriyatlarimiz, ma'naviy boy merosimizni tiklash va ularni chuqur o'rganish, uning mazmun mohiyatini hamda ahamiyatini xalqimiz, o'sib kelayotgan yosh avlodlarga targ'ib qilish, yurtimizda yetishib chiqqan buyuk muhaddis, faqih, tasavvuf va mufassir allomalar merosini har tomonlama teran o'rganish, yuksak insoniy g'oyalar va muqaddas qadriyatlarimizni o'zida ifoda etgan manbalarni tadqiq etish, ulardan diniy ta'lim, ma'naviy-axloqiy tarbiya ishlarida foydalanish, yoshlar qalbida chuqur iz qoldirgan merosga bo'lgan muhabbat tuyg'usini shakllantirish.

ADABIYOTLAR RO'YXATI

1. Boltayev, Bobir Baxtiyorovich. "BUXOROLIK MINIATURACHIRASSOM SADRIDDIN POCHCHAYEV IJODIGA BIR NAZAR." *Scientific progress* 1.6 (2021): 998-1004.
2. Rajabov, Oybek Iskandarovich. "BUXORODAGI AYRIM MUQADDAS QADAMJO-QAL'ALAR XUSUSIDA." *Scientific progress* 1.6 (2021): 1162-1168.
3. Умаров, Б. Б. "НА КИСЛЯКОВ ТАДҚИҚОТЛАРИДА ЖАНУБИЙ ТОЖИКИСТОН ЭТНИК ТАРИХИ." *Scientific progress* 1.6 (2021): 1005-1009.
4. Тўраева, Г. Б., Ўтаева, Ф. Х., & Жумаева, Н. А. (2021). ОА СУХАРЕВА ТАДҚИҚОТЛАРИДА БУХОРО ТАРИХИ ВА ЭТНОГРАФИЯСИНИНГ ЎРГАНИЛИШИ. *Scientific progress*, 1(6), 1010-1018.
5. Bakhtiyorovich, Boltaev Bobir. "Excerpts from the life of the bukharian artist." *Middle European Scientific Bulletin* 12 (2021): 160-165.
6. Ochilov, A. T. "DATING OF THE ZAMANBABA CULTURE: ASSED ON ARCHAEOLOGICAL SOURCES." *Theoretical & Applied Science* 12 (2019): 589-591.
7. Mubinov, M. A. "Diplomacy of the eastern states and central asian khanates in the struggle for independence." *CENTRAL ASIAN JOURNAL OF SOCIAL SCIENCES AND HISTORY* 2.5 (2021): 26-31.
8. Maksud, Beshimov. "Markets of Bukhara." *CENTRAL ASIAN JOURNAL OF SOCIAL SCIENCES AND HISTORY* 2.5 (2021): 18-21.
9. Sharopov, Dilshod Ravshan O'G'Li. "ABDURAZZOQ SAMARQANDIYNING "MATLAI SA'DAYN VA MAJMAI VAHRAYN" ASARINING O'RGANILISH TARIXI." *Scientific progress* 2.1 (2021): 358-361.
10. Очиллов, Алишер Тўлис Ўғли. "БУХОРО ВОҲАСИ ШАКЛЛАНИШИДА ЗАРАФШОН ДАРЁСИНИНГ ЎРНИ ВА ВОҲА ТАРИХИЙ ГЕОГРАФИЯСИГА ДОИР АЙРИМ МУЛОҲАЗАЛАР." *Scientific progress* 1.6 (2021): 933-938 Murodova, Dilrabo Shomurodovna, and Feruza Xolmamatovna O'tayeva. "TF Gelax tadqiqotlarida Buxoro shahri mudofaa tizimining organilishi." *The Fifth International Conference on History and Political Sciences*. 2015.

11. Turaevich, Halimov Talat. "From the history of economic relations between central asia and india (XV-XVII centuries)." *CENTRAL ASIAN JOURNAL OF SOCIAL SCIENCES AND HISTORY* 2.5 (2021): 22-25.
12. OCHILOV, Alisher. "JEWELRYC TRADITION IS A SOURCE OF STUDY OF BUKHARA HISTORY." *Bayterek Uluslararası Akademik Araştırmalar Dergisi* 1.1: 105-116.
13. Бобожонова, Феруза Хаятовна. "БУХОРО МАДРАСАЛАРИ МАЪНАВИЯТ ДУРДОНАСИ." *Scientific progress* 2.1 (2021): 362-366.
14. Муродова, Дилрабо Шомуродовна. "ИККИНЧИ ЖАҲОН УРУШИ ЙИЛЛАРИДА БУХОРОДА ИЛМ ВА ФАН (БУХОРО ПЕДАГОГИКА ИНСТИТУТИ МИСОЛИДА)." *Scientific progress* 2.1 (2021): 660-664.
15. Ochilov Alisher. "The Role of Zamanbaba Culture in The Social and Economic History of Bukhara Oasis During Bronze Age." *CENTRAL ASIAN JOURNAL OF SOCIAL SCIENCES AND HISTORY* 2.4 (2021): 42-47.
16. JAMOLOVA, DILNOZA MUYIDDINOVNA. "THE END OF THE EMIRATE OF BUKHARA: THE END OF THE POLITICAL STRUGGLE BETWEEN THE JADIDS AND THE ULEMA." *International Journal of Philosophical Studies and Social Sciences* 1.1 (2021).
17. Jamolova, D. M. "Traveling to Modernity: Perception of Modernity of the Central Asian Muslims in the early 20th century." *International Journal of Psychosocial Rehabilitation* 9.24 (2020): 4202-4207.
18. Темиров Ф., Исломов Д. САДРИДДИН АЙНИЙ–ЗАМОНДОШИ ФИТРАТ ҲАҚИДА //Scientific progress. – 2021. – Т. 2. – №. 1. – С. 1349-1354.
19. Темиров Ф., Халикова Н. БУХОРО АМИРЛИГИДА ТАШҚИ СИЁСАТ ВА ДИПЛОМАТИЯНИНГ РИВОЖЛАНИШИ ТАРИХИДАН //Scientific progress. – 2021. – Т. 2. – №. 1. – С. 1276-1282.
20. Темиров Ф., Умаров Б. БУХОРО АМИРЛИҚДА ОИЛА, НИКОҲ ВА МЕРОС ҲУҚУҚИНИНГ АМАЛДА ҚЎЛЛАНИШИ //Scientific progress. – 2021. – Т. 2. – №. 1. – С. 1201-1207.

БУХОРО МУЗЕЙИДА САҚЛАНАЁТГАН ҚУРЪОНЛАР КОЛЛЕКЦИЯСИ

*Равшанов Ўқтамали Рустам ўғли-
Бухоро давлат музей-қўриқхонаси
Тарих илмий бўлими мудири*

Юртимизда бугунги кунда бебаҳо маънавий-маърифий меросимизни ўрганиш ва ундан халқимизни бахраманд қилишдек хайрли ишларга катта эътибор берилмоқда. Сўнгги йилларда бизга динимизни, шариатимизни, ота-боболаримизнинг ёзма мероси ва қадриятларини кундан-кунга яхшироқ ва мукамалроқ ўрганиб бориш имконияти пайдо бўлди. Совет тузуми даврида қўлдан бой берилган ва секин-аста унут бўлаётган турли

илмлардан халқимиз имкон қадар кенгроқ хабардор бўлиб бормоқда. Ана шундай қадриятлардан бири аждодларимизнинг диний ва маънавий мероси бўлмиш Қуръони Карим илмини ўрганиб, у ҳақдаги маълумотларни кейинги авлодга етказишдир.

Бухорода дастлабки нодир қўлёзма ва қимматбаҳо буюмларни тўплаш ишлари билан амирлик давридаёқ алоҳида шуғулланиш бошланган эди. Бухорога 1875 йилда ташриф буюрган сайёҳ Н.Маев Арк қалъасига киравериш йўлаги бўлган долонда амирнинг турли буюмлар (ҳасса, Маккадан келтирилган дарахт пўстлоғи, ойболта, қамчин ва бошқалар)ни сақлаши ҳақида ўз кундалигида ёзиб қолдирган¹. Китобларни йиғиш ва сақлаш масаласи аждодларимиз томонидан алоҳида эҳтиром билан қадимдан шаклланган. Китоблар ўз даврининг маърифатли, зиёли, олим аждодлар меросини ҳурмат қиладиган кишиларнинг қўлларида сақланган. Муқаддас китоб бўлмиш Қуръон ҳар бир мусулмоннинг уйида алоҳида токчаларда, меҳроблар ичида, махсус сумкачаларда уйларнинг юқорирок жойларида сақланган. Уларни доимо ўқиш эса хонадон эгалари учун фарз ва хосиятли ҳисобланган. XIX асрда Бухорода учта йирик кутубхона бўлганлиги ва бошқа мадрасаларнинг китоблар жамланмаси ҳақида бир қатор адабиётларда маълумотлар келтирилган. Ушбу кутубхоналарда сақланган китобларнинг аксарияти бизгача етиб келган. Бугунги кунда Бухорода Бухоро давлат музей-қўриқхонаси ва Абу Али ибн Сино номидаги вилоят кутубхонаси уларнинг аксарият меросини сақлаб келмоқда. Бундан ташқари тарихда бўлгани каби ҳозирда ҳам шахсий коллекцияларда нодир асарлар сақланган. Аммо Бухоро музейида тўпланган Қуръон китоблари 2019 йилга келиб Бухоро музейи илмий ходимлари томонидан каталог кўринишида нашр этилди. Унда жами 27 та китобнинг алоҳида таснифи ва Қуръоннинг китоб шаклига келишигача бўлган жараёнларҳақидаги маълумотлар келтирилган. Музей-қўриқхона фондларида жами 2000 га яқин қўлёзма ва тошбосма китоблар мавжуд бўлиб, улар орасида 50 га яқинини Қуръон илмига оид китоблар ташкил этади². Ушбу китобларнинг бир коллекция бўлиб тўпланиши бир аср давом этган. Шахсий кутубхонага эга бўлган кишиларнинг ўз муҳрлари бўлиб, улардан бир қанчаси китобларда сақланиб қолган. Ўз муҳрига эга бўлмаган кишилар эса китобларнинг охирида ўз исmlарини баъзан китоблар сотиб олинган нархларни ўз хатлари билан ёзиб қолдиришган. Бу эса бизга ушбу китоблар кимларга тегишли бўлганлиги ҳақидаги маълумотларни беради. Шунинг Қуръон китобларининг ўзига хос томонларидан бири муаллиф китобларнинг калафон ёки бошқа қисmlарида ўз исми келтирмайди. Ўзини “фақир”, “умидвор банда”, “гуноҳкор банда”, “савоб талаб банда” каби номлар билан атаган. Хаттотлар хатога йўл қўймасликлари учун Қуръон китобларини қоидага кўра доимо

¹ Н.А.Маев. Бухоро хонлиги очерклари.Т.: 2012. –Б.9 .

² Аҳмедов А., Равшанов Ў. Муқаддас китоб талқини. Б.: “Дурдона”, 2019. -Б.4.

кўчиришган. Ҳар бир сурани бир бетга жойлаштиришга ҳаракат қилишган. Бу китобни мукамаллигини англаган. Моҳир хаттотлардан Муҳибилло Самарқандий, Муҳаммад Рашид ибн Муҳаммад ал-Аълабий, Абдурахим ибн Мулло Бароткул Хоразмий, Котиб Бухорий, Абдурахим ал-Ҳусайний ибн Абдулғаффор ал-Ҳиравий, Мулло Омонullo ва бошқаларнинг кўчирган қуръон китоблари намуналари музей фондида мавжуд. Коллекцияда мавжуд Қуръонларнинг Муҳибилло Самарқандий томонидан 908/1502-1503 йилда кўчирилган нусхаси насх хатидаги Қуръонларнинг энг қадимийси ҳисобланади (ҳозирги кунгача Қуръонлар шу хатда битилади). Ундан олдингилари эса XII-XIII асрга оид тавқеъ хатида ва XIII-XIV асрга тегишли муҳаққақ хатида ва куфий хатларида битилган. Қуръонлар орасида VIII асрда куфий-хижозий хатида битилган Лангар Қуръони¹ ҳам мавжуд бўлиб, унинг Бухорога келиб қолиши тарихи ҳақида бир қанча ривоятлар бизгача етиб келган:

1. Ўрта асрларда Афғонистонга кўчиб келган араблар маълум бир сабабларга кўра Ўрта Осиёга кўчишади ва ўзлари билан Арабистондан олиб келинган муқаддас Қуръон китобини ҳам олиб келишади;

2. Амир Темур томонидан Суриядан Қашқадарёнинг тоғлик худудига (ҳозирги Лангар Отага) кўчириб келтирилган қабила ўзлари билан ушбу Қуръонни ҳам олиб келишган.

3. XIX аср охирларида Ҳаж зиёратига борган ҳожилар ўзлари билан ушбу Қуръоннинг бир варағини олиб келишади ва амир Абдулахадхонга туҳфа қилишади.

Китобнинг бизгача фақат 58 - “Мужодала” сурасининг 12-22-оятлари (11-оят), 59 - Ҳашр сурасининг 1-3-оятлари битилган варағи етиб келган. Амир Абдулахадхон топшириғига биноан бу варақ учун 1319/1901 йилда саҳҳоф Махдум Ҳабибулло томонидан махсус картондан бухороча услубда қирмизи яшил мукова тайёрланган. Амирлик даврида мазкур варақ ҳозирги Арк қалъасида сақланиб қолган XVIII аср бошларида қурилган Субҳонқулихон масжидининг меҳробидан ўрин олган эди.

Усмон Мусҳафи генерал Абрамов томонидан 1869 йилларда Россияга олиб кетилгандан сўнг Лангар Қуръони саройга олиб келинганлиги аниқ. Чунки амирларнинг Самарқандга бориб Мусҳаф олдида тиловат қилиш одатлари бўлганлиги манбаларда сақланган. Шундан сўнг амир ушбу Лангар Қуръонини Бухоро Аркида сақлашга қарор қилган. Шунингдек, Бухоро музей-қўриқхона фондида Қуръоннинг Абдурахим Ҳусайний ибн Абдулғаффор Ҳиравий томонидан 1876 йилда Афғонистон амири Шералихонга атаб кўчирилган “Ғаройиб ал-Қуръон ва Рағоиб ал-Фурқон”(Қуръон ғаройиботлари ва Фурқон аниқ белгилари) номли тафсири ҳам сақланган. Китоб ўзининг жуда ҳашаматли безаклари билан

¹ “Катта Лангар Қуръони” шунингдек, Бухоро вилоят кутубхонасида 2 варақ, Қашқадарё вилоятининг Қамаши туманидан диний идорага олиб кетилган 13 варақ, Шарқшунослик институтида 1 варақ ва Санкт-Петербургда 81 варақ сақланаётган қўлёзмадир.

бошқа китоблардан ажралиб туради. Шунингдек, қуръоннинг рус тилига биринчи Г.Саблуков томонидан араб ва рус тилларидаги таржимаси, махсус ҳукмдорлар учун XVIII асрда кўчирилган йирик ўлчамли (90x46 см) нусхаси ва XX аср бошида Туркияда нашр қилинган энг кичик (1,5x2,5 см) ўлчамдаги Қуръонлар сақланади.

XVI асрдан кенг тарқалган “Насхи бухорий” хатида битилган йирик ҳажмдаги Қуръонларни тайёрлашда ўнга яқин хунарманд ишлаганлиги сабабли бу китобларнинг нархи ҳам юқори баҳоланган ва уларни сотиб олишга барчанинг ҳам қудрати етмаган ва йирик ҳамда ҳашамдор китоблар махсус буюртма асосида тайёрланган. 1920 йилларда ташкил этилган Бухкомстарис ходимлари музейнинг дастлабки тарихий ашёлари қаторида Қуръон китобларини ҳам тўплашди (китобларда ташкилотнинг муҳрлари туширилган). Китоблар маълум бир муддат Зарафшон вилоятининг музей кутубхонасида сақланган ва ҳозиргача нодир китоблар қаторида сақланмоқда.

Бухоро музейи илмий ходимлари 40-80-йилларда жуда катта салоҳият билан меҳнат қилиб, музей коллекцияларининг асосий қисмини йиғишган. Фидойи инсонларнинг ота-боболаридан қолган ёки номаълум сабабларга кўра қўлларида сақланаётган китобларни совға қилишлари билан ҳам музей фондлари бойиб бормоқда.

Лангар Қуръони. Қўлёзма. Куфий-ҳижозий хати. VIII аср.



Қуръон. Қўлёзма. Тавқеъ хати. XIII аср. 114 варақ 29x43 см.



Қуръон (Бақара сурасининг 203-251 оятлари ёзилган-форс тилидаги қисқа таржимаси билан). Қўлёзма. Муҳаққақ хати. XIII-XIV аср. 6 varaқ.. 34,5x23 см.



Ғаройиб ал-Қуръон ва Рағоиб ал-Фурқон. Тафсир. Қўлёзма. Насх хати. Котиб - Абдураҳим ал-Ҳусайний ибн Абдулғаффор ал-Ҳиравий. 1293/1876 й 602 varaқ. 35x22 см.

АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ

1. Boltayev, Bobir Baxtiyorovich. "BUXOROLIK MINIATURACHIRASSOM SADRIDDIN POCHCHAYEV IJODIGA BIR NAZAR." *Scientific progress* 1.6 (2021): 998-1004.
2. Rajabov, Oybek Iskandarovich. "BUXORODAGI AYRIM MUQADDAS QADAMJO-QAL'ALAR XUSUSIDA." *Scientific progress* 1.6 (2021): 1162-1168.

3. Умаров, Б. Б. "НА КИСЛЯКОВ ТАДҚИҚОТЛАРИДА ЖАНУБИЙ ТОЖИКИСТОН ЭТНИК ТАРИХИ." *Scientific progress* 1.6 (2021): 1005-1009.

4. Тўраева, Г. Б., Ўтаева, Ф. Х., & Жумаева, Н. А. (2021). ОА СУХАРЕВА ТАДҚИҚОТЛАРИДА БУХОРО ТАРИХИ ВА ЭТНОГРАФИЯСИНИНГ ЎРГАНИЛИШИ. *Scientific progress*, 1(6), 1010-1018.

5. Bakhtiyorovich, Boltaev Bobir. "Excerpts from the life of the bukharian artist." *Middle European Scientific Bulletin* 12 (2021): 160-165.

6. Ochilov, A. T. "DATING OF THE ZAMANBABA CULTURE: ASSED ON ARCHAEOLOGICAL SOURCES." *Theoretical & Applied Science* 12 (2019): 589-591.

7. Mubinov, M. A. "Diplomacy of the eastern states and central asian khanates in the struggle for independence." *CENTRAL ASIAN JOURNAL OF SOCIAL SCIENCES AND HISTORY* 2.5 (2021): 26-31.

8. Maksud, Beshimov. "Markets of Bukhara." *CENTRAL ASIAN JOURNAL OF SOCIAL SCIENCES AND HISTORY* 2.5 (2021): 18-21.

9. Sharopov, Dilshod Ravshan O'G'Li. "ABDURAZZOQ SAMARQANDIYNING "MATLAI SA'DAYN VA MAJMAI VAHRAYN" ASARINING O'RGANILISH TARIXI." *Scientific progress* 2.1 (2021): 358-361.

10. Очиллов, Алишер Тўлис Ўғли. "БУХОРО ВОҲАСИ ШАКЛЛАНИШИДА ЗАРАФШОН ДАРЁСИНИНГ ЎРНИ ВА ВОҲА ТАРИХИЙ ГЕОГРАФИЯСИГА ДОИР АЙРИМ МУЛОҲАЗАЛАР." *Scientific progress* 1.6 (2021): 933-938 Murodova, Dilrabo Shomurodovna, and Feruza Xolmamatovna O'tayeva. "TF Gelax tadqiqotlarida Buxoro shahri mudofaa tizimining organilishi." *The Fifth International Conference on History and Political Sciences*. 2015.

11. Turaevich, Halimov Talat. "From the history of economic relations between central asia and india (XV-XVII centuries)." *CENTRAL ASIAN JOURNAL OF SOCIAL SCIENCES AND HISTORY* 2.5 (2021): 22-25.

12. OCHILOV, Alisher. "JEWELRYC TRADITION IS A SOURCE OF STUDY OF BUKHARA HISTORY." *Bayterek Uluslararası Akademik Araştırmalar Dergisi* 1.1: 105-116.

13. Бобожонова, Феруза Хаятовна. "БУХОРО МАДРАСАЛАРИ МАЪНАВИЯТ ДУРДОНАСИ." *Scientific progress* 2.1 (2021): 362-366.

14. Муродова, Дилрабо Шомуродовна. "ИККИНЧИ ЖАҲОН УРУШИ ЙИЛЛАРИДА БУХОРОДА ИЛМ ВА ФАН (БУХОРО ПЕДАГОГИКА ИНСТИТУТИ МИСОЛИДА)." *Scientific progress* 2.1 (2021): 660-664.

15. Ochilov Alisher. "The Role of Zamanbaba Culture in The Social and Economic History of Bukhara Oasis During Bronze Age." *CENTRAL*

ASIAN JOURNAL OF SOCIAL SCIENCES AND HISTORY 2.4 (2021): 42-47.

16. JAMOLOVA, DILNOZA MUYIDDINOVNA. "THE END OF THE EMIRATE OF BUKHARA: THE END OF THE POLITICAL STRUGGLE BETWEEN THE JADIDS AND THE ULEMA." *International Journal of Philosophical Studies and Social Sciences* 1.1 (2021).

17. Jamolova, D. M. "Traveling to Modernity: Perception of Modernity of the Central Asian Muslims in the early 20th century." *International Journal of Psychosocial Rehabilitation* 9.24 (2020): 4202-4207.

18. Темиров Ф., Исломов Д. САДРИДДИН АЙНИЙ–ЗАМОНДОШИ ФИТРАТ ҲАҚИДА //Scientific progress. – 2021. – Т. 2. – №. 1. – С. 1349-1354.

19. Темиров Ф., Халикова Н. БУХОРО АМИРЛИГИДА ТАШҚИ СИЁСАТ ВА ДИПЛОМАТИЯНИНГ РИВОЖЛАНИШИ ТАРИХИДАН //Scientific progress. – 2021. – Т. 2. – №. 1. – С. 1276-1282.

20. Темиров Ф., Умаров Б. БУХОРО АМИРЛИКИДА ОИЛА, НИКОҲ ВА МЕРОС ҲУҚУҚИНИНГ АМАЛДА ҚЎЛЛАНИШИ //Scientific progress. – 2021. – Т. 2. – №. 1. – С. 1201-1207.

ТЕРМИЗ ВА БУХОРО ИЛМИЙ АЛОҚАЛАРИГА ДОИР

*Чўтматов Жўрабек Омонович-
Имом Термизий халқаро илмий-тадқиқот
маркази илмий ходими*

Тарихий Мовароуннаҳр ўлкасининг исломий илмлар марказларидан бири сифатидаги ўрнига алоҳида тўхаталиб ўтиришнинг ҳожати йўқ. Аммо ушбу диёрнинг маданий марказларини ифода этган жойлар ва улар орасидаги илмий алоқаларни ўрганиш алоҳида аҳамиятга эга. Жумладан, Бухоро ва Термиз олимлари муносабатлари ҳам кўплаб муҳим далилларга эга бўлиб, қуйида бу ҳақдаги айрим маълумотларни келтириб ўтамиз.

Гарчи бугунги яқин вақтларгача Термиз илмий муҳити ва Термизий алломалар ҳақида маълумотлар кам ёки узук-юлук, умумий шаклларда бўлса-да, охириги тадқиқотлар Термизнинг Мовароуннаҳр шаҳар ва вилоятлари орасидаги фундаментал аҳамиятини кўрсатиб бермоқда. Жумладан, Термизнинг фатҳ жараёни бошлариданоқ исломий муҳитга қўшилган илк худудлардан бири бўлганлиги¹, ҳатто Абу Фотима Амр Ийодий каби саҳобанинг ҳам Термизда маълум вақт яшаганлиги, бу ердан 200 атрофидаги Термизий алломаларнинг номи аниқланганлиги ва уларнинг 10 га яқини табаъ тобеъинлар жумласидан бўлганлиги юртимиз тарихининг зарварақлари сифатида эътироф этишга лойиқ жиҳатлардир.

¹ Масалан, қаранг: Муҳаммад Аҳмад Маҳмуд. Бухоро фий содр ал-ислам. 47-48 ва кейинги бетлар.

Ўз навбатида, тоҳирийлар ва сомонийлар даврида тараққиётнинг янги босқичига чиққан Бухорода ҳам жаҳонга машҳур олимлар силсиласи шаклланди. Табиийки, бу каби шароитда Термиз ва Бухоро ўртасидаги илмий алоқалар фаоллашиши муқаррар эди.

Далилларга ўтадиган бўлсак, табаъ тобеъинлардан бўлган Суфён ибн Омир Ғифорий Термизий ҳақида унинг Бухоро қозиси бўлганлиги айтилади¹. Эътиборга лойиқ жиҳати, ушбу Термизийнинг устози, тобеъинлардан саналган Абу Умайя Абдулкарим ибн Абулмаҳорик Басрий (ваф. 126/743) бўлиб, у фақиҳлиги билан танилган ва ундан Имом Аъзам Абу Ҳанифа ҳам ривоят қилган². Суфён ибн Уяйна дейди: “Бирор киши ундан: “Бу сўзни қаердан олдинг?” деса: “Муаллимнинг Иброҳим Наҳаъийдан” деб иснодини Ибн Масъудга нисбат берарди”³. Маълумки, фикҳ илмининг ушбу санади ҳанафий мазҳаби қарашларининг асоси саналади. Демак, унинг шогирди Суфён Термизий ҳам фикҳдаги билим доираси туфайли қозилик даражасида фаолият кўрсатган. Бу эса ўз навбатида Мовароуннаҳрда ҳанафий мазҳаби ёйилишининг илк босқичларини намоён этади.

Ҳадис илмида дунё имоми Имом Бухорий ҳазратларининг ҳам улардан бевосита ривоят қилган икки нафар Термизий шайхи – устозлари мавжуд. Улардан бири ҳадис илмининг пешволаридан саналган Абулҳасан Аҳмад ибн Ҳасан ибн Жунайдиб Термизий (ваф. тахм. 250/864) бўлса⁴, яна бири Мусо ибн Ҳизом Термизийдир (вафоти 250/864 йилдан сўнг)⁵. Шунингдек, Имом Бухорий ўз устози Аҳмад ибн Ҳанбалнинг устози бўлган Ислоом тарихида машҳур ҳофизлардан бири бўлган табаъ тобеъин Ҳажжож ибн Муҳаммад Термизийдан ҳам билвосита ривоятлар қилган⁶.

Албатта, Имом Бухорий ва Имом Термизийнинг устоз-шогирдлик муносабатлари эса ўзгача бир олам бўлиб, тарихнинг барчага ўрناк бўлувчи намунавий воқеликларидан биридир.

“Ғунжор” номи билан машҳур бухоролик Абу Абдуллоҳ Муҳаммад ибн Аҳмад ибн Муҳаммад ибн Сулаймон (337-412/948-1028) ҳали бизга маълум бўлмаган “Тарихи Бухоро” китобида дейди: “Абу Исо Муҳаммад ибн Исо ибн Савра ибн Мусо ибн Заҳҳок Сулабий Термизий Ҳофиз. Бухорога кирди ва унда ҳадис айтди. У “Ал-Жомеъ” ва “Ат-Тарих” китоблари муаллифи. Абу Исо

¹ Заҳабий. Мезон ал-эътидол. II, 169 б., 3325-рақам. Ибн Ҳажар. Лисон ал-мезон. III, 53 б., 207-рақам.

² Миззий. Таҳзиб ал-камол. XVIII, 259-265б.

³ Муғлатой. Ал-Икмол. VIII, 294 б.

⁴ Имом Бухорий. Саҳиҳ. IV, 1621 б., 4203-рақам.

⁵ Имом Бухорий. Саҳиҳ. III, 1212 б., 3153-рақам. Батафсил қаранг: Чўтматов Ж. Имом Бухорий ва Термизийлар // “Марказий Осиё ва Ислоом цивилизацияси” мавзусидаги ёш тадқиқотчи ва талабаларнинг республика анжумани тўлами. – Тошкент: Ўзбекистон халқаро ислом академияси нашриёт-матбаа бирлашмаси, 2018. –Б. 10-12.

⁶ Имом Бухорий. Саҳиҳ. II, 520 б. 1367-рақам, II, 569 б. 1494-рақам, IV, 1674 б. 4308-рақам.

Муҳаммад ибн Исо икки юз етмиш тўққизинчи йил (892 йил) ражаб ойидан ўн учинчи кун ўтиб, иккинчи куни (душанба) кечасида Термизда вафот этди”¹.

Ушбу хабарнинг бир неча эътиборли жиҳатлари бор:

1. Имом Термизийнинг тўлиқ исми-шарифи жузъий фарқлар билан уч хилда келтирилиб, барча ҳужжат-далил сифатида қабул қиладигани айнан Ғунжор келтирган юқоридагисидир;
2. Имом Термизийнинг вафот санаси борасида ҳам мана шу хабардаги сана қабул қилинади;
3. Имом Термизийнинг вафот ўрни ҳам ушбу матнда аниқ берилган ва у қабул қилинган. Бунга бугунги кунда Имом Термизийнинг қабри жойлашган ҳудуд ҳам гувоҳлик беради.

Шу сабаб ҳадис ҳофизлари Ибн Нуқта (579-629/1183-1231), Исъардий (622-692/1223-1293) ва Ибн Касир (701-774/1302-1373) Имом Термизий таржима ҳолини ёритишда бу маълумотлардан бирдек фойдаланишган.

Абулфазл Муҳаммад ибн Амр ибн Михрон Хатиб Термизий эса машҳур олим Абу Жаъфар Аҳмад ибн Муҳаммад ибн Салома Таҳовий Аздийнинг (239-321/853-933) шогирди бўлиб, “Шарҳу маъоний ал-осор” китобини бевосита унинг ўзидан ривоят қилган. У ушбу муҳим асарни Хуросон ва Мовароуннаҳрга тарқатган асосий икки шахсдан биридир. Шунинг учун Самъоний Бухоронинг Авдана қишлоғидан чиққан, ҳанафий фақиҳ Абу Сулаймон Довуд ибн Муҳаммад ибн Мусо ибн Ҳорун Авданий тўғрисида маълумот берар экан, унинг икки ўғли – фақиҳ Абу Салама Абдусамад ва ҳофиз Абу Саҳл Абдулҳамидларнинг Термизда Абулфазл ибн Абу Ҳафс Термизийдан Имом Таҳовийнинг китобларини унинг ўзидан қилган ривояти орқали эшитишганлигини айтади².

Яна бир машҳур Термизий – Абу Абдуллоҳ Муҳаммад ибн Али ибн Ҳасан Ҳаким Термизий (тахм. 205-318/820-932) ҳам ўзининг “Наводир ал-усул” асарида бевосита “Муҳаммад ибн Фазл Бухорий”дан муфассир тобеъин Икриманинг (25-105/645-723) тафсирини ривоят қилади³. Аммо ушбу Бухорийнинг кимлигини аниқлаш мушкул. Чунки манбаларда бу номдаги Бухорийлар уч тур куняда учрайди: Абу Бакр (307-381 ёки 388/919-991 ёки 998, ҳанафийларнинг машҳурларидан), Абу Исма, Абу Абдуллоҳ. Охирги иккитаси илгарироқ, III/IX асрда яшашган. Термизий келтирган Бухорий ушбу ривоятни табаъ тобеъин Абу Исмоил Ҳафс ибн Умар Аданий Санъонийдан ривоят қилган, демак, ушбу Бухорий III/IX асрда яшаган. Шунингдек, айрим Бухорийлар Термизда ҳам яшашган. Ҳанафий мазҳаби намояндаси, дастлаб Қримга, кейинчалик Мисрга бориб, у ердаги жомеъда имомлик қилиб, ҳанафийлар тоифасига то вафотига қадар дарс берган Имом Қивомиддин Муҳаммад Какий (ваф. 749/1348) яна бир ҳанафий олим, фикҳ ва усул илмларида денгиз дейиладиган, Баздавий, Аксикатийлар асарлари ва “Ҳидоя”га шарҳ битган Имом

¹ Ибн Касир. Ал-Бидоятун ва-н-нихоя. XI, 67 б. ва бошқа манбалар.

² Самъоний. Ал-Ансоб. I, 381 б.

³ Ҳаким Термизий. Наводир ал-усул. IV, 317 б., 986-рақам.

Абдулазиз ибн Аҳмад ибн Муҳаммад Бухорийдан Термизда таълим олиб, фақиҳ бўлган¹.

Илмий алоқалар – минтақамизнинг алоҳида мактаб сифатидаги асосларини кўрсатувчи муҳим омилдир. Ушбу маълумотлар эса ҳали энг дастлабкилари бўлиб, атрофлича маълумотлар катта илмий мақола ва алоҳида китоб бўладиган даражададир².

BUXORONING BUYUK FARZANDI ABDULXOLIQ G'IJDUVONIY VA UNING XO'JAGON TARIQATINING PAYDO BO'LISHI VA TASAVVUFIY G'OYALARI

*Raxmanov Umidjon Shokirjonovich
O'zR FA Abu Rayhon Beruniy nomidagi
Sharqshunoslik instituti, laboranti*

Markaziy Osiyo IX-XII asrlarda madaniy yuksalish – uyg'onish davrini o'z boshidan kechirdi va bugun musulmon sharqida, jahonda yangi madaniy qadriyatlarni yaratish jihatidan katta yutuqlarga erishdi. Bu olamshumul jarayonning eng muhim tomonlaridan biri - dunyoviy va diniy ilmlar barobar rivoj topdi, ma'naviy jihatdan bir-birini to'ldirdi va boyitdi. Matematika, astronomiya, kimyo, tabobat, dorishunoslik, tarix, tilshunoslik, falsafa kabi fanlar bilan bir qatorda kalom, fiqh, tafsir kabi diniy-ilohiy ilmlar xam rivoj topdi. Bu davrda O'rta Osiyoda tasavvuf ham shakllandi va tez taraqqiy etdi.

Tasavvuf ham diniy ilm, ham e'tiqod sifatida yangi yo'nalishlarni vujudga keltirdi. Xo'jagon-naqshbandiya, yassaviya, kubroviya tariqatlari O'rta Osiyoda shakllanib, boshqa musulmon o'lkalariga ham tarqalib, rivojlandi.

Xojagon-naqshbandiya tariqati tasavvufning eng hayotga yaqin, dunyoviylikni o'zida singdirgan, insonning jamoa bo'lib yashashi, mehnat jarayoni uchun zaruriy bo'lgan real hislatlarni ifodalashga intilgan yo'nalishlardandir. Shu yo'nalish - tariqatning shakllanishi va Markaziy Osiyoda tanilishi Abdulxoliq G'ijduvoni (1103-1179) ta'limoti bilan bog'liqdir. So'ng bu yo'nalish naqshbandiya deb atalib (Bahouddin Naqshband nomi bilan bog'lanadi - XIV asr), O'rta Osiyodan tashqari boshqa qator o'lkalarga ham tarqaldi. Bugungi kunda Xo'jagon-naqshbandiya tariqatining asoschisi Abdulxoliq G'ijduvoniyning falsafiy- ilohiy merosini o'rganish juda katta ahamiyatga ega. Chunki unda ilm-ma'rifat, oliy axloq, ma'naviy yuksalishga intilish g'oyalari teran ifodalangan. O'zbekiston Respublikasi Vazirlar Mahkamasining "Abduxoliq G'ijduvoni tavalludining 900 yilligini nishonlash to'g'risida"gi qarori uning merosini har tomonlama o'rganishga qaratilgandir.

Abdulxoliq G'ijduvoni Xoja Yusuf Hamadoniyning xalifalaridan to'rtinchisi bo'lib, Xojagonlar tabaqasining boshlovchisi edilar. Tug'ilgan va

¹ Абдулқодир Қураший. Жавоҳир ал-музийя. 1993. II, 428 б., IV, 294-295 б.

² Батафсил қаранг: Чўтматов Ж. Термизнинг безавол қалъалари ёхуд Термиз тарихи. 2017.

vafot qilgan yerlari Buxoro viloyatining Gijduvon dahasi bo'lib, Buxorodan olti farsax (bir farsax 6-7 chaqirim) uzoqlikda edi. Aziz otalarining nomlari Abduljamil bo'lib, imom degan nom bilan mashhur edilar. O'zlari Imom Molik avlodidan. O'z davrining ulug'i, zohiriy va botiniy ilmlarning olimi. Rumda sokin edilar.

Xazrati Xoja Abdulxoliqning otalari Rum podshohlarining avlodlaridan bo'lib, aytishlaricha, Xizr - ularga salomlar bo'lsin - suhbatdoshi edilar. Xizr alayhisalom ularga Abdulxoliqning tug'ilishlarini bashorat qilgan va shunday deb ism qo'yishlarini buyurgan edilar. Ayyom hodisotlari sababli Abduljamil ahli oilasi bilan Movarounnahrda kelib, G'ijduvonda yashab qoldilar. Hazrati Xoja Abdulxoliq bu yerda tug'ilib, G'ijduvonda nash'u namo topdilar. Yoshliklarida Buxoro shahriga kelib, ilm tahsili bilan mashg'ul bo'ldilar.

Hazrati Xoja Abdulxoliq o'zlarining ba'zi kitoblarida quyidagilarni yozib qoldirganlar: "Yigirma ikki yoshimda uyg'oq qalblilarning xojasi - Xoja Xizr alayhisalom meni shayxi rabboniy Yusuf Hamadoniy qo'lga topshirdilar va meni tarbiyat qilishga vasiyat etdilar, ular Movarounnahrda ekanlar, men ularning xizmatlarida bo'ldim va ko'p foydalar oldim".

Xoja Yusuf Xurosonga ketganlaridan so'ng Xoja Abdulxoliq riyozatga mashg'ul bo'ldilar. Ayrim tadqiqotchilar xo'jagon tariqati Yusuf Hamadoniydan boshlangan (V. Bartol'd) desalar, ayrimlari keyinchalik "naqshbandiylik" nomi bilan mashhur bo'lgan tariqatning yaratuvchisi (J. Trimingem) sifatida tilga oladilar. Fitrat hali naqshbandiylik nomi bilan shakllanib ulgurmagan silsilani "abdulxoliqchilar" deb atagan¹. Bunday ehtiromning sababi tasavvufdagi sakkiz manzil bevosita Abdulxoliq G'ijduvoniy nomi bilan bog'langanligidadir.

Xojagonlar tariqati binosining asosi hisoblangan quyidagi sakkiz so'z ham Xoja Abdulxoliqning kalimoti qudsiya (aziz so'zlari)dan hisoblanadi: Hush dar dam, nazar bar qadam, safar dar vatan, xilvat dar anjuman, yodkard, bozgasht, nigoxdosht, yoddosht. Bulardan o'zga narsalarning barchasi pindosht, ya'ni manmanlik va g'urur xisoblanadi...

Maxfiy qolmasinkim boshqa uchta kalima ham bo'lib, bu kalimalar ham mazkur toifaning istilohlaridan hisoblanadi. Ular vujudi adadiy, vuqufi zamoniyy va vuqufi qalbiydir, demak bu kalimalarning hammasi o'n bittadir. Hazrati Xoja Abdulxoliq Xojagonlar shajarasining sarhalqa (boshlovchi)si bo'lganlar.

Xoja Orif Revgariy (Moxitobon) tomonidan "Tariqat ahlining raisi, zoti bobarakot²" sifatida ta'riflangan Abdulxoliq G'ijduvoniy haqqa vosil bo'lish, ruhni kamol toptirish va komil inson darajasiga yuksalishning o'ziga xos yo'lini kashf etdi. Xojagon tariqati Abdulxoliq Gijduvoniy ko'rsatgan kamolot yo'lidir. Shuning uchun Abduraxmon Jomiy va Alisher Navoiylar: "Alarning ravishi tariqatda xujjatdur, barcha foruqning maqbulidur³", - deb ta'riflaganlar.

¹ Fitrat. Ahmad Yassaviy.// Maorif va o'qituvchi.- 1927. 6-son.- B.29-35. Qayta nashri: Abdurauf Fitrat. Tanlangan asarlar.- 2-jild. -T.: Ma'naviyat, 2000. - B.16-31.

² Xoja Muhammad Orif ar-Revgariy. Orifnoma. Qulyozma. Shaxsiy kutubxonada saqlanadi. B-12 a.

³ Alisher Navoiy. Nasoyim ul-muhabbat.T.A.T. 17-Tom. - T.: 2001.- B.213.

Xojagonlarning komil insonni tarbiyalash yo'li me'yordagi yo'ldir. Chunki u shariatga asoslanadi. Bu yo'l doimo shariat va sunnatga uyg'un, bid'atdan yiroq bo'lgan. U xushyorlik yo'li bo'lib, "xush dar dam" rashhasiga asoslanadi. U fanodan baqo xolatigacha insonni kamolotga yetaklash yo'llarini ko'rsatadi.

Xojagonlar tariqati shaxs ruhiy xususiyatlarini inobatga olib, kamolot yo'lini belgilagan sulukdir. Zeroki, bu yo'l boshida Abdulkoliq G'ijduvoniya xufiya zikr bo'lsa, Maxmud Anjir Fag'naviydan Amir Kulol davrigacha xufiya va jahriya zikr birga mavjud bulgan. Amir Kulol jamoasida jahriya zikr bo'lsada, ammo Bahouddin Naqshband xufiya zikr qilish zarurligini asoslagan.

Xojagon tariqati solihlarni bag'rikenglik ruhida tarbiyalagan maktabdir. Bag'rikenglik Abdulkoliq, Gijduvoniyning samo'ga bo'lgan munosabatlarida, ya'ni "Inkor xam etmaslik, maqbul ham qilmaslik" da namoyon bo'lgan. Shuningdek bu tariqatda valiylik darajasida ko'tarilgan va bunga erishgan ayollarga teng hurmat bilan munosabatda bo'lingan. Xo'jagonlar nafs tarbiyasiga juda ham katta e'tibor berganlar va nafs fano darajasiga olib kelishini ko'rsatganlar. Ularda bandalik eng oliy daraja sifatida ko'rsatilgan.

Banda ixtiyoriy to'la ravishda ilohiy ixtiyor bilan uyg'un bo'lgan. Haq rizoligiga erishish asosiy maqsad hisoblangan.

Xojagonlar insonga barcha jismoniy, aqliy, nafsoniy, ruhiy quvvatlarni boshqara olish, o'z-o'zini anglash va o'zining mikroolamida makroolamni - ilohiylikni joylashtirishning eng afzal yo'llarini topganlar. Qalbda ilohiy fayzni to'plash, insondagi mavjud zaxiralarni ochish va ularni borliqli go'zallashtirish kabi ezgu ishlarga safarbar etish uchun "nazar bar qadam" rashhasi asosida ko'z va oyoq quvvatini jismonan va ma'nan to'g'ri yo'naltira olganlar.

Xojagonlar tariqatida boshqa tariqatlardan farqli jismoniy sayru safar qilish ma'nan, ruhan safarga aylantirilgan. "Safar dar vatan" rashhasi orqali inson o'zida butun makroolamni his etib, o'zidagi tuban, yomon axloqlarni yo'qotib, go'zal ilohiy axloq sohibiga aylanishi zarurligi o'qtirilgan.

Tariqatlardagi inson kamoloti uchun zarur bo'lgan uzlat, chilla, tanho, xilvatni xojagonlar anjumanda o'tkazish yo'lini ixtiro etib, "xilvat dar anjuman" rashhasi asosida zohiran xalq va botinan haq bilan bo'lib, xos tariqat ahli bilan suhbat yo'li ila ruhlarni oziqlantirib, kamol topish mumkinligini ko'rsatdilar. Natijada xojagon yo'li dunyoviy va diniy baxt- saodat yo'li, dunyo va oxirat uchun ham zaruriy yo'lga aylandi.

Xojagon tariqati insondagi xotirani tasnif etib, uni shaytoniy, nafsoniy darajadan poklab, malakkiy va oxirida rahmoniy darajasiga yuksalish yo'llarini ixtiro etib, "yodkard", "yoddosht" rashhalari natijasida bunga erishish mumkinligini ko'rsatdi. Vaqt qadriyatiga maxsus e'tibor berish orqali solihlarga vaqtni o'z tasarrufiga olish, vaqt o'g'lidan vaqt otasi darajasiga yuksalish yo'lini "Xush dar dam" rashhasi orqali ko'rsatib, har on nafasni asrash kabi ruhiy mashqlar bilan vaqt ustidan g'olib bo'lish yo'llarini ixtiro etdi.

Xojagon tariqati insonni butun mavjudodga nur sochuvchi, ziyo tarqatuvchi manzilu makonga aylantira oldi. Abdulxoliq G'ijduvoniyy o'nta nur ta'limoti orqali inson qalbida o'nta nurni mujassam etish mumkinligini ko'rsatdi. Komil inson qalbida iymon, islom, tavhid, ma'rifat, hidoyat, yodkard, bozgasht, nigohdosht, yoddosht, shayx nurlari tajalliy etgan bo'lib, bunday inson butun mavjudotga ilohiy ishq ila mushohada, nazar, munosabat qila oladigan bo'ladi.

Xojagon tariqati ruhiy kamolotga erishishning maqomlari tavba, irodat, zikr, zuhd, sabr, rizo, shukr, tavakkul va xollari murokaba, musohaba, muhabbat, sidq, taslim, tavgiz, ixlos, mushohada, muoina bo'lib, shular orqali komil inson darajasiga yetish mumkin deya, tolibi haqlarni xidoyat yo'liga boshlagan.

Xojagon ta'limoti vahdati vujudga asoslangan ta'limotdir. Shuning uchun Romitaniy - Xazrat Azizon aytganki: "Yer yuzida Xoja Abdulxoliq G'ijduvoniyy farzandlaridan biri bo'lsa erdi, Mansur (Xalloy) xargiz dor ostita bormagay erdi¹".

Demak, Abdulxoliq G'ijduvoniyy asoslagan, Orif Revgariy, Mahmud Anjir Fag'naviy, Xoja Ali Romitaniy, Muhammad Boboi Samosiy, Xazrat Said Amir Kulol murshidlik qilgan va Bahouddin Naqshband asoslagan naqshbandiya tariqatining asosiy tamal toshi bo'lgan xojagon tariqati ixtiro etgan komil insonni tarbiyalash yo'li hozirgi kungacha o'z ahamiyatini saqlamoqda va yosh avlodni to'g'ri yo'lda tarbiyalash, barkamol inson tarbiyasi jarayoni uchun foydali g'oya va amallarni meros sifatida saqlamoqda.

БУХОРО АМИРЛИГИДА ЁЗМА ХУЖЖАТЛАРНИНГ ШАКЛЛАНИШИ. ХУКМДОРЛАР ВА ДАВЛАТ АМАЛДОРЛАРИНИНГ КУТУБХОНА-АРХИВЛАРИ ВА УЛАРНИНГ ТАДҚИҚ ҚИЛИНИШИ

*Темирова Гулирухсор –
Бухду, ўқитувчи*

Ўрта Осиё хонликлари шу жумладан, Бухоро амирлиги ёзма хужжатлари ва ҳуқуқ тизимини тадқиқ этган олимларнинг илмий изланишларида ислом ҳуқуқининг юқорида қайд этилган тўртта манбаси атрофлича таҳлил этилган. Шу жиҳатдан олганда, мазкур тадқиқот ишида юқоридаги манбалар қисман таҳлил этилиб, асосий эътибор Бухоро амирлиги ижтимоий воқелигида юқоридаги ҳуқуқ манбалари негизда яратилган ёзма манбаларни ўрганишга қаратилади. Шу ўринда, таъкидлаш жоизки, мазкур манбалар ижтимоий ва ҳуқуқий йўналишдаги адабиётларда батафсил тадқиқ этилмаган. Ҳолбуки, амирликнинг кундалик

¹ Alisher Navoiy. Nasoyim ul-muhabbat. T.A.T. 17-Tom. - T.: 2001.- B.254.

ижтимоий воқелигида юзага келган кўпгина муносабатлар асосан ушбу манбалар ёрдамида тартибга солиб борилган¹.

Бевосита ўша даврда ёзилган асарларни таҳлил қилиш Бухоро амирлигида юқорида кўрсатиб ўтилган тўртта манба билан бир қаторда маҳаллий одат ҳуқуқи ҳамда халқаро шартномалар ҳам мавжуд бўлганлигини эътироф этишга имкон туғдиради. Ушбу ҳуқуқ манбаларини оғзаки ва ёзма шаклдаги ҳуқуқ манбаларига ажратиш мумкин.

Бухоро амирлигида одат шариат қонунлари билан бир қаторда жамият ҳаётини тартибга солишда муҳим аҳамият касб этган. Ҳуқуқнинг ушбу манбаси асосан айрим ижтимоий, иқтисодий ҳамда оилавий муносабатларни тартибга солишда қўлланилган. Хусусан, амир Шоҳмурод ўзи томонидан амалга оширилган давлат-ҳуқуқий ислохотлари орқали одат ҳуқуқи институтларини амалда кенг жорий этган².

Ўрганилган дастлабки манбалар ва ҳужжатларни таҳлил этиш бизга ўша даврда амал қилган ёзма ҳужжатларини шартли равишда қуйидаги турларга ажратиш имконини беради:

- давлат бошқарувига оид бўлган ҳужжатлар – (амирнинг фармон(ёрлик), фармойиш ва иноятномалари);
- фуқаролик-ҳуқуқий муносабатларга оид бўлган ҳужжатлар (вақф, олди-сотди, гаров, ижара, тилхат ва ишончномалар ҳамда даъво аризалари, даъвони рад этиш далолатномалари);
- оила-никоҳ ва мерос муносабатларига оид бўлган ҳужжатлар (никоҳ гувоҳномалари, никоҳдан ажралиш ҳужжатлари, меросни бўлиш далолатномалари ва меросни қабул қилганлик ҳақида тилхат);
- Қўшбеги томонидан қабул қилинган айрим ҳужжатлар(қарор ва хатлар);
- қози томонидан қабул қилинадиган ҳужжатлар (қарор, ҳукм, ариза ва хатлар);
- давлат бошлиқларининг амалий қўлланма ва кўрсатмалари (Мажма ал-арқам, Айн ул-ҳикма, Ал-фавойид ал-алфийа ва қирқ аълам суди учун қўлланма)³.

Бизнинг фикримизча, ушбу давр ёзма ҳужжатлари ҳақида сўз кетганда, энг аввало, давлат бошлиғи амирнинг фармони ва қўшбеги хатларига мурожаат этиш лозим. Бухоро амирлари томонидан чиқарилган фармонлар асосан мансабга тайинлаш ёки озод этиш масалаларига қаратилган. Таъкидлаш жоизки, ушбу ҳужжатлар турлича атамалар билан номланган. Масалан, ёрлик (туркча), маншур (арабча) ва нишон (форс-тожик) каби⁴. Амирликда фармон билан биргаликда, ёрликлар (имтиёз

¹ Шодиев Ж.М. Бухоро амирлиги давлатчилигининг ривожланиши. Т: 2010. – Б. 66.

² Шодиев Ж.М. Бухоро амирлиги давлатчилигининг ривожланиши. Т: 2010. – Б. 67.

³ Алимов И, Эргашев Ф, Бутаев А. Архившунослик. / Ўқув қўлланма – Тошкент: Шарқ, 1997. – Б. 54.

⁴ Шодиев Ж.М. Бухоро амирлиги давлатчилигининг ривожланиши. Т: 2010. – Б. 67.

хукуқи тўғрисида) ҳам мавжуд бўлиб, унинг хусусияти шундаки, ёрликда маълум бир мулк ёки имтиёз берилганлиги эълон қилинган¹.

Юқорида келтирилган икки ҳужжат ҳам оммавий аҳамиятга эга бўлган. Ёзма кўринишга эга бўлган бундай ҳужжатлар бугунги кунда Марказий давлат архиви, Бухоро Давлат бадиий-архитектура музей-кўриқхонаси (БДБАМК кейинги ўринларда ушбу қисқартмадан фойдаланилади) ва Ўзбекистон Республикаси Фанлар Академияси Шарқшунослик институти кўлёмалар фондида сақланмоқда². Масалан, 1840 йилда амир Насрулло томонидан мулло Абдусамат қорини масжид имомлиги лавозимига тайинлаш ҳақида чиқарилган фармон шулар жумласидандир³.

Ёрликлар ҳам фармонлар каби икки юридик шаклда бўлган, яъни дастлабки ва тасдиқловчи ёрликлар. Тасдиқловчи ҳужжатлар матни “фалон хукмдорнинг ёрлиғи асосида...” каби сўзлар билан бошланган. Мисол тариқасида 1827 йилда амир Насрулло томонидан амир Ҳайдарнинг ёрлиғи асосида чиқарилган Қоракўл вилоятидаги 100 таноб ернинг Мирзо Абдурахимга тегишлилигини гувоҳлантирувчи ёрликни кўрсатиш мумкин⁴.

Фармойиш – ёзма ҳужжат - манбаининг бир шакли сифатида фармондан бир қатор белгилари билан фарқланади. Хусусан, ташқи белгиси – муҳр шакли ва ўрни билан, ички белгиси – фармойишда маълум бир вазифа, топшириқни бажариш ёхуд назорат қилиш аниқ шахс ёки шахслар зиммасига юкланади. Шу билан бирга, фармойишлар нафақат амир томонидан балки, марказий ва маҳаллий бошқарув ҳокимиятининг бошқа мансабдор шахслари томонидан ҳам чиқарилган⁵.

Кўпгина ҳолларда амир томонидан чиқарилган фармойиш иноятнома деб аталган. Бунга мисол тариқасида, 1868 йилда амир Музаффар томонидан Қоракўл вилоятининг қозиси Абдурахмон қорига вақф ерлари ижарачиларининг ўзаро даввосини кўриб ҳал қилиш ва унга маълумот бериш хусусида чиқарилган иноятномасини кўриш мумкин⁶.

Шу ўринда қайд этиш лозимки, тадқиқ этилган манбаларнинг асосий қисмини фуқаролик-хуқуқий муносабатларга оид бўлган ҳужжатлар ташкил этади. Хусусан, ушбу ҳужжатларнинг бир шакли ҳисобланган вақф ҳужжатлари (вақфномалар) – икки шахс ўртасида тузиладиган, маълум бир шахсга хуқуқни ўтказиш шаклида намоён бўладиган ва хуқуқий жиҳатдан

¹ Алимов И, Эргашев Ф, Бутаев А. Архившунослик. / Ўқув қўлланма – Тошкент: Шарқ, 1997. – Б.26.

² Шодиев Ж.М. Бухоро амирлиги давлатчилигининг ривожланиши. Т: 2010. – Б. 68.

³ Алимов И, Эргашев Ф, Бутаев А. Архившунослик. / Ўқув қўлланма – Тошкент: Шарқ, 1997. – Б.26.

⁴ БДБАМК. Инв. № 295/225.

⁵ Алимов И, Эргашев Ф, Бутаев А. Архившунослик. / Ўқув қўлланма – Тошкент: Шарқ, 1997. – Б.26.

⁶ Шодиев Ж.М. Бухоро амирлиги давлатчилигининг ривожланиши. Т: 2010. – Б. 68-69.

қайд этилган шартнома тури бўлган. Бунда биринчи тараф – вақфни таъсис этувчи шахс бўлса, иккинчи тараф масжид, мадраса номидан мулкка нисбатан эгалик ҳуқуқини қўлга қиритган томондир.

Вақфнинг ўзига хос жиҳати шундаки, бундай муносабатга ижтимоий келиб чиқиши ёки расмий лавозимидан қатъий назар ҳар қандай шахс иштирок этиши мумкин бўлган. Хусусан, Усто Муҳаммад Салим томонидан 1855 йилда Шодимбий мадрасаси ҳисобига холва сотишга мўлжалланган 2 та дўкон, сопол кўза ва турли асбобларнинг ўтказилиши ҳақидаги вақфнома ҳамда Саид Аминбой томонидан 1865 йилда Гузари Зомича кўчасида жойлашган Хўржин мадрасаси ҳисобига 7 та дўкон ва 14890 танганинг ўтказилиши ҳақидаги вақфнома ва бошқалар шулар жумласидандир¹.

Шу ўринда, вақф муносабатларида нафақат эркаклар, балки аёллар ҳам иштирок этганликларини эътироф этиш жоиз. Мисол тариқасида, Зийнатбегим Мир Бадеъ қизи томонидан 1866 йилда Кўрпафуруш бозорида жойлашган 1 та савдо дўконини Калтақуён масжиди ҳисобига ўтказилиши ҳақидаги, Биби Оқила Махмудбек қизи томонидан 40 таноб мулки-хурри-холис ерининг Муҳаммад Назар тўқсабо ўғли Субҳонқули тўқсабо фойдасига ўтказиш ҳақидаги вақф ҳужжатларини келтириб ўтиш мумкин. Шу билан бирга, мансабдор шахслар томонидан қолдирилган мулкларни вақфга айлантиришга оид бўлган бир қатор манбалар ҳам мавжуд бўлган².

Масалан, Мирзо Ҳайдар томонидан 1860 йилда Раста-и Атторонда жойлашган 17 та савдо дўконини Бухоро шаҳридаги Мирзо Ҳайдар масжиди ҳисобига ўтказиш тўғрисидаги, амир Насрулло томонидан Пои-Остона гузарида жойлашган саройнинг қисмини Модарихон гузаридаги масжид ва мадраса ҳисобига ўтказиш ҳақидаги ҳамда 1 та карвонсарой, гуруч сотишга мўлжалланган 7 та дўконни Мусурмон Энага кўчасида жойлашган Ўткир кушбеги мадрасаси ҳисобига ўтказиш тўғрисидаги ва Қўшбеги Мирзо Насрулло томонидан 1912 йилда Лаби Ховузда жойлашган 2 та савдо дўконини Файзиобод ҳудудида жойлашган Сангин мақбараси ҳисобига ўтказиш ҳақидаги ҳамда ўша йили амир Олимхон томонидан Сўзангарон кўчасидаги 12 та дўкон ва 7 та хужрадан иборат бўлган 1 карвонсаройни Мадина шаҳрида жойлашган Муҳаммад Пайғамбар мақбараси ҳисобига ўтказиш ҳақидаги вақф ҳужжатлари кабилар шулар жумласидандир³.

Ёзма ҳужжатларининг иккинчи турига оид бўлган ҳужжатлар орасида кўп учрайдиган тури бу васиқаи-батат (бай-и бат)–олди-сотди

¹ Шодиев Ж.М. Бухоро амирлиги давлатчилигининг ривожланиши. Т: 2010. – Б. 68.

² Алимов И, Эргашев Ф, Бутаев А. Архившунослик. / Ўқув қўлланма – Тошкент: Шарқ, 1997. – Б.26.

³ Шодиев Ж.М. Бухоро амирлиги давлатчилигининг ривожланиши. Т: 2010. – Б. 68.

шартномаларидир. Ушбу шартномаларнинг объекти кўпинча ер, уй-жой ва бошқа кўчмас мулклар бўлган.

Масалан, 1848 йилда Рахимбой томонидан мулло Ёдгорга Зўрманох худудида жойлашган 1,5 таноб мулк ерларининг 27 тиллога сотилганлиги ҳақидаги, 1854 йилда Хусайнбой томонидан Убайдуллобойга Бухоро шахри гузарида жойлашган уйни сотилганлиги ҳақидаги ёки 1871 йилда Сайиджон томонидан Мир Саид қорига Тими Абдулахад омборида жойлашган усқунани 450 тангага сотилганлиги ҳақидаги ва 1887 йилда Нурилло хожи томонидан Мирдўстим мавзесида жойлашган уйни Абдураззоқ ўғли Кенжага 4500 тангага сотилганлиги ҳақидаги ҳамда 1901 йилда Қори Атоулло томонидан Мехчагарон гузарида жойлашган 4x1,5 газ ерни 200 тангага сотилганлиги ҳақидаги васиқаларни, яъни шартнома хужжатларини келтириб ўтиш мумкин¹.

АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ

1. Boltayev, Bobir Baxtiyorovich. "BUXOROLIK MINIATURACHIRASSOM SADRIDDIN POCHCHAYEV IJODIGA BIR NAZAR." *Scientific progress* 1.6 (2021): 998-1004.
2. Rajabov, Oybek Iskandarovich. "BUXORODAGI AYRIM MUQADDAS QADAMJO-QAL'ALAR XUSUSIDA." *Scientific progress* 1.6 (2021): 1162-1168.
3. Умаров, Б. Б. "НА КИСЛЯКОВ ТАДҚИҚОТЛАРИДА ЖАНУБИЙ ТОЖИКИСТОН ЭТНИК ТАРИХИ." *Scientific progress* 1.6 (2021): 1005-1009.
4. Тўраева, Г. Б., Ўтаева, Ф. Х., & Жумаева, Н. А. (2021). ОА СУХАРЕВА ТАДҚИҚОТЛАРИДА БУХОРО ТАРИХИ ВА ЭТНОГРАФИЯСИНИНГ ЎРГАНИЛИШИ. *Scientific progress*, 1(6), 1010-1018.
5. Bakhtiyorovich, Boltaev Bobir. "Excerpts from the life of the bukharian artist." *Middle European Scientific Bulletin* 12 (2021): 160-165.
6. Ochilov, A. T. "DATING OF THE ZAMANBABA CULTURE: ASSED ON ARCHAEOLOGICAL SOURCES." *Theoretical & Applied Science* 12 (2019): 589-591.
7. Mubinov, M. A. "Diplomacy of the eastern states and central asian khanates in the struggle for independence." *CENTRAL ASIAN JOURNAL OF SOCIAL SCIENCES AND HISTORY* 2.5 (2021): 26-31.
8. Maksud, Beshimov. "Markets of Bukhara." *CENTRAL ASIAN JOURNAL OF SOCIAL SCIENCES AND HISTORY* 2.5 (2021): 18-21.
9. Sharopov, Dilshod Ravshan O'G'Li. "ABDURAZZOQ SAMARQANDIYNING "MATLAI SA'DAYN VA MAJMAI BAHRAYN" ASARINING O'RGANILISH TARIXI." *Scientific progress* 2.1 (2021): 358-361.

¹ Шодиев Ж.М. Бухоро амирлиги давлатчилигининг ривожланиши. Т: 2010. – Б. 71.

10. Очилов, Алишер Тўлис Ўғли. "БУХОРО ВОҲАСИ ШАКЛЛАНИШИДА ЗАРАФШОН ДАРЁСИНИНГ ЎРНИ ВА ВОҲА ТАРИХИЙ ГЕОГРАФИЯСИГА ДОИР АЙРИМ МУЛОҲАЗАЛАР." *Scientific progress* 1.6 (2021): 933-938 Murodova, Dilrabo Shomurodovna, and Feruza Xolmamatovna O'tayeva. "TF Gelax tadqiqotlarida Buxoro shahri mudofaa tizimining organilishi." *The Fifth International Conference on History and Political Sciences*. 2015.
11. Turaevich, Halimov Talat. "From the history of economic relations between central asia and india (XV-XVII centuries)." *CENTRAL ASIAN JOURNAL OF SOCIAL SCIENCES AND HISTORY* 2.5 (2021): 22-25.
12. OCHILOV, Alisher. "JEWELRYC TRADITION IS A SOURCE OF STUDY OF BUKHARA HISTORY." *Bayterek Uluslararası Akademik Araştırmalar Dergisi* 1.1: 105-116.
13. Бобожонова, Феруза Хаятовна. "БУХОРО МАДРАСАЛАРИ МАЪНАВИЯТ ДУРДОНАСИ." *Scientific progress* 2.1 (2021): 362-366.
14. Муродова, Дилрабо Шомуродовна. "ИККИНЧИ ЖАҲОН УРУШИ ЙИЛЛАРИДА БУХОРОДА ИЛМ ВА ФАН (БУХОРО ПЕДАГОГИКА ИНСТИТУТИ МИСОЛИДА)." *Scientific progress* 2.1 (2021): 660-664.
15. Ochilov Alisher. "The Role of Zamanbaba Culture in The Social and Economic History of Bukhara Oasis During Bronze Age." *CENTRAL ASIAN JOURNAL OF SOCIAL SCIENCES AND HISTORY* 2.4 (2021): 42-47.
16. JAMOLOVA, DILNOZA MUYIDDINOVNA. "THE END OF THE EMIRATE OF BUKHARA: THE END OF THE POLITICAL STRUGGLE BETWEEN THE JADIDS AND THE ULEMA." *International Journal of Philosophical Studies and Social Sciences* 1.1 (2021).
17. Jamolova, D. M. "Traveling to Modernity: Perception of Modernity of the Central Asian Muslims in the early 20th century." *International Journal of Psychosocial Rehabilitation* 9.24 (2020): 4202-4207.
18. Темиров Ф., Исломов Д. САДРИДДИН АЙНИЙ–ЗАМОНДОШИ ФИТРАТ ҲАҚИДА //Scientific progress. – 2021. – Т. 2. – №. 1. – С. 1349-1354.
19. Темиров Ф., Халикова Н. БУХОРО АМИРЛИГИДА ТАШҚИ СИЁСАТ ВА ДИПЛОМАТИЯНИНГ РИВОЖЛАНИШИ ТАРИХИДАН //Scientific progress. – 2021. – Т. 2. – №. 1. – С. 1276-1282.
20. Темиров Ф., Умаров Б. БУХОРО АМИРЛИКДА ОИЛА, НИКОҲ ВА МЕРОС ҲУҚУҚИНИНГ АМАЛДА ҚЎЛЛАНИШИ //Scientific progress. – 2021. – Т. 2. – №. 1. – С. 1201-1207.

ЎЗБЕКИСТОН ИЛМИЙ ТАРИХИЙ МАТБУОТДА БУХОРО ТАРИХИ МАСАЛАЛАРИ

(Ўзбекистон тарихи журнали асосида)

*Утаева Ф.Х.- БухДУ, Бухоро тарих
кафедраси катта ўқитувчиси*

Мустақиллик йилларида даврий матбуот талқинида Бухоро тарихи масалалари кенг ёритила бошлади. Маҳаллий архив маълумотлари ўрганилишига алоҳида эътибор қаратилди. Марказий Осиё халқлари тарихининг бир бўлаги ҳисобланган хонликлар даври тарихи Ўзбекистон тарихи илмий матбуотида кенг ёритилган. Жумладан; “XIX- XX аср бошларида хориж тарихшунослигида Бухоро амирлиги иқтисоди ва бошқарув тизими”, “XX асрнинг 20-йилларида Ўзбекистонда тарих фани”, “Бухорои шариф юлдузи Озарбайжон тарихи миллий музейи коллекциясида”, “Бухоро амирлигида зарб қилинган пуллар”, “Россия сиёсати ва Бухоро амирлигининг молияси ҳақида” ва бошқа мақолалар чоп этилган.

Бухоро амирлигининг бошқарув масалалари, иқтисодий - ижтимоий аҳволи, XX аср тарихига бағишланган асарлар хориж тадқиқотларида алоҳида эътибордаги масала бўлиб келган.

З.Ҳалилованинг Ўзбекистон тарихи журналида “XIX - XX аср бошларида хориж тарихшунослигида Бухоро амирлиги иқтисоди, бошқарув тизими” ҳақидаги мақоласи чоп этилган. Мақолада таъкидланишича, инглиз-америка тарихшунослигида тадқиқотчилар муоммони ёритишда асосан, рус шарқшуносларининг асарларидан, шунингдек, Марказий Осиёга келган саёҳатчиларнинг эсдаликлари, таассуротлари битилган манбалардан ҳам кенг фойдаланганлар. Жумладан: 1824-1825 йилларда Окс дарёси бўйида уюштирилган Муркрофт саёҳати, 1832 йилда Бёрнс, 1838-1839 йилларда Вудъ ва доктор Лорднинг Амударёнинг юқори томонларига инглиз разветкаси ташкил этиши, 1840 йилларда Тошқўрғонда инглиз офицерлари Бёрслем ва Старт, Стоддарт ва Конноли, 1845 йилда Феррье саёҳатлари асосида Бухоро амирлиги ўрганила бошланганлиги ва яна шу таъкидланадики, XX-XXI асрда яратилган хориж адабиётлари ҳам таҳлил қилинган. Европа ва Америкадаги илмий тадқиқот институти амирлик тарихига оид тадқиқотларидан: Юрий Брегелнинг манғитлар тарихи ҳақида, Адиб Холиднинг “мусулмонлар ижтимоий ҳаётида жадидчилик”, манғитларнинг кенагаслар билан келишмовчиликлари баён этилган¹.

С. Қосимованинг Ўзбекистон тарихи журналида Озарбайжон миллий тарихий музейи тўпламидаги “Ситораи Бухорои Шариф” нишони ҳақидаги мақоласида келтирилишича; Ситораи Бухорои Шариф нишони

¹ З.Ҳалилова “XIX- XX аср бошларида хориж тарихшунослигида Бухоро амирлиги иқтисоди, бошқарув тизими // Ўзбекистон тарихи 2012 йил, 1-сон, 36-40 бет

орден сифатида 1893 йилда амир Абдулахадхон томонидан 150 дан ортик нишонлар император оиласи аъзоларидан тортиб газета мухбирларигача мукофатлангандан сўнг бу нишон машхур бўлган. Бухорои Шарифнинг олий даражаси билан рус императори Александр III мукофатланган. Бухоронинг бу нишонлари Эрмитаж, Россия Давлат тарихий музейида сақланади. Озарбайжон миллий тарихий музейи тўпламида бу нишон б-даражали орден эканлиги тахмин қилинган. Озарбайжон нефт саноатининг асосчиси Гаджи Зайналобидин ҳам шу нишон билан мукофотланган. Озарбайжон миллий музейида сақланаётган Бухорои шарифнинг б-даражали кўкрак нишонининг умумий оғирлиги 52,2 гр диаметри 9 мм бўлиб кумушдан ишланган.¹

Т. Нуриддиновнинг Ўзбекистон тарихи журналида “БХСР нинг Германия билан иқтисодий ҳамкорлиги тарихига доир” мақоласида таъкидланишича; биринчи жаҳон уруши, айниқса, 1918 йилда Россияда бошланган фуқаролар уруши анаънавий Бухоро-Россия савдо муносабатларини издан чиқарди. Россиядан Бухорога келтириладиган саноат маҳсулотлари миқдори камайди. Бухоро савдо капитали афғон-ҳинд бозорига чиқди. 1921 йилда Бухородаги болшевиклар режими кўчайиши натижасида мамлакатда халқ хўжалигини ташкил қилувчи қишлоқ хўжалигида пахта майдони қисқарди. Оғир иқтисодий аҳволдан чиқиш учун Европа бозорига чиқди, биринчи навбатда Германия билан иқтисодий маданий алоқани йўлга қўйди.² Мақолада Берлиндаги 5 қаватли бинода Бухоро тижорат уйи ташкил этилганлиги қайд этилган.

Вали Қаюмхон Ўзбекистон адабиёти ва санъати газетасидаги мақоласида, Германия пойтахтида Бухоро меҳмонхонаси бўлганлиги ҳақида маълумот берган.³ Бухорода етиштирилган ипак, пахта, қорақўл маҳсулотлари немис ишбилармонларни диққатини тортган. Америкалик дипломат ҳақида ҳам маълумотлар берилган. Жумладан: Бухоро иқтисоди, молия бошқаруви ва амирликда зарб қилинган пуллар ҳақида америкалик дипломат Е.Скайлер Бухорога сафари чоғида олтин тиллалар тасъвирланган коллекцияни қўлга киритган ва уни Британия музейига тақдим этган. Бухорога Эрон, Ҳиндистон ва Хитой ўлкаларидан олтин, кумуш пул, товар ёки қўйма холида келтирилган. Умуман, амирликда кумуш тангалар 1905 йилгача, олтин тангалар 1913 йилгача мис пуллар 1917 йилгача зарб қилинган. 1918-1923- йилларда қиймати 50,100,200,500,1000,5000,10000 тангага тенг бўлган қоғоз пуллар босиб чиқарилган. Ўзбекистон тарихи илмий матбуотида Бухоро амирлиги

¹ С.Қосимованинг Озарбайжон миллий тарихий музейи тўпламидаги “Ситораи Бухорои Шариф” // Ўзбекистон тарихи 2009йил, 4-сон

² Т.Нуриддиновнинг “БХСР нинг Германия билан иқтисодий ҳамкорлиги тарихига доир” // Ўзбекистон тарихи 2010йил, 2-сон

³ Вали Қаюмхон .Қийратилган қисматлар.// Ўзбекистон адабиёти ва санъати, 1992 йил 24 апрел.

иқтисоди, молиявий аҳволи, савдо ва маданий алоқалари ҳақида илмий маълумотлар кенг ёритилган.

АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ

21. Boltayev, Bobir Baxtiyorovich. "BUXOROLIK MINIATURACHIRASSOM SADRIDDIN ROCHCHAYEV IJODIGA BIR NAZAR." *Scientific progress* 1.6 (2021): 998-1004.
22. Rajabov, Oybek Iskandarovich. "BUXORODAGI AYRIM MUQADDAS QADAMJO-QAL'ALAR XUSUSIDA." *Scientific progress* 1.6 (2021): 1162-1168.
23. Умаров, Б. Б. "НА КИСЛЯКОВ ТАДҚИҚОТЛАРИДА ЖАНУБИЙ ТОЖИКИСТОН ЭТНИК ТАРИХИ." *Scientific progress* 1.6 (2021): 1005-1009.
24. Тўраева, Г. Б., Ўтаева, Ф. Х., & Жумаева, Н. А. (2021). ОА СУХАРЕВА ТАДҚИҚОТЛАРИДА БУХОРО ТАРИХИ ВА ЭТНОГРАФИЯСИНИНГ ЎРГАНИЛИШИ. *Scientific progress*, 1(6), 1010-1018.
25. Bakhtiyorovich, Boltaev Bobir. "Excerpts from the life of the bukharian artist." *Middle European Scientific Bulletin* 12 (2021): 160-165.
26. Ochilov, A. T. "DATING OF THE ZAMANBABA CULTURE: ASSED ON ARCHAEOLOGICAL SOURCES." *Theoretical & Applied Science* 12 (2019): 589-591.
27. Mubinov, M. A. "Diplomacy of the eastern states and central asian khanates in the struggle for independence." *CENTRAL ASIAN JOURNAL OF SOCIAL SCIENCES AND HISTORY* 2.5 (2021): 26-31.
28. Maksud, Beshimov. "Markets of Bukhara." *CENTRAL ASIAN JOURNAL OF SOCIAL SCIENCES AND HISTORY* 2.5 (2021): 18-21.
29. Sharopov, Dilshod Ravshan O'G'Li. "ABDURAZZOQ SAMARQANDIYNING "MATLAI SA'DAYN VA MAJMAI BAHRAYN" ASARINING O'RGANILISH TARIXI." *Scientific progress* 2.1 (2021): 358-361.
30. Очилов, Алишер Тўлис Ўғли. "БУХОРО ВОҲАСИ ШАКЛЛАНИШИДА ЗАРАФШОН ДАРЁСИНИНГ ЎРНИ ВА ВОҲА ТАРИХИЙ ГЕОГРАФИЯСИГА ДОИР АЙРИМ МУЛОҲАЗАЛАР." *Scientific progress* 1.6 (2021): 933-938 Murodova, Dilrabo Shomurodovna, and Feruza Xolmamatovna O'tayeva. "TF Gelax tadqiqotlarida Buxoro shahri mudofaa tizimining organilishi." *The Fifth International Conference on History and Political Sciences*. 2015.
31. Turaevich, Halimov Talat. "From the history of economic relations between central asia and india (XV-XVII centuries)." *CENTRAL ASIAN JOURNAL OF SOCIAL SCIENCES AND HISTORY* 2.5 (2021): 22-25.
32. OCHILOV, Alisher. "JEWELRYC TRADITION IS A SOURCE OF STUDY OF BUKHARA HISTORY." *Bayterek Uluslararası Akademik Araştırmalar Dergisi* 1.1: 105-116.

33. Бобожонова, Феруза Хаятовна. "БУХОРО МАДРАСАЛАРИ МАЪНАВИЯТ ДУРДОНАСИ." *Scientific progress* 2.1 (2021): 362-366.
34. Муродова, Дилрабо Шомуродовна. "ИККИНЧИ ЖАҲОН УРУШИ ЙИЛЛАРИДА БУХОРОДА ИЛМ ВА ФАН (БУХОРО ПЕДАГОГИКА ИНСТИТУТИ МИСОЛИДА)." *Scientific progress* 2.1 (2021): 660-664.
35. Ochilov Alisher. "The Role of Zamanbaba Culture in The Social and Economic History of Bukhara Oasis During Bronze Age." *CENTRAL ASIAN JOURNAL OF SOCIAL SCIENCES AND HISTORY* 2.4 (2021): 42-47.
36. JAMOLOVA, DILNOZA MUYIDDINOVNA. "THE END OF THE EMIRATE OF BUKHARA: THE END OF THE POLITICAL STRUGGLE BETWEEN THE JADIDS AND THE ULEMA." *International Journal of Philosophical Studies and Social Sciences* 1.1 (2021).
37. Jamolova, D. M. "Traveling to Modernity: Perception of Modernity of the Central Asian Muslims in the early 20th century." *International Journal of Psychosocial Rehabilitation* 9.24 (2020): 4202-4207.
38. Темиров Ф., Исломов Д. САДРИДДИН АЙНИЙ–ЗАМОНДОШИ ФИТРАТ ҲАҚИДА //Scientific progress. – 2021. – Т. 2. – №. 1. – С. 1349-1354.
39. Темиров Ф., Халикова Н. БУХОРО АМИРЛИГИДА ТАШҚИ СИЁСАТ ВА ДИПЛОМАТИЯНИНГ РИВОЖЛАНИШИ ТАРИХИДАН //Scientific progress. – 2021. – Т. 2. – №. 1. – С. 1276-1282.
40. Темиров Ф., Умаров Б. БУХОРО АМИРЛИКДА ОИЛА, НИКОҲ ВА МЕРОС ҲУҚУҚИНИНГ АМАЛДА ҚЎЛЛАНИШИ //Scientific progress. – 2021. – Т. 2. – №. 1. – С. 1201-1207.

ТАВСИФИ МАЪСАЛАХОИ ЭТНИКИ ВА ФАРҲАНГИИ ВОҲАИ БУХОРО ДАР ТАЪРИХИ БУХОРОИ НАРШАХИ

*Ғайбуллоева Мохира Абдукаюмовна –
номзади илмҳои таърих, дотсент
Донишгоҳи Давлатии Хуҷанд
ба номи академик Бобоҷон
Ғафуров*

Бухоро ва сарзамини атрофи он аз замони ҷаҳонӣ мақоми эронӣро будааст. Дар ин ҷо халқу ҷаҳонӣ гуногуни эронӣро зиндагӣ мекарданд. Аммо дар асри 5-6 ба сарзамин сар даровардани ҷаҳонӣро туркӣро сар мешавад. Аз нимаи дуюми асри 8 сар карда арабӣ ба забти Тоҷикзамини Шарқ оғоз мекунад ва минбаъд байни этникии вилояти Бухоро ва дигар вилоятҳои таърихии Осиёи миёна дохил мешаванд.¹

¹ Абӯбақри Муҳаммад ибни Жаъфар Наршахӣ. Таърихи Бухоро //Таҳияи матн Ғолиб Ғоибов, Кароматулло Олимов, Нурмуҳаммади Амиршоҳӣ.- Душанбе, 2012.-С.25

Ин масъала дар бисёр сарчашмаҳои таърихӣ бо шакли мухталиф баррасӣ шудааст. Дар “Таърихи Бухоро”-и Наршах низ дар бораи ҷаҳати этникии ин вилоят маълумот вуҷуд дорад. Гарчанде муаллиф ин масъаларо махсус мавриди омӯзиш ҷароғӣ нақарда бошад ҳам, ахбори асарро доир ба ин масъала бо роҳи гуногун ба даст оварда мешавад.

Яке аз роҳи ба ин маъсад расидан омӯхтани антропонимҳои дар асар овардашуда мебошад, зеро номи инсон маъсули тафаккури давраҳои гуногуни ҷамъият буда, сарвати маънави, ганжинаи боэътимоди таърихи маданият ва як ҷисси фонди луҷавии забони халқ ба ҷисби меъравад. Номҳои тарзи зисту зиндагии мардумро дар замонҳои гуногун, баъзе дигаргуниҳои ҷаҳати сиёсӣ, иҷтимоӣ ва маданияти онҳо ба ақс менамоянд.

Ахбореро, ки ном ба худ дорад аз ҷумла хислату сифатҳои шахс, ба қадом оила, авлод, ҷавм, миллат, халқият, қасбу маҷшулият табаъа, маъал ва шайраҳо низ меомӯзад. Системаи антропоними дар халқҳои мухтали олам гуногунанд ва воҷаста ба тараҷиҳои таърихи онҳо таҷйиру инқишоф ёфта, дар ҷаҳат, урфу одати халқиятҳо ақс меёбад. Антропонимика баҳои таърихи этнография ва фарҳанг маводи пурымат буда, таъавули ваъи сиёсӣ, иҷтимоӣ маданӣ, ҷаъонбинии фалсафа, динӣ, маънавию ахлоқӣ, этниқ шаву зави, майлу хоҷиш, тафаккур эътиоду меъру муъаббат ба ниёгон ва расму оин доштани мардум дар худ таҷасум менамояд. Антропонимика меъавонад дар ании намудани тарқиби этниқ ва қҷиши аъоқ дар давраи гузашта қун манбаи пурымати таърихи хизмат қунад. Аз сохту намуд ва миёдори антропонимҳо дар қадом сатҳ ва қҷ ҷадар давом қардани муносибаҳои байниамдигарии миллатҳо муайян қардан мушкил аст.

Ҷайд қардан ба маврид аст, ки Наршах номҳои тоисломии аҷдоди тоҷиқро аз ҷабилӣ Таҷода, Шурак, Хотун, Абрӯӣ, Бедун, Сунон, Бунёт, Бамук, Моъ, Сиёвуш, Аршак, Қайқовус, Афросиёб, Сомон, Шопур ва шайраҳо зикр қардааст.

Бояд таҷаккур дод, ки ақсари номҳои, ки дар “Таърихи Бухоро” воҷаъранд асарҳои аср дар шакли худ ва ё андаке таҷйир ёфта вудораанд, ва баъзеашон дар луҷати номҳои, ки Олим Шҷафуров мураттаб сохтааст ба назар меъасанд.

Бамқунин дар рисолаи маҷкур лаъабҳо ва унвоии фаҳрии ёқимон низ ба назар меъасанд. Масалан: унвоии ёқимони Бухоро, ноҷияҳои атрофи он ва подшоҳии дигар мамлақатҳо ва халқу шабилҳо ба монанди Бухорхудот, Вардонхудот, Сомонхудот унвоии шоҳии Самарқанд ва Суҷд “ихшид”, аъолии Хуросон “амир”, ёқимони турк “биёшу”, “хон”, императори Қин “фащфур”¹.

Бинобар гуфти Наршах унвоии ёқимони деъа ва ё ноҷия “қат” будааст ва онро ба номи ёмон деъаю ноҷия ёамроъ меқарданд. Дар бисёр

¹ Абульосим Фирдавсий. Шоҳнома. - Душанбе, 1965. Ҷ.8.

болатъо ин унвон дар шакли “катхудо”, “катхудой” ва ё “кадхудо” истифода бурда мешуд.

Ин раванд то р=зъои мо омада расидааст. Чунонч дар байни тожикони Хужанд ва атрофи он калимаи “каттабува” ё “каттаоя” вуҷуд дорад. Одамон гумон меунанд, ки ин калимаъо =збекц буда, модаркалон ва ё оякалон таржума мешаванд. Аммо, дар асл ин калимаъо аз решаи “кат” гирифта шуда хужаинзан, сардорзан, зани дар зинаи ижтимоии оила аз бама боло ыарордоштаро мефаъмонаду бояд ”катбува”, “катоя” (бама радифи “катбону”) навишта аз талаффуз карда шавад.

Наршахц дар ыатори дигар ноъбияъо оид ба Байканд ва ё Пайкал низ маълумот додааст. Бинобар гуфтаи = дар он жо зиёда аз 1000 работ мавҷуд будааст. Ин раъамро муаллифи “Ашкол – ул – олам” низ тасдиқ кардааст. Байканд дар жанубу шарбии Бухоро жойгир буда, мардуми он асосан бо тижорат машшул буданд. Онъо ыатто дар шаъру кишваръои дури хорижа, аз жумла Баъдод худро аз Бухоро не балки аз Байканд мегуфтаанд.¹

Пас аз омадани арабъо дар байни аждодони тожикон на танъо дини ислом балки оъиста – оъиста даигар унсуръои фаръангц арабъо, аз жумла шакли номгузории онъоро ыабул карданд. Аввалин шуда ёкимони Бухоро барояшон шакли номгузории арабиرو интихоб мекунанд. Ман инро дар омехта шудани номи писари Таъшшода Бухорхудот мебинам. Таъшшода ваъите, ки аз Ёутайба ибни Муслим шикаст хурд бо амири Хуросон д=стц пайдо карда худ амири Бухоро шуд ва барои д=сти ыаъиъи буданаш ба сарлашқари асраб дар Хуросон номи писари худро Ёутайба монд ва ин яке аз нафарони мебошанд, ки номи форсу тожикро бо арабъо омехта кардааст ва бо ин номи писари = Ёутайба ибни Таъшшода мебошад.

Ин раванд дар бораи ассимилиятсияи халъъои маъаллиро бо арабъо нишон медиъанд. Бо баробари омадани арабъо бо форсу тожикон омехта шуданд.

Раванди паън шудани номъои араби дар сарзамини тожикон дар маъюлаи А.Хромов хеле даъиъона баррасц гардидааст².

Умуман дар ресолаи = зиёда аз 300 варианти номъои одамонро дучор омадан мумкин аст, ки аз онъо = 230 – тояшон араби, 73 – тояшон номъои ыадимаи маъалли (суъдц, хоразмц, форсц) ва 20 – тояшон номъои туркц мебошанд.

Барасии масъалаъои антропонимъои дар “Таърихи Бухоро” зикр гардида моро ба хулосае овард, ки дар Бухоро ва навоъии он дар арафаи омадани арабъо асосан эроннаждоъо зиндагц мекараданд. Онъо чихеле, ки дар ин давра бар хилофи форсъо, этноси ягонаи тожикон шакл наёфта будааст.

Кулли халъъо ыабилъои воъаи Бухоро касбу корц худро доштанд ва бо ин = он тарзи хожагидорц машшул буданд.

¹ Абъалии Муҳаммад ибни Муҳаммади Балъамй. Таърихи Табарй. – Иборат аз 2 ҷилд // Таҳияи матн М.Умаров, Ф.Бобоев, Д.Қаноатов.-Техрон:Замон, 2001.-С.34

² Абдуллоев С.А. Ж=щрофияи таърихи давлатии Сомониён.- Хужанд, 2001.

Аз мутоилаи “Таърихи Бухоро” чунон ба назар мерасад, ки тижорат дар ҷаёти мардум назар ба кишоварзӣ наъши зиёдтар доштааст. Аммо дар асл ин тавр нест. Аксари муаллифони асри миёнагии тоҷику форс ҷайд кардаанд, ки Бухоро вилояти бо неъмату сербарг, дорои бошоди зиёд ва меваҳои лазиз будааст.

Масъалан муаллифи “Будуд – ул – олам”¹ навишта шудааст, ки – Бухоро шаъри бузург аст ва ободтарин шаъраест дар Мовароуннаҳр... Ва ҷое номнок аст ва бисёр меваҳо ва обҳои равон.

Аз хусуси маънаи ҳоса доштани кишоварзӣ дар бораи Бухоро порчае аз “Таърихи Бухоро”-и ғувои меҳнадор. Мусаллам аст, ки ҷомеаи тоҷикон аждоди тоҷикон ба табиқӣ таъсир мешуд ва табиқӣ кишоварзон баъди табиқӣ муҳаббатҳои жанговарон (шаҳзодагон ашрофзодагон) мебуд.

Наршаҳ дар бораи русми дарбори малика Бухоро Хотун ҷунин навиштааст: “Ва одати он ҷунон буд, ки бар рӯ аз дари ҷисори Бухоро берун омад ва бар асп истод, ба дари Регистон. Ва он дарро Дарвозаи Аллафғурӯшон хондаанд. Ва бар тахт нишаст ва пеши вай ҷулом ва хоҷасарӯён, яъне ҳасиён ва хоҷагон, истоданд. Ва вай ҷӯида нӯида буд бар аъли рӯсто, ки бар рӯ аз деҳӯнон маликзодагон дӯвист барно камари заррин бар баста ва шамшер ӯмоил карда, ба ӯидмат омаданд ва аз дӯр боистоданд ва ҷун Хотун берун омад ӯама хидмат карданд ва ба дӯ саф истоданд. Ва рӯ кори молик ниғариш кард ва амру наъд дод, ва онро, ки хошти халъат доди ва онро ки хошти уӯубат кард. Ва ҷунин бӯмдод то ҷоштӯӯ нишаст ва баъд аз он ба ӯисор андармонди ва хонӯ фиристойди ва ӯама ӯашамро таом дод. Ва ҷун шабонӯӯ шӯди ба ӯамин сифат берун омад ва бар тахт нишаст ва аз деҳӯнон аз моликзодагон ба дӯ саф пеши = ба хидмат бӯзистод, то офтоб фуруд рафт. Онӯ дархости ва барнишаст ва ба ӯох рафт ва онӯ ба ватани хеш ба рӯсто рафтанд. Ва рӯзи даиғар ӯавми омаданд ва барӯамин сифат хидмад карданд ҷандон, ки навбат ба ӯамин ӯавм расид. Бар сол бар ӯавмро ҷаӯор рӯз бадин сифат боисти омадан”²

Порчаи масқур дар баробари аниҷи кардани наъши деҳӯтиён дар умури давлатдорӣ бӯз роҷеъ ба ӯолати демографӣ ва пӯрзӯр бӯрдани ҷомеаи авлод хабар меҳнадор.

Аҳбори зерини Наршаҳ низ дар бораи сатҳи зиндагии мардуми воӯидаи Бухоро ва хатто ӯолати ийтисодию иҷтимоии ин минтаға хабар меҳнадор: “Муъаммад ибни Жаъфар ан – Наршаҳ андар китоб овардааст, ки Ыӯтайба ибни Муслим ба Бухоро даромад ва Бухоро бигрифт аъли Бухороро фармуд то як нима аз хонаҳо ва зиёи хеш арабро доданд. Ыавме буданд дар Бухоро, ки ишонро Кашқасон гуфтанд. Ва ишон мардумоне буданд бо ӯурмату ӯадр ва манзилан\ ва дар миёни аъли Бухоро имшонро

¹ Фаръанг ва тамаддӯни исломӣ дар ӯаламрави Сомониён.//Таъбияи Муъаммадризо Ноҷц, - Душанбе, 2011.-с.423.

² Неъматов Н.Н. Давлати Сомониён. -Душанбе, 1989.-167.

шараф зиёд будд. Ва ишон аз деъионон набуданд, шураббо буданд, асил ба бузургонон буданд, ва тавонгар буданд. Пас Ёутайба иллоъ кард андар ыисмат хонаъо ва асбоб. Ишон хонаъо ба асбоби хеш жумла гузоштанд ба араб ва аз беруни шаър ыафтсар кушк бино карданд ва он р=з шаър ыамин ыадар буд, ки шаърстон аст. Ва ыар кас гирд баргирди к=шики хеш хонаъои чакарон ва атбои хеш бино карданд. Ва ыар касе бар дари к=шики худ бустон ва сарое сохт ба бадон к=шкьо берун омаданд. Ва он к=шкьо имр=з вайрон шудааст ва бештар шаър шуда. Бар он мавзеъ ду се к=шк мондаст онро “К=шки мушон мехонданд ва он жо мушон бошидаанд ва оташхонаъои хуш ва хуррам будааст ва зиёд ишон бащоят азиз”

Аз порчай мазкур аён мегардад, ки дар маъаллаъои мухатлифи Бухоро дар шаър мардум ыавм-ыавм зиндагонй мекардаанд. Баъзе аз авлодъо хеле доро ва сарватманд буда, дар наздикии к=шкьоёшон барои хидматгорону бандагонашон биноъои истиъоматй месохтаанд.

Бамчунин дар ин маълумоти овардаи Наршахй дар бораи машшулияти аъолй, яъне бозаргонй ба назар мерасад. Умуман дар “Таърихи Бухоро” ыангоми тасвири ноъияъои ин сарзамин асосан дар бораи тижорати мардуми онъо маълумот дода шудааст.¹

Дар бораи ноъияи Тавоис ва ё Арыуд хабар дода, Наршахй ыайд мекунад, ки: “...ва дар вай мардумоне будаанд, бонеъмат ва тажаммул. Ва аз тажаммулй ыар касе дар хона яке ва ё ду товус медоштаанд. Ва араб пеш аз ин товус надида будаанд, чун дар Бухоро товус медоштаанд. Ва араб пеш аз ин товус надида будаанд, чун дар Бухоро товус бисёр диданд он деъаро “Зот-ут-Тавоис”ном карданд ва номи аслии = бархост. Ва баъд аз он “Зот”- ро низ раъо карданд ва “Тавоис” гуфтанд². Дар вай масжиди жомеъ аст ва шористони азим дорад.Ва дар айёми ыадим он жо бозор будааст ба фасли тирамоъ даъ р=з.Расми он бозор чунин будааст, ки ыар чи охуриён маъюб будй аз барда ва сутур ва дигар охуриён бо айб ыама бадин бозор фур=хтандй ва бозор рад кардан имкон ва сомон набудй, ва ыеж шарт напазируфтй на фур=шанда ва на харандаро.Ва ыар соли бадин бозор даъ ыазор кас беш ыозир омади аз бозургонон ва асьоби ыивоиж чунин ки аз Фарщона ва Чоч ва жойъои дигар биёмадандц ва бо манфиати бисёр боз гаштанд. Ва бадин сабаб аъли ин деъа тавонгар будаанд ва сабаби тавонгарии эшон кишоварзц набудааст. Ва бар шоъроъи Самарыанд аст ва то Бухоро ыафт фарсанг аст.

Аз ин порчай овардашуда аён мегардад, ки аждоди тожикон зиндагии хеле бо карру фарро дуст медоштаанд ва то андозае ба он ноил гардида ыам будаанд. Ба щайр аз он онъо ыамчун тожирони пухтакор ыатто савдои чорвои нуысондорро ба роъ монда буданду аз ин кор даромади калонба даст меоварданд.

¹ Абубакри Мухаммад ибни Жаъфар Наршахй. Таърихи Бухоро //Таҳияи матн Ғолиб Ғоибов, Кароматулло Олимов, Нурмухаммади Амиршоҳй.- Душанбе, 2012.-С.30

² Щафуров Б.Щ. Тожикон (таърихи ыадимтарин, ыадим, асри миёна ва давраи нав) //Муъарири масъул – А.Мухторов.-Душанбе, Ирфон, 1998.

Бамин тариқи дар натижаи баррасси ахбори Наршахи гуфтан мумкин аст ки дар “Таърихи Бухоро” маълумоти нодир дар бораи касбу кори бухориён, дину оинашон, иду жашньо, расму оин ва урфу одати онҳо мавжуданд ва ин унсурҳои фаръангии эшон аз хусуси решаи ягона дштани аъли Бухоро бо сушдиён, хоразмиён, фаршонагиҳо ва дигар аждоди тожикон дарак медианд.

“SHOHNOMA” NING SIRLI AHAMIYATI

*Olimov Kozimjon-
Namangan Davlat Universiteti
Tarix yo'nalishi talabasi*

Dunyoda abadiy barhayot asarlar har qachon ham yaratilavermaydi. Ammo bunday asarni yaratishga muvaffaq bo'lgan va yaratgan asari jahonga hanuzgacha mashhur bo'lgan adiblardan biri – Abul Qosim Firdavsiydir. Sharqning mashhur allomasi Abul Qosim Firdavsiy 940 – 941-yillar atrofida Xurosonning Tus shahri yaqinidagi Taboron qishlog'ida dunyoga keldi [1]. Firdavsiyning ota-bobolari yer-suvini yo'qotib, kambag'allashib qolgan dehqonlardan edi. Shunga qaramasdan, yosh Abul Qosim Tus va Nishopur shaharlaridagi madrasalarda tahsil olgan. Zamonasining barcha asosiy ilmlarini egallab, arab va pahlaviy tillarini chuqur o'rgangan. O'z davrining qomusiy olimi bo'lib yetishgani uchun ham uni hakim deb ulug'lashgan. Firdavsiy Eron, Turon, yunon va hind olimlarining turli sohadagi asarlaridan yaxshi xabardor bo'lgan. Ba'zi manbalarda uning uzoq yillar sarbozlik xizmatida bo'lgani ham qayd etiladi.

Vatanga va uning buyuk tarixiga muhabbat ruhida tarbiyalangan, bolalikdan qadimgi afsona va rivoyatlar, qahramonlik qissalari, jangnomalarni jon qulog'i bilan tinglab ulg'aygan Firdavsiyning o'zi ham xalq ichida yurib, ularni yozib olgan, ko'plab og'zaki va yozma ma'lumotlarni to'plagan.

Shoirlar boqiy umr baxsh etgan asar uning “Shohnomasidir”. Doston forsiy tilda yozilgan hamda adabiyotshunoslar tomonidan quyidagi ta'rif berilgan: “Forslar “Shohnoma”si Abul Qosim Firdavsiy nomi bilan boshlansa, turkiylar “Shohnoma”si Yusuf Xos Hojib nomi bilan ochiladi” [2]. “Shohnoma” faqat forsiy tilda so'zlashuvchilar orasidagina emas, balki butun O'rta va Yaqin Sharq, bora-bora butun jahon shuhratiga sazovor bo'ldi.

Aksariyat insonlarga ma'lum bo'lmagan hayratlanarli jihat shundaki, “Shohnoma” dostonini yozishni boshlagan adib Abul Qosim Firdavsiy emas balki, Daqiqiydir. Daqiqiy sharq adabiyotida mavjud lirikaning barcha janrlarida she'rlar yozgan [3]. Avvaliga “Shohnoma” yozish topshirig'i Daqiqiyga beriladi. Daqiqiy qasidago'ylik va ga'zalnavislikda ustod san'atkor darajasiga ko'tarilgan. U o'z she'rlarida do'stlikni, muhabbatni, ma'rifatni kuylagan va qasidalarida donishmand, odil podsho boshchiligidagi markazlashgan davlat uchun kurash g'oyasini ifodalagan [4]. Daqiqiy “Shohnoma” yozishgan

kirishgan va 1000 baytdan iborat “Arjasp va Gushtasp” dostonini yozib tugatgan. Daqiqiy dostonni boshlab, yakunlay olmay vafot etgan [5].

G’aznaviyalar hukmdorlar, ayniqsa, Mahmud G’aznaviy davrida fan, madaniyatga e’tibor qaratilgan. Mahmudning o’zi ko’p tillarni bilgan, she’rlar bitgan. Unsuriy, Manuchehriy, Utbiy, Gardiyziy, Nosir Xusrav kabi mashhur shoir, tarixchi va olimlar Mahmudning homiyligi ostida ijod qilganlar [6]. Mahmud 1017-yilda Xorazm yong’inda qolganligidan xabar topib yurish qiladi va o’z zamonasining buyuk mutafakkiri bo’lgan Abu Rayhon Beruniyni G’aznaga olib keladi [7]. Bu voqea shubhasiz, Mahmud saroyida ajoyib adabiy muhit shakllanishiga yo’l ochgan. Olimlar ichida, albatta, Beruniy hamda Firdavsiy alohida ajralib turgan. Shunday sharoitda, Abul Qosim Firdavsiy Mahmudning topshirig’i bilan “Shohnoma” dostonini yozishga bel bog’laydi. Asarda Mahmudning hukmronlik davri bo’rttirilmaganligi, uning o’rinsiz islohotlari tanqidga olinganligi Firdavsiy haqqoniyligi va adolatparvarligining yorqin dalili hisoblanadi.

“Shohnoma” qariyb 4 ming yilni tashkil qiluvchi juda katta davrni o’z ichiga oladi. Bu davrda afsonaviy va tarixiy shaxslar “harakat qiladilar”. “Shohnoma” quyidagi turkumlarni o’z ichiga oladi:

- Muqaddima (forsiyda – og’oz);
- “Sitoyishi ofarinish” (“Olam yaralishiga madhiya”);
- “Guftor andar ofarinish oftob” (“Quyosh vujudga kelishi haqida so’z”);
- “Dar ofarinish moh” (“Oyning vujudga kelishi”);
- “Guftor andar sitoyishi payg’ambar” (“Payg’ambar madhi”);
- “Shohnoma” ning yozilish tarixi;
- “Shohnoma” ning to’liq matni.

So’nggi bo’limda ifodalangan 500-700 yillik tarixiy voqealar g’oyat katta aniqlik va izchillik bilan tasvirlanadi. Bu bo’limda ta’kidlangan ma’lumotlar tarixiy haqiqatlardan iborat tarzda bitilgan. “Shohnoma” ning qahramonlari – Rustam, Suhrob, Kova, Isfandiyor, Bahrom, Giv, Siyovush, Bejan, Mazdak, Lumbak hisoblanadi. Firdavsiy faqatgina Iskandar va Bahromnigina qahramonlar orasiga kiritadi. Qolgan shohlar hukmronlik qiladilar, ammo harakatda bo’lmaydilar va hikoya qilinayotgan voqealarga katta ta’sir ko’rsata olmaydilar.

Dostonning bosh qahramoni Seistonda tug’ilgan bahodir Rustami Dostondir. Rustam Eron harbiy kuchlarining tayanchi, u o’z vatani va shohiga cheksiz sadoqati bilan yaqqol ko’zga tashlanib turadi. Rustam qanchalik mard bo’lmasin, kamchiliklardan holi bo’lmagan jonli odam sifatida tasvirlanadi. Shuningdek, dostonda “Shohnoma” ni boshlab, yakunlay olmay vafot etgan Daqiqiy ham eslanadi. Daqiqiyning qismati haqida dostonning to’liq matnida quyidagi ma’lumotlar bor:

Javone biyomad kushoda zabon,
Ba gufto bi go’yam man in doston.
Jahon dil nihanda ba din do’ston,
Hamaz ba xurdadan va ham al raston,

Tili ochiq yosh shoir keldi,
Bu dostonni men aytay, dedi.
Jahon ahli dil-u dinga do’st bo’lgay,
Aql-u haqiqatga el ko’ngli to’lgay [8].

Mahmud G'aznaviy dastlab dostonga ijobiy baho berib, Abul Qosimga Firdavsiy taxallusini beradi [9]. Doston 34 jildlik bo'lgan, nazmda (she'riy), masnaviy (ikkilik) janrida yozilgan [10]. Dostonni yozish uchun 35 yil vaqt sarflagan. Keyinchalik Firdavsiy Mahmudning ba'zi adolatsizliklarini qoralab baytlar ham yozgan.

Shoir 80 yoshida Bag'dodga ko'chib boradi va u yerda Qur'oni Karimdan olingan oyatlar asosida "Yusuf va Zulayho" dostonini yozadi va uning boshlanishini "Tavbanoma" deb ataydi. "Tavbanoma"da shoir qadimiy pahlavonlar haqida dostonlar yozmaslikka qasamyod qiladi. Firdavsiy vafotidan so'ng, "Shohnoma" jiddiy o'zgarishlar va buzilishlarga duch kelgan [11]. Ammo, Firdavsiy "Shohnoma" sining butun badiiy boyligi faqatgina rang-barangligi, vatanparvarlik va oddiy mehnat ahliga bo'lgan muhabbatidangina iborat emas. Firdavsiy yaratgan ulkan dostonni turli-tuman g'oyaviy, mafkuraviy va badiiy javohirlarga boy ulkan bir dengizga qiyoslasak, unga sho'ng'igan har bir g'avvos o'ziga xos "javohir" olib chiqadi, ammo bu xazinaning tubi ko'rinmaydi. Tub mohiyat shundan iborat-ki, Firdavsiy o'z dostonlarida aksar tarixchilar qatori hukmdorlarni ishonib bo'lmas darajada ulug'lamagan va oddiy xalq uchun foyda tomonlarni bitgan. O'z o'rnida hukmdorni maqtagan, kezi kelganda tanqid qilib xalqni o'ylashga undovchi misralar yozgan. "Shohnoma" ning ahamiyati zamonlar o'tsa ham o'z kuchini yo'qotmadi. Doston dunyodagi ko'pgina tillarga to'liq yoki qisman tarjima qilindi. Doston asosida musiqiy asarlar, dramalar yozildi, kinofilmlar namoyish etildi, tasviriy san'at asarlari yaratildi. Ulug' olmon (nemis) shoiri Iogann Wolfgang Gyote o'zining "G'arb-u Sharq" devoniga yozgan sharhida Firdavsiyga hayajon bilan nihoyatda yuksak baho beradi. Shuningdek, hozirgi kunda UNESCO tomonidan xalqaro "Abul Qosim Firdavsiy" mukofoti ta'sis etilgan.

АБУ АБДУЛЛОҲ ЗОҲИД БУХОРИЙНИНГ “МАҲОСИН АЛ-ИСЛОМ ВА ШАРОЕЪ АЛ-ИСЛОМ” АСАРИ ХУСУСИДА

Мирзаев Насриддин Мухритдинович
ЎзХИА ҳузуридаги Малака ошириш маркази
директори ўринбосари, т.ф.ф.д. (PhD)

Тўлиқ номи Муҳаммад ибн Абдурахмон ибн Аҳмад Абу Абдуллоҳ Бухорий. У олимлар наздида Аллома Зоҳид Бухорий лақаби билан шуҳрат топган. Унинг туғилган санаси ҳақида маълумот аниқланмади. Аммо вафотини Имом Самъоний ўзининг “Сияр аълом ан-нубало” асарида 1151 йилда бўлган, деб ёзган. Аллома Зоҳид Бухорий ўзининг туғилиб ўсган юртида таълим олган ва Абу Наср Аҳмад ибн Абдурахмон Реғзамуний¹ қўлида фикҳ илмида етукликка эришган. Аллома Зоҳид

¹ Ибн Асир ўзининг “Ал-Лубоб фи ал-ансоб” асарида “Реғзамуний” жойи Бухоро қишлоқларидан бири бўлганини ёзади. Имом Самъоний ўзининг “Сияр аълом ан-нубало”да: الریغذمونی “Ар-Реғзамуний” шаклда берилган.

Бухорийни тавсифлаб Имом Самъоний қуйидагиларни ёзади: “У фақиҳ, фозил киши, машхур муфтий, усулий ва мутакаллим олим эди. У умрининг охирида “Китоб ат-тафсир” асрини ёзган. Айтишларича, мазкур тафсир асари 1000 та жудан иборат бўлган. У менга “ижоза” ёзиб берган, бироқ 546 ҳижрий сананинг 12 зулҳижжа ойида (1151 й.) вафот этгани сабаб у билан Бухорода учрашолмаганман”. Шунингдек, у кишининг бизгача етиб келган бошқа асари “Маҳосин ал-ислом ва шароеъ ал-ислом” (“Ислом эзгуликлари ва аҳкомлари”) деб номланади.

Аллома Зоҳид Бухорий машхур “Ҳидоя” асарининг муаллифи Бурҳониддин Марғиноний (1123-1197)нинг устоз-шайхларидан эди. Зеро, Бурҳониддин Марғиноний ўз шайхлари орасида уни ҳам зикр қилган бўлиб, уни хотирлаб шундай ёзган: “Менга (илмларини) ривоят қилиш учун тўлиқ ижозат берди. Ўзи эшитган саҳиҳ хабарларни, ўзи ижозат олган билимларини ва ёзган асарларини ривоят қилишим учун *мушофаҳатан* (юзма-юз туриб оғзаки) тарзда тўлиқ ижозат берди ҳамда ўз қўллари билан “ижоза”ни ёзиб берди”. Ушбу маълумотларни Абдулқодир Қураший “Жавоҳир ал-музийя фи табақот ал-ҳанафийя” асарида ҳамда Имом Кафавий ўзининг “Иълом ал-ахёр фи фуқаҳои мазҳаби Аби Ҳанийфат ал-мухтор” асарида қайд қилган.

Аллома Зоҳид Бухорий ўзининг “Маҳосин ал-ислом ва шароеъ ал-ислом” китобида ислом динидаги закот беришнинг ҳикмати, унинг жамиятдаги манфаатли жиҳатлари хусусидаги яхши ёзиб чиққан¹. Жумладан, закотнинг эзгу ва гўзалликларига келсак, “закот” сўзи луғатда икки маънода чиройли тавсифланади: 1) покланиш ва 2) ўсиш, яъни зиёда бўлиш. Аллоҳ таоло закотни бойларга фарз қилди ҳамда уни камбағалларга беришни буюрди. Бу иш эса соғлом табиатга эга шахслар ва ақлли одамлар наздида мақтовли ва маъқул ишдир, албатта. Зеро, бу ишни фазилатли шахслар қадрлайди ва амалга оширади. Чунки саҳий киши озод инсонларни мол-мулк бериш билан “ғулум” қилиши мумкин, яъни дилларини ўзига ром этиши муқаррар. Кимки бировдан эҳсон кўрса, унга ипсиз боғланади.

Ҳикоя қилинишича, Зулқарнайн, яъни Искандар онаси ўғли ер юзининг турли бурчакларини қўлга киритгач, унинг олдида кириб эй ўғлим, отлар билан шаҳарларни олган бўлсанг, энди қалбларни эҳсон билан қўлга киритгин. Зеро, қалблар яхшилик қилган кишилар учун доим муҳаббатли ва ёмонлик қилганларга дарғазаб бўлиш учун яратилган. Зулқарнайн онасининг бу насиҳатини қабул қилди ва барча ҳудудларга элчилар юбориб, уларни одамларга яхшилик қилишга ва ер юзида эвазсиз хайр-эҳсонлар қилишга буюрди. Зеро, бу амаллар инсон табиатига мувофиқ, мақсадларига муносиб бўлиб, қандай қилиб яхшилик кўрган кишисидан мамнун бўлмасин киши. Бу каби мисоллар билан исломда

¹ Мухаммад ибн Абдурахмон ибн Аҳмад Абу Абдуллоҳ Бухорий. Маҳосин ал-ислом ва шароеъ ал-ислом / Нашрга тайёрловчи Ҳусомидин Қудсий. – Қоҳира, Макаатабат ал-қудсий, 1938. – Б. 1-116.

закотнинг жорий қилиниши билан инсонлар қалбига хурсандчилик, уларнинг қалбларига сурур киритиш, сарфлаган динор, дирҳам ва фулуслари билан озод бўлган ҳамда ўз жинсидаги инсонларни ўзига қаратиши ва ром қилиши аёндыр.

Закот беришдаги гўзаллик шуки, бой инсон ўз нафсини бахилликдан, хасислик, зикналик ва пасткашликдан поклашидыр. Зеро, бу ёмон хулқлар барча диндор ёки динсиз бўлган инсон каби зиндиқлар наздида мазаммат қилинган хислатлардыр. Зеро, зиндиқлар кимки уларга эҳсон қилса, ўшанинг қулига айланишади. Бир шоир айтади:

Кимсаки зикна бўлиб ҳам ҳурматин тўкса агар,
Кўп саховат-ла ёпилгай барча айби беасар.
Шул сабаб нафсингни тиймоқ йўлида сабр этмасанг,
Хўп гўзал мақтовга йўл йўқдыр, илинжинг бесамар.

Сахий одамни яхшию ёмон ва мўмину кофир ҳам бирдек мақтайди. Араблардан бўлган Хотамитойга қарагин, уни барча бирдек яхши кўради ва ҳамма унга эргашишга тайёр. Аксинча, уни биров лаънатламайди, ёмонлик билан эсламайди, гарчи мусулмон бўлиб яшамаган бўлсада.

Закот беришдаги бошқа гўзал жиҳат шуки, дунё муҳаббатидан қалбни мол-мулкни сарфлаш билан поклашда ёрдам беради. Бунга кўп молдан озини сарфлаш билан эришилади, зотан озини (1/40) бериш фарздыр. Аллоҳ таоло айтади: “Аллоҳ молларингизни (беришни) сўрамас. Агар сизлардан молларингизни сўраб, сизларни қийнайдиган бўлса, сизлар бахиллик қилурсиз ва У сизларнинг (дилларингиздаги) гинадоватларингизни фош қилур”¹. Шу сабабли ҳам ислом шариятида кўп нарсадан озгинасини узоқ муддатда сарф қилишни фарз қилди, токи машаққат туғдирмасин. Банда ҳар қачон ўзи яхши кўрган молидан оз-оз сарфлаб турса, мол-мулкка бўлган муҳаббати сўниб, қалбида ўз холиқи Аллоҳга муҳаббати ошади. Зеро, бир қалбда ҳам дунё ва ҳам Аллоҳга бўлган муҳаббат жамланмайди. Бу борада Муҳаммад ибн Али (Ҳаким) Термизий (820-932) айтади: “Агар қалбда дунё муҳаббати ғолиб бўлса, иймон нури озаяди. Аллоҳ таоло закот беришни фарз қилди токи банда ўз молидан бир қисмини чиқарсин ва иймон нури зиёда бўлиши учун. Зеро, Пайғамбаримиз алайҳиссалом: “Барча хатоларнинг боши – дунёга бўлган муҳаббат”, деганлар”. Бу эса закотнинг эзгу ва гўзаллигини иқрор қилишдаги чиройли баёндыр.

Шайх Абу Мансур Мотуридий (870-945)дан хабар берилишича, ҳар доим шундай дер эди: “Ҳар бир мусулмон отага ўз фарзандини хайр-эҳсон ва саховатли бўлиш йўлида тарбиялаш вожиб бўлади. Худди холиқимиз Аллоҳнинг борлигига иймон келтириш илмини ўргатиш зарур бўлганидек. Зеро, динда бахилликдан кўра каттароқ офат йўқдыр.

Савдо-сотик фаслида куйидагиларни ёзади: Қуръони каримда: “Аллоҳ савдо-сотикни ҳалол ва рибони ҳаром қилди”², деб ёзилган. *Байъ*

¹ Муҳаммад сураси, 36-37 оятлар.

² Бақара сураси, 275 оят.

дегани бир молни бошқа мол билан айрибошлашдир. Бу амалиёт барча инсоният учун муносиб ва зарурий ишлардандир, зеро, эвазсиз молни бошқага бериш ҳамманинг қудратига хос эмас, фақат бойларгина буни қилиши мумкин. Савдо-сотикда эрқагу аёл бир хилда мол-мулкнини тасарруф қилиб, уни сотиш ёки сотиб олиши мумкин. Икки тараф ҳам ўзига зарур ва ҳожати бор нарсани олиб, кўлидагини бериши билан ҳажати раво бўлади. Чунки Аллоҳ таоло беҳожат Ғаний зот, бандаси эса турли муомала ва олди-бердига эҳтиёжи бордир. Савдо-сотикнинг жорий қилинишида ҳам Аллоҳ таоло бандалари учун кўплаб яхшиликлар берган. Жумладан, бандалар бир-биридан эваз орқали нарса олиб-берса, ораларидаги ҳурмат сақланиб, бировнинг миннати ва қарамлигининг олди олинган бўлади.

Айтишларича, Абул Аббос Паздавий (1030-1099) раҳимахуллох доим камбағаллар билан савдо-сотик қилар эди ва бир дирҳамга тенг молини ўн дирҳам ёки кўпроқ дирҳам эвазига оларди токи камбағал одам ўзини ҳақир санаб, хижолат бўлмаслиги учун.

Умуман олганда Абу Абдуллоҳ Зоҳид Бухорийнинг “Маҳосин ал-ислом ва шароеъ ал-ислом” (“Ислом эзгуликлари ва аҳкомлари”) номли асари ислом динида жорий қилинган аҳкомларнинг барчаси инсонларнинг ибодатларига оидида ҳам ўзаро қиладиган муомалаларида ҳам яхшилик ва гўзаллик мақсад қилингани яхши очиб берилган. Жумладан, китоб бошида келган Аллоҳга иймон келтиришдан бошлаб ибодатлардан сўнг муомалаларида учрайдиган турли амалларидаги мақсад қилинган гўзал жиҳатлари ва манфаатларини турли ривоят ва воқеалар билан ёритилган.

SADRI ZIYONING “TAZKORI ASH’OR” ASARIDA BUXORO AMIRI SAYYID ABDULAHADXONGA BERILGAN TA’RIF

*Rajabova Dilnoza Yarashovna –
Buxoro davlat universiteti Tarix va
madaniy meros fakulteti tayanch doktoranti
Atoyev Muhammadjon-
Buxoro davlat Universiteti
Iqtisodiyot va Turizm fakulteti 2-
kurs talabasi*

Har bir davlatning qudrati uning intellektual salohiyatiga borib taqaladi, ya’ni ilmiy darajasi yuksak jamiyat kuchli davlatning asosi bo’la oladi. XIX asr oxiri- XX asr boshlarida Buxoro amirligi mang’itlar sulolasi hukmdorlari tomonidan boshqarilar va saltanat hayotida ko’pgina o’zgarishlar yuzaga kela boshlagan edi. Ilmiy adabiy muhitning o’ziga xos tarzdagi rivoji Amir Sayyid Abdulahadxon (1885-1910) shaxsi bilan uzviy bog’liq bo’lgan bu davrda ma’rifiy islohotlar o’tkazilishi bilan birga, adabiy-ijodiy faoliyat ham qizg’in rivojlangan.

XIX asr oxiri- XX asr boshlari Buxoro adabiy muhitidan chiqqan tazkiranavislar orasida Sadri Ziyoni nomi bilan mashhur bo'lgan Muhammad Sharifjon Mahdum ibni Abdushukurning (1867-1932) alohida o'rni mavjud. U yoshligidan juda yuksak tarbiya olgan. Uning otasi Muhammad Abdushukur (taxallusi "Oyat") Buxoro amirligining qozi-raisi, so'ng esa qozi kalonlik lavozimlarida faoliyat yuritgan. Sadri Ziyoning o'zi esa Buxoro amirligi boshqaruv tizimida oddiq viloyat qoziligidan tokim Buxoro amirligi qozi kalonligigacha bo'lgan nufuzli vazifalarni bajargan.[1-12]

Muallifning bebaho ilmiy merosi bo'lgan "Ro'znoma"[2] va "Navodiri Ziyoiya"[3] asarlarida o'z davrining ijtimoiy-siyosiy qarashlarini, uyerdagi hukumat boshqaruvi jarayoni, beklklardagi iqtisodiy-madaniy ahvol va mahalliy aholining turmush tarzi to'g'risidagi xolis bahosini beradi. Uning tarixiy "Tarix", "Muntaxab al-tavarix", "Zikri saltanat va podshoxii amir Olimxon", "Silsilayi xoni gitisitan Chingizxon va bayoni axvoloti salotini on", "Muntaxabi salotin va shaxriyoron", "Silsilayi salotini mang'itiya" kabi asarlari haligacha chuqur o'rganilmagan.[1-30]

Sadri Ziyoni o'z davri ilmiy abadiy muhiti haqidagi "Bayoz", "Tazkori ash'or", "Tazkirat ul hukamo", "Tazkirat al-hattotin", "Tazkirat ush-shuaroi mutaaxxirin" kabi badiiy majmuaviy asarlar muallifi. Ularda Buxoro amirligining madaniy hayoti, adabiy olami va ijod gulshani batafsil yoritilgan.

"Tazkori ash'or" Sadri Ziyoning Buxoro amirligidagi shoirlar va ularning ijodlaridan namunalar keltirgan tazkira (antologiya) bo'lib, nazmiy uslubda yozilgan.[4-57] Ushbu toshbosma asarning kim tomonidan qaysi yilda yozilganligi aniq ko'rsatilmagan.[5] Ammo uning ikkinchi Rasululloh tarixlari bayoni qismida uni Buxorolik hattot Abdu Fattohxon ibn Mahdixon 1344 hijriy-1925 milodiy yilda ko'chirganligi keltirib o'tilgan.

Sadri Ziyoni ilmiy merosida asosan so'nggi mang'it amirlari Muzaffarxon, Abdulahadxon va Olimxonlar boshqaruviga munosabat keng o'rin tutadi. Bu uning "Tazkori ash'or" asarida ham o'z aksini topib, muallif o'zi haqidagi kirish so'zdan so'ng dastlabki o'z davri shoiri ta'rifini Amir Sayyid Abdulahadxon va uning ijodidan boshlashdi. Muallif dastlab "*Og'ozini in nusxa dilpazir ba zikri shahanshoi benazir az guftani Ziyoni haqir parishon zamir*" (Kamtar Ziyoning nomidan haqiqiy inson va Benazir shoh haqida boshlayman)[5-6] sarlavhasi bilan Abdulahadxonning o'zi haqida mazmunan "Shoirlar to'g'risidagi daftarim ibtidosini benazir shohdan boshlar ekanman, u tojdorlik ishini mulklarning soliqu xirojini tartib berishdan boshladi. So'ng boshqaruvni qayta tartibga solib fozil hukmdor bo'lish bilan birga, Ojiz taxallusli ijod sarvarining rahbari ham edi...",- degan. So'zida davom etar ekan, Abdulahadxonning sayyidlar nasabidan bo'lgan amirlikka munosib hukmdor bo'lganligini, og'ir o'lim jazosini bekor qilgani, she'riyat va din, ilmu fan homiysi ekanligi, shu tufayli muxolifatlari ham bo'lganligini yozgan. Shuningdek, uning adolatli siyosatidan Amir Muzaffardan so'ng hayot yaxshilanganligini, yurtni obod qilganligi, Karmanadan turib Buxoroni boshqargani, yaxshi ishlarga bosh bo'lgani,

saltanatda tinchlik barqarorlashib, ilm-ma'rifatga e'tibor oshgani, atrofida olimlar jamlangani, dunyoning to'rt tomoni bilan savdo va mol ayriboshlash uchun bozorlar ochilgani, qurilish va sanoat rivojlanganini e'tirof etadi. Yana amirning barcha dunyo shohlari ichida o'rni va nufuziga ega ekanligi, qudratli bo'lsa-da Ojiz taxallusi bilan Sa'diy She'roziydek nozikta'b qalami o'tkir ijodkor bo'lganligi aytiladi. "Hamma borada adolatni ustun etib, rus soyasida bo'lsa-da, dono siyosat yuritishga intildi",- degan haqli ta'rifni beradi.

Keyingi o'rinda Amir Abdulahadning 6 ta g'azali va 7 ta ruboiyi Ojiz taxallusi bilan keltirilgan. Amirning ijodi, uning nazmiy iqtidori va badiiy dunyoqarashi alohida tadqiqot mavzusi deb hisobladik. Asarning yana bir e'tiborli jihati bor, tazkirada keyingi shoir Tahsin taxallusli Mullo Abdulxo'ja ijodi turkum qilib kiritilar ekan, uning "amir ul-mo'minin Abdulahadxon" ga atalgan qasidasiga ham alohida o'rib bergan.[5-35]

"Tazkori ash'or" asari XIX asr oxiri- XX asr boshlari ilmiy adabiy muhitining nodir namunasi bo'lish bilan birga, shu davr siyosiy, ijtimoiy, iqtisodiy hayotidan ham qimmatli ma'lumotlarni beradi. Sadri Ziyo o'z davri dunyoqarashini nazmiy misralarda mahorat bilan ifodalash bilan birga, o'z zamondoshlarining ham ilmiy salohiyati yuksak bo'lganligini ko'rsatib beradi. Mana shunday ilg'or fikrli diniy e'tiqodi kuchli bo'lgan jamiyatda dunyo tamadduni yangilanishlari ham e'tirof etilgan. Asar kelgusida to'laligicha o'zbek olimlari tomonidan tadqiq etilishi lozim.

Foydalanilgan adabiyotlar:

1. Ш.Воҳидов, З.Чориев. Садри Зия и его библиотека. Тошкент,2007.
2. M.Shakuri Buxori. Ro'znomai Sadri Ziyo.Tehron, 1382.(forsiy)
3. Sadri Ziyo. Navodiri Ziyoiya. Toshkent, "Bayoz", 2019.
4. R.E.Xoliqova. Amirzoda Hashmat va qozikalon Sadri Ziyoning tazkiralari haqida. O'zMU xabarlari, №1/3, 2015.
5. Sadri Ziyo. Tazkori ash'or. Buxoro tarixiy muzeyi, №1681.

"TUHFAl AHLI BUXORO" ASARIDA AFG'ONISTON

Ahmadov Ahmadjon Asror o'g'li
BuxDU "Buxoro tarixi" kafedrasi tayanch doktranti

Buxoro amirligi va Afg'oniston o'rtasidagi madaniy aloqalar XIX asr oxiri – XX asr birinchi choragida ham faol ko'rinishda bo'lib, bunga ko'pgina buxoroliklarning Afg'onistonga sayohat qilganligi, fan-madaniyat taraqqiyotiga xizmat qiladigan asarlar bitganligi manbalarda qayd etiladi.

Shunday shaxlardan biri rus, fors, arab, turk, fransuz, tillarini mukammal egallagan, asli kasbi shifokor hisoblangan Mirza Sirojiddin (1878-1914 yy) ning 1903-1904-yillar Afg'onistonga sayohat qilganligi, bu sayohati davomida afg'on xalqlarining turmushi va madaniy yodgorliklari bilan tanishganligini o'z asarida yozib qoldirgan. Dastlab Afg'onistonga kelgan Mirza Sirojiddin afg'on humumati tomonidan josus sifatida qaralib, qamoqda saqlangan. Uning bu

yerdagi faoliyati G'ulom Muhammad panjohboshi (ellikboshi) bilan do'stlashganligi, uning yordamida qamoqxonada baqqollik do'koni ochganligi manbalarda keltiriladi. Keyinchalik afg'on hukumatining Mirza Sirojiddin haqidagi to'plangan ma'lumotlari uning josus emasligini tasdiqlagach afg'on amiri (o'sha paytda afg'on amiri Habibullaxon A.A.) tomonidan ozod etilib, 3 ming afg'on rupiyasi berilib, uning o'zidan tortib olingan 700 eron tumani va boshqa buyumlar qaytarilib beriladi.

Mirza Sirojiddin Buxoroga qaytib, sayohati xotiralari jamlangan "Tuxaf ahle Buxoro" ("Buxoroliklarga tortiq") kitobini yozib unda Afg'onistonning armiyasi, shaharlari, savdosi, sanoati, moliya sistemasi va mamlakatni boshqaruv tizimi bilan bog'liq jihatlar yoritilgan. U asarida Hirot shahrini quyidagicha qalabga oladi:

"Hirot viloyati Afg'onistonning eng katta viloyatlaridan biridir. Hirot juda yaxshi shahar. Bu yerda sabzavot, go'sht, yog' juda mo'l. Ob-havosi mo'tadil, shahar chetidan katta to'la suvli daryo o'tadi. Hirotida sug'oriladigan yerlar ko'p, dehqonchilik ishlari yaxshi yo'lga qo'yilgan. Shahar atrofida afg'onlar chorvachilik, hazarlar qo'ychilik bilan shug'ullanadilar. Qishloq va qo'rg'onlar obod. Shaharda 10 mingga yaqin oila yashab, shundan 200 ga yaqini yahudiy oilalaridir. Aholining yarmidan ko'pi sunniy-afg'onlar, qolgani esa shialar, ya'ni tojik, fors va boshqalar.

Asarda savdo-sotiq munosabatlari haqida ham to'xtalilib Hirotidan Rossiya, Eronga juda ko'p movut chiqarishi; shakar, neft esa Rossiydan olib kelinishi, Hirotga ikki savdo yo'li kelib qo'shilishi bittasi Marv va Pende tomondan, ikkinchisi Mashhaddan kelishi bilan bog'liq jihatlar xususida ham juda ko'plab ma'lumotlar berilgan. Afg'on hukumatining savdoni rivojlantirish uchun qilgan bir qancha amali ishlari karvon saroylar, pochta xizmati, yo'llar osoyishtaligi kabilarni birma bir sanab o'tgan. Bundan shunday xulosaga kelish mumkinki, aynan bu davrda XX asr boshlarida Buxoro va Afg'oniston davlatlari o'rtasidagi savdo munosabatlari bir qadar jonlanganligi, yo'llarda savdo karvonlari talanishining oldi olinganligi, pochta xizmati ham yaxshi yo'lga qo'yilganligiga amin bo'lamiz.

Mirza Sirojiddin "Tuhaf ahle Buxoro" asarida afg'on harbiy salohiyati, qo'shini haqida ham bir qadar ma'lumotlarni berib o'tgan. Xususa, armiyaga har 8-10 kishidan 1 ta kishi harbiy xizmatga olinganligi, Kobul ahli o'z xohishi bilan qo'shinda xizmat qilishi kabilar ko'rsatilib, harbiylar har 2 oyda bir marotaba maosh olganligi, harbiy qismlar o'rni har yili o'zgartirib turilganligi asarda yoritilib o'tilgan. Qo'shin Yevropdan keltirilgan miltiqlar bilan qurollangan. Kobul shahrida 50-60 minggacha piyoda, otliq askarlar va to'pchilar doimiy xizmat qilganligi kabilar asarda keltiriladi. Buxoro amirigidan farqli o'laroq Afg'onistonda harbiylarning aksariyat qismi afg'on millati vakillaridan iborat bo'lgan. Harbiy sohada qo'shinda xizmat qilish afg'onlar uchun ixtiyoriy bo'lsa, biroq afg'onlar uchun qo'shinda xizmat qilish birinchi darajali vazifa hisoblangan. Buxoro amirligida XIX asr o'rtalariga qadar

qo'shin qoracherik deb nomlanib, bu nomuntazam qo'shin hisoblangan. Faqat harbiy yurishlar paytida shakllantiriladigan qo'shin hisoblangan.

Asarda Afg'onistonda harbiy sanoat XX asr boshlarida vujudga kelgan bo'lib, harbiy zavod Kobulda joylashganligi, unda to'p, miltiq, o'q, kabilar ishlab chiqilganligi, bu yerda har kuni 15 ta miltiq, 5 mingta o'q va ikki kunda 1 ta zambarak ishlab chiqarilganligi, bu zavodni ingliz va hind mutaxasislari yuritganli, afg'onlar bunda oddiy ishchi kuchini tashkil qilganligi keltiriladi.

Mirza Sirojiddin o'z asarida xazina haqida ham yozib, xazinani ikki qismdan iborat ekanligi 1-qism – baytul mol, 2-qism aynul mol deb atalgan. Baytul mol- milliy daromad-mamlakat va qo'shin xarajatlari uchun bo'lsa, aynul mol- amir va uning oilasining shaxsiy boyligi deb hisoblanishini asrda to'la bayon etadi.

Xulosa qilib aytganda Mirza Sirojiddin o'zining “Tuhaf ahle Buxoro” (“Buxoroliklarga tortqi”) asari XX asr boshlaridagi Afg'oniston tarixini o'rganish uchun muhim manba hisoblanadi. Unda keltirilgan ma'lumotlar, raqamlar, jo'y nomlari barchasi aniq bo'lib, shaxsan muallifning sayohati natijasi o'laroq yuzaga kelgan. Asarda Afg'onistonning shaharlari, savdo-sotig'i, armiyasi, harbiy tuzilmasi, moliya kabi sohalari to'liq o'rganilib, sayyoh tomonidan qalamga olingan. Bu kabi asar Afg'onistonning XIX asr oxiri – XX asr boshlaridagi tarixini o'rganishda muhim manba bo'lib xizmat qiladi.

Foydalanilgan adabiyotlar ro'yxati:

1. Nizomiddinov I O'rta Osiyoning chet el sharqi bilan munosabatlari. T., “O'zbekiston SSR”, 1961.-B.96-97.
2. Xayitov Sh.A., Mirzoev Sh.M. Afg'oniston tarix ko'zglasida. Buxoro., “Durdona”, 2018-yil, 145 b.
3. Mannonov A.M., Abdullayev N.A., Rashidov R.R. Afg'oniston tarixi (o'quv qo'llanma) T., 2018.
4. <http://twirpx.net>

“САҲИҲУЛ БУХОРИЙ” АСАРИНИНГ ТЎЛИҚ НОМИ

*Отабек Аманиллаевич Бахриев
Имом Бухорий халқаро илмий-тадқиқот
маркази илмий тадқиқотлар бўлими
илмий ходими*

Бухоро тарихида энг муҳим саналган шахслардан бири Имом Бухорийнинг бош асари ҳисобланган “Саҳиҳул Бухорий” асари турли номлар билан аталади. Аммо у кишининг ўзлари қўйган расмий номни жуда оз сонли кишилар билади. Абу Наср Калабозий ўзининг “ал-Ҳидаяту вал иршаду фи маърифати аҳлу сикоти ва сидоди” асарида¹, Қози Йёз

¹ Абу Наср Калабозий. ал-Ҳидаяту вал иршаду фи маърифати аҳлу сикоти ва сидад. – Байрут: Дарул маърифати, 1987. 1/24 б.

“Машарикул анвар фи сиҳаҳил асар” асарида¹, Ибн Солаҳ “Муқоддимату фи улумил ҳадис” асарида², Нававий “Таҳзибул асмаи валғоти” асарида³ келган маълумотларга асосан Саҳиҳул Бухорий асарининг тўлиқ номи куйидагича: “Ал-Жомиъ ал-муснад ас-саҳиҳ ал-мухтасар мин умури Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллама ва сунаниҳи ва айямиҳи”.

Китобнинг номини сўзма-сўз таржима қиладиган бўлсак, “Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг ишлари, суннатлари ва айёмлари ҳақида қисқа, саҳиҳ, муснад тўплам” деган маъно келиб чиқади. Бу асарнинг бундай номланишини аллома Айний ҳам ўзининг “Умдатул Қори” асарида тасдиқлаган⁴.

Аммо, Ҳофиз ибн Ҳажар раҳимаҳумуллоҳ бу асарни “ал-Жомиъ ас-саҳиҳ ал-муснад мин ҳадиси Расулиллаҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам”, яъни, “Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг ҳадислари ҳақида жамловчи, саҳиҳ, муснад тўплам” деб номлади.

Бу асарнинг тўлиқ номланиши борасида айтилган сўзнинг энг мувофиқи юқорида айтилган биринчи фикрдир. Чунки тўлиқ сарлавҳадаги “Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг ишлари” деган сўз “Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг ҳадиси” деган сўздан кўра кенгрок маънони ўз ичига олади. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам ишларининг ичига айтган ҳадисларидан ташқари кўпгина суннатлари ҳам киради.

“Ас-Саҳиҳ” деган сўздан олдин “ал-муснад” деган сўзнинг келиши эса, бу китобда келган ҳар бир ҳадис ровийлар санадига эга эканлигидан далолатдир.

Яна юқоридаги жамоат бу асарни номлашда “ал-мухтасар” деган сўзни зиёда қилди. Бунга сабаб қилиб, Имом Бухорийни шу асарни ёзишга ундаган куйидаги устози Исҳоқ ибн Роҳавайҳ айтган сўзини келтириш мумкин. Хатиб Бағдодий машҳур “Тарихи Бағдод” китобида бу ҳақда Иброҳим ибн Маъқил Насафийдан куйидаги ривоятни келтиради: “Абу Абдуллоҳ Муҳаммад ибн Исмоилнинг: “Устозим Исҳоқ ибн Роҳавайҳнинг хузурида эдик. У киши: “Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам суннатлари бўйича ишонарли, мухтасар бир китоб жамласаларингиз-чи”, деб қолди. Мана шу гап қалбимга ўрнашиб қолди ва “ал-Жомиъ ас-Саҳиҳ” асаридаги ҳадисларни тўплашни бошладим”⁵. Бу воқеанинг эътиборли тарафи шундаки, устозлари “ал-мухтасар” (қисқа) деган сўзга урғу берган. Қолаверса, Имом Бухорийнинг: “Мен саҳиҳ ҳадислардан иборат, чўзилиб

¹ Қози Иёз. Машарикул анвар фи сиҳаҳил асар”. Дарул атиқ 1/26 б.

² Ибн Солаҳ. Муқоддимату фи улумил ҳадис. – Сурия: Дарул фикр, 1986. 24-25 б.

³ Нававий. Таҳзибул асмаи валғоти. – Байрут: Дарул кутубул илмийя, 2001. 1/73 б.

⁴ Бадруддин Айний. Умдатул Қори. – Байрут: Дарул кутубул илмийя, 2001. 1/5 б.

⁵ Ибн Ҳажар Асқалоний. Ҳадюс сорий. – Байрут: Дарул маърифати, 2014. 7 б.

⁵ Абу Бакр Аҳмад ибн Али Хотиб Бағдодий. Тарих Бағдод мадинатус салам. – Байрут: Дарул фикр, 2004. 2/8 б.

кетмаган китоб ёздим”¹ ва “Мен бу китобни олти юз мингта ҳадис ичидан туздим”² деб айтган сўзлари ҳам бу асарнинг мухтасар бўлганига далилдир.

Албатта, Имом Бухорий ўзининг бу асарини Ислому қонунлари эҳтиёжи тушадиган барча соҳани ўз ичига олишини хоҳлаган. Ҳақиқатдан ҳам бу асар тафсир, ақоид, ҳадис, фикҳ, сияр, сафар, фитналар, қиёматнинг белгилари, одоб-ахлоқ, фазилатларга оид ҳадисларни ўзида мужассам этгандир. Уламолар асарнинг “ал-Жомий” деб номланишига мана шуларни далил қиладилар.

Саҳихул Бухорийда келган ҳар бир муснад ҳадис у кишининг наздида саҳих ҳадис бўлган. Буни у кишининг ўзи: “Жомий” китобимга фақатгина саҳих ҳадисларни киритдим. Чўзилиб кетмасин деб, баъзи саҳих ҳадисларни ҳам тарк қилдим”³, деб ҳам эътироф этган. Шундай бўлсада, бу асардаги ҳадисларни Дориқутний ва у кишидан бошқа баъзи кишилар танқид остига олган. Аммо, бунга ўз ўрнида Ибн Ҳажар Асқалоний ўзининг “Фатҳул Борий” китобида этарлича жавоб қайтарган. Нима бўлгандаям, Имом Бухорийнинг саҳих ҳадисларни тўплашдаги ижтиҳоди бу танқидлардан устундир.

Имом Бухорийнинг сарлавҳада “Сунаниҳи ва айямиҳи” деб айтган сўзи, худди умумий нарсдан кейин хос нарсани келтиришга ўхшайди. Чунки Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам ишларининг ичига суннатлари ва ўтган кунлари ҳам киради.

Бу асарнинг тўлиқ сарлавҳаси устида қилинган мулоҳазалардан шу нарса маълум бўладики, Имом Бухорийнинг асл мақсади Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламдан келган саҳих ва ровийлар санади ишончли бўлган ҳадисларни тўплаш бўлгандир. Бу йўлда Имом Бухорий Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламдан келган ҳадис сўз ё феъл ёки икром бўлиш жиҳатидан бўлишида фарқламаган. Аммо, унда мавкуф ва муаллақ ҳадислар ёки саҳоба ва тобеъинлар фатволарини келтириши асл мақсад учун эмас, балки саҳих ҳадисларга эргашган ҳолда келтиргандир.

Албатта, Набавий суннатини тўплаб, китоб холига келтириш тарихини тадқиқ қилиб ўрганганимизда, бу соҳада “ал-Жомий ас-Саҳих” китоби ёзилишидан олдин ҳам кўпгина суннат ва ҳадис китоблари тадвин қилинганини топамиз. Аммо, ўша тузилган китоблар айнан саҳих ҳадислар билан кифояланмади, балки улар саҳих, заиф ва иллатланган ҳадисларни ўз ичига қамраб олди. Гоҳида ҳадис илмларида эътироф этилган “журҳ” (жароҳат этган ҳадис) ва “таъдил” (тўғриланган ҳадис) йўли билан келган ҳадислар ҳам киргизилди. Ҳадис уламолари ўша ҳадислардан саҳихини

¹ Муҳаммад ибн Аҳмад Заҳабий. Сияру аъламун нубалау. – Байрут: Муассасатул рисала, 1985. 12/474 б.

² Абу Бакр Хотиб. Тарих Бағдодий. 2/8 б.

³ Муҳаммад ибн Аҳмад Заҳабий. Сияру аъламун нубалау. – Байрут: Муассасатул рисала, 1985. 12/402 б.

ажратиб олиш имкони бўлган муҳаддис ёки фақиҳларнинг устида иш олиб бордилар. Лекин бу ишни ҳижрий учинчи асрнинг биринчи ярмида амалга ошириш анча мушкул иш эди. Бунга сабаб, ровийлар санади узайиб, улар кўпайиб кетди. Ҳадис ривоят қилиш йўллари ҳам бир неча тармоқларга бўлинди. Шу сабабли хос кишилардан бошқаларга ўнлаб ҳадислар орасидан саҳиҳини, заиф ҳадиснинг йўлларини ва битта ҳадисдаги иллатни ажратиб олиш жуда машаққатли иш бўлиб қолди. Шундан кейин одамларнинг фақат саҳиҳ ҳадисларни ўз ичига олган, заиф ва иллат ҳадисдан узоқда бўлган китобга эҳтиёжи туғилди. Қолаверса, бу китоб мухтасар ҳам бўлиши керак эди. Чунки бундан олдинги тузилган китоблар жуда кенг ва катта бўлган, айниқса “Жомиъ” ва “Муснад” китоблари. Аммо бу китобларни мухтасар қилиш имкони ҳам йўқ эди.

Имом Бухорий эса олдинги тузилган китобларнинг муҳим мақсадларини ўзида қамраб олган китоб ёзди. Зеро, бу асар тавҳид, фикҳ ва унинг ҳукмлари, тафсир, сийрат ва ғазотлар, Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг шамоиллари ва маноқиблари, табобат ва тушга тааллуқли бўлган барча маълумотларни ўз ичига олган эди. Мана шу сабабдан бу асар Ислом оламидаги китобларнинг энг ҳайрлиси ва гўзали бўлиб сифатланишга муносиб бўлди.

Демак, ёлғиз саҳиҳ ҳадисларни келтириш билан мана шу зарур бўлган иш ўз вақтида бажарилиб, ҳадис уламолари иттифоқ қилган бу машҳур асар иккита сабаб билан дунё юзини кўрди. Биринчиси, юқорида айтиб ўтгандек Имом Бухорий устози Исҳоқ ибн Роҳавайҳнинг берган йўналишлари бўлса, кейингиси, Имом Бухорийнинг: “Набий соллаллоҳу алайҳи васалламни тушимда кўрдим. Мен олдиларида туриб, у зотни кўлимдаги елпиғич ила елпимоқдаман. Баъзи таъбирчиларга тушумни айтсам, “Сен у зотдан ёлғонларни четлатар экансан”, дейишди. Мана шу нарса “Саҳиҳ”ни ёзишимга туртки бўлди”¹ деган сўзларидир.

Имом Бухорий раҳимаҳумуллоҳ бу шоҳ асарнинг ёзилишига жуда каттиқ ғайрат қилиб, кўп вақтини сарфлади. Ал-Жомиъ ас-Саҳиҳни тартиб қилиб жам қилишга кетган муддат тўғрисида ўзлари шундай деганлар: “Мен “ас-Саҳиҳ” китобимни ўн олти йил ичида ёзиб тугатдим. Уни олти юз мингта ҳадис орасидан чиқариб олдим ва уни ўзим ва Аллоҳ таоло ўртасида ҳужжат қиламан”².

Хулоса ўрнида айтадиган бўлсак, Имом Бухорий бу асарни тартиблаб жамлашга жуда узоқ вақт сарфлади. Уни тасниф қилишда бор диққат назарини унга қаратди. Унга қўйилган ҳар бир ҳадис асосли бўлгани сабабли ҳам бу асар хозирги кунгача ҳадисни ўрганиб тадқиқ қиламан, деган кишининг асосий манбасига айланди. Шу билан бирга дунё мусулмонлари тарафидан улуғ мақом, яъни, Аллоҳ таолонинг китобидан кейинги энг саҳиҳ китоб деган мартаба берилди.

¹ Ибн Ҳажар Асқолоний. Ҳаднос сорий. 5 б.

² Тирих бағдодий. 2/14 б.

“LISON UT-TAYR” DOSTONIDA NAQSHBANDIYA TARIQATI G’OYALARINING IFODALANISHI

*Sa’dullayeva Shahlo
BuxDU magistranti*

Tasavvufda hali hayot bo’lgan insonlarga emas, olamdan o’tgan mashoyixlar, avliyolar ham tan olinadi, ya’ni ular tariqatga qadam bosganlarga yo’l ko’rsatishi, madadkor bo’lishi, yomonliklardan qaytarishi va balo-qazolardan ogoh qilishi ham mumkin. Shu sababdan ham bilvosita muridlik, uvaysiy shogirdlik tasavvufda mavjud. Soliklar o’zlari ko’rmagan, deylik, undan ancha olisda bo’lgan, yoinki vafot etgan shayxlarni ham o’zlariga pir deyishlari mumkin. Bu hodisani, Sul-tonmurod Olimov “botiniy pir” deb ataydilar¹.

Navoiy tazkirasida ustozi Jomiyning Bahovuddin Naqshband ruhidan tarbiya topganliklarini aytadi. Demak, Jomiy Naqshband hazratlariga uvaysiy murid, Bahovuddin esa Jomiyga botiniy pir. Masala anglashiladiki, Navoiy Jomiyning o’ziga pir deb hisoblagan ekan, demak, Jomiy davom etgan, targ’ib qilgan tariqatni (Naqshbandiylik tariqatini) Navoiy ham davom ettirgan, targ’ib qilgan. Bu birinchi tarafdin, ikkinchidan, Farididdin Attorning piri Majididdin Bag’dodiy Najmiddin Kubroning shogirdi edi. Shubha yo’qki, Attor “Mantiq ut-tayr”da kubroviylik tariqati g’oyalarni targ’ib qilgan. Bu g’oyalarning “Lison ut-tayr”ga ko’chgani ham aniq. Demak, Navoiyning mutafakkir shoir bo’lib yetishuvida ham naqshbandiya tariqatining, ham kubroviya tariqatining bilvosita va bevosita hissasi bor. “Lison ut-tayr”da esa kubroviya bilan naqshbandiya o’zaro uyg’unlashgan².

Naqshbandiya tariqatini Navoiy ijodida aks etishi masalasi o’rtaga qo’yilganda, Navoiy ijodining har o’rinda ham “naqsh” so’zida naqshbandiya tariqati nazarda tutilgan deb ayta olmaymiz. Xususan, “Lison ut-tayr” dostonida ham “naqsh” so’zi bir necha o’rinda qo’llangan, ammo hammasining ham naqshbandiylikka daxli yo’q. Masalan, XIX bobi (Chin shahri sifati va Simurg’ pari tushkanining kayfiyati)da “naqsh” so’zi naq olti bor qo’llangan. Ammo bunda naqshbandiylik tariqatining aloqasi yo’q, sababi “Mantiq ut-tayr”ning Simurg’ pari to’g’risidagi bobida ham “naqsh” so’ziga bot-bot duch kelamiz. Ma’lumki, Attor Bahovuddin Naqshbanddan ikki asr oldin yashagan. Ammo “Mantiq ut-tayr”dan farqli ravishda Navoiy ushbu bobda Moniy haqida so’zlaydi. Moniy Simurg’ parini chizishda mahorat kasb etgan tengsiz rassom deb tasvirlanadi. Moniyning Simurg’ paridan hayrat-la go’zal naqshlar chiza olishida Navoiy zimdan “Dil – ba yor-u, dast – ba kor”degan naqshbandiylik tariqatining aqidasi sari yetaklamochi bo’lishi mumkin³.

Dostonning “Faqr-u fano vodiysining adosi” bobida ham “naqsh” so’zi bir necha o’rinlarda qo’llangan. Ularni bir-bir tahlilga tortish maqsadga muvofiq:

¹ Султонмурод Олим. Нақшбанд ва Навоий. – Т. 1996. 19-бет.

² Султонмурод Олим. Нақшбанд ва Навоий. – Т. 1996. 22-бет.

³ Султонмурод Олим. Нақшбанд ва Навоий. – Т. 1996. 111-112-бетлар.

*“...Baharning ko’loki tutqon chog’i avj,
Kim ayon aylar yuz ming tuman naqsh mavj.
Dam-badam bu naqshlar topib fano,
Fosh bo’lur ming mavji gunogun yano”¹.*

Mazmuni: dengizda kuchli bo’ron avj olgan payti ming xil naqshlar paydo bo’ladi, dam-badam bu naqshlar yo’qolib yana yuz turli mavjlar paydo bo’ladi. Yana so’ngroqda ham naqsh so’zi bor:

*“...Barchasining naqshi keldi oriyat,
Foniy-u onda baqodin yo’q sifat.
Bahr tahriki, chun mavj aylab ayon,
Naqsh muncha zohir aylab har qayon” (222).²*

Mazmuni: ularning barchasi vaqtinchalikka naqsh etilgan bo’lib, o’tkinchidir, boqiylik esa ularga xos sifat emas. Dengiz chayqalib turli naqshlar paydo qilgan paytda har yoqda turli-tuman naqshlar paydo qiladi. Yuqoridagi har to’rt baytda ham “naqsh” so’zini ko’rsak-da, bu yerda “naqsh” so’zini shakl, dunyoviy bezak, ayni paytda o’tkinchilik ma’nolarini anglatmoqda. Ya’ni naqshbandiylik tariqati nazarda tutilmagan deyish mumkin. Ammo Navoiy sir berkitish san’atidan yaxshiga xabardor, asarlarida mantiqiy va shakliy yalitlikni go’zal uyg’unlashtira oluvchi ijodkor. Aynan Faqr-u fano vodiysi tasviridan so’ng keltirilgan ikkinchi hikoyat “Xoja Bahouddin Naqshband so’zi foniyi komil maqomida” deb nomlanadi. Demak, mazmunga qaraydigan bo’lsak, Fano maqomlarning eng yuqorisi, eng so’nggi vodiy, shu vodiyaning so’ng hazrat Bahouddin to’g’risidagi hikoyat keltirilayotgan ekan, Navoiy ushbu valiyning yuqori maqomga yetganlariga shubha qilmagan. Masnaviyning matniy tahlili, shakliga qaraydigan bo’lsak, Navoiy fano ta’rifida naqsh so’zini qo’llab, Naqshband haqidagi hikoyatga zamin hozirlagan bo’lib chiqadi. “Naqsh” so’zi o’zlikni, shaklni, bezak va o’tkinchilikni anglatar ekan, “Naqshband” so’zi faqatniga naqsh bosuvchi emas, “o’zlikdan xalos bo’lgan”, “o’tkinchilikdan voz kechgan” degan ma’nolarni ham bera oladi. Va ayni paytda “naqsh” bu Yaratuvchining bir bo’lagi, aksi deyish mumkin, valiy qalbida esa Alloh yorqin aks etadi, naqshlanadi. Endi e’tiborni Bahouddin haqidagi tamsiliy hikoyatga qaratamiz. Naqshband shu darajada yuqori maqomga yetgan va o’zlik iskanjasidan shu darajada xalos bo’lgan ediki, har nedan o’zini past tutardi. Bir kun iflos, qo’tir it yonidan o’tyotganda, “bu it mendan ustun, chunki u vafo ahlidan, men unday bo’la olmayman” deydi, it ketgach esa, itning nafat o’zidan, balki qoldirgan izidan ham o’zni past tutib “bu vafo ahli qoldirgan iz, men esa hargiz vafosizlik sari etak sudrayman” deydi. Bu hikoyatda Bahouddin Naqshbandning fano maqomiga yetgani misol qilinmoqda va fano vodiysidan o’tib bo’lgan inson qanday bo’lishi kerak degan savolga javob berilmoqda.

¹ Навоий А. Лисон ут-тайр. – Т.: F.F. 1991. 220-221-betlar. Keyingi o’rinlarda o’sha asar deb beriladi.

² O’sha asar, 222-bet.

Naqshbandiylik tariqati mazmun-mohiyatini ochib beruvchi shoirlar mavjud. Bular: 1. Hush dar dam. 2. Nazar bar qadam. 3. Safar dar vatan. 4. Xilvat dar anjuman. Bundan tashqari yana G'ijduvoniyy va B. Naqshband tomonidan to'ldirilgan yettita (jami o'n birta) shiorlar mavjud. Lekin ularning asosiy mazmuni shu yuqoridagi Hamadoniyy tomonidan tayin etilgan to'rt shiorda mujassamlashadi. "Lison ut-tayr" dostonining qushlar uzrxohligi ifodalangan qismlarining birida (aniqrog'i, eng so'nggi uzr) Tovuq (ya'ni xo'roz) o'zining xonaki jonivor ekani, ko'pgina xotinlari mavjudligi, uydan chiqqa olmasligi, ucha olmasligini bayon etib Hudhudga uzrxohlik bildiradi. Hudhudning xo'roz uzriga javobida Navoiy naqshbandiya tariqati shiorlaridan foydalanadi:

*"...Bor oningdek qushki ochmay bol-u par,
Sidra shoxi ustida aylar maqar.
Keldi xilvatgohi oning anjuman,
Sayre tar, lekin yeri doim vatan"*¹.

Yettinchi ko'kdagi sidra daraxtida parvoz etmay turib uchib bora oladi. U anjumanni o'ziga xilvatgoh etdi, lekin sayr etadigan joyi doim vatani bo'ldi, deyilmoqda. Naqshbandiylik tariqatining yuqoridagi g'oyalarini bitish uchun aynan tovuqqa nasihat berish qismi tanlandi, o'zi tovuq obrazi Attorning "Mantiq ut-tayr"ida uchramaydimi? Yo'q, Attorda naqshbandiya tariqati g'oyalari ham yo'q, sababi tariqat paydo bo'lganda Attor hayot emasdi, tovuq obrazi ham yo'qki, Attor uchun bu obraz zarur ham emas edi. Xo'sh, Navoiy nega tovuqqa "zarurat sezgan"? Chunki dostonidagi har bir qush singari tovuq ham o'zigagina xos bo'lgan xususiyatlari bilan shoir maqsadini ochishi uchun zarur edi. Tovuq tabiatan xonaki jonzor, u sayr uchun yaratilmagan, undan xonaki holatida foyda ko'rish mumkin: tuhum, pat, go'shtdan. Demak, tovuq mehnatkash aholi timsoli, u mehnat qilishi kerak, foyda keltirishi kerak, u sayr eta olmaydi. Uning oilasi katta, xo'roz tovuqlarga boshchilik qiladi, hayotda ham oilali insonlar, avvalo, oilasi haqida qayg'uradi. Anjuman orasida xilvatda bo'lishlik va o'z vatanida turib sayr etishlik shiorlarini obrazli ifodalash uchun tovuq eng munosib "nomzod" edi. Agar asarda xonaki, ucha olmaydigan jonivor – tovuq obrazi bo'lmaganda edi. O'quvchida savol tug'ilishi mumkin edi: qolgan qushlar barchasi ucha oladi, ular o'zlaridagi kamchilikni bartaraf etib manzilga yeta oladi – sayr eta oladi, xilvatda bo'la oladi. Ammo sayr etish – uchish, xilvat qilishining iloji bo'lmaganlarchi? Naqshbandiylik tariqati g'oyalarini Navoiyning boshqa asarlarga ham singgani, masalan, Farhodning ham hunar egasi, ham ilmi inson ekani, Navoiyning o'zi ham hayoti davomida xilvatnashin bo'lmagani, xalq orasida, xalq xizmatida bo'lgani holda taqvodor musulim, zukko mutasavvif olim bo'lganligi, uning ushbu tariqat g'oyalari orqali ideal, komil insonni tasavvur etganini bilish mumkin.

¹ O'sha asar, 81-bet.

Hudhudning tovuqqa javobida yana shunday bayt mavjudki, uni tahlilga tortmaslik ilojsiz:

*“...Ermas ul Simurg’din ayru dame,
Vaslidin ko’ngig’a o’zga olame.
Yetmayin jonig’a hajridin gazand,
Surati vaslida har dam naqshband”¹.*

Yuqoridagi misralarda “ u, ya’ni sidraga qo’na oladigan qush Simurg’dan also ayro emas, vaslidan ko’nglida o’zga olam bor. Hajrdan joniga shikast yetmaydi, vasli esa doim suratday naqshlanib turadi (aks etadi, jilva qiladi). Albatta, yuqoridagi misralarda “naqshband” so’zi orqali, avvalo, tajalli hodisasi ifodalanmoqda. Ammo unutmazlik lozimki, Navoiy bir so’zni qo’llar ekan uni har taraflama: ham shakl, ham mazmun taraflama bayon etayotgan fikriga singdiradi. Bu misralardan yuqorida naqshbadiya tariqati shiorlari keltirilgan bir paytda, keyingi baytda “naqshband” so’zining qo’llanishini shunchaki tasodif deya olmaymiz. Navoiyning so’z o’yini qilishdagi mahorati tengsiz. Shubhasiz, bu yerda Bahouddin Naqshbandga ishora mavjud. Chunki Bahouddin hazratlarining ham ko’ngillarida Yaratganning vasli naqshlangan edi. Biz buni yuqorida tahlilga tortgan fano hikoyati misolidan ham bila olamiz. Xulosa o’rnida aytish mumkinki, Navoiyning “Lison ut tayr” dostoni ma’rifiy-badiiy asar hisoblanadi². Navoiyning ma’rifiy qarashlarida naqshbandiylik tariqatining ta’siri juda katta. Va bu holat nafaqat “Lison ut-tayr” dostonida, balki komil inson sifatleri berilgan barcha asarlarida o’z aksini topadi.

МУҲАММАД ҲАКИМХОННИНГ “МУНТАХАБ АТ-ТАВОРИХ” АСАРИДА БУХОРО-АФҒОН МУНОСИБАТЛАРИГА ОИД МАЪЛУМОТЛАР

*Абдукаримов Жамолиддин Аҳмадалиевич Академик Бобожон Ғафуров
номли Хужанд давлат университети тожик халқи тарихи кафедраси
катта ўқитувчиси*

Муҳаммад Ҳакимхоннинг “Мунтахаб ат-тавориҳ” номли асари Қўқон хонлиги ва Бухоро амирлиги тарихига оид нодир манба ҳисобланади. Мазкур асар беш боб, ўн икки тоифадан (фаслдан) иборат бўлиб, унинг хронологик ҳудуди “оламнинг яратилишидан” то XIX асрнинг 40-чи йилларигача бўлган даврни ўз ичига олади.

Асарнинг бешинчи боби ўн биринчи тоифаси Бухорода ҳукмронлик қилган Манғитлар сулоласи тарихига бағишланиб, амирликнинг XVIII – XIX асрнинг биринчи ярмида вужудга келган муҳим сиёсий, ҳарбий, иқтисодий жараёнлар ўз аксини топган.

Бухоро амирлиги тарихини тасвирлаш жараёнида Муҳаммад Ҳакимхон турли расмий мансабдорлар, жумладан амир Насрулло саройида

¹ О’sha asar, 81-bet.

² Воҳидов Р ва бошқалар. Сўз бағридаги маърифат. – Т. 2001.

нуфузли мансабдор шахслардан бири бўлган нақиб Эшон Тўра Ҳожи маълумотларидан фойдаланган. Бундан ташқари “Мунтахаб ат- таворих”да Бухоро амирлигининг XVIII асрнинг охири ва XIX бошларига оид воқеалар тафсилоти Техронда яшовчи, Эрон шоҳи Фатҳалишоҳнинг набирасига уйланган, амирликда кечаётган воқеалардан доим хабардор бўлган, амир Шоҳмуроднинг (1785- 1800) ўғли Динносир хабари асосида баён этилган¹.

Таъкидлаш жоизки, “Мунтахаб ат- таворих”да муаллифнинг шахсий хотиралари муҳим ўринни эгаллайди. Муҳаммад Ҳакимхоннинг 1828- 1842 йиллар Бухоро амирлиги ҳудудида бўлиб ўтган воқеалар ҳақидаги маълумотлари тарихий қимматга эгаллиги шубҳасиз. Чунки, бу даврда Муҳаммад Ҳакимхон доимий шу ерда яшаб, ўзининг нодир асари “Мунтахаб ат- таворих”ни ёзган.

“Мунтахаб ат- таворих”да муаллиф учун манба вазифасини бажарган мактублар Дўстмуҳаммадхоннинг Ҳиндустон генерал-губернатори В. Макнотеннинг котиби Лотга мактуби хужжат сифатида ҳавола этилиши эса асарнинг тарихий қийматини яна ҳам оширишга хизмат қилган.²

“Мунтахаб ат-таворих”да XIX аср биринчи ярми Афғонистон давлатининг сиёсий вазияти, инглиз-афғон уруши, Дўст Муҳаммадхоннинг узок йиллар Англия томонидан қўллаб келаётган Шужоъ ал-мулк билан тахт учун олиб борган кураши, Дўст Муҳаммадхоннинг Бухорога қочиши, унга нисбатан амир Насруллоҳнинг муносибати, Дўст Муҳаммадхоннинг ватанига қайтиши, инглизларга қарши олиб борган ғазовоти ва унинг кейинги тақдири ҳақида кўплаб нодир маълумотлар ўз аксини топган. Шунингдек, Муҳаммад Ҳакимхон томонидан асарда расмий хужжат сифатида келтирилган мактублар афғон, ҳинд тарихчиларининг маълумотларини тўлдиришга ҳам яроқлидир.

Таъкидлаш жоизки, Афғонистон тарихига оид манбаларда ватанига қайтган Дўст Муҳаммадхоннинг инглизларга қарши курашини тасвирлаш жараёнида унинг номаълум сабабларга кўра қўшинидан воз кечиб инглизларга таслим бўлди ва асирга тушди деган маълумотлар мавжуд.³

Дўст Муҳаммадхон билан шахсан таниш ва дўст бўлган Муҳаммад Ҳакимхон ўзининг эсталикларида бу воқеага нисбатан аниқ маълумотлар келтиради. Муаллифнинг маълумоти кўра инглизлар Дўст Муҳаммадхон қўшинига махфий тарзда уни тутиб беришлари учун катта миқдорда маблағ ваъда беришади. Ҳатто Искандар Бёрнс (Александр Бёрнс 1805-1841 йилларда яшаган, 1839-1841 йилларда инглиз қўшинининг Қобулдаги

¹ Муҳаммадҳакимхон Тўра. Мунтахаб ат- таворих.- Форс- тожик тилидан таржима, муқаддима, изоҳлар муаллифи Ш. Воҳидов. Тошкент: Янги аср авлоди, 2010. 18 б.

² Муҳаммадҳакимхон Тўра. Мунтахаб ат- таворих.- Форс- тожик тилидан таржима, муқаддима, изоҳлар муаллифи Ш. Воҳидов. Тошкент: Янги аср авлоди, 2010. 6-7 бетлар.

³ История Афганистана. С древнейших времен до наших дней. Москва, 1982. С. 149.

ҳарбий штаби сиёсий маслиҳатчиси¹, 1839 йилда Лодонда нашр этилган уч жилдлик Афғонистон, Ўрта Осиё, Эрон саёҳати кундалиги муаллифи) Дўст Муҳаммадхоннинг довьораклиги ва баҳодирона олишувларини кўриб, унга қарата баланд овозда, “эй амир, нега бунчалик ўз жонингизга жабр қилмоқдасиз, ҳозир мусулмонларингиз Сизни ушлаб бизга топширади. Сиз жанобнинг шунча чеккан заҳматлари эса бекор кетади”, дейди. Дўст Муҳаммадхон бунга эътибор бермай жангда давом этади, аммо жангчиларнинг уни ёлғиз қолдириб кетганлигини кўрган амир ўзининг бир надими билан қочишга мажбур бўлади ва анча йўл босишгач Кобул дарвозасига, Британия ҳукуматининг Ҳиндистондани котиби, амир Шужоъ ал-мулк даврида мухтор вазир ва элчи бўлган Уилям Макнотеннинг котиби Лот ҳузурига моҳирона тарзда киришади².

Муҳаммад Ҳакимхон Дўст Муҳаммадхоннинг Лот билан суҳбати ва унга ёзган мактуби ҳақида қуйдаги қизиқарли маълумотни келтиради: “...Дарвозабон эшикни очди. Амир соҳиб эса “мен элчиман, Дўст Муҳаммадхон олдидан келганман, Лотга зарур ишим бор, деди.” Бу хабарни Лотга етказдилар. Лот Жангий амир Дўст Муҳаммадхоннинг номини эшитган заҳоти “тез бўлинг, ўша элчини менинг олдимга келтиринг”, деб буйруқ берди. Мулозимлар амир ғозини югуртирган кўйи ул кофир олдига келтирдилар. Лот “амир Дўст Муҳаммадхоннинг аҳволи қалай”, деб сўради. Амир соҳиб эса “амир Дўст Муҳаммадхон Сизга бир хат бериб юборганлар”, деди. Лот “хат қани”, деб сўради. Амир хатни кўйнидан чиқариб Лотнинг кўлига берди. Лот хатни ўқишга тушди. Хатнинг мазмуни қуйдагича эди: “Амирлик ва ҳукумат паноҳи Вали Ямжи Лотга маълум ва равшан бўлсинким, Сиз билан ўртамизда кўплаб уруш ва олишувлар рўй берди. Шунга қарамасдан Сиз бизни бир неча маротаба ҳузурингизга таклиф этдингиз, биз эса рад жавобини бериб келдик. Мана ҳозир олдингизда истакларимни уч шарт билан юбориб турибман: биринчиси шуки, жону молимизга тегмайсиз, иккинчидан, бизни Шужоъ ал-мулкка мулозим қилмайсиз, учинчиси шуки, то кўлингиз остида турарканман, ҳар куни канда қилмасдан беш юз ашрафий бериб турасиз. Мана шу уч шартни бажариш борасида ўз динингиз номидан аҳду паймон қилсангиз ва барчасини сўзсиз қабул қилсангиз, ҳузурингизга бораман, йўқса, Эронга кетаман. Бу хат амир Дўстмуҳаммадхон тилидан тўғри ёзилган”. Лот мактубни ўқиб чикқач, жуда хурсанд бўлди. Амир Дўст Муҳаммадхон Лотга ўз динини ўртага солиб, қалин онту қасамлар ичирди ва аҳду паймон маросими тугагандан сўнг “бўлмаса билиб кўй – амир Дўст Муҳаммадхон менман”, деди. Лот бу сўзларни амир ғози оғзидан эшитгач, ҳайрат бармоғини тишлади, амирнинг ишларига таҳсинлар айтди ва бу воқеани ҳам ўз подшоҳига – Лондонга ёзиб юборди...”³.

¹ Хуршут Э. Александр Борнс// Звезда Востока. 1993. № 2.

² Муҳаммадҳакимхон Тўра. Мунтахаб ат- таворих...140-142 б.

³ Муҳаммадҳакимхон Тўра. Мунтахаб ат- таворих...142-143 б.

Муҳаммад Ҳақимхон таъкидлашича Бухоро амири Насрулло тазйиқидан зўрға қутилиб Қаршига, ундан Шаҳрисабҳга ўтиб, у ерда бошпана топиб яшаётган афғон амири Дўст Муҳаммадхон билан учрашиб қолади. Маълумки, бахтсизлик кишиларни янада яқинлаштиради. Уларнинг аччиқ тақдиридаги ўхшашлик дўст бўлиб қолишларига сабаб бўлади. Муҳаммад Ҳақимхон Дўст Муҳаммадхон Афғонистонга қайтиб ўз тахтига ўтиргач ва инглизларга қарши озодлик кураши олиб бораётган пайтда ҳам ундан хат олиб турган¹

“Мунтахаб ат-таворих”да Дўст Муҳаммадхоннинг Муҳаммад Ҳақимхонга юборган мактубларидан бири қуёдагича келтирилган: “1259 йил раби ал-аввал ойи охирида (1843 йил апрел ойи охири) менга Дўст Муҳаммадхон ва Акбархоннинг қуйдаги мазмундаги хатлари келганди. Барчага маълум ва равшан бўлсинким, амир Дўст Муҳаммадхон ўша Бухородан Шаҳрисабз томонга қочгач, эртаси куни амир Насруллоҳ бу воқеани эшитиб, сийнасига ҳасрат ўти тушди ва дарҳол сардор Муҳаммад Акбархон ва Султон Аҳмадхонни ушлаб, қамоққа ташлаш ҳақида буйруқ берди. Шоҳзодалар эса аллақачон яширинган бўлиб, амир одамлари қанча ахтармасин, улардан асар ҳам топа олишмади. Бир ҳафтадан сўнг эса шоҳзодаларнинг ўзлари бекинган еридан чиқиб, эшон Соҳибзода ҳузурига боришди ва эшон уларни ёнига солиб, амир Насруллоҳ олдига олиб боришди. Амир Насруллоҳ шоҳзодаларни эшон жанобларининг кафилиги остига топширди. Шоҳзодалар бир неча кун эшоннинг сўфилари қаторида юришди. Бироз вақт ўтгач, амир уларни жаноб эшон Соҳибзоданинг уйидан ўз ҳузурига чақиртириб олиб, сўнг қамоққа солди. Уч ой ана шу ҳабсда турдилар. Яна амир Насруллоҳ уларни қамоқдан чиқариб, ниҳоят шоҳзодалар тўла озодликка эришдилар. Аммо, ҳибсдан чиққач, қаерга боришларини билмай қолдилар ва ноилож, Бухоро кўчаларида тентираб юрдилар. Чунки, қай бир танишининг уйига боришса, амир Насруллоҳдан кўрқиб уларни уйига киритишмасди...”² Акбархон ва Султон Аҳмадхонларнинг кейинги тақдири ва Афғонистонга кетиши ҳақида ҳам “Мунтахаб ат-таворих”да тўлиқ маълумотлар берилган.

Шундай қилиб, Муҳаммад Ҳақимхон томонидан “Мунтахаб ат-таворих”да келтирилган бошқа тарихий асарларда учрамайдиган маълумотлар Бухоро-Афғон муносибатлари, XIX асрнинг биринчи ярмида Афғонистон ва Ўрта Осиё хонликларида кечаётган сиёсий жараёнларни ўрганишда мазкур даврга оид янги, ҳали ўрганилмаган жиҳатларини очишда бирламчи манба сифатида хизмат қилиб, жуда катта илмий аҳамиятга эгадир.

¹ Хуршут Э. Ҳақимхоннинг ҳаёти ва саёхатлари. Тошкент: Фан, 1987. 46 б.

² МуҳаммадҲақимхон Тўра. Мунтахаб ат- таворих... 146 бет.

МИЁН ФАЗЛ АҲМАД ВА УНИНГ “РИСОЛАИ ШАРИФ” АСАРИ

Амонов М.У.-

Имом Бухорий халқаро

илмий-тадқиқот маркази илмий ходими

XVIII-XIX асрларда Марказий Осиёда нақшбандия-муҷаддиия тариқати тарихини ёритувчи қўлёзма ва тошбосма китоблар, тарихий ҳужжатлар ҳамда эпиграфик ёдгорликларда воқеалар айнан муайян бир муршид ёки унинг авлоду шогирдлари томонидан воқеалар баён этилганлиги билан аҳамиятлидир. Мана шундай манбалардан бири нақшбандия-муҷаддиия мактаби вакили Миён Шоҳ Фазл Аҳмад Сирҳиндий томонидан ёзилган “Рисолаи шариф” номли асардир.

Миён Фазл Аҳмад Бухоро ҳукмдорлари Амир Шоҳмурод Амир Ҳайдарнинг пири бўлганлиги¹ маълум. Ва бу борада олиб борилган тадқиқотларда² ҳам у ҳақида бир қатор янги маълумотлар тўпланишига эришилган бўлса-да, аммо мазкур тадқиқотларда бир-бирига яқин бўлган маълумотлар билан кифояланишган.

Миён Фазл Аҳмад нақшбандия-муҷаддиия мактаби тарбияланувчиларидан бири бўлиб, ёшлиги Пешовар шаҳрида ва асосий фаолияти Бухорода ўтган бўлишига қарамасдан, умрининг охири яна Пешоварда ўтказиб, мазкур шаҳарда 1232/1816 йилда вафот этган.

Амир Шоҳмурод ва Амир Ҳайдар Миён Фазл Аҳмадни ўзларига пир тутганлиги эътиборга олинса, у нақшбандия-муҷаддиия тариқатидаги етук муршидлардан бири эканлигини маълум бўлади. Унинг устози Шоҳ Муҳаммад Расо, унинг устози Муҳаммад Порсо, унинг устози ҳужжатуллоҳ Нақшбанди Соний, унинг устози Миён Маъсум ва ул зотнинг устози (ва отаси) Имом Раббонийдир.

Миён Фазл Аҳмаднинг отаси шайх Ниёз Аҳмад³, ўғли Миён Бузург Фазл Аҳмад Маъсумий (ваф. 1286/1870)⁴, яна бир ўғли Миён Ғулом Қодир⁵ ва набираси Миён Фазл Қуддус (1324/1904) Хўқандда яшаганлиги айтилади. Туркиялик тасаввуфшунос олим Неждат Тосун Миён Фазл Аҳмаднинг “Рисолаи мардон”⁶ ва Валид Зияд “Рисолаи дар баёни

¹ Kawahara Yuyoi. On private archives related to the development of the naqshbandiya-mujaddidiya in the Fergana valley / History and Culture of Central Asia. Tokyo. 2012. – P. 242.

² Анке фон Кюгельген. Расцвет Накшбандийа-Муҷаддиийа в Средней Трансоксании с XVIII - до начала XIX вв. // Суфизм в Центральной Азии (зарубежные исследования). СПбГУ, 2001. – С. 305-308; Анке фон Кюгельген. Легитимация среднеазиатской динстии мангитов в произведениях их историков (XVIII-XIX вв.). Алматы: Дайк-Пресс, 2004. – С. 103-104.

³ Абдусаттор Жуманазар. Машраб. –Т.: Akademnashr, 2015. – Б. 179.

⁴ Nejdät Tosun. Orta Asya’da tasavvuf // Orta Asya’da ıslam (temsilden fobiye). Cilt:I. Ankara-Türkistan, 2012. – 513-514 s.

⁵ Абдусаттор Жуманазар. Машраб. – Б. 179-180.

⁶ Nejdät Tosun. Orta Asya’da tasavvuf // Orta Asya’da ıslam (temsilden fobiye). Cilt:I. Ankara-Türkistan, 2012. – 513 s.

тасаввуф”, “Рисолаи фазлия”¹, номли форсча асар ёзганлигини аниқлашган. Шунингдек, Миён Шоҳ Фазл Аҳмад томонидан ёзилган яна бир “Сабақҳои тариқати алия нақшбандия” (нақшбандия-алия тариқати сабоқлари) номли асарининг учта қўлёзма нусхаси² бўлиб, инв.№ 2572/XXVI рақам остида сақланаётган нусхаси 571^б - 578^б варақлардан таркиб топган. Ўлчами 19,5x26 см. Қўлёзмада “Ғулом Қодир Маъсумий 1235/1820”, деб ёзилган муҳр урилганлиги аниқланган³.

2900/XXXVII рақам остида сақланаётган иккинчи нусхаси XIX аср бошларида кўчирилганлиги айtilган 541^а-545^а варақлардан иборат; Учинчи (инв. №500/III рақамли) нусхаси 1251/1835 йил санаси қайд этилганлиги ва мазкур нусхаси ҳам 19^а-23^б варақлардан иборатлиги кўрсатилган. Яна almajidcenter.org/search.php сайтида Шоҳ Фазл Аҳмад қаламига мансуб “Байони тариқати нақшбандия” номли асарининг 1274/1857 йилда кўчирилган нусхаси мавжудлиги аниқланди.

Биз олиб бораётган тадқиқотимиз жараёнида Миён Фазл Аҳмаднинг нақшбандия-муҷаддида тариқатига оид бўлган (Имом Бухорий халқаро илмий-тадқиқот маркази манбалар ҳазинасида инв.№277/I рақам остида сақланаётган) “Рисолаи шариф” номли асари билан яқиндан танишишга муваффақ бўлдик. Мазкур қўлёзма муқовасиз, жами 8^{а-б} варақдан таркиб топган. “Рисолаи шариф” – форс тилида сариқ шиқилдоқ қоғозга ёзилган (матн ўлчами: 14x8,2 см.) бўлиб, нақшбандия-муҷаддида тариқатининг тартиб қоидалари қайд этилган.

Рисола одатий Басмала ва Аллоҳга ҳамд, пайғамбар соллаллоҳу алайҳи васалламга дуруду саловотлар билан бошланиб, “баъзи дўсту ёронларнинг таклифи ва илтимосига биноан, алия-нақшбандиянинг бошидан то охирига қадар бўлган тартиботларини ёзишни илтимос” қилганликлари сабабидан бу рисола ёзилганлиги муаллиф томонидан таъкидлаб ўтилган. Шунингдек, Шайх Аҳмад Сирҳиндий (Имом Раббоний)нинг “Мактубот” асарида тариқат одобу қоидалари батафсил баён этилганлиги, бу борада бошқа ёзишмаларга эҳтиёж йўқлиги эслатиб ўтилган бўлсада, яқинларга, ўқиғувчиларга тушунарли, осон бўлсин⁴, деб ҳам мазкур рисолага қўл урилганлиги айtilган. Асарнинг тасаввуф илмини ўрганишдаги аҳамияти шундаки, асар бевосита тариқат муршиди томонидан ёзилганлиги, яна нақшбандия-муҷаддида тариқати шайхи

¹ Waleed Ziad. Transporting Knowledge in the Durrani Empire (Two Manuals of Naqshbandi-Mujaddidi Sufi Practice) // Afghanistan's Islam: From Conversion to the Taliban. Oakland: University of California Press, 2017. – page. 124.

² Бу ҳақида қаранг: Миён Фазл Аҳмад. Сабақҳои тариқати алии Нақшбандия. ЎЗР ФА ШИ қўлёзмалар фонди инв. № 2572/XXVI, 2900/XXXVII, 500/III.

³ Собрание Восточных рукописей Академии наук Узбекской ССР. Т-III. –Т.: ЎзССР ФА, 1955. – С. 384.

⁴ Миён Шоҳ Фазл Аҳмад Сирҳиндий. Рисолаи шариф. Қўлёзма, форс тилида. Матн ўлчами: 14x8,2 см. 1268/1851. Имом Бухорий халқаро илмий-тадқиқот маркази манбалар ҳазинаси инв.№ 277/I. 1^б 2^а варақ.

Аҳмад Сирҳиндий томонидан ушбу тариқат қоидалари ва бу борадаги ўзининг баъзи қарашлари акс этган “Мактубот” асарида келтирилган фикрлари асосида, Фазл Аҳмад кейинчалик ушбу асарнинг мазмун-моҳиятини ўзида мужассам этган кичик ҳажмдаги рисолаи яратиши XIX асрда накшбандия-мужаддия тариқати фаолияти учун жуда аҳамиятли қўлланма бўлиб хизмат қилганлигидадир. Яна асарнинг кенг ҳудуд бўйлаб тарқалиши эса, унинг тасаввуф илми ривожига муҳим рисолалардан бири эканлигини кўрсатади. Шунингдек, асарнинг Марказ манбалар ҳазинасида сақланаётган нусхаси рисоланинг бошқа айрим нусхаларидан тўлиқроқ ва қадимийроқ эканлиги билан унинг нодир нусха бўлганлигини кўрсатади.

Рисолада тариқат вакиллари бажариши керак бўлган кундалик вазибалар ва кўрсатмалар аниқ белгилаб берилган. Унга кўра, шайх аввал икки ракат “истихора” намозни ўқиш, кейин қалбдан ҳис қилган ҳолда истихора дуосини қилиш ва зикрда доимо Аллоҳни қалбда ҳозир билмоқлик хусусида тушунчалар берилган. Тариқат муршиди кўрсатмаси билан тарбияланувчи шогирдлар томонидан бир неча нафл ибодатларни бажаришлари кўрсатилган. Бунда Одам алайҳиссалом, Иброҳим алайҳиссалом, Мусо алайҳиссалом, Ийсо алайҳиссалом ва Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи васаллам бажаришган амаллар ҳақида тушунчалар бериб ўтилган. “Илмул яқийн”, “Айнул яқийн” ва “Хаққул яқийн” каби тасаввуф билим босқичлари ҳақида тушунчалар берилган. Муайян вазибаларни адо қилишда “Худованд мақсуди ман туйи ва ризойи ту”, яъни “Аллоҳим мақсадим Сен ва Сенинг ризолигиндир” деган зикрни махфий тарзда қалбдан айтишлик таъкидланган. Яна турли “гина”лардан халос бўлишлик, фитна-фасодлардан узоқда юришлик, аҳли илмларга хизмат қилишлик билан тариқат қоидаларига риоя қилиб бориш тушунчалари бирма-бир кўрсатилган.

Рисолаи сўнги саҳифасида мазкур рисола содда ва равон-тушунарли тилда ёзилганлиги сабабидан таҳрир (қўшимча)ларга муҳтож эмаслиги айтилиб, рисола муаллифи мужаддиди вақт Ҳазрат Шоҳ Фазл Аҳмад Сирҳиндий¹ эканлиги қайд этилган. Матн сўнггида 1268/1851 йил санаси қайд этилган, аммо рисолаи кўчирган хаттот номи кўрсатилмаган. Фақатгина мўмину мўминалар қаторида котиб ўзини ҳам Аллоҳ мағфират этишини эслатиб ўтган холос.

Мазкур “Рисола” билан бирга турган яна бир 2 а-б варақли нодир қўлёманинг боши ва охири мавжуд эмас² (ҳозирча ушбу рисола муаллифи ва унинг номини аниқлаш имкон бўлмади). Қўлёманинг жами тўртта

¹ Миён Шоҳ Фазл Аҳмад Сирҳиндий. Рисолаи шариф. Қўлёмна, форс тилида. Матн ўлчами: 14x8,2 см. 1268/1851. Имом Бухорий халқаро илмий-тадқиқот маркази манбалар ҳазинаси инв.№ 277/І. 8^а варақ.

² Аноним. Қўлёмна, форс тилида. Палеографик жихатдан XVIII асрнинг охирлари ва XIX аср бошларида ёзилган. Матн ўлчами: 13,7x7,3 см. Имом Бухорий халқаро илмий-тадқиқот маркази манбалар ҳазинаси инв.№ 277/ІІ. 2^{а-б} варақ.

саҳифасида Махдуми Аъзам Даҳбедийнинг Мавлоно Муҳаммад Дўст Саҳхоф ва Мавлоно Муҳаммад Али Аҳсий шогирдлари ҳақида сўз кетиб, улар тўғрисида қизиқарли воқеалар баён этилган.

Хулоса, албатта, бу каби қўлёмалар – аждодларимиз ҳаёти ва фаолияти ҳақида бизга қимматли маълумотларни тақдим этишини таъкидлаб ўтиш зарур. Зеро, Миён Шоҳ Фазл Аҳмад Сирҳиндий ўзининг мазкур рисоласида “Дилнинг мулки зикр ва ҳузурдир”¹, деган ҳикматли сўзида кенг маъно ва унинг тариқатдаги фаолияти акс этиб турибди.

«БОБУРНОМА» АСАРИДА БУХОРО ТАРИХИНИ ЁРИТИЛИШИ

Мирзаев Авазбек,

Анджон давлат университети
катта ўқитувчи +998916120718;

E-mail: avazbek.mirzaev.1956@mail.ru

Маълумки, тарихда ҳар қандай масалани аниқ тарихий материалсиз, манбаларсиз чуқур ва атрофлича ўрганиб бўлмайди. Марказий Осиё халқларининг XV-XVI асрларга доир сиёсий, ижтимоий- иқтисодий ҳамда маданий ҳаётини ўрганиш ва тадқиқ этишда, бу даврда яшаган кўзга кўринган давлат арбобларининг муноқиблари ғоят муҳим аҳамиятга эга. Чунончи, Заҳириддин Муҳаммад Бобурнинг «Бобурнома» асари шулар жумласидандир².

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Миромонович Мирзиёев «Барчамизга маълумки, ҳар бир суверен давлат ўзининг бетакрор тарихи ва маданиятига эгадир. Бу тарих, бу маданиятнинг ҳақиқий ижодкори, яратувчиси эса ҳақли равишда шу мамлакат халқи ҳисобланади»³, - деб таъкидлайди.

Жаҳон тарихидан маълумки, Бухоро шаҳри Мовароуннаҳрнинг энг қадимий йирик шаҳарларидан бири бўлган ҳамда ислом дунёсида тутган муҳим ўрни учун “Бухоройи шариф” номини олган. Бухоронинг XV-XVI асрларга оид тарихини ўша даврда яратилган ёзма манбалар орқали ўрганиш янада муҳим аҳамиятга эга маълумотлар олишга имконият яратади. Худди шундай тарихий манбалардан бири, ўзи яшаган давр ижтимоий ҳаётининг кўпгина соҳаларида муҳим роль ўйнаган йирик сиймолардан бири, истеъдодли лашкарбоши ва давлат арбоби, талантли ёзувчи ва шоир, санъат, адабиёт ҳамда фаннинг қадрини биладиган атоқли олим Заҳириддин Муҳаммад Бобурнинг «Бобурнома» асари ҳисобланади. Мовароуннаҳрнинг бу давр тарихида ҳам муҳим ўрин эгаллаган Бухоро шаҳри ҳақидаги маълумотлар «Бобурнома» асарида 26 марта қайд этилган. Асарда Бухоро вилоятидаги Ғиждувон ва Қорақўл кўрғонлари

¹ Миён Шоҳ Фазл Аҳмад Сирҳиндий. Рисолаи шариф. Қўлёма, форс тилида. Матн ўлчами: 14x8,2 см. 1268/1851. Имом Бухорий халқаро илмий-тадқиқот маркази манбалар хазинаси инв.№ 277/І. 8^а Ҳарақ.

² Аҳмедов, Бўрибой. Тарихдан сабоқлар. – Тошкент, Ўқитувчи, 1993, 366-бет.

³ Шавкат Мирзиёев. Эркин ва фаровон, демократик Ўзбекистон давлатини биргаликда барпо этамиз. Тошкент, “Ўзбекистон” НМИУ, 2016, 5-бет.

тўғрисида ҳам сўз юритилган. “Бобурнома” да Бобурнинг Қобулдан Мовароуннаҳрга сўнгги юриши тавсифида Ғиждувон қўрғони тилга олинган. Қорақўл эса Бухородан етти йиғоч шимоли-ғарбда жойлашгани таъкидланади. Маълумки, XV-XVI асрларда ҳам Бухоро шаҳари стратегик аҳамиятга бўлган. Бобур Мовароуннаҳрда ҳокимият учун курашган йиллардаги сиёсий жараёнлар Бухоро билан ҳам дахлдор бўлган. Султон Абусаъид ўз вақтида Бухорони ўғли Бойсунғур Мирзога берган эди. Султон Махмуд Мирзо вафотидан сўнг Бойсунғур Мирзо Самарқандда Мовароуннаҳр тахтига ўтиради. Бироқ бу ҳукмдорлик узоққа чўзилмаган: “Тархоннинг ғавғосида Бойсунғур Мирзони тутуб, иниси Султонали Мирзони бир-икки кун ўлтургиздилар. Яна Бойсунғур Мирзо ўқ олди. Бойсунғур Мирзодин мен олдим”. Бу воқеалар 1500 йилда Бухоро, Қорақўл ва Самарқандни Шайбонийхон эгаллаши билан тугайди. Орада Бобур қисқа муддат Самарқандни қайтариб олгани ҳам туб ўзгаришга олиб келмайди. Бобур Қобулда мустаҳкамланиб олгач, унинг Мовароуннаҳрга охирги юриши билан боғлиқ воқеалар қисман Бухоро вилояти худудида кечган. У Исмоил Сафавий билан ҳарбий-сиёсий иттифоқ тузиб, 1511 йилнинг баҳорида Хисорни, ёзида Бухорони, кузда Самарқандни эгаллайди. Бироқ 1512 йилнинг баҳорида Кули Малик жангида Убайдуллахон бошлиқ Шайбонийлардан енгилиб, Хисор томон чекинади. Ўша йилнинг кузида Гузор ва Қаршини қайта эгаллашга муваффақ бўлади, лекин кузда Ғиждувондаги жангда яна мағлуб бўлиб, узил-кесил Қобулга қайтади¹.

“Бобурномада” да Бухоро вилоятининг географик жиҳатдан қаерда ўрнашгани ҳақида сўз юритилиб, Самарқанднинг ғарби тарафида, йигирма беш йиғоч² йўлда яна бир йирик вилоят Бухоро жойлашгани, Бухоронинг худудида ҳам кўплаб туманлари борлиги баён этилган ҳамда Бухоронинг флора ва фаунасига батафсил таъриф берилган. Шунингдек, асарда Бухоронинг флораси, яъни шу даврга оид ўсимликлар дунёси тўғрисидаги маълумотлар ҳам кенг ва батафсил ёритилган. Жумладан, мева ва сабзавоти яхши бўлиши қайд этилган: “Мовароуннаҳрда Бухоро қовунича кўп ва хўб қовун бўлмас. Бухорода ҳар жинс қовундин кўп бўлур ва яхши булур”. Демак, ўша пайтда ҳам Бухоронинг қовуни жуда сифатли сабзавот экини бўлгани туфайли кўп миқдорда етиштирилгани таъкидланади. Бошқа бир жумлада эса, “Яна «олуйи бухорий» машхурдир. Бухоро олусидек ҳеч ерда бўлмас, терисини сўюб қурутиб табарруклуклар била вилояттин вилоятқа элтарлар”³ деб таъкидланади. Худди шунингдек, Бухоронинг олуси⁴, яъни олхўриси ҳам бутун минтақада машхур мева бўлгани, мевасини қурутиб, қоқи тайёрлаб, бошқа вилоятларга ҳам етказиб берилгани батафсил кўрсатиб ўтилади.

“Бобурномада” муаллифнинг ўзи бориб, яшаган жойлари тўғрисида батафсил маълумотлар келтириб ўтади. Масалан, Хуросон ўлкасига чилғўза яъни қора қарағайни Бухородан келтирилгани ҳам ёритиб ўтилган.

¹ Заҳириддин Муҳаммад Бобур энциклопедияси. – Т.: «Sharq», 2014, 193-бет.

² йиғоч - узунлик ўлчов бирлиги (тош, фарсах, фарсанг ҳам дейилади), 12 минг кадам = 7-8 км.

³ Заҳириддин Муҳаммад Бобир. «Бобирнома», Тошкент, Фанлар Академияси нашриёти, 1960, 107-бет.

⁴ Ўзбек тилининг изоҳли луғати. 5-жилдли. 3-жилд. - Тошкент, “Ўзбекистон Миллий энциклопедияси” Давлат илмий нашриёти, 2007, 119-бет.

Бундан ташқари, Бобур ўз асарида ичимликлар ҳақида ҳам сўз юритади. Жумладан, “Бухоро чоғирларидин тундрок чоғир бўлмас. Мен Самарқандта аввал ичганда Бухоро чоғирларини ичар эдим” деб Бухорода тайёрланган чоғирга, яъни май, шароб ичимлигига юқори баҳо беради.

Асарда муаллиф ўзи яшаган даврдаги Бухоронинг фаунаси, яъни ҳайвонот дунёси и тўғрисида ҳам маълумотлар келтириб ўтади. Масалан, “Бобурнома”да кўрсатилишича Бухоро буғуси Андижон ва Хўжанд (Фарғона водийси) атрофида кўп учраган ва унга уюштирилган овда Бобур ҳам иштирок этгани ҳам баён этилган.

Заҳириддин Муҳаммад Бобур ўз асарида Бухородан етишиб чиққан мутафаккирларни номларини ҳамда уларнинг амалга оширган ишлари ҳақида маълумотлар келтирган. Шундай мутафаккирлардан бири Абу Абдуллох Муҳаммад ибн Исмоил ал-Бухорий - Имом Бухорий бўлиб, бу инсон ўта камтарона ҳаёт кечирган. Умр бўйи ҳадисларни тўплаш ва тизимга солиш билан шуғулланган, уларни саҳиҳ (тўғри, ишончли) ва ғайри саҳиҳ (хато, заиф)га ажратган. Бу ишни ҳадис ровийларининг маиший ҳаётлари, яшаш жойлари, туғилган ва вафот этган саналари, бир-бирлари билан қилган ўзаро мулоқотларини ўрганиш билан боғлиқ ҳолда олиб борган. Жами 600 мингга яқин ҳадис тўплаган бўлиб, шундан 100 минг «саҳиҳ» ва 200 минг «ғайри саҳиҳ» ҳадисни ёддан билган. Ўзининг ноёб қобилияти, иқтидори, қувваи хофизасининг ўта кучлилиги билан илм аҳлини лол қолдирган. 20 дан ортиқ китоб тасниф этган. Айримлари бизгача етиб келган. «Ал-Жомийъуссаҳиҳ» («Ишончли тўплам») деб номланган 4 жилд (жуз)дан иборат ҳадислар тўплами ислом оламидаги ҳадис тўпламлари орасида энг ишончли деб эътироф этилади. Бобур ҳам буюк муҳаддис, ислом оламида «Муҳаддислар имоми» деб тан олинган Имом Бухорий номини “Бобурнома” да ҳурмат билан тилга олган: «Яна соҳиби “Саҳиҳи Бухорий” Хожа Исмоил Хартанак ҳам Мовароуннаҳрдиндур».

Хулоса ўрнида айтиб ўтиш мумкинки, Заҳириддин Муҳаммад Бобурнинг “Бобурнома” асари, XV-аср охири XVI-аср бошларида Бухоро вилоятининг географик жойлашуви, флора ва фаунаси, ижтимоий-сиёсий ва иқтисодий ривожланиши тарихини ўрганишда манба сифатида муҳим аҳамият касб этади.

4-ШЎБА. “БУХОРИЙ”ЛАРНИНГ ИЛМИЙ, ТАРИХИЙ ВА АДАБИЙ МЕРОСИ, УЛАРНИНГ ЖАҲОН ИЛМ-ФАН ВА МАДАНИЯТИГА ҚЎШГАН ҲИССАСИ; БУХОРО ЖАДИДЛАРИНИНГ ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ ФАОЛИЯТИ ВА ИЛМИЙ (МАЪРИФАТПАРВАРЛАР, ТАРАҚҚИЙПАРВАРЛАР) МЕРОСИНИ ЎРГАНИШ.

ЁШЛАРНИНГ КАМОЛ ТОПИШИДА МИЛЛИЙ МАКТАБЛАР МАСАЛАСИ (ФИТРАТ ВА БЕҲБУДИЙ АСАРЛАРИ МИСОЛИДА)

*Аслонова А.А- БухДУ талаба
Илмий раҳбар: Ахматов А*

Кўп асрлик фаолияти давомида жаҳон миқёсидаги мутафаккирларни етказиб берган мактаб мадрасаларимиз XX асрга келиб замон талабларига жавоб бера олмай қолди. Капитализмнинг янги босқичига ўтган Европадан фарқли равишда Туркистон эндигина бу босқичга кириб кела бошлаган эди. Замон талабини тўғри англаган, фақат диний билимлар билан юксак жамият куриш замони ортда қолганлиги, эскича таълим билан илдам қадам ташлаб бўлмаслигини тушунган жадидлар таназзулга чорани маорифда деб билдилар.

Ҳар қандай миллатнинг келажаги бўлмиш ёш авлоднинг дунёқараши дастлаб оилада, мактабда шаклланади. Айнан шу даргоҳларда нимага эътиқод қилиш, нималарни қадрлаш ва қандай яшаш кераклиги ҳақидаги илк тушунча ва қарашлар ёшлар онгига сингдирилади. Марифатпарвар Маҳмудхўжа Беҳбудий “Ойна” журналининг 1914 -йил 41-сонида “Мактаб тараққиётнинг бошланғичи маданият ва саодатнинг дарвозаси¹” дея такидлайди. Таълим тизими замон руҳида ислоҳ қилинмас экан тараққиёт йўлига кириш, жаҳон маданияти ютуқларидан фойдаланиш имконсиз бўлиб қолаверади. XX аср Туркистон жамияти учун янгилик бўлган мактабларнинг жамият томонидан қабул қилиниши мураккаб бир вазиятда кечган. Асрлар бўйи анъанавий мактаб ва мадрасаларда таҳсил олган кишилар замон руҳини жадид тараққиёпарварлари каби англаб етмаган эдилар. Шунинг учун ҳам жадид мактаби ташаббускорлари танқид ва танбеҳлар остида қолиб, мактаб асосчилари нодонликда, билимсизликда ҳаттоки кофирликда айбландилар². Жоҳиллик авж олган амирлик

¹Маҳмудхўжа Беҳбудий. / танланган асарлар// Тўпловчи, сўз боши ва изоҳлар: Б. Қосимов. – 2 нашри, тузатилган ва тўлдирилган. – Т.: “Маънавият”, 1999. – Б. 176.

²Абдурауф Фитрат./ танланган асарлар: Ж. Ш. Драмалар,мақолалар / Таҳрир ҳайъати: О.Шарафиддинов, Н.Каримов, Д.Алимова ва бошқ.: Изоҳлар муаллифи: Ҳ.Болтабоев; Масъул муҳаррир: Б. Қосимов. – Т.: “Маънавият”,2003. – Б.210

худудидатаълим тизими мутаассиблик соясидан чиқолмай, мадрасаларнинг эскича таълими билан чекландилар. Оқибатда тижорат, ахлоқ ва илм, саноат ва ҳунар жиҳатдан бутунлай ортда қолишларини Абдурауф Фитрат “... шу кунларга тушуларина нодонлиғлари сабаб бўлди, бизнинг учун ўқув, илм ва марифатга ёпишмоқ лозум¹” – дея изоҳлайди.

Жадид тараққийпарварлари янги усул мактабларини ташкил этишда нафақат маҳаллий мутаасиб кучлар томонидан, балки ҳукумат томонидан ҳам қаттиқ қаршиликка учраган эдилар. Россия ҳукумати ўлкада янги усул мактабларининг халқ орасида обрўси ошиб кетаётганидан қаттиқ хавотирга тушган эди. Янги усулдаги мактабларнинг кенг ёйилиши ва уларга нисбатан маҳаллий аҳоли эътиборининг кескин ортиб бориши билан рус-тузем мактаблари йўқолиб боришидан хавотирланганлар.

Таълим тизимини ислоҳ қилиш тарафдорлари бу борада турли тўсиқларга қарамасдан матонат билан фаолият юритдилар. Мактаблар очдилар аммо ҳукуматнинг қаршиликлари ва етарли даражада моддий тامينланмаслиги уларнинг умрини қисқа қилар эди. Шунга қарамай “Анжумани маориф” жамиятининг маблағларига “Рушдия мактаби” (Абдурауф Фитрат ва Камол Шамсолар таълим берган), Ҳожи Муин Шукруллонинг “Тарбият”² мактаблари маориф йўлида самарали ишларни амалга оширди. Эски мактабларда ўн йилда ўрганадиган билимларни янги усул мактабларида икки-уч йилда эгаллашлари мумкинлиги сабабидан халқ орасида уларнинг нуфузи ошаётганлигини ҳам кузатиш мумкин. Дастлаб бундай мактабларга қарши бўлганлар ҳам маълум вақт ўтиб ўз фарзандларини усули жадид мактабларига ўқишга олиб келган³.

Жадид мактабларининг шу даврдаги аҳволи, айниқса уларнинг ўқув дастури қониқиш талабига жавоб бермаслиги кабибир қатор муаммоларга дуч келинар экан. Шундай муаммолардан яна бири янги усул мактабларида янгича таълим бера оладиган ўқитувчиларнинг етишмаслигидир. Табиийки бундай ҳолатда кўплаб мактаблар ташлил қилиш самарасиз бир ҳол бўлиб қоларди: “Ҳозирда эса Туркистонда муаллим оз бўлиб, муаллимларга муаллимларга эҳтиёжимиз шадиддур. Чунки бу кунларда янги мактаб хаваскорлари кундан кун зиёдалашмоқда...”⁴. Туркистоннинг йирик шаҳарларида турли тилларда дарс берадиган хусусий мактаблар очилди. Ўқитувчилар тайёрлаш сифати замон талабларидан орқада қолганлиги сабабли ўқитувчи кадрлар тайёрлаш курслари ҳам ташкиллаштирилди. Жумладан Самарқанддаги

¹Ўша китоб : – Б.211

²Ўзбекистоннинг янги тарихи. К.2. Ўзбекистон совет мустамлакачилиги даврида //Тузувчилар: М.Жўраев, Рюнурулин, С Камолов ва бошқ.; Таҳрир хайъати: А.Азизхўжаев(раис) ва бошқ./ – Т.: “Шарқ”, 2000. –Б . 132-133

³К вопросу о туземной школе. // Туркистон вилоятининг газети. 1911, №17.

⁴Муҳтарам ёшларга мурожаат (“Ойна” журнали., 1914yil, 41-son,970-972бет) Махмудхўжа Бехбудий. / танланган асарлар// Тўпловчи, сўз боши ва изоҳлар: Б. Қосимов. – 2 нашри, тузатилган ва тўлдирилган. – Т.: “Маънавият”, 1999. – Б. 177.

“Нашри маориф” жамияти миллий мактаблар учун ўқитувчилар тайёрлаш курслари очди. 1917 йил 9-14 май кунлари ўқитувчиларнинг I ўлка курултойи бўлиб ўтди ва “Туркистон ўқитувчилар иттифоқи” ташкил этилган бўлсада бу масала тўлалигича ўз ечимини топмади¹.

Беҳбудий ўз мақоласида ёшларга мурожаат қилар экан, замонавий илм олиш учун ҳаракат қилиш кераклигини, мулкни ортиқча тўйу ҳавасларга эмас фарзандининг замонавий таълим олишига ҳаракат қилиши, илм учун сарф қилиши уқтирилади².

Хулоса қилиб айтганда янги усул мактабларининг ташкил қилиниши ва фаолият жараёнида қуйидаги тўсиқларга дуч келинган:

Аввало ҳукмрон доира вакилларининг салбий муносабати

Халқнинг ҳали ҳануз диний мутаассибликдан чиқа олмаганлиги

Замонавий таълим бера оладиган муаллимларнинг озлиги

Мактабларнинг моддий таминоти ҳам муҳим муаммолардан эди

XX асрнинг дастлабки йиллари учун хос бўлган замонавий мактабларнинг ривожига салбий таъсир кўрсатган юқоридаги омилларга қарамай доно халқимиз илм марифат йўлидан чекинмай матонат билан олға силжишдан тўхтамади.

ПЎЛАТ СОЛИЕВ ТАДҚИҚОТЛАРИДА БУХОРО ТАРИХИ МАСАЛАЛАРИНИНГ ЁРИТИЛИШИ

*Санъатжон Ражабов Суннатович-
БухДУ магистранти*

XX асрнинг 20-30 йилларида сермахсул ижод қилган атоқли муаррих Пўлат Солиевнинг илмий мероси, унинг ижоди тўғрисидаги айрим биографик ва публицистик мақола ва рисоаларни истисно қилганда, ҳали етарли баҳосини олмаган. Пўлат Солиевнинг Бухородаги ижоди асосан Ўрта Осиёдаги энг қизиқарли ва кам ўрганилган даврлардан бирини ўрганишга бағишланган. Пўлат Солиев Бухоро амирларининг бой кутубхонаси ва архивида биринчилар қаторида ишлаш имконига эга бўлди. Бу ердаги минглаб шарқ кўлёмалари ва асарлари олимга кўплаб тарихий маълумотларни тўплашига катта ёрдам берди. Абдурауф Фитрат ва Лутфулла Алавий билан биргаликда бу архив ва кутубхонани саралаб, илмий тадқиқот институтига топширадилар. «Инқилоб» журналининг бир сониди бу қадимий архив ва кутубхонадаги ишлар ҳақида ҳисобот ҳам чоп этилади. Тарихчи олим кейинчалик ёзган Бухоро тарихига оид асарларида ушбу кўлёмалардан фойдаланади.

П.Солиев Бухоро амирларининг қароргоҳи бўлган Арк қалъа ва бошқа жойларда бўлиб, Бухоронинг ўтмишини, бу ерда умргузаронлик қилган хонлар, амирларнинг шахсий ҳаётини ўрганиб, қимматли тарихий

¹Ўзбекистоннинг янги тарихи. К.2. Ўзбекистон совет мустамлакачилиги даврида.//–Б .133

²Маҳмудхўжа Беҳбудий. / танланган асарлар// – Б. 169.

маълумотлар тўплади ҳамда «Бухоро тарихи» (1923) ва «Манғитлар салтанати даврида Бухоро ўлкаси» (1925) каби асарларини яратди. Бу асарларнинг илмий қиймати шундаки, асарда Бухоро амирларининг ички ва ташқи сиёсати, амирлик таркибига кирган бекликлар ва ҳудудлар, шунингдек, халқнинг ижтимоий-иқтисодий аҳволи баён қилинади.

Олимнинг «Бухоро тарихи» номли биринчи асари ўзининг илмий қимматга эга эканлиги билан ажралиб туради. Асарнинг хронологик чегараси Бухоронинг милoddан аввалги VI-V асрларидан то Сомонийлар давлати бошқарувига бўлган даврни ўз ичига олади. Тарихчи олим ушбу тарихий тадқиқотини ёзишда бир қанча шарқ кўлөзма манбаларига мурожаат қилган. Масалан, олим ўз даврида маълум ва машхур бўлган муаррихлар - Наршахий, Мирхонд, Хондамир, араб тарихчиси Ибн ал-Асир, шунингдек, Ҳерман Вамбери, таниқли рус шарқшунослари В.В.Бартольд, В.А.Жуковский ва бошқаларнинг асарларидан ҳам фойдаланган.

П. Солиевнинг «Манғитлар салтанати даврида Бухоро ўлкаси» асари айниқса диққатга сазовор бўлиб, тарихчи ушбу асарини Бухорода ҳукмронлик қилган сўнгги манғитлар сулоласи даври тарихига бағишлайди. Олим ўз асарида асосан манғит амирларининг ички ва ташқи сиёсатини ёритиш билан бирга, Бухоро амирлигининг Ҳиндистон, Афғонистон ва Россия билан иқтисодий ва сиёсий муносабатларини ҳам акс эттирган. Асарда амир Насруллоҳхон (1827-1860)¹, амир Музаффархон (1860-1885) ва амир Абдулаҳадхон (1885-1910) даври тарихи қисқача баён қилинган. Шунингдек, асарда Англия ва Россиянинг Урта Осиё масаласидаги зиддиятлари, элчилик алоқалари, Россия империяси томонидан Ўрта Осиёнинг истило қилиниши, савдо-сотик муносабатлари ва бошқа масалалар ҳақида маълумотлар келтириб ўтилган.

Пўлат Солиевнинг “Ўзбеклар ҳам Темур болалари”², “Хоразм тўғрисида бир мулоҳаза”, “Сарбадорлар”³ каби мақолаларида масалага холисона ёндашув намоён бўлади. “Манғитлар салтанати даврида Бухоро ўлкаси” номли рисоласида эса ҳукмрон мафкура таъсири яққол сезилиб туради. Манғитлар даври тарихшунослиги ва ушбу давр тарихини тадқиқ қилган муаллифлар асар ва мақолаларини чуқур таҳлил қилган немис олимаси Анке фон Кюгельгеннинг мазкур рисолаи тадқиқот объектига тортмаганлигининг сабабларидан бири ҳам шу бўлса керак⁴.

Ўша даврнинг илғор маърифатпарварлари Абдурауф Фитрат, Садриддин Айний, Пўлат Солиев нега айнан манғитлар салтанати

¹ Бу ерда ҳукмронлик даври назарда тутиляпти

² Пўлат Солиев. Ўзбеклар ҳам Темур болалари. // Маориф ва ўқитувчи. 1928. – № 5 – 6.

³ Пулат Салиев. Сарбадары. // Звезда Востока. 1989. - № 11-12

⁴ Анке фон Кюгельген. Легитимация среднеазиатской династии мангитов в произведениях их историков (XVIII-XIX вв.) –Алматы: Институт Востока Германского Восточного общества, 2004.

тарихини ёзишга қўл урдилар. Бу манғитларни фош қилиш эдими? Ёки сўнгги ўрта аср муаллифлари Аҳмад Дониш, Мирза Сомий, Шарифжон Махдум Садр Зиё, Мирза Салимбек асарларини тўлдириш эдими?

Пўлат Солиевнинг - Манғитлар салтанати даврида Бухоро ўлкаси асарига баҳо берганда албатта юқорида номлари тилга олинган муаллифларнинг манғитлар тарихига бағишланган асарлари билан қиёслаш лозимдир. Аҳмад Дониш,¹ Садриддин Айний,² Абдурауф Фитрат,³ Пўлат Солиевлар⁴ манғитлар сулоласи тарихини ўз нуқтаи назари, дунёқараши, шахсий муносабати доирасида ёритишган. Пўлат Солиев ушбу тадқиқотида ўзидан олдинги тарихчиларнинг асарларидан манба сифатида фойдаланган бўлса-да, Аҳмад Дониш, Мирза Сомий⁵ нуқтаи назарини тўлиқ қабул қилмаган ва ўз мустақил фикрига эга бўлган.

Бухоро ўлкасининг таназзулга юз тутиш сабабларини Пўлат Солиев манғитлар ҳукмронлиги билан боғлайди. IX-XV асрларни Бухоро тарихидаги порлоқ даврлар деб ҳисоблайди.

Аҳмад Дониш ва Садриддин Айнийдан фарқли ўлароқ Пўлат Солиев манғитлар даври тарихини қисқа хронологияда беради. Асосан Амир Шохмурод, яъни Амир Маъсумдан Амир Музаффаргача бўлган давр камраб олинган.

Амир Насруллонинг қаттиқ қўллигини Пўлат Солиев эътибордан четда қолдирмаган. Уч биродарини ўлдириб тахтни олганини ёзса-да, қатл этилганларнинг номини тилга олмайди.⁶ Амир Насрулло табиатидаги кусурлар, айниқса, унинг қаттиққўллигига Пўлат Солиев рисоласида алоҳида урғу берилади. Муаллиф уни минтақадаги сиёсий вазиятдан беҳабарликда айблайди. Туркистон ўлкаси ва Афғонистоннинг икки кудратли давлат (яъни Россия, Англия) манфаатлари доирасига тортилаётган бир шароитда Амир Насруллонинг бепарволиги муаллифнинг асосли эътирозига сабаб бўлган. Унинг фикрича, Фарғона (Қўқон) хонлиги шимолдан руслар, жанубдан Амир Насрулло исканжасида қолган эди. Амир Насрулло ўзининг Қўқонга юришини, Пўлат Солиев ёзганидек, - жиҳод деб атаган.⁷ XIX асрнинг 30-40 йилларидаги халқаро

¹ Аҳмад Махдуми Дониш. Рисола ё мухтасаре аз таърихи хонадони манғитийа / Ба саъи ва ихтимом ва тасҳеҳи Абдулғани Мирзоев. – Сталинобод, 1960.

² Садриддин Айний. Таърихи амирони манғитийа Бухоро. – Душанбе, 1966.

³ Фитрат. Амир Олимхоннинг ҳукмронлик даври. Т.: - Микхож нашриёти, 1992.

⁴ Пўлат Солиев. Манғитлар салтанати даврида Бухоро ўлкаси. Тошкент, 1925.

⁵ Мирза Сомий манғитлар тўғрисида — “Таърихи салотини манғитийа” номли асарини ёзган.

⁶ Аҳмад Дониш Амир Ҳайдардан сўнг ҳукмронлик қилган Амир Ҳусайн ва Амир Умар ҳукмронлик даврини батафсилроқ ёзган. Амир Ҳусайннинг тиб, кимё илмидаги саводхонлигига ижобий баҳо берган ҳолда, Амир Умарнинг майпарастликка ружу қўйганидан афсусланади. Амир Насрулло ҳокимиятга келгандан сўнг уни паранжига ўраб махфий равишда Арқдан чиқариб юборишганини қайд этган. Қаранг: Аҳмад Махдуми Дониш. Рисола, 29-30-бетлар.

⁷ Амир Насрулло сиёсий фаолиятига баҳо берган ўрта аср муаррихлари унинг қаттиққўллигига алоҳида урғу беришни афзал қўришган. Унинг фаолиятининг кўпгина жиҳатларини ўз ичига олган кейинги йиллардаги тадқиқотларда икки хил тенденция кузатилади. Қиёсланг:

муносабатлар тарихи Пўлат Солиев томонидан яхши ўзлаштирилганлигини муаллифнинг масалани батафсил баён қилганидан билиш мумкин. 1832 йил Бухорога келган ярим расмий инглиз вакилининг рус истилосига қарши Ўрта Осиё хонликлари ва Афғонистоннинг уюшиши лозимлиги тўғрисидаги таклифи Амир Насрулло томонидан қабул қилинмаганлигини муаллиф алоҳида қайд этади. 1840 йилда Бухорога юборилган рус элчиларининг олти банддан иборат талаблари муаллиф томонидан санаб ўтилади. Саккиз ой давомида Бухорода турган рус элчилари қўйилган талабларга жавоб ололмадилар. Амир Насрулло қўйилган талабларни кўриб чиқишни дастурхончига топшириб, ўзи Қўқонга юриш бошлагани, инглиз элчиси Стюдортни зиндонга ташлаб, исломни қабул қилишга мажбурлагани муаллифнинг эътирозли баёнида ўз аксини топган.

Пўлат Солиевнинг - Манғитлар салтанати даврида Бухоро ўлкаси номли рисоласини тадқиқ этиш натижасида қуйидаги хулосаларни илгари суриш мумкин:

- рисола мураккаб тарихий даврда ёзилгани боис, унда давр илмий тафаккури акс этиши муқаррар эди;

- муаллиф масалани ҳукмрон мафкура талаблари доирасида баён этиш учун ўзини масъул деб ҳисоблаган;

- муаллиф Бухоро амирлигининг Россиянинг ярим мустамлакасига айланишини Бухоронинг ўз мустақиллигидан тўла маҳрум бўлиши деб ҳисоблаб, сўнгги Бухоро амирлари – Амир Абдулаҳад ва Амир Олимхон сиёсий фаолиятини изоҳлашни лозим топмаган;

- асар олдиндан режалаштирилган мақсад ва вазифалар доирасида ёзилганлиги учун, унда бир томонламаликка йўл қўйилган;

Пўлат Солиев тарихий жараёнларни ҳукмрон мафкура талаблари доирасида баён этсада унинг тарихга ёндошувида ўзига хос усул ва услуб кўзга ташланади. Кўпгина тарихий воқеликларга олим шахсий фикр – мулоҳазаларини билдириш йўлидан боради.

САДРИДДИН АЙНИЙ ВА УНИНГ “ТАҲСИБ УС – СИБЁН” АСАРИ ҲАҚИДА

Фаррух Темиров - БухДУ, т.ф.ф.д (PhD)

Маърифатпарвар адиб, йирик сўз санъаткори, шоир ва ёзувчи, Бухоро тарихининг моҳир билимдони Садриддин Айний (1878-1954) қарийб олтмиш йиллик илмий-ижодий фаолияти давомида ўзидан бой адабий ва илмий мерос қолдирди. Унинг ўлмас асарлари маънавиятимиз хазинасидан муносиб жой олган. Айниқса, улуғ ёзувчининг Бухоро тарихига оид бўлган илмий тадқиқотлари, бир қатор адабий, тарихий ва

Бабаджанов Б.М. Кокандское ханство: власть, политика, религия. – Токио – Ташкент, 2010; Қахрамон Ражабов. Насруллохон. –Т.: - ABU MATBUOT KONSALT, 2011.

публицистик мақолалари Бухоро тарихининг XVI - XX аср бошларигача бўлган тарихий даврнинг ижтимоий, иқтисодий, сиёсий ва маданий ҳаётдан муҳим маълумотларни бера олади.

Садриддин Айнийнинг “Таърихи амирони манғитийаи Бухоро”¹, (“Бухоро манғит амирлари тарихи”), “Бухоро инқилоби тарихи учун материаллар”², “Намунаи адабиёти тожик”³, (“Тожик адабиёти намуналари”), “Муқанна исёни”⁴, “Эсдаликлар”⁵ каби адабий, тарихий ва илмий асарлари муҳим аҳамиятга эгадир. Олимнинг ушбу асарлари бир қатор мақолаларга ва илмий ишларга асос бўлган.

Шунингдек, Айний илмий-ижодий фаолияти давомида бир қанча катта-кичик асарлар, янги миллий мактаблар учун ўқув қўлланмалар, дарсликлар ҳам ёзганки, уларнинг аксарияти ҳозиргача илмий жамоатчиликка яхши маълум эмас. Айнийнинг илмий жамоатчиликка маълум бўлмаган асарларидан бири, усули жаҳид мактаблари учун мўлжаллаб ёзган “Таҳсиб ус-сибён”⁶ (“Болалар тарбияси”) асаридир. Унда келтирилган маълумотлар ва илгари сурилган ғоялар, олимнинг ёш авлоднинг талим-тарбия тўғрисидаги фикр-мулоҳазалари, педагогик қарашлари мужассамлашган.

Маълумки, Айний Бухородаги жаҳидчилик ҳаракатининг кўзга кўринган сиймоларидан, Бухорода жаҳид мактаблари очишнинг биринчи ташаббускорларидан, ёш авлодни илм-маърифатли қилиб тарбиялаш, уни таълим-тарбияси ва келажаги қайғурган маърифатпарвар адиблар бири эди. Янги авлоднинг эртанги кунини, илму-маърифати ва таълим-тарбиясини ўйлаган миллий зиёлиларимиз Туркистонда янги усул мактабларини очдилар. Бу мактаблар учун дастлабки алифболар, аниқ фанлар бўйича дарсликлар, ўқиш китобларини яратдилар.

Айний “Таҳсиб ус-сибён” дарслиги тўғрисидаги маълумотларини, “Бухоро инқилоби тарихи учун материаллар”⁷, “Намунви адабиёти тожик” (“Иожик адабиётидан намуналар”) ва “Қисқача таржимаи ҳолим”⁸ асарларида тўхталиб ўтган. Айний “Бухоро инқилоби тарихи учун материаллар” асарида ёзишича, бу дарслик 1326 йил ҳижрийда, шаввал ойининг ўнида (милодий 1908 йил 23 октябрда, янги ҳисоб билан 1908 йил 5 ноябр) Бухоро шаҳрида Дарвозаи Саллоҳхона гузарида, Абдулвоҳид Мунзим уйида биринчи марта бухороликларга Мунзим ва Айний

¹ Айний С. Таърихи амирони манғитийаи Бухоро. – Тошкент, 1923.

² Айний С. Бухоро инқилоби тарихи учун материаллар. – Москва: СССР халқлари Марказий нашриёти, 1926.

³ Айний С. Намунаи адабиёти тожик. – Москва, 1926.

⁴ Айний С. Исёни Муқанна. – Сталинобод, 1944.

⁵ Айний С. Эсдаликлар. / Асарлар. 8 жилдлик. 5-7-жилдлар. Т., 1965-1966.

⁶ Айний С. Таҳсиб ус – сиён. – Самарқанд, 1917.

⁷ Айний С. Бухоро инқилоби тарихи учун материаллар. - Москва: 1926. – Б. 36-37.

⁸ Айний С. Мухтасар таржимаи ҳоли худам. / Куллийёт. 16 жилд. Жилди-1. – Сталинобод, 1958. – саҳ. 60.

томонидан очилган усули жаид мактаби ўқувчилари учун махсус дарслик сифатида ёзилган.

Бухорода ташкил этилган янги усул мактабларини дарслик ва янги адабиётлар билан таминлаш, ёшларни хорижда таълим олишларига кўмаклашиш мақсадида Ёш бухороликлар ўз ораларида бир ширкат тузадилар. Ушбу ширкат “Ширкати Бухоройи шариф” (“Бухоройи шариф ширкати”) номи билан аталади. “Шунинг учун китоб ҳозирламоқ орзуси билан ўз орамизда бир ширкат туздик. Унинг исми “Ширкати Бухоройи шариф” эди. Ширкатимиз 1327 йил ҳижрийда, рабиул аввал ойининг ўртасида (милодий 1909 йил март – Т.Ф) таъсис қилиниб, биринчи навбатда “Тартил-ул Қуръон” тажвид қоидалари асосидаги қироат мажмуасини нашр қилишга қарор қилинди. Уни татар муаллими Абдурахмон Саъидий воситаси билан Оренбург матбаасига топширдик”¹.

“Бухоройи шариф” ширкатининг таклифи билан Айнийнинг 1909 йилда “Тартил – ул Қуръон” (диний дарслик), “Таҳсиб ус-сибён” (педагогика бўйича) ва “Заруриёти диния” каби янги мактаблар учун мўлжалланган дарсликлари нашр этилади. Айнийнинг “Тартил – ул Қуръон” китобини Оренбургда нашр қилиш учун ширкат аъзоларининг ҳар бири 7 сўмдан, Мунзим ва Айний эса 14 сўмдан; жами 77 сўм пул йиғилади. “Абдурахмон Саъидий бу китобни нашр қилишни ўз зиммасига олди ва таътил вақти (мактабдаги таътил – Т.Ф) Русияга кетиб уни, Оренбургдаги “Вақт” газетасининг матбаасининг нашрига топширди. Бу китоб икки минг нусхада чоп бўлди. Нашр ва йўл кирага 79 сўму 67 тийин сарф бўлди”² - деб, қайд этади. Абдулвоҳид Мунзимнинг ўзи ҳам 1908 йилда “Раҳбари хат” деб номланган дарслигини яратади³.

Садриддин Айнийнинг “Таҳсиб ус – сибён” китоби икки марта нашр этилган. Биринчи нашри 1909 йил Оренбургда, иккинчи марта 1917 йил Самарқандда “Маърифат кутубхонаси”нинг муассислигида нашр этилган. Афсуски, асарнинг 1909 йилги нашри ҳозиргача топилгани маълум эмас ёки давр синовлари орқали бизгача етиб келмаган. “Таҳсиб ус-сибён” асарининг 1917 йилда Самарқандда нашр этилган нусхалари ҳозирда Тошкентда, Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий кутубхонасининг нодир қўлёзмалар бўлимида шунингдек, Айнийнинг Самарқанддаги уй музейида ва Бухоро шаҳридаги Кўкалтош мадрасасида, бир вақтлар аллома Айний яшаб ижод қилган хонада – Айний номидаги ҳужра музейида сақланмоқда.

Айнийнинг ушбу дарслиги 88-бет, 7 бўлимдан иборат бўлиб, араб алифбосида, тожик тилида ёзилган. Асар адабий ва диний характерга эга бўлиб, ундаги келтирилган маълумотлар ўқувчиларни бефарқ қолдирмаслиги табиий. Айний “Қисқача таржимаи ҳолим” асарида

¹ Айний С. Бухоро инкилоби тарихи учун материаллар. – Б. 36.

² Айний С. Бухоро инкилоби тарихи учун материаллар. – Б. 37.

³ Табаров С. Мунзим. – Душанбе: Ирфон, 1991. – саҳ. 28-29.

китобнинг ёзилиши хусусида шундай фикрларни келтиради: “Биз Мирзо Абдулвоҳид Мунзим билан татар мактабининг дарсларидан ўрганганларимизни ўз дарсларимиз билан қиёслаб бир алифбо яратган эдик (бу алифбо ҳозиргача топилмаган – Т.Ф). Ўзим ҳам бир қироат китобини яратдим. Бу китоб адабий характерга эга бўлиб, китобни 1909 йилда “Таҳсиб ус-сибён” номида чоп қилдим”¹.

Олим “Таҳсиб ус-сибён” дарслигида тарбия ва илм олишнинг маркази бўлган мактабнинг ролига алоҳида эътибор беради: “Киши мактаб билан одам бўлади”². Адиб ўзининг маорифпарварлик ва тараққийпарварлик қарашларига таяниб, тарбиянинг асосий мақсадини “ватанига, ўз халқига ва миллатига хизмат қилувчи кишилар етиштириш”³ деб ҳисоблайди.

Шунингдек, “Таҳсиб ус - сибён” асари адабий ва диний характерга эга бўлиб, ундаги келтирилган маълумотлар ўқувчиларни бефарқ қолдирмаслиги табиий. Жумладан, боланинг уйдаги ўтириб туриши, овқатланиш, кийиниш ва гапириш одоби, ўзидан катта ёшдагиларни ҳурмат қилиши одоби ҳақида, шунингдек, одоб-ахлоқ, таълим-тарбия, ўқувчининг мактабдаги юриш-туриши, ўзини қандай тутиш кераклиги ва мактабда доим аъло баҳоларда ўқиб, ҳар бир дарсни ўз вақтида бажарилиши шарт эканлиги тўғрисидаги фикр-мулоҳазалари баён этилган. Шу билан бирга боланинг таълим-тарбияси ҳақидаги турли қизиқарли ҳикоятлар, янги мактаб ва унинг ҳаётдаги ролини аниқлаб берувчи шеърларини ҳам келтиради. “Тўғри ўша замон шароитига мувофиқ, китобда диний нарсалар ҳам бор эди, лекин ҳар нима бўлса ҳам янги бир нарса эди” – деб, ёзади олим.

Айний ушбу дарслигида таълим-тарбия олдида қуйидагича мақсадни кўяди: “Ўқиш йўлида ғайрат қил. Одам бўл. Кейин кучинг борича ўз Ватанинга, ўз халқинга ва ўз миллатинга хизмат қиласан”⁴. Унинг фикрича, мактабни демократлаштириш, камбағал болаларни бепул ўқитиш ва ўз она тилларида маълумот беришни тарғиб этади. “Таҳсиб ус-сибён” китобининг “Тарбия кўрган бола”, “Яхши одобли бола” бобларида болаларни маданий хулқ руҳида тарбиялаш ҳақида ҳам айтиб ўтган⁵. “Болалар тоза-озода юришлари, овқатдан олдин ва кейин қўлларини ювишлари, қўл ва оёқ тирноқларини ўз вақтида тозалашлари керак”. Асарнинг “Мактаб” бобида ёзувчи: “Мактаб шундай бир жойки, бизнинг фойдамизга бино қилингандир. Илм ва ўқишни, ахлоқ-одобни, илми динни ўргатадиган жой, албатта мактабдир”⁶.

¹ Айний С. Мухтасар таржимаи ҳоли худам. / Куллиёт. 16 жилд. Жилди-1. – Сталинобод, 1958. – саҳ. 60.

² Айний С. Таҳсиб ус – сибён. – Самарқанд: 1917. – Б. 26.

³ Айний С. Таҳсиб ус – сибён. – Б. 64

⁴ Айний С. Таҳсиб ус-сибён. – Самарқанд, 1917. – Б. 64.

⁵ Айний С. Таҳсиб ус-сибён. – Б. 2-4.

⁶ Айний С. Таҳсиб ус-сибён. – Б. 8-9.

“Таҳсиб ус-сибён” китобининг “Ота-она”, “Муҳаммад Юсуфнинг хонаволаси”, “Муҳаммад Фариднинг отасига хати” ва бошқа бобларида Айний болаларнинг ота-онасига муносабати тўғрисида гапириб: “Отанани ҳурмат қилиш, улуғлаш зарурлиги, уларнинг топшириқларидан бош тортмаслик керак, ҳамма вақт, ҳамма ишда уларнинг розилигини олиш керак. Чунки улар бизнинг тарбиямиз учун кўп машаққатлар чекканлар”. Олимнинг фикрига кўра, “камбағаллар аҳволига қайғуриш, уларга раҳм қилиш” инсонпарвар кишининг вазифаси бўлиши керак.

XX аср бошларида Бухоро шароитида бошланғич мактабнинг тўрт синфдан иборат бўлишини маърифатпарвар адиб Айний биринчи бўлиб талаб қилиб чиқади. Олим таълим-тарбия жараёнида ўқувчининг етакчи ролини ва марказий фигура эканлигини тўғри англаб етади. У дарсни уюштириш ва ўтказишда ўқувчининг масъулияти катта эканлигини таъкидлайди¹. Айний шахснинг камолоти ва жамият тараққиётида маърифат ролини юқори ўринга қўяди. Халқнинг иқтисодий аҳволини аҳоли ўртасида маърифат тарқатиш йўли билан яхшилаш мумкин деб ҳисоблайди. Шунинг учун ҳам у “Фан халққа бойлик келтиради”², - деб ёзган эди.

АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ

1. Boltayev, Bobir Baxtiyorovich. "BUXOROLIK MINIATURACHIRASSOM SADRIDDIN ROCHNAYEV IJODIGA BIR NAZAR." *Scientific progress* 1.6 (2021): 998-1004.
2. Rajabov, Oybek Iskandarovich. "BUXORODAGI AYRIM MUQADDAS QADAMJO-QAL'ALAR XUSUSIDA." *Scientific progress* 1.6 (2021): 1162-1168.
3. Умаров, Б. Б. "НА КИСЛЯКОВ ТАДҚИҚОТЛАРИДА ЖАНУБИЙ ТОЖИКИСТОН ЭТНИК ТАРИХИ." *Scientific progress* 1.6 (2021): 1005-1009.
4. Тўраева, Г. Б., Ўтаева, Ф. Х., & Жумаева, Н. А. (2021). ОА СУХАРЕВА ТАДҚИҚОТЛАРИДА БУХОРО ТАРИХИ ВА ЭТНОГРАФИЯСИНИНГ ЎРГАНИЛИШИ. *Scientific progress*, 1(6), 1010-1018.
5. Bakhthiyorovich, Boltaev Bobir. "Excerpts from the life of the bukharian artist." *Middle European Scientific Bulletin* 12 (2021): 160-165.
6. Ochilov, A. T. "DATING OF THE ZAMANBABA CULTURE: ASSED ON ARCHAEOLOGICAL SOURCES." *Theoretical & Applied Science* 12 (2019): 589-591.
7. Mubinov, M. A. "Diplomacy of the eastern states and central asian khanates in the struggle for independence." *CENTRAL ASIAN JOURNAL OF SOCIAL SCIENCES AND HISTORY* 2.5 (2021): 26-31.

¹ Айний С. Таҳсиб ус-сибён. – Б.8-14.

² Айний С. Таҳсиб ус-сибён. – Б. 26.

8. Maksud, Beshimov. "Markets of Bukhara." *CENTRAL ASIAN JOURNAL OF SOCIAL SCIENCES AND HISTORY* 2.5 (2021): 18-21.
9. Sharopov, Dilshod Ravshan O'G'Li. "ABDURAZZOQ SAMARQANDIYNING "MATLAI SA'DAYN VA MAJMAI BAHRAYN" ASARINING O'RGANILISH TARIXI." *Scientific progress* 2.1 (2021): 358-361.
10. Очилов, Алишер Тўлис Ўғли. "БУХОРО ВОҲАСИ ШАКЛЛАНИШИДА ЗАРАФШОН ДАРЁСИНИНГ ЎРНИ ВА ВОҲА ТАРИХИЙ ГЕОГРАФИЯСИГА ДОИР АЙРИМ МУЛОҲАЗАЛАР." *Scientific progress* 1.6 (2021): 933-938 Murodova, Dilrabo Shomurodovna, and Feruza Xolmamatovna O'tayeva. "TF Gelax tadqiqotlarida Buxoro shahri mudofaa tizimining organilishi." *The Fifth International Conference on History and Political Sciences*. 2015.
11. Turaevich, Halimov Talat. "From the history of economic relations between central asia and india (XV-XVII centuries)." *CENTRAL ASIAN JOURNAL OF SOCIAL SCIENCES AND HISTORY* 2.5 (2021): 22-25.
12. OCHILOV, Alisher. "JEWELRYC TRADITION IS A SOURCE OF STUDY OF BUKHARA HISTORY." *Bayterek Uluslararası Akademik Araştırmalar Dergisi* 1.1: 105-116.
13. Бобожонова, Феруза Хаятовна. "БУХОРО МАДРАСАЛАРИ МАЪНАВИЯТ ДУРДОНАСИ." *Scientific progress* 2.1 (2021): 362-366.
14. Муродова, Дилрабо Шомуродовна. "ИККИНЧИ ЖАҲОН УРУШИ ЙИЛЛАРИДА БУХОРОДА ИЛМ ВА ФАН (БУХОРО ПЕДАГОГИКА ИНСТИТУТИ МИСОЛИДА)." *Scientific progress* 2.1 (2021): 660-664.
15. Ochilov Alisher. "The Role of Zamanbaba Culture in The Social and Economic History of Bukhara Oasis During Bronze Age." *CENTRAL ASIAN JOURNAL OF SOCIAL SCIENCES AND HISTORY* 2.4 (2021): 42-47.
16. JAMOLOVA, DILNOZA MUYIDDINOVNA. "THE END OF THE EMIRATE OF BUKHARA: THE END OF THE POLITICAL STRUGGLE BETWEEN THE JADIDS AND THE ULEMA." *International Journal of Philosophical Studies and Social Sciences* 1.1 (2021).
17. Jamolova, D. M. "Traveling to Modernity: Perception of Modernity of the Central Asian Muslims in the early 20th century." *International Journal of Psychosocial Rehabilitation* 9.24 (2020): 4202-4207.
18. Темиров Ф., Исломов Д. САДРИДДИН АЙНИЙ–ЗАМОНДОШИ ФИТРАТ ҲАҚИДА //Scientific progress. – 2021. – Т. 2. – №. 1. – С. 1349-1354.
19. Темиров Ф., Халикова Н. БУХОРО АМИРЛИГИДА ТАШҚИ СИЁСАТ ВА ДИПЛОМАТИЯНИНГ РИВОЖЛАНИШИ ТАРИХИДАН //Scientific progress. – 2021. – Т. 2. – №. 1. – С. 1276-1282.
20. Темиров Ф., Умаров Б. БУХОРО АМИРЛИКДА ОИЛА, НИКОҲ ВА МЕРОС ҲУҚУҚИНИНГ АМАЛДА ҚЎЛЛАНИШИ //Scientific progress. – 2021. – Т. 2. – №. 1. – С. 1201-1207.

САДРИДДИН АЙНИЙНИНГ ТАЪЛИМ-ТАРБИЯ ТЎҒРИСДАГИ ҚАРАШЛАРИ МА ЖАДИД МАКТАБЛАРИДАГИ ФАОЛИЯТИ

Темиров Ф.У.- БухДУ, т.ф.ф.д.(PhD)

Садриддин Айний 1878 йилнинг 15 апрелида Бухоро областининг Гиждувон районидаги Соктаре қишлоғида Саидмуродхўжа номли камбағал деҳқон оиласида туғилди. Айнийнинг отаси меҳнатсевар ва инсонпарвар киши бўлиб, фан ва адабиётга катта ҳаваси бор эди. У иқтисодий қийинчиликларга қарамасдан ўз болаларини мактаб ва мадрасада ўқитиб, саводли, маълумотли ва маърифатли қилиш учун ҳаракат қилар эди.

Садриддин айний эски мактабда тўрт йил ўқиган бўлса-да, таълимнинг диний-схоластик усули унинг саводли бўлишига имконият бермади. Шунга қарамасдан, отаси унда шеърга нисбатан муҳаббат уйғотади ва шеър ўқиш, шеър ёдлашни ўргатади.

Ота-онасининг вафотидан кейин, моддий ва маънавий маънавий қийинчиликларга қарамасдан, С.Айний Бухоро мадрасасига ўқишга кирди. Муҳтожлик ва турмушнинг оғирлиги сабабли у мадрасадаги муллавачча ва бошқаларнинг хизматини қилиб кун кечирди ва дарс ўқиди.

Бу тўғрида: С.Айний “... қор-ёмғирли кунларда кўчага чиқсам, ковушимнинг ичи сув билан тўлиб оёғимнинг ёрилган жойларидан пичоқ билан тилинган каби қон сизилиб чиқар ва ёриқларга кирган муздай сувнинг таъсири билан яна қиздирилган бигиз санчилгандай чидаб бўлмаслик даражада оғирди”¹ деб ёзади.

Бундай оғир аҳвол, мадрасадаги диний-схоластик дарслар муллаваччаларнинг мантқиқсиз мунозаралари, мадрасадаги мансабпараст ўқувчиларнинг суҳбатлари Айнийни қўлдан қайтара олмади. У фан ва адабиётни кунт билан ўрганиб борди. Мадраса программасидан ташқари тожик, ўзбек, озарбайжон адабиётлари классикларининг асарларини ўқиб чиқди.

Мадрасада моддий аҳволи ёмон бўлганлиги сабабли Айний қози Шарифжон Махдум (адабиётда Садри Зиё тахаллуси билан машхур) ҳовлисида хизмат қилиб юрди. Хизмати оғир бўлишига қарамай, Айний Абдулмажид Зуфнун, Яхёхўжа, Содикхўжа Гулшаний каби шоирларнинг у ерда ҳафтада 3-4 марта бўлиб турадиган илмий ва адабий мажлисларида доимо қатнашар эди. Бу мажлисларга бир томондан, амир амалдорларининг ёмонлиги, ўша замон катталарининг ноҳўя ҳаракатлари тўғрисида гапирилса, иккинчи томондан, у замоннинг Шоҳин, Дониш каби машхур олимлари ва ёзувчилари тўғрисида гап кетар эди. Бу суҳбатлар Айний қарашларига таъсирсиз қолмади.

¹С.Айний. Эсдаликлар. –Т. “Ўзбекистон” нашриёти, 1965. 180-бет.

С.Айний Аҳмад Махдум Донишнинг “Номус-ал-аъзам”, “Мунтахаб-ал-ахком”, “Наводир-ул-вақое” каби асарларини ўқиб чиқади ва қаттиқ таъсирланади.

“Наводир-ул-вақое”нинг менга таъсир қилган жойлари шу эдики,-деб ёзади Айний,- мен у ходисаларни ўз турмушимда кўриб сиқилар эдим. Лекин ҳеч вақт уни ислоҳ қилиш ва у аҳволларнинг ислоҳ бўлиши эсимга, келмас эди ва гумон қилар эдимки, “дунё шундай бўлган, шундай бор ва шундай бораверади, нима қилмоқ керак? Лекин бу ёмон аҳволларни “Наводир-ул-вақое” мундарижасида ўз турмушимда кўрганларимнинг реал тавсирини ўқиб, менда бошқа ҳолат юз берди. Мен кўнглимда айтдим: “Бу аҳволни ислоҳ қилиш керак, модомики, мен ислоҳ қила олмас эканман, ундан нафратланишим керак”¹.

Бу ерда шуни ҳам айтиш керакки, Донишнинг зикр қилинган асарларида ХХ аср бошларида Бухородаги тараққийпарвар ёш авлоднинг эски мактаб ва мадраса таълими усулини ўргартириш тўғрисидаги илғор маърифатпарварлик ғояларининг ва педагогик фикрларнинг пайдо бўлиши ва ўсишига катта таъсир кўрсатди.

Ўлкадаги илғор кишилар халқ ҳаётини яхшилаш, саводсизликка қарши кураш, эски мактабларни ислоҳ қилиш, янги мактаблар очиш, халқ маърифатини кўтариш иши учун киришдилар. Шуни қайд қилиш керакки, асримизнинг бошларида Туркистонда пайдо бўлган педагогик фикрларда биз асосан уч оқимни кўраемиз:

1.Ўрта аср феодал клерикал оқим. Бу оқимнинг асосий вакиллари реакцион руҳонийлар бўлиб, улар ҳукмрон эди.

2. Туркистонда пайдо бўлиб келаётган миллий буржуазия оқими. Бу оқимнинг вакиллари жадидлар бўлиб, улар қолоқ феодал тузумнинг айрим томонларини тақдид қиладилар ва хусусан феодал-клерикал мактабларни ислоҳ қилиш, “усули жадид” мактаблари очиш фикрини илгари сурдилар.

3.Халқ манфаатини ўзида акс эттирган прогрессив демократик оқим. Демократик педагогика ўрта аср мактаби ва тарбия системасини рад қилади ва жадидизм педагогикасига қарама-қарши ўлароқ янги, илғор халқ мактаби ва тарбия системасига асосланади. Бу оқимнинг йирик вакилларидан бири Бухорода Садриддин Айний эди.

С.Айний янги типдаги мактаб очишга интилди. Лекин унда таълим қоидалари ва методлари тўғрисида етарли даражада маълумот йўқ эди: “Таълим усули жуда бузуқ эди, ҳаммамиз усул ва қоидадан хабарсизлигимиз учун қийналар эдик”².

ХХ асрнинг бошларида Бухорода яшовчи татарлар ўз болалари учун янги мактаблар очиб, Бухородаги айрим тожик болаларни ҳам ўқишга қабул қилдилар. Тожик болалар учун татар тилида дарс ўқиш жуда қийин эди, албатта. С.Айний бу мактабни бориб кўриб ва тожик болаларнинг

¹ С.Айний. Ёддоштҳо. 4-китоб. 215-216-бетлар

² С.Айний. “Бухоро инқилоби тарихи учун материаллар”. -М.: 1927, 31-бет

қийналаётганлигини кўриб, татарча дарсларни татар ўқитувчисининг розилиги билан тожик тилига таржима қилиб, ўқувчиларга тушунтирарди.

1905 йил революциясидан кейин ташкил этилган “Бухоройи шариф биродарлиги” жамиятининг топшириғи билан С.Айний Самарқандга келиб, абдуқодир Шакурый янги миллий мактабининг таълим-тарбия ишлари билан танишди. Ана шу маълумотлар ва тажрибалар асосида С.Айний ўзининг дўсти Мирзо Абдулвоҳид Мунзим билан унинг ҳовлисида янги типдаги тожик мактаби очади. Улар мактабни моддий жиҳатдан таъминлаш учун ўзига тўқроқ оилалардан уч сўмдан ўқиш хақи олиб, камбағал болаларни бепул ўқитдилар.

Айний ва Мирзо Абдулвоҳид Мунзим ўша мактаб учун бир алифбе тузадилар (бу алифбе ҳозирча топилмаган).

1909 йилнинг кузида С.Айнийнинг мактабида ўтказилган имтиҳон яхши натижа берди, реакцияон муллалар бу ютуқдан хавфсираб иғво кўтариб, мактабни ёптирдилар.

“Муллалар ва амир одамлари шу билан чегараланмасдан тўдалашиб келиб Мирзо Абдулвоҳидни уриб ўлдирмоқчи бўлдилар”¹-деб ёзади С.Айний. Бир қанча вақт Мирзо Абдулвоҳид ва Айний яшириниб юрдилар. Бундай юриш жонига теккан С.Айний Бухоро аъламининг олдига бориб, янги мактабнинг аҳамиятини ва эски мактабдан афзаллигини исботламоқчи бўлди.

Аълам С.Айнийга қуйидаги жавобни берди:

“Кишиларнинг болалари саводли бўлса нимаю, саводсиз қолса нима? Ўзинг саводлисан, илминг бор, қози бўл, раис бўл. Агар яшашни хоҳласанг, бу ишларнинг кетидан юрма”².

Лекин С.Айний ва унинг сафдошлари ўз мақсадлари йўлидан қайтмадилар. 1910 йил охирларида бир махфий жамият туздилар ва унинг отини “Тарбия атфол” (Болалар тарбияси) қўйдилар. Ҳаммаси бўлиб 20 та аъзоси бўлган бу жамият ўз олдига қуйидагиларни вазифа қилиб қўйган эди:

1.Кенг аҳоли оммаси орасида маориф ва турли хил адабиётлар тарқатиш.

2.Исрофгарчилик ва бошқа барча ножўя урф-одатларга қарши кураш

3.Ҳукуматга қарши ташвиқот қилиш.

Бу жамият янги махфий мактаблар очар ва болаларни ўқитиб, саводли бўлганларини Оренбург, Қозон, Уфа, Қримга ўқишга юборар эди. Жамият ва унинг аъзоларининг савияси тўғрисида С.Айний бундай деб ёзади: “Фақат афсуски, жамият сиёсий маълумот руҳида тарбияланмаган эди ва Россия ишчилар ҳаракатидан хабарсиз эди”³.

¹ С.Айний. Мухтасари таржимаи ҳоли худам. 66-бет.

² Ўша китоб, 67-бет

³ С.Айний. Мухтасари таржимаи ҳоли худам. 68-бет

Жамият “Бухоройи шариф” ва кейинча ўзбек тилида “Турон” газеталарини чиқаришга муваффақ бўлди. Лекин кўп ўтмай, бу газеталар Бухоро амирининг фармони билан чиқмасдан қолади.

Биринчи жаҳон уруши йилларида Бухорода янги усул мактабларининг сони анча кўпайди. Бундан хабардор бўлган Қушбеги мактаб ўқувчиларини чақириб, мактабини ёпишни буюради, янги усул мактаб ўқувчиларини амир ва подшо ҳукуматининг маъмурлари таъқиб остига олади. Айний Бухородан вақтинча кетиб Қизилтепада ишлади.

Бухоро амири Айнийни илғор кишилар муҳитидан ажратиб, ўз манфаатларига хизмат қилдириш мақсадида “Хиёбон” мадрасасида мударрислик вазифасига тайинлади.

Эски таълим усулининг бузуқлиги ва Бухоро мадрасаларидаги тартибсизликларни билган ҳамда амирга хизмат қилишни хохламаган С.Айний кўп ўтмасдан, бу ишни тарк қилди ва ўз ижоди билан шуғулланди.

Ёш бухороликлар жамияти “Тарбияи атфол”нинг ҳамма аъзолари бир хил фикрда эмас эдилар. Ижтимоий, сиёсий ва маданий масалаларга уларнинг қарашлари турлича эди. С.Айний жамият фаолиятини халқ манфаатига қаратмоқчи бўлди, бошқалар эса бу фикрга қарши чиқдилар. Бу тўғрида Айний бундай ёзади: “Февраль революцияси эълон қилингандан кейин жамиятимиз уч марта йиғилди. Бу уч йиғилиш ҳам жанжал билан ўтди. Мен таклиф қилдимки, жамият махфий ҳолатда турсин, лекин ҳозирги талабга мувофиқ программа тузиб, аъзоларнинг сонини кўпайтириш керак. Жамият аъзолари очиқ ва ярим очиқ ҳаракатларга қатнашаверсинлар. Лекин йўл-йўриқларни жамиятдан олсинлар... мен деҳқонлар орасида ташвиқот ўтказиш масалаларини улар олдига қўйдим ва “Модомики, ислохотнинг бир қисми ер солиғининг ислохоти экан, бу тўғрида деҳқонларни тайёрлаш керак”¹,-дедим. Лекин жамиятнинг кўпчилик аъзолари Айнийнинг бу фикрига қарши чиқдилар ва “Модомики, Россияда революция бўлди, энди махфий жамиятнинг кераги йўқ. Жамиятимизга барҳам бериб, ўқиб келганлар (жадид Фитрат ва Усмонхўжа Туркияда ўқиб келиб, Бухорода пантуркистик ғояларни ташвиқот қилар эдилар) изидан борамиз”²-дедилар. С.Айний таклифига уч киши- укаси Сирожиддин, Ҳомидхўжа Мехрий (булар 1918 йилда Бухоро амири томонидан ўлдирилди), шоир Мирза Назрулло Лутфий қўшиладилар (Лутфий, С.Айний билан қамоққа олиниб, 75 дарра урилгандан кейин ўлди).

АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ

1. Boltayev, Bobir Baxtiyorovich. "BUXOROLIK MINIATURACHILASSOM SADRIDDIN POCHCHAYEV IJODIGA BIR NAZAR." *Scientific progress* 1.6 (2021): 998-1004.

¹ С.Айний. Мухтасари таржимаи холи худам, 66-бет.

² Ўша китоб, 66-67-бетлар

2. Rajabov, Oybek Iskandarovich. "BUXORODAGI AYRIM MUQADDAS QADAMJO-QAL'ALAR XUSUSIDA." *Scientific progress* 1.6 (2021): 1162-1168.
3. Умаров, Б. Б. "НА КИСЛЯКОВ ТАДҚИҚОТЛАРИДА ЖАНУБИЙ ТОЖИКИСТОН ЭТНИК ТАРИХИ." *Scientific progress* 1.6 (2021): 1005-1009.
4. Тўраева, Г. Б., Ўтаева, Ф. Х., & Жумаева, Н. А. (2021). ОА СУХАРЕВА ТАДҚИҚОТЛАРИДА БУХОРО ТАРИХИ ВА ЭТНОГРАФИЯСИНИНГ ЎРГАНИЛИШИ. *Scientific progress*, 1(6), 1010-1018.
5. Bakhtiyorovich, Boltaev Bobir. "Excerpts from the life of the bukharian artist." *Middle European Scientific Bulletin* 12 (2021): 160-165.
6. Ochilov, A. T. "DATING OF THE ZAMANBABA CULTURE: ASSED ON ARCHAEOLOGICAL SOURCES." *Theoretical & Applied Science* 12 (2019): 589-591.
7. Mubinov, M. A. "Diplomacy of the eastern states and central asian khanates in the struggle for independence." *CENTRAL ASIAN JOURNAL OF SOCIAL SCIENCES AND HISTORY* 2.5 (2021): 26-31.
8. Maksud, Beshimov. "Markets of Bukhara." *CENTRAL ASIAN JOURNAL OF SOCIAL SCIENCES AND HISTORY* 2.5 (2021): 18-21.
9. Sharopov, Dilshod Ravshan O'G'Li. "ABDURAZZOQ SAMARQANDIYNING "MATLAI SA'DAYN VA MAJMAI VAHRAYN" ASARINING O'RGANILISH TARIXI." *Scientific progress* 2.1 (2021): 358-361.
10. Очилов, Алишер Тўлис Ўғли. "БУХОРО ВОҲАСИ ШАКЛЛАНИШИДА ЗАРАФШОН ДАРЁСИНИНГ ЎРНИ ВА ВОҲА ТАРИХИЙ ГЕОГРАФИЯСИГА ДОИР АЙРИМ МУЛОҲАЗАЛАР." *Scientific progress* 1.6 (2021): 933-938 Murodova, Dilrabo Shomurodovna, and Feruza Xolmamatovna O'tayeva. "TF Gelax tadqiqotlarida Buxoro shahri mudofaa tizimining organilishi." *The Fifth International Conference on History and Political Sciences*. 2015.
11. Turaevich, Halimov Talat. "From the history of economic relations between central asia and india (XV-XVII centuries)." *CENTRAL ASIAN JOURNAL OF SOCIAL SCIENCES AND HISTORY* 2.5 (2021): 22-25.
12. OCHILOV, Alisher. "JEWELRYC TRADITION IS A SOURCE OF STUDY OF BUKHARA HISTORY." *Bayterek Uluslararası Akademik Araştırmalar Dergisi* 1.1: 105-116.
13. Бобожонова, Феруза Хаятовна. "БУХОРО МАДРАСАЛАРИ МАЪНАВИЯТ ДУРДОНАСИ." *Scientific progress* 2.1 (2021): 362-366.
14. Муродова, Дилрабо Шомуродовна. "ИККИНЧИ ЖАҲОН УРУШИ ЙИЛЛАРИДА БУХОРОДА ИЛМ ВА ФАН (БУХОРО ПЕДАГОГИКА ИНСТИТУТИ МИСОЛИДА)." *Scientific progress* 2.1 (2021): 660-664.

15. Ochilov Alisher. "The Role of Zamanbaba Culture in The Social and Economic History of Bukhara Oasis During Bronze Age." *CENTRAL ASIAN JOURNAL OF SOCIAL SCIENCES AND HISTORY* 2.4 (2021): 42-47.

16. JAMOLOVA, DILNOZA MUYIDDINOVNA. "THE END OF THE EMIRATE OF BUKHARA: THE END OF THE POLITICAL STRUGGLE BETWEEN THE JADIDS AND THE ULEMA." *International Journal of Philosophical Studies and Social Sciences* 1.1 (2021).

17. Jamolova, D. M. "Traveling to Modernity: Perception of Modernity of the Central Asian Muslims in the early 20th century." *International Journal of Psychosocial Rehabilitation* 9.24 (2020): 4202-4207.

18. Темиров Ф., Исломов Д. САДРИДДИН АЙНИЙ–ЗАМОНДОШИ ФИТРАТ ҲАҚИДА //Scientific progress. – 2021. – Т. 2. – №. 1. – С. 1349-1354.

19. Темиров Ф., Халикова Н. БУХОРО АМИРЛИГИДА ТАШҚИ СИЁСАТ ВА ДИПЛОМАТИЯНИНГ РИВОЖЛАНИШИ ТАРИХИДАН //Scientific progress. – 2021. – Т. 2. – №. 1. – С. 1276-1282.

20. Темиров Ф., Умаров Б. БУХОРО АМИРЛИҚДА ОИЛА, НИКОҲ ВА МЕРОС ҲУҚУҚИНИНГ АМАЛДА ҚЎЛЛАНИШИ //Scientific progress. – 2021. – Т. 2. – №. 1. – С. 1201-1207.

БУХОРО ВОҲАСИНИНГ ИБТИДОЙ ТАРИХИНИ ЎРГАНИЛИШИДА ЯҲЁ ҒУЛОМОВНИНГ РОЛИ

*Мирсоатова Сайёра Тургуновна-
ФарДУ Жаҳон тарихи кафедраси доценти, т.ф.н.,
Масобирова Химоят Комиловна-
ФарДУ магистранти*

XX асрнинг 50-60 йилларида Бухоро воҳасининг ғарбида, Зарафшон дарёсининг этакларида дастлабки археологик қидирув ишлари олиб борилди. Унга ўзбек археологияси отаси Яҳё Ғуломович Ғуломов бошчилик қилади. Экспедиция томонидан ҳудудда неолит ва бронза даври жамоаларининг манзилгоҳлари топилади¹ ва кейинчалик айнан шу манзилгоҳларда қазилмалар олиб борилиши натижасида тарихимизда кўплаб янгиликлар қилинади². Мохандарё экспедициясининг Қуйи Зарафшон воҳасида олиб борилган археологик ишлари натижасида бу ҳудудда биринчи марта неолит даври овчи ва балиқчиларининг илк деҳқон ва дастлабки чорвадор жамоаларига айланиш жараёни кузатилди.

Я.Ғ.Ғуломов экспедиция ишини шогирди А.Мухаммаджонов билан Бухоро воҳаси суғориш тизимини ўрганиш ишларидан бошлайдилар.

¹ Гулямов Я.Г. Археологические работы к западу от Бухарского оазиса. – ТИИА АН УзССР на территории Ферганы. – Вып. 2. Ташкент.: 1956.

² Гулямов Я.Г., Исламов У.И., Аскарлов А.А. Первобытная культура в низовьях Зарафшана. Ташкент.: 1966.

Натижада, А.Муҳаммаджоновнинг Бухоро воҳаси суғориш тизимларини пайдо бўлишидан бошлаб XX аср бошларигача бўлган даврдаги ирригация иншоотларининг таракқиётини кўрсата олган асари нашр этилади¹.

Экспедициянинг махсус отряди томонидан Зарафшоннинг қуйи оқимида мил.авв. IV–II минг йилликларга оид 60 дан ортиқ неолит ва бронза даврига оид манзилгоҳлар топилди ва тадқиқ қилинади.

Яҳё Ғуломов Қорақўл туманининг Яккатут қишлоғи яқинида ўтмишда Зарафшон дарёсидан ажралиб чиқиб Амударёга оққан Мохандарё, Гурдуш ва Гужайли каби қуриб қолган қадимги ўзанлари ёқалаб илмий тадқиқотлар олиб боради². Олим 1956 йилда чоп этилган мақолада “Бухоро воҳасининг шимоли-ғарб қисми археологик жиҳатдан ибтидоий жамоа даврига оид ёдгорликларга бой истиқболли археологик қўриқхона экан”лигини хулоса қилади³.

Узоқ вақт давом этган бу экспедициянинг самараси ўлароқ, 1966 йилда Яҳё Ғуломов, Аҳмадали Асқаров ва Ўткир Исломов билан ҳаммуаллифликда “Ибтидоий маданият ва Зарафшон этакларида суғориладиган деҳқончиликнинг вужудга келиши” номли йирик фундаментал асарни нашрдан чиқардилар⁴.

Тадқиқотлар натижасида Катта ва Кичик Тузкон кўллари атрофидан милoddан аввалги V–III минг йилликларда яшаган қадимги овчи ва балиқчиларнинг манзилгоҳлари топилиб тадқиқ этилди. Катта Тузконда топилган Дарвозақир I ва Дарвозақир II манзилгоҳлари неолит даври қабилалари маданияти соҳибларига тегишли бўлган деган хулосага келинди⁵.

Археолог олима Д.Жўрақулованинг фикрига кўра, Дарвозақир манзилгоҳидан чайла қолдиғининг топилиши Зарафшон қуйи ҳавзаларида неолит даврида истиқомат қилган ибтидоий аجدодлар маданияти, ижтимоий-иқтисодий ҳаёти ва уларнинг кундалик турмуш тарзини ўрганишда муҳим аҳамиятга эга ноёб ҳодиса саналади⁶.

Қуйи Зарафшондан топилган манзилгоҳларни ўрганиш Ў.Исломовни қуйидаги умумлаштирувчи – Калтаминор маданияти Каспий бўйи мезолити асосида вужудга келганлиги (IV минг йилликнинг охири – III минг йиллик ўрталари); Тузкон қабилалари овчилик ва балиқчилик билан

¹ Муҳаммаджонов А.Р. Қуйи Зарафшон водийсининг суғориш тарихи. Тошкент.: 1972; Ўша муаллиф. История орошения Бухарского оазиса (с древнейших времен до начала XX в.).

²Муҳаммаджонов А. Яҳё Ғуломовни хотирлаб. –Тошкент.: Шарқ, 2008. –Б.33-34.

³Гулямов Я.Г. Археологические работы к северу от Бухарского Оазиса // ТИИА Уз ССР. Вып.8. 1956.–с.149-161.

⁴ Гулямов Я., Исламов У., Асқаров А. Первобытная культура и возникновение орошаемого земледелия в низовьях Зарафшана. –Ташкент.:Фан, 1966.

⁵Гулямов Я., Исламов У., Асқаров А. Первобытная культура в низовьях Зарафшана. –Ташкент.: Фан, 1966. –С.19.

⁶ Джуракулова Д.М.Зарафшон водийсининг тош ва бронза даври қабилалари маданияти // т.ф.н. илмий даражасини олиш учун ёзилган диссертация. – Самарқанд. 2009. –Б.42.

шуғулланиб, қадимги Хоразм, Жанубий Туркменистон ва Орол денгизи орқали жанубий Урал билан доимий маданий алоқада бўлганликлари ва Ўзбекистонда илк деҳқончилик билан шуғулланган Замонбобо маданиятига мансуб қабилалар Калтаминор маданиятини давомчилари бўлганлар деган хулосага келишига сабаб бўлди¹. Замонбобо маданиятининг шаклланишида жанубдаги Сополли маданиятининг таъсири анча катта бўлганлигини археологлар кўп такрорлайдилар. Шу билан бирга бу маданиятнинг шаклланишида биров қадимгироқ Калтаминор маданиятининг овчи ва балиқчилари ҳамда ривожланган Саразм деҳқончилик маданиятларининг таъсири ҳам бўлганлигини алоҳида таъкидлашимиз керак бўлади.

Замонбобо кўли атрофлари тадқиқ этилиши натижасида, худуддан бронза даврига оид қадимги қабристон қолдиқлари топиб ўрганилди. Бу қабристон милoddан аввалги II минг йиллик ўрталарида деҳқончилик ва чорвачилик билан кун кечирган ибтидоий қишлоқ аҳолисининг қабристони бўлган.

1950 йилнинг баҳорида Зарафшон куйи ҳавзаларида, Бухоро воҳасидан шимоли ғарбда, қуриб бораётган Замонбобо кўлининг шимолий соҳилидан топилди ва ўрганилди. Ушбу объект энеолит даврининг охири ва бронза даврида истиқомат қилган дашт қабилалари маданиятини ўрганиш учун таянч объект бўлди. Ёдгорлик мотиға деҳқончилиги ва хонаки чорвачилик хўжалиги билан параллел шуғулланиб келган дашт қабилалари маданиятини таҳлил этишда асосий манба бўлди².

Замонбобо қабристони ташқи белгиларга эға эмас, ёки улар бизгача яхши сақланмаган. Шунинг учун Я.Ғуломов кундаликларида ёзилишича, кўлнинг шимолий соҳилидаги бузилмаган тақир майдони квадратларга бўлиниб, ҳар бир квадрат майдони аста-секин 20 см чуқурликда қазила бошланган. Ҳар 20 см.дан сўнг қазилма майдони текис тозаланиб, қабр излари қидирилган. Мана шу услубда олиб борилган қазилмалар жараёнида шамол ва ёғингарчиликлар таъсирида бузилиб кетмаган қабрлар бирин-кетин топила бошланган. 1950-1953 йиллар оралиғида 41 қабр очилган. 1961 ва 1964 йилларда Замонбобода янги қабрлар қидириш ишлари А.Асқаров томонидан давом эттирилиб, яна 5 та қабр очилади. Шундай қилиб, Замонбобо қабристонида ҳаммаси бўлиб 46 та қабр очиб ўрганилган. Ёдгорликни ўрганиш жараёнида маълум бўлдики, кўпчилик қабрлар бузилган, одам суюклари тартибсиз сочилиб ётарди. Фақат уч ҳолатда (№ 1, 27, 36 қабрлар) скелетлар ўз жойида бўлган. Кузатувларга

¹ Гулямов Я.Г., Исламов У., Асқаров А. Первобытная культура в низовьях Зарафшана. – Ташкент.: 1966. –С.43.

² Гулямов Я.Г. Археологические работы к северу от Бухарского Оазиса // ТИИА Уз ССР. Вып.8. 1956.–с.149-161; Кузьмина Е.Е. Могильник Заманбаба // СЭ. 1958. №2; Асқаров А. Культура Заманбаба в низовьях Зарафшана// ОНУ. 1962. №11; Его же, Поселение Заманбаба // КСИА, 1963. вып.93; Гулямов Я.Г., Исламов У., Асқаров А. Первобытная культура в низовьях Зарафшана. –Ташкент.: 1966. -С.118-186.

кўра, скелетлар бола она қорнида ётганидек, ғужанак ҳолатда, оёқ-қўллари букланган ҳолда, ён биқини билан кўмилган. Скелетларнинг боши шарқ, шимоли-шарқ, баъзан шимоли-ғарбга қаратилган. Қабрларга асосан бир киши кўмилган, икки кишилик, баъзан қайта кўмилганлари ҳам учрайди. Ҳар бир қабрда, асосан скелетнинг бош томонига бир-иккитадан идишлар учрайди. Икки ҳолатда идишлар ўзга этник характерга, яъни жанубий минтақаларнинг қадимги деҳқончилик маданияти қабилаларига тегишли. Эркак кишилар қабридан чақмоқтошдан ясалган япроқсимон пайконлар, аёллар қабрларида эса албатта сариқ ёки қизил охра, сурма, мел ва митти куракчалар учрайди. Бир аёл қабридан терракота маъбуда топилган. Баъзи қабрларда куйган ёғоч кўмири учрайди. Аёл қабрларида, албатта, ранг-баранг қимматбаҳо тошлардан ясалган мунчоқлар, кели тошлар, урчуқтошлар, қорайиб кўмир қиёфасига кирган бошоқли ўсимлик донлари, мис ойна, ярим ойсимон мис пичоқ ва ҳайвон суяклар учрайди.

Яхё Ғуломовнинг аниқлашича, Замонбобо қабристонини худудий жиҳатдан иккита тепаликда жойлашган. Уларни ўрнига қараб шарқий ва ғарбий секторларга бўлинган. Дастлаб, шарқий сектор қабрлари ғарбийсининг қабрларига нисбатан қадимийроқ деб тушинилди. Дастлаб, қабрларнинг тузилишига кўра шарқий сектор ёрма гўрлардан, ғарбий сектор эса айвонли лаҳадлардан иборат деб тушунилган¹. Аммо қабрларнинг кейинги пухта илмий таҳлили ҳар иккала сектор ҳам бир хил – айвонли лаҳадлардан иборат эканлиги аниқланган. Бу англашилмовчиликда кўпчилик қабрларнинг айвончалари уларнинг чуқур қазилган лаҳадларига нисбатан саёз бўлгани учун, айвончаларни шамол учириб кетганлиги аниқланди. Айвончалари чуқурроқ қазилган қабрларда эса қабрнинг лаҳад қисми қатори айвончалар ҳам сақланган.

Хронологик жиҳатдан қадимийроқ деб ҳисобланган қабрларда қорамтир, шакли тухумсимон, туби думалоқ кўзалар, ости думалоқ ярим сфера шаклидаги қўлда ясалган косалар ва чақмоқтошдан ишланган япроқсимон пайконлар ҳамда импорт идишлар учраса, давр жиҳатидан ёшроқ ҳисобланган қабрларда қизғиш рангли, ости текис гул коса, кўзача, коса, қушдонлар (кормушка) учрайди.

Замонбобо кўли худудида шу маданиятга тегишли 2 та манзилгоҳ топиб ўрганилган. Биринчи манзилгоҳ Замонбобо кўли яқинида, Гужайли (Гурдуш) ўзани соҳилида. У икки томондан қирлар билан, сой ўзани томони эса марзага айланган девор билан ўраб олинган. Умумий майдони 0,10 га. Унинг марказий қисмида олиб борилган археологик қазилмалар жараёнида овал шаклида битта ярим ертўла, 2 та чайла, икки камерали сопол пишириш хумдони ва бир неча жойдан хўжалик ўралари топилган.

Ўрганилган ертўла овал шаклида, тақирга 1 метрлар чамаси ўйиб тушилган, узунаси шимоли -шарқдан жануби -ғарбга қаратилган.

¹ ГулямовЯ.Г. Археологические работы.... –С.155; ЛатынинБ.А. О южных границах ойкумены степных культур эпохи бронзы // СА. 1958. №3.-С.50-51.

Ертўланинг узунлиги 23,5 м кенлиги 9 м дан кўпроқ, чуқурлиги 1 м.га яқин. Бу ертўланинг майдони яқин 170 кв. м. Қатор ўчоқлар, хўжалик ўралари ва маданий қатлам ертўла айланаси бўйлаб, унинг девори остида жамланган. Ертўла девор ости бўйлаб, унинг қоқ ўртасида, бир тартибда чуқурчалар бўлиб, улар ертўла томининг тиргак-устунлари бўлганлигидан далолат берувчи чуқурчалар эди. Ертўла ичида тўпланган маданий қатлам уч горизонтдан иборат бўлиб, уларнинг энг пастки горизонти археологик материалларга бой эди. Ертўла, умуман, манзилгоҳ майдонидан катта миқдорда сопол парчалари, терракота урчуктошлар, антропоморф шакллар, чакмоқтошдан ясалган турли хил меҳнат ва ов қуроллари, тошмунчоқлар, ёрғучоқ ва тош келисоплар, суяк бигиз, мис куракча бўлаклари ва катта миқдорда уй ҳайвонларининг суяклари топилган.

Иккинчи Замонбобо манзилгоҳи кўлдан тахминан 6-7 км ғарбда, Гужайли сойи соҳилидан топилган. Манзилгоҳ майдонидан териб олинган майда сопол парчалари эса ҳар томонлама Замонбобо қабристонини ва I манзилгоҳ материаллари билан ўхшаш.

Я.Ғуломов ва шогирдлари томонидан 1950-1953 йилларда қазилган Замонбобо қабристонини ўрганиш кейинги даврда А.Асқаров томонидан давом эттирилиб¹, унинг ёши, қабр тузилиши, хронологияси, одамларининг урф-одатлари ва этнографик қиёфасига доир қатор жиҳатларини аниқликлар киритилди. Замонбоболиклар қишлоғининг топилиши ва уларнинг турмуш тарзи, хўжалиги, урф-одати, бошқа қабилалар билан иқтисодий ва этномаданий алоқалари тадқиқ этилди².

Хулоса ўрнида шуни айтиш мумкинки, Я.Ғуломов бошчилигидаги экспедициянинг ишлари натижасида Бухорода биринчидан, Зарафшон дарёсининг қуйи этакларидаги тош ва бронза даври қабилаларининг яшаш тарзи, тараққиёт босқичлари ўрганилди. Иккинчидан, Ўзбекистон археологиясини ривожланиш ўша давр босқичига назар ташлайдиган бўлсак, ҳали археологик обидани қазиб усуллари етарли мукаммаллашмаган, айниқса археологик артефактларнинг таҳлили эндигина шаклланаётган бир пайтда Бухорода ташкил этилган Қуйи Зарафшон воҳаси археологик экспедициянинг иши муҳим амалий-услубий ишлардан бирига айланди.

Шу ўринда айтиш жоизки, Бухоронинг археологик қазилмалар ўтказилган турар жой маконлари туристлар келиб кўрадиган “қўриқхона”га айлантирилиши ва бу объектлар келажакда Ўзбекистоннинг бой тарихи ва маданиятини бутун дунёга тарғиб қиладиган маданий масканлар сифатида шакллантирилиши мақсадга мувофиқ бўлади.

¹Асқаров А. Культура Заманбаба в низовьях Зарафшана// ОНУ, 1962. №11.

²Қаюмов А. Академик Аҳмадали Асқаров. -Тошкент.: Фан, 2003. –Б.27.

**“САҲИХУЛ БУХОРИЙ”НИНГРОВИЙЛАРИДАНБИРИ
АБУ ИСҲОҚ ИБРОҲИМ ИБН МАЪҚИЛ НАСАФИЙНИНГ
ҲАЁТИ ВА ИЛМИЙ ФАОЛИЯТИ**

*Шоназаров Абдувоси Абдибоқиевич-
Имом Бухорий халқаро илмий-тадқиқот
маркази илмий ходими*

Имом Бухорий раҳимахуллоҳ (810-870 й.) “Саҳиҳул Бухорий” китобини ёзиб бўлиб, уни одамларга етказиш учун кўп дарс ташкил қилган. Ушбу дарсларда у кишининг атрофида “Саҳиҳул Бухорий”ни эшитишга муштоқ бўлган ва ривоят қилишга катта қизиқиш билан қарайдиган кўп одамлар тўпланган. Аҳли илмлар ўзларининг китобларини етказишда жорий қилган одатларига мувофиқ Имом Бухорий ҳам ўзининг “Саҳиҳул Бухорий” китобини айтиб ёздириш учун бир неча жойда дарс ҳалқалари ташкил қилган.

“Саҳиҳул Бухорий”ни Имом Бухорийнинг ўзидан эшитган бу жамоани ичидан китобни бошқалардан кўра кўпроқ эшитган ровийлар тоифаси машҳур бўлган. Улар китобнинг рўйхати ва ривоятини мукаммал ўрганган. Ўзларидан кейинги ҳадис ва хабарларни ривоят қилувчи кишиларга бу китобни етказган. Улар ҳам китобнинг ривоят ва хабарларини ўзларидан кейингиларга етказган. Натижада дунёда китобнинг қадри баланд бўлган ва шаҳарларда номи тарқалган.

Имом Бухорий ўзининг “Саҳиҳул Бухорий” китобидан дарс берадиган мажлисларда ривоятларни тўғрилаш, эшитган нарсаларини ёзиб олиш ва лафзларни тузатиш учун ҳимматларини сарфлайдиган ровийлар тўпланган. Абу Абдуллоҳ Фирабрий: “Имом Бухорийнинг “Саҳиҳул Бухорий” китобини муаллифни ўзидан мен билан бирга тўқсон мингга яқин киши эшитган”, деб айтади¹.

Бу катта жамоанинг ичидан дастлабки ровийлар табақаси машҳур бўлган. Одамлар ушбу ровийлардан “Саҳиҳул Бухорий”ни эшитган ва қабул қилиб олган. Мана шу табақадаги ровийлар “Саҳиҳул Бухорий”ни Имом Бухорийнинг ўзидан эшитиб ривоят қилган кишилар ҳисобланади.

Тарих бизлар учун Имом Бухорийнинг шогирдлари орасидан бугунги кунимизгача исмлари ва нусхалари машҳур бўлганларини сақлаб қўйган. Улар: Иброҳим ибн Маъқил Насафий, Ҳаммод ибн Шоқир Насафий, Абу Абдуллоҳ Муҳаммад ибн Юсуф Фирабрий, Абу Талҳа Мансур ибн Муҳаммад Паздавий ва Абу Абдуллоҳ Маҳомилийдир.

Ушбу табақадаги машҳур ровийлардан бири Насафнинг қозиси Абу Исҳоқ Иброҳим ибн Маъқил ибн Ҳажжож ибн Хаддош ибн Худайж Насафийдир. Унинг таржимаи ҳолини ёзганлардан бирортаси туғилган йилини келтирмаган. Барча манбаларда вафот этган йили кўрсатилган.

¹ Исмоил ибн Умар ибн Касир. Ал-Бидоя ван ниҳоя: 15 жилдди. Устозлар жамоасининг таҳқиқи. – Байрут: Дорул кутубил илмия, 1407/1987. Ж: 11. Б: 28.

Уламолар унинг Абу Исҳоқ деб куняланганига иттифоқ бўлган. Лекин таржимаи ҳоли баён этилган манбаларнинг бирортасида унинг Исҳоқ исмли ўғли борлиги ҳақида маълумот келмаган. Саид исмли ўғли борлиги ва отасидан ҳадис ривоят қилгани маълум.

Уламолар Иброҳим ибн Маъқил Насафийнинг жуда кўп шаҳарларга сафар қилганини ва бир нечта китоблар ёзганини таъкидлаган. Имом Заҳабий “Сияру аъламин нубало” асарида: “У жуда кўп сафар қилган”, деган¹. У киши сафари давомида ўз даврининг улуғ олимлари ва талабалари билан учрашган ҳамда улардан дарс олган. Аллома фикҳ илмига жуда катта эътибор бергани учун фақиҳ деб номланган. У киши бир нечта фанларни мукамал эгаллаган эди. Турли соҳаларда ёзилган китоблари илмининг кенглиги ва даражасининг улуғлигига далолат қилади. Абу Исҳоқ Иброҳим ибн Маъқил Насафий Хуросон, Ироқ, Шом, Миср, Ҳижоз ва бошқа шаҳарларга сафар қилган ҳамда у ердаги забардаст муҳаддислардан ҳадис эшитган.

У кишининг устозлари: Қутайба ибн Саид, Ҳишом ибн Аммор Димашқий, Ҳармала ибн Яҳё Мисрий ва уларнинг табақасидаги ровийлар. У киши “Саҳихул Бухорий”ни Имом Бухорийнинг ўзидан таълим олган. Лекин, китобнинг охиридан ижоза билан ривоят қилган қисми йўқолиб қолган. Абу Фазл Солих ибн Муҳаммад ибн Шазон Исбаҳоний Абу Исҳоқ Иброҳим ибн Маъқил Насафийдан бундай ривоят қилади: “Албатта, Имом Бухорий тўпламнинг охирида менга Ҳукмлар китобининг аввалидан китобнинг охиригача ижоза берган эди”.

Иброҳим ибн Маъқил Насафийнинг ривояти ривоятларнинг энг ноқисроғидир. Албатта, у кишининг ривояти Абу Абдуллоҳ Фирабрийнинг ривоятидан уч юзта ҳадис камдир.

Имом Хаттобий ўзининг “Саҳихул Бухорий”га ёзилган “Аъламул ҳадис” номли шарҳида: “Мен китобнинг кўпроқ қисмини Холф ибн Муҳаммад Хиёмдан, у Имом Бухорийнинг ўзидан “Саҳихул Бухорий”ни эшитган машҳур шогирди Иброҳим ибн Маъқил Насафийдан Имом Фирабрийнинг йўлидан бошқа йўл билан эшитдим”, деган. Демак, Имом Хаттобий “Саҳихул Бухорий”ни Иброҳим ибн Маъқил Насафийнинг йўли орқали ривоят қилган ровийлардан бири ҳисобланади.

Иброҳим ибн Маъқил Насафийдан ўз шаҳридаги кўп одамлар ривоят қилган². Аҳли илмларнинг кўпи уни мақтаган. Улардан бири Ҳофиз Абул Аббос Жаъфар ибн Муҳаммад Мустағфиридир (ваф. 432/1041). У:

¹ Шамсиддин Муҳаммад ибн Аҳмад ибн Усмон Заҳабий. Сияру аъламин нубало: 25 жилдли. – Байрут: Дору муассаса ар-рисола, 1992. Ж: 13. Б: 493.

² Имом Абу Саъд Абдулкарим ибн Муҳаммад ибн Мансур Самъоний. Ал-Ансоб: 13 жилдли. – Ҳайдаробод: Даиротул маориф ал-Усмония, 2016. Ж: 5. Б: 487.

“Иброҳим ибн Маъқил Насафий фақиҳ, ҳофиз, уламолар ихтилофини фарқловчи, фазилатли ва ҳимоячи олим эди”, деган¹.

Ҳофиз Заҳабий (ваф. 748/1348): “У ҳофиз, аллома, Насафнинг қозиси ва олими, Муснадул кабир, тафсир ва бошқа китоблар муаллифидир”, деган². Демак, Имом Заҳабий унинг “Ал-Муснад”, “Ат-Тафсир” ва бошқа китоблари борлигини таъкидлаган.

Имом Каттаний санадлар ҳақидаги “Ар-Рисолатул мустаторафа” китобида: “Насафнинг қозиси ва олими Абу Исҳоқ Иброҳим ибн Маъқил Насафийнинг муснади бор. У катта муснаддир”, деган.

Иброҳим ибн Маъқил Насафий 295/908 йилнинг Зул ҳижжа ойида вафот этган³. Имом Самъоний унинг вафоти 294/907 йилда бўлган деб ёзиб қолдирган⁴.

Албатта, юқорида зикр қилинган одам “Саҳиҳул Бухорий”ни муаллифнинг ўзидан эшитиб ривоят қилган, биринчи табақадаги ровийлардан бири ҳисобланади. “Саҳиҳул Бухорий”ни муаллифига боғланган санад билан ривоят қилишга эътибор қиладиган жуда кўп ровийларнинг санадлари унга бориб тақалади. Шунинг учун ҳам ушбу ровийнинг ҳаёти ва илмий фаолиятини ўрганиш бугунги куннинг талабидир.

ШАРИФЖОН САДРИ ЗИЁНИНГ ҚОЗИЛИК ФАОЛИЯТИ

*Янгибоева Дилноза Ўктамовна-
Термиз давлат университети ўқитувчиси*

Муҳаммад Шарифжон маҳдум Садри Зиёнинг ҳаёти ва фаолияти ҳақидаги маълумотларга кўра, у Бухоро амирлигининг тарихи ва маданий муҳитида катта из қолдирган шахслардан биридир. У 1893 йилнинг 9 майида амир Абдулаҳад (1885-1910 йй.) томонидан Хайробод (Жондор) туманига қози этиб тайинланади⁵ ва мазкур лавозим билан боғлиқ фаолияти 1920 йилгача, яъни Бухоро инқилобига қадар давом этади. Бу йиллар мобайнида у амир томонидан 22 маротаба Хайрабод (Жондор)⁶,

¹ Абу Абдуллоҳ Шамсиддин Муҳаммад ибн Аҳмад ибн Усмон ибн Қоймаз Заҳабий. Тазкиратул Ҳуффоз: 4 жилдли. Абдурахмон ибн Яҳё Муъаллимий таҳқиқи. – Ҳайдаробод: Даиротул маориф ал-Усмония, 1374/1955. 1760 саҳифали. Ж: 2. Б: 686.

² Ўша манба. Ж: 2. Б: 686.

³ Ўша манба. Ж: 2. Б: 686.

⁴ Имом Абу Саъд Абдулкарим ибн Муҳаммад ибн Мансур Самъоний. Ал-Ансоб: 13 жилдли. – Ҳайдаробод: Даиротул маориф ал-Усмония, 2016. Ж: 5. Б: 487.

⁵ The Personal History of a Bukharan Intellectual: The Diary of Muhammad Sharif-I Sadr-I Ziya [Brill’s Inner Asian Library, 9], Translated from the Original Manuscript by Rustam Shukurov, with an Introductory Study and Commentaries by Muhammadjon Shakuri, Project Direktor Shahrbanou Tadjbaksh, Editor, English Language Edition Edward A. Allworth Leiden, 2004. P. 142-143.

⁶ Хайрабод тумани қозилиги олти ой давом этади (1893 йил 9 майдан 29 октябргача).

Янгиқўрғон¹, Пешкўх (Хутфар)², Хатирчи³, Вағонзе (Ком-и Абу Муслим)⁴, Чоржўй⁵, Карки⁶, Комот⁷, Шаҳрисабз⁸, Қарши⁹, Ғиждувон¹⁰ каби вилоят, туман, бекликларда қози¹¹ ва раис¹² вазифасига тайинланган. Бу вақтда Бухоро мамлақати 27 вилоят ва 11 тумандан иборат эди¹³.

Қозилик даврида у кўпгина тadbирлар ўтказиб, халқнинг оғирини енгил қилишга ҳаракат қилган. Жумладан, Пешкўх туманида қозилик қилган вақтида 7 йил мобайнида қакраб ётган ерларга сув чиқариб, зироатчиликни йўлга қўйган¹⁴. Вобкент туманида Ҳазрат Бузург деб аталувчи ёғоч кўприк ўрнига тошдан сув ўтказгич қурдиради ва қозилик маҳкамаси олдидаги сув ҳавзасига келиб тушадиган сув йўлини

¹ Янгиқўрғон вилояти қозилиги ўн тўққиз ой давом этади (1893 йил 29 октябр - 1895 йил 24 апрел).

² Пешкўх тумани қозилиги биринчи маротаба ўн етти ой давом этган (1895 йил 21 сентябр - 1897 йил 13 феврал). Иккинчи бор 1906 йил 5 ноябр - 1908 йил январ ойига қадар.

³ Хатирчи вилояти қозилиги ўн тўққиз ой давом этади (1897 йил феврал - 1898 24 сентябр)

⁴ Ком-и Абу Муслим (Вағонзе) туманида биринчи маротаба 1900 14 июндан 1900 йил 17 октябргача, иккинчи маротаба эса 1904 йил 3 октябрдан 1905 йилнинг августига қадар фаолият олиб боради.

⁵ 1900 йил 17 октябрда Чоржўй вилояти қозилигига тайинланади ва Судур унвони берилади. Ушбу вилоятда ўн бир ой, яъни 1901 йил 5 сентябрга қадар фаолият кўрсатади. Иккинчи бор 1913 йил май - 1916 йил феврал ойига қадар қозилик қилган.

⁶ Карки вилояти қозилиги 1902 йил 13 май - 1904 йил октябрга қадар давом этади.

⁷ Комот - Вобкентнинг эски номи, Бухородан шимоли-шарқда 25 км масофада жойлашган туман. Ушбу туман қозилиги 1905 йил 8 август - 1906 йил 7 январга қадар давом этган.

⁸ Биринчи маротаба 1909 йил 4 феврал - 1910 йил 25 январга қадар. Иккинчи маротаба 1918 йил баҳоридан - 1919 йил 5 сентябрга қадар давом этган.

⁹ Биринчи маротаба 1910 йил 25 январ - 1912 йил 24 августга қадар. Иккинчи маротаба 1916 йил феврал - 1917 йил 27 мартга қадар. Учинчи бор 1917 йил 10 октябр - 1918 йил баҳор. Тўртинчи маротаба 1919 йил 5 сентябр - 1920 йил сентябр

¹⁰ 1912 йил 24 август (шу куни Садр унвонини ҳам олади) - 1913 йил май

¹¹ Тарихдан маълумки, қозилар фақат ҳукмдорлар томонидан тайинланган. Уларга шариат қоидаларини билиш, адолат тарафдори бўлиш, ҳуқуқ ва муомала лаёқатига эга бўлиш, озод бўлиш ва ақли расо бўлиш каби талаблар қўйилган. Бурхониддин Марғиновичнинг “Ал-Ҳидоя” асарида ёзилишича, қозилик мусулмон бўлмаган шахсларга, қуллар ва чўриларга, туҳматчиликда айбланган шахсларга, оғир жиноят содир этганларга ҳамда вояга етмаганларга ман этилган.

¹² “Ҳокимларнинг яна бири Раисдир. У шаръий мурофиъа, масжидлар ва бозорларни текшириш, шу ўлка аҳлидан бўлмиш мусулмонлар аҳволи шу жаноб кўлида бўлган. Ўнлаб мирзо-ю муҳаррир, ноибу хизматкорлар доим қишлоғу бозорларда юриб, маъмурият ишларини ижро этганлар. Раис ҳам ривоят ҳозирлаб, низо ва баҳсли масалаларни амир номидан ҳал қилган. Изоҳ: Бу учала ҳоким (бек, қози ва раис) подшо томонидан тайинланган. Булар узри шаръий билан гуноҳкор молини мусодара этиб, жазо беришга ҳақлари бўлган. Лекин бировни подшо амрисиз ва муфтиларнинг ривоятисиз қатл қилолмаганлар. Бухоро мулкининг ҳар бир шаҳрида бу учала ҳокимнинг ҳукми жорий ва мансуб ҳисобланган ва ҳар жума улар подшодан кўнгил сўраб, садоқатларини изҳор қилиш учун “жумагий, бандагий ва дуоғўй”, деб амир саройига ариза юборишлари лозим бўлган. Акс ҳолда қаттиқ жазо берилиб (мол-мулки мусодара қилиниб), вазифасидан олинган ёки ҳибс этилиб ўрнига бошқа ҳоким тайинланган. (Балжувоний Муҳаммад Али. Тарихи Нофий. -Б.28-29).

¹³ ЎзМА, Ф.И-126. 1 тавсиф, 51-йиғма жилд.

¹⁴ Садри Зиё. Рўзнома //ЎЗР ФА Шарқшунослик институти, қўлёзма. №2277. 50 б, 52 б вв.

тозалатади¹. Қарши кўрғонида суннийлар ва шиалар ўртасида тўқнашув юзага келиб, Садри Зиёнинг саъй-ҳаракатлари билан тўхтатилади. Бундан ташқари у ушбу вилоятда бир қанча хайрли ишларни амалга оширади. Жумладан, ўн беш йилдан буён таъмирталаб бўлиб қолган “Намозгоҳи Идайн-Хоний”ни тўртта кичик гумбазларини қайта тердириб тиклайди, катта гумбазини² ва Жиловхона масжидини таъмирлатади³. Гиждувон туманида амирлик маъмурияти рухсати билан ўн беш кун ичида қозихона қурдиради. Бундан ташқари, Ҳазрати Хожаи Жаҳон зиёратгоҳи майдони тор бўлганлиги сабабли, ўз ҳисобидан шарқий томондан ер сотиб олиб, зиёратгоҳ ҳудудини кенгайтиради ва зиёратчилар учун қулай шароит яратиб беради⁴. Чоржўй вилояти мадрасасида ўқиётган муллаваччаларнинг маош ва хужра билан таъминланишига жиддий эътибор қаратади⁵.

1893-1920 йилларда қозилик қилган даврида Садри Зиё 10-12 марта ўз вазифасидан бўшатишган. Ҳар бўшатилиб ишга тайинлангунига қадар 6 ойдан 11 ойгача ишсиз қоларди. Бўшатилиш сабабларини ўз асарларида баён қилган. Масалан, “Бухоро инқилобининг сабаблари” асарида Чоржўй тумани қозилигидан бўшатилиш сабабини шу тарзда изоҳлайди: “Биринчи маротаба Чаҳоржўй вилояти қозиси бўлган вақтимда, бу туман ҳокимлиги вазир Остонақул қушбегининг укаси Ҳайдарқули иноққа тааллуқли бўлиб, улар Муҳаммад Шариф девонбеги шианинг ўғиллари эдилар. У вилоят ҳокимининг муовини Мирзо Зайниддин тўқсоба исмли шиа мазҳабига тааллуқли шахс саналиб, вилоят мулкининг буткул барча солиқ ишлари мазкур шахсга тамомила топшириб қўйилган эди.

Бир кун ўтирган эдим. Мазкур вилоятнинг Бангилик деган жойидан Теша Хожа исмли бир фуқаро келиб йиғлаб, жиғибийрон бўлиб хотиним бир неча кундан бери йўқолиб қолган деб арз қилди. Бу муддат ичида қанчадан қанча безовта бўлиб, шак-шубҳаларга бордим, қанчадан қанча жойларни изладим, ҳеч фойда бермади.

-Бирор киши ёки бирор жойдан гумонинг борми? - деб сўрадим.

Йўқ, - деб жавоб берди.

Бир икки кун сабр қилишини, агар дараги чиқиб қолса менга хабар қилишини тайинладим. У менинг сўзларимни қабул қилди. Теша Хожа рози бўлиб кетди. Беш – олти кун ўтди. Ишларим жуда кўп бўлган кунларнинг бирида хизматкорларимдан бири муҳр босиш учун қўлимга бир дона васиқа берди. Қарасам: Теша Хожа исмли киши ўзининг хотинини фалон исмли одамга етти юз танга бадалига талоқ қилиб берганлиги ёзилган.

¹ The Diary of Muhammad Sharif-I Sadr-I Ziya, P. 213-215.

² Ўша асар, P. 259

³ The Diary of Muhammad Sharif-I Sadr-I Ziya, P.310-312.

⁴ Ўша асар, P. 268-270.

⁵ Садри Зиё. Рўзнома //ЎЗР ФА Шарқшунослик институти, қўлёзма. №2277. 192 б в.

Теша Хожа, бундан олдин келиб хотини йўқолганлиги сабабли арз қилиб кетган шахснинг исми бўлганлиги учун эсимга тушди, ҳақиқатни тагига етиш мақсадида унга разм солдим ва таниб:

-Сен бундан олдин менга арз қилган киши эмасмисан? – деб сўрадим.

- Ҳа, - деб жавобд берди у.

Ундан вазиятни сўраб-суриштирдим. Маълум бўлишича, у хотинини бедарак йўқолганлиги ва уни топиб беришлари учун арз қилиб мири тўқсоба (Мирзо Зайниддин – вилоят ҳокимининг муовини) нинг ҳовлисига борибди. Мири тўқсобанинг ҳовлисида эса тўсатдан хотинига кўзи тушибди.

-Бир-биримизни кўрган заҳоти, беихтиёр талпиниб бир-биримизни бағримизга босдик. Бир ерга кетиб қолган тўқсобо айнан шу вақтнинг ўзида етиб келди ва биз ҳар иккаламизни бу аҳволда кўриб, мени гуноҳкор ва айбдор ҳисоблаб, ўзининг одамларига мени калтаклашни буюрди. Хотинимни ҳам калтаклаб, ҳарамга олиб кетишди. Мени эса ҳибсга олишиб етти юз танга бадалига хотинимни талоқ қилишга мажбурлашди. Қарадим, бу фикрни қабул қилмасам, мени зиндонбанд этиб ўлдиришади, бунда ҳам жондан, ҳам хотиндан ажраламан, ночор хотинимни талоқ қилишга рози бўлдим. Аммо мазкур маблағ оқсоқолнинг қўлида турибди. Сизга шуни маълум қиламанки, у пулни олишга хоҳишим йўқ. Фақат ўлимдан кўркишим ва қийноқлар туфайли бу фикрга рози бўлдим. Ҳар қалай биламанки, бундан кейин ҳаёт кечириб мен учун қимматга тушади

У мазлумнинг нотавонлиги менга қаттиқ таъсир қилиб, Дурбой исмли оқсоқолдан ҳодисанинг тафсилотини сўрадим. Теша Хожанинг сўзларини у ҳам тасдиқлади. Мири тўқсоба ҳузурига хизматкорларимдан жўнатиб: -“Теша Хожа менинг ҳузуримга келди, у фалона заифалардан бирининг эри бўлиб, хотинини талоқ қилмоқчи экан. Эрнинг талоқ бериши пайтида хотини ҳам ҳозир бўлиши лозим. Бар маротабага бўлса ҳам заифани қозихонага жўнатсалар, ажралишгандан сўнг қайтариб яна хизматлари учун жўнатаман”, - деб тайинладим. Тўқсобо аввалига турли баҳоналар қилиб бош тортди, охир-оқибат исми тилга олинган мазкур аёлни юборишдан бошқа илож топмади. Эр-хотин бир-бирларини кўргач, маҳшарнинг оҳу-ноласини қилдилар, уларнинг фарёди самоларга етди.

Аёлни ўз эрига топширдим. Улар йиғи аралаш мени ҳаққимга дуо қилишиб чиқиб кетдилар. Мири тўқсобога ўзимни билмаганга солиб аёл ходималарининг эри бир марта талоқ қилмоқчи бўлганди, улар бир-бирларини кўргач меҳру-муҳаббатлари қайтиб, биргаликда яна аҳил бўлдилар. Шу сабабли улар ҳар иккаласини яраштириб, дуосини олиб жавобини бердим. Етти юз танга бекор қилинган бадал пулини Дурбой оқсоқол ҳамроҳлигида хизматлари учун жўнатдим, ким берган бўлса,

ўшанинг ўзига топширсинлар, - деб хабар жўнатдим”¹. Қозилар элнинг ўртасида катта обрў-эътиборга эга бўлиб, барча чигал ва мураккаб масалалар улар орқали ҳал этилган, унинг охириги қарори тарафлар учун мажбурий бўлган. Шу боис тўқсоба Садри Зиёнинг ҳукмидан сўнг ҳеч нарса демади. Аммо унинг устидан амирга арз қилади. Садри Зиё бир ҳафтадан сўнг туман қозилигидан бўшатилади².

Садри Зиё қозилик вазифаларини қай тариқа ижро этиши хусусида қуйидагича баён қилган:

Гоҳ ичрои шариат буду гоҳе дафъи зулм

Алғараз бекор неву кору боре доштем³.

(Маъноси: Гоҳ шариат ижрочиси эди, гоҳ зулмни даф қилиш,

Қисқача айтганда, бекор юрмасдан иш-юмушимиз бор эди).

Садри Зиёнинг юқоридаги байтидан кўриниб турибдики, у ҳақ йўлини излашда ўзи тўғри деб билган қоидага амал қилган: “шариат ижроси”га “зулмни даф қилиш” учун интиларди.

1917 йилнинг 27 мартада Амир Олимхон ва вазир Мирзо Насрулло Садри Зиёни Бухоронинг қозикалони этиб тайинлайди. Садри Зиё кундалигининг маълумотларига қараганда, амир Олимхон яна бир неча бор жадид-тараққийпарварларнинг вакилларини ҳукумат таркибига киритишга мажбур бўлган. Жумладан, Абдусамад хўжа Садри Самарқандий Бухоро шаҳрининг райси этиб тайинланган⁴.

Садри Зиё 1917 йилги сиёсий жараёнларни таҳлил қилиб, уларни Россиядаги воқеалар, биринчи жаҳон уруши натижалари ва феврал инқилоби билан боғлайди. У ўзининг кундалигида бу воқеалар ҳақида батафсил маълумот берган⁵. Муҳаммад Шарифнинг хулосаларига қараганда, Бухоро амири Саид Олимхон ва Бухородаги рус резиденти А.Я.Миллер Россиядаги воқеаларни амирликдаги сиёсий вазиятга таъсир қилишидан хавотирланганлар. Қисман ислоҳотни эълон қилиш йўли билан улар омманинг чиқишини олдини олмоқчи бўлганлар. Бироқ, амир номигагина ислоҳот ҳақида жар солаётган эди. У аслида ислоҳотга ҳам, ислоҳотчиларга ҳам қарши бўлиб, уларни қўлга олиб жазолаш йўлини танлаган эди. Бу ҳақда Садри Зиё шундай ёзади: “Амир ислоҳотни ўтказишдан олдин тараққийпарвар уламолар вакилларининг бир қисмини давлат ишларига жалб қила бошлади. 1917 йил 7 апрелда мамлакатни (давлатни) ислоҳ қилиш бўйича у ўзининг мурожаатномасини эълон қилди⁶. Мурожаатнома давлат ислоҳот тарафдорлари ва янгилик

¹ Садри Зиё. Навоиди Зиёия. –Тошкент, 2017. –Б. 119-122.

² Шукурый М. Садри Бухоро. –Душанбе, 2005. –С. 145.

³ Садри Зиё. Рўзнома. -Техрон, Маркази аснод ва хадамоти пажўҳиши, 1382. –с. 184.

⁴ Садри Зиё. Рўзнома //ЎЗР ФА Шарқшунослик институти, қўлёзма. №2277. 205^{а,б} вв.

⁵ Ўша жойда.

⁶ Насрулло қўшбеги топшириғига биноан, 1917 йил 7 апрелда Арки Олийда Амир Олимхоннинг ислоҳот тўғрисидаги фармони қозикалон Шарифжон махдум томонидан ўқиб эшиттирилади. Фармонни ўқиб эшиттириш жараёнида Амир ва унинг аъёнлари фармоннинг

ғанимлари ўртасида қаттиқ қаршиликлар келиб чиқишига сабабчи бўлди”¹. Умуман, Садри Зиё эсдаликлардан шу нарса маълум бўладики, лавозимлардан бўшатишган собиқ амалдорлар, катта мансаб эгалари ва руҳонийларнинг эскиликни йўқловчи қисми, собиқ қозикалон Бурҳониддин, Мулло Исомиддин садр кабилар ва бошқалар халқ орасида ислоҳотга ва уларнинг ўринларини ҳамда лавозимларини эгаллаган янги тараққиётпарварларга қарши тарғибот ишларини олиб бора бошлаганлар.

Садри Зиё бу реакция амалиётининг бошланишидан аввал унинг олдини олиш учун ҳаракат қилади. Жумладан, иғво тарқатилишидан бир кун олдин - шанба куни икки мулладан шаҳарда ислоҳотга қарши иғво ва фитна тарқатилишини эшитади ва зудлик билан қўшбегига телефон орқали фитна тайёрланаётгани ҳақида маълумот беради ва “Фитнакорларни ушлайми?” дея сўрайди. Аммо қўшбеги иғвогарларни ҳибсга олиш ва умуман, Шарифжон махдумнинг бирор бир аралашувини ман қилди². Шу тариқа, реакция тўсиқларсиз, тўғрироғи, жамиятнинг юқори қатламларини қўлга олиш учун оқимга қарши куч ишлатди.

Ёш бухороликларнинг Фитрат, Файзулла Хўжаев, Усмон Хўжа бошчилигидаги сўл қаноти фармон эълон қилинган куннинг эртасига – 1917 йил 8 апрелда Бухоро шаҳрида катта намойиш уюштирди ва Регистонда митинг ўтказди³. Бироқ Саид Олимхон намойишчиларни куч билан тарқатиб юбориб, уларнинг раҳбарларини зиндонга ташлади. Ушбу воқеаларнинг шоҳиди бўлган Муҳаммад Али Балжувоний ўзининг «Тарихи нофеий» асарида шундай ёзади: «Шарифжон қози калон бўлганидан кейин тараққийпарварлар жамоаси кучайиб, катта жамоага айланди. Уларнинг энг катталари қозихонага келиб, намойишга ижозат олиб, улардан қарийб 500 нафар гузари Жўйбор ва хиёбондан қизил хуррият байроқларини кўтариб «яшасин хуррият» деб кела бошладилар. Улар Регистон ва Аркка хужум билан ўтмоқчи бўлдилар. Бутун шаҳарда ғалаён кўтардилар. Аҳли Бухорони ваҳима босди. Баъзи одамлар хуррият бўлибди, деб уларга қўшилдилар. Шу аснода Регистон тарафдан милтиқ овози эшитила бошлади. Бу жамоа қочишни ихтиёр қилди. Бухоро ҳарбий аскарлари ҳаракатга келиб хужумга ўтдилар. Амир билан қўшбеги «бу жамоаи авбош

хурмати учун жойларидан туриб, эшитишади. (Бу ҳақда қаранг: Айний Садриддин. Таърихи инқилоби Бухоро. –Б.152-153). Фармонга кўра, мамлакатда хирож, закот ва бошқа солиқлар қийматини камайтириш; Россия билан савдо ва саноат соҳасида ҳамкорликни ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратиш; амалдорлар устидан назорат ўрнатиш; уларга хизмат ҳақлари белгилаш ва бундан ташқари ҳақ олишларини таъқиқлаш; шариатга мувофиқ фойдали илм ва билимларни ривожлантириш учун чоралар кўриш; Кенгаш сайлаш; давлат хазинасини таъсис қилиш ва бошқа шу кабилар назарда тутилган эди.

¹ Эсанова Ш. Садри Зиёнинг «Рўзнома» асари тарихий манба сифатида. //Ўзбекистон тарихи, 2001. №2.

² Айний Садриддин. Таърихи инқилоби Бухоро. –Б. 163.

³ Хўжаев Ф. Бухоро инқилобининг тарихига оид материаллар. –Т.:Фан, 1997. –Б. 88-89.

Бухоронинг ва дини ҳақнинг душмани бўладилар, уриб олиб келинглари» деб амр бердилар»¹.

1917 йил 9 апрелда шу гуруҳ Садри Зиёнинг ўзига ҳужум қилган, у воқеа тафсилотларини шундай баён қилади: “Истироҳат боғининг дарвозаси орқали Регистонга яқинлашгач, мен у ерда турли тоифадан иборат бир неча гуруҳларни кўрдим, улар турли жойларда ўтиришарди. Нодонларнинг бир гуруҳи мени кўриб, ўраб олишди ва Арк томонга ўтишимга йўл қўйишмади. Тадбирсиз амир ўзининг деразаси олдида махсус равишда ўтирган эди, менинг изтироб-у мажбурлашларини кўрди. Бу вақтда собиқ қозикалон Бурҳониддиннинг ҳамтовоқлари ва хизматкорларидан бири, мударрис Абулфаттоҳ исмли бир кимса, чопонининг этагига илашиб олди. У ўзининг шериклари билан биргаликда мени отдан судраб туширди. Улар мени қўллари ва калтаклар билан уришди, оёқлари билан тепдилар. Бир фурсат фикру хаёлимни жамлаб олдим, сўнг мен хушимни йўқотдим ва нима бўлганини, қандай қилиб уларнинг қўлидан қутулиб қолганимни тушунмадим. Бутунлай заифлик пайдо бўлиб, аҳволимни ва аъзойи баданимни қай ҳолатдалигини билмасдим...Шу қадар ўзимни йўқотиб қўйгандимки, кўз олдимда эшиклари берк, тор ва қоронғу уй кўрингандай эди. Мени қамаб қўйганларига ҳеч шак-шубҳам йўқ эди. Бир пайт эшик очилиб, хонага бир киши оҳиста кирди. Вазият ва аҳволдан мени ҳалок қилиш мақсади борлигидан гумон қилгандим”².

Садри Зиёни амир юборган қуролли соқчилар қутқардилар, Амир Олимхон ҳамма воқеани сарой қонқаси устидаги айвондан кузатиб турганди.

Мирза Салимбекнинг хабар беришича, Шарифжон маҳдумни ҳалок қилолмаган мутаассиб муллалар амирдан уни қозикалонлик мансабидан бекор қилиш зарур, деб талаб қилган. Шунингдек, бошқа янгилик тарафдорларини ҳам ишдан бўшатилишини талаб қилганлар³.

Намойишни баҳона қилиб, 14 апрелда амир ўз фармонини бекор қилди. «Амир Саид Олимхон томонидан Абдусамад судур ва Насрулло қўшбеги жадиларни қўллаб қувватлаганликда айбландилар ва уларни лавозимларидан бўшатиб, Низомиддин Урганжий (девонбеги, 1920 йилда ўлдирилган) вазир этиб, Мулло Исомиддин эса Бухоронинг раиси этиб тайинлади. Амир руҳонийларнинг эскиликни ёқловчи қисмини талабини қондириб, ўз мамлакатада тартиб ўрнатишга муваффақ бўлади»⁴. Хуллас,

¹ Муҳаммад Саид Балжувоний. Тарихи Нофеий. /Тоҷик тилидан таржима, сўз боши ва изоҳлар муаллифлари Шодмон Воҳидов, Зоир Чориев. –Тошкент, 2001. –Б. 45.

² Садри Зиё. Рўзнома //ЎзР ФА Шарқшунослик институти, қўлёзма. №2277. 215^а,^б вв.

³ Мирза Салимбек. Тарих-и Салими. –Ташкент: Академия, 2009. –С.81.

⁴ Воҳидов Ш., Чориев З. Садри-и Зия и его библиотека. – Т., 2007. –С.18.

Ёш бухороликларнинг демократик ислохотларни тинч йўл билан амалга ошириш мақсади пучга чиқди¹.

1917 йил 9 апрелида Садри Зиё бор йўғи 14 кун давом этган қозикалонлик лавозимидан бўшатилади (1917 йилнинг 27 мартдан 9 апрелга қадар). Бу воқеадан кейин Муҳаммад Шарифжон уч ой мобайнида бетоб бўлиб ётади ва 31 июлда ўз вазифасидан расман истеъфога чиққанини эълон қилади.

Амир Олимхон Садри Зиёни Аркка чақириб, Қарши тумани қозилигига таклиф қилади. Садри Зиё бу таклифга рози бўлмайди. «Бу воқеадан кейин икки кун ўтгач, - дейди Садри Зиё, - Баротбек удайчи, агар яна бир маротаба бу таклифни рад этсам, Кармина шахрида махбусликда юришимни етказди. Ночор таклифни қабул қилдим»². Амир Олимхон Садри Зиёни Бухородан бадарға қилиш мақсадида 1917 йилнинг 10 октябрида уни Қаршига қози этиб тайинлайди.

1918 йил баҳорида Туркистон ўлкаси Халқ комиссарлари Совети раиси Ф.Колесовнинг Бухорога қарши қуролли ҳаракатни амалга оширилиши оқибатида Амир Олимхон жадидларни хоинликда айблаб, жазолашни буюради. Қаршида қозилик қилаётган Садри Зиё ҳам инқилобчиларга хайрихоҳликда айбланиб ҳибсга олинади ва қўлғамалари ўзининг кўз ўнгида ёқиб юборилади³. Икки ойдан сўнг у ва укаси Ғофуржон махдум 3 миллион сўм эвазига озод этилиб, Шаҳрисабзга қози этиб тайинланади. Унинг фаолиятини назорат қилиш Шаҳрисабз ҳокими, амирнинг амакиси Акрамхон Тўра зиммасига юклатилади⁴.

Садри Зиёнинг хабар беришича, 1918 йилда Шаҳрисабз аҳолиси Акрамхон Тўрага қарши бош кўтаришади⁵. Ҳоким ва унинг аёнларининг бош кўтарган халққа қаршилиқ кўрсатиши муваффақиятсиз кечади. Натижада амир юборган қўшбеги Низомиддин Хўжа бошчилигидаги элликка яқин мансабдор шахслар бу тартибсизликларни бартараф этиш ва ғалаённи бостиришга ҳаракат қилишди. Аммо уларнинг уриинишлари беҳуда кетади. Шундан сўнг Садри Зиё 22 кун давомида керакли чораларни кўради ва исён кўтарганларга нисбатан ҳеч қандай чора кўрилмаслигини билдириб, ғалаённи бостиришга муваффақ бўлади. Амир Олимхон Шарифжон Садри Зиёнинг бу ҳаракатидан мамнун бўлиб, 1919 йил 5 сентябрда уни Қарши вилоятига қози этиб тайинлайди⁶. 1920 йил Бухорода инқилоб юз бергандан сўнг амирнинг тоғаси, ўша вақтда Қарши ҳокими Саидбек иноқ Афғонистонга қочиб кетиш тараддудига тушган эди.

¹ Ўзбекистон тарихи (1917-1991 йиллар). Биринчи китоб. –Тошкент, 2019. –Б. 99.

² Садри Зиё. Рўзнома //ЎзР ФА Шарқшунослик институти, қўлғам. №2277. 224^б – 225^а в.

³ Шукуров М. Шаммае аз рўзгори Садри Зиё. Наводири Зиёия. –Душанбе, 1991. –С. 118.

⁴ Вохидов Ш., Чориев З. Садри-и Зия и его библиотека. – Т., 2007. -С. 19.

⁵ Абдурауф Фитрат ушбу воқеа 1916 йилда содир бўлган дея икки йилга адашади. Бироқ Садри Зиёдан фаркли ўлароқ, ғалаённи келтириб чиқарган сабабларни кўрсатиб ўтади. (Давраи ҳукмронии Амир Олимхон. –Б. 31)

⁶ The Diary of Muhammad Sharif-I Sadr-I Ziya, P.-349-350.

Садри Зиё шу фурсатдан фойдаланиб қолади. У пинҳоний равишда савдо карвони ҳамроҳлигида аввал Гиждувонга, сўнгра Бухорога келади.

Садри Зиё Бухоро инқилобидан кейинги (1920 йил 2 сентябр) йилларда Совет ҳокимиятининг идораларида масъул лавозимларда ишлаб келган, жумладан, Вақф ишлари бўйича Бухоро Халқ Совет Республикаси бошқармасида ишлаган, Шариат ишлари бўйича бошқарма раиси ўринбосари, Абу Али ибн Сино номидаги кутубхонанинг китобдорлиги вазифасини ҳам бажарган.

Садри Зиё 1923-24 йиллардан бошлаб барча масъулиятли вазифалардан ўзини фориғ тутган. Бунга сабаб дамқисма (астма) касаллигининг хуруж қилиши бўлган. Ўзини яхши ҳис қилиши билан кўлига қоғозу-қалам олиб, 1918 йилда мусодара вақтида ёқиб юборилган кўлёзма асарларини қайта ёзиш билан машғул бўлган¹. Натижада хотирасининг ўткирлиги туфайли кундаликларининг айрим қисмларини қайтадан тиклашга муваффақ бўлган.

Хулоса қилиб айтганда, ҳақиқатгўй қози сифатида танилган Садри Зиё зиддиятли ва суронли даврда ҳаёт кечиради. Садри Зиёнинг Бухоро амирлиги сиёсий ва маданий ҳаётида тутган ўрни, амирлик ва шўро тузумидаги масъул вазифаларни ижро этиш билан боғлиқ ҳаёт йўли тарихимизнинг айрим саҳифаларини очишга имкон беради. Садри Зиёнинг ҳаёти ва амирлик маъмурий тизимидаги фаолияти бизга маҳаллий зиёлилар қатламининг янги даврга қандай муносабатда бўлганлигини тушунишга ёрдам беради.

БАҲОУДДИН НАҚШБАНД ВА ҲАКИМ ТЕРМИЗИЙ

Хаитов Л.А.-

БухДУ таянч докторанти

Маънавий камолотимизнинг асосий воситаларидан бири аждодларимиз маънавий-илмий меросини чуқур ўрганиб, улардан ибрат олишдир. Дунё тарихида ўз ўрнига эга бўлган улуғ зот, Бухоройи Шарифни бутун оламга машҳури жаҳон қилган Муҳаммад ибн Муҳаммад Бухорийдир (1318-1389). Бу зот Баҳоуддин, Шох Нақшбанд, Хожаи Бузург (“Буюк Хожа”) ва Баҳоуддини Балогардон (“Балони қайтарувчи Баҳоуддин”) номлари билан машҳур валий, Бухоронинг еттинчи пири, нақшбандия таълимотининг асосчисидир. Ислом дунёсида донг таратган кўп мамлакатларга тарқалган энг нуфузли тариқатлардан бири сифатида машҳур бўлган Нақшбандия тариқати ўзининг таркидунёчиликни қораловчи, инсонпарварлик, ватанпарварлик ва меҳнатсеварликни тарғиб этувчи илғор таълимотдир. Мазкур таълимотининг ривожидида бевосита Термиздан етишиб чиққан олим, мутафаккир ва тариқат пешволаридан

¹ Шукуров М. Кўрсатилган асар. –Б.120-б.

бири Абу Абдуллох Муҳаммад ибн Али ибн Ҳасан ибн Башир асослаган ҳақимия тариқати муҳим аҳамият касб этади. Олим Ҳақим Термизий (820-932) номи билан машҳур бўлиб, Термизда туғилган ва шу ерда вафот этган. У нафақат Марказий Осиё сўфийлик мактаби ва оқимлари даврини бошлаб берган, балки умуман ислом дунёсида тасаввуф таълимотини тизимлаштириш ва унинг назарий асосларини яратишга катта ҳисса қўшган, тасаввуф назариётчиларидан бири, тасаввуфдаги валоят (валийлик) концепцияси асосчиси сифатида ҳам машҳурдир. Ҳақим Термизий биринчилардан бўлиб сўфийлик ҳоллари ва мақомларини бир тизимга солишга уринган. У “Манозил ул-ибод мин ал-ибода”(Бандаларнинг бандачиликдаги манзиллари) асарида тавба, зуҳд, адоват ун-нафс (нафсга қарши курашиш), муҳаббат, қатъ ул-ҳаво (ҳавойи нафсдан узоқлашиш), хавф ва қурбат кетма-кетлигидаги етти мақомни¹, “Маърифат ул-асрор” (“Яширин нарсаларни билиш”) асарида эса вараъ, зуҳд, таваккул, ризо, мувофиқат (тўғри келиш) ва долла (яқинлик) кетма-кетлигида юз берадиган ҳолларни тавсифлаган². Ҳақим Термизийнинг “Адаб ун-нафс” (“Инсон одоби”) асари нафсга қарши курашиш йўлларига³, “Хатм ул-авлиё” (“Валийлар муҳри”) асари эса валоят (валийлик) масаласига бағишланган. Ҳақим Термизий Қуръон, фикҳ, калом, ислом фалсафаси, тасаввуф тарихи, ҳадис илмига оид 400 дан ортиқ асарлар муаллифи бўлиб, бизгача унинг диний ва дунёвий илмларга оид 60 га яқин асарлари етиб келган.

Ҳақим Термизий аҳли суннат вал жамоат эътиқодига мувофиқ “ҳақимия” тариқатига асос солган ва мухлислари кўп бўлган. Ҳужвирий (ваф. 1072-1073) “Кашфул-махжуб” асарида ҳақ тариқатлардан еттинчиси “ҳақимия” эканлиги, унинг мансублари Ҳақим Термизийни муршид, пешво деб билишларини таъкидлайди. Мазкур асарнинг 14-бобида “Ҳақимия” тариқати ҳақида сўз очиб, Ҳақимийлар Ҳақим ат-Термизий номи билан валийлик қиладилар деб таъкидлаб, “тасаввуф ва маърифатнинг асос ва қоидаси валоят ва унинг исботидур ва барча шайхлар шунга келишганлар, аммо Муҳаммад бин Али бу соҳада махсус ва барчаларидан афзал ва устундир”⁴ - деб фикр билдиради.

¹ Абу Абдуллох Муҳаммад ибн али Ҳақим Термизий. Мўминларнинг ибодатдаги даражалари.(Манозил ул-ибод мин ал-ибода) Таржимон: Абдуқаҳхор Шоший; Ўзбекистон мусулмонлари идораси.-Тошкент: Movarounnahr,2018.-Б.7-20.

² Абу Абдуллох Муҳаммад ибн Али Ҳақим Термизий. Маърифатул асрор. (Сирлар маърифати). Таржимон: Абдулҳамид Муҳаммад Турсунов; Тошкент: Movarounnahr , 2017.- Б.16.

³ Имом Абу Абдуллох Муҳаммад ибн Али Ҳақим Термизий. Адаб ун-нафс (араб тилида) (таҳрир ва иловалар мувллифи: доктор Аҳмад Абдурахмон ас-Сайёх).-Қоҳира:” Дор ул-мисрия ва-л-лубнония”, 1413/1993.-Б.11-34.

⁴ Абул Ҳасан Джуллаби Али ал-Худжвири. Кашф ал-махдуб. –Л.: 1926; Караматов Х.С. Аскетические и суфийские течения в Хорасане. В кн.: Из истории суфизма: Источники и социальная практика. – Т.: “Фан”, 1991. С.265

Ҳақим Термизий билан Баҳоуддин Нақшбанд ўрталарида 400 йиллик масофа бор. Абул Муҳсин Муҳаммад Боқирнинг “Мақомоти ҳазрат хожа Нақшбанд”да¹ зикр этилишича, Баҳоуддин Нақшбанд 1387 йилда айтадиларки, 22 йилдан бери Ҳақим Термизий тариқатига эргашамиз ва улар бесифат (яъни ҳол баёнида бекиёс) эканлар. Шу муддатда биз бесифатмиз. Маълум бўладики, 1365-1387 йилларда² у киши Ўрта Осиёда илк тасаввуфий тариқатдан бири бўлган ҳақимия тариқатини асослаган, буюк валий, кўп асарлар муаллифи Ҳақим Термизий руҳидан таълим олганлар, унинг равнақи йўлида жонбозликлар қилган эканлар.

Бундан кўринадики, авлиёлик даражаси сўфийларнинг охириги мақсади бўлиб, бу таълимот қадимдан тасаввуфда мавжуд бўлган ва Ҳақим ат-Термизий эса уни тараққий топтириб, янги қонун-қоидалар билан тўлдириб, силсилавий тариқат даражасига кўтарган. Авлиёлик даражасини барча сўфийлар ва мутасаввифлар эътироф этган бўлсаларда, Термизий авлиёликни асл моҳиятини исботлаб, унга шак келтиришни ножоиз деб топган. Иккинчидан, у авлиёларни барча оммадан фарқ қиладиган, эъжоз ва уруж даражасига етишган ва аллоҳ таолонинг яқин кишиларидан бўлган зотлар деб ҳисоблаган. Учинчидан, Термизий авлиёларнинг каромати ва хушнафас инсон эканликларини қатъийлик билан исботлаган. Тўртинчидан, у киши авлиёлар кароматини саҳв (ҳушёрлик) ҳолати деб билиб, суқр (мастлик) ни ундан рад этган.

Ҳақимия тариқатнинг валийлик ва каромат ҳақидаги ғояларини нақшбандия қабул этган.

Баҳоуддин Нақшбанд инсон камолоти масаласига эътибор бериб “валий”лар муаммосини махсус тадқиқ этди. Манбалар таҳлили кўрсатадики, бу назарий масалани ҳал этишда Хожа Муҳаммад бин Ҳақим Али Термизий асарлари ғоявий манба сифатида хизмат этган. Валийликка дахлдор масалаларда ҳам Баҳоуддин Нақшбанд бу аллома асарларидан иқтибослар келтирилган. Бу масалани ёритишда “Анис ат-толибин” асарининг “Валий ва валоят таърифида” деб номланадиган биринчи қисми муҳим манбадир.

Бу асар Муҳаммад Боқирнинг “Мақомоти ҳазрат хожа Нақшбанд” асаридан шу биринчи қисми борлиги билан фарқ қилади.³

Ҳақим Термизийнинг валийлик масалаларига бағишланган “Хатм ул-авлиё” асари жуда машҳур бўлган.⁴ Асарда у авлиё ва пайғамбарларни

¹ Абул Муҳсин Муҳаммад Боқир. Мақомоти ҳазрат хожа Нақшбанд. Бухоро: Бухорои Шариф, 1327 х.й. – Б 15, (Бундан кейин Мақомот).

² Абул Муҳсин Муҳаммад Боқир ибн Муҳаммад Али. Баҳоуддин Балогардон.- Тошкент. Ёзувчи, 1993,-Б.32

³ Бу ҳақда батафсилроқ қаранг: Наврўзова Г.Н., Қосимова З.И. Нақшбандия тасаввуф тариқати тўпламининг Бухоро музейи нусхаси//Памятники истории и культуры Бухары. Сб. статей. – Бухара: 1994. – Вып. 3. – С. 65-69.

⁴ Shayx Abu Abdulloh Muhammad ibn Ali ibn Xasan al-Hakim at-Termiziydir. Xatm ul-avliyo (arab tilida).

таққослайди, улар ўртасидаги ўхшашликлар ва фарқларни баён этади. Унинг фикрича, авлиёларнинг ҳам хатми ва муҳри бўлади. Муҳр авлиёнинг мукамаллигидан далолат беради, лекин ҳамма авлиё ҳам бу даражага етган эмас. Валийларнинг ўзлари ҳам маълум пағоналарда туришлари билан фарқланадилар. Аллома уларнинг олийсини “Қутб” деган ном билан юритади. Ана шу қутб даражасига етган авлиёларнинг хатми ўтказилиши ва муҳри бўлганлиги таъкидланади.

Нақшбандия таълимотига кўра, “Валий қалби маъдани анвори жалолдир. Валий юзидаги нур ва латофат валий қалбидаги ана шу анвордандир. Ул нурнинг акси валийнинг сиймосидан зоҳир бўлур ва ҳар ким унинг юзига назар айласа, ул киши Ҳаққ таолони ёд этар ва унинг зикрига машғул ўлур”.¹

Баҳоуддин инсон камолоти масаласига эътибор бериб, "валий"лар масаласини махсус тадқиқ этди. Салоҳиддин Ибн Муборак ал Бухорийнинг "Анис ат - толибин ва уддат-ус-соликин" асарининг биринчи қисми "Дар маърифати валояти валий" ("Валийлик валояти маърифатига доир") да таъкидланишича, "валоят нурдан иборатдир". Бу нур Тангри инояти ила ибоднинг қалбини тўлдиради ва натижада исломнинг ҳақиқий нури яқинида жамол кўрсатади. Асарда таъкидланмоқдаки, валоят даражасига етишда Тангрининг инояти шарт. Илоҳий нур-нур ал - яқин - аниқ, тўғри нур бўлгани ила бошқа нурлардан фарқ қилади, шу нур, ила тўлган қалб - валий қалби бўлади. Унга Ислом ўзининг ҳақиқий кўринишида намоён бўлади.

Шунингдек, бу таълимотда валийларга муносиб хусусиятлардан бири сифатида ҳатто бу таълимот ва валийлар суҳбатига мушарраф шахснинг ўзидаги башарий истаклардан воз кечиб, малакий даражали сифатларга эга бўлиши ҳам иншо этилган. Валий суҳбатига мушарраф шахс ўзидаги гил - тупроқ ва сувдан тузилган тана истакларидан воз кечади ва юксалади. ҳақиқий валий суҳбатига етишган шахс қалби сокин, соф, пок бўлиб, сув - гил захматидан қутулиб юксалади ва тавҳидни англай боради, лекин сохта авлиёлар билан суҳбатлашиб, сенда башарий истаклардан қутулиш каби сифатий ўзгариш бўлмаса, ундай кишилардан тезроқ қочиш керак, деган фикрни уқтиради. Мўминлик даражасининг ниҳояси - авлиёлик даражаси деб, ундан сўнг шуҳадо, сидиқо, анбиёву расул, анбиё ул-аъзам ва охири ниҳояси бўлмаган даража мустафо, деб айтилади.

Нақшбандия таълимотига кўра, уларда валийлик даражасига етганлар иккига бўлинади. Биринчиси - муршид раҳбарлигида риёзат чекиб, қалбини софлаган ҳолда шу даражага етганлар. Лекин булар учун ўз башарий истакларини ўлдириш жуда қийин кечади. Иккинчиси - Тангрининг ўзи уларни тарбия қиладиган кишилар. Ҳозирги илмий тил

¹ Салоҳиддин ибн Муборак. Анис ут-толибин . 76-бет.

билан айтганимизда¹, валийларнинг бу даражасида латиф қувват - биоэнергия майдони бемалол олам қувват-ахбор қатлами билан алоқа қилишга қодир бўлади. Шунинг учун ҳам улар ўзгалардан ажралиб турадилар. Валийлар илҳом орқали илоҳий нурни кашф этсалар, анбиё ваҳий орқали Тангри сўзларидан баҳраманд бўлади. Демак, Ҳақим Термизий Баҳоуддин Нақшбанд учун руҳий устоздир ва унинг асарлари нақшбандия таълимоти учун муҳим манба бўлиб хизмат қилади. Нақшбандия таълимотидаги валийлик тушунчаси ҳақимия тариқатидаги ғояларга асосланган.

ФИТРАТ ИЖОДИДА МИЛЛИЙ ВА ПРОЛЕТАРИАТ МАФКУРАСИ ЎРТАСИДА КУРАШ

*Рашидов Ойбек Расулович
Бухоро давлат университети
т.ф.ф.д (PhD) доцент*

Большевиклар ўзбек адабиётини мафкуравий ва ижодий тарафдан миллий буржуазия манфаатига хизмат қиладиган “йўловчи адабиёт” деб атадилар. Совет мафкурасини ўзида ифодалаган адабиёт “ўзбек пролетариати адабиёти” сифатида қаралди. Коммунистик партия пролетар адабиётга бетараф бўлган “йўловчи” ёзувчиларни пролетариат чизигига ўтишлари ёки бўлмаса буржуа йўлига томон кўчишларини шарт қилиб қўйди². Миллий адабиёт намоёндалари Фитрат, Чўлпон, Қодирий, Боту, Элбек ва бошқалар айнан пролетариат мафкурасига зид ижод қиладиган ёзувчилар гуруҳига киритилди.

Адабиёт соҳасида мафкуравий кураш 1929 йилдан ўзининг юқори босқичига чиқди. Бунга 1928 йили “Ўзбек адабиёти намуналари” китобининг нашр этилганлиги сабаб бўлди. “Ўзбек адабиёти намуналари” Ўзбекистон илмий советининг раиси Отажон Ҳошимовнинг бевосита раҳбарлиги остида машҳур ўзбек ёзувчиси Абдурауф Фитрат томонидан тартиб қилинган. А.Фитрат ва О.Ҳошимов сўз боши ёзган ушбу китоб, ўзбек халқининг авлоддан-авлодга қолиб келаётган адабий меросини ўз ичига олди ҳамда ўзбек адабиёти ва жамият тарихининг маълум даврларини ёритишга хизмат қилди.

Бироқ большевиклар миллийликни ўзида акс эттирган, бой маънавий мерос ҳисобланган ушбу китобни кенг халқ оммасига етказишга қаршилик кўрсатдилар. Большевиклар талаби билан миллий адабиётдан йироқ бўлган ва пролетар адабиёт вакили саналган Ж.Бойпўлатов “Қизил Ўзбекистон”

¹ Г.Н.Наврўзова, Х.Х.Раҳматова Нақшбандия тушунчалари генезиси . Бухоро 2010 103-б

² Ўзбек адабиётининг ҳозирги муҳим масалалари // Қизил Ўзбекистон. 1929 йил 28 январ.22-сон.

газетасининг 1929 йилдаги 110,111,112-сонларида¹ “Ўзбек адабиёти намуналари” китобини ва унинг муаллифларини кескин танқид қилди. О.Ҳошимов “Чиғатой адабиётини даврини бизнинг адабиётимизнинг энг гуруллаган давридир” деб даъво қилишда айбланган бўлса, Фитрат “Ўзбек пролетариат адабиётига чиғатой адабиётини асос қилиб олмоқчи” деган тана-дашномларга қолишига сабаб бўлди². Ўтмиш адабиёт намуналарини ўрганиш большевиклар томонидан адабиётда эски мафкуравий руҳнинг акс эттирилиши деб баҳоланди.

Фитрат ижоди икки даврга: инқилобгача ва ундан кейинги даврга бўлиниб большевиклар томонидан таҳлил қилинади. Инқилобгача Фитратнинг “Мунозара” (1908 йил Истамбул), “Раҳбари нажд” ва “Оила” (1915-1916 йилларда Боку шаҳрида чоп этилган) асарлари дин ва шариат масаларини ўз ичига олганлиги ҳамда туркпарастлик ғояларини илгари сурилганлигини таъкидланади. Большевиклар шу даврда туркпарастлик ғояларини тарғиб қилувчи эски ёзувчилар ва уларнинг асарлари сифатида Фитранинг “Ҳинд истилочилари”, “Абулфайзхон”, “Арслон” драммаларини, Чўлпоннинг “Ёркиной” пиэсалари, Қодирийнинг романлари ва мақолаларини кўрсатиб ўтадилар. Чиғатой гурунги фаолият юритган вақтда Фитрат томонидан “Темур сағанаси”, “Ўғузхон” номли пиэсалари ёзилган. Большевиклар томонидан ушбу пиэсаларни матбуотда эълон қилинишига рухсат берилмаган ва уларни ўқиган кишининг бу асарларни чиғатойчилик руҳи билан суғорилганлигини тасдиқ этиши мумкинлиги келтирилган³.

Ўзбек миллий зиёлиси Фитратни коммунистик мафкура йўриғига юргизиш ва пролетар адабиёт хизматкорига айлантиришга бўлган уриниш самара бермагач, уни миллатчиликда айблаш йўлига ўтилди. Фитрат Бухоро Халқ Совет Республикаси маориф ноziри лавозимида ишлаган вақтида чоп этилган “Тонг” газетаси оммани Бухоро инқилобига тайёрлаш ўрнига “Чиғатой гурунги” нашр афкорига айланганлиги ва очикдан-очик миллатчилик ғояларини тарғиб қилганликда айбланган. Бухородаги инқилобдан сўнг “Чиғатой гурунги”нинг раҳбари 1921 йилнинг бошида кўзга кўринарлик эволюция (тарихий ўсиш, ўзгариш) кечирмагани, пантуркистик назариялардан воз кечмагани ҳолда ишлай бошлагани келтиилади. 1924 йил Ўрта Осиёда миллий чегараланиш ўтказилиб, янги республика тузилгач Фитрат Самарқандга бориб Ўзбекистон ССР маориф комиссарлигида ишлай бойлайди. Лекин бу ердаги фаолияти ҳам чиғатойчиликдан холи бўлмаганлиги ва маориф комиссари Рамзнинг

¹ Ж.Бойпўлатов. Ўзбек адабиёти ва чиғатойчилик // Қизил Ўзбекистон. 1929 йил 13 май 110-сон; Унинг ўзи. Ўзбек адабиёти ва чиғатойчилик // Қизил Ўзбекистон. 1929 йил 14 май 111-сон; Унинг ўзи. Ўзбек адабиёти ва чиғатойчилик // Қизил Ўзбекистон. 1929 йил 15 май 112-сон.

² Ж.Бойпўлатов. Ўзбек адабиёти ва чиғатойчилик // Қизил Ўзбекистон. 1929 йил 13 май 110-сон.

³ Ж.Бойпўлатов. Ўзбек адабиёти ва чиғатойчилик // Қизил Ўзбекистон. 1929 йил 13 май 110-сон.

тахрири остида чиқадиган “Маориф ва ўқитувчи” журналида чигатойизм ғояларини тарғиб қилганлиги келтирилади¹.

Большевикларнинг Фитратга қўяётган яна бир айбларидан бири Туркистонлик муҳожирлар М.Чўқай ва З.Валидийлар билан алоқа боғлаганлик ҳамда уларнинг ғоялари билан чигатойчилик ғояларининг уйғун эканлиги бўлди. “Закий Валидов ва Чўқаевлар “бутун турк” қабилалари учун умумий адабиёт, умумий платформа тузишга интилишларини кўрамиз. Булар Истамбулда чиқарган Ёш Туркистон журналида унинг учун битта умумий ва юқори туркий тилни вужудга келтириш керак деб айтадилар. Шунингдек биз “Чигатой тили турк тиллари орасида унинг юксак, энг юқори, энг олий бир тил, соф чигатой адабиёти туғдирайлик... “турклик” ғоялари бизда бор, буни ҳар ерда исбот қила оламиз деб таъкидлайдилар. Мана бундан сўнг Чўқаевлар билан бизнинг чигатойларимиз орасида қандай фарқ қолади. Ҳошимовнинг ўзбек ва тожик алифболарини бирлаштириш тўғрисидаги чиқиши, аслида чигатойчиларнинг пантуркистларга хос умумий “ғояси”ни юзага чиқариш йўлидаги интилишидир”².

Чўқаевчилар ўзбек ёзувчиларининг ёш ўспиринларини чигатой мактабида тарбиялашга интилаётганлиги, бу пролетариат мафкурасининг муваффақият қозонишига монёв бўлаётганлиги келтирилади. Ҳошимов ва Фитратнинг “Ўзбек адабиёти намуналари”ни ҳозирги ўзбек пролетар адаблари учун асос қилиб олишга уринишлари сири ва аҳамиятини большевиклар шундай атадилар: “Ўзбек адабиёти намуналари” деган тамға остидаги интилишлари асосида Иноғомовлар ва Сайидвақослар борган йўл, адабиёт соҳасида пролетариат байналмиллалчилик мафкурасидан ажралиш йўли, адабий шовинистлар ўстириш йўли, “тасаввуф олтин даврнинг” мафкурасига қайтиш йўлидир”³.

Совет тузуми, бир томондан, ўзбек адабиётининг рус ва жаҳон адабиёти ютуқларидан баҳраманд бўлишига имконият туғдирган бўлса, иккинчи томондан, унда эрксеварлик, миллатпарварлик ва миллий тараққиёт ғояларининг куйланишига йўл бермади. 1929 йили турли баҳоналар билан уюштирилган “тозалаш” компанияларида ўзбек зиёлиларининг кўплаб вакиллари тазйикқа учради. 1937 – 1938 йилларда Сталин катағони сиёсати юқори поғонага кўтарилгач, Ўзбекистон адабиёти ва умуман маданиятининг энг сара арбоблари йўқ қилиниб, ҳатто, уларнинг номини тарихдан ўчириб ташлаш учун барча чоралар кўрилди. Фитрат, Чўлпон, Абдулла Қодирий, Элбек, Боту, Усмон Носир, Ғози

¹ Ж.Бойпўлатов. Ўзбек адабиёти ва чигатойчилик // Қизил Ўзбекистон. 1929 йил 14 май. 111-сон.

² Ж.Бойпўлатов. Ўзбек адабиёти ва чигатойчилик // Қизил Ўзбекистон. 1929 йил 15 май 112-сон.

³ Ж.Бойпўлатов. Ўзбек адабиёти ва чигатойчилик // Қизил Ўзбекистон. 1929 йил 15 май 112-сон.

Юнус, Гулом Зафарий сингари ёзувчилар “халқ душманлари деб эълон қилинди ҳамда қатағон этилди”¹.

Хулоса қилиб айтганда, жаҳидчилик ғояларининг фаол тарғиботчиси Фитрат ўзбек халқининг миллий уйғониши йўлида жиддий курашган эди. Унинг асарлари ва матбуотда эълон қилган мақолалари большевиклар томонидан муттасил танқид қилиб турилди. Большевикларнинг Фитратга қарши қаратилган ҳар қандай уринишлари, уни она Ватан озодлиги йўлидаги курашидан қайтара олмади. Фитрат адабиётда миллий мафқурани пролетариат мафқураси билан ўзгартирилишига қарши турди ва бу йўлда сезиларли ишларни амалга оширди.

XX ASR BOSHLARI BUXORODAGI IJTIMOIIY-SIYOSIIY VAZIYATNING TARIXIIY ADABIYOTLARDA BAYONI

*Beshimov Maqsud –
BuxDU o'qituvchisi*

Tarix ilmiga kizikish ajdodlarimizning azaliy intilishi bo‘lib kelgan. XX asr boshlarida ham bu an‘ana davom etib, tarixiy ilmlar-sohasida siljish ancha kuchli edi.

1921 yilda Buxoroda «Anjumani tarix» deb atalgan Buxoro tarixini o‘rganish jamiyati tashkil qilinadi. Jamiyatning a‘zolari 7 kishidan iborat bo‘lib, ularning orasida Mirza Salimbek ham bor edi. Buxoro tarixi, etnografiyasi osori-atiqalari tarixini o‘rganish, Buxoro arki tarixini tadqiq qilish, nodir qo‘lyozmalarni to‘plash, ilmiy asarlar yaratish, Buxoro muzeyini tashkil qilish mazkur jamiyatning vazifasiga kirar edi. Mirza Salimbek 1930 yilning martida Buxoro shaxrida vafot etgan. Mirza Salimbek inoq serqirra ijod sohibi edi. Tarixchi olim sifatida uning yozgan ikki kitobi bizgacha yetib kelgan. Ular «Kashkuli Salimiy va tarixi muttakadimin va muttaaxirin» («Salimiyning Kashkuli hamda avvalgi va eng so‘nggi hukmdorlar tarixi») deb nomlanadi. Bundan tashqari, uning «Jome’ gulzor» deb atalgan Sayd Jaloliddin Suyutiyning arab tilidagi diniy-axloqiy va tarbiyaviy ahamiyatga ega bo‘lgan she‘rlar, hikoyalarini 1911 yilda tojik tilida tarjima qilib nashr ettirgan.

L.P. Yepifanova o‘zining risolasida «Tarixi Salimiy» haqida hikoya qiladi. Uning aytishicha, manbaning yozilgan yili noma‘lum, kitob Qo‘qon qog‘ozida nasta‘lik, ikki shaxsning dastxati, 211 saxifalardan iborat, shundan 62 saxifasi O‘rta Osiyo tarixiga bag‘ishlangan bo‘lib, Mug‘ullar, Temuriylar, Shayboniylar, Ashtarxoniylar va amir Muzaffarxongacha keladi. Qolgan 169 saxifasida esa muallifning o‘zi guvox bo‘lgan voqyealar bayon etiladi, deb yozadi.² «Muttakadimin va muttaaxirin» asarida Odam alayxissalomdan Iso alayxissalomgacha utgan ayrim payg‘ambarlar, Peshdodiyon tabaqasining

¹ Ўзбекистон тарихи (1919 – 1991 йиллар). Иккинчи китоб. – Тошкент: O‘zbekiston, 2019. – Б.255.

² Л.П. Епифанова «Рукописные источники по истории Средней Азии периода при соединения её к России», Тошкент.: 1965 йил, 47-бет:

zikri, Ashkoniyon, Sosoniylar Hazrat Hotam al- Nabiy salolloxu alayxi vassalam, Roshiddin xalifaligi Ummaviylar, Abbosiylar, Somoniylar, G‘aznaviylar, Saljuqiylar, Xorazm shoxlar, Chingizxon, Soxibqiron Amir Temur, o‘zbek podshohlari, Ashtarxoniylar, Mang‘itlar Amir Abdulahad podshoxligi, Rossiya davlati podshohlari va imperatorlari, Totor xonligining rus knyazlariga hujumi, Usmonli turk davlati tarixi bayon etilgan. Bu kitob ilmiy jihatdan puxta o‘rganilib, 2003 yilda nashr qilindi.

«Tarixi Salimiy» deb nomlangan asari 1917-1920 yilda yozilgan bo‘lib, unda Chingizxon davridan inqilob tuntarishigacha bulgan Buxoro amirligi tarixi voqyealari xususida fikr yuritiladi.¹ Mazkur asardan Mirza Salimbekning shaxsiy xayoti to‘g‘risida ham ma‘lumotlar uchraydi. Olimning tarixchi sifatidagi faoliyati Naim Norqulov tomonidan maxsus tadqiq etilgan. «Tarixi Salimiy» asari rus tiliga xam tarjima qilingan edi. Bu olimning 1968 yilda tarix fanlari nomzodi ilmiy darajasini olish uchun himoya qilingan dissertasiyasi «Tarixi Salimiy-Buxoro amirligi (1860-1920) tarixini o‘rganish uchun nodir manba sifatida» deb nomlanadi. Akademik Voxid Abdullayev va professor Rasul Hodizoda asarlarida Mirza Salimbek adabiyotshunos sifatida qayta-qayta tilga olinadi.

XIX asarning oxiri-XX boshlarida yashab ijod etgan Buxorolik tarixchi hattot, ma‘rifatparvar olimlardan biri Sharifjon Mahdum Sadr Ziyo (1867-1932Y) dir. U 1867 yilda Buxoro amirligiga qarashli Ziyovuddin qishlog‘ida tug‘ilgan. Uning otasi domlo Abdushukur amir Muzaffar (1860- 1885Y) zamonida Ziyovuddin qozisi etib tayinlangan. Umrining oxirigacha Buxoro qozikaloni lavozimida faoliyat ko‘rsatgan.

Sharifjon Mahdum 1893 yili Hayrobod tumani qozisi etib tayinlangan. 1920 yilga qadar Buxoro amirligining turli tumanlarida qozilik lavozimini egallagan².

Buxoroda Sho‘ro tuzumi o‘rnatilgandan sung Sharifjon Mahdum yangi xukumatning turli idoralarida ishlagan. U 1932 yilda vafot etgan.

Sharifjon Mahdum ma‘rifiy olamida ikki jixdt yakkol kuzga tashlanadi: birinchisi uning tarixiy-adabiy asarlari bulsa, ikkinchisi, u tashkil etgan boy kutubxona xisoblanadi. Sharifjon Maxdum Sadr Ziyo tarixchi sifatida umumiy tarix va Buxoro tarixining ayrim masalalari buyicha bir necha kitob muallifidir. Jumladan, «Muntaxab at-tavorix», «Tarixi Muxtasar», «Usmonli turk xukmdorlari silsilasi», «Eron tarixi», «Buxoroning naydo bulish tarixi», «Kabila va uruglarning bulinishi», «O‘zbek sulolalaridagi mansab va lavozimlar zikri», «Ruznoma» va boshkalardir. Bular ichida «O‘zbek sulolalarida mansab va lavozimlar zikri», «Buxoroda suv taksimoti», «Ruznoma» kabi asarlar Buxoroning sunggi feodal davri ijtimoiy-iktisodiy, madaniy xayotini urganish uchun katta axamiyat kasb etadi. Rus sharkshunosi

¹ Б Йўлдошев «Мирзо Салимий иннок», // Бухоро мавжлари-2004 йил 4сон 28-бет//

² Ҳалим Тўраев «Шарифжон Махдум Садр Зиё», // Бухоро мавжлари-2005 йил 1-сон, 32-бет//

A.A. Semyonov XX asrning 20-yilidayok «O‘zbek sulolalarida mansab va lavozimlar zikri» nomli manbani rus tiliga tarjima kilib, 1927 yilda chop etdi.

Sharifjon Maxdumning «Ruznoma» nomli kulyozmasi 260 varakdan iborat bulib, O‘zbekistan F.A. Abu Rayxon Beruniy nomidagi Sharkshunoslik institutida saqlanmoqda. Risola 1930 yilda yozib tugatilgan.¹ Muallifning bizgacha yagona nusxada yetib kelgan «Ro‘znoma» risolasi Buxoro amirligining XIX asr ikkinchi yarmidan XX asr boshlaridagi siyosiy-ijtimoiy, iqtisodiy va madaniy xayotini yoritib beruvchi muhim manba hisoblanadi. Risola 1888-1889 yilda amirlikda ro‘y bergan voqyealar, ya’ni mazkur yilda vabo kasali tarqalganligi, Sadr Ziyoning otasi vafot etganligining bayoni bilan boshlanadi. So‘ng otasining siyosiy faoliyati, o‘zining Xayrobod tumaniga qozilik qilgani, 1893 yildan 1922 yilga qadar Buxoro amirligida qozilik qilganini bayon etadi. Bundan tashqari, 1900-1901 yilda ruslar tomonidan ko‘prik qurilishi, 1910 yil Buxoroda ro‘y bergan suniylar va shialar to‘qnashuvi, 1917-1918 yilda yuz bergan voqyealar, amirlikning tugatilishi, 1921-1922 yillardagi qarshilik harakatlari haqida ma’lumotlar berilgan.

«Ro‘znoma» ning 1917-1920 yillar voqyealarini yorituvchi qismi alohida ahamiyatga ega. Sadr Ziyo Rossiya davlatidagi ijtimoiy-siyosiy o‘zgarishlar, mamlakatning ichki va tashqi siyosati, 1917 yil fevral qo‘zg‘oloni haqida qisqacha ma’lumot bergan.

Buxoro tarixnavislik maktabini tashkil etadigan manbalar xanuzgacha topilib ma’naviy va tarixiy bilimlarimiz uchun sarchashma bo‘layotir. Muhammad Ali Ibn Muhammad Sayyid Baljuvoniyning «Tarixi Nofei» («Foydali tarix») Buxoro amirligining XIX-XX asrning boshlaridan siyosiy tarixini yoritib beruvchi qimmatli manba hisoblanadi. Buxoro amirligining ijtimoiy axvoli, davlat tizimi, davlatni idora etish tartibi. Buxoroning Sho‘rolar tomonidan bosib olinishi, istiqlochlarning harakati ob‘yektiv tarzda bayon qilinadi. Tojikiston Fanlar Akademiyasining akademigi Ahror Muxtorov mazkur asarni arab tilidan tarjima qilgan. Muhammad Ali Ibn Muhammad Sayyid Baljuvoniyning hayot yo‘li haqida ma’lumotlar juda kam. O‘zining asarini rajab oyining 18 chisi, xijriy 1341 (milodiy 1923 yil 12 fevral) Samarqand shahrining Tillakori madrasasida yozishni boshlab, xijriy 1346 (milodiy 1927 yil) da nixoyasiga yetkazadi².

Muhammad Ali Samarqand va Buxoro madrasalarida tahsil ko‘rib, bir muddat davlat ishlariga ham aralashib turgan. Umrining oxirgi yillarini Oqbuloqdara qishlog‘ida o‘tkazib, 70 yoshda vafot etadi. «Tarixi Nofei» qisqacha kirish, 15 bob va xotimadan iborat³.

Birinchi bob (maqсад) Buxoroi Sharif o‘lkasining fazilatlarini haqida.

¹ Ўзбекистон тарихининг долзарб муаммоларига янги чизгилар», Даврий туплам №2. Т.: 1999йил:

² Ш. Вохидов «Тарихи Нофейи»- Бухоро амирлиги тарихига оид муҳим манба //Ўзбекистонда ижтимоий фанлар-1997 йил 9-10-сон, 150-бет//

³ Муҳаммад Али Ибн Муҳаммад Саййид Балжувоний «Тарихи Нофейи», Душанбе.: 1994 иил,

- 2.Samarqand firdavsmonandning fazilatlari bayonida.
- 3.Buxoro podsholari saltanatlarining tartibi xaqida. Bu bob 7 fasldan iborat.
- 4.Saiyd Olimxonning saltanati va uning davrida ruy bergan voqyealar xakida.
- 5.Amir Olimxon va Buxoro muhojirlarining Buxoro inqilobidan so'ng boshlaridan kechirgan voqyealari haqida.
- 6.Russiya sho'rolarining zafar topgani va Buxoroni bosib olishi, amir qochgandan keyin Buxoroning xarob bo'lishi to'g'risida.
- 7.Buxoroda sho'rolarning hukmronligi haqida.
- 8.Buxorodagi xarob bo'lgan imoratlarning ta'mir etilishi, ba'zi binolarning buzilib, ruscha usulida qurilishi haqida.
- 9.Buxoroning ba'zi amaldorlari va xizmatkorlari haqida.
- 10.Amir Olimxon bilan Afg'onistonga qochib ketgan amaldor va fuqarolarning ahvollari xususida.
- 11.Bosmachilik harakati haqida.
- 12.Ilmi hikmat haqida.
- 13.Ba'zi faylasuflarning sharhi hollari haqida.
- 14.Taqvimlar, abjad hisobi, rivoyat va asotirlar.
- 15.Bob. Movarounnahr, Buxoro, Samarqand va Usmoniy turk davlatlari podsholarining tarixlari.

Xotima: Muallif ko'pincha o'zi ko'rgan, boshidan kechirgan voqyealarni va ma'lumotlarni keltirib, ishonarli axborotchilar ma'lumotlaridan ham foydalanadi.

Manbaning birinchi bobida Muhammad Ali Buxoroi Sharif shahrining fazilatlari va xosiyatlari haqida yozib, uni Islom olamida katta shuxrat qozonganini, ilm va ma'rifat markazi bo'lganini maxsus qayd qilib o'tadi.

«Tarixi Nofeiyn»ning uchinchi bobi 7 fasldan iborat. Birinchi faslda amirning amir, deb e'lon qilishi, taxtga ko'tarilish tartib-qoidasi bayon qilingan. Amir-yakka hokim (monarx) huquqiga ega bo'lib mutlaq hokimiyat uning qo'lida bo'ladi. Amirning huquqi hyech qanday shaxs yoki mansabdor yoki bir tashkilot tomonidan cheklanmagan.

«Tarixi Nofeiyn»ning to'rtinchi bobi qiziqarli ma'lumotlarga boydir.

Muallif Buxoro va Rossiya munosabatlariga ham e'tibor bergan. Birinchi jaxon urushi vaqtida, deb yozadi Muhammad Ali, Nikolay amir Olimxondan madad so'raydi. 500 miltik va 1500 ot yuborib Olimxon nodshox Nikolay lutfiga sazovor bo'ladi. 1916 yilgi qo'zg'olonni ham Muhammad Ali nazaridan chetda qoldirmagan. Urushning ikkinchi yilida Rossiya davlati Turkiston viloyatidan mardikor so'raydi. Hamma mulklar mardikor bergan bo'lsa xam Jizzax mamlakati odam bermadi. Jizzaxni to'pga tutib yer bilan yakson qildilar. Insofsizlik va zo'ravonlik shu darajaga yetdiki bokira kizlarni zino qilib, xotinlarning ko'kraklarini kesib, bolalarni esa to'pga tutdilar. O'sha shaharda zulm va xarobachilik haddidan oshdi.

Muxammad Ali Baljuvoniyl risolasi ko'p joylarida 1917-1920 yillar davomida yuz bergan siyosiy voqyealar haqida ham yozib o'tgan.

Bolshyeviklarning davlat to'ntarishlari, Kolesov mojarosi, Buxoro hurriyatchilari, yosh buxoroliklar va taraqqiyparvarlari, jadidlar, Buxoro inqilobi masalalari ana shular jumlasidandir. «Buxoro mulkida amir davrida osonlik bilan hurriyatga erishib bo'lmasligini bilib, bu jamoa kochib g'urbat libosini kiyib Rossiya sho'rolar mulkiga ketdilar. Ular taxminan 222 nafar edilar. Bu jamoaning eng mashhurlari Mirzo Muhiddin sarof, Fayzullo Xo'ja ibni Ubaydullo xo'ja, Olimbek binni Jo'raboy do'st edilar». Boshqa joyda esa muallif yoshlar va nomdor toji7rlar Ahadxon bilan «sherik-tijorat edilar», deb yozadi.

Demak, XX asr boshlarida Buxoroda yuz bergan voqeya-xodisalar mahalliy tarixnavislar tomonidan atroflicha ishlarni talqin etilgan. Buni biz yuqoridan manbalarda kuzatishimiz mumkin.

ADABIYOTLAT RO'YXATI

1. Boltayev, Bobir Baxtiyorovich. "BUXOROLIK MINIATURACHIRASSOM SADRIDDIN POCHCHAYEV IJODIGA BIR NAZAR." *Scientific progress* 1.6 (2021): 998-1004.
2. Rajabov, Oybek Iskandarovich. "BUXORODAGI AYRIM MUQADDAS QADAMJO-QAL'ALAR XUSUSIDA." *Scientific progress* 1.6 (2021): 1162-1168.
3. Умаров, Б. Б. "НА КИСЛЯКОВ ТАДҚИҚОТЛАРИДА ЖАНУБИЙ ТОЖИКИСТОН ЭТНИК ТАРИХИ." *Scientific progress* 1.6 (2021): 1005-1009.
4. Тўраева, Г. Б., Ўтаева, Ф. Х., & Жумаева, Н. А. (2021). ОА СУХАРЕВА ТАДҚИҚОТЛАРИДА БУХОРО ТАРИХИ ВА ЭТНОГРАФИЯСИНИНГ ЎРГАНИЛИШИ. *Scientific progress*, 1(6), 1010-1018.
5. Bakhtiyorovich, Boltaev Bobir. "Excerpts from the life of the bukharian artist." *Middle European Scientific Bulletin* 12 (2021): 160-165.
6. Ochilov, A. T. "DATING OF THE ZAMANBABA CULTURE: ASSED ON ARCHAEOLOGICAL SOURCES." *Theoretical & Applied Science* 12 (2019): 589-591.
7. Mubinov, M. A. "Diplomacy of the eastern states and central asian khanates in the struggle for independence." *CENTRAL ASIAN JOURNAL OF SOCIAL SCIENCES AND HISTORY* 2.5 (2021): 26-31.
8. Maksud, Beshimov. "Markets of Bukhara." *CENTRAL ASIAN JOURNAL OF SOCIAL SCIENCES AND HISTORY* 2.5 (2021): 18-21.
9. Sharopov, Dilshod Ravshan O'G'Li. "ABDURAZZOQ SAMARQANDIYNING "MATLAI SA'DAYN VA MAJMAI BAHRAYN" ASARINING O'RGANILISH TARIXI." *Scientific progress* 2.1 (2021): 358-361.
10. Очиллов, Алишер Тўлис Ўғли. "БУХОРО ВОҲАСИ ШАКЛЛАНИШИДА ЗАРАФШОН ДАРЁСИНИНГ ЎРНИ ВА ВОҲА ТАРИХИЙ ГЕОГРАФИЯСИГА ДОИР АЙРИМ

МУЛОҲАЗАЛАР." *Scientific progress* 1.6 (2021): 933-938 Murodova, Dilrabo Shomurodovna, and Feruza Xolmamatovna O'tayeva. "TF Gelax tadqiqotlarida Buxoro shahri mudofaa tizimining organilishi." *The Fifth International Conference on History and Political Sciences*. 2015.

11. Turaevich, Halimov Talat. "From the history of economic relations between central asia and india (XV-XVII centuries)." *CENTRAL ASIAN JOURNAL OF SOCIAL SCIENCES AND HISTORY* 2.5 (2021): 22-25.

12. OCHILOV, Alisher. "JEWELRYC TRADITION IS A SOURCE OF STUDY OF BUKHARA HISTORY." *Bayterek Uluslararası Akademik Araştırmalar Dergisi* 1.1: 105-116.

13. Бобожонова, Феруза Хаятовна. "БУХОРО МАДРАСАЛАРИ МАЪНАВИЯТ ДУРДОНАСИ." *Scientific progress* 2.1 (2021): 362-366.

14. Муродова, Дилрабо Шомуродовна. "ИККИНЧИ ЖАҲОН УРУШИ ЙИЛЛАРИДА БУХОРОДА ИЛМ ВА ФАН (БУХОРО ПЕДАГОГИКА ИНСТИТУТИ МИСОЛИДА)." *Scientific progress* 2.1 (2021): 660-664.

15. Ochilov Alisher. "The Role of Zamanbaba Culture in The Social and Economic History of Bukhara Oasis During Bronze Age." *CENTRAL ASIAN JOURNAL OF SOCIAL SCIENCES AND HISTORY* 2.4 (2021): 42-47.

16. JAMOLOVA, DILNOZA MUYIDDINOVNA. "THE END OF THE EMIRATE OF BUKHARA: THE END OF THE POLITICAL STRUGGLE BETWEEN THE JADIDS AND THE ULEMA." *International Journal of Philosophical Studies and Social Sciences* 1.1 (2021).

17. Jamolova, D. M. "Traveling to Modernity: Perception of Modernity of the Central Asian Muslims in the early 20th century." *International Journal of Psychosocial Rehabilitation* 9.24 (2020): 4202-4207.

18. Темиров Ф., Исломов Д. САДРИДДИН АЙНИЙ-ЗАМОНДОШИ ФИТРАТ ҲАҚИДА // *Scientific progress*. – 2021. – Т. 2. – №. 1. – С. 1349-1354.

19. Темиров Ф., Халикова Н. БУХОРО АМИРЛИГИДА ТАШҚИ СИЁСАТ ВА ДИПЛОМАТИЯНИНГ РИВОЖЛАНИШИ ТАРИХИДАН // *Scientific progress*. – 2021. – Т. 2. – №. 1. – С. 1276-1282.

20. Темиров Ф., Умаров Б. БУХОРО АМИРЛИҚДА ОИЛА, НИКОҲ ВА МЕРОС ҲУҚУҚИНИНГ АМАЛДА ҚЎЛЛАНИШИ // *Scientific progress*. – 2021. – Т. 2. – №. 1. – С. 1201-1207.

FITRATNING "RAHBARI NAJOT" ASARIDA MA'RIFIY VA MA'NAVIY G'OYALARINING AKS ETTIRILISHI

Tag'oeva Dilnavoz – BuxDU o'qituvchisi

Davlatimiz mustaqillikka erishgach, ma'naviy qadriyatlarimizni tiklashga, milliy o'zlikni anglashga asos yaratildi. Vatanimiz mustaqilligini mustahkamlash, uning rivojini ta'minlash boy ma'naviyat va ruhiyat ilmidan samarali, odilona, oqilona va omilkorlik bilan foydalanishni taqozo etmoqda.

Ma'naviy me'rosimiz yaratuvchilarini e'zozlab, ularning muqaddas kitoblarini asrab-avaylab, hayotga tadbiq etishimiz lozim. Ana shunday adiblarimizdan biri XX asr milliy uyg'onish davrining ulkan namoyandalaridan biri Abdurauf Fitratdir.

Bizga ma'lumki, Fitrat serqirra ijodkor, uning qizg'in va ko'p qirrali ijtimoiy faoliyati badiiy ijodining o'sishiga sabab bo'ldi. Asarlarining mavzuini rang-barang qildi, mazmunini chuqurlashtirdi yuksak rux bag'ishladi. Boshqa bir qancha faylasuflar, olimlar, adiblar singari Fitrat ham oila masalasi, uning jamiyatdagi o'rni, oiladagi psixologik muhit, bola tarbiyasida oilaning roli masalalarida bir qancha risolalar yaratdi va o'z asarlarida inson bilimi, umumiy dunyoqarashining o'zgarishida, jamiyatning ichki tartib-qoidalarini to'g'ri o'rganib, uning talablariga javob bera oladigan inson bo'lib yetishishida tarbiyaning rolini bosh masala sifatida ta'kidlab o'tdi.

Adib o'z asarlarida insonning ma'naviy hayotiga ta'sir etuvchi ikki jihat, ya'ni uning aqli - ongliligi va axloqi (xulk-atvori)ga e'tibor qaratgan . Uning fikricha, ta'lim va tarbiya insonni aqliy tomondan xam axloqiy jihatdan ham komil inson qilib yetishtirishga qaratilmog'i lozim. Fitrat risolalarida ta'lim-tarbiya sistemasi, mukammal inson tarbiyalash vazifapari ichida, xususan, aqliy va axloqiy tarbiyaga alohida o'rin bergan. U o'tkir aql va go'zal xulq ma'naviy inson bo'lib yetishishning asosiy shartidir, deb hisoblaydi .

Fitrat "Oila yoki oila boshqarish tartiblari" nomli risolasida oila a'zolarining o'zaro munosabatlari, bola ruhiyati, ota-ona va farzand ruhiyati nisbati, insonning ma'naviy jihatdan yetuk va mukammal bo'lib yetishishi uchun zarur bo'lgan tarbiya usullariga alohida to'xtaladi. Insonning ma'naviy jihatdan yetuk va mukammal bo'lib yetishishi uchun zarur bo'lgan tarbiya turlari, xususan, badan tarbiya - jismoniy tarbiya, aqliy-intellektual tarbiya, axloqiy tarbiya haqidagi fikrlarida ta'lim- tarbiya ishiga kirishish, uni boshlashdan avval bolaning shaxsiy xislatlarini bilish, yosh xususiyatlarini hisobga olgan holda tarbiyalash jarayonida nazarda tutish lozimligini ko'rsatadi.

Fitrat bola tarbiyasida xususan aqliy tarbiya, ma'rifat, aqlni mavjud bilimlar bilan boyitishga juda katga e'tibor berish lozimligini takror-takror qayd etadi. Bola aqlini tarbiyalash uning zehni va aql-idrokini kamolga etkazish deb xisoblaydi. Fitrat karashlarida aql va aqliy tarbiya masalasi eng asosiy o'rinlardan birini egallaydi .

Fitrat psixologik qarashlarida yaxshi bilmoq, yaxshi o'rganmok mukammal fikr qilmokdir, deydi. Ana shu tafakkurni, zehn xarakatini "muhokama" deb ataydi. Uning fikricha, inson aqlining kuchi va zakovati bilan to muhokama etib qaror qilmasa, bir ishni boshlab yoki biror ishni to'xtata olmaydi. U o'z fikrlarini hayotiy misollar orqali atroflicha tushuntirib beradi. Fitrat o'zining psixologik va falsafiy qarashlarida axloqiy tarbiyaning inson hayoti uchun muhimligini aytib o'tgan. U yaxshilik, g'urur, oliyjanoblik, adolatlilik, jasurlik kabi axloqiy kategoriyalarga ham to'xtalib o'tadi va agar axloqiy tarbiya talab darajasida

bo'lmasa, bola aqli hamda jismoniy kuchini o'zi yoki atrofidagilar zarariga ishlatadi, deb hisoblaydi .

Uning risolalarida axloqiy tarbiya aqlli, fazilatli inson tarbiyalashning eng muxim shartlaridan bulib, aqliy tarbiya bilan uzviy bog'lab tushuntirilgan. Uning fikricha, axloqiy fazilatlar aqliy fazilatlardan ajralgan holda mavjud bo'lishi mumkin emas, to'la va haqiqiy ma'nodagi aqlli kishi albatta axloqli bo'ladi. Adib asarlarida ruhiy jarayonlar to'g'risida ham fikr yuritgan. U bilish jarayonlarini juda aniq ifodalaydi, ularning uzviy bog'liqligini, aqliy bilish hissiy bilishsiz vujudga kelmasligini aloxida ta'kidlash bilan birga ularning bilish jarayonidagi xususiyatlariga e'tibor beradi.

Fitrat insonning ob'ektiv borlig'ni bilishi nuqtai nazaridan, bu bilish jarayonlarining inson bilimlarini boyitish, ma'rifatli bo'lishdagi roli jihatidan o'rganishga va talqinqilishga xarakat qiladi. U o'zining ruxiyatga oid qarashlarida sezgilar, tafakkur, diqqat, xotira kabi ruhiy jarayonlarga juda katta e'tibor bergan. U ruhiy jarayonlarni insonning individual psixologik xususiyatlari bilan bog'laydi, ularning o'zaro bog'likligini, farqlarini, tafovutlarini ham ko'rsatadi. Fitratning o'z zamonasi uchun nihoyatda dadil bo'lgan ilg'or fikrlari keingi ijtimoiy, falsafiy, psixologik fikrlarning taraqqiy etishida muxim ahamiyatga ega .

Asrimiz boshlarida qoloqlikka yuz tutgan, tor, biqiq, ichki munosabatlar bilan o'ralashib qolgan, bir vaqtlar musulmon va madaniyat olamining markazi hisoblangan Buxoroda - umarolarining fuqaro bilan ishi yo'q, ulamolari dinning asl axloqiy aqidalaridan uzoqlashgan, bid'atga botgan, fuqarolari esa nodonlikka maxkum etilgan yurtda uning baxti, kelajagi va taraqqiysi haqida o'ylaydigan, uning uchunda qayg'uradigan, harakat qiladigan, "Muxtaram bir jamoa" - jadidlar harakati yuzaga keldi. Jadidlar mamlakatda iqtisodiy-siyosiy, madaniy-ma'rifiy islohotlar o'tkazish uchun kurashdilar. Ular taraqqiyotga ma'rifat orqali borilishini, uning uchun esa din va ilm vosita ekanligi g'oyasini ilgari surdilar . Barcha mamlakatlarda, hamma davrlarga mamlakat inqirozga tomon ketganda ulug' yoboshchilar, buyuk tafakkur egalari "Nima qilmok kerak"? degan savolga javob izlaganlar. Buxoro jadidlarining mafkurachisi bo'lgan Abdurauf Fitratning "Raxbari najot" asari Buxoro xalqi va uning ilg'or farzandlari oldida turgan shu savolga javob sifatida yozilgan edi.

Fitratning "Raxbari najot" asari 1915 yili Petrogradda, yosh buxoroliklarning bo'lg'usi raxbari Abduvoxid Munzim (Burhonov) tomonidan nashr qilingan . XIX asr ma'rifatparvarlariga Ahmad Donishning "Navodir ul-vaqoe"si qanday o'rin tutgan bo'lsa, yangi davr ma'rifatparvarlari - jadidlarining qomusiy asari sifatida "Raxbari najot" xizmat qilgan . Fitrat "Rahbari najot", "Munozara", "Hind sayyohi", "Hayot va hayot g'oyasi" kabi asarlari hamda maqolalarida ilgari surgan fikrlarini rivojlantirdi va umumlashtirdi .

Asarda yosh buxoroliklarning g'oyaviy-falsafiy va axloqiy karashlari aks etgan . Fitrat din deganda shunchaki xudoga ibodatni nazarda tutmaydi. U dinda ilmni, ma'rifatni, o'zligini anglashni, insoniylikni ko'radi. Fitrat voqelikka hayot

g'oyasi nuqtai nazaridan yondasharkan, jamiyatda "Xech qanday foyda keltirmaydigan odamlar" haqida yozadi . Ular ikki guruxga bo'linadi. Birinchilari, hayotning mazmunini ovqatlanish va uxlashda, sharob ichmoq va shirinliklardan lazzat olmoqda ko'rishadi. Ular inson majburiyatlari haqida o'ylashmaydi, hech narsaga qiziqishmaydi. Yaratuvchi bundayin kishilarga baxt ato etmaydi, deydi Fitrat.

Ikkinchilari, o'z baxtlarini xayot ?oyasida ko'rishadi, lekin bu dunyo baxti uchun xech bir tadbir kilishmaydi. Bu dunyo baxti, deyishadi ular, gayridinlar uchun yaratilgan, musulmonlar uchun esa dunyo do'zaxdir, sinovdir. Fitrat fikricha, dunyo ishlariga befark va narigi dunyo baxti bilan mash'ul bu gurux kishilari jamiyatga xech kanday foyda keltirishmaydi.

Hayot g'oyasi kishilardan ibodatni talab qiladi. Fitrat bu masalada ham to'xtaladi. Fitrat bunda ikki tanob hosildor yeri bor dexqon misolini keltiradi. Agar dehqonchilik qurollarini va urug'likni bahorgi ekinga tayyorlab qo'ymasa, hamma vaqt machitga qatnab xudodan "ellik xalta bug'doy yetkazishni" so'rab iltijo qilsa, uning xoxishi, albatta, inobatga o'tmaydi. Unga qarashli yer ham ma'lumki, o'z o'zidan hosil bermaydi. Agar dehqon faqat dehqonchilik bilan shug'ullansa, oddiy suv toshqini yoki ekinga qurt tushib ham hosil bitmasligi mumkin. Demak, dehqon xudodan tabiatning qulay kelishini so'ramog'i, hamda dexqonchilik ishlarini hal qilmog'i kerak. Bu fikrlar bizga tasavvuf falsafasini, naqshbandchilikdagi "Dil ba yoru dast ba kor" talabini esga soladi.

Inson din orqali, hayot g'oyasi orqali ikki dunyo saodatiga doxil va oxirat dunyosiga boradi. Xayot g'oyasi, hayotning mazmuni, ya'ni baxtga erishish insondan ma'naviy, oilaviy va insoniy majburiyatlarga erishishni, hamda ularga amal qilishni talab qiladi. Fitrat "Rahbari najot"ni mana shu majburiyatlarni ta'riflash asosiga ko'rgan.

Insoniyat aql raxbarligisiz saodatga erisha olmaydi. Aqlga esa ilm orqali erishiladi. Natijada, Fitrat ilmlar analizini, fanlar tasnifini beradi, ularni sohalari bo'yicha turkumlaydi. Alloma har bir fanga aloxida ta'rif beradi, ularning vazifasi va bu fanlarga xissa qo'shgan SHarq mutafakkirlari haqida so'zlaydi, o'z fikrlarini esa Qur'onu hadislardan olgan hikmatlar bilan dalillaydi.

Jamiyatning mavjud ahvoriga baxo berish va uning taraqqiy etish yo'lini ko'rsatish asarning bosh mavzuidir. Jamiyatning hozirgi taraqqiy yo'li noto'gridir, halokatdir. Kishilar hayot g'oyasiga amal qilsalar saodatga erishadilar. "Nima qilmok kerak?" Fitrat hadis orqali javob beradi: "qashshoqlarga xayr-ehson qil, foydali ilmlarni egalla, yaxshi farzandlar tarbiyala: Agar bizning barcha boylarimiz mana shu hikmatlarga amal qilishganda edi, rivojlanish, baxt tinchlik sari yuz tutgan bo'lar edik", deydi.

Abdurauf Fitratning Turkiyaga o'qishga borgani to'g'risidagi ma'lumotlar barchaga ma'lum bo'lsa ham ulug' adib u erda qachon va qaerda o'qigani to'g'risida turli xil munozarali fikrlar mavjud. Qator olimlar, jumladan, E.Karimov, N. Karimov, A. Aliev, I. G'aniev ishlarida, 1909-1913 yillar Turkiyada bo'lgani qayd etilgan, biroq bu olimlarning hech biri qaysi manbalar

asosida ish ko'rganini aytmaydi. Aftidan, Fitrat haqida "fosh qiluvchi" maqola yozgan Hamid Olimjon dastlab ulug' shoir va olimning Istanbuldalik davrini 1909-1913 yillar deb ko'rsatgani uchun ham bu sanalar turli olimlarning ishlarida bir-biriga o'tib yurgan. Ayni mana shu ma'lumot, keyinroq sud-tergov hujjatlarida ham takrorlanadi. "Tarbiyati atfol" (Yosh buxoroliklar tashkiloti) S. Ayniyning "Buxoro inqilobi tarixi uchun materiallar" kitobida "Fitrat 1910 yilning bahorida hamroxi Muqimbek bilan Eron yo'li orqali Istanbulga ketdi" deb yozadi. Yana shu asarda 1910 yildagi Fevral voqealariga to'xtalib, "Tarbiyati atfol" ("Bolalar tarbiyasi") nomli maxfiy jamiyat tuzilgani aytiladi. Boshqa bir o'rinda "1911 yili Istanbulga ketdi" degan xabarni ham berib o'tadi. Barcha sanalar hijriy 1329 yil voqealari sifatida tilga olinadi .

XX asr boshlarida Istanbulda nafaqat turkiy dunyo, balki arab, fors, afg'on siyosiy harakatlarining rahbarlari yashaganlar va ular dunyoqarashlarining shakllanishida ham Istanbul muhiti o'z ta'sirini ko'rsatgan. Afg'onistonda ma'rifatparvarlik harakatining e'tirof etilgan yo'lboshchisi 21 yoshdan - 36 yoshgacha Turkiyada yashagan va uning dunyoqarashi ana shu mamlakatda shakllangan. Asr oxirlarida afg'on islohotchilik harakatining yo'lboshchisi sifatida e'tirof etilgan Maxmud Tarziyning buyuk faylasuf va jamoat arbobi Sayyid Jamoliddin Afg'oniy (1837-1897) bilan uchrashuvi ham mana shu Istanbul zaminida kechgandi. Maxmud Tarziy (1865-1933) muxarrirligida 1911 yildan chiqqa boshlagan "Siroju-l-axbori afg'oniya" gazetasida Fitrat maqolasining paydo bo'lishi tasodifiy hol emas. Qolaversa, fors tilida "Taraqqiy va tajaddud" sarlavhasi bilan e'lon etilgan bu maqola ostida "Istanbul: 1331. Zulxijja 10 (15.11.1913)" sanasi keltirilishi Fitrat 1913 yilning 15 noyabrida xali Istanbulda ekanini anglatadi.

Ayni shu yili uning "Oyna" jurnalida (1913 yil 4 va 6 sonlar; 16, 30 noyabr) chop etilgan "Manfaat" maqolasi ham, bizningcha, Istanbulda yozilgan va Maxmudxo'ja muxarrirligidagi jurnalga yuborilgan bo'lishi kerak. Chunki "Siroju-l-axbori afg'oniya"dagi Fitrat maqolasining boshlang'ichida uning "Samarqand" gazetasining 44-sonidan ko'chirilib bosilganiga ishora bor. Bu esa "Samarqand" gazetasining to'xtab qolishidan avval chiqqan so'nggi soni bo'lib, bu haqda M. Behbudiy yozadi: "Samarqand" gazetasi sarmoyasiz, faqat va'da va umid ilan chiqarilib edi. Umidlar tasavvurdan fe'lg'a kelmadi. Zarar va ogchasizlik sababli choru nochor besh oy davom etib, 1913 yil 13 sentyabr 44 adadila vaqtincha yotib edi...". Bu kabi faktlar Fitratning 1909 yilning sentyabridan, Ayniyning e'tirofiga ko'ra, 1914 yilning bahoriga qadar Turkiyada bo'lganini anglatadi.

ЖАМОЛИДДИН АФҒОНИЙ ҒОЯЛАРИНИНГ БУХОРОДАГИ ИЖТИМОЙ-СИЁСИЙ ЖАРАЁНЛАРГА ТАЪСИРИ

Жамолова Дилноза Муъйидиновна

Бухоро давлат университети ўқитувчиси, PhD

XIX аср охирларида Мисрда вужудга келган ислохотчилик ҳаракатида Жамолиддин Афғонийнинг илғор ва замонавий ғоялари муҳим ўрин тутди. Бу шахснинг тараққийпарвар ғоялари доимий равишда диний мутаассиблар қаршилигига учраган бўлсада, ўз олдида қўйган мақсадидан қайтмади. Унинг ислом ислохотчилиги ғоялари Миср ва Ҳиндистон мусулмонлари орасида машҳур бўлди. Ҳиндистонлик маслакдоши Саййид Аҳмадхон туфайли кейинчалик бу ғоялар Россия мусулмонлари қарашларига ҳам ўз таъсирини ўтказиб, улар туфайли Туркистон ва Бухорода ҳам ислом ислохотчилиги ҳаракатлари бошланди.

Саййид Жамолиддин ибн Сафдор (Афғоний) Кобул шаҳрининг шаркида жойлашган Асадобод қишлоғида, ҳанафий мазҳабига мансуб исломий хонадонда 1838 йилда туғилган¹. Дастлабки таълимни ўз юртида олган Жамолиддин дунёвий таълим олиш учун Ҳиндистонга жўнайди. Дорулфунунда таълим олиш билан бир вақтда кутубхоналарда сақланаётган фалсафа, мантиқ ва диний китобларни мустақил ўқиб ўрганган. Марказий Осиёлик мутафаккирлар Абу Али ибн Сино, Абу Наср Фаробийларнинг мантиқ ва фалсафага оид асарлари билан танишиб чиққан. Шарқ маърифатпарварлари орасида биринчилардан бўлиб исломни диний, ижтимоий, фалсафий тизимини мустамлакачиликка қарши кураш вазифалари асосида қайта кўриб чиқиш заруриятини англаб етган². 1869 йилгача афғон амирлари хизматида бўлиб, уларнинг ҳокимият учун ўзаро курашларида фаол қатнашган. Ҳаётининг кўп қисмини Ҳиндистон, Миср, Ироқ, Россия, Франция, Англия, Туркия каби давлатларида муҳожирликда ўтказган. Жамолиддин Афғоний Мисрда Шайх Муҳаммад Абду, Татаристонда Ризоуддин ибн Фаҳриддин (1859-1936) ва Туркияда шоир Меҳмед Эмин кабиларни тарбиялаб етиштирган исломий олим ҳисобланади³.

Жамолиддин Афғоний 1871 йилда Мисрда Шарқдаги айрим мусулмон диний мутаассибларининг Ғарбдан кириб келаётган техникавий янгиликларни инкор этишга интилишларини қоралаб, ислохотчилик ҳаракатини бошлайди ва унинг Мисрдаги фаолияти 1879 йилгача давом этган⁴.

¹ N. R. Keddie. Sayyid Jamal ad-Din "al-Afghani: A Political Biography. Berkeley, 1972. – P. 6.

² Djamel Al-Din Al-Afghani. Encyclopedia of Islam, Brill, 1991. Vol. 2. – P.417.

³ Schacht J. Muhammad 'Abduh // The Encyclopaedia of Islam. Leiden–New York. 1993. Vol. 7. – P. 418-420.

⁴ Ҳакимов И. М. Антиколониализм. Джемаль ад-Дина аль-Афгани на страницах "аль-Урва аль-вуска" // Арабские страны. — Москва, 1970. – С.15.

Жамолиддин Афғонийнинг ислохотчилик ғояларида давлат тузумини ислох қилиш ва миллий озодлик ғоялари етакчилик қилиб, фақат ислом динини ислох қилиш орқали тараққиётга эришиб бўлмаслигини таъкидлаган. Мусулмон давлатларини Европа мустамлакачилигидан озод этиш, бунинг учун мусулмонларни бирлаштириш кераклигини тарғиб қилган. Давлат бошқарувидаги монархия тартибларидан воз кечиб, парламентар давлат тузиш ғоясини илгари сурган.

Жамолиддин Афғонийнинг бу ғоялари Миср ҳукуматига маъқул бўлмай, уни мамлакат ҳудудидан чиқариб юбориш чоралари кўрилган. 1883 йилда Афғоний шогирди ва энг яқин маслакдоши Муҳаммад Абду¹ билан Францияга жўнаб кетишга мажбур бўлган. Жамолиддин Афғоний 1884 йилда Парижда шогирди Муҳаммад Абду билан биргаликда “Ал-Уврат ал-Вусқо” (“Мустаҳкам бирлик”) яширин жамиятини тузган². Бу жамият мусулмон зиёлилари орасида катта таъсир кучига эга бўлган, шу номда газета ҳам нашр этилган. Лондонда араб тилида чоп этилган “Ал-Уврат ал-Вусқо” газетаси бор йўғи 7 ой (1884 йил март-октябрь) фаолият кўрсатган бўлиб, жами чиққан газеталар сони 18 тани ташкил этган. Газета инглиз ва француз ҳукуматини ташвишга солган ва тезда ёпиб қўйилган бўлсада, ислом дунёси тарихида муҳим роль ўйнаган³. Газетада нашр қилинган “Миллат ва мусулмон эътиқоди”, “Мусулмонлар жамиятининг бугунги куни”, “Христианлик, Ислом ва уларга эргашувчилар”, “Мусулмонларнинг таназули, суқунати ва унинг сабаблари”, “Мусулмон бирлиги”, “Бирлик ва суверенитет”, “Ҳамжихатлик” каби мақолаларда Шарқ халқларининг қайғули ҳолати, ўтмишдаги хатоликлари ва уларни келажакда олдини олиш йўлларини кўрсатувчи тавсиялар, мусулмон жамиятининг қолоқлиги, хурофотга қарши кураш йўллари, диндорларга ислохотларни тушунтириш, Европа давлатлари мустамлакачилик сиёсатининг мазмун моҳияти очиб берилган⁴.

Жамолиддин Афғоний ва Муҳаммад Абду ўз ғояларини тарғиб қилиш учун 1888 йилда Россияда бўлиб, мусулмонлар билан учрашган вақтларида фақатгина исломни ислох қилиш ва янгилаш ҳақида эмас, балки мусулмонларнинг фан ва техника ютуқларини эгаллашлари ҳақида ҳам сўзлайдилар. Жамолиддин Афғоний ўз нутқида Европа маданиятини мусулмон дунёсига юзаки жорий этишга қарши эканини айтиб, Шарқнинг бой маданияти ва ўзига хос хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда иккала

¹ Муҳаммад Абду Қоҳирадаги Ал-Азҳар университетида (1869-1877) таҳсил олган бўлиб, Мисрдаги миллий озодлик ҳаракатларида иштирок этгани учун ҳибсга олинган.

² Хакимов И. М. Антиколониализм. Джемаль ад-Дина аль-Афгани на страницах "аль-Урва аль-вуска" // Арабские страны. — Москва, 1970. — С.18.

³ Садыхова А., Садыхова Н. Мусульманские реформаторы в Западной Европе: от славного прошлого к неопределенному будущему // Перспективы, 2006. № 6. — С. 75.

⁴ Садыхова А., Садыхова Н. Мусульманские реформаторы в Западной Европе: от славного прошлого к неопределенному будущему. — С. 76.

маданиятни бир-бирига яқинлаштириш ва шу тариқа ўзининг миллий уйғониши учун шарт-шароит яратиши керак, деб таъкидлайди.

Жамолиддин Афғонийнинг Ал-Уврат ал-Вусқо яширин жамияти Лондон ва Парижда 1892 йилгача фаолият кўрсатган бўлиб, Россиянинг мусулмон давлатлари, Миср, Ҳиндистоннинг зиёли уламоларини бирлаштирган. Жамолиддин Афғоний ғоялари барча мусулмон зиёлилари томонидан бирдек қабул қилинмаган. Мусулмонлар орасида унга қарши тарғибот олиб борувчилар ҳам талайгина бўлиб, уни дахрийликда, ислом динига қарши чиққанликда айблаганлар. У амалий тарғибот олиб бориш билан бир вақтда ислом тарихи ва шариат бўйича китоблар ҳам ёзган. “Материалистларни инкор этиш”, “Ренонга ал-Афғонийнинг жавоби”, “Ўқитиш ва таълимнинг фойдаси ҳақида” ва “Экзегетнинг эгзегези” асарлари шулар жумласидандир. Унинг таълимоти вафотидан сўнг кенг тарқалган. Туркистон минтақасида Россияга қарши олиб борилган миллий озодлик ҳаракатларида унинг ғоялари муайян даражада ижобий роль ўйнаган. Шарқ мамлакатлари (Эрон, Туркия ва б.)да бўлган инқилобларда бу ғоя мусулмон халқларини бирлаштирувчи таълимот бўлиб майдонга чиққан. Жамолиддин Афғоний 1892 йилда Туркияга келган ва шу ерда вафот этган¹.

Хуллас, Миср тараққийпарварлари ислохотчилик ҳаракатининг мақсади халқни Ғарб жамиятига рақобатбардош қилиб, жамиятни тубдан ўзгартиришдан иборат бўлган. Бу мақсад йўлида ҳаракат қилган маърифатпарварлар исломни замонавий шароитларга мослаш кераклигини англаб, мусулмон давлатлари ислом цивилизацияси ютуқларини рад этмасдан тараққий этишига ишонганлар. XIX аср охири – XX аср бошларида Мисрда ислом дини, маориф, жамият ва давлатни ислох қилиш учун бошланган уламолар ҳаракати бухоролик уламолар ва жадидлар томонидан турлича кутиб олинган. Уламолар Жамолиддин Афғонийнинг ислохотчилик фаолиятига қарши чиққан бўлсалар, жадидлар қўллаб-қувватлаганлар. Тараққийпарварнинг давлат, жамият ва динни ислох этишга оид таълимоти Бухоро жамиятидаги муаммоларни бартараф этишда тараққийпарварларга ғоявий тurtки берган.

АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ

1. Boltayev, Bobir Baxtiyorovich. "BUXOROLIK MINIATURACHIRASSOM SADRIDDIN POCHCHAYEV IJODIGA BIR NAZAR." *Scientific progress* 1.6 (2021): 998-1004.
2. Rajabov, Oybek Iskandarovich. "BUXORODAGI AYRIM MUQADDAS QADAMJO-QAL'ALAR XUSUSIDA." *Scientific progress* 1.6 (2021): 1162-1168.

¹ *Ramadan Tariq* Radical Reform. Islamic Ethics and Liberation. Oxford: Oxford University Press, 2009. – P.124.

3. Умаров, Б. Б. "НА КИСЛЯКОВ ТАДҚИҚОТЛАРИДА ЖАНУБИЙ ТОЖИКИСТОН ЭТНИК ТАРИХИ." *Scientific progress* 1.6 (2021): 1005-1009.

4. Тўраева, Г. Б., Ўтаева, Ф. Х., & Жумаева, Н. А. (2021). ОА СУХАРЕВА ТАДҚИҚОТЛАРИДА БУХОРО ТАРИХИ ВА ЭТНОГРАФИЯСИНИНГ ЎРГАНИЛИШИ. *Scientific progress*, 1(6), 1010-1018.

5. Bakhtiyorovich, Boltaev Bobir. "Excerpts from the life of the bukharian artist." *Middle European Scientific Bulletin* 12 (2021): 160-165.

6. Ochilov, A. T. "DATING OF THE ZAMANBABA CULTURE: ASSED ON ARCHAEOLOGICAL SOURCES." *Theoretical & Applied Science* 12 (2019): 589-591.

7. Mubinov, M. A. "Diplomacy of the eastern states and central asian khanates in the struggle for independence." *CENTRAL ASIAN JOURNAL OF SOCIAL SCIENCES AND HISTORY* 2.5 (2021): 26-31.

8. Maksud, Beshimov. "Markets of Bukhara." *CENTRAL ASIAN JOURNAL OF SOCIAL SCIENCES AND HISTORY* 2.5 (2021): 18-21.

9. Sharopov, Dilshod Ravshan O'G'Li. "ABDURAZZOQ SAMARQANDIYNING "MATLAI SA'DAYN VA MAJMAI BAHRAYN" ASARINING O'RGANILISH TARIXI." *Scientific progress* 2.1 (2021): 358-361.

10. Очилов, Алишер Тўлис Ўғли. "БУХОРО ВОҲАСИ ШАКЛЛАНИШИДА ЗАРАФШОН ДАРЁСИНИНГ ЎРНИ ВА ВОҲА ТАРИХИЙ ГЕОГРАФИЯСИГА ДОИР АЙРИМ МУЛОҲАЗАЛАР." *Scientific progress* 1.6 (2021): 933-938 Murodova, Dilrabo Shomurodovna, and Feruza Xolmamatovna O'tayeva. "TF Gelax tadqiqotlarida Buxoro shahri mudofaa tizimining organilishi." *The Fifth International Conference on History and Political Sciences*. 2015.

11. Turaevich, Halimov Talat. "From the history of economic relations between central asia and india (XV-XVII centuries)." *CENTRAL ASIAN JOURNAL OF SOCIAL SCIENCES AND HISTORY* 2.5 (2021): 22-25.

12. OCHILOV, Alisher. "JEWELRYC TRADITION IS A SOURCE OF STUDY OF BUKHARA HISTORY." *Bayterek Uluslararası Akademik Araştırmalar Dergisi* 1.1: 105-116.

13. Бобожонова, Феруза Хаятовна. "БУХОРО МАДРАСАЛАРИ МАЪНАВИЯТ ДУРДОНАСИ." *Scientific progress* 2.1 (2021): 362-366.

14. Муродова, Дилрабо Шомуродовна. "ИККИНЧИ ЖАҲОН УРУШИ ЙИЛЛАРИДА БУХОРОДА ИЛМ ВА ФАН (БУХОРО ПЕДАГОГИКА ИНСТИТУТИ МИСОЛИДА)." *Scientific progress* 2.1 (2021): 660-664.

15. Ochilov Alisher. "The Role of Zamanbaba Culture in The Social and Economic History of Bukhara Oasis During Bronze Age." *CENTRAL ASIAN JOURNAL OF SOCIAL SCIENCES AND HISTORY* 2.4 (2021): 42-47.

16. JAMOLOVA, DILNOZA MUYIDDINOVNA. "THE END OF THE EMIRATE OF BUKHARA: THE END OF THE POLITICAL STRUGGLE BETWEEN THE JADIDS AND THE ULEMA." *International Journal of Philosophical Studies and Social Sciences* 1.1 (2021).

17. Jamolova, D. M. "Traveling to Modernity: Perception of Modernity of the Central Asian Muslims in the early 20th century." *International Journal of Psychosocial Rehabilitation* 9.24 (2020): 4202-4207.

18. Темиров Ф., Исломов Д. САДРИДДИН АЙНИЙ–ЗАМОНДОШИ ФИТРАТ ҲАҚИДА //Scientific progress. – 2021. – Т. 2. – №. 1. – С. 1349-1354.

19. Темиров Ф., Халикова Н. БУХОРО АМИРЛИГИДА ТАШҚИ СИЁСАТ ВА ДИПЛОМАТИЯНИНГ РИВОЖЛАНИШИ ТАРИХИДАН //Scientific progress. – 2021. – Т. 2. – №. 1. – С. 1276-1282.

20. Темиров Ф., Умаров Б. БУХОРО АМИРЛИҚДА ОИЛА, НИКОҲ ВА МЕРОС ҲУҚУҚИНИНГ АМАЛДА ҚЎЛЛАНИШИ //Scientific progress. – 2021. – Т. 2. – №. 1. – С. 1201-1207.

ЖАДИД МУТАФАККИРИ САИДАҲМАД СИДДИҚИЙ – АЖЗИЙ ФАОЛИЯТИНИ ЁРИТУВЧИ МАНБАЛАР

*Жумаев Жонибек Шодиевич
Имом Бухорий халқаро илмий
тадқиқот маркази илмий ходими*

Туркистонда жадидчилик ҳаракатининг йирик вакилларида бири Саидахмад Ҳасанхўжа ўғли Сиддиқий Ажзий 1864 йилда Самарқанд вилоятининг Жомбой тумани Ҳолвойи қишлоғида хунарманд оиласида таваллуд топди. Унинг аجدодлари асли туркистонлик хўжалардан бўлиб, XV асрнинг ўрталарида ҳукмронлик қилган Абу Саид Мирзо даврида Самарқандга кўчиб келган эди. Бўлажак мутафаккирнинг ёшлигида отаси Ҳасанхўжанинг вафотидан сўнг онаси уни соатсоз устага шогирдликка беради. Уста табиатан анча хасис одам бўлгани сабабли Саидахмад ниҳоятда қийналган, турмушнинг оғир дамларини ўз бошидан кечирди. У бу ҳақда ўз таржимаи ҳолида батафсил баён қилган эди¹. Турмуш машаққатларига қарамасдан, ўзининг тиришқоқлиги туфайли Саидахмад соатсозлик хунарини пухта ўрганиб олган, шунингдек, тўқувчилик, заргарлик билан ҳам шуғулланган эди. Шу билан бирга, мазкур йиллар давомида у Самарқанд мадрасаларидан бирида ўқишни ҳам давом эттирди. Аммо, тирикчилик шароитининг оғир бўлганлиги туфайли ўқишни ташлаган ва ота касби бўлган тўқимачилик билан шуғулланган эди².

¹ Arslonov R. "Siddiqiy dunyoqarashi", falsafa fanlari nomzodi ilmiy darajasini olish uchun yozilgan dissertatsiya. 1962-yil, 62-bet.

² Р. Ҳошим. Сиддиқий тўғрисида мулоҳазалар. «Маориф ва ўқитувчи», 1928-йил, 3-сон

Бу даврда Саидахмад ўзининг туғма қобилияти туфайли мустақил билим олишга киришди. Жумладан, шарқ классик адабиёти, араб, форс, озарбайжон ва кейинчалик рус тилини ўзлаштирди. 1880 йиллардан эътиборан ўзи ҳам анъанавий усулдаги шеърлар машқ қила бошлади. Аммо, унинг маърифатчилик фаолияти ва ижоди ўз даврининг буюк кишиларидан бири сифатида эътироф этилишига олиб келди.

Сиддиқий Ажзий 1901 йилда ҳаж сафарига отланади. Мазкур саёҳат давомида бир қатор Шарқ мамлакатларида бўлиб, ислом дунёсидаги янгиликлар билан танишди, бир неча муддат Жиддада Русия элчихонасида таржимонлик қилди. Сўнг Москва, Петербург шаҳарларини айланиб, Тифлисга ўтади. Ниҳоят Самарқандга қайтиб, 1903 йил Ҳалвойи қишлоғида янги мактаб очади¹. Шоир кейинги бутун ҳаётини ана шу муқаддас ишга сарф этди. Ўзи очган мактабда табиий фанлар, араб ҳамда рус тилларидан сабоқ берди, дарсликлар тузди. У миллий уйғониш даврининг барча шоирлари сингари кенг оммани маърифатга бошлаш, ўз ҳақ-ҳуқуқларини англашга ўргатишни адабиётнинг бош мавзуи деб билди унга ўз ҳаётини бағишлади. Шу билан бир вақтда, Сиддиқий Ажзий вақтли матбуот нашрларида ҳам фаол иштирок этди. Жумладан, Ватан, илм-маърифатга бағишланган мақолалари билан Қозон, Оренбург ва Кавказдаги нашрларда қатнашди.

Сиддиқий Ажзий 1917 йил февраль инқилобидан кейинги ижтимоий ҳаракатларда ҳам бевосита иштирок этди. Жумладан, 1918-21 йилларда Вилоят Адлия комиссари лавозимида фаолият кўрсатди. 1922 йилдан яна ўқитувчиликка қайтди. Самарқандда ўзбек ва тожик тилларидаги «Машраб», «Мулла Мушфиқий» каби ҳажвий журналларни, «Зарафшон» газетасини чиқаришда фаол иштирок этди. «Майна», «Гинагина», «Шашпар», «Тир», «Гумном», «Олмос» имзолари билан ҳажвий асарлар ёзди. Сиддиқий 1926 йили қаттиқ касалланиб, 1927 йилнинг июл ойида Самарқандда вафот этди.

XX аср бошларида етук шоир, таржимон ва моҳир педагог, усули жаҳид мактабларининг ташкилотчиларидан бири сифатида фаолият кўрсатган маърифатпарвар Сиддиқий Ажзийнинг кўп қиррали фаолияти 1920-йиллардаёқ тадқиқотчилар эътиборини тортди. Жумладан, Сиддиқий Ажзий ҳақидаги дастлабки мақола Вадуд Маҳмуд (1897-1976) томонидан «Инқилоб» журналининг 1924-йил 11-12-сонларида эълон қилинди. Унинг мазкур мақоласида олим ҳақида кўплаб маълумотлар эълон қилиниб, қуйидагича фикр билдирилди; «Бошлаб Сиддиқий яхши техникдур: соат ва турли мошиналарни тузатмоқ ишига моҳирдур... Мусиқа билан ҳам анча шуғуллангандур. Ўз тилидан бошқа араб, форс, рус тилларини билур... Самарқанд жаҳидларининг бошида Бехбудий, Сиддиқий ва жаҳид

¹ 1903 йилда Ҳалвойи қишлоғида шоирнинг ўзи қурдирган мактаб ҳозир ҳам мавжуд бўлиб, мактабга унинг номи берилган.

мактабининг муаллимларидан Шакурий ўлароқ расман такфир этишлариға сабаб бўлгондур»¹.

Сиддикий Ажзий фаолияти ҳақида қимматли маълумот берувчи иккинчи муҳим манба Турсункул(Раҳим Ҳошим)нинг «Маориф ва ўқутғучи» журналининг 1928-йил 3-сонида босилган «Сиддикий тўғрисида мулоҳазалар» мақоласи бўлди. Мақола муаллифи Ажзийнинг шоирлик салоҳияти билан бир қаторда, мазкур даврда фаолият юритган жадидларнинг мактаб ва маориф соҳасидаги фикрлариға ҳам эътиборни қаратади². Шу билан бирга, у олим ҳақида фикр юрита туриб унга куйидагича таъриф беради: «Сиддикий мафкура ва ўйлашда ўз чоғдош (муосир) ва маслакдошларидан юқори туради. Унинг хаёли кенг, дунёни кўриши атрофли, кўзининг уфқи вусъатлидур»³.

Юқорида номлари келтирилган мақолалар билан бирга, бирмунча муддат ўтгач, бу борада илмий тадқиқот ишлари ҳам олиб борилди. Жумладан, 1962-йилда Р.Арслонунинг фалсафа фанлари номзоди илмий даражасини олиш учун ёзилган «Сиддикий дунёқараши» диссертацияси, 1965-йилда педагог-олим М. Фаттаевнинг Сиддикий-Ажзий фаолияти ҳақида ҳам сўз юритилган «Атоқли педагогларимиз» рисоласи яратилди. 1967-йилда профессор Б.Қосимовнинг «Сиддикий-Ажзий»⁴ номли анчагина кўламли мақоласи эълон қилинди. Шунингдек, Бухоролик тазкиранавис Нейматулло Муҳтарам томонидан яратилган «Тазкиратуш-шуаро» асарида эса олимнинг талабалик вақтларида шеърятга муҳаббат кўйганлиги тўғрисидаги маълумотлар берилди. Мазкур манбалар ва тадқиқотлар кейинги ишлар учун муайян йўналишларни тақдим этди.

Бундан ташқари, Тожикистонлик академиклар З.Ражабов ва А.Баҳоуддиновлар томонидан Сиддикий Ажзийнинг ижодкор-маърифатпарвар сифатида шаклланишида Аҳмад Дониш ва унинг «Наводирул-вақое» («Нодир воқеалар») асари муҳим аҳамиятга эга бўлганлиги тўғрисидаги маълумотлар келтирилди. Шунингдек, у Аҳмад Дониш фаолиятининг изчил давомчиси сифатида эътироф этилди.

Хулоса сифатида шуни айтиш мумкинки, XX аср бошларида Туркистонда фаолият юритган, жадидчилик ҳаракатининг йирик намоёндаларидан бири Саидахмад Сиддикий Ажзий фаолияти ўлкада маориф тараққиёти, янги усул мактабларининг вужудга келиши ва ривожланишида муҳим аҳамиятга эга бўлди. Унинг саъй-ҳаракатлари натижасида Самарқанд вилоятининг Жомбой туманидаги Ҳолвойи кишлоғида янги усул мактабига асос солинди. Мазкур даргоҳ нафақат ўз

¹ Saidahmad Siddiqiy-Ajziy (1864 - 1927), «Соғлом авлод учун» журнали, 2005-йил, август, 8(112)-сон, -Б.31

² Saidahmad Siddiqiy-Ajziy (1864 - 1927), «Соғлом авлод учун» журнали, 2005-йил, август, 8(112)-сон, -Б.31

³ Маориф ва ўқитувчи» журнали, 1928-йил, 3-сон

⁴ «Sharq yulduzl». 1967-yil, 11-son, 224-237-betlar.

қишлоғи ва вилоятда, балки, бутун Туркистонда машхур бўлди. Кейинчалик олимнинг серқирра фаолияти ҳақида юқорида номлари келтирилган турли асарлар яратилди. Мазкур асарлар нафақат олимнинг таржимаи ҳоли ва фаолиятини ўрганишда, балки, Туркистон жадиidlари фаолияти тарихини ўрганишда ҳам муҳим аҳамиятга эга бўлди.

САДРИДДИН АЙНИЙ – АҲМАД ДОНИШ ҲАҚИДА

Носиров Шерзод – БухДУ магистранти

Садриддин Айний (1878-1954) ўзбек ва тожик адабиёти тараққиётига катта ҳисса қўшган адабиётшунос олим, тарихнавис адиб ва зуллисонайн ёзувчидир. Айний Бухоро шаҳридаги ўз даврида машхур ва маълум бўлган Мир Араб, Кўкалтош, Бадалбек, Олимхон ва яна бир қатор мадрасаларда ўқиб, илмий салоҳиятини оширди. Бу ерда у истеъдодли тарихчи, адабиётшунос ва маърифатпарвар адиб бўлиб шаклланди. Айний ўзининг “Тарихи амирони манғитияи Бухоро” (Тошкент: 1923), (“Бухоро мангит амирларининг тарихи”), “Бухоро инқилоби тарихи учун материаллар”, (Москва: 1926) “Намунаи адабиёти тожик” (Москва: 1926) (Тожик адабиёти намуналари”) ва “Эсдаликлар” (Тошкент: 1965-1966) каби тарихий, адабий асарларида Бухорода яшаб ижод этиб, ўз номларини абадиятга муҳрлаган замонасининг ўқимишли, зиёли кишилари тўғрисида қимматли маълумотларни бериб ўтган. Бу жиҳатдан унинг машхур тарихчи, мунажжим ва ҳаттот Аҳмад Дониш (1827-1897) ҳақидаги фикр ва мулоҳазалари муҳим аҳамиятга эгадир.

Айний “Эсдаликлар” асарида Аҳмад Дониш тўғрисида алоҳида боблар ажратган ва “Ажойиб одам”, “Аҳмад Махдумнинг ҳовлисида”, “Латифжон Махдум (Шарифжон Махдум Садр Зиё - Т.Ф) ва унинг суҳбатдошлари”, “Аҳмад Махдумнинг кундалик ҳаёти” “Ифлос сув ўрага тушади”, “Аҳмад Махдумнинг ҳар йили қиладиган саёҳатлари” ва “Аҳмад Махдумнинг ҳажвий шеърлари” деб номлаган.

Айний “Бухоро инқилоби тарихи учун материаллар” асарида ёзишича, Бухородаги дастлабки маорифпарварлик ва жадиdчилик ғоялари Аҳмад Донишдан бошланганлигини айтиб ўтади (26-29 бетлар). Айний Аҳмад Дониш билан шахсан учрашиб, унинг суҳбатидан баҳраманд бўлмаган бўлса ҳам, лекин унинг “Наводир ул-вақоеъ” асари орқали танишгани, бу асарни ўқиб, дунёқарашида катта бурилиш ясаганлигини айтади (29-30 бетлар).

Айний “Эсдаликлар”ининг “Ажойиб одам” бобида, Донишнинг ташқи кўринишини тасвирлаб: “Бу одамнинг туси буғдой ранг бўлиб, юзи тўла ва силлиқ эди ва ёшини олтмишдан ошган тахмин қилиш мумкин бўлгани ҳолда, юзида кўзга кўринарли ажинлар сезилмасди”. Адиб унинг номланишига тўхталиб: “У одамнинг номи Аҳмад Махдум, унинг адабий таҳаллуси Дониш, илмий таҳаллуси муҳандис (ҳандасадон)лик ва

мунажжимлик (юлдузшунослик) экан. У одамнинг боши ҳаддан ортиқ катта бўлганидан, унга “Калла” деган лақаб берган эканлар. Одамлар уни “Аҳмад Махдум”, “Аҳмад Махдуми Дониш”, “Аҳмад Махдуми муҳандис”, “Аҳмад Махдуми мунажжим” ёки бутунлай қисқартириб “Аҳмад Калла” деб юритар эканлар” (“Эсдаликлар”, I –II қисм: 202-бет).

“АҳмадМахдумнинг ҳовлисида” номли бобда Мир Араб мадрасаси талабалари билан тутхўрлик баҳонасида А.Донишнинг Жаъфархўжа гузаридаги ҳовлисига борганлигини ёзиб, унинг ҳовлисини тўлиқ тасвирлаб берган ва илк бор дунё харитасини, янги ва эски дунёнинг хариталари – мусаттаҳа курра ва глобус – мужассама куррани кўрганлигини баён қилган (I-II қисм: 210-211 бетлар).

“Латифжон Махдум ва унинг суҳбатдошлари” бобида эса, Айний Латифжон Махдумдан Аҳмад Донишнинг келиб чиқиши Пирмаст туманининг Суғд қишлоғидан (ҳозирги Шофиркон туманига қарашли – Т.Ф) эканлиги, отасининг Бухорога кўчиб келиши, Донишнинг Бухоро шаҳридаги Кўчайи сангин гузарида туғилганини сўраб, билиб олган (III-қисм: 9-10 бетлар).

Айний Донишнинг рассомлик санъати ҳақида “Мен Аҳмад Махдум кўчириб расм ва лавҳалар билан беаган “Юсуф ва Зулайҳо” асарини ўша вақтда уч юз пуд буғдойга сотилганини кўрган эдим” деб ёзади. “Аҳмад Махдумнинг кундалик ҳаёти” бобида Айний Донишнинг суҳбатдош дўсти Ҳомидбек маълумотларидан асосланиб “унинг кундалик бажарадиган ишлари китоб мутолаа қилиш ва кўчириш, дўстлар билан суҳбатлашишдан иборат бўлган” деб маълумот беради.

“БУХОРОЛИК ФАҚИҲЛАР ОИЛАСИ”

*Мамашикуров Бекназар Бобомурадович-
Ҳадис илми мактаби катта ўқитувчиси*

Бухоролик фақиҳлар фикҳ илми ривожланган даврдан бошлаб усулул-фикҳ ва фуруъул-фикҳда муҳим ва эътиборга лойиқ асарлар ёзиб келдилар. Бухоро фақиҳлари томонидан усул ва фуруъ бўйича яратилган кенг қамровли асарлар шундан далолат берадики, улар Бухоро шаҳрини Мовароуннаҳр, ҳатто бутун Ислом оламида илм марказига айлантириб келганлар.

Ўз замонасининг машҳур фақиҳи Садр аш-Шариъа Аҳмад ибн Жамолиддин Убайдуллоҳ Маҳбубий Бухорий (ваф.630/1233)дир¹.

У Бурҳониддин ал-Марғинонийнинг “Ҳидоя” асарини қисқа муддатда ёд олишни мақсад қилган толиби илмлар учун “Ал-Виқоя” номли асар ҳам таълиф этилгандир². У XIII асрда яшаб ижод этган ва муҳим фикҳий

¹ Ал-Бобони.Ҳадияту-л-орифин.Ж.2. Б.161. Алян Сиркис. Муъжам ал-матбуат ал-арабийя. Ж.2. Б.1199.

² Бурҳониддин Марғиноний. “Ҳидоя”. Т.: Адолат. 2001. Б.25.

асарлар, жумладан, “Ҳидоя”га ёзилган шарҳлардан бирининг муаллифи сифатида танилган.

Унинг ўғли Тож аш-Шариъа лақаби билан шуҳрат қозонган Маҳмуд ибн Садр аш-Шариъа (ваф.673/1274)¹ ҳам ўз отаси сингари, ажойиб ҳуқуқшунос олим бўлиб, ҳанафийлар фикҳи соҳасида ўзидан унутилмас илмий асарлар қолдирди.

Тож аш-Шариъа Маҳмуд ибн Садр аш-Шариъа биринчи бўлиб “Ҳидоя”ни ўз невараси Иккинчи Садр аш-Шариъа ас-Соний ёки Кичик Садр аш-Шариъа Убайдуллоҳ ибн Масъуд (ваф.747/1346)² учун қисқартириб, уни “Виқоятур-ривоя фи масоил-л-Ҳидоя”³, деб атади.

Садр аш-Шариъа иккинчи Убайдуллоҳ ибн Масъуд ёзган “Шарҳу-л-Виқоя” ва унинг мухтасари “Ан-Нуқоя” номли асари бугунги кунимизгача катта эътибор ва илмий аҳамият касб этиб келмоқда.

Кичик Садр аш-Шариъа Убайдулло ибн Масъуд Маҳбубийлар сулоласининг фаҳри ва ҳанафийлар фикҳининг порлоқ юлдузи ҳисобланади. У бобоси Тож аш-Шариъа тарбиясида камол топиб, фикҳ илмида буюк аллома сифатида танилди ва ҳанафий мазҳабининг атоқли олимларидан бири бўлиб танилди. Садр аш-Шариъа иккинчи 747х.-1346м. йил вафот этади. Унинг қабри ота-боболарининг маконлари Бухоронинг Шеробод мазоридадир. Бу мазор совет иттифоқи даврида йўқ қилинган⁴.

Маҳбубийлар сулоласи каби Бухоролик фақиҳлар Тохир ибн Аҳмад ибн Абдур Рашид ал-Бухорий (ваф. 542/1148) оиласидир.

Бизнинг бундай дейишимизга асос, “Хулосат ул-фатово” асари муаллифи Ифтихориддин Тохир ибн Аҳмад ибн Абдур Рашид ал-Бухорий 482/1089 йили Бухора шаҳрида фақиҳлар оиласида таваллуд топган. Даслабки таълимни отаси Аҳмад ибн Абдур Рашиддан олган. Ундан ташқари замонасининг ютук ва машҳур уломлари Сирожиддин ал-Уший ва Фаҳриддин Қозихон, тоғаси Заҳириддин Ҳасан ибн Алилардан ҳам таълим олади.

Ифтихоридин Тохир ибн Аҳмад ибн Абдур Рашид ал-Бухорий 542/1148) йили Жимад ул-ула оида Сарахсда вафиот эткан. Уша ерда унга таъзи қилинганидан сўнг жанозаси Бухорага олиб келинган⁵.

¹ ДокторҲомид Абу Толиб.Аннукат фил масаил мухталаф.Ж.1. Б.78. Ал-Бобони. Ҳадияту-л-орифин. Ж.2. Б.161.

² Умар Ризо Куҳола. Муъжам ал-муаллифин. Байрут. Мактаба ал-мусанна.2008. Ж.6. Б.246. Мавсуъа Фикҳийа Кувайтий. Ж.3. Б.361

³ Ўзбекистон Фанлар академияси Абу Райҳон Беруний номидаги Шарқшунослик институти фондида Р. 9445 рақами остида сақланаётган “Виқоятур-ривоя” қўлёзма нусхаси,Б.1. Убайдуллоҳ ибн Масъуд. “Мухтасар ал-виқоя”. Т.: Чўлпон. 1994. Б.3.

⁴ Садриддин Салим Бухорий. Бухоронинг табаррук зиёратгоҳлари. Дурдона 2012. Б.105.

⁵ Абул фаво ал-Кураший ал-Ҳанафий. Жавоҳир ал-Музийя фи табақот ал-ҳанафийя. 2ж. 2766.

Отаси қавомуддин Аҳмад ибн Абдур Рашиддан (ваф. 500/1107) ҳам замонасининг фақиҳ уломаларидан бўлган. Имом Абу Ҳанифанинг шогирти Муҳаммад ибн Ҳасан аш-Шайбонийнинг “Жамиъ ас-сағирига” шарҳ ёзган¹. “Ҳидоя” китобининг муаллифи Бурҳониддин ал-Марғиноний ҳам у зотда фикҳни ўрганганлар².

Ифтихориддин ал-Бухорий “Хулосат ул-фатово” асари отаси Аҳмад ибн Абдур Рашид (ваф. 500/1107)дан ҳам кўпгина уринларда фатволар ривоят қилади ва отасининг “Жамиъ ас-сағирига” ёзган шарҳидан унимли фойдаланади.

Боболари Абдур Рашидиб Ҳусайин ал-Бухорий ҳам замонасининг ютук фақиҳларидан бўлган. Сулаймон ал-Кафавий “Катаиб ал-ахёр” китобида у ҳақда шундай зикр қилади: Имом, катта фозил шайх, сиқа, ҳофиз мутқин эди. Ўз замонасида мазҳабининг раислиги унда тухтаган эди. Усул ва фуруъ илимларида денгиз эди. Инсонлар турли шаҳарлардан унинг кўлида фақиҳ бўлиш учун унга рихлат-сафар қилар эдилар. Унинг кўлида ўғли шайх имом Қавомиддин Аҳмад ибн Абдур Рашид фақҳ илмини эгаллаган. Невараси яъни, Тоҳир ибн Аҳмад ҳам “Хулосат ал-фатово”сида бир қанча уринларда: “Бобом шайх ал-Ислом Абдур Рашид ибн Ҳусайн шундай дедилар”, ёки, “Бобом шайх ал-Ислом Абдур Рашид ибн Ҳусайн бунга мувофиқ бўлдилар”, деб келтиради³.

Афсуски бу каби буюк уломолар ҳаёти ҳақида батафсил малумотлар манбаларда жуда кам сақланиб қолган.

Ифтихориддин Тоҳир ибн Аҳмад ибн Абдур Рашид ал-Бухорий (ваф. 542/1148) тасниф қилган асарлар учта бўлиб, уларнинг энг машҳур шоҳ асари “Хулосат ул-фатово”дир.

Ифтихор ад-дин Тоҳир ибн Аҳмад ибн Абдур Рашид Бухорийнинг “Хулосат ул-фатово” асари ўзига хос жиҳати ва аҳамияти шундаки мусанниф ўзигача битилган фатво китоблар ва фикҳий асарлардаги баҳс ва ихтилофларга кўп тухталмайди. Баъзиларини зикр қилсада, уша сўзнинг эгасига ишора қилади. Мусанниф бу асарида ўзигача таълиф қилинган “фатоволар”нинг охирги хулосаларини туплаган. Хусусан бу асаридан олдин ўзи тасниф қилган “Хизанатул вақиёт” ва “Нисаб ул-фақиҳ”⁴ асарларининг қаймоғи-хулосасини келтирган. Аллома “Хулосат ул-

¹ Исмаил Баша ал-Бағдодий. Ҳадийят ул-Арифин. Истанбул 1955. 1 ж. 81 б. Абдул Ҳай ал-Лакнавий Фаваид ал-бахийа. Миср 1903. 25 б. Сулаймон ал-Кафавий. Катаиб ал-ахёр. Қўлэзма. 192 б. Ҳажи Халифа “Кашф аз-зунун”. Дар ихёи турос ал-арабий. 1ж.563 б.

² Такийиддин ат-Тамимий ал-Ҳанафий. Табакот ас-санийа фи тарожим ал-ҳанафийа. Дар ар-Рифаъий. 1ж. 379, 380.

³ Ифтихор ад-дин ал-Бухорий. Хулосат ул-фатово. Китаб ул-кароҳиёт. Қўлэзма. Сулаймон ал-Кафавий. Катаиб ал-ахёр. Қўлэзма. 180 б.

⁴ Ибни Қутлу Буғо. Таж ат-Тарожим. Дар ал-қалам, 1992. 172 б. Ҳажи Халифа “Кашф аз-зунун”. Дар ихёи турос ал-арабий. 2 ж. 195 б.

фатово” асарининг муқаддимасида шундай келтиради: “Баъзи биродарларим уни ёдлаш ва эсда сақлаш осон бўлган асар ёзишимни сўрадилар. Мен уларнинг сўровига жавобан, “Хизанатул вақиёт” ва “Нисаб ул-фақиҳ” асарларимдан фатволарни мухтасар қилиб олдим ва уни “Хулосат ул-фатово” деб номладим деб келтиради.

“Хулосатул фатово” асари ҳанафий мазҳабида тутган урни ва аҳамиятини яна шундан билиш мумкинки, бу асарнинг нусхалари турли замонларда кўчирилган бўлиб, дунёнинг турли бурчакларида кутубхоналарда унинг ўнлаб қўлёзма нусхалари сақланмоқда. Бу ҳамма замонларда ҳам унга ихтиёж катта бўлганлигини кўрсатадики. “Хулосат ал-фатово”нинг қўлёзма нусхалари ЎзРФА Абу Райхон Беруний номидаги шарқшуносли институти қўлёзмалар фондида йигирма тўртта нусхаси сақланади.

Бухоро шаҳри ўз олимлари, адиблари, бутун моддий ва маънавий маданияти билан дунёнинг энг буюк, машҳур шаҳарлари қаторидан ўрин эгаллаб келган. Бухоролик ўнлаб атоқли фақиҳлар орасида, Ифтихор ад-дин Тоҳир ибн Аҳмад ибн Абдур Рашид ал-Бухорий оиласи ҳам ўзига хос мавқега эга бўлиб, ислом ҳуқуқшунослигида, ҳанафий мазҳабининг йирик намояндалари сифатида хизмат қилдилар.

БУХОРОНИНГ АФАНДИСИ

*Қаҳрамон Ражабов-
тарих фанлари доктори, профессор,
Ўзбекистон ФА Тарих институти етакчи илмий ходими*

Бухоро тарихида чуқур из қолдирган тарихий шахслар кўп бўлган. Улар ўртасида машҳур олимлар, ёзувчи ва шоирлар, давлат ва сиёсат арбоблари бор. Бундай таниқли шахслар силсиласида нафақат ўзбек халқи, балки бутун туркий халқлар маънавий тараққиётида муҳим роль ўйнаган, ўзининг тириклик чоғларидаёқ афсона даражасига кўтарилган, ўзбек, турк ва озарбайжон халқлари адабиётида Хўжа Насриддин сифатида машҳур бўлган атоқли сиймо ҳам бўлган. Ушбу мақолада сўз Бухоронинг афандиси бўлган Хўжа Насриддин ҳақида боради.

Хўжа Насриддин, Насриддин Афанди ёки *Афанди* – Шарқ адабиёти, жумладан, ўзбек халқ оғзаки ижодиётидаги миллий ва адабий қаҳрамон. Айрим манбаларда унинг тарихий шахс эканлиги, Бухоро шаҳрида туғилиб, кейинчалик бошқа давлатларда яшаганлиги ҳамда Усмонли турк султонлиги ҳудудида вафот этганлиги қайд этилади. Хўжа Насриддин қорахонийлар ва салжуқийлар сулоласи даврида яшаган (XI – XII асрлар). Туркия олимларининг фикрича, Мулла Насриддин 1208 йилда Эскишаҳар яқинидаги Хорту қишлоғида туғилиб, 1284 йилда Оқшаҳарда вафот этган. Ҳужжатларда келтирилишича, Мулла Насриддин имом Абдулланинг ўғли,

у мадраса мударриси бўлган. Оқшаҳарда Насриддин мақбараси мавжуд. Хуллас, *Насриддин Афандини* тарихий шахс сифатида ўзбеклар *Хўжа Насриддин*, турклар *Мулла Насриддин*, озарбайжонлар *Насриддин Тусий*, форслар *Носир Хусрав*, бошқа халқлар бошқа бир тарихий шахс номи билан боғлаб талқин қиладилар.

Хўжа Насриддин ўзбек халқ оғзаки ижоди маҳсули бўлган *латифалар*да меҳнаткаш халқ қаҳрамони, халқ образи сифатида гавдаланади. Латифаларда у *Афанди* сифатида машҳур. Бошқа туркий халқлар, хусусан, озарбайжон, турк, туркман, уйғур, қозоқ, татар халқлари ва араб, тожик, форс халқлари (жами 24 халқ) адабиётида ҳам Насриддин Афанди миллий қаҳрамон сифатида эъзозланади. XIX аср ўрталаридан бошлаб озарбайжон ва турк тилларидан қилинган латифа таржималарининг халқимиз ўртасида кенг тарқалиши натижасида ўзбек латифаларидаги бошқа қаҳрамонлар номини Хўжа Насриддин қиёфаси бутунлай суриб чиқарди ва барча латифалар унинг номи билан боғланди. У барча латифаларда мард, тўғри сўз, ҳақиқатгўй, адолатни улуғловчи ва камбағаллар ҳомийси сифатида гавдаланади.

XX аср бошларида Бокуда “Мулла Насриддин” ҳажвий журнали чоп этилган. “Насриддин Бухорода” ва бошқа фильмлар суратга олинган. Бухоро ва Тошкент (Ўзбекистон), Анқара ва Йенишеҳир (Туркия), Москва (Россия) ва бошқа жойларда Хўжа Насриддинга ҳайкал ўрнатилган.

Хўжа Насриддиннинг она Ватани Бухоро ҳисобланади. Ҳозиргача Бухоро оқсоқоллари ўртасида хос давраларда бу ҳақда турли фикрлар юритилади, ривоятлар ёдга олинади. Шарқ донишмандлиги рамзига айланган Бухоро мўйсафидлари ҳозир ҳам ҳазил-мутойибага ўч айрим одамларга нисбатан Афанди сўзини қўллаб, уларни тарихий Хўжа Насриддин билан қиёслайдилар. Ҳатто Бухоронинг айрим туманлари (Вобкент, Шофиркон, Гиждувон ва б.)даги баъзи қишлоқлар номланишида ҳам бу ҳолат ўз аксини топган.

Ўзбекистон Республикаси Биринчи Президенти Ислом Каримов Бухоронинг ўзига хос қиёфаси ва одамлари ҳақида гапирганда Хўжа Насриддин ҳақида ҳам тўхталиб, шундай деган эди: “Бухоронинг аскиясидек нозик ва чуқур маъноли аския дунёда топилмайди. Насриддин Афанди бошқа жойда эмас, айна Бухорои Шарифда туғилгани бежиз эмас”.

Хуллас, Хўжа Насриддин ўзбек халқининг фарзанди бўлиб, у бухороликларнинг дунё халқлари маданиятига тухфа этган ёрқин ва зукко сиймосидир.

“QUTBUL-AVLIYO-VALIYLAR YO’LBOSHCHISI” - XOJA MUHAMMAD ORIF AR REVGARIY

*Oripova Mavluda Qodirovna –
BVXTXQTMOHH "Ijtimoiy-iqtisodiy
fanlar metodikasi" kafedrası
katta o'qituvchisi*

”Buxoro o’lkamizning ming yillar davomida jahon tafakkuri, ma’naviy, madaniy va diniy qadriyatları taraqqiyotiga ulkan hissa qo’shib kelayotgan, sharaflik nomiga sazovor bo’lgan, muqaddas joylardan biridir.”¹

Ulug’ avliyo va ulamolar yurti Buxoroyi sharif vatandoshlarimiz hamda xoriydan tashrif buyurgan sayyohlar uchun muqaddas ziyoratgoh hisoblanadi. “Garchi islom dini Arabiston zaminida paydo bo’lgan bo’lsa ham. U aynan bizning yurtimizda yuksak ravnaq topdi. Bunda Buxorolik allomalimizning unutilmas hissasi borligini butun dunyo e’tirof etadi.”²

Buxoroga qadami yetgan har bir kishi “Yetti pir ziyorati”ni yuragida maqsad qilib qo’yadi, desak xato qilmaymiz. Birinchi Prezidentimiz aytganlaridek, “Qadimiy Buxoro zamini Imom Buxoriy, Ibn Sino va Abu Bakr Narshaxiy kabi allomalarga, buyuk tariqat pirlari – Abdulxoliq G’ijduvoni va Amir Kulol, Orif Revgariy va Mahmud Fag’naviy, Ali Romitaniy va Boboyi Samosiy singari aziz-avliyolarga beshik bo’lgani bilan ham butun dunyoga ma’lum va mashhurdir.”

Ulug’ bobokalonimiz, aziz avliyolardan biri, Buxoroyi sharifdagi mashhur yetti pirlardan biri Xoja Muhammad Orif ar Revgariy Xojagon silsilasiga mansub valiylerden bo’lganlar. Bu ulug’ zot Buxoro viloyati Shofirkon tumanidagi Revgar qishlog’ida tavallud topganlar. (Tavallud sanalari ma’lum emas.) Yuz yildan ziyod umr ko’rib, milodiy 1259-yilda vafot etganlar.

“Naql etilishicha, Xoja Orif o’rta bo’yli, oy yuzli, katta ko’zli, qoshlari kamon, butun vujudlaridan mushku anbar hidi anqib turadigan zot bo’lgan ekanlar.”³

“Xoja Orif ar Revgariy Shofirkonning Reggariy qishlog’idan bo’lganligi uchun ismi sharifiga “Revgariy” so’zi qo’shilgan. “Revgariy” deyilishiga sabab shulkim, Xoja Orif tug’ilib o’sgan qishloqning yeri qumloq bo’lgan. Qum fors-tojik tilida “reg” deyiladi. Yillar o’tishi bilan “reggariy” “revgariy”ga aylanib qolgan.”⁴

Manbalarda Xoja Orif ar Revgariy Bahouddin Naqshbandning tariqat, ma’rifat va haqiqat samosida parvoz qilishlarida bir qanot bo’lganliklari qayd

¹ Karimov I.A. Buxoro shahrining 2500 yilligiga bag’ishlangan tantanali marosimdagi tabrik so’zi.//Xavfsizlik va barqaror tarqiyot yo’lida.6 t. T.: O’zbekiston.1998.368-bet.

² Karimov I.A. Maqsadimiz-Vatanimiz ravnaqi, xalqimizning farovonligini yanada yuksaltirish.//Ozod va obod Vatan, erkin va farovon hayot – pirovard maqsadimiz.8 t.T.: O’zbekiston.2000.150-151 betlar.

³ Sadridin Salim Buxoriy. Bahouddin Naqshband yoki yetti pir. T.: Yangi asr avlodi.2012.10-bet

⁴ Rajabova I.Buxornur yoki yetti pir. Buxoro.2012.451-bet.

qilinadi. Faxriddin Ali Sofiyning “Rashahotu ayn-ul hayot” asarida Xoja Bahouddinning “silsilai nisbat va irodati” Abdulxoliq G’ijduvoniylar orasida Xoja Orif xizmatlariga borib tutashishi qayd qilingan.

Xoja Muhammad Orif ar Revgariy din va tasavvufning ulkan bilimdoni, valiylarning Mohitoboni o’laroq, hali hayot ekanlar, Buxoro sarhadlaridan tashqarida ham keng hurmat va ehtiromga sazovor bo’lganlar.

Hazrat Xoja Orif Mohitobon nomi bilan ham mashhurdir. Xo’ja Orifni nega Mohitobon deyishgan? Chunki, u kishining ko’ngli mi’roti Haqqa aylangan, Xojaning ruhoniyatiga basirat nigohi ila qaray olganlar, unda Alloh tajalliysini ko’ra bilganlar. Xalloqi olam sifatining zuhrini idrok etganlar. Shuningdek, u kishining yuksak tabiati va go’zal axloqidan oy nuriga o’xshash bir nur taralib turgan.

Ibrohim Haqqulning “Xoja Orif Mohitobon” nomli essesda mazkur buyuk zot haqida ma’lumotlar berilgan manbalar tilga olinadi. Jumladan, “Xoja Orif ar Revgariy to’g’risida Abdurahmon Jomiyning “Nafahot al-uns”, Faxriddin Ali Sofiyning “Rashahot”, Abul Vahob Sharoniyning “Madorij-us solikin”, Hofiz Tanish Buxoriyning “Sharafnomai Buxoro”, Shayx Jamoliddin Qozikumuhlining “Al-adab-ul marziya fit-tariqati naqshbandiya” va yana boshqa bir qancha asarlarda fikr va ma’lumotlar yozib qoldirilgan. Aksariyat qadimiy manbalarda Xoja Muhammad Orif ar Revgariy “qutbul-avliyo-valiylar yo’lboshchisi” deb baholangan.¹

Hazrat Maxdumi A’zam Dahbediyning (1461-1542) “Maqomoti Xoja Abdulxoliq G’ijduvoniylar” asarlarida naql qilinishicha, Hazrat Xizr a.s. Hazrat Abdulxoliq huzurlariga kelardilar. Shu payt Hazratning hamma shogirdlarini uyqu bosardi. Suhbat tugab, Xizr a.s. ketganlaridan so’ng shogirdlar beixtiyor uyqudan uyg’onardi. Shogirdlar orasida eng yoshi hisoblangan Xoja Muhammad ar Revgariy Xizr a.s. suhbatlaridan bahramand bo’lay deb, ko’zlariga tuz sepdilar va og’riqning qattiqligidan u kishiga uyqu g’alaba qilolmadi. Suhbatdan bahramand bo’ldilar. Bu holni ko’rib Xizr a.s. dedilar: ”Siz Orif bo’lgaysiz, Inshoolloh!” Xoja Xizr a.s. nafaslarining barakatidan butun dunyoga Xoja Orif nomi bilan mashhur bo’ldilar.

“Orif” degan tushuncha tasaffuviy tushuncha bo’lib, bu tushuncha “Haqiqat darajasiga etib, Haqni ko’rgan, Oliy Haqiqatni anglagan kishilarga nisbatan”² qo’llanilgan. “Olimlik”ka nisbatan “Oriflik” juda yuksak daraja bo’lib hisoblangan. “Oriflar” deb ilohiy ilmni mukammal biladigan kishilarga aytilgan.

“Risolayi Sig’noqiy” asarida bayon etilishicha, kunlardan bir kun Xoja Ahmad Yassaviy taom pishirayotib, muridi Xoja Dug’iyni G’ijduvonga borib, Xoja Abdulxoliq G’ijduvoniylardan qatiq olib kelishni buyuradi. Xoja Dug’iy G’ijduvonga yetib bormasdan G’ijduvoniylarning xalifasi Xoja Orif ar Revgariy Xoja Ahmad Yassaviy huzuriga qatiq olib keladi. Bundan xabar

¹ Ibrohim Haqqul. Xoja Orif Mohitobon. Toshkent.1996. 9-bet

² Hasanov X, Navro’zova G. Hazrat Sayyid Amir Kulol. Buxoro. 1993. 10-bet.

topgan Xoja Dug'iy: "Orifning holi Mendan ustun keldi", – deya Xoja Orifning kamolotini e'tirof etadi.¹

Muhammad Tolibning "Matlab ut tolibin" asarida Xoja Orifning "Tadbirga bog'liq, taqdirga munkir kishi do'zaxiy, ilohiy taqdirga taslim bo'lgan kishi esa jannatiydir"²-degan hikmatli so'zlari keltirilgan.

Xoja Muhammad Orif ar Revgariyning qalamlariga mansub "Orifnoma" kitobi bundan qariyb 800 yil oldin yozilgan bo'lib, bu kitobdan Hazrat Bahouddin Naqshband va boshqa avliyo-allomalar bahramand bo'lganlar, ta'lim olganlar. Har bir jumlasida hikmat, har bir satriga olam-olam ma'no singdirilgan bu asar ma'naviy qadriyatlarimiz xazinasiga ulkan boyliklardan biri bo'lib, komil inson tarbiyasida muhim ahamiyatga egadir.

Xoja Orifning "Orifnoma" asarida oriflikning shartlari haqida yozib qoldirilgan. Jumladan, asarda nafs amora, poklik, vaqtni behuda o'tkazmaslik, Qur'oni karim va hadislar, pandu-nasihatlar, hikmatlardan o'qib o'rganib, boshqalarga ham o'rgatish-to'g'ri yo'lga boshlash, shariatga amal qilib, unga zinhor shak keltirmaslik, hamma vaqt hushyor bo'lish, e'tiqodli bo'lish, yaxshi kunda ham, yomon kunda ham o'zni yo'qotmaslik, do'zaxiylikdan uzoq yurish, tavba-tazarrunning ahamiyati, sof va sog'lom bo'lishga intilish, kasb-hunar maqomiga erishmoq uchun toliblikning zarurligi va uning xususiyatlari ochib berilgan.

Asarda ilm-ma'rifatni dunyoparast va badavlat odamlar oldiga "dasturxon" qilmaslik, qalbni o'ldirmaslik, odob-pok odamlar ziynati ekanligi, avliyolik alomatlarini ko'rsatib o'tilgan. "Odob nek odamlar ziynatidir!.. Avliyolik alomati uchta: birinchisi - baland darajani egallaganda ham kamtar bo'lmoq, ikkinchisi – sabru toqati yetguncha parhezkorlik qilmoq, uchinchisi – to kuchi yetguncha insof qilmoq. Ochlik – zohidlar, zikr – oriflar taomi"³

Shu o'rinda, halollik, zikr, ma'rifatning ahamiyati, insonlar fitnasidan ogoh bo'lish, mehnatkashlik, umrni behuda o'tkazmaslik, xalqni g'afatdan ogohlikka, g'ururdan parhezkorlikka chorlash haqida qimmatli o'gitlar bayon etilgan. Shuningdek, "Orifnoma" asarida ayrim fikrlarni isbotlash uchun sarmazmun hikmatlardan o'rinli foydalanilgan. Chunonchi, Xoja Abdulxoliq G'ijduvoni bilan bog'liq hikmatlar ham berilgan.

Xoja Orif "Men faqir, umrini behuda sarf etgan, purgunoh, purxato Muhammad Orif ar Revgariy yozib ma'lum qilamanki, odamni saodatga yaqinlashtiruvchi xislat shuki, o'zni maloyikaga monand etsin! Ya'ni, nafsini o'ziga bo'ysundirsin va afif (pokiza) bo'lsin va hamma vaqt zikir (Allohni zikr etuvchi) va mudom bandalik ahdu paymoniga jiddu jahd aylab sa'y-harakat qilsin. Ya'ni, Haq azza ismihu va zotihudan o'ziga zotni o'ziga mahbub etmasin

¹ Sadridin Salim Buxoriy. Bahouddin Naqshband yoki yetti pir. T.: Yangi asr avlodi.2012.11-bet

² Xoja Abdulxoliq G'ijduvoniy."Maqomoti Yusuf Hamadoni". T.: Yangi asr avlodi.2003.40-41-betlar

³ Xoja Muhammad Orif ar Revgariy. Orifnoma. T.: 1994 (fors-tojik tilidan Sadridin Salim Buxoriy va Isroil Subhoni tarjimasi) 7-bet

va Allohdan o'zga kishidan umidvor bo'lmasin! Va hamisha abror va axyor (nek, fozil odam)larga mulozimlik (xizmat) qilsin. Zero, hushyor bo'lsinki, al vaqtu sayfun qotiun! Ya'ni – vaqt shamshir kabi keskindur! Turfatul ayn (daqiqqa)ni ham g'aflat va behuda o'tkazmasin va Subhonau taollodan boshqa zot xayoli bilan xush-xursand bo'lmasin!", deganida yuqorida sharhlaganimiz haqiqatni e'tiborda tutganligi aniq.

Xoja Orif ar Revgariyning "Orifnoma" asari komil inson darajasiga erishishda ulkan ahamiyatga ega manbadir. Bugun Internet tarmoqlari orqali turli buzg'unchi g'oyalarning yoshlar ongiga salbiy ta'sirini oldini olish, chin insoniy fazilatlarni tarbiyalash, diniy-tasavvufiy bilimlarni to'g'ri anglash borasida mazkur manbadan foydalanish muhim ahamiyat kasb qiladi.

Istiqloq sharofati tufayli Xoja Muhammad Orif ar Revgariyning muqaddas qajamjolari Shofirkon markazida sayyohlar olqishiga loyiq bo'ladigan obod va muqaddas ziyoratgohga aylantirildi.

Zero, "Buyuk insonlarning aziz nomlari, o'lmas merosi muqaddas dinimiz bilan chambarchas bog'lanib ketganki, biz dinimizni bu ulug' nomlarsiz, bu ulug' nomlarni esa dinimizsiz tasavvur qila olmaymiz."¹

Xulosa qilib aytganda, jahon madaniy merosi tarkibida Buxoroyi sharifdagi muqaddas qadamjolar ziyorat turizmi ob'ekti va dinlararo muloqotning muhim manbasi hisoblanadi. Yurtimiz tarixi har bir fuqaroni, jumladan, yoshlarimizni boy madaniy merosimizni qadrlashga, uni ko'z qorachig'iday avaylab-asrashga, yurak-yurakdan iftixor qilishga o'rgatadi. O'zimizning boy o'tmish merosimizdan madad va ibrat olishga imkon beradi. Odamlar qalbida ezgulik tuyg'ularini uyg'otib, bugungi avlod kimlarning avlodi, kimlarning zoti va vorislari ekanini anglashga undaydi.

Prezidentimiz Shavkat Mirziyoev ayganlaridek, "Yoshlarni o'qitish, ularni ma'naviy va axloqiy tarbiyalash, ularning bilim olishi va o'zini o'zi kamolga etkazishga intilishini shakllantirishga alohida e'tibor qaratish lozim. Barchamizni yaxshilik, tinchlik va bag'rikenglikka chorlaydigan muqaddas Islom dinining haqiqiy qadriyatlarini keng tushuntirishga ko'maklashish zarur, deb hisoblaymiz."²

¹ Karimov I.A.Olloh qalbimizda, yuragimizda."Turkiston press" muxbirining savollariga javoblar.T.: O'zbekiston.2000.11-bet.

² Mirziyoev Sh.M. Milliy taraqqiyot yo'limizni qat'iyat bilan davom ettirib, yangi bosqichga ko'taramiz. I-jild – T.: O'zbekiston. 2017. 442-bet

5-ШЎБА. ЖАҲОН МАДАНИЙ МЕРОСИ ТАРКИБИДА “БУХОРОДАГИ МУҚАДДАС ҚАДАМЖОЛАР, ЗИЁРАТГОҲЛАР, АЗИЗ АВЛИЁЛАР ЗИЁРАТ ТУРИЗМИ ОБЪЕКТИ” СИФАТИДА ЎРГАНИЛИШИ

MADANIY MEROS OBYEKTLARINI MUHOFAZA OLISHDA QONUN HUJJATLARINING AHAMIYATI

*Boltayev B.-
Buxoro tarixi kafedrası
katta o'qituvchisi
Mayotov A.-
Tarix va madaniy meros fakulteti
I bosqich talabasi*

Bugun biz tarixiy bir davrda - xalqimiz o'z oldiga ezgu maqsadlar qo'yib, tinch-osoyishta hayot, avvalambor o'z kuch va imkoniyatlariga tayanib, demokratik davlat va fuqarolik jamiyati qurish yo'lida ulkan natijalarni qo'lga kiritayotgan bir zamonda yashamoqdamiz. Ana shu haqiqatni xalqimiz har tomonlama to'g'ri tushunib, tanlagan taraqqiyot yo'limizni ongli ravishda qabul qilgani va qo'llab-quvvatlayotgani oldimizga qo'ygan maqsadlarga erishishning asosiy manbai va garovi ekanligini hayotning o'zi tasdiqlamoqda¹.

Bir-biridan dolzarb muammolar zamonida yashayotgan ekanmiz bugungi kunda har birimiz jamiyatda qanday mavqega ega bo'lishimizdan qat'iy nazar ota-bobolarimizning yuksak aqliy salohiyati mahsuli bo'lmish o'z davrining barcha talablariga javob beradigan, me'moriy yechimlari bilan dunyo ahlini o'ziga maftun etib kelayotgan me'moriy obidalarimizni asrab-avaylab, ularni ko'z qorachig'idek asrab kelgusi avlodlarimizga yetkazish bizning ham qonuniy ham insoniy burchimiz hisoblendi. Me'moriy obidalarimiz yillar , asrlar silsilasidan eson-omon o'tib kelayotganligida , ularning butun dunyo turizm ixlosmandlarini o'ziga ohanrabo kabi tortayotganida ajib bir sir bor desam mubolag'a bo'lmaydi. Bu borada e'tiborimizni o'z-o'zidan turizm sohasiga qaratmasdan ilojimiz yo'q. Chunki hozirgi O'zbekiston sharoitida kundan-kunga iqtisodiyotimizning qon tomiriga aylanib borayotgan turizm sektorini me'moriy obidalarimizsiz ,me'moriy inshootlarimizni turizmsiz tasavur qilib bo'lmaydi.Ular bevosita bir-birini to'ldirib , yaxlit holda rivojlanishini ta'minlaydi.

Ammo sohani o'rganishga tobora chuqurroq kirishib boraversak bunda mavjud muammolar yalt etib ko'zga tashlanadi.Ular ichida eng og'riqlisi tariximiz ko'zgusi hisoblangan tarixiy-me'moriy obidalarimizning hozirgi ahvolini muhofaza qilishga oid qonunchilik hujjatlarining barmoq bilan sanarli

¹ I.A.Karimov."Yuksak ma'naviyat - yengilmas kuch". Toshkent."Ma'naviyat" nashriyoti.2008-yil.3-bet , 76-bet

ekanligi, ularning amal qilish davri tugaganligi yoki deyarli tugash arafasida ekanligini ko'rmasligimiz mumkin emas. Nafaqat, qonun hujjatlari yetarli va talab darajasida emasligi balki bu sohada kengroq vakolatlariga ega bo'lgan davlat tashkilotining mavjud emasligi, soha bo'yicha yetarli darajada mutaxassis kadrlarning yetishmasligi yoki umuman yo'qligi oqibatida bobolarimiz tarixiy merosiga o'zimiz sezmaganda u yoki bu ko'rinishda zarar yetkazib qo'yimoqdamiz.

Tarix sahnasiga o'zbek deb atalmish xalq chiqqanidan buyon Qadimgi Turon zaminida iqtisodiy, siyosiy, harbiy va ma'muriy boshqaruv jihatidan markazlashgan davlat barpo eta olgan bobolarimiz ong-u shuurida yaratuvchanlik, bunyodkorlik g'oyalari bo'lganligini ko'ramiz. O'lis va shonli tariximizdan jonli hikoyalar so'zlab turuvchi bu tarixiy durdonalarga e'tibor bugun qanday ahvolda? Qaysi tarixiy obyektlarda ta'mirlash-tiklash, restavratsiya tadbirlari olib borilmoqda? Bu ishlarni olib borayotgan mutaxassislarning tajribasi yetarli? Restavratsiya ishlari davomida jamoatchilik fikri o'rganilmoqdam? Yuqoridagilar bugun biz o'rganmoqchi bo'lgan mavzuimizning o'ziga xos, tabiiy ravishda paydo bo'lgan dolzarb hamda yechimtalab muammolaridir¹.

Arxiv hujjatlariga yuzlanadigan bo'lsak sohaga doir qonunchilik hujjatlarini yaratish mustaqilligimizning dastlabki kunlaridan boshlab davlatimiz oldida turgan muhim masalalardan biriga aylangan edi. Yillar davomida "Muzeylar to'g'risida"gi qonun (1998), "Madaniy meros obyektlarini muhofaza qilish va ulardan foydalanishni yanada takomillashtirish chora-tadbirlari to'g'risida"gi Vazirlar Mahkamasining qarori (2002)², "Respublika muzeylari faoliyatini yaxshilash chora-tadbirlari to'g'risida"gi Vazirlar Mahkamasining qarori³, "Muzeylar faoliyatiga taalluqli me'yoriy hujjatlar to'g'risida"gi Vazirlar Mahkamasining qarori (2008), O'zbekiston Respublikasining "Muzeylar to'g'risidagi" gi Qonunini ro'yobga chiqarish uchun zarur bo'lgan normativ-huquqiy hujjatlarni tasdiqlash to'g'risida" gi nizom (2011) va hokazo kabi qonun va qonunosti hujjatlari bazasi shakllantirilib kelingan⁴. Shu o'rinda statistikaga murojaat qiladigan bo'lsak, mustaqilligimizning ilk kunlaridan to hozirgi kunga qadar madaniy meros obyektlari (tarixiy obidalar, tarixiy-ziyoratgohlar, muzeylar) faoliyati va ularning muhofazasiga doir 30 dan ortiq qonun hujjatlari (shu jumladan 4 qonun,

¹ . Iso Jabborov.. "O'zbeklar". Sharq" nashriyoti. Toshkent.2008-yil 80-bet.

² O'zbekiston Respublikasining Qonuni.2002. dagi Vazirlar mahkamasining 269-sonli qaroriga ilova "Adolat" nashriyoti. Toshkent.2002. yil 29.07

³ "Madaniy meros obyektlarini muhofaza qilish va ulardan foydalanishni yanada takomillashtirish chora-tadbirlari to'g'risida" gi O'zbekiston Respublikasining . Qonuniga hamda Vazirlar mahkamasining 269-sonli . qaroriga. Toshkent.2002. yil 29.07

⁴ "Nomoddiy-madaniy meros obyektlarining muhofazasiga oid normativ-huquqiy hujjatlarni tasdiqlash to'g'risida" gi O'zbekiston Respublikasining Qonuni. "Adolat" nashriyoti. Toshkent. 2011.yil.02.23

22 ta Prezident hamda Vazirlar Mahkamasining farmon va qarorlari, 4 ta Nizom, 1 ta O'zbekiston Respublikasining "Muzeylar Kodeksi") qabul qilingan.

Masalaning dolzarbligi shundaki bugunga kelib tariximiz ko'zgusi bo'lgan muzeylar, o'tmishimiz haqida hikoyalar so'zlovchi tarixiy obidalarimizning anchayin e'tibordan chetda qolib ketayotganligi, hatto ayrim obyektlar yillar davomida qayta ta'mirlanmay tobora vayrona holatiga tushib qolayotganligi eng birinchi galda qonun ijodkorlari bo'lgan deputatlarni harakatga keltirishi kerak. Chunki bu sohada aniq va lo'nda qilib ishlangan qonun yoxud qaror yoki farmon bo'lmasdan turib amaliy ishlarni boshlash amrimahol deb o'ylayman. Yuqorida tilga olingan madaniy meros obyektlariga oid qonunchilik hujjatlarining deyarli barchasi tahriritlab bo'lib qolgan. Hatto ayrim hujjatlar o'zining amal qilish muddatini o'tab bo'lgan. Ba'zi holatlarda 25-30 yil avval qabul qilingan hujjat bugunga kelib tarixiy obyektlarni ta'mirlash, restavratsiya ishlarini olib borish, muzeylar fondini to'ldirishga to'sqinlik qilayotgan vaziyatlarni ham ko'rmaslik mumkin emas. Bu borada aniq, yakdil, yechim sifatida shuni aytish mumkinki, ushbu sohaga oid qonunlarning eskirganlari, o'z kuchini yo'qotganlarini qonunchilik tizimidan chiqarib tashlash barcha madaniy meros obyektlarini har tomonlama qanoatlantiradigan yangicha, bir so'z bilan aytganda universal qonun loyihasini ishlab chiqib amalga tatbiq etish lozim. Bundan tashqari mamlakatimiz hududidagi hali davlat ro'yxatiga kiritilmagan tarixiy obyektlar, qadimiy tarixiy ziyoratgohlar, nomoddiy-madaniy meros obyektlarini muhofazaga olingan obyektlar ro'yxatiga kiritib ularni o'rganish bo'yicha tadqiqot ishlarini olib borish va hokazo shu kabi tadbirlarni olib borish muhim masalalardan biri hisoblanadi¹. Muammoga ikkinchi tomondan qaraganda bu sohada xalqaro hamkorlikning deyarli yo'lga qo'yilmaganligi, xalqaro tajriba yetarli darajada o'rganilmaganligi sababli ham bu sohada oqsoqliklar yuz berayotganligini ko'rish mumkin. Bu yo'nalishda katta tajriba maktabiga ega bo'lgan Misr, Meksika, XRR, Hindiston, Italiya kabi mamlakatlar mutaxassislarini yurtimizga jalb etish orqali o'zaro tajriba almasish maqsadga muvofiq bo'ladi deb o'ylaymiz.

Yuqorida ko'tarilgan masalaga xulosa sifatida aytish mumkinki, bu yo'nalishda qay yo'sinda ish olib borilmasin eng asosiy vazifa kelajak avlodlarimizga qoldirishimiz ham farz, ham qarz bo'lgan shonli o'tmishimizning tirik tilsimlari, o'tmishdan sado berib turuvchi tarixiy-me'moriy inshootlarimiz, osori atiqalarimizni asrash, muhofaza qilish har birimizning muqaddas burchimizdir.

ADABIYOTLAR RO'YXATI

1. Boltayev, Bobir Baxtiyorovich. "BUXOROLIK MINIATURACHI-RASSOM SADRIDDIN POCHCHAYEV IJODIGA BIR NAZAR." *Scientific progress* 1.6 (2021): 998-1004.

¹ "Muzei - xalq tarixining ko'zgusi". Muzeylarni qo'llab-quvvatlash respublika "O'zbekmuzey" jang'armasi. To'plam. "Yoshlar matbuoti" nashriyoti. 2011-yil. 11-15- betlar

2. Rajabov, Oybek Iskandarovich. "BUXORODAGI AYRIM MUQADDAS QADAMJO-QAL'ALAR XUSUSIDA." *Scientific progress* 1.6 (2021): 1162-1168.
3. Умаров, Б. Б. "НА КИСЛЯКОВ ТАДҚИҚОТЛАРИДА ЖАНУБИЙ ТОЖИКИСТОН ЭТНИК ТАРИХИ." *Scientific progress* 1.6 (2021): 1005-1009.
4. Тўраева, Г. Б., Ўтаева, Ф. Х., & Жумаева, Н. А. (2021). ОА СУХАРЕВА ТАДҚИҚОТЛАРИДА БУХОРО ТАРИХИ ВА ЭТНОГРАФИЯСИНИНГ ЎРГАНИЛИШИ. *Scientific progress*, 1(6), 1010-1018.
5. Bakhtiyorovich, Boltaev Bobir. "Excerpts from the life of the bukharian artist." *Middle European Scientific Bulletin* 12 (2021): 160-165.
6. Ochilov, A. T. "DATING OF THE ZAMANBABA CULTURE: ASSED ON ARCHAEOLOGICAL SOURCES." *Theoretical & Applied Science* 12 (2019): 589-591.
7. Mubinov, M. A. "Diplomacy of the eastern states and central asian khanates in the struggle for independence." *CENTRAL ASIAN JOURNAL OF SOCIAL SCIENCES AND HISTORY* 2.5 (2021): 26-31.
8. Maksud, Beshimov. "Markets of Bukhara." *CENTRAL ASIAN JOURNAL OF SOCIAL SCIENCES AND HISTORY* 2.5 (2021): 18-21.
9. Sharopov, Dilshod Ravshan O'G'Li. "ABDURAZZOQ SAMARQANDIYNING "MATLAI SA'DAYN VA MAJMAI BAHRAYN" ASARINING O'RGANILISH TARIXI." *Scientific progress* 2.1 (2021): 358-361.
10. Очилов, Алишер Тўлис Ўғли. "БУХОРО ВОҲАСИ ШАКЛЛАНИШИДА ЗАРАФШОН ДАРЁСИНИНГ ЎРНИ ВА ВОҲА ТАРИХИЙ ГЕОГРАФИЯСИГА ДОИР АЙРИМ МУЛОҲАЗАЛАР." *Scientific progress* 1.6 (2021): 933-938
- Murodova, Dilrabo Shomurodovna, and Feruza Xolmamatovna O'tayeva. "TF Gelax tadqiqotlarida Buxoro shahri mudofaa tizimining organilishi." *The Fifth International Conference on History and Political Sciences*. 2015.
11. Turaevich, Halimov Talat. "From the history of economic relations between central asia and india (XV-XVII centuries)." *CENTRAL ASIAN JOURNAL OF SOCIAL SCIENCES AND HISTORY* 2.5 (2021): 22-25.
12. OCHILOV, Alisher. "JEWELRYC TRADITION IS A SOURCE OF STUDY OF BUKHARA HISTORY." *Bayterek Uluslararası Akademik Araştırmalar Dergisi* 1.1: 105-116.
13. Бобожонова, Феруза Хаятовна. "БУХОРО МАДРАСАЛАРИ МАЪНАВИЯТ ДУРДОНАСИ." *Scientific progress* 2.1 (2021): 362-366.
14. Муродова, Дилрабо Шомуродовна. "ИККИНЧИ ЖАҲОН УРУШИ ЙИЛЛАРИДА БУХОРОДА ИЛМ ВА ФАН (БУХОРО ПЕДАГОГИКА ИНСТИТУТИ МИСОЛИДА)." *Scientific progress* 2.1 (2021): 660-664.

15. Ochilov Alisher. "The Role of Zamanbaba Culture in The Social and Economic History of Bukhara Oasis During Bronze Age." *CENTRAL ASIAN JOURNAL OF SOCIAL SCIENCES AND HISTORY* 2.4 (2021): 42-47.
16. JAMOLOVA, DILNOZA MUYIDDINOVNA. "THE END OF THE EMIRATE OF BUKHARA: THE END OF THE POLITICAL STRUGGLE BETWEEN THE JADIDS AND THE ULEMA." *International Journal of Philosophical Studies and Social Sciences* 1.1 (2021).
17. Jamolova, D. M. "Traveling to Modernity: Perception of Modernity of the Central Asian Muslims in the early 20th century." *International Journal of Psychosocial Rehabilitation* 9.24 (2020): 4202-4207.
18. Темиров Ф., Исломов Д. САДРИДДИН АЙНИЙ–ЗАМОНДОШИ ФИТРАТ ҲАҚИДА //Scientific progress. – 2021. – Т. 2. – №. 1. – С. 1349-1354.
19. Темиров Ф., Халикова Н. БУХОРО АМИРЛИГИДА ТАШҚИ СИЁСАТ ВА ДИПЛОМАТИЯНИНГ РИВОЖЛАНИШИ ТАРИХИДАН //Scientific progress. – 2021. – Т. 2. – №. 1. – С. 1276-1282.
20. Темиров Ф., Умаров Б. БУХОРО АМИРЛИКДА ОИЛА, НИКОҲ ВА МЕРОС ҲУҚУҚИНИНГ АМАЛДА ҚЎЛЛАНИШИ //Scientific progress. – 2021. – Т. 2. – №. 1. – С. 1201-1207.

МАМЛАКАТИМИЗ ТУРИЗМИНИ РИВОЖЛАНТИРИШДА БУХОРО САЙЙОҲЛИК ОБЪЕКТЛАРИНИНГ О’РНИ

*Sharipova Yulduzxon Olim qizi
SamDAQI doktoranti*

Bugungi kun zamonaviy iqtisodiyotida turizm mintaqalarining ijtimoiy-iqtisodiy rivojlanishiga sezilarli ta'sir ko'rsatadi. Bundan tashqari ba'zan mahalliy byudjetlar tarkibini belgilovchi muhim sohalardan biridir. Sayyohlik sektorining faol rivojlanishi bugungi kunda, sohaning ishlab chiqarish va xizmat ko'rsatish bozorining 10% dan ortig'ini, dunyo yalpi ichki mahsulotining 6% ni, iste'mol xarajatlarining 11% ni, barcha soliq tushumlarining 5% ni, global investitsiyalarning 7% ni tashkil etadi. Mutaxassislar fikriga ko'ra, sayyohlik sohasidagi investitsiyalarning o'rtacha yillik o'sishi 30 foizni tashkil etadi. Davlatimiz rahbarining 2016-yil 2-dekabrda "O'zbekiston Respublikasining turizm sohasini jadal rivojlantirishni ta'minlash chora-tadbirlari to'g'risida"gi farmoniga muvofiq, sayyohlik mamlakatimiz iqtisodiyotining strategik tarmog'i sifatida belgilandi. Jahon turizm tashkiloti (JTT) prognozlariga ko'ra, 2030 - yilga kelib, sayohat qiluvchilar soni 1.5 mlrd kishidan ortiq bo'lib, tushadigan daromad hajmi 5.0 trln. dollar bo'lishi kutilmoqda. Bu ko'rsatkichlar o'z navbatida yurtimizda turistlarning soni oshishiga o'z ta'sirini ko'rsatmasdan qolmaydi. Shu bilan

birga, qaysi davlat bo‘lishidan qat’iy nazar turistlarning sonini oshishi bevosita turistik infrastrukturani rivojlantirish bilan bog‘liqdir. Shu o‘rinda Buxoro hududida ham keng ko‘lamli ishlar amalga oshirilayotganligini quyidagi statistikalarda ko‘rishimiz mumkin. Ayni paytda Buxoro viloyatida 3873 o‘ringa ega, 124 ta (shu jumladan 108 tasi Buxoro shahrida) mehmonxona faoliyat ko‘rsatmoqda. 2017 - yilda 22 ta yangi mehmonxona ishga tushdi. 2018 - yilda 1600 o‘rinli 30 ta yangi mehmonxona (2020 - yil yakuniga 190 taga yetkazildi) qurildi. “Buxoro palas”, “Varahsha” va “Zarafshon” mehmonxonalari rekontruksiya qilinda. Viloyatda jami 660 ta obyekt mavjud bo‘lib, ular ro‘yxatga olingandir. Shundan: 105 tasiga sayohatchilar tashrif buyurishadi. Yuqorida aytib o‘tilgan barcha ko‘rsatkichlar amalga tatbiq etilgandan so‘ng, uning natijasi turistlar sonining oshishi va ular iste‘mol qilgan servisdan qoniqishi orqali bilishimiz mumkin.

***Buxoro hududida turistlarning kelish oqimi yillar bo‘yicha**

№	Xorijiy davlatlar	2017-yil	2018-yil	2019-yil
1	AQSH	1969	5000	6500
2	Yevropa davlatlari	34566	86400	103700
3	Shu jumladan			
4	Fransiya	8354	20800	25100
5	Germaniya	7364	18300	22100
6	Italiya	4468	11100	13400
7	Ispaniya	3593	8900	10700
8	Buyuk Britaniya	2341	5800	7000
9	Shvetsariya	1565	3900	4700
10	Gollandiya	987	2400	2900
11	Avstriya	895	2200	2600
12	Belgiya	742	1800	2200
13	Polsha	687	1700	2100
14	Shvetsiya	501	1200	1500
15	Yaponiya	6354	15800	19000
16	Janubiy Korea	3775	9400	11300
17	XXP	3505	8700	10500
18	Malayziya	2386	5900	7100
19	Turkiya	1546	3800	4600
20	Isroil	1522	3800	4500

21	Hindiston	1267	3100	3800
22	Eron	668	1600	2000
23	Indoneziya	452	1100	1300
24	MDH davlatlari	18166	45400	54500
25	Shu jumladan			
26	Rossiya	11286	28200	33800
17	Qozog‘iston	2236	5500	6700
28	Turkmaniston	1112	2700	3300
29	Tojikiston	798	2000	2400
30	Ukraina	783	1900	2300
31	Qirg‘iziston	506	1200	1500
32	Boshqa davlatlar	5246	13100	15700
33	Jami:	81422	203100	244500

Buxoro viloyati turizmni rivojlantirish departamentining statistik ma’lumoti

Tarixiy shahar markazi YUNESKOning Butunjahon merosi ro‘yxatiga kiritilgan. Shaharning yoshi 2500 yildan oshgan. “Sharq Venetsiyasi” degan nom bilan turistlar orasida mashhur. Yunon olimi Klavdiy Ptolemey “Geografiya” asarida, xitoylik sayyoh Syuanszan “Xotiralar” kitobida eslab o‘tgan Buxoro O‘rta asrlar arab manbalarida Numijkat, Navmichkat, Bumichkat (“Yangi qo‘rg‘on”), “Al-Madina as-sufriyya” (“Mis shahar”), “Madinat at-tujjar” (“Savdogarlar shahri”), Foxira — “Faxrli shahar”, deya ta’riflangan. Islom dini, musulmon axloqi, madaniyati hamda huquqshunosligining Sharqdagi kuchli markazlaridan biriga aylangan Buxoro “Qubbat ul-islom” — “Islom dinining gumbazi” degan sharafiga ham noil bo‘lgan. Aytish joizki, tarixi teran Buxoro shahri bugun ham dunyo e’tiboridagi shaharlar reytingida yuqori pog‘onalarda turadi. Buxoro viloyati turizmning hozirgi holatini baholar ekanmiz, shuni qayd etish muhimki, O‘zbekistonda infratuzilmaning rivojlanish darajasi chet ellik turistlarning ehtiyojlarini to‘liq qondira olmayapti.

1993-yilda YUNESKOning madaniy meros ob’ektlari ro‘yxatiga kiritilgan. Eski shaharning tashqarisidagi 339 gektarlik maydonda joylashgan tarixiy obidalar hali hanuz e’tibordan chetda. Ko‘plab obidalar hali ham ta’mir talab qolmoqda yoki ta’mir lash ishlari boshlangan, lekin tugatilmagan. Bunga Abdulazizxon madrasasini misol qilib olsak bo‘ladi. Madrasa katta peshtoqli, ikki qavatli, yozgi va qishki masjidga, keng hovliga ega katta darsxonadan iborat. To‘rt burchagida guldasta bunyod etilgan. Hujralar yozda salqin, qishda esa sovuq o‘tmaydigan qilib qurilgan. Qishki masjid mehrobida nuroniy bir cholning qiyofasini ko‘rish mumkin. Buxorolik taniqli

me'mor, marhum Ismat Muhsinovning yozib qoldirishicha, o'sha davr ustalari gullarda odam suratini bo'yoqlar yordamida yashirin holda chizishgan. Mehrobdagi sharafini odam boshidagi sallaga o'xshatib yasaganlar. Umuman, madrasadagi har bir osori atiqani ko'rishi, o'sha davr ruhini his etishi uchun sayyohga yarim kun kamlik qiladi. Hamma gap bu yerdagi siru sinoatni ko'rsata bilishimizda. Madrasa-yu masjidlar, karvonsaroylaru savdo toqlari pishiq g'ishtdan qurilgan. Taassufki, ular barchasining peshonasi toshdan bo'lmadi. Urushlar, tabiiy ofatlar oqibatida va loqaydlik degan ko'rgulik oldida yemirilib tuproqqa qorishib ketganlari ham yo'q emas. YUNESKOning Umumjahon merosi ro'yxatiga kiritilgan "Buxoro tarixiy markazi"da joylashgan Abdulazizxon madrasasi boshiga ham ko'p ko'rguliklar tushdi. O'tgan asrning 30 – yillarida bosh peshtoq muqarnasi usta Shirin Murodov tomonidan ta'mirlandi. Biroq bundan to'rt yil muqaddam texnologiya ta'sirlar oqibatida madrasaning sharqiy tomonidagi devori bir qismi qulab tushdi. U ayni kunlarda ham shu holicha turibdi. Yog'ingarchilik tufayli sharqiy devorning batamom qulab ketish xavfi yuzaga kelmoqda. Bir so'z bilan aytganda, YUNESKOning Umumjahon merosi ro'yxatiga kiritilgan "Buxoro tarixiy markazi"da joylashgan bu qadimiy yodgorlik avariya holatida.

БУХОРО ТУРИЗМИНИНГ РИВОЖЛАНИШИДА ИТАЛИЯНИНГ ИШТИРОКИ

*Муродов Ҳалим Салимович-
Бухоро Давлат Университети
таъин докторанти*

Туризм соҳаси ҳозирги кунда фаол ривожланаётган ҳамда иқтисодий- ижтимоий муаммоларга ечим топаётган етакчи соҳалардан биридир. Жаҳоннинг ривожланган АҚШ, Буюк Британия, Германия, Испания, Хитой, Таиланд, Туркия каби давлатларида туризм индустрияси ривож ва ундан келаётган даромад мамлакатлардаги ижтимоий- иқтисодий масалаларни ҳал этишда асосий омил бўлмоқда. XX аср охири – XXI аср бошларида туризм соҳаси жаҳон иқтисодиёти мўжизасига айланиб, у нефт ва кон захиралари тугаса-да, лекин туризмдан келадиган даромад тўхтамайдиган аксинча ошиб борадиган манбалардан бири сифатида намоён бўлади. Туризм соҳасининг янада тараққиёти ва ривож учун доимий равишда халқаро вазиятда тинчлик ва осойишталик муҳити долзарб аҳамиятга эга. Туризм саноати дунё иқтисодиётидаги уч етакчи экспорт соҳалари қаторига қўшилиб, нефт ва автомобилсозлик йўналишидан кейин учинчи ўринни эгаллаб келмоқда. Туризм саноати ривожланиш динамикаси ва унинг етакчилиги бошқа соҳаларга нисбатан янада юқори кўрсаткичларга чиқиши албатта халқаро вазиятдаги сиёсий жараёнларнинг ижобий ҳолатга ўзгаришини тақазо этади.

Ўзбекистонда охириги йилларда олиб борилаётган ислохотлар натижасида туризм соҳасига ҳам алоҳида эътибор қаратиб келинмоқда. Бу эса ўз навбатида тадқиқотчилар томонидан туризм соҳасининг турли йўналишларида илмий изланишлар олиб боришга ундамоқда. Ўзбекистонда туризмни ривожлантириш ва ундаги муаммоларни ўрганишда тарихчи ва иқтисодчилар томонидан кўпгина илмий тадқиқотлар қилинди. Хусусан, туризм йўналишдаги изланишлар кўлами таҳлил қилинганда охириги йилларда бу борада тадқиқотларнинг салмоғи анча ошиб борганлиги кузатилади. Мазкур соҳада олиб борилган тадқиқотларга қарамай, 1991-2021 йилларда жаҳон ва республикада ҳозирги кунга қадар мавжуд илмий тадқиқотларнинг бирортасида Бухорода туризм саноатининг ривожланишида Европа Иттифоқи давлатларининг айниқса Италия Республикасининг иштироки мавзуси хусусиятларини тўлиқ ўрганиш, таҳлил қилиш, туристик алоқа ва статистика бўйича қиёсий таҳлил асосида муаммолар, ечимлар, тавсияларни илгари сурган махсус илмий тадқиқот ишлари яратилмаган. Шунинг учун бу борада илмий изланишлар олиб бориш долзарблиги бўйича катта аҳамиятга эга.

XXI асрнинг дастлабки чораги иккинчи ярмида туризм жаҳон экспортида ўзининг улкан ҳиссасига эга бўлиб, жаҳон сайёҳлик ташкилоти (БМТ ЖСТ) маълумотига қарамай, туризм соҳасидан келаётган йиллик даромад жаҳон экспортининг қарийб 7 фоизи ва жаҳон ЯИМнинг 10 фоизини ташкил этмоқда. Туризм жаҳон иқтисодиётининг муҳим двигатели бўлиб, халқаро савдонинг 7 фоизини ташкил этади. Дунёда ҳар ўнинчи иш ўрни тўғридан-тўғри ёки билвосита туризм томонидан яратилади¹. Ўзбекистонда сўнгги йилларда туризм соҳасини ривожлантириш ва уни янги босқичга кўтариш учун турли ҳуқуқий ва норматив ҳужжатлар ишлаб чиқилди. Туризм тараққиёти учун ҳуқуқий асослардан бири бу – Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сонли “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги Фармони эди. Ҳаракатлар стратегияси Ўзбекистонда халқаро туризмни янги босқичга кўтариш ва сердаромад соҳага айланишида янги шарт-шароит ва механизмларнинг вужудга келишига асосий фактор бўлиб хизмат қилди. Ўзбекистон Президентининг ПФ-4861-сон фармонида кўра, 2017 йил 1 апрелидан эътиборан Ўзбекистонга туризм мақсадида келувчи 27 давлат фуқаролари учун виза режими бекор қилинди². 2018-2019 йилларда ташқи сиёсатда очиқлик принципига ва халқаро тажрибаларнинг амалиётга жорий қилиниши натижасида, 66 га яқин мамлакат вакиллари Ўзбекистонда 30 кунгача визасиз бўлиши, 56 та давлат фуқаролари

¹ <https://www.unwto.org/ru/news/stepping-up-support-and-coordination-for-a-safe-and-sustainable-recovery-of-tourism>

² <https://lex.uz/docs/3077025>.

енгиллаштирилган тартибда электрон виза олиши, 101 та мамлакат аҳолиси учинчи давлатга боришда Ўзбекистонга 5 кунгача визасиз кириши, шунингдек, 2018 йил 1 июлдан электрон визалар тартиби жорий этилди¹.

Ўзбекистонда амалга оширилаётган ислохотлар маҳсули ўлароқ, ЯИМда саноат улуши 32,9 % қишлоқ хўжалиги улуши 17,6 %, хизмат кўрсатиш соҳаси эса 49,5 % (2017 йил) ташкил этиши² айнан бу соҳанинг асосий тармоғи бўлган туризмни регионал миқёсида ривожлантириш ҳаётий заруриятга айланди. Ҳаракатлар стратегиясида белгиланган вазифаларни амалиётга жалб этиш миллий туризмнинг ривожланишида сайёҳлар томонидан “Шарқ Венецияси” деб аталган қадимий ва навқирон Бухоронинг ҳам ўрни алоҳида аҳамият касб этади. Бухорода ҳам туризм саноатига давлат доирасида алоҳида эътибор қаратиб келинмоқда. Бухоро Шарқнинг энг қадимий цивилизация маркази, Буюк Ипак йўлидаги қадриятлар ўчоғи ва чорраҳаси бўлиб, унинг жаҳон тамаддунидаги беқиёс ҳиссаси учун ЮНЕСКО ташкилоти 1995 йилда Ўзбекистондаги тўртта меъморий мажмуанинг (Самарқанд, Бухоро, Тошкент ва Хива) бири сифатида рўйхатга киритди³.

Ўзбекистон ва Италия давлатларининг ўзаро дўстона ҳамкорлик алоқалари минг йилликларга бориб тақалади. Дастлабки муносабатлар Ўзбекистон ҳудуди бўйлаб ўтган Буюк ипак йўли қарвонларининг Европага қатнаган даврлардан бошланади. Италия Ўзбекистон мустақиллигини 1992 йилнинг 10 январидан тан олди. 1992 йилнинг 24 март куни дипломатик муносабатлар ўрнатди. Мустақиллик йилларида Ўзбекистон ва Италиянинг турли соҳалардаги доимий алоқалари йўлга қўйилиб, жумладан туризм соҳасидаги алоқалари ҳам динамик равишда ўсиш ҳолатида ривожланмоқда. Италия ва Европадан Ўзбекистонга сайёҳлик оқимларини кўпайтириш ва туристик хизматларнинг салоҳияти ва сифатини янада ошириш соҳасида ҳамкор давлатлар туроператорлари биргаликда янги лойиҳалар устида иш олиб бормоқдалар. Бу борада Италиянинг “Ҳотел План” “Античи сплендори” “Келл 12” “Виатти деллефанте” каби туроператорлари ва “Ситара интернейшнл” “Саквож тур” “Ориент вояж” “Марко Поло» маҳаллий туроператорлар томонидан туризм бозори фаолияти йўлга қўйилди⁴. Италия туристик ташкилотларининг Ўзбекистонга, шу жумладан, Бухорога қизиқишининг

¹ Tourism - the future of the economy of our country // "Bukhara", February 24, 2018.

² Socio-economic situation of the Republic of Uzbekistan // <https://www.stat.uz/uploads/doklad/2019/yanvar-dekabr/uz/1>.

³ www.uzbektourism.uz

⁴ Nutfillo Ibragimov. Destinatsion menejment: davlat miqyosida turizmni bozor usulida boshqarish. Iyun 2014. B-55

асосий омиллари қуйидагилардан иборат:-Ўзбекистон ноёб тарихий, археологик¹,маданий меросига эга эканлиги;

Бухорода ўзига хос миллий санъат ва ҳунармандчиликнинг минг йиллик анъаналари сақланиб, ривожланишда давом этаётганлиги;
- Италияликлар ва бошқа европаликлар орасида таниқли - "Бухоро", "Самарканда", "Темурлано", "Виа делла Сета" ("Ипак йўли"), каби машхур брендларнинг таъсири;

- Италияликлар учун анъанавий сайёҳлик йўналиши бўлган Яқин Шарқ ва Шимолий Африка мамлакатларида 2011 йилдан бошлаб давом этаётган тўқнашувлар ва сиёсий беқарорлик².

-Бухородаги турар жой хизматларининг нархи ва даражаси ўртача талабларга жавоб бериши ва уларнинг кўпчилиги тарихий марказ худудида эканлиги.

- Виза сиёсатидаги ижобий ўзгаришлар.

- Маҳаллий аҳолининг юқори даражадаги дўстона муносабати.

- Кайёҳлар учун имконият яратиш мақсадида ҳар икки томонда миллий авиакомпаниянинг вакили фаолияти ташкил этилганлиги.

Ўзбекистоннинг Европа Иттифоқи давлатлари жумладан Италия билан туризм салоҳиятининг тараққиётига салбий таъсир кўрсатаётган омиллар ҳам мавжуддир :

Халқаро сиёсий вазият;

Халқаро иқтисодий ҳолат;

Халқаро эпидемиологик хавфсизлик;

-2015 йил Париж ва Брюсселдаги терактлардан кейин италияликларнинг самолётларга ва умуман аэропортларга бўлган ишончсизлигининг юқори даражаси ва мамлакат ичкарисида куруқлик транспорти бўлган автомобил ва темир йўл транспортдан фойдаланиш истагининг кучайиши.

- оддий италияликлар ва европаликлар назарида диний экстремизм намоёнликлари билан Яқин Шарққа ўхшаш "қайноқ нуқта" сифатида Ўзбекистон жойлашган Марказий Осиёнинг сиёсий, ижтимоий, иқтисодий ҳаёти ҳақида нотўғри, ноҳолис, ҳақиқатдан йироқ бўлган таъсиротларнинг баъзи халқаро ОАВлар томонидан шакллантирилганлиги.

2. Иқтисодий жиҳатлар.

- Жаҳон иқтисодий инқирози (2008 йил бошланган ва узоқ давом этган) италияликларнинг оилавий бюджетларини ва уларнинг "саёҳат бюджетини" камайтириши.

¹ Bugungi kunda Buxoro viloyatida 829 ta moddiy madaniy meros ob'ektlari davlat muhofazasiga olingan. Shundan, 287 tasi arxeologiya yodgorliklari, 507 tasi arxitektura ob'ektlari, 17 ta monumental san'at hamda 18 ta diqqatga sazovor joylarning mavjudligi hamda ularning asl holatda saqlanib qolganligi.

² Buxoro viloyat davlat arxivi. 1503-M-Fond. 1-Ro`yxat.44-Ish 152-varoq

- "нарх-қиймат" жиҳатидан Ўзбекистоннинг туристик йўналиш сифатида чекланган жозибадорлиги.

- Туроператорларнинг таъкидлашича, иқтисодий инқироз оқибатлари ва Европанинг потенциал мижозлари тўлов қобилиятини пасайишига қарамай, нархлар Ўзбекистон учун талаб даражасида пасайтириш йўналишида қайд этилмаган.

- Ўзбекистонга боришга тайёр мижозларнинг мақсадли аудиторияси, коида тариқасида, юқори туристик мавсумдан ташқарида саёҳат қилиш учун етарли вақтга эга бўлган, маданият ва архитектура тарихига кизиқадиган, кўп даромадли саёҳатчилардир. Аммо шунинг учун экспертлар биринчи навбатда Эрон, Уммон, Ҳиндистон, Ҳиндистон, Арманистон ва Иорданияни Ўзбекистон учун муқобил йўналиш деб билишади. Муқобил йўналишлар нархи кўпинча хизматларнинг кенг доираси ва даражаси билан арзонлашади.

- Италия-Ўзбекистон-Италия йўналишидаги Миллий авиакомпаниянинг асосий рақобатчилари - Аерофлот ва Ўзбекистонга қулай рейсни очган Туркиш Аирлинес. Ҳозирда Истанбул аэропортида юз берган (2016 йил 28 июнда Отатурк аэропортидаги учта портлаш) терактлар туфайли турк авиакомпаниясининг парвозларидан италияликлар фойдаланиши вақтинча чекланганлиги кабилардир.

2017-2019 йиллардаги виза сиёсатидаги ижобий энгиликлар берилиши ва преференсиялар қўлланилиши хорижий сайёҳлар сонининг сезиларли даражада ошишига тўртки берди. Жумладан 2016 йилда Ўзбекистонга италиялик 3068 нафар сайёҳлар, 2017 йилда эса 4776 нафар сайёҳлар ташриф буюриб, 2018 йил давомида эса бу кўрсаткич 13843 кишини, 2019 йилда эса 20356 нафар турист ташрифи амалга оширилди¹. Италиялик сайёҳлар айниқса 2018 йил апрел, май, август, сентябр, октябр ойларида 2000 кишидан ортиқ ташрифни, 2019 йилнинг апрел, май, август, сентябр, октябр ойларида эса 3000 кишидан ортиқроқ туристлар меҳмон бўлишди. Бу Италиялик (шунингдек Европа Иттифоқининг бошқа аъзолари фуқаролари ҳам) сайёҳлар учун қулай ташриф вақтлари эканлигини кўрсатмоқда. Сайёҳлар мавсумининг ушбу кўринишда шаклланишига сабаб Ўзбекистоннинг табиий иссиқ иқлимидир.

2017 йил 19 май куни Ўзбекистон Республикаси Президентининг «2017–2019 йилларда Бухоро шаҳри ва Бухоро вилояти сайёҳлик салоҳиятини жадал ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги 2980-сонли қарори қабул қилиниши², каби қулай имкониятлар ва ўз вақтида қабул қилинган ҳуқуқий асослар Бухорода ҳам миллий туризм салоҳиятининг янги истиқболларини очишга хизмат қилди. Жумладан, 2018 йилда Бухорога ташриф буюрувчилар сони 2,5 миллион нафар, унинг

¹ O`zbekiston turizmni rivojlantirish davlat qo`mitasi joriy arxivi. 2016-2019 yillar ko`rsatkichlari bo`yicha hisoboti.

² <https://www.lex.uz/docs/3577062>.

таркибида хорижий сайёҳлар сони 301 минг кишидан ошиб, 2 баробар кўпайди¹. 1992 -1993 йилда Бухорода атиги 3 та меҳмонхона яъни жойлаштириш воситаси бўлиб, ундаги ўринлар сони эса 991 тани ташкил этган². Чорак асрдан кўпроқ давр мобайнида амалга оширилган ислохотлар натижасида Бухоро вилояти ҳудудида 2020 -йил жами 362 жойлаштириш воситаси фаолият кўрсатиб, улар жами 3732 хона ва 8526 ўринни ўз ичига олади. Шундан 151 таси меҳмонхона, 65 таси ҳостел ва 146 таси оилавий меҳмон уйидир³. Ушбу кўрсаткичлар туристик қайноқ мавсумида сайёҳларни жойлаштириш билан боғлиқ асосий муаммони ечиш йўлида ташланган катта қадамлардан бири бўлди. Европа Иттифоқидан ташриф буюрадиган сайёҳлар ёшини таҳлил қиладиган бўлсак, асосан 50-60 ёш ва ундан катта ёшдаги сайёҳлар асосий қисми ташкил этганлигини ҳисобга олсак, бу ёшдаги туристлар тарихий-маданий мерос ёдгорликларига қизиқишлари туфайли Қадим шаҳар Бухоро улар танлаган туристик маршрутнинг асосий қисми бўлиши жуда катта иқтисодий аҳамият касб этади. Бухорога италиялик сайёҳлар оқими динамикасига назар ташласак, 2017 йилда 4468 нафар, 2018 йилда 11100 нафар, 2019 йилда эса 13400 нафар туристлар⁴ ташрифи амалга оширилганлиги Бухоро меросига қизиқишнинг янада ошаётганлигидан далолатдир. Шунингдек, хориждан келаётган сайёҳлар оқимини кўпайтириш ва Бухоро вилоятининг туристик салоҳиятини дунёга намойиш қилиш мақсадида Италиянинг “Лост Авакадо” тасвирга олиш гуруҳи вакилларидан иборат делегация 2019 йилнинг 11-14 апрель кунлари ва Италия СМИ яъни оммавий ахборот воситаларининг журналист ва фотографлари 2019 йил 3-5 июнь кунлари ҳамда Италиянинг Фото Ред Фотографик Агентлиги томонидан Роберто Магни 2019 йил 3-4 августда Бухоро вилоятига ташрифи ҳамда тасвирга олиш жараёнлари амалга оширилиб, улар тайёрланган кўрсатувлар, дастурлар ва видеоларҳалар каби тарғибот ташвиқот материаллари хорижий ОАВ ва медиалар томонидан телеинтернет каналлари, сайтлари ва матбуот нашрларида намойиш этилмоқда⁵.

Хулоса қилиб айтганда, жуда тез ривожланаётган жаҳон туризми мустақил ривожланиш йўлида бўлган Ўзбекистон учун ҳамкорлик орқали жадал тараққиёт имкониятини яратибгина қолмасдан, Италия каби туризм индустрияси етук давлатлар тажрибасидан фойдаланиш ўзига хос таҳлилий ва амалий конструктив хулосалар чиқаришга хизмат қилади. Жаҳон сайёҳлик оқимининг кенгайиши, халқаро ва миллий туризмнинг барқарор ривожланишига ер сайёрасидаги тинчлик, стабил эпидемиологик

¹ Shahriyrov B. Investments, privileges and preferences in tourism development // "Bukhara",

² O`zbekiston Milliy arxivi. 141-Fond-M, 1-Ro`yxat, 9-ish, 117-119-varoqlar.

³ uzbektourism.uz

⁴ Buxoro viloyat turizmi rivojlantirish departamenti joriy arxivi. 2017-2019 yillarda amalga oshirilgan ishlar to`g`risidagi ma`lumotnomasi. 01.10.2020 yil holatida.

⁵ Buxoro viloyat turizmi rivojlantirish departamenti joriy arxivi. 2017-2019 yillarda amalga oshirilgan ishlar to`g`risidagi ma`lumotnomasi. 01.10.2020 yil holatida.

ҳолат, давлатлараро сиёсий, иқтисодий, маданий ҳамда савдо соҳасидаги ҳамкорлик алоқаларининг барқарор ҳолати асосий омил бўлиб хизмат қилади.

ЎЗБЕКИСТОНДА ЗИЁРАТ ТУРИЗМИ

(Бухоро вилояти мисолида)

Улжаев Умарали Қурбонович.

*Имом Термизий халқаро илмий-тадқиқот
маркази илмий ходими*

Тарихий хотирасиз келажакни тасаввур этиб бўлмаганидек турли халқларнинг маънавиятини уларнинг тарихи, ўзига хос урф-одат ва анъаналарини ҳаётий қадриятлардан айри ҳолда кузатиш мумкин эмас. Шундай экан ўзбек халқи менталитетига урғу берилишида маънавий мерос, маданий ёдгорликлар, кўхна тарихий зиёратгоҳлар энг муҳим омиллардан бири бўлиб хизмат қилиши шубҳасиздир.

Табиийки, бу борада Ўзбекистоннинг турли табиий-географик минтақалардаги зиёратгоҳларнинг ҳам беқиёс ўрни бўлиб, улар халқимиз тарихи ва урф-одатларини, диний ва дунёвий қарашлари ҳамда миллий руҳиятини, азалий орзу-истакларини ўзида мужассам этади.

Бугунги кунда туризм жадал ривожланаётган индустриялардан бирига айланиб, иқтисодиётнинг жаҳон ялпи ички маҳсулотида нефть, кимё ва автомобилсозлик соҳаларидан кейинги энг сердаромад йўналиш сифатида эътироф этилиши бежиз эмас.

Жумладан, Ўзбекистон Республикасида ҳам мустақилликдан сўнг туризм соҳаси ривожлана бошлади десак муболаға бўлмайди. 1992 йил “Ўзбектуризм” Миллий Компаниясига асос солинди ва мамлакатнинг туристик жозибадорлигини ошириш ҳамда соҳани кадрлар билан таъминлаш борасида бир қанча ислохотлар амалга оширилди. 1999 йил 20 август куни “Туризм тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни қабул қилиниши соҳа ривожидида муҳим роль ўйнайди. Ушбу Қонуннинг асосий мақсади туризм соҳасидаги бозорни ривожлантириш, шунингдек, туристлар ва туристик фаолият субъектлари ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилишдан иборат¹.

Ўзбекистон Республикасининг географик жойлашуви, тарихи ва иқлим шароитига кўра туризмнинг экотуризм, зиёрат туризми, саёхат туризми каби соҳалари мавжуд бўлиб, бугунги кунда туризмнинг янги йўналишлари-тиббиёт туризми, таълим туризми ва ов туризми соҳалари йўлга қўйилмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёев томонидан мамлакатда туризм соҳасини янада ривожлантириш борасида дадил

¹ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 7 февралдаги ПҚ-3514-сонли “Ички туризмни жадал ривожлантиришни таъминлаш чора-тадбирлари тўғриси” ги қарори.

қадамлар ташланиб, туризм соҳаси тубдан ислоҳ этилмоқда. Ўзбекистон Республикасининг Президенти 2016 йил 2 декабрдаги “Ўзбекистон Республикасининг туризм соҳасини жадал ривожлантиришни таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-4861-сонли, 2018 йил 3 февралдаги “Ўзбекистон Республикаси туризм салоҳиятини ривожлантириш учун қулай шароитлар яратиш бўйича қўшимча ташкилий чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПФ-5326-сонли фармонлари ва 2018 йил 7 февралдаги “Ички туризмни жадал ривожлантиришни таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-3514-сонли қарорининг қабул қилиниши ҳамда Виза тизимининг ислоҳ этилиши, жумладан, 2019 йилдан бошлаб 45 давлатга визасиз тизимнинг жорий этилиши (электрон виза тизими ҳамда таълим туризмига оид “Studentviza”, “Academicviza” виза турлари) Ўзбекистонда туризм индустриясини янада ривожланишига йўл очиб берди¹.

Қадимда “Мовароуннаҳр” деб улуғланган, ўтмишда “Туркистон” деб қадрланган ва ҳозирда “Ўзбекистон” номи билан шараф топаётган мамлакатимизда кўплаб табаррук зотларнинг қабрлари, қадамжо ва зиёратгоҳлари жойлашган. Ислом цивилизацияси маркази мутахассислари томонидан ислом тамаддунида юртимизнинг тутган ўрни, улуғ муҳаддис Имом ал-Бухорий, Ат-Термизийларнинг шу заминдан етишиб чиққани, нақшбандийлик тариқати асосчиси Баҳоуддин Нақшбанднинг илми ирфондаги ўрни юксаклигини эътироф этишмоқда. Ватанимиз ҳудудида дунёга машҳур қадамжо ва зиёратгоҳлар борки, уларни зиёрат қилиш Ислом динида “Кичик ҳаж” билан тенглаштирилган.

Бу эса ўз навбатида юртимизда зиёрат туризмни янада ривожлантириш орқали, юртимизнинг туризм салоҳиятини юксалтириш имкониятини беради. Бугунги кунда юртимизда жами 7 минг 476 моддий маданий мерос объекти давлат муҳофазасига олинган бўлиб, шундан 4 минг 308 таси археология ёдгорлиги, 2 минг 79 таси архитектура ёдгорлиги, 694 таси монументал санъат ёдгорлиги, 395 таси эса диққатга сазовор жой саналади².

Мамлакатимиз ҳудудида мавжуд бўлган тўрт мингдан зиёд моддий-маънавий обида умумжаҳон меросининг ноёб намунаси сифатида ЮНЕСКО рўйхатига киритилгани ҳам бу фикрни тасдиқлайди³.

Зиёрат туризмни мамлакатимизда янада ривожлантириш мақсадида кўплаб ислохотлар амалга оширилмоқда. Шундай ислохотлардан бири сифатида Тошкент халқаро аэропортида намозхона ташкил этилганини келтириб ўтиш ўринлидир. Соҳани ривожлантириш, юртимизга ташриф буюраётган зиёратчиларга қулайлик яратиш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Туризмни ривожлантириш давлат қўмитасининг “Туристик

¹ <https://kun.uz/34139916>

² Исҳоқов М., Раҳмонов Н., Содиков Қ., Тўхлиев Б. Ўлмас обидалар. -Т.: Фан. 1989. Б.35.

³ Каримов И.А. Юксак маънавият – енгилмас куч. -Т.: Маънавият. 2008. Б 29.

хизматларни сертификатлаштириш маркази” давлат унитар корхонаси томонидан янги давлат стандарти ишлаб чиқилди. Зиёратчилар учун қулайлик яратиш мақсадида муқаддас қадамжо ва зиёратгоҳлар тўғрисида мобил иловалар ишлаб чиқилди.

2019 йил 21-23 феврал кунлари Бухоро шаҳрида ўтказилган Биринчи Халқаро Зиёрат туризми форуми (The First International Forum on Ziyarah tourism) зиёрат туризми индустриясини юртимизда ривожлантиришда муҳим аҳамиятга эга. Мазкур форум Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёев ташаббуси билан мамлакатнинг халқаро майдондаги зиёрат туризми бўйича мавқеини ошириш мақсадида ўтказилди. Тадбир Туризмни ривожлантириш давлат қўмитаси, Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Дин ишлари қўмитаси, Ўзбекистон мусулмонлар идораси, “Вақф” хайрия жамғармаси, Ташқи ишлар вазирлиги, Бухоро вилояти ҳокимлиги, ISESCO (Islamic Educational, Scientific and Cultural Organization) ва UNWTO (United National World Tourism Organization) ҳамкорлигида ташкил этилди. Халқаро форум доирасида Ўзбекистоннинг зиёрат туризм марказларидан бири сифатида тан олиншига доир Бухоро декларацияси имзоланди. Таъкидлаш жоизки, Бухоро декларациясининг имзоланиши Ўзбекистон тарихидаги муҳим ҳодисадир. Экспертларнинг фикрича, бу ҳужжатнинг имзоланиши республикада сайёҳлик инфратузилмасининг ривожланишига ва умуман туристик оқимнинг янада кўпайишига кучли туртки беради. Бундан ташқари, форум доирасида Туризмни ривожлантириш давлат қўмитаси ҳузуридаги Миллий PR-марказ ҳамда Малайзия турагентликлари ассоциацияси ўртасида ҳамкорлик меморандуми имзоланди. Меморандум туристик компаниялар фаолиятини қўллаб-қувватлаш, туризм соҳасидаги ишчи ва инвестицион алоқаларни кенгайтириш, шунингдек икки мамлакат сайёҳлар сонини оширишни кўзда тутади.

Форум доирасида Мир Араб мадрасасида татар олими ва маърифатпарвари Шигабуддин Маржоний шарафига мемориал ёдгорликнинг очилиш маросими, шу билан бирга, Зиёрат туризми бўйича илк халқаро форум майдонида Россия муфтийлар кенгаши раиси Рушан Аббасов ва Ўзбекистон мусулмонлар идораси раиси, муфтий Усмонхон Алимов ўртасида ўтказилган учрашувда томонлар ўзаро ҳамкорлик алоқаларини кенгайтириш ва хусусан, зиёрат туризми бўйича ҳамкорликни чуқурлаштириш масалалари кўриб чиқилди. Халқаро форум иштирокчилари томонидан Ўзбекистонда зиёрат туризмни янда ривожлантириш борасида таклифларни ҳам билдирилди. Жумладан, Бухоро аэропортини очиқ осмон форматига ўтказишни, зиёрат туризми жозибадорлигини ошириш учун тарғибот ишлари яхши йўлга қўйилиши билан бирга зиёратчиларга қулай шарт-шароитлар яратилиши кераклиги таъкидланди¹.

¹ <https://kun.uz/34139916>

Тарихдан маълумки, зиёратгоҳлар - муқаддас жойлар сифатида узок тарихий жараёнларда маънавий озуқа берувчи омиллар бўлиб, аҳолининг маиший турмушида ўзига хос вазифаларни ўтаб келган. Шу билан бирга зиёратгоҳлар узок-яқиндан зиёрат қилиш учун келган жамоат аҳлининг учрашиб, ўзаро маданий алоқаларни тиклаш нуқтаси сифатида ҳам жуда муҳим роль ўйнаган.

Зиёратгоҳлар ҳар бир халқнинг тарихи ва урф-одатлари, диний қарашлари ҳамда миллий руҳиятини ўзида мужассам қилиши билан бирга инсоният тарихида юз берган тарихий жараёнлар, табиий офатлар, ижтимоий, иқтисодий ҳамда оилавий муаммоларни бартараф этиш ва уларнинг ечимларини топишда ҳам муҳим аҳамият касб этади¹.

Бухоро шаҳрида ўтказилган форум Ўзбекистонда зиёрат туризмни ривожлантириш борасидаги илк қадамлардан бири. Ўзбекистон замини бутун дунёдан ислом цивилизациясининг муҳим марказларидан бири сифатида сайёҳларни чорлаб келмоқда. Қадимдан машҳур Бухоро, Самарқанд, Хива, Тошкент каби шаҳарларда жойлашган ноёб тарихий меросдан унумли фойдаланган ҳолда мамлакатимиз иқтисодиётини кўтариш, халқимиз фаровонлигини ошириш билан бирга, уларни келажак авлодларга етказиш бугунги куннинг энг долзарб масалаларидан бири ҳисобланади. Зоҳиран, юртимизнинг табиий бойликлари кўзларни қанчалар севинтирса, маънавий бисоти ботинан ифтихор ва ҳавас туйғуларини уйғотади. Истиқлол йилларида Президентимиз раҳнамолигида мамлакатимизда маданий мерос объектларини муҳофаза қилиш ва улардан фойдаланиш борасида изчил ишлар олиб борилди, ушбу соҳадаги давлат сиёсатининг асосий йўналишлари белгилаб олинди ва амалга оширилмоқда. Бунда маданий мерос объектларини муҳофаза қилишга, уларни қайта таъмирлаш-тиклаш ишларига, маданий мерос объектларини имкон қадар асл кўринишида сақлаб қолишни таъминлашга, уларни умуминсоний қадриятлар билан уйғунлаштиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Ўзбек халқи қадимдан меҳмондўст, тинчликсеварлиги билан ажралиб туради. Ўзбекистоннинг қайси вилоятига қадам қўйсангиз, ўзига хос муқаддас қадамжо ва зиёратгоҳларга дуч келасиз. Зиёратгоҳлардаги ободлик ва озодалиқни кўриб кўзингиз қувонади, кўнгил хотиржамлигини ҳис этасиз. Турли миллат вакиллари билан иборат зиёратчилар, хорижий сайёҳлар учун зиёратгоҳларда қулай шарт-шароитлар яратилган бўлиб, кўшни давлатлар билан алоқаларнинг яхшиланиши зиёратчилар сонининг сезиларли даражада ошишига сабаб бўлди.

Муқаддас зиёратгоҳлар асосан жамоа-этнос-миллатнинг тарихий шаклланиши жараёнида асосий ҳисобланган биологик, географик, иқтисодий, тил ва маданият каби омилларнинг мужассам таъсири

¹ Эрвалиев Б., Остонақулов И., Абдулаҳатов Н. Ўзбекистон зиёратгоҳлари ва қадамжолари. Тошкент “Turon Zamin Ziyο”. 2015 й. Б. 38-40

натижасида минг йиллар давомида шаклланди. Энг қизиғи шундаки, тарихий ривожланиш давомида барча омиллар анъанавий жамиятга кириб келган постиндустриал тараққиётнинг таъсири натижасида ўз функциясини ўзгартириши мумкин. Лекин маданий ҳаётнинг миллий маънавий кадриятлари сирасида саналмиш муқаддас қадамжо ва зиёрагоҳларнинг миллий менталитетга таъсир кучи вақт ўтган сари миллий эътиқоднинг инъикоси, устуни сифатида доимий равишда ошиб бормокда¹[З. Б. 94].

Шубҳасиз, бу борада ўзбек халқи орасида кенг тарқалган зиёрат тури бу ўтганлар манзили бўлган қабристонларни зиёрат қилиш одати ҳисобланади. Қабристон зиёрат қилинган пайтда марҳумлар руҳига бағишлаб тиловати Қуръон ҳамда дуои хайрлар қилинади. Маълумки, азиз-авлиёларнинг мақбараларини, шунингдек, яқинларимизнинг қабрларини зиёрат қилиб туриш ислом динида савобли ишлардан саналади.

Маҳаллий аҳоли томонидан асрлар давомида зиёратгоҳ сифатида эъзозлаб келинган муқаддас қадамжолар, жумладан, археология, архитектура ёдгорликлари, табиат ёдгорликлари ҳамда улар билан боғлиқ урф-одат ва маросимларни ўрганиш муҳим аҳамиятга эга.

Хулоса қилиб айтадиган бўлсак, Ўзбекистонда сақланиб келаётган зиёратгоҳ ва қадамжоларни асраш барчанинг бурчи. Чунки уларда халқнинг руҳияти, маънавияти, қўйингки, ўзлиги акс этиб туради. Шу боис биз уларни халқ маънавиятининг кўзгусига қиёс этамиз. Мустақиллик шарофати билан ўзининг буюк келажагини яратиш йўлида меҳнат қилаётган халқимизнинг ҳақиқатан ўз олдига қўйган мақсади каби бой ва қадим ўтмиши борлигини, умуминсоний кадриятларнинг таркибий қисми бўлган ўзига хос урф-одат, анъаналарига эга эканлигини ўрганиш, шунга доир тегишли тадқиқотларни олиб бориш биз ёшлар учун жуда муҳим бўлиб, юртимизнинг янада раванқ топишига хизмат қилиши шубҳасиздир.

¹ Гаюпова Ш.М. Ўзбек миллий менталитетининг шаклланишида муқаддас қадамжолар ва зиёратгоҳларнинг роли.//Марказий Осиёда анъанавий ва замонавий этномаданий жараёнлар. Тошкент. 2005, Б 93-97.

6-ШЎЪБА. БУХОРО САНЪАТИ (МУСИҚА, МЕЪМОРЧИЛИК, ҲУНАРМАНДЧИЛИК, МИННАТЮРА, ЗАРДУЗЛИК, В.Ҳ.) ВА МАДАНИЯТИ ТАРИХИ

ТАДЖИКСКО-ПЕРСИДСКИЙ СУБСТРАТ НАЗВАНИЙ РЕМЕСЕЛ В УЗБЕКСКОМ ЯЗЫКЕ

Соколова Людмила Михайловна
Наманганский государственный университет
Преподаватель кафедры История

Наименование профессий и представителей ремесленничества наиболее полно отражаются в словарях, в том числе и двуязычных. При этом

во временном разрезе отображаются изменения в составе профессий, представителей ремесленников, исчезновение устаревших или появление новых. Мы выписали из узбекско-русского словаря¹ слова, обозначающие названия профессий, должностей, духовных лиц, ремесленников. Их оказалось 895.

Далее высчитали число словообразовательных аффиксов, таковых оказалось 324. Следующим этапом определили количество таджикско-персидских словообразовательных аффиксов – их нашлось 39 или 12%.

Затем внесли в список только слова, называющие представителей местного ремесленничества, большей частью основанных на принципе «уста-шогирд» и не содержащих русских, латинских и древнегреческих элементов. Отобрано 524 слова. Среди них с тюркским словообразовательным аффиксом *-чи* оказалось 246 слов.

Аффикс *-чи* образует от имен существительных и отглагольных имен имя деятеля или представителя определенной профессии, а также имена, выражающие положение или состояние лица, например, *иичи – рабочий* от *иш – работа*.

С аффиксом *-навис* 5 слов, с аффиксом *-бон*, *-вон* – 7. Например, *хикоянавис – писатель*, *тимбон – караульщик на базаре*. Возможно, что *-навис*, *-бон*, *-вон* также являются таджикско-персидскими аффиксами, но в словаре у этих лексем нет специальной отметки, поэтому эти аффиксы следует отнести к тюркским. Остальные слова были равны основе лексем.

Остановимся на словах, содержащих таджикско-персидских корни и аффиксы. Мы выписали из них только те, которые описывают род занятий людей. Это слова с аффиксами *-гар*, *-гар*, *-кар*, *-кор* (2 значения), *-дуз*, *-каш*, *-паз*, *-фуруш*, *-соз*, *-шунос*, *-дор*. Их 112.

¹ Узбекско-русский словарь под ред. Боровкова. - М., 1959.

-гар (тадж.-персидского происхождения) образует имя деятеля или представителя определенной профессии от имён существительных, оканчивающихся на гласные и звонкие согласные, напр. *заргар* – *золотых дел мастер, ювелир*.

-гор – (тадж.-персидского происхождения) образует имя деятеля или представителя определённой профессии, напр. *дурадгор* – *столяр*.

-кар – (тадж.-персидского происхождения) образует от слов оканчивающихся на глухие согласные, имя деятеля или представителя определённой профессии, например, *мискар* – *медник* от *мис* – *медь*.

-кор – 1 (тадж.-персидского происхождения) образует имя деятеля или представителя определённой профессии, например, *санъаткор* – *художник* (вообще) от *санъат* – *искусство*.

-кор – 2. (тадж.-персидского происхождения) образует имена со значением «сеющий что-либо, или засеваемый чем-либо», например, *пахтакор* – *хлопкороб* от *пахта* – *хлопок*, *пахтакор ер* – *земля, засеваемая хлопком*.

-дўз – (тадж.-персидского происхождения) образует имя деятеля со значением *мастер, шьющий что-либо*, например, *дўппидўз* – *мастер, шьющий тюбетейки*, от *дўппи* – *тюбетейка*.

-каш – (тадж.-персидского происхождения) образует имя деятеля или представителя определенной профессии, например, *аравакаш* – *возчик*, от *арба*, *телега*.

-паз – (тадж.-персидского происхождения, букв. *варящий, пекущий*) образует имя действующего лица, например, *ошпаз* – *повар*, от *ош* – *еда*.

-соз – (тадж.-персидского происхождения, со значением *делающий, строящий*) образует имя действующего лица, например, *соатсоз* – *часовщик* от *соат* – *часы*.

-фуруш – (тадж.-персидского происхождения, со значением *продающий, продавец, торговец*) образует имя действующего лица, например, *ҳолвафуруш* – *продавец сладостей* от *ҳолва* – *халва*.

-шунос – (тадж.-персидского происхождения, со значением *знающий, знаток*) образует названия профессий, например, *тилишунос* – *языковед*, от *тил* – *язык*.

-дор – (тадж.-персидского происхождения) образует названия лиц, обладающий данным признаком или предметом, например *нишондор* *орденоносец* от *нишон* – *орден* или *чорвадор* – *скотовод* от *чорва* – *скот*.

-хон – (тадж.-персидского происхождения, со значением *читающий, знаток*) образует существительные со значением *читатель*, например, *газетхон*.

Некоторые понятия могут пользоваться и тюркским, и персидско-таджикским аффиксом, например, *арракаш* и *аррачи* – *растиловицик, эскифуруш, эскичи* – *старьевщик*.

Обратим внимание на корни *-кар, -гор, -кор*. Слово *кор* как таковое означает *работа*. Слова, содержащие аналогичные корни содержатся и в армянском языке: *karogh – могу, yes ch'em karogh – не могу, gorts – работа*.

Однако наибольшее количество совпадений содержится в санскрите¹.

Можно обратиться и к английскому языку, в котором *a carpenter* означает *столяр, плотник*. При этом *car* протоиндоевропейское **ker-* означало *жар/огонь*. Через латинское *carbonem* - *уголь/горящий уголь* (можно трактовать как «жар несущий»). Русский вариант - *жар/гар/гор* (как в слове *carbohydrates* - *углеводы, carbon* - *углерод*)².

Согласно санскритско-русскому словарю В.А. Кочергиной³

kāra [kaaraka] творец, создатель;

kārya [kaarya] (пн. от *kar*) дело, работа;

kṛta [kRRita] сделанный (пр. от *kar*);

kṛṣaka [kRRishhaka] земледелец, пахарь;

kṛṣant [kRRishhant] пашущий, идущий за плугом;

kṛṣi [kRRishhi] земледелие; хлебопашество.

В словаре санскрита (транслитерация на русский) этот корень имеет следующие значения⁴:

кару – работа, ремесло; кар – сотворённое; карта – рабочий; кармар – кузнец; кармакрт – делание.

Ниже приводим таблицу, отражающую таджикско-персидские аффиксы в применении к названиям ремесел.

№	№	Таджикско-персидское наименование ремесла	Наименование ремесла на русском языке
1	1 - <u>фуруш</u>	аслаха <u>фуруш</u>	торговец оружием
2	2	бода <u>фуруш</u>	уст.продавец вина
3	3	во <u>фуруш</u>	1.лоточник 2. продавец обуви, торговец обувью
4	4	гул <u>фуруш</u>	продавец цветов, цветочник
5	5	дўппи <u>фуруш</u>	торговец тюбетейками
6	6	ипак <u>фуруш</u>	торговец шелком
7	7	китоб <u>фуруш</u>	продавец книг
8	8	нос <u>фуруш</u>	торговец насом
9	9	одам <u>фуруш</u>	торгующий людьми

¹ <https://www.liveinternet.ru/users/visionary2007/post70001174/>

² https://www.znajkino.ru/english_rus_carpenter.htm

³ Кочергина В.А. Санскритско-русский словарь//www.twirpx.com › fil

⁴ <https://www.liveinternet.ru/users/visionary2007/post70001174/>

10	10	олмафуруш	человек, занимающийся продажей яблок
11	11	пахтафуруш	торговец хлопком
12	12	сомсафуруш	продавец пирожков
13	13	тамакифуруш	торговец табаком
14	14	терифуруш	торговец кожами
15	15	тухумфуруш	продавец или перепродавец яиц
16	16	чиннифуруш	торговец фарфором
17	17	читфуруш	продавец мануфактуры
18	18	чойфуруш	торговец чаем
19	19	шойифуруш	продавец шёлковых тканей
20	20	эскифуруш	старьёвщик
21	21	қандолатфуруш	продавец сладостей
22	22	ҳолвафуруш	продавец халвы
23	1	-кор бастакор	композитор
24	2	бинокор	строитель, зодчий
25	3	гилкор	мастер-штукатур, резчик по ганчу и алебастру
26	4	ижодкор	творец, создатель
27	5	ижодкор	творец, создатель
28	6	кошинкор	облицовщик
29	7	мардикор	подёнщик, чернорабочий
30	8	санъаткор	искусный мастер
31	9	соҳибкор	знаток, умелец
32	10	устакор	1. мастер, знаток 2. направляющий, поучающий
33	11	хизматкор	слуга, работник, домашняя работница, прислуга
34	12	чорақор	чайрикёр
35	13	ўймақор	1. гравёр, гравировщик 2. резчик, режущий узоры на твёрдом материале
36	1	-соз муковас соз	переплетчик
37	2	аравасоз	аравасоз
38	3	иморатсоз	строитель, зодчий
39	4	кемасоз	судостроитель
40	5	милтиксоз	ружейный мастер
41	6	ойнаксоз	оптик, изготавливающий очки
42	7	тобутсоз	гробовщик
43	8	ромсоз	столяр. изготавливающий рамы
44	9	соатсоз, соатчи	часовщик
45	10	тунукасоз	жестяник
46	11	ғилдираксоз	колёсный мастер
47	12	яроғсоз	оружейник
48	1	-дуз бачкана дуз	сапожник, шьющий только детскую обувь

49	2	гиламдўз	ковровщик, ковровщица
50	3	жомадўз	портной
51	4	йўрмадўз	вышивальщица
52	5	кавушдўз	сапожник
53	6	киссадўз	мастер по пошивке кошелеков
54	7	маҳсидўз	сапожник, шьющий ичиги
55	8	мўйнадуз	скорняк
56	9	пўстиндуз	скорняк, шьющий тулупы
57	10	дўппидўз	изготовитель тюбетеек
58	11	эскидўз	сапожник, занимающийся реставрацией и продажей старой обуви
59	12	этикдўз	сапожник
60	13	қалпокдўз	мастер, шьющий головные уборы
61	1	-қаш арава қаш	мастер, изготавливающий арбы, телеги
62	2	аррақаш	пильщик
63	3	белқаш	рабочий, подающий глину мастеру, кладущему стену
64	4	замбилқаш	работающий на носилках, таскающий носилки
65	5	қаламқаш	пишущий, чертящий 2. писатель
66	6	кирақаш	человек, занимающийся извозным промыслом
67	7	пахсақаш	мастер, возводивший глинобитные стены
68	8	пиллақаш	кокономотальщик, шелкомотальщик
69	9	хатқаш	писарь, писец
70	10	чизмақаш	1. чертёжник 2. женщина. специально занимающаяся рисованием узоров для вышивания
71	11	ҳезимқаш	человек, заготавливающий и продающий дрова, дровосек
72	1	-ғар бозин ғар	танцор, плясун 2. фокусник, жонглёр
73	2	бўзағар	человек, занимающийся изготовлением бузы
74	3	дамғар	работник, раздувающий кузнечный мех
75	4	зарғар	золотых дел мастер, ювелир
76	5	кимёғар	алхимик, химик
77	6	косағар	гончар, изготавливающий чашки
78	7	кудунғар	лощильщик тканей кустарного производства
79	8	рихтағар	литейщик
80	9	савдоғар	торговец, купец, коммерсант
81	10	совунғар	мыловар
82	11	тайёрғар	специалист по изготовлению тюбетеек из заранее вышитых деталей
83	12	чиланғар	слесарь

84	1 -	адабиёт <u>шунос</u>	литературовед
		<u>шунос</u>	
85	2	арабшунос	арабист
86	3	гавҳаршунос	ювелир, специалист по драгоценным камням
87	4	заршунос	ювелир, тонко разбирающийся в золотых вещах
88	5	қийматшунос	оценщик
89	6	қонуншунос	законовед
90	7	ўрмоншунос	лесовод
91	8	ҳуқуқшунос	правовед
92	1	азайим <u>хон</u>	заклинатель, знахарь
93	2	дуохон	заклинатель
94	3	корхона	предприятие, производство
95	4	кутубхоначи	библиотекарь
96	5	парихон	заклинатель злых духов
97	6	яққахон	певец-солист
98	7	ғазалхон	исполнитель газелей
99	1 - <u>кор</u>	буғдой <u>кор</u>	возделывающий пшеницу
100	2	зиғиркор	льновод
101	3	лавлагикор	свекловод
102	4	пахтакор	хлопкороб
103	5	шоликор	рисовод
104	6	ғаллақкор	хлебобороб, хлебопашец
105	1 - <u>паз</u>	кабоб <u>паз</u>	шашлычник
106	2	каллапаз	повар, готовящий из голов, требухи
107	3	ошпаз	повар
108	4	сомсапаз	пирожник
109	5	шакарпаз	кондитер (изготавливающий восточные сладости)
110	1 - <u>дор</u>	мактаб <u>дор</u>	учитель, содержавший школу
111	2	чорвадор	скотовод
112	1 - <u>гор</u>	дурад <u>гор</u>	столяр, плотник

Более того, узбекско-русский словарь сохранил связи ремесла с огнем в следующих моментах:

– пир –1. старец 2.пир (духовный наставник религиозной общины, глава религиозной секты, патрон (духовный));

– пирхона –1. дом мастера (где жили и обучались какому-нибудь ремеслу его ученики) 2. дом пира (где жили и кормились его престарелые последователи);

– кор – дело, работа;

– корхона – предприятие, производство;

– коргоҳ – 1. книж. мир, вселенная 2. поле деятельности 3. уст. мастерская, предприятие.

Тюрские слова, означающие те же понятия:

– уста – мастер;

– устакор – 1. мастер, знаток 2. направляющий, поучающий.

Заметим, что греческое слово «*pyra*» означает огонь, свет (или видимый)¹. Таким образом, ремесленник был не только работником, но и духовно развитым человеком.

Эти традиции делятся издавна.

Так, культовый центр огнепоклонников на Джаркутане (не ранее XVI века до н.э.) включал... жилую комнату с очагом-камином, где был похоронен вождь – мужчина зрелого возраста с богатым погребальным инвентарем, содержащим более 50 предметов. Среди них особое внимание привлекают бронзовый жезл – символ власти и предметы ювелирно-кузнечного дела, свидетельствующие о том, что погребенный одновременно являлся и наставником мастеров-металлургов².

Т.е пир связан не только с ремесленной деятельностью, но и с духовным просветлением. Теми же самыми свойствами обладает и уста. Очевидно, поэтому ремесленники Намангана, сознавая свою глубокую ответственность не только за профессиональную, но и за духовную подготовку шогирда, отзываются об обучении подмастерья как о чрезвычайно хлопотном деле.

Словарный состав узбекского языка свидетельствует о значительном субстрате таджико-персидских понятий, передающих не только профессиональное содержание слов, но и их глубокие связи с протоиндоевропейской историей.

АБДУЛЛАХОН АДАБИЙ КЕЧАЛАРИ

Қораев Шерхон

Алишер Навоий номидаги Тошкент давлат

ўзбек тили ва адабиёти университети тадқиқотчиси

Шайбоний хукмдорлардан Абдуллахон II даври (бош хонлик: 1581-1598)да ҳам Бухорода илм-фан, маданият, адабиёт ривожланишда давом этди. Хусусан, Абдуллахон II саройидаги адабий мажлислар ўтказилиб, унда ўз даврининг кўзга кўринган шоирлари мушоиралар уюштирган. Шарафуддин Роқимий сон-саноксиз шоирлар, олимлар ва фозиллар Абдуллахоннинг атрофида бўлганлигини ёзиб қолдирган.³

¹ <https://realmark.livejournal.com/4949.html>

² Аскарлов А., Ширинов Т. Древнебактрийский храм огня в Южном Узбекистане// Градостроительство и архитектура. – Т., 1989. – С. 9.

³ Шарафуддин Роқимий. Тарихи томм. Т. Маънавият, 1998.-Б.132.

Абдуллахон II истеъдодли шоир бўлиб, “Хон” тахаллуси билан ғазаллар ёзган ва мушоираларда ўз шеърларини ўқиган:

***Ҳамиша орзуйи Хон ҳамин бошад ки дар олам,
Равад суйи мазори шоҳи гардад аз гуломонаш.***

(Бу жаҳонда мудом Хоннинг орзуси шу бўлажакким: Шоҳ мазорига борсаю хизматида турса ҳар он).¹

Қасиданавис шоир Мавлоно Мушфиқий (1525-1588) хон саройининг “Малик-уш-шуаро”си бўлган:² *“Мулло Мушфиқий бир муддат Самарқанд шаҳрида Султон Саъидхон вафотидан сўнг бир умр Фоҳираи Бухорога келиб, Соҳибқирон Абдуллахон хизматида иззат топди. Хуришджоҳ, анжумсипоҳ, сипеҳржойгоҳ шоҳ мадҳига кўтаринки қасидалар ёзди... Унинг таснифлари, таълифлари қўидагилардан иборат: девони ғазал, султонлар номига ёзилган қасидалар девони ва ҳажвиёт, “Гулистони Эрам” номли маснавийси, “Хусни дил” назми.”³ Нисорий (1516-1597) ҳам “Музақкири аҳбоб”да Мавлоно Мушфиқий ўз замонининг машҳур шоирларидан бири эканини, “хўб қасидалар ва марғуб шеърлар” ёзганини айтиб ўтган.⁴*

Нақл қилишларича, бир куни шеърый йиғинда Абдуллахон Фигорий Самарқандий девонидан ўнга яқин ғазални Мушфиқийга ўқиб берди ва ундан “мулло Фигорийнинг шеърлари қандай ҳолатда?” деб сўради.

Мавлоно Мушфиқий “бу асрда, яъни айни кунларимизда ҳеч ким мулло Фигорий каби покиза шеър ёза олмайди” деди.⁵

Хофиз Таниш ал Бухорий “Абдулланомани”да Абдуллахон ҳузуридаги мажлисни шундай тасвирлайди: *“Ҳоқон ҳазратлари (Абдуллахон) ҳузурида мажлис мутасаддийлари шоҳона базм тартиб бердилар: хусравона мажлис тайёрладилар. Султон жаноблари (Исфандиёр султон) ўзи билан доимо хос мажлисдош ва анис, йўлдош бўлиб турганлар билан борди. Хушовоз нағмачилар, кўнгил кўтарадиган тароначилар ва соз чалувчилар дутор, сеторларга чанг уриб, шавқ – завқ палосини Саратон буржига етказдилар, рубоб, уд навосини кўк рангли осмон чўққисидан ўтказдилар”.* Ушбу мажлисда Хофиз Таниш ал Бухорий “соз чалувчиларнинг” “ҳаммаси хушовоз, хушгап, латифачи” эканлигидан йиғин қизиқарли ўтганлигини ёзиб қолдирган.⁶ Шоир Мавлоно Бақоий ва унинг хотини шоира Биби Отун Абдуллахон мажлисида надим (суҳбатдош) бўлиб, шеърый кечани ўз шеърлари билан қизитишган.⁷ Атоқули қиссахон эса “жаннатмакон хоқон Абдуллахоннинг олдида қатта иззатга эга бўлган ва мазкур подшоҳнинг жаннат кўринишли мажлис ва ўтиришларини ширин

¹ Мутрибий Самарқандий. Тазкират уш-шуаро. Т. Мумтоз сўз, 2013.-Б.24.

² Ҳасанхожа Нисорий. Музақкири аҳбоб. Т. Мерос, 1993.-Б.335.

³ Шарафуддин Роқимий. Тарихи томм. Т.Маънавият, 1998.-Б.125-126.

⁴ Ҳасанхожа Нисорий. Музақкири аҳбоб. Т. Мерос, 1993.-Б.246.

⁵ Кўрсатилган асар.-Б.443.

⁶ Кўрсатилган асар. –Б.225.

⁷ Фаҳрий Ҳиравий. Жавоҳир ул-ажойиб. Т. Мумтоз сўз, 2014.-Б.172.

ва рангин сўзлар билан безаб юрган.”¹ Зулматий Румий усмонли турклар салтанати элчилари сафида Бухорога келганда, адабий мажлисида “Абдуллахон мадҳида бу қасидани айтган:

***Зиҳи, ба қомати ту рост хилъати шоҳий,
Мўтеи ҳукми ту шоҳо, зи моҳ то моҳи.***

*(Қоматингга тўғри келмиш шоҳлик хилъати, эй баракалло, Эй шоҳ, ҳукмингга муте эрур ойдан балиққача аҳли дунё).*²

Шоир Мутрибий Хожа Ҳусайн Марвий қасидасига татаббуъ ёзиб, Абдуллахонга бағишлаган: “*Фақир (Мутрибий) ҳам мазкур қасидага татаббуъ қилиб, унинг матлаъсида бирдан то олти сонигача битганман ва ўзига хос бир ҳолат баҳи этиб, қасидамни жаннатмакон хоқон Абдуллахоннинг доврўқли номига мувашишаҳ қилганман. Иккита гушвора рубоий ва изҳори музмар ва мезонни ундан маснуъ йўли билан чиқариб, аъло ҳазрат (Абдуллахон) назаридан ўтказганман*”, - дейди шоир. У Абдуллахоннинг шеърини йиғилишида қуйидаги шеърини ўқиган:

***Эй шоҳ, мудом шоҳи шоҳон боши,
Дар даҳр ба айш шоду хандон боши.
Дар мулк ба адлу дод хони ин дам,
Ё Раб, ки ҳамиша хони даврон боши.***

(Эй шоҳ, мудом шоҳи шоҳон бўл, Оламда айш-ла шоду хандон бўл. Юртда адолатли хонсен бу замон, Тилагим ҳамиша хони даврон бўл.)

Ўз даврининг “Малик уш-шуаро”ларидан бири бўлган Ҳасанхожа Нисорий Бухорий ҳам Абдуллахон мажлисларида иштирок этган. У хон топшириғи билан “*мутаййир, муаққад, мушажжар, мудаввир, музалла, мувашишаҳ, маснуи мумтана ил-ҳайвоний*” санъатларидан иборат қасида яратган:

***Ту он шаҳи ки худовандигори ҳайи зафур,
Зи чокарони ту гардонад Қайсари Фағфур.
Ба зилли рифъати ту то Ҳумой кард макон,
Намонд по ба замин у зи бодпойи сурур.
Сариру жоҳи ту Зилли Аллоҳ а-р чи салнаме аст,
Ки омад аз азал уро камол то дами сур.***

*(Сен ул шоҳким, ҳаёт берувчи кечиримли худо, қайсару Фағфурни сенинг хизматкоринг қилур. Буюклигинг соясида макон тутгач Ҳумо қуши, Оёгини босмади у севинч отидан тушиб ерга. Тахту мартабанг Аллоҳ соясидаги салтанатдир, Ки келмиш азалдан унга камол то қиёматгача.)*³

“Султонлар ва хоқонлар мадҳида яхши қасидалар” ёзган Амийн Хийбоний ҳам Абдуллахон мажлисида ўз шеърларини ўқиган:

***Скандар ояту Исодаму калим калом,
Халил хулқу Сулаймон шукуҳу Хизр лиқо.***

¹ Мутрибий Самарқандий. Тазкират уш-шуаро. Т. Мумтоз сўз, 2013.-Б.99.

² Кўрсатилган асар. –Б.569.

³ Кўрсатилган асар.-Б.384-385.

***Сари сарони салотини даҳр Абдуллоҳ,
Ки чархи нир пайи побуси учт дуто.***

(Искандар сифат, Исо дамли, Мусо калом, Иброҳим хулқ, Сулаймон шавкат, Хизр сиймо. Даҳр султонларининг бошининг боши Абдуллоҳ, Кекса чарх оёгин ўпмоққа белин этган дуто).¹

Мухтасар айтганда, шайбоний хонларнинг барчаси илму маърифат ва шеъриятга қизиққан ва шу боис шоирларни тўплаб, адабиёт кечаларини ташкил этган, назм аҳлини қўллаб-қувватлаган. Адабиёт равнақини миллат тақдири билан боғлаган шайбоний султонларнинг бу анъанасини давом эттирган Абдуллахон II ўз ҳузурида адабий йиғилишлар ташкил этиб, мумтоз адабиётимиз тараққиётига хизмат қилган. Энг қизиғи, бу даврда ҳукмдор ҳам, ҳоким ҳам, шайхулислом ҳам, олим ҳам, хонанда ҳам, созанда ҳам, хунарманд ҳам шеър айтган. Бу эса шоҳлар шоири Абдуллахоннинг адабиётга бўлган юксак эътибори ҳосиласидир.

**АМИР НАСРУЛЛОҲХОН ДАВРИДА МАДРАСА ТАЪЛИМИ
ИСЛОҲИ: КУРАШЛАР ВА ЗИДДИЯТЛАР**

***Садуллаева В.-
БухДУ докторанти***

Бухоро X асрда ислом дини гумбази номи билан машҳур бўлгач, дунёнинг барча мусулмон давлатларидан олий диний таълим олиш учун кўплаб талабалар кела бошлайди. Бу Бухоро шаҳрида мадрасалар бунёд этиш, уларда сифатли таълимни ташкил этиш вазифасини кўяр эди. XIII асрга келиб, олий мадрасаларда ўқитиладиган фанлар тизими шакллантирилиб, уларни ўқитиш бўйича дастурлар яратилди. Фан дастурлари XIX аср бошларига келиб бутунлай эскириб қолган, замон талабларига жавоб бермас эди. Аммо мутаассиб уламолар эскича таълим тизимини тиш-тирноқлари билан ҳимоя қилиб чиқдилар.

Бу даврда Россиянинг мусулмон давлатларидан ҳам кўплаб толиби илмлар олий диний таълим олиш учун Бухорога келган бўлиб, татар зиёлиси Шаҳобиддин Маржоний ҳам улар сафида эди.

Шаҳобиддин ибн Баҳоуддин ибн Субҳон ибн Абдулкарим ал-Маржоний (1818-1889) - қозонлик машҳур маърифатпарвар, файласуф, тарихчи олим бўлиб, 1818 йил 16 январда Қозон шаҳри яқинидаги Япанчи қишлоғида туғилган². Дастлаб эски мактабда таҳсил олган. 15 ёшга тўлгач, Тошкечув қишлоғидаги мадрасада мулла Бадриддин Тусий қўлида таҳсил олишни бошлайди ҳамда форс ва араб тили грамматикасини ўрганади. Икки йиллик таҳсилдан сўнг, устози шогирдига ўқишини Бухорода давом эттиришни тавсия қилади. 1838 йилда Шаҳобиддин Маржоний отасининг

¹ Кўрсатилган асар.-Б.106.

² *Қаранг:* Ражабов Қ. Маржоний // Ўзбекистон Миллий энциклопедияси. - Тошкент: ЎзМЭ давлат илмий нашриёти, 2003. – Б. 467.

рухсати билан Бухорога йўл олади. 20 ёшли Маржоний Бухоронинг мадрасаларидан биридан хусусий ҳужра олиб, Солиҳ Нодир Абдуллоҳ ал-Хўжандий, Муҳаммад Сафар ал-Хўжандий, Домла Фозил ал-Ғиждувоний (1854/1855 йилда вафот этган), Абдулмўмин ал-Афшондий, Худойберди ал-Бойсуний, Бобо Рафиъ ал-Хўжандий, Шарифота ҳожи ал-Бухорийлар кўлида таҳсил олган¹. Сўнгра Кўкалдош мадрасасида ўқишни давом эттириб, шаҳарнинг энг машҳур мударрислардан мирзо Солиҳ ал-Хўжандийдан таълим олган².

Шаҳобиддин Маржоний 1843-1845 йилларда Самарқанддаги Шердор мадрасасида таҳсил олган ва дарс берган. Маржоний шаҳар қозиси Абу Саид ибн Абулхай ас-Самарқандий билан яқин алоқада бўлган ва унинг шахсий кутубхонасидан фойдаланган³. 1845 йилда Маржоний Бухорога қайтган ва Мир Араб мадрасасига ўқишга кирган. Мадраса кутубхонасида сақланаётган Абу Юсуф Ёқуб ибн Исҳоқ ал-Киндий (800-870), Абу Наср Форобий (873-950), Абулҳасан Али ибн ал-Хусайн ал-Маъсудий (896-956), Абу Али ибн Сино (980-1037), Жалолиддин ад-Девоний (1426-1501), Абу Ҳамид Муҳаммад ал-Ғаззолий (1059-1111), Муҳиддин ибн Арабий (1165-1240), Ибн Халдун Абдурахмон Абу Зайд (1332-1406) каби олимларнинг илоҳиёт назарияси, мантиқ, ислом ҳуқуқи ва фалсафасига оид китобларини ўқиб, ўзининг ислоҳотчилик ғояларини ривожлантирган⁴.

Шаҳобиддин Маржоний Бухородаги таълим тизими замон талабларига жавоб бермай қолганлигини очиқдан-очиқ танқид қилган ва Домла Фозил, Мўминхўжа Вобқандий, мулла Худойберди Бойсунийлар билан биргаликда мадрасаларни ислоҳ қилиш дастурини ишлаб чиққан. Унда Қуръони каримдаги ҳар қандай диний масалага кишилар ўзлари тушунган ҳолда эркин фикр юритиши кераклиги, ислом таълимотида бировга кўр-кўрона эргашмаслик шартлиги, мадрасаларда ўқитиладиган ҳошия ва шарҳ каби қуруқ мазмунга эга бўлган ҳамда мадраса ўқувчилари учун фойдасиз бўлган, 8-10 йил вақтини бекорга олувчи фанлар дарс жадвалларидан олиб ташланиши зарурлиги, мадрасаларда Қуръони карим, ҳадис, уларнинг таржималари ва ислом тарихи каби фанлар ўқитилиши лозимлиги, арифметика, тарих, жўғрофия, табобат, ҳандаса, мантиқ, фалсафа ва бошқа дунёвий фанларни ўтилишига қаршилик қилмаслик жоизлиги кабилар ўрин олган эди⁵.

¹Очерки Марджани о восточных народах. (Вступительная статья, комментарии, перевод с арабского, старотатарского языков и примечания д.ф.н А.Н. Юзеева). - Казань: Татар.кн.изд-во, 2003. – С. 9.

² Юзеев А. Н. Просветительская мысль татарского народа. - Казань: Татарское книжное издательство, 2014. - С. 114.

³Очерки Марджани о восточных народах.– С. 10.

⁴ Жамолова Д.М. Бухоро амирлигида жадидлар ва қадимчилар фаолияти (XIX аср охири – XX аср бошлари). Тошкент: Мухаррир, 2021. – Б.23.

⁵ Бу ҳақда қаранг: Йўлдошев Н. Маърифат фидойилари // “Гулистон” (Тошкент), 1991. - № 4. – Б. 10.

Бу дастур қадимчи уламолар норозилигига сабаб бўлди ва Шаҳобиддин Маржоний ҳамда унинг шериклари таъқиб остига олинди. Бухоро амири Насруллоҳхонга маърифатпарварларнинг диний-таълимий ислоҳот лойиҳаси тақдим этилиб, ҳукмдорга бу ишлар таълим тизимини издан чиқариши айтилиб, талабаларнинг саводсиз бўлишига олиб келиши мумкинлигига ишонтирилди. Натижада Шаҳобиддин Маржоний таъқиб остига олинди ва у Бухородан чиқиб кетишга мажбур бўлди. Бухоронинг йирик мадрасалари мударрислари Домла Фозил, Мўминхўжа мулла Худойбердилар эса қўлга олинди, 75 дарра урилди ва мударрисликдан четлаштирилди¹.

Ўзининг диний ва фалсафий билимини ривожлантириш мақсадида Бухорога келган Шаҳобиддин Маржоний ўз ислоҳотчилик ғоялари тарғиботини шу ҳудудда бошлади. У дин, тарих ва фан масалаларига бағишланган илк асарларини Бухорода ёзди. Бу асарлар кейинчалик, нафақат, Марказий Осиё, Татаристон, Россия, балки бутун дунёда машҳур бўлди. Ислоҳотпарвар олим Шаҳобиддин Маржоний 1889 йил 18 апрелда Қозонда вафот этди².

Хуллас, XIX аср ўрталаридаёқ Бухорода татар зиёлилари таъсирида таълим тизимини ислоҳ қилиш ғоялари кучайди ва амалий ҳаракатлар бошланди. Аммо мутаассиб уламоларнинг манфаатларига зид бўлган илғор ғоялар ҳукумат ёрдами билан бўғиб ташланди. Шундай бўлса-да, Шаҳобиддин Маржонийнинг илғор фикрлари изсиз кетмади. Унинг тараққийпарвар ғоялари XX аср бошларида Туркистонда вужудга келган жадидчилик ҳаракати учун дастуруламал бўлиб хизмат қилди.

ТАРИХ ДАРСИДА ЗАМОНАВИЙ ТАЪЛИМ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ АСОСИДА “1917-1924 ЙИЛЛАРДА БУХОРО” МАВЗУСИНИ ЎТИШ ЙЎЛЛАРИ

*Ҳомидов Абдурасул Абдуқодирович-
тарих фанлари номзоди, доцент
Академик Бобожон Ғафуров номидаги
Хужанд Давлат Университети*

XXI аср интеллектуал салоҳият, тафаккур ва маънавият асри сифатида инсоният олдида янги-янги уфқлар очиш билан, биз илгари кўрмаган, дуч келмаган кескин муаммоларни ҳам келтириб чиқармоқда. Педагоглардан, бугунги мураккаб замонда ёшларга замон руҳида таълим бериш билан бир қаторда, башариятнинг, Ватанимиз ва халқимизнинг эртанги кунини ўйлаб, ёшларни эзгуликка, инсоф-диёнат, меҳр-оқибат ва бағри кенгликка даъват этишга қаратилган тарбиявий ишларни ҳам амалга ошириши талаб

¹Бу ҳақда қаранг: Жамолова Д.М. Бухоро амирлигида жадидлар ва қадимчилар фаолияти (XIX аср охири – XX аср бошлари). – Б.24.

² Ражабов Қ. Маржоний. – Б. 467.

этилади. Эндиги, биз педагогларнинг вазифамиз замонавий техник таъминотга эга таълим муассасаларида талаблар даражасида инновацион таълим технологиялари асосида ёшларимизга таълим тарбия беришдан иборат бўлмоғи лозим. Бунинг учун ҳар бир педагог ўз устида мукаммал ишлаши, замондан орқада қолмаслиги, ўқитишнинг инновацион технологияларини пухта билиши ва ўз фаолиятида жорий этиши зарур. Ўрта олий ўқув юртларида, ўрта умумтаълим мактабларида тарих фанини ўқитишда ижодкор ўқитувчи турли методлардан фойдаланиб дарс ўтишга ҳаракат қилади. Тарих ўқитиш деганда тарихий материал воситасида ўқувчиларга билим бериш, уларни ҳуқуқий демократик ва маънавиятини юқори руҳда тарбиялаш ва камол топтириш вазифаларини амалга ошириш учун зарур бўлган жараён, яъни ўқитувчи ва ўқувчиларнинг ақлий ҳамда ўқув ҳаракатлари жараёни тушунилади.¹

Замонавий таълим технологияларидан бири бу интерактив ўқитиш технологиясидир. Интерактив ўқитиш нима? Интерактив ўқитиш ўқувчи ўзидан олдин мужассамлашган тажрибадан фойдаланган ҳолда, ўқув жараёнида фаол иштирок этади. Буни олий ўқув юртларида, масалан тарих факултетида ўқитиладиган тарих ўқитиш методикаси фанидан ўтиладиган “Тарих дарсида замонавий таълим технологиялари” мавзуси орқали қуйидаги замонавий дарсни талабаларга ҳавола қилиш мақсадга мувофиқдир. Ўрта умумтаълим мактабларида тарих ўқитувчиси 9 синфда тарих фанидан «1917-1924 йилларда Бухоро» мавзуси асосида қуйидаги режа бўйича интерактив (таълимнинг фаъол усули) дарсини ташкил қилиш мумкин.” (Эзоҳ: Бу таълимнинг фаъол усули дарсида 3 курс талабалари ўқувчилар ролида иштирок этадилар)²

Ўқитишнинг интерактив услубларидан бири кичик гуруҳлар фаолияти дир. Бу кичик гуруҳлар дарсдан олдин ўз сардорларини сайлайдилар. Бу дарс режаси 1 ҳафта олдин ўқувчиларга берилади, ва синф ўқувчилари 2 гуруҳга бўлинадилар.³

1-гурӯҳ “Бухоро”,

2-гуруҳ “ Рудакий”

Дарс режаси:

1. Бухоро тарихидан...(Бу шартда гуруҳлар навбат билан Бухоро тарихига қисқача изоҳ берадилар)
2. Кроссвордлар билан ишлаш
- 3.Сардорлар беллашуви

1 шартни “Бухоро” гуруҳи бошлайди (Изоҳ: гурӯҳ аъзолари навбати билан Бухоро тарихига қисқача изоҳ берадилар)

¹ Мирзоахмедов Ф, Боев Б, Шукурова З. Методҳои самараноки таълим. -Душанбе, 2008.-С 14

² Ҳомидов А. Замонавий тарих дарслари ва уларни ўтказиш йўллари. -Хужанд, 2010. -С 21

³ Янг М, Мирзоахмедов Ф. Татбиқи усулҳои фаъоли таълим -Душанбе, 2002, -С 36.

Гуруҳ аъзоси Азамат: Бухоро ҳам Ўрта Осиёнинг кўҳна шаҳарларида бири ҳисобланади. Бу шаҳар муқаддам Зарафшон водийсининг қуйи қисмида қад кўтарган. Даставвал у дарёнинг Зарируд номли қуйи тармоғининг икки соҳилида бир-бирига қарама-қарши жойлашган учта қишлоқ шаклида пайдо бўлган. Қишлоқнинг теварак-атрофи қадимда ниҳоятда хушманзара эди.

Гуруҳ аъзоси Гулсанам: Бутун водий бўйлаб атрофни қоплаб ётган қалин дарахтзор, чакалакзор ва тўқайларда турли-туман ёввойи ҳайвонлар ҳамда ажойиб қушлар бўлган. Шунинг учун бу ўлкани ва унда қад кўтарган дастлабки шаҳарни аҳоли қадимда “Буғ-оро”, яъни “тангри шамоли” деб юритган.¹

Гуруҳ аъзоси Сардорбек: Бу қадимги уч қишлоқнинг атрофи ўша замонлардаёқ алоҳида-алоҳида мудофаа деворлари билан ўраб олинган эди. Деворлар баланд ва қалин бўлиб, пахса ва йирик хом ғиштлардан уриб чиқилган. Уларнинг у ер-бу ерида баланд минора ва мўла (таянч минора) лар бино қилинган. Қамал вақтларида душманга ўқ ўзиш мақсадида девор ва миноралар бўйлаб бир неча қатор нишон туйнуклари ишланган.

Гуруҳ аъзоси Шайдогул: Шаҳарнинг бир неча дарвозаси бўлиб, ҳар бир қисмига алоҳида алоҳида дарвоза орқали кирилган. Дарвозахоналарда махсус соқчилар-дарвазобонлар турган. Кеч тушиши билан дарвозалар беркитилиб, эрта саҳарда очилган. Қамал вақтларида улар кечаю кундуз тамбаланиб турган.

Энди 1 шартни “Рудакий” гурўҳи давом эттиради

Гуруҳ аъзоси Рустамбек: Шаҳарнинг махсус девор билан ўралган энг баланд қисмига қурилган кўрғон арк деб аталиб, унда подшоҳ ва амирлар яшаган. Аркда подшоҳнинг кўшк ва саройларидан ташқари, хазина, пул чиқариладиган зарбхона, қамокхона, навкарлар учун бостирмалар бўлган. Шаҳарнинг қолган асосий икки қисмида шаҳар аъёнлари, савдогарлар, ҳунармандлар яшаган.

Гуруҳ аъзоси Анваржон: Қадимдан Бухоро Хитойни Эрон, Кичик Осиё ва Ўрта денгиз бўйи мамлакатлари билан боғлаган савдо йўли –Буюк ипак йўли устида жойлашган бўлиб, бу йўл орқали бухоролик савдогарлар Хитой, Ҳиндистон, Эрон ва Византияга туялар карвонида турли хил савдо молларини олиб борганлар.

Гуруҳ аъзоси Нозлигул: IX асрда Бухоро қадимги учта қисмини ҳам ўз ичига олган ягона ташқи девор ҳалқаси билан ўраб олинди. Асрлар ўтиши билан шаҳар территорияси яна кенгайди. Унинг атрофида, шаҳар девори ташқарисида янги маҳалла ва гузарлар қад кўтарди.

Гуруҳ аъзоси Жасур: Ўрта асрларда Бухоро Ўрта Осиё ва Ўрта Шарқда илм-фан, маърифат ва маданиятнинг марказларидан бирига айланди. Бу

¹ Хоназаров Э. У ким бу нима. Болалар энциклопедияси.-Тошкент, 1990.-С150

шаҳарда машҳур мутафаккир олим ва адиблардан Абу Али ибн Сино, Наршахий, Рудакий ва бошқалар яшаб ижод этган.

Таълимнинг фаъолаштириш дарсининг иккинчи шarti “Биласизми?” деб номланган бўлиб, бу шартди ўқитувчи ҳар икки гуруҳ иштирокчиларига мавзуга оид саволлар беради. (Изоҳ: Ҳакамлар ҳайати фан ўқитувчиси).¹

«Бухоро» гуруҳи учун бериладиган саволлар:

1. Файзулло Хўжаев қайси йилларда Бухоро республикаси Халқ Нозирлари Советининг бошлиғи бўлиб ишлаган? (1920-1924 йиллар)
 2. 1920 йил 16 августда Чоржўйда бўлиб ўтган Бухоро Коммунистик партиясининг IV съезди қайси қарорни қабул қилди? (Амир ҳокимияти ағдариш тўғрисидаги қарор)
 3. Бухоро республикасини мустақил бўлиб чиқишини кимлар ёқлаб чиқдилар?
(А Фитрат, Ф Хўжаев, А Муҳиддинов)
- 4.1924 йилда Бухорода нечта корхона бўлиб, буларда қанча ишчи банд эди?
(19 корхона, 600 нафар ишчи)

«Рудакий» гуруҳига бериладиган саволлар:

1. Бухоро Халқ Совет Республикаси деб қачон эълон қилинди? (1920 йил, октябр)
2. 1920 йил 14 сентябрда РСФСР ҳукумати томонидан Бухорога ким мухтор элчи қилиб юборилган? (В.В. Куйбишев)
3. Халқ депутатлари IV Умумбухоро курултойи қачон бўлди? (1923 йил, 11 октябр)
4. Бухорода амирлик тузуми қачон ағдариб ташланди? (1920 йил, 2 сентябр)²

Савол жавобдан кейин ўқитувчи ҳар икки гуруҳга мавзуга доир бир хил кроссворд беради. 3 дақиқа ичида гуруҳлар кроссвордни саволларига жавоб излашлари лозим. Бу шартда ўқитувчи синфда шовқин бўлишига, айрим ўқувчиларни пассив иштирокчи бўлиб қолишига йўл қўймайди, гуруҳлар фаолиятини назорат қилиб боради.

	4	7	6	4	4					
С	А	И	Д	О	Л	И	М	Х	О	Н
3	2		2	5	6	5				

Кроссворд саволлари

1. С-3..... (Бухоро Коммунистик партияси Марказий Комитетининг раиси (Хусаинов Н)

¹ Ҳомидов А. Ўрта умумтаълим мактабларидаги педагогик тажрибага доир қўлланма.- Хужанд,2009.-С 40

² Ражабова Р.Ё, Каримов Х. Ўзбекистон тарихи. –Тошкент.“Ўқитувчи” нашриёти, 1994.-С 104-105

2. А-4.....Шарқий Бухородаги йирик қўрбоши(Фузайл Махсум)
3. И-2..... Бухоро Республикаси фаолларидан бири (Фитрат)
4. Д-7..... Шарқий Бухородаги ҳарбий гуруҳ ташкилотчиларидан бири (Раҳмон Додхоҳ)
5. О-2..... Бухородаги шаҳарлардан бири (Чоржўй)
6. Л-6..... Бухорода яшаган машҳур мутафаккир олим (Абу Али Ибн Сино)
7. И-5....Бухоролик савдогарлар савдо қилган давлатлардан бири (Ҳиндистон)
8. М-4... Бухоро шаҳарларидан бири (Кармана)
9. Х-6... “Бухоро тарихи” асари муаллифи (Наршахий)
10. О-4...Бухородаги тарихий обидалардан бири (Исмоил Сомоний мақбараси)
11. Н-5...IX-X асрларда Бухоро шу давлат пойтахти бўлган (сомонийлар давлати)¹

Дарсинг охири шарт сардорлар беллашуви бўлиб, бунда гуруҳ сардорлари тарихий формулалар ёзиб таҳлил қилиб беришлари лозим.

“Бухоро” гуруҳи сардори

1. У-3+ Е-6=6.....Фрунзе
2. И-2+Р-4=6.....Фитрат

“Рудакий” гуруҳи сардори

1. А-2+Х-6=8...Наршахий
2. О-2+О-4=10....Сомонийлар²

Назоратчи тарих ўқитувчиси охири шарт ижросидан кейин дарсни яқунлаши лозим, у холларни эълон қилади, ғолиб гуруҳни аниқлаб, фаол ўқувчиларни баҳолайди, сўнг уйга вазифа ва топшириқлар беради. (Изоҳ: ушбу таълимни фаолаштириш дарслари ҳар ойда бир марта тарих ўқитувчисининг йиллик режаси асосида ўтилиши лозим).

Таълимнинг фаолаштириш дарсининг таълимий тарбиявий аҳамияти:

1. Бу замонавий дарсда ўқувчиларнинг тарих фанига бўлган қизиқишлари янада ошади.
2. Бу дарс орқали суст ўқувчиларни ҳам баҳолаш мумкин, чунки улар гуруҳдаги фаол ўқувчилар ёрдами билан дарсда иштирок этадилар.
3. Таълимни фаолаштириш дарсида ўқувчиларнинг фикрлаш қобилияти кучаяди
4. Таълимни фаолаштириш дарсида ўқувчиларни ўзаро дўстлик, ватанга бўлган муҳаббат руҳида тарбиялаш мумкин.

Хулоса, демак тарих ўқитувчиси ёш авлодга тарих фанининг нозик сирларини ўргатишда замонавий тарих дарслари ташкил қилса бу айти мақсадга мувофиқдир. Биз кўриб ўтган ушбу замонавий дарс ўқувчилар учун қизиқарли бўлиб, фан сирларини ўргатишда ижодкор ўқитувчига қўл келади.

¹ Мадаминов Т, Нуриддинов Т. Бухоро халқ совет республикасини советлаштиришнинг айрим масалалари.Илмий хабарнома, АДУ, 2017, Махсус сон. –С 54-55

² Ҳомидов А, Маҳмудов О. Воситаҳои муносири баҳоидиҳии натиҷаи таълим.-Хучанд, 2020.-С 22

Ижодкор, изланувчан педагог бошқа педагоглардан ўзининг билими, дунёкараши, маҳорати билан ажралиб туради ва улар кўпроқ замонавий дарслар ўтишга ҳаракат қиладилар, чунки иқтидорли болалар учун замонавий дарслар зарур ва шартдир.

БУХОРО АМИРЛИГИДА XIX АСР ИККИНЧИ ЯРМИДА ХУНАРМАНДЧИЛИКНИНГ АҲВОЛИ

*Амонова Феруза-
Тошкент кимё-технология
институтини таянч докторанти*

Бухоро амирлигида XIX аср ўрталарига келганда ўн минглаб кишиларни ўзига қамраб олган хунармандчилик кенг кўламда ривожланган эди. Хунармандчилик маҳсулотлари ички ва ташқи бозорнинг муҳим буюмлари сифатида жуда қадрланган. Бу пайтда амирликда пойтахт Бухородан ташқари Самарқанд, Жиззах, Хўжанд, Ғиждувон, Кармана, Қарши ва Шаҳрисабз шаҳарлари йирик хунармандчилик марказлари сифатида шуҳрат қозонган. Россия амирликда тайёрланган юқори сифатли маҳсулотлар сотиладиган бозор сифатида муҳим аҳамият касб этган. Ўз навбатида Россияда ишлаб чиқарилган турли маҳсулотларга Бухоро амирлигида ҳам талаб юқори бўлган.

Бухоро шаҳри азалдан хунармандчиликнинг қадимий марказларидан бири ҳисобланган. Шаҳарда махсус Олачабофлар гузари бўлган. XIX аср 60-йилларида Бухорода бўлган венгриялик машҳур яҳудий саёҳатчиси, шарқшунос олим, айна пайтда Буюк Британия империясининг жосуси бўлган Арминий Вамбери (1832-1913) ўзининг “Ўрта Осиёга саёҳати” номли асарида бу ердаги хунармандлар томонидан “икки рангли йўл-йўл ва юпқа олача деб аталувчи ип-газламалар тўқилган”, деб маълумот беради¹. Бу маълумотларни Вамберидан сал олдин ёки кейин Бухорога келган турли даражадаги Россия элчилари, саёҳатчилари, ҳарбийлари ва жосуслари ҳам ўз ёзишмаларида тасдиқлашади.

Бухоро амирлиги Россия империясига бўйсундирилган дастлабки йилларда, яъни XIX аср 60-70-йилларида амирлик иқтисодиётида хунармандчилик соҳаси етакчи тармоқлардан бири бўлиб қолишда давом этган. Буни совет даврида ҳамда сўнгги йилларда Ўзбекистонда яратилган кўплаб тарихий тадқиқотлар ҳам исботлайди.

Бу даврда ҳам Бухоро амирлигида энг кўп тарқалган ва ривож топган хунармандчилик соҳаси тўқимачилик бўлган. Бу ерда пахта ва пилла толасидан чит, дока, рўмол, атлас, беқасам, шоҳи, адрас, дурая, хонатлас каби маҳаллий аҳоли турмушида кенг қўлланиладиган ҳамда катта миқдорда четга чиқариладиган матолар тайёрланган. Тўқимачилик Бухоро,

¹ Вамбери А. Путешествие по Средней Азии. 2-издание. – Москва, 1874. – С.144.

Ғиждувон, Кармана шаҳарларида сезиларли ўсиб борган. XIX асрнинг иккинчи ярмида Бухоро ва унинг атрофларида 10 000 – 12 000 нафар хунарманд ўз оиласи билан биргаликда тўқув дастгоҳларида фаолият кўрсатган. Тарихчи олима Ольга Сухареванинг фикрича, Бухоро шаҳридаги тўқувчилар (оила аъзолари билан биргаликда)нинг миқдори бу пайтда шаҳар аҳолисини 25 фоизини ташкил қилган¹.

Бухорода маҳаллий саноатнинг ривожланишида хунармандларнинг таъсири катта бўлган. Тўқувчилардан ташқари Бухорода кийим тикувчилар (чеварлар), мисгарлар, кулоллар, заргарлар, зардўзлар, этикдўзлар, дурадгорлар ва бошқа соҳалар ҳам ривожланганлигини қайд қилиб ўтиш лозим.

Бу пайтда Бухоро шаҳрининг ўзида 46 та ипак тўқиш корхоналари бўлиб, уларда 197 киши меҳнат қилган. Бухоро шаҳрида пахта толасидан ташқари пилла толасидан ҳам мато тўқилган. Бир фунт² хом пилла 2 рублга сотилган³.

Пиллачилик Ромитан, Шофиркон, Қорақўл ва Хатирчида ҳам анча тараққий этган. Бу туманларда етиштирилган пилла Бухорода ипакка айлантирилган. Бухоролик хунармандлар ипак матолар тайёрлашда моҳир бўлишган. Ипак матоларидан қилинган қимматбаҳо газламалар (атлас, зарбоф ва б.)дан устки либослар тикилган. Кийим тикувчи усталар ва чеварлар ташқи кўринишидан зар қоғозга ўхшаб кетадиган бундай матоларни тайёрлашда кўплаб зар толаларидан фойдаланишган⁴.

Бухоро хунармандлари тайёрлаган маҳсулотлар, хусусан, пахта ва ипак хом ашёсидан тўқилган турли матолар ички эҳтиёжни қондиришдан ташқари кўп миқдорда хорижий мамлакатларга ҳам чиқарилган. Бундай сифатли ва харидоргир молларга қўшни давлатларда талаб юқори бўлган. 1869 йили Бухородан Ҳиндистонга 24 000 пуд⁵, Россияга 5038 пуд пилла олиб кетилган⁶. И.Ремезнинг ёзишича, 1868-1869 йилларда Бухоро амирлигидан Россияга 250 000 пуд пахта, 5500 пуд калава чиқарилган. Бу маҳсулотларнинг катта қисми Нижний Новгород ярмаркасида сотилган⁷.

¹ Сухарева О.А. Бухара XIX – начало XX в. – Москва: “Наука”, 1966. – С.189-190.

² *Бир фунт* – рус ўлчов тизимидаги масса бирлиги бўлиб, у одатда 409,5 граммга тенг бўлган.

³ Сухарева О.А. Позднефеодальный город Бухара конце XIX – начало XX в. – Ташкент: Изд. АН Узбекской ССР, 1962. – С.12.

⁴ Мусаев Н.У. XIX асрнинг II ярми – XX аср бошларида Туркистонда саноат ишлаб чиқаришининг шаклланиши. – Тошкент: “Iqtisod-Moliya”, 2008. – Б.35.

⁵ *Бир пуд* – 16,38 килограммга тенг қадимги оғирлик ўлчов бирлиги. Бир пуднинг қиймати 40 қадокка ҳам тенг бўлган.

⁶ О шелководстве в Средней Азии // “Туркистанские ведомости” (Ташкент). №47-48. 1872.

⁷ Ремез И.А. Внешняя торговля Бухары до Мировой войны: Опыт историко-статистического обзора внешней торговли Ханства вне сферы таможенного объединения его с Российской империей. - Ташкент: ЦСУ Туркеспублики, 1922. – С.27.

Бу даврда амирлик худудида юқори сифатли қалғай¹ матоси тўқилган. Қалғай юпқа ипак мато бўлиб, Бухоро ва Карманада уни асосан маҳаллий яхудийлар тўқишган, бу тўқувчилар қалғайбофлар деб аталган. Қалғайбоф хом ипакни ишқор солинган қозонда қайнатиб олиб қуритгандан сўнг унга қолиплар билан нақш солган. Мато ранглангандан сўнг ишлар ечилиб, уларнинг ўрнида айлана оқ ҳалқача нақшлар пайдо бўлган. Бу даврда Бухоро шаҳрида 300 га яқин қалғайбоф бўлиб, улар Аҳси, Қорхона, Қози Калон маҳаллаларида яшашган².

Бухорода тайёрланган ипак хом ашёсига Россия бозорларида ҳам талаб катта бўлган. XIX аср 70-йилларида рус савдогарлари сифатли ипак ва ундан тайёрланган матоларни Россия бозорларига етказиб бериш мақсадида 200 000 рубллик капиталга эга “Москва-Тошкент ширкати”ни тузишган. Ширкатнинг асосий вазифаси Туркистон ўлкаси, Бухоро амирлиги ва Хива хонлиги худудларида ипакчилик корхоналарини ташкил қилиш, ижарага олиш орқали ипак матоларини тўқиб чиқариш эди³.

Бухоро амирлигида XIX аср иккинчи ярмида хунармандчилик бир жиҳатдан анча ривожланди. Бу даврда хунармандчилик корхоналари шаҳар ва қишлоқларда саноатнинг кенг тарқалган шакли ҳисобланган. Аҳолининг эҳтиёжлари асосан маҳаллий хунармандчилик саноати маҳсулотлари ҳисобига қондирилган. Иккинчидан, хунармандчиликнинг айрим турлари ва баъзи маҳсулотларни бу даврда Россияда ишлаб чиқарилган арзон саноат моллари сиқиб чиқара бошлади. Бу ҳолат бир қарашда зиддиятли бўлиб кўринса ҳам XIX аср охири ва XX аср бошларида Бухоро амирлиги иқтисодиётидаги мавжуд реаллик эди. Бухорода ташкил қилинган дастлабки завод ва фабрикаларда тайёрланган маҳсулотлар хунармандчиликнинг айрим соҳалари таназзулга юз тутишига олиб келди.

Бухоролик машхур маърифатпарвар, давлат арбоби ва тарихчи олим Аҳмад Дониш (1827-1897) томонидан умрининг охирида ёзилган “Рисола ёхуд манғитлар хонадони салтанатининг қисқача тарихи” номли асарида муаллиф Бухоро амирлигида хунармандчилик корхоналари мавжудлигини эътироф этган ҳолда замонавий саноат корхоналари, жумладан, янги завод ва фабрикалар қуриш, тоғ-кон маъданларини қазиб олиш ва қайта ишлаш заруриятини ёзади. У Бухоро амирига мурожаат қилиб, мамлакатни ривожланган давлатлар ёрдамида кўтариш учун қуйидаги ишларни амалга ошириш зарурлигини таъкидлайди:

“1. Юртимизда анвои ширин мевалар шу қадар кўпки, май ойдан ноябрь ойигача одамлар, ҳайвонлар истеъмол қилишидан кейин ҳам ортиб

¹ Қалғай – Бухоро яхудийлари қайтанилган пилладан қайлғай юпқа ипак мато ишлаб чиқариб, ундан юпқа қалғай рўмол тайёрланган

² Мусаев Н.У. XIX асрнинг II ярми – XX аср бошларида Туркистонда саноат ишлаб чиқаришининг шаклланиши. – Тошкент: “Iqtisod-Moliya”, 2008. – Б.37-38.

³ Ўзбекистон миллий архиви, И-1-фонд, 16-рўйхат, 2280-иш, 5-варақ.

қолади. Агар Бухорода бирон новвот ёки қанд фабрикасига асос солинса, Бухоронинг қанду новвоти етти иқлимга борар эди. Бу Бухоро давлатига катта ёрдам бўлар эди.

2. Мамлакатимиз савдогарлари катта харажатлар қилиб, Россия вилоятларига жун олиб борадилар. У ердан эса мовут (жумладан, аскарлар кийими учун) олиб келадилар. Агар Бухорода мовут фабрикаси қурилиб, бу ердаги ҳайвонлар жуни мовутга айлантирилса, ҳамма хорижий мамлакатларга ушбу нарсалар кўп миқдорда етказиб бериларди.

3. Мовароуннахр шаҳарлари атрофида кўпдан-кўп тоғларда ҳисобсиз маъданлар бор. Шунинг учун бирор маъдан илмининг билимдони келса-ю, мазкур маъданларни очса, бу ишга водий, тоғлик жойларда хоҳлаган миқдорда мардикор-ишчиларни жалб қилиш мумкин. Бу эса, ўз-ўзидан, ҳар икки давлатга каттадан-катта манфаат келтирар, фуқаро, раиятга ёрдам бўлар, уларнинг турмуши яхшиланар эди”¹.

XIX аср охирида Бухорода техник жиҳатдан мутахассислар йўқлиги сабабли ҳунармандчилик ишлаб чиқариши замон талабларидан орқада қолган эди. Завод ва фабрикалар кам бўлган². Бироқ бу пайтда амирлик ҳудудига Россия орқали Европадан аста-секин бўлса ҳам илғор технологияларга асосланган айрим ғоялар кириб кела бошлади. Бухорода шаклланаётган маҳаллий сармоядорлар қатлами фақат савдо-сотик билан шуғулланмасдан, саноат корхоналари (завод ва фабрикалар) ташкил қилинишида ҳам жонбозлик кўрсатдилар.

Бухоро амирлигида мавжуд бўлган ҳунармандчилик корхоналари ва ҳунармандлар фаолиятини ўрганиш натижасида уларнинг ишлаб чиқарган ва тайёрлаган маҳсулотларига қараб қуйидаги 6 та гуруҳга ажратиш мумкин:

1. Техника ўсимликлари (пахта, зиғир ва б.) маҳсулотини қайта ишловчи ҳунармандлар (тўқувчилар, тикувчилар, мойжувозчилар, уста ва бинокорлар, дурадгорлар).

2. Чорвачилик маҳсулотлари (тери, жун, гўшт-ёғ ва б.)ни қайта ишловчилар (телпакдўзлар, пўстиндўзлар, жун рўмол ва гилам тўқувчилар, кўнчилар, этикдўзлар, совун ва шам ишлаб чиқарувчилар ва б.).

3. Ипак қурти ва пиллачилик маҳсулотларини ишлаб чиқарувчилар (шойи тўқиш ва ипакчилик, турли матолар чиқариш).

4. Табиий хом ашё (лой, гил ва б.)дан сопол, чинни ва бошқа маҳсулотлар ишлаб чиқарувчилар (кулолчилик ва б.).

¹ Аҳмад Дониш. Рисола ёхуд манғитлар хонадони салтанатининг қисқача тарихи. Рус тилидан таржима, изоҳлар ва кириш сўз муаллифи: Қ.Йўлдошев. – Тошкент: “Ўзбекистон миллий энциклопедияси” Давлат илмий нашриёти, 2014. – Б.118-129.

² Қаранг: Рашидов У., Рашидов Ў. Бухоронинг Россия билан иқтисодий сиёсий муносабатлари тарихидан (1900-1925 й.). – Бухоро: “Бухоро” нашриёти, 2013. – Б.22.

5. Ер остидан турли металллар (темир, кумуш, олтин, мис ва б.)ни қазиб олиб, уни қайта ишловчилар (темирчилар, заргарлар, тунукасоzлар, чилангарлар, танга зарб қилувчилар, пичокчилар, мискарлар ва б.).

6. Турли касблар билан машғул бошқа хунармандлар (қоғоз тайёрловчилар, муковасозлар, дўппидўзлар, каштачилар ва б.).

Хулоса қилиб айтганда, Россия империяси томонидан Бухоро амирлигига ҳарбий тажовуз уюштирилиши арафасида, яъни XIX аср ўрталари ва учинчи чорагида амирлик иқтисодиётида хунармандчилик корхоналари муҳим роль ўйнаган бўлса Россия империяси томонидан Бухоро амирлиги устидан протекторат (ҳомийлик) ўрнатгач, маҳаллий саноат тараққиётига, хусусан, хунармандлар фаолиятига таъсир кўрсатган. Бир томондан, Бухоро ички бозорига сифати паст бўлган ҳамда нархи арзон ва ихчам саноат товарлари кўплаб кириб кела бошлади. Бу ҳолат хунармандчиликнинг айрим соҳалари таназзулга юз тутишига олиб келди. Иккинчи томондан, илғор технологияларнинг кириб келиши натижасида асосан қўл меҳнатига асосланган маҳаллий хунармандчиликдан бугунги кунга келган машиналар билан ишлашга мослашган ҳамда машиналашган завод ва фабрикаларга ўтиш жараёни бошланди. Бухорода дастлабки завод ва фабрикалар қурилди. Бундай ҳолат айниқса пахта тозалаш ҳамда ёғ-мой заводларини кўпроқ қуришда намоён бўлди. Бухоролик маҳаллий сармоядорлар ҳамда мулкдорлар қатлами ҳам бундай замонавий завод ва фабрикалар ташкил қилинишида фаол қатнашдилар.

“ҲУСАЙНИЙ МАДРАСАСИ” (МУҲАММАД ЮНУСБИЙ)

*Казакова Фарид Санокуловна-
“Бухоро давлат музей-қўриқхонаси”
“Ҳужжатлар фонди” фонд сақловчиси*

Тарихий ва афсонавий меъморчилиги билан машҳур Бухоро шаҳрида жуда кўплаб меъморий обидалар мавжуд бўлиб, улар дунё меъморчилигининг бебаҳо мероси саналади. Бухоро мадрасалар юртидир.

Ҳозирда Бухоро шаҳрининг Намозгоҳ гузарида Хусайни мадрасаси сақланган бўлиб, Чоржўйлик бек Мухаммад Юнусбий томонидан қурилган. Шу сабабли иккинчи номи барпо этган шахс номи билан Мухаммад Юнусбий мадрасаси деб аталган. Бу мадрасанинг қурилиши санаси ва даври турли манбаларда турлича келтирилган. Россиялик этнограф О.А. Сухарева ўзининг “Квартальная община позднефеодалного города Бухары”² номли рисоласида Оби Равон гузаридаги ушбу мадраса ҳақида шундай маълумот беради : “гузар масжидида иккита хужра бўлиб, мактаб ва чиллахона мавжуд бўлган. Бу гузарда яна Думбажущак деб номланувчи макбара бўлиб, маълумотларга кўра XX асрда чорджуйлик бек Ма-Юнус ўзи ва оила аъзолари учун қурдирган.

Мақбарада талабалар учун 2-3 та хужра қурилган . Шу боис у “гўрхонаи худжранок” (хужрали мақбара) номи билан аталган. Россиялик мутахасис Парфенова –Фенининг Бухоро харитасида бу иншоотни Мухаммад Юнус бий мадрасаси деб номлайди. Оби равон гузарининг ўзи вақф хужжатлари ва ёрликларда 1818-19 йилларда эслатилади”. Бир қатор россиялик тадқиқотчилар фикрича бу мадраса 1885 йилда қурилган. Аммо мадраса биносида мадраса XVIII асрга оид деб ёзиб қўйилган.

Мадраса пештоқидаги шеърда кўрсатилишича, абжад рақами билан мадрасанинг қурилган вақти хижрий 1311 йил, бу эса милодий 1894 йилга тўғри келади. Илмий изланишлар натижасида пештоқда берилган маълумотларга таяниб ҳамда мадраса тузулиши ва қурулиши ҳом ашёлари жиҳатидан мадраса XIX асрга тегишли деган хулосага келамиз.

1. Сухарева О.А. “Квартальная община позднефеодального города Бухары”
2. Ханников Н. “Описание Бухарского ханства” 1843 год.



Хусайни мадрасаси кичик мадрасалар тоифасига кириб, мадраса қурдирган шахс номи билан аталган. Мадрасанинг кўриниши ва архитектураси ўзига хос услубда қурилган бўлиб, тузулиши ва меъморчилиги билан аксарият мадрасалардан бутунлай фарқ қилади. Мадраса бир қаватдан иборат бўлиб, пештоқи ўртача баландликда қўтарилган.



Пештоқ кўриниши бир неча қисмли нақшдан иборат бўлиб, китоба қисми тўртбурчакли, такрорий ромбик шаклдаги пишиқ ғиштдан ташкил топган. Ромбикли нақш томонларини тўлқинсимон ҳошия ўроб олган. Пештоқнинг қанос қисми гирих нақшдан ишланган бўлиб, безакда геометрик чизиқлар барча бурчаклари бир мантиқий тугаган нақшга бирлаштирилган. Бирлашган синган чизиқлар натижасида юлдузсимон ва

бурчакли гуллар тасвири келиб чиққан. Пештоқнинг равоқ (арколи) қисми арчасимон геометрик нақшда ва кейинги қисми занжирли нақш кўринишида бўлиб, жуда ажойиб ишланган.

Пештоқдаги мрамарда форсий тилда жуда нафис безакли насталик ёзув бўлиб, унда:

زهی سعادت شخصی که در این دنیا
کند بگور پدر چونین بقعه برپا
بگوفت خرد پرور سوال تاریخش
بنای مدرسه مسجد از برای خدا

Зиҳии саъодати шахси ки дар ин дунё,
Кунад бар гўри падари чунин букъа бар пои.
Бигуфт хиради пурур сол тарихаш
Биной мадрасау масчид аз барои худо.

деб битилган шеър мавжуд. Таржимаси:

Бу дунёда кишининг бахти шуки
У ўз отаси учун унинг гўри устида шу каби бир
букъа- макон барпо қилса.
Бир оқил сўраб қолса, мадрасаю масжид биносининг
тарихи тўғрисида бу “Азбаройи Худо”

Шеър маъносида ушбу мадрасанинг бунёд этилганлиги санаси абжад ҳисоби билан матндаги “Азбаройи Худо” 1311 йили лафзидан чиқади . Тўрт мисрали камтарона ёзилган бу шеър жуда чуқур маънони англатибгина қолмай, балким бу мадраса ва масжид тарихини оз бўлсада ёритиб беради. Тахмин қилишимизча бу ҳудудда Муҳаммад Юнусбий отаси учун мақбара, мадраса қурдирган, олдида масжиди ҳам бўлган. Ҳозирда масжид ва мақбара бинолари сақланмаган.



Мадрасанинг асосий дарвозаси қадимий кўринишда бўлиб, эшик қайрағоч дарахтидан ясалган. Эшик икки табақали бўлиб, эшикда ҳам худди пештоқдаги сингари ҳандасавий геометрик нақшларда ёғоч ўймакорлиги санъатида ишлов берилган. Ишлов беришда унчалик ҳам чуқур ўйилмасдан нафислик билан ишланган. Қуббалари темирдан гул кўринишида ишланган. Қуббалар асосан эшикларга безак сифатида ва эшик ёғочлари намда тобланмаслиги, мих вазифасини бажариш мақсадида

ўрнатилган. Мадрасада ташқарисидаги яна бир хужра эшиги ёғочдан ишланган бўлиб, майда ва икки табақали.

Мадраса эшигидан кираверишда унча катта бўлмаган гумбазли дарвозахона бўлиб, икки ён томонда равоқли девор қурилган. Синчковлик билан қаралганда бу равоқда токча бўлганлигини кўриш мумкин. Мадраса ички ва ташқи ҳовлига эга бўлган. Кираверишда ўнг томонда миёнсарой барпо этилган бўлиб, у икки қисмли ҳамда икки катта ва кичик гумбазли қилиб қурилган. Гумбаз ҳаузаклари (атрофи) учбурчаксимон геометрик нақшда уйма шаклда ишланган. Миёнсарой деворларида токчалар бўлган, токчада қўйилган шамдонлар орқали хона ёритилган. Ҳар бир токча қарши девор томонидаги токчага нисбатан паралел равишда барпо қилинган. Хонада ёруғлик мунтазам тушиб туриши учун математик ҳисоб китобларга таянган ҳолда устолар токчаларни мос равишда жойлаштирилган. Ҳар бир гумбаз марказида туйнуклар бўлиб, улар хонада ҳаво бир маромда айланишини таъминлаган.


Мадраса одатдагидек Бухоро мадрасалари турида қурилган бўлиб, пойдевори мрамор тошдан, биноси пишиқ ғиштдан тикланган. Хужралар турли ўлчамда бир қаватли шаклда қурилган. Мадраса чап томонидан айлана қилиб қурилган еттита хужраларда анъанавий тарзда дарсхоналар бўлиб, бурчакда равоқли ва эшик юқориси деразали учта хона жойлаштирилган. Мадраса чеккасида иккинчи қаватга кўтарилиш пилла пояси қолдиқлари ҳали-ҳануз мавжуд. Иккинчи қаватнинг аксарият қисмигина сақланиб қолган. Хужранинг аксарият деворлари бузулганлиги боис бу қандай хоналар вазифасини бажарганлигини тушуниш қийин.



Мадрасанинг чекка томонида бузиб ташланган қисми бўлиб, бу жойда ҳозирда мавжуд бўлмаган таҳорат қилиш бурчаги элементлари бўлиши табиий. Чунки мадраса девори ўрнида янги турар жой қурилганда, янги деворда эски девор ўрни андова қилинмай қолиб кетганлиги аниқ ва равшан акс этган. Эски девордан чиққан пахсали ғиштлар бир чеккада териб қўйилган.

Мадраса ўнг деворига яна бир чиқиш дарчаси мавжуд бўлиб, бу эшик ташқи ҳовлига чиқиш эшиги вазифасини ўтаган. Чиқиш эши бўйлаб бурчакда равоқли икки хужра жойлаштирилган. Бу хужрадан кейин майда дарчали тор дарвозахонага қирилган, ундан эса гумбазли, майда узун

ингичка қилиб қурилган хужрага ўтилади. Тор хужранинг тоқчалари мадраса фасад томонига қараган.



Маданий меросдан олинган чизма.

Юқорида кўрсатилган мадраса плани Маданий мерос мутахасислари томонидан чизилган бўлиб, унчалик ҳам аниқ эмас. Чунки хужралар жойлашуви ва хажми планда бир хил кўрсатилган, аммо мадраса хужралари бир-бирига ўхшамайди. Ҳозирда мадраса ўнг томони девори бурчагида иккинчи қаватга кўтарилиш пилла пояси ва кейинги бурчақда атиги икки хона қолган. Деворнинг ўзи икки равоқли қилиб қад кўтарган.



Амирлик қулагандан то 2019- йилга қадар ташқи ҳовли бўйлаб бу ерда РСУ биноси ҳамда китоб дукони ундан сўнг мадраса олд фасадига қадар руслар томонидан қурилган кладовка (кераксиз буюмлар сақланадиган омборхона) мавжуд бўлган. Бу иншоотлар орқа томонида мадраса ташқи деворига қадар бир неча қабрлардан иборат мазор бўлиб, мана шу бинолар мазорни ёпиб қўйган.

Намозгоҳ гузарида истиқомат қилиб келаётган 62 ёшли Олга Олейникова ўзининг ёшлик хотираларини мана шу мадраса билан хотиралайди. Унинг таъкидлашича 90-йилларга қадар мадраса кўриниши яхши бўлган, 10-12 ёшда бўлганида ўртоқлари билан Хусайни мадрасасига кириб хужраларда ўйнаб юришганликларини, хужраларга зиён етмаганлиги, мадрасанинг иккинчи қавати ҳам яхши аҳволда сақланганлигини эслайди. 2019 йилга қадар мадраса атрофларида қабрлар бўлган. Юқори ташкилот вакиллари буйруғига биноан мадраса атрофидаги қабрлар булдозер машинаси ёрдамида суринкасига бузиб юборилган. Суяклар йиғиб олиниб бир қисми Бухоро шаҳридаги Хўжа Исмат қабристонига, кўҳна қабрдан чикан суяклар эса Турки Жанди қабристонига этиб кўмилган. Гузар аҳолисининг таъкидлашича, мадраса

олд фасадининг ёнида почта бўлган, мадрасанинг ўзи эса мустақилликдан сўнг бир неча камбағал оилалар учун тураргоҳ вазифасини бажарган. Бу мадрасада энг кўп истиқомат қилган Милкия исмли бир кекса аёл бўлиб, бу мадрасага қараб юрган ва руҳий хасталикка чалиниб шу ерда вафот этган. Унинг ўлимидан сўнг эса бу ерда яна бир неча оилалар келиб яшаб кетишган. Эътиборсизлик туфайли ҳозирги кунга қадар мадраса архитектураси вайрона ҳолга келтирилган.

Афсуски, Совет тузуми даври ҳам бундай тарихий меъморий обидаларга ўз таъсирини етказмай қўймади. Тарихимизнинг пой-мол этилиши, аксарият ўрта асрларда билим маскани вазифасини ўтаган мадрасаларнинг қаровсиз ҳолатда келиб қолганлигидан далолат беради. Мадраса ён ва орқа томони аҳоли томонидан ўзлаштирилиб, уй барпо этилган. Натижада, мадраса фасад томонининг ярми ёпилган ва таҳоратхона бурчаклари бузиб ташланган. Мадраса кўримсиз ва ташландиқ ҳолотда. Хужралар деворлари бузиб ташланган, токчалар ёпилган. Баъзи деворлар ўрни эшикларга алмаштилган. Мадраса ички ва ташқи ҳовлиси аҳлатхонага айлантирилган.

Ваҳоланки, тарихий обидаларимизни авайлаб асраш, уларни қайта тиклаш ва уларга зиён етказмай, кейинги авлодга етказиш бизнинг бурчимиздир.

“Ислом маданияти пойтахти” деб эълон қилиниши Бухоро тарихини, маданиятини чуқур ўрганишга имкон яратади. Мадрасалар орқали ёш авлодлар тарихимизнинг очилмаган қирраларини, ўша давр мактаб фаолиятини ёритибгина қолмай балким исломий билимлар, ақидалар, урф одатлар қанчалик синчковлик билан ўтмиш даври талабаларига етказилиб келинганлигидан далолат беради .

САРДОБАЛАР - МОЗИЙ МЎЪЖИЗАСИ

*Баҳром Солиев-
“Қоровулбозор тонги ”
газетаси муҳаррири*

Ўзбекистоннинг чўл ҳудудларида Ўрта асрлар даврига оид кўплаб сардобалар сақланиб қолган. Бизгача етиб келган сардобалар ичида энг қадимгиси Кармана яқинида, Работи Маликдаги сардоба ҳисобланади. Бухоро ва Самарқандни боғловчи йўл бўйида X асрда барпо этилган мазкур иншоот бу ердаги карвонсарой билан биргаликда ривожланган Ўрта асрлардаги муҳим иншоотлардан бўлиб, кейинги даврлардаги баъзи таъмирлаш ишлари орқали бизгача етиб келган.

Хусусан, М.Е.Массоннинг маълумотига кўра, Қарши чўлида, Бухоро-Безда савдо йўли бўйида X асрда ҳам сардоба мавжуд бўлган.

Сардобалар қурилиши Амир Темур ва темурийлар, шайбонийлар даврида анча кенг миқёсида олиб борилган. Жиззахдан Сирдарё кечувларига, Бухородан Қарши орқали Амударёнинг Ўрта оқимидаги

Карки ва Келиф кечувларига олиб борувчи йўлларда қурилган сардобалар бундан далолат беради. Айниқса XVI асрнинг иккинчи ярмида Абдуллахон II томонидан кўплаб сардобалар қурилган эди. Улар ичида Қоровулбозордаги сардоба, Бўзачи сардобаси, Бегичак сардоба, Якка сардоба, Каспидаги сардобалар, Қаршидан Амударёдаги кечувларга олиб борувчи йўллардаги сардобалар, хусусан Туркманистон худудидаги Сангир сувлоқ сардобаси, Шеробод яқинидаги сардоба, Жиззах-Чиноз оралиқдаги чўл худудидаги Яккасардоба, Мирзаработ, Ёқочли сардобаси ва бошқа сардобалар бунга мисолдир. Тадқиқотчилар фикрича, Мирзачўлдаги сардобаларнинг барпо этилиши Амир Темур ва Абдуллахон II нинг қурувчилик фаолияти билан боғлиқдир.

Ўрта Осиёнинг жазирима иқлим шароити ва йирик шаҳарларни сув билан таъминлаш эҳтиёжи шаҳарларда ҳам сардобалар барпо этилишига туртки берарди. Абдуллахон II томонидан Қаршида, Субхонқулихон томонидан Бухорода барпо этилган сардоба ва бошқа маълумотлар бундан далолат беради.

Умуман олганда, манбаларга кўра, Ўрта асрларда Мовароуннаҳрда 44 та сардоба бўлиб, улардан 29 таси Қарши чўлида бўлган.

Асосан чўл худудларида қад ростлаган сардобалар унинг бунёдкорлари нафақат меъморий услуб, балки табиий ўзгаришлар, кимёвий-физик қонуниятлардан, жўғрофий илмлардан яхши хабардор бўлганлари ва бу ишларни пухта ўзлаштирганларидан далолат беради. Бундан салкам беш аср олдин қад ростлаган Бўзачи ва Қоровулбозор сардобалари замон ва макон эврилишлари, шу давр ичида рўй берган воқеа ва ҳодисалар, табиат ўзгаришларига қарамай ҳамон тирик. ўтган юз йиллар ичида бу заминга кимлар келиб кетмади дейсиз. Аммо сардоба яшайпти. У тарихдан сўйлайди. Гарчи унинг қурувчилари номаълум бўлсада, аммо улар ўзларидан кейин келгуси авлодга ўчмас ва унутилмас ҳайкал қолдиргани айни ҳақиқатдир.

Сардоба сўзи форс тилидан олинган бўлиб, сард (совук) ва об (сув) сўзларининг қўшилишидан ясалган. Бу номнинг ўзиёқ мазкур иншоот сувни сақлаш учун хизмат қилганлигини англариб турибди.

Сардобалар чорвачилик ва карвон йўллари билан боғлиқ равишда вужудга келган. Республикамизда ҳозиргача сақланиб қолган сардобаларнинг кўпчилиги 14-16 асрлар оралиқда қурилган. XIX-XX аср бошларида Оврупо тилларида ёзилган манбаларда Қарши чўлларидаги сардобалар ҳақида қимматли маълумотлар мавжуд. ўша даврда Бухоро амирлигига ташриф буюрган сайёҳ, савдогар, элчи, ҳарбий, олим ва бошқалар томонидан ёзиб қолдирилган бу маълумотлар муайян ноаниқликларга қарамай катта аҳамиятга эга. Бу манбаларда Бухоро-Қарши карвон йўли бўйидаги бешта сардоба: Қоровулбозор сардоба, Қўш сардоба, Бўзачи сардоба, Қақир сардоба ва Бузург сардобалар борлигини кўрсатишган.

Бугунги кунда туманда Қоровулбозор ҳамда Бўзачи сардобаларигина сақланиб қолган. 19 аср Ўрталаригача бу икки сардоба Ўртасида Қўшсардоба мавжуд бўлиб, сўнгра у бузилиб кетган. Қоровулбозор сардобаси шаҳар марказига яқин. Сардобанинг 3 та дарвозаси бор, ҳовузининг кенглиги 15 метр. Айлана шаклидаги ҳовуз ва унинг устини ёпиб турувчи гумбаз шаклида қурилган бу сардобанинг бир неча деразаларидан ташқари, сув тушиши учун мўлжалланан махсус тешиклар ва тепасида айлана шаклдаги туйнук бор. Сардоба яқинида қудук бўлиб, ундан чорва молларини суғориш учун фойдаланишган. Бундан ташқари, сардоба ҳовузидаги сувдан олиш учун мўлжаллаб қолдирилган махсус кириш жойи мавжуд. Маълумки, Буюк ипак йўли Ўрта Осиё орқали ўтган ва бу савдо йўлининг аксарият қисми бепоён сувсиз чўлу-сахроларга тўғри келарди. Ер ости сувларининг шўрлиги, қудуқларнинг кўмилиб кетиши ва қуриб қолиши туфайли йўловчиларни сув танқислиги муаммоси доимий қийнарди. Айниқса, жазирама ёз ойларида сувга эҳтиёж жуда катта бўларди. Бу ҳол кишиларни чўллардаги қор ва ёмғирнинг чучук сувларидан фойдаланишга мажбур этган. Сувдан самарали фойдаланишга интилиш аجدодларимизни сардобага ўхшаш иншоотларни барпо этишга ундаган. Сардобалардаги сувни ифлосланишдан сақлаш учун атрофи девор билан ўралган, сувнинг ерга сингишини камайтириш чоралари кўрилган, сув буқланишини камайтириш мақсадида бундай ҳовузларнинг усти ёпиладиган бўлган. Сардоба қурувчилари топқирлиги, тадбиркорлигига ҳар қанча қойил қолса арзийди. Улар сувни Сардобада тоза, айнимасдан сақлаш йўллари жуда яхши билишган. Бунинг учун сардобанинг ҳовузи остига сувнинг сақланиши ва унинг сизот сувларидан тоза туриши учун ганч билан ишланган юмалоқ ғиштларни ишлатганлар.



Бухоро-Қарши-Амударё оралигидаги сардобалар ва қарвон йўллари
(XIV-XIX асрлар)



Ғиштлар устидан саксовулдан тайёрланган кўмир қатлами тўшалиб, унинг устидан 3 қават туя жунидан тайёрланган кигиз, сўнг эса пардозланган 3 қават мол териси ёпилиб, унинг устидан Ғишт терилган ва ганч билан сувалган. Бу ҳол бир неча бор такрорланган. Бунда саксовул сувни тузлардан тозалашда филтёр вазифасини бажарган бўлса, ганч, пишиқ ғишт ва мол териси сувнинг ортиқча ерга шимилиб кетишини ҳимоя қилган. Пишиқ ғиштларни теришда ҳам лойига қўй сути, туя жуни қўшилган. Сардоба деворларининг қалинлиги 1,5 метргача қилиб терилган. Хуллас, бу соҳадаги тажрибалар асрлар оша авлоддан авлодга ўтиб, такомиллашиб борган ва чўлларда чучук сув сақлашнинг энг қулай усули сифатида ҳозирги кўринишдаги сардобалар вужудга келган.

Сардобалар қурилишдаги асосий жиҳат меъморий-геометрик ҳисоб-китобнинг аниқлиги, унга ишлатиладиган хом ашёнинг сифати, механик

таркиби ҳамда усталарнинг касб маҳоратига боғлиқ бўлган. Одатда сардобалар 5-7 йил давомида қурилган. Иншоот қурилиши учун ишлатиладиган ғишт ҳамда қоришма тайёрлаш технологияси қизиқарлидир. Одатда битта сардобани қуриш учун махсус ўлчамдаги ғишлардан уч юз -тўрт юз минг атрофида ишлатилган. Бунда энг аввало тупроққа асосий эътибор қаратилиб, асосан тозалиги инобатга олиниб, кўпинча Амударё этақларидаги қумлардан ғишт тайёрлашда ишлатилган. Ғишт лойи туя жуни билан ийлангач қолипларга солишдан олдин бир муддат пиширилган. Лой тайёр ҳолга келгач қолипларга солиниб тўкилган. Хом ғишт олдин 1-2 йил қуёшда тоблангач, шакли ўзгармаган ҳамда дарз кетмаган ғишлар хумдонда пиширилган. Шу тариқа пишган ғишт қуёш нурига, намга чидамлилиқ, иссиқ ўтказмаслик, ҳароратни бир меъёردа сақлаб туриш хусусиятларини ўзида жамлаган. Сув сақланадиган ҳовузнинг тагига уч қават қилиб қорамол ёки туя териси тўшалиб, сардоба пойдевори текис тошлардан терилган. Бу сувнинг ерга сингиб кетмаслиги учун қилинган тадбирдир. ўишт ва тошларни бир бирига ёпиштирадиган қоришма-қир бўлиб (ҳозирги қурилишда ишлатиладиган цемент, қум, шағал аралашмаси бетон деб юритилади) уни тайёрлашда камиш, юлқун кули, кўй сути ва туя зардоби, жуни қўшилиб, мустаҳкам қоришма ҳосил қилинган. Буларнинг бари сардобаларнинг девори мустаҳкам бўлиши билан бирга, уни ёқингарчилик, турли чанг тўзонлардан ҳимоялашга, емирилиб кетишидан асраб, сувнинг тиниқ ва тоза, узоқ вақт бузилмай сақланишида муҳим рол ўйнаган. Сардобалар умрбоқийлигининг ҳикмати шундан иборат.

Бўзачи сардобаси Қоровулбозор сардобасидан анча кичик. Улар орасидаги масофа 17 км. яқин. Тузилиши жиҳатидан анча ихчам бўлган бу иншоотнинг учта дереза ва кириш жойи бор. Диаметри 13 метрга тенг. Айни пайтда ҳовузи қўмилган.

ИККИНЧИ ЖАҲОН УРУШИ ЙИЛЛАРИДА БУХОРО ВИЛОЯТИ ХАЛҚ МАОРИФИ ТИЗИМИ ФАОЛИЯТИ

*Муродова Дилрабо Шомуродовна
БухДУ Стажёр-тадқиқотчиси*

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг буюк Ғалабанинг 76 йиллиги ҳамда Хотира ва кадрлаш кунига бағишланган тантанали маросимдаги нутқида ҳозирги кунда мамлакатимизнинг Иккинчи жаҳон уруши давридаги тарихи янги маълумот ва далиллар, ноёб ҳужжатлар билан бойиб бораётганлиги, мавзуга оид янги-янги илмий тадқиқотлар яратилаётганлигига таъкидлаб ўтилди. Шунингдек, Иккинчи жаҳон уруши тўғрисидаги бор ҳақиқатни аниқлаш ва халқимизга етқизиш борасида миллий тарихимизни катта қизиқиш ва меҳр билан ўрганаётган

ёш тадқиқотчилардан янги ташаббуслар ва ҳаракатлар кутилаётганлигига алоҳида урғу берилди.

Бухоро давлат архиви ҳужжатлари асосида тақдим этилаётган қуйидаги кичик тадқиқот ишимизда XX асрнинг 40-йилларида вилоятда мавжуд бўлган мактаблар ва уларнинг фаолияти тарихига доир маълумотларни ҳудуд архиви фондларидаги ҳужжатлар асосида ўрганиб, таҳлил этишга ҳаракат қилдик. Бухоро вилоят халқ маорифи бўлимининг 1940 йил 4 ноябрдаги “Мактабларни районлаштириш натижалари тўғрисидаги” қарорида Бухоро вилоятида жами 1145 та мактаб борлиги, шундан 692 та бошланғич мактаб, 391 та тўлиқсиз ўрта мактаб, 62 та ўрта мактаб борлиги кўрсатилган. Вилоят бўйича умумий ўқувчилар сони эса 258.997 нафарни ташкил этган¹. 1941-1942 вилоятда 129 та тўлиқсиз ва 28 та ўрта мактабни ўз ичига олган 349 та мактаб мавжуд бўлса, 1944 – 1945 ўқув йилида эса 376 та мактаб фаолият юритганлиги тўғрисида вилоят маориф бўлими мудирининг Раҳматовнинг Меҳнаткашлар депутатлари Бухоро область Советининг VII сессиясидаги нутқида маълумотлар келтирилган². 1941 йилда ҳудуд халқ маорифига бюджетдан 28 миллион сўм ажратилган бўлса, 1944 йилда эса бу кўрсаткич 49,9 миллион сўмга етганлиги маърузада алоҳида таъкидлаб ўтилган.

Муаммога аниқлик киритиш мақсадидаги изланишларимиз давомида ўтган асрнинг 40- йилларидаги вилоятнинг маъмурий-худудий тузилиши масалалари диққатимизни жалб этди. Жумладан, 1941 – 1942 йиллар тарихи ақс этган архив манбаларида Бухоро вилоятида жами 21 та туман бўлганлиги қайд этилган бўлиб, улар қуйидагилар: Бухоро, Вобкент, Ғиждувон, Когон, Қоракўл, Конимех, Карки, Қизил – Тепа, Ромитан, Свердлов, Шофиркон, Бешкент, Гузар, Дехқон – обод, Қамашини, Қарши, Косон, Китоб, Чироқчи, Шахрисабз, Яккабоғ туманлари. 1941 йил 6 мартда Ўзбекистон ССР таркибида Андижон, Наманган, Сурхондарё вилоятлари ташкил топади. Бу даврда Сурхондарё области Бухоро области таркибидан ажралиб чиқди. 1943 йил 20 январда эса Бухоро области таркибидан Қашқадарё области ажралиб чиқди³. Бу худудий тузилиш ўз навбатида худуд маориф тизимига ҳам ўз таъсирини ўтказмай қолмайди, албатта.

1941 – 1945 йилларда Бухоро вилоятида мактаб ишлари ҳолати бўйича берилган ҳисоботларда 1943 – 1944 ўқув йиллари республика мактаблари учун тарихда энг оғир кечган йиллар бўлганлиги қайд этилган. Айниқса, қишлоқ мактаблари уруш йилларининг оғир шароитида мураккаб йўлни босиб ўтганлиги ёритилган. Республиканинг барча худудларида бўлгани каби Бухоро вилоятининг қишлоқ мактаблари учун эса 1942 –

¹ БВДА. 1127 – фонд, 1 – рўйхат, 30- иш, 22 – варақ.

² Бухоро ҳақиқати. 1944й, 29 ноябр.

³ Қ.Ражабов, Б.Қандов, С.Ражабова. Ўзбекистон тарихининг муҳим саналари, Тошкент: O`zbekiston. 2015.-Б.217-220.

1943 ўқув йилининг оғир кечганлигидан ҳужжатлар гувоҳлик беради¹. Кўпгина қишлоқ мактаблари номигагина бўлиб, болаларни ўқитмаганлиги, ўқув-тарбиявий иш жараёнининг салбий ҳолатга келиб қолганлиги қуйидаги муаммолар билан изоҳланган. Ўқитувчиларнинг етишмаслиги, қишлоқ-хўжалик ишларига жалб этилганлиги натижасида болаларнинг тўлиқ мактабга келмаслиги, мактаб бинолари ва ўқув қуролларининг етишмаслиги натижасида қишлоқ мактабларидаги таълим тизими издан чиққанлиги архив манбаларида тўла ёритилган. Бироқ, муаммолар билан биргаликда иккинчи жаҳон уруши йилларида Бухоро вилояти халқ маорифи тизими ходимлари ва мактаб ўқувчиларининг шижоаткор меҳнати билан қўлга киритилган бир қатор ютуқлар ҳам ҳужжатларда қайд этилган. Бухоро вилоят халқ маорифи бўлими мудири М.Н.Раҳматовнинг 1944 йил 28 июндаги ҳисоботида бир қатор қимматли маълумотлар берилган. Бухоро вилояти ўқитувчилари ва ўқувчилари фронт ортида фидокорона меҳнат қилиб, ғалаба учун ўзларининг муносиб ҳиссаларини қўшганликлари қуйидаги рақамларда акс этирилган. Ўқувчиларнинг меҳнати билан 287 тонна темир, 28 тонна ўсимлик ёғи, 5 тонна қоғоз буюмлари фронт орти харажатлати учун йиғиб берилган.

“Бухоро ўқувчиси” номли ҳарбий самолёт қурилишига бухоролик фидойи ўқитувчилар ва ўқувчилар ташаббуси билан 225 минг сўм пул йиғиб берилди ва бу ташаббуслари ҳукумат раҳбарининг миннатдорчилигига сазовор бўлган экан². Аҳоли ўртасида тарғибот-ташвиқот ишларини олиб боришда ҳам жонбозлик кўрсатиб, вилоятнинг 1925 минг аҳоли учун 2100 та ҳарбий- ватанпарварлик маърузалари ва суҳбатлар уюштирган эканлар. 1943 – 1944 ўқув йилида 8000 дан ортиқ қишлоқ хўжалиги мактабларининг ўқувчилари фронт ортида фаол меҳнат қилиб, 1944 йил қишги мавсум оёқ қийими таъминоти учун 5000 донадан ортиқ тери хом ашёсини йиғиб бердилар. Вилоят халқ маорифи бўлими мудирининг ҳисоботида таълим тизимидаги муаммолар ҳам ёритилган бўлиб, жумладан уруш йилларида Бухоро вилояти мактаблари режадаги 614,5 минг дарслик ўрнига мактаблар амалда 190,3 минг дона дарслик билан таъминланди. Умумий ҳисобда мактабларнинг 31% дарсликлар билан таъминланган эди. Дарсликлардан ташқари таълим жараёни учун энг долзарб муаммолардан бири дафтар ва ручкаларнинг етишмаслиги эди. Масалан, бир ўқув йилида бир ўқувчига 2 – 3 та дафтар ва 1 та сиёҳдон тўғри келганлиги, атиги 21% мактаб сиёҳ билан таъминланганлиги ҳужжатларда кўрсатилган. Уруш йилларида Бухоро вилоят мактабларида 40 % сиёҳ мактабларнинг ўзи томонидан табиий йўл билан рўян ўсимлигидан тайёрланганлиги қайд этилган. Бундан ташқари мактаб таълими учун зарур ўқув жиҳозлари ҳисобланган бўр билан 41 %, қалам билан эса 37 % мактаб таъминланган эди. Иккинчи жаҳон уруши

¹ БВДА. 1127 – фонд, 1 – рўйхат, 53 - иш, 16 – варақ.

² БВДА. 1127 - фонд, 1- рўйхат, 53- иш, 18- варақ.

йилларидаги таълим тизимининг энг оғриқли муаммоси бу ўқитувчиларнинг етишмаслиги масаласи бўлиб, 1943 – 1944 ўқув йилида вилоят мактабларида 466 та мураббийнинг етишмаганлиги билан изоҳланган. Шулардан 194 та бошланғич 1 – 4 синф ўқитувчилари, 200 нафар 5 – 7 синф ўқитувчилари, 72 нафар 8 – 10 синф ўқитувчиларини ташкил этади. Таълим тизимида фаолият кўрсатаётган ўқитувчиларнинг савияси масалалари ҳам рақамларда таҳлил этилган бўлиб, 1062 та бошланғич синф ўқитувчиларидан 549 таси ўрта маълумотга эга эмасди. 533 тасигина эса тугалланган ўрта маълумотга эга бўлган.

Етти йиллик мактабларнинг 828 нафар ўқитувчисидан 235 нафаригина олий маълумотли бўлиб, 464 таси ўрта, 129 таси эса тугалланмаган ўрта маълумотга эга эди. 8 – 10 синфларнинг 227 нафар ўқитувчисидан 101 таси олий маълумотли бўлиб, шулардан 56 нафари Ўқитувчилар институтини битирган эди¹. Жамиятнинг барча соҳаларида бўлгани каби таълим жараёни учун ҳам оғир кечган иккинчи жаҳон уруши йилларида таълим сифати масалаларига ҳам жиддий эътибор қаратилганлигини синфдан-синфга кўчиш босқичидаги имтиҳонлар таҳлилида кўришимиз мумкин. Бошланғич синфларда таҳсил олаётган 36,3 минг ўқувчидан 20,3 минг нафари кейинги босқичга ўтказилиб, 15,2 минг нафари эса ўз синфида қолдирилганлиги қайд этилган. 5 – 7 синфнинг 20,5 мингта ўқувчисидан 9,8 минг нафари кейинги босқичга ўтказилиб, 9000 нафари эса ўз синфида қолдирилган. 8 – 10 синфларнинг 1,7 минг ўқувчисидан 0,8 минг нафари кейинги босқичга ўтказилганлигини кўришимиз мумкин. Вилоят бўйича жами 1943 – 1944 ўқув йилида 58,5 минг битирувчидан 30,9 минг нафари кейинги босқичга ўтказилиб 23,9 минг нафари эса ўз синфида қолдирилганлиги ҳисоботда акс эттирилган. Мактаб таълими тизимида ўқув жараёнининг сифатини ошириш ва тарбиявий жараёнларни яхшилаш мақсадида фақатгина Бухоро шаҳрида ўғил ва қиз болаларни ажратиб алоҳида ўқитиш ишлари йўлга қўйилган бўлиб, амалиётда ҳали бу мактабларнинг ўқув жараёни учун ягона режа ва дастур ишлаб чилмаганлиги айтилган. Фикримизнинг далили сифатида 1944 – 1945 йилларда Бухоро шаҳрида “Тельман” номидаги 8 – ўрта мактаб фаолият юритган бўлиб, ҳужжатда бу мактаб қизлар мактаби сифатида қайд этилган. Уруш йилларида мактаб педагог жамоалари учун услубий ёрдам бериш мақсадида “Ўқитувчилар газетаси” ва “Совет педагогикаси” нашрларини ишга тушириб, соҳага оид ўқув-услубий назариялар билан ўқитувчиларга яқиндан амалий кўмак бериш кераклиги ҳақидаги хулосалар билан ҳисобот яқунланади.

Уруш йилларида йиллари қишлоқ мактаблари учун синовли йиллар бўлиб, ўқитувчи ва ўқувчилар зиммасига бир мунча машаққатли вазифаларни қўйди. 1941йил 29 июлдаги ҳукуматнинг № 904 қарорига

¹ БВДА. 1127 – фонд, 1 – рўйхат, 30- иш, 21 – варақ.

асосан республикадаги барча қишлоқ ва шаҳар мактабларининг 7 – 10 синф ўқувчиларини қишлоқ хўжалик ишлари учун жамоа хўжаликларига жалб қилиш белгиланди. Ўқувчиларнинг ёши ва имкониятидан келиб чиқиб 6 – 8 соатлик иш куни ташкил қилинди. Улар турар жой, озиқ-овқат, тиббий ёрдам билан таъминланди. Ўқитувчилар бошчилигида алоҳида қизлар ва йигитлар гуруҳлари тузилиб қишлоқ хўжалиги ишчи кучи билан таъминланди. Қишлоқ хўжалигидаги дала ишлари тўлалигича халқ маорифи тизимининг ҳаракати, жонбозлиги билан амалга оширилди. Бу эса қишлоқ мактабларидаги таълим жараёнига салбий таъсир кўрсатиб ўқитувчиларнинг етишмаслиги, болаларнинг мактабга қатнамасли каби ҳолатларни келтириб чиқарди. 1944 йил 1 ноябрдан қишлоқ ёшлари учун республикада кечки мактаблар ташкил қилиниб, бу мактабларда таълим жараёни 1 ноябрдан 1 майгача этиб белгиланди. Бу мактаблар икки босқичли бўлиб, бошланғич ва етти йиллик таълим жараёни ташкил этилди. Беш кунлик йигирма ўқув соати асосида ҳар бир синфда йигирма нафар бола ўқитилди. Вилоят маориф бўлими мудир Раҳматовнинг қатор чиқишларида II жаҳон уруши Бухородаги мактабларнинг фаолиятида йўл қўйилган камчиликлар санаб ўтилади.

Биринчидан, вилоятдаги ҳамма болаларнинг ҳам ўқитилмаётганлиги, 1943-1944 ўқув йилида мактаб ёшидаги болалардан 7 мингтаси ўқишга тортилмай қолганлиги, ўқув йилининг охиригача 5 минг 100 нафар бола мактабдан кетиб қолганлиги, 1944 ўқув йилида эса умумий таълим режаси бажарилмай қолганлигини 5700 нафар боланинг мактабдан четда қолганлиги бу камчиликларни яна бир бор исботлаб турибди. Бухоро, Қорақўл, Шофиркон туманларида ўқувчиларнинг давомат фоизи жуда ҳам паст бўлиб, бу ҳолат баъзида ўқув машғулотларининг ўтказилмай қолишига сабаб бўлади.

Иккинчидан, мактаб хўжалиги ўзига муносиб даражада юқори кўтарилмаган бўлиб, бу муаммо айниқса, таъмирталаб мактабларнинг кўплиги, иссиқ овқат, ёқилғи ва мактаб дарсликлари, дафтарларнинг етишмовчилиги масалаларида кўзга ташланади. Маҳаллий саноатимиз мактаблар учун тайёрланиши енгил бўлган дафтарлар ишлаб чиқаришга киришмаган.

Учинчидан, мактабларда ўқитувчиларнинг етишмаслиги муаммоси бўлиб, мавжуд ўқитувчилар кўп ҳолларда етарли тайёргарликка эга эмас. Ўқитувчиларнинг ўз-ўзидан ўқиш йўли билан ўз малакаларини ошириш йўлидаги ишлари қониқарли эмас.

Тўртинчидан, мактабларда ўқув – тарбия ишларининг сифат жиҳатидан етарли бўлмаганлигидир. Бу ҳол билим даражаси ва сифатнинг паст бўлишига олиб келади. Ўзлаштиришнинг пастлиги натижасида 1943 ўқув йилида 29,3 минг ўқувчи ўз синфида қолишига тўғри келган. Бу эса жуда кўп давлат маблағларининг бекорга харажат қилинганлигини кўрсатади.

Юқорида кўрсатилган муаммолар бўйича вилоятнинг Кармана, Конимех, Олот туманларида мактаб ишлари яхши ташкил қилинмаган¹.

1941 йил 28 июлдаги Бухоро вилоят ижроя қўмитасининг йиғилишида ёзги болалар майдончаларини ташкил этиш ишларини йўлга қўйиш бўйича қарор қабул қилинади. Ушбу қарор бўйича 1941 йил 15 декабр ҳолатида вилоятда 372 та ёзги болалар майдончалари бўлиб, улар 14718 нафар боғча боласини қамраб олган². Бу кўрсаткич вилоят бўйича 38 % ни ташкил этган. 1944 йил 6 мартдаги Ўзбекистон ҳукуматининг марказга берган республика халқ маорифи тизими ишлари бўйича ҳисоботида 18 банддан иборат соҳа ривожига қаратилган йўриқнома бўйича жадал суратда ишлар ишлар бошланиб кетди. Юқоридаги дастур бўйича 1944 йил ёзида Республика ҳукумати 1800 нафар болага ёзги мактаб майдонлари, 8 – 9 синфлар учун 682 ўринли дам олиш масканлари, болалар уйлариининг 1220 нафар тарбияланувчиси учун майдончалар қуриш режалаштирилди. Бухоро вилояти бўйича 1944 йил ёзги мавсумда 935 нафар ўқувчи дам олиш масканларига борганлиги туманлар кесимида ҳужжатларда қайд этилган. 1944 йил уюл охирида давлат мудофаа қўмитаси томонидан уруш қатнашчиларининг болаларига 422 минг рубл бепул йўлланмалар учун ажратилган.

Бухоро вилоят ижроя қўмитасининг 1944 йил 29 июлдаги қарорига биноан Бухоро шаҳрида 538 та дам олиш масканлари ва майдончалар, 76 та болалалар боғчаси учун майдончалар, Когон шаҳрида 200 та дам олиш масканлари ва 20 та боғча болалари учун майдончалар, Гиждувон шаҳрида 100 та дам олиш масканлари ва 16 та боғча болалари учун майдончалар ташкил қилиниши режалаштирилган. Бундан ташқари вилоят бўйича болалар учун 1474 та соғломлаштириш ўринлари ҳам ташкил қилинганлиги қайд этилган. Бироқ, болалар учун ажратилган бепул йўлланмалардан тўлиқ фойдаланилмаганлиги ҳам рақамларда кўрсатилган. Уруш йилларида мактаб ва олий ўқув юртлари орасидаги муносабатларда ҳам муаммоларнинг бўлганлигини ҳужжатлар тасдиқлайди. Масалан, Бухоро шаҳридаги “Куйбишев” номли қизлар ўрта мактаби директори Давидованинг 1945 йил 27 апрелдаги мактаб имтиҳонларига тайёргарлик ишлари тўғрисидаги ҳисоботида физика ва химия фанлари бўйича керакли жиҳозларнинг йўқлиги ва етишмаслиги учун тажриба шу фанлардан тажриба дарслари ўтилмаётганлиги сабабли мактаб раҳбари Бухоро педагогика институти директоридан амалий ёрдам сўраганлиги ва унинг муурожаати олийгоҳ раҳбарияти томонидан рад этилганлиги ёзма ҳисоботда кўрсатилган³.

Республика ҳукумати томонидан 1941 йил декабр ойдан бошлаб таълим муассасаларида жисмоний-ҳарбий тайёргарлик ишлари

¹ Бухоро ҳақиқати. 1944й, 29 ноябр.

² БВДА.1023 – фонд, 1 – рўйхат, 72 - иш, 1 – варақ

³ БВДА.1023 – фонд, 1 – рўйхат, 53 - иш, 89 – варақ

бошланганлиги бўйича йўриқномага асосан Бухоро вилоятидаги барча таълим муассасаларида таёргарлик дарслари ташкил қилинган. Мамлакатдаги ҳарбий вазиятдан келиб чиқиб ҳарбий тайёргарлик машғулотларидан ташқари 5 – 7 синф қизлари учун шифокорлар томонидан тиббий тайёргарлик дарслари ҳам олиб борилган. 1945 - 1946 ўқув йили учун республикадаги жисмоний тарбия техникумларига 7 йиллик таълимга эга бўлган 14 ёшдан 25 ёшгача бўлган ёшлар ўқишга қабул қилинган. Ўзбекистон Халқ Маориф Комиссарлигининг 1945 йил 5 июлдаги № 579 қарорида “Мақтабларнинг 1945 – 1946 ўқув йилига тайёргарлиги” бўйича тақдим этилган маълумотларда 1944 – 1945 ўқув йилида Республика бўйича жами 164 минг нафар бола таълимга жалб қилинмаганлиги, 90 минг нафар ўқувчилар эса дарслардан қолганлиги, умумий ҳисобда 254 минг нафар бола мактабсиз қолганлиги кўрсатилган. Бухоро вилоятида эса 1944 – 1945 ўқув йилида 5000 нафар бола таълим билан қамралмаган, 15000 нафар бола мактабга умуман бормаганлиги қайд этилган¹. Республика мактабларининг юқори синфларини бирорта ҳам битирувчи тугатмаганлиги мактаб таълими учун аянчли аҳвол эди, албатта.

XX асрнинг 40 – йилларида ўзбек мактабларида таълим тили ўзбек, тожик, қозоқ, рус, татар, туркман тилларида олиб борилганлигини ҳисоботларда кўришимиз мумкин. Иккинчи жаҳон уруши йилларида Бухоро вилояти аҳолиси томонидан Харьковдаги болалар муассасаларига инсонпарварлик ёрдамлари ҳам ташкил қилиниб, кийим – кечак, кўрпа тўшак, идиш-товоқ, 2 тонна ғалла маҳсулотлари, ўқув куроллари, физика ва химия фанлари бўйича зарур жиҳозлар етказиб берилганлиги бўйича вилоят халқ маорифи бўлими мудирини Н.Раҳматовнинг 1941 йил 3 сентабрда Тошкентга йўллаган хатида маълумот берилган.

Ўзбекистон Халқ Маориф Комиссарлигининг 1942 йил 6 июндаги № 620 буйруғида 1942 йил майдаги ҳукуматнинг № 773 “а” сонли қарори асосида маориф тизимидаги барча мактаб, боғча, олий ўқув юртлари ва бошқа маданий-оқартув муассасаларининг биноларини бошқа тизимдаги муассасаларга беришни қатъиян тақиқлаш ҳақида кўрсатма берилди. Кўчириб келтирилган госпиталлар, корхоналар, турли муассасалар учун вақтинчалик олинган биноларни тезда қайтариш бўйича вилоятда тадбирлар бошланиб кетади. Фронт ортида мардонавор меҳнат қилаётган ўқитувчи ва шифокорлар учун 1942 йилнинг 15 августигача шаҳарларда ошхоналар очиш бўйича Ўзбекистон Халқ Маориф Комиссарлиги қарорининг қабул қилиниши уруш йилларида таълим тизимига бўлган эътиборнинг яққол намунаси эди. 1945 йил 6 сентабрдаги Ўзбекистон Халқ Маориф Комиссарлигининг № 846 қарорида ўрта мактабларидаги 8 – 10 синфларда таълим олувчи ўзбек ва бошқа миллат болалари учун Республика бўйича 1000 ўринли интернатларга асос солиниши

¹ БВДА.1023 – фонд,1 – рўйхат,29 - иш,14 – варақ

таъкидланган. Ушбу қарор асосида Бухоро вилоятида 100 ўринли интернат қурилиши белгиланиб, биринчи ўринда ҳарбийларнинг болалари ва урушда яқинларини йўқотганларнинг болалари қабул қилиниши белгиланган¹.

II жаҳон уруши йилларида Бухоро маориф тизими мавжуд қийинчиликларга қарамай фидокорлик билан ёш авлодга таълим ва тарбия беришда давом этди. Давлатимиз сиёсатининг энг муҳим устувор йўналишларидан бири ҳисобланган тарихий меросни асраб-авайлаш, ўрганиш ва авлодлардан авлодларга қолдириш биз тарихчилар олдига маъсулиятли вазифаларни кўяр экан, бу борадаги илмий изланишларни изчиллик билан давом эттириб, тарихий ҳақиқатни халқимизга етқизиш асосий бурчимиз ҳисобланади.

АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ

1. Boltayev, Bobir Baxtiyorovich. "BUXOROLIK MINIATURACHI-RASSOM SADRIDDIN ROHCHAYEV IJODIGA BIR NAZAR." *Scientific progress* 1.6 (2021): 998-1004.

2. Rajabov, Oybek Iskandarovich. "BUXORODAGI AYRIM MUQADDAS QADAMJO-QAL'ALAR XUSUSIDA." *Scientific progress* 1.6 (2021): 1162-1168.

3. Умаров, Б. Б. "НА КИСЛЯКОВ ТАДҚИҚОТЛАРИДА ЖАНУБИЙ ТОЖИКИСТОН ЭТНИК ТАРИХИ." *Scientific progress* 1.6 (2021): 1005-1009.

4. Тўраева, Г. Б., Ўтаева, Ф. Х., & Жумаева, Н. А. (2021). ОА СУХАРЕВА ТАДҚИҚОТЛАРИДА БУХОРО ТАРИХИ ВА ЭТНОГРАФИЯСИНИНГ ЎРГАНИЛИШИ. *Scientific progress*, 1(6), 1010-1018.

5. Bakhthiyorovich, Boltaev Bobir. "Excerpts from the life of the bukharian artist." *Middle European Scientific Bulletin* 12 (2021): 160-165.

6. Ochilov, A. T. "DATING OF THE ZAMANBABA CULTURE: ASSED ON ARCHAEOLOGICAL SOURCES." *Theoretical & Applied Science* 12 (2019): 589-591.

7. Mubinov, M. A. "Diplomacy of the eastern states and central asian khanates in the struggle for independence." *CENTRAL ASIAN JOURNAL OF SOCIAL SCIENCES AND HISTORY* 2.5 (2021): 26-31.

8. Maksud, Beshimov. "Markets of Bukhara." *CENTRAL ASIAN JOURNAL OF SOCIAL SCIENCES AND HISTORY* 2.5 (2021): 18-21.

9. Sharopov, Dilshod Ravshan O'G'Li. "ABDURAZZOQ SAMARQANDIYNING "MATLAI SA'DAYN VA MAJMAI BAHRAYN" ASARINING O'RGANILISH TARIXI." *Scientific progress* 2.1 (2021): 358-361.

¹ БВДА.1023 – фонд,1 – рўйхат,28 - иш,60 – варақ

10. Очилов, Алишер Тўлис Ўғли. "БУХОРО ВОҲАСИ ШАКЛЛАНИШИДА ЗАРАФШОН ДАРЁСИНИНГ ЎРНИ ВА ВОҲА ТАРИХИЙ ГЕОГРАФИЯСИГА ДОИР АЙРИМ МУЛОҲАЗАЛАР." *Scientific progress* 1.6 (2021): 933-938 Murodova, Dilrabo Shomurodovna, and Feruza Xolmamatovna O'tayeva. "TF Gelax tadqiqotlarida Buxoro shahri mudofaa tizimining organilishi." *The Fifth International Conference on History and Political Sciences*. 2015.
11. Turaevich, Halimov Talat. "From the history of economic relations between central asia and india (XV-XVII centuries)." *CENTRAL ASIAN JOURNAL OF SOCIAL SCIENCES AND HISTORY* 2.5 (2021): 22-25.
12. OCHILOV, Alisher. "JEWELRYC TRADITION IS A SOURCE OF STUDY OF BUKHARA HISTORY." *Bayterek Uluslararası Akademik Araştırmalar Dergisi* 1.1: 105-116.
13. Бобожонова, Феруза Хаятовна. "БУХОРО МАДРАСАЛАРИ МАЪНАВИЯТ ДУРДОНАСИ." *Scientific progress* 2.1 (2021): 362-366.
14. Муродова, Дилрабо Шомуродовна. "ИККИНЧИ ЖАҲОН УРУШИ ЙИЛЛАРИДА БУХОРОДА ИЛМ ВА ФАН (БУХОРО ПЕДАГОГИКА ИНСТИТУТИ МИСОЛИДА)." *Scientific progress* 2.1 (2021): 660-664.
15. Ochilov Alisher. "The Role of Zamanbaba Culture in The Social and Economic History of Bukhara Oasis During Bronze Age." *CENTRAL ASIAN JOURNAL OF SOCIAL SCIENCES AND HISTORY* 2.4 (2021): 42-47.
16. JAMOLOVA, DILNOZA MUYIDDINOVNA. "THE END OF THE EMIRATE OF BUKHARA: THE END OF THE POLITICAL STRUGGLE BETWEEN THE JADIDS AND THE ULEMA." *International Journal of Philosophical Studies and Social Sciences* 1.1 (2021).
17. Jamolova, D. M. "Traveling to Modernity: Perception of Modernity of the Central Asian Muslims in the early 20th century." *International Journal of Psychosocial Rehabilitation* 9.24 (2020): 4202-4207.
18. Темиров Ф., Исломов Д. САДРИДДИН АЙНИЙ–ЗАМОНДОШИ ФИТРАТ ҲАҚИДА //Scientific progress. – 2021. – Т. 2. – №. 1. – С. 1349-1354.
19. Темиров Ф., Халикова Н. БУХОРО АМИРЛИГИДА ТАШҚИ СИЁСАТ ВА ДИПЛОМАТИЯНИНГ РИВОЖЛАНИШИ ТАРИХИДАН //Scientific progress. – 2021. – Т. 2. – №. 1. – С. 1276-1282.
20. Темиров Ф., Умаров Б. БУХОРО АМИРЛИКДА ОИЛА, НИКОҲ ВА МЕРОС ҲУҚУҚИНИНГ АМАЛДА ҚЎЛЛАНИШИ //Scientific progress. – 2021. – Т. 2. – №. 1. – С. 1201-1207.

ИККИНЧИ ЖАҲОН УРУШИ ЙИЛЛАРИДА БУХОРОДАГИ МАКТАБГАЧА ТАЪЛИМ ТАШКИЛОТЛАРИ ФОЛИЯТИ ТАРИХИДАН

*Муродова Дилрабо Шомуродовна
Бухоро тарихи кафедраси ўқитувчиси.
Мустафоева Меҳринигор Абдугани қизи
БухДУ 3-босқич талабаси*

Ўзбекистон тарихининг энг долзарб масалаларидан бири ҳисобланган Иккинчи жаҳон уруши мавзуси бугунги кунда бутун дунё нигоҳида бўлиб, айниқса, архив манбаларининг ўрганилиб тадқиқ қилиниши нуқтаи назаридан ўз тадқиқотчиларини кутмоқда. Ушбу мавзуга тегишли бўлган аксарият маълумотлар архивларда сақланаётганлигини инобатга олиб, биз тадқиқотчилар олдига ота-боболаримиз босиб ўтган шонли тарих йўлларини ўрганиш, халқимизнинг уруш йилларидаги машаққатли ҳаётини бугунги ёш авлодга етказиб бериш вазиларини кўяди.

Бухоро вилоят давлат архиви фондларида иккинчи жаҳон уруши йилларида таълим-тарбия жараёнлари, айниқса кўчириб келтирилган бошпанасиз болалар, болалар уйлари, боғча, мактаб, олий ва ўрта махсус касб-ҳунар таълими тизимидаги муаммо ва ютуқлар ёритилган тарихий маълумотлар сақланади. Ушбу маълумотларда халқимизнинг иккинчи жаҳон уруши йилларидаги оғир турмуш тарзи, фронт ортидаги мардонавор меҳнати ёритилган.

Таълим тизимининг энг қуйи пағонаси ҳисобланган вилоятдаги мактабгача таълим ташкилотларининг уруш йилларидаги фаолияти бўйича ҳам архив фондларида талайгина маълумотлар сақланган бўлиб, 1940 йилда Бухорода 2106 нафар бола билан фаолият юритаётган 32 та болалар боғчаси борлиги вилоят партия ташкилоти ҳужжатларида қайд этилган¹. Бироқ, вилоят архив фондларидаги мавзуга оид ҳужжатларни ўрганишимиз жараёнида иккинчи жаҳон уруши йилларида Бухоро худудида боғчаларнинг ўсиш жараёни тўғрисида маълумотларни қўлга киритдик. Бу жараён мактабгача таълим муассасаларининг асосан уй-жойидан айрилиб бошпанасиз қолган ёки, ота-онасиз қолган етим болаларнинг Ўзбекистонга кўчирилиши ҳисобидан ташкил топганлиги билан изоҳланади. 1941 – 1945 йилларда Бухоро вилоятида фаолият юритган қишлоқ боғчаларининг туманлар кесимидаги рўйхатида қуйидаги рақамлар кўрсатилган:

1. Олот туманида 35 та болалар боғчаси – 1000 нафар бола учун.
2. Бухоро туманида 64 та болалар боғчаси – 1800 нафар бола учун.
3. Вобкент туманида 80 та болалар боғчаси – 2320 нафар бола учун.
4. Гиждувон шаҳрида 5 та болалар боғчаси – 145 нафар бола учун.

¹ Бухарская областная партийная организация в цифрах и документах. Ташкент: Ўзбекистон, 1990. С.168.

5. Ғиждувон туманида 10 та болалар боғчаси – 900 нафар бола учун.
6. Когон туманида 40 та болалар боғчаси – 1100 нафар бола учун.
7. Қорақўл туманида 70 та болалар боғчаси – 2030 нафар бола учун.
8. Конимех туманида 30 та болалар боғчаси – 870 нафар бола учун.
9. Кармана туманида 80 та болалар боғчаси – 2320 нафар бола учун.
10. Қизилтепа туманида 60 та болалар боғчаси – 1700 нафар бола учун.
11. Ромитан туманида 70 та болалар боғчаси – 2030 нафар бола учун.
12. Свердлов туманида 75 та болалар боғчаси – 2175 нафар бола учун.
13. Томди туманида 10 та болалар боғчаси – 290 нафар бола учун.
14. Шофиркон туманида 80 та болалар боғчаси – 2320 нафар бола учун.

Вилоят бўйича жами 800 та болалар боғчасида 23.000 нафар бола камраб олинган¹. Уруш йилларида мактабгача таълим муассасалари ходимларининг малакасини ошириш мақсадида туманларда семинарлар ташкил қилинган. Халқ Маорифи Комиссарлигининг 1941 йил июлидаги Бухоро вилоятида қурилиши режалаштирилган таълим муассасалари бўйича хатида Вобкент, Конимех, Шаҳрисабз шаҳарларида мактабгача таълим муассасаларининг қурилиши бўйича кўрсатмалар берилган. 1944 йил вилоятда 2427 нафар болани ўз ичига олган ва халқ маорифи бўлимлари томонидан очилган 43 та болалар боғчаси, шунингдек 18 минг болани ўз ичи га олган жамоа хўжаликлари томонидан ташкил этилган 788 та болалар боғчалари мавжуд бўлган. Республика ҳукуматининг 1945 йил 7 – 19 сентябрдаги йиғилишларида №1538 қарорида ҳам болалар боғчасини зарур тиббий ва маиший хизматлар билан таъминлаш чоралари ишлаб чиқилган эди. 1945 йил июл ҳолатига кўра 377 та болалар боғчасига 23500 нафар бола жалб қилинган эди. Боғчаларнинг кечги гуруҳларида эса режада 23000, амалда эса 14200 нафар бола тарбияланган². Уруш йилларида фронт орти жабҳаларидаги барча оғир меҳнат ва турмуш ташвишлари жумладан, уй-рўзғор, қишлоқ хўжалиги, саноат корхоналаридаги асосий вазифаларнинг барчаси хотин-қизлар зиммасига юклатилганлиги учун аёлларга қўшимча имкониятлар яратиш мақсадида кечги боғчалар ташкил этилади.

Вилоятдаги мавжуд болалар боғчаларидан ташқари уруш йилларида кўчириб келтирилган болалар боғчалари тўғрисидаги маълумотлар ҳам Бухоро вилоят давлат архивида сақланади³. Ушбу ҳужжатларда СССРдаги Польшалик болалар учун болалар боғчаси иши бўйича кўрсатма ва қоидалар акс этган. Айниқса, 1943 йил 26 августда бу тўғрисидаги ҳукуматнинг 46 банддан иборат махсус қарори ҳам қабул қилинган эди. Бухоро вилоятига кўчириб келтирилган Польша болалари учун муносиб

¹ БВДА.1127 – фонд,1 – рўйхат,53 - иш,71 – варақ

² БВДА.1127 – фонд,1 – рўйхат,29 - иш,29 – варақ

³ БВДА.1127 – фонд,1 – рўйхат,62- иш,1 – варақ

шароит яратиш мақсадида болалар боғчалари ташкил қилиниб, биринчи ўринда ҳарбийларнинг болалари, ёлғиз оналар ва ишлаб чиқариш билан банд бўлган аёлларнинг болалари боғчаларга қабул қилинган, 9-12 соатлик иш тартиби жорий қилиниб, ҳар бир гуруҳда 20 нафар бола қабул қилинган.

АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ

1. Boltayev, Bobir Baxtiyorovich. "BUXOROLIK MINIATURACHIRASSOM SADRIDDIN ROHCHAYEV IJODIGA BIR NAZAR." *Scientific progress* 1.6 (2021): 998-1004.
2. Rajabov, Oybek Iskandarovich. "BUXORODAGI AYRIM MUQADDAS QADAMJO-QAL'ALAR XUSUSIDA." *Scientific progress* 1.6 (2021): 1162-1168.
3. Умаров, Б. Б. "НА КИСЛЯКОВ ТАДҚИҚОТЛАРИДА ЖАНУБИЙ ТОЖИКИСТОН ЭТНИК ТАРИХИ." *Scientific progress* 1.6 (2021): 1005-1009.
4. Тўраева, Г. Б., Ўтаева, Ф. Х., & Жумаева, Н. А. (2021). ОА СУХАРЕВА ТАДҚИҚОТЛАРИДА БУХОРО ТАРИХИ ВА ЭТНОГРАФИЯСИНИНГ ЎРГАНИЛИШИ. *Scientific progress*, 1(6), 1010-1018.
5. Bakhthiyorovich, Boltayev Bobir. "Excerpts from the life of the bukharian artist." *Middle European Scientific Bulletin* 12 (2021): 160-165.
6. Ochilov, A. T. "DATING OF THE ZAMANBABA CULTURE: ASSED ON ARCHAEOLOGICAL SOURCES." *Theoretical & Applied Science* 12 (2019): 589-591.
7. Mubinov, M. A. "Diplomacy of the eastern states and central asian khanates in the struggle for independence." *CENTRAL ASIAN JOURNAL OF SOCIAL SCIENCES AND HISTORY* 2.5 (2021): 26-31.
8. Maksud, Beshimov. "Markets of Bukhara." *CENTRAL ASIAN JOURNAL OF SOCIAL SCIENCES AND HISTORY* 2.5 (2021): 18-21.
9. Sharopov, Dilshod Ravshan O'G'Li. "ABDURAZZOQ SAMARQANDIYNING "MATLAI SA'DAYN VA MAJMAI BAHRAYN" ASARINING O'RGANILISH TARIXI." *Scientific progress* 2.1 (2021): 358-361.
10. Очиллов, Алишер Тўлис Ўғли. "БУХОРО ВОҲАСИ ШАКЛЛАНИШИДА ЗАРАФШОН ДАРЁСИНИНГ ЎРНИ ВА ВОҲА ТАРИХИЙ ГЕОГРАФИЯСИГА ДОИР АЙРИМ МУЛОҲАЗАЛАР." *Scientific progress* 1.6 (2021): 933-938 Murodova, Dilrabo Shomurodovna, and Feruza Xolmamatovna O'tayeva. "TF Gelax tadqiqotlarida Buxoro shahri mudofaa tiziminiing organilishi." *The Fifth International Conference on History and Political Sciences*. 2015.
11. Turaevich, Halimov Talat. "From the history of economic relations between central asia and india (XV-XVII centuries)." *CENTRAL ASIAN JOURNAL OF SOCIAL SCIENCES AND HISTORY* 2.5 (2021): 22-25.

12. OCHILOV, Alisher. "JEWELRYC TRADITION IS A SOURCE OF STUDY OF BUKHARA HISTORY." *Bayterek Uluslararası Akademik Araştırmalar Dergisi* 1.1: 105-116.
13. Бобожонова, Феруза Хаятовна. "БУХОРО МАДРАСАЛАРИ МАЪНАВИЯТ ДУРДОНАСИ." *Scientific progress* 2.1 (2021): 362-366.
14. Муродова, Дилрабо Шомуродовна. "ИККИНЧИ ЖАҶОН УРУШИ ЙИЛЛАРИДА БУХОРОДА ИЛМ ВА ФАН (БУХОРО ПЕДАГОГИКА ИНСТИТУТИ МИСОЛИДА)." *Scientific progress* 2.1 (2021): 660-664.
15. Ochilov Alisher. "The Role of Zamanbaba Culture in The Social and Economic History of Bukhara Oasis During Bronze Age." *CENTRAL ASIAN JOURNAL OF SOCIAL SCIENCES AND HISTORY* 2.4 (2021): 42-47.
16. JAMOLOVA, DILNOZA MUYIDDINOVNA. "THE END OF THE EMIRATE OF BUKHARA: THE END OF THE POLITICAL STRUGGLE BETWEEN THE JADIDS AND THE ULEMA." *International Journal of Philosophical Studies and Social Sciences* 1.1 (2021).
17. Jamolova, D. M. "Traveling to Modernity: Perception of Modernity of the Central Asian Muslims in the early 20th century." *International Journal of Psychosocial Rehabilitation* 9.24 (2020): 4202-4207.
18. Темиров Ф., Исломов Д. САДРИДДИН АЙНИЙ–ЗАМОНДОШИ ФИТРАТ ҲАҚИДА //Scientific progress. – 2021. – Т. 2. – №. 1. – С. 1349-1354.
19. Темиров Ф., Халикова Н. БУХОРО АМИРЛИГИДА ТАШҚИ СИЁСАТ ВА ДИПЛОМАТИЯНИНГ РИВОЖЛАНИШИ ТАРИХИДАН //Scientific progress. – 2021. – Т. 2. – №. 1. – С. 1276-1282.
20. Темиров Ф., Умаров Б. БУХОРО АМИРЛИКДА ОИЛА, НИКОҶ ВА МЕРОС ҲУҚУҚИНИНГ АМАЛДА ҚЎЛЛАНИШИ //Scientific progress. – 2021. – Т. 2. – №. 1. – С. 1201-1207.

БУХОРО АМИРЛИГИДАГИ МАДРАСАЛАРИ ТАРИХИДАН

***Бобожонова Феруза Хаятовна-
БухДУ т.ф.н, доцент***

Мадрасалар қуриш иши Бухоро амирлигида ўзига хос тарзда амалга оширилган. Асрлар оша бу иш билан шуғулланилганлиги боис, бу борада бой тажриба ҳам шаклланиб бўлган эди. Шунинг учун Бухоро мадрасалари нафақат ўқув юрти, балки ўзига хос меъморий иншоот ҳам эди. Бухородаги Улуғбек, Мир Араб, Нодир Девонбеги, Кўкалдош, Абдуллахон ва Абдулазизхон мадрасалари бебаҳо ва нодир меъморий ёдгорлик сифатида ҳозирги кунда ҳам машҳурдир.

Энг йирик мадрасалар амирликнинг маркази Бухоро шахрида ҳамда Қарши, Гиждувон, Шаҳрисабз, Шеробод шаҳарларида, Шарқий Бухоро бекликлари марказларида фаолият кўрсатган. Умуман, Бухоро амирлигида юзлаб мадрасалар мавжуд эди. Мадрасалар кичик, ўрта ва йирик мадрасалардан иборат бўлган.

Ҳар бир мадрасалар уларнинг асосчилари номи билан аталган¹. Ким мадрасани қурдирган бўлса, ушбу мадрасага унинг исми, қишлоқ жойларда мадраса қайси қишлоқда жойлашган бўлса ўша қишлоқнинг номи берилган².

Мадрасалар қурилишига ҳукмдорлар катта эътибор қаратсалар-да, улар хусусий хайр-эҳсон эвазига фаолият кўрсатган. Мадрасалар холис хусусий мулк ҳисобидан қурилиши шарт бўлиб, хон ва амирлар, йирик амалдорлар томонидан бундай иншоотларни давлат мулкидан бунёд этилиши шариатга хилоф ҳисобланган.

Бухоро мадрасаларининг бинолари асосан пишиқ ғиштдан, икки қаватли ёки бир қаватли қилиб қурилган. Одатда мадрасалар ички ва ташқи саҳнга, баланд ва мустақкам деворга, ҳашаматли тоқ ва равоқларга эга бўлиб, баъзиларининг пештоқлари, гумбазлари ва деворлари ранг-баранг кошинлар билан безатилган. Мадрасалар ички ва ташқи майдонида эга бўлган³. Анъанавий тарзда унинг биринчи қаватида дарсхоналар, кутубхона, масжид, таҳоратхона, иккинчи қаватида эса талабалар яшайдиган ҳужралар бўлган⁴.

XIX аср охири ва XX аср бошларида Бухоро мадрасаларининг энг машҳурлари сифатида Кўкалдош, Мири Араб, Абдуллахон ва Заргарон мадрасалари кўрсатилади⁵. Абдуллахон мадрасаси икки қаватли бўлиб, тўртта фонус билан ёритилган. Биринчи ва иккинчи қаватларда саккизта фонус бўлиб, ҳар бир фонусда 16 мураббаъ ҳужра қурилган. Пештоқининг баландлиги 45 аршин (71,12 см х 45 = 32 м) келади.

Бухоро шахридаги кўп мадрасалар ёнида масжидлар бўлиб, XX асрнинг бошларида бу ерда 360 та беш вақт намозлик ва 18 та жомеъ масжиди ишлаб турган⁶. Айрим мадраса ва масжидлар ўртасида девор тортилган. Мадраса талабалари масжидга осон кириб чиқишларини таъминлаш мақсадида кичкина дарча – эшик очилган⁷.

Мадрасалар катта ва кичик ҳужралардан иборат бўлган⁸. Архив маълумотларига қараганда, Бухоро мадрасаларида ҳужра олган талаба қуйидагича шартномани имзолаган: “1917 йилда Мулло Шоди валади

¹ ЎзР МДА, 47-фонд, 1-рўйхат, 333^а-иш, 14-варак.

² ЎзР МДА, 47-фонд, 1-рўйхат, 333^а-иш, 15-варак.

³ ЎзР МДА, 1010-фонд, 1-рўйхат, 55- иш, 1-варак.

⁴ ЎзР МДА, 47-фонд, 1-рўйхат, 333^а-иш, 10-варак.

⁵ Айний С. Қисқача таржимаи ҳолим / Асарлар. I-том. – Б.77.

⁶ Муҳаммад Али Балжувоний. Кўрсатилган асар. – Б. 77-78.

⁷ Сухарева О.А. Бухара XIX – начала XX в. – Москва: Наука, 1966. – С. 304.

⁸ ЎзР МДА, 323-фонд, 1-рўйхат, 55/16-иш, 1-варак.

Сўфиназар Бухорои Шариф дорул қозисига келиб, Абдушукур мадрасасининг жанубий томонидаги пастки хужрани шариатда саҳиҳ бўлганини иқрор қилганини ва хужра ичида бўлган эшик, асбоблар ва бошқа хўжалик нарсалари борлигини, яшайдиган одамлари ҳам борлигини, уларга, ҳеч қандай нуқсон ва қусур етказилмаганини бир қанча гувоҳлар олдида иқрор қиламан.”¹

Мадрасалардаги шарт-шароитлар ҳақида Садриддин Айний шундай маълумотлар қайд этган: “Кўпчилик мадрасаларнинг асосий турар жойлари – хужралари ғоятда тор, қоронғу бўлиб, кўпчилиги икки кишининг ётиб туришига зўрға кифоя қиларди. Бу хужраларнинг кўпчилиги бир эшиклик ва олди равоқлик бўлиб, одам ҳам, ҳаво ҳам, зиё ҳам ўша бир эшикдан киради. Ош пишириладиган ўчоқ, сув идиши, юз-қўл ювиладиган жой, ўтин, кўпинча мой, гуруч, сабзи-пиёз каби озиқ-овқат заҳиралари ҳам шу тор хужрага жойлаштирилар эди”².

Хуллас, Бухоро мадрасалари бир вақтнинг ўзида талабалар учун ётоқхона вазифасини ҳам ўтарди.³ Хужраларда одатда иккитадан,⁴ айрим мадрасаларнинг хужрасида биттадан талаба яшаган. Масалан, Абдурахмонбой мадрасасида 9 та хужра бўлиб, уларда 9 нафар талаба таҳсил олган⁵. Бухоро мадрасалари ўзининг хужралари сони билан бир-биридан фарқ қилган. Бизнинг замонамизгача етиб келган ва вақф хужжатларида сақланиб қолган маълумотларнинг умумий таҳлили шуни кўрсатадики, мадрасаларнинг хужралари сони турлича миқдорда бўлиб, ягона меъёр бўлмаган.⁶

Мадраса фаолиятининг асосий манбаини вақф мулки ташкил этган. Одатда вақф мулкининг катта қисмини ер мулклари (экин ерлари) ташкил этган. Масалан, Бозори Гўсфанд мадрасасига Нурато (Нурота), Шаҳрисабз ва Бухоронинг 20дан ортиқ қишлоқларининг экин ерлари вақф қилиб берилган эди.⁷

Мадрасалар қурилгач, у мадраса бошқарувчиси (мутавалли)га топширилган ва уни қурдирган шахснинг тасарруфидан чиқарилиб, вақф мулкига айлантирилган. Чунки шариатга мувофиқ вақф моли мулк бўлмайди, биров уни эгаллаб, мулк қилиб туролмайди⁸. Вақфдан келган фойдани вақфга тегишли ерларни таъмирлаш, тузатишга сарф қилинади⁹.

¹ ЎзР МДА, 2678-фонд, 2-рўйхат, 33-иш, 1-варақ.

² Айний С. Эсдаликлар // Асарлар. – Тошкент: 1965. V-жилд. – Б. 160.

³ ЎзР МДА, 1010-фонд, 1-рўйхат, 66-иш, 27-варақ.

⁴ ЎзР МДА, 323-фонд, 1-рўйхат, 55/19-иш, 1-варақ.

⁵ ЎзР МДА, 126-фонд, 1-рўйхат, 1990-иш, 6-варақ.

⁶ ЎзР МДА, 323-фонд, 1-рўйхат, 2-иш, 1-варақ.

⁷ Мусо Саиджонов. Бухоро шаҳри ва эски бинолари // Маориф ва ўқитувчи. 1927. – №3-4.

⁸ ЎзР МДА, 1010-фонд, 1-рўйхат, 66-иш, 23-варақ.

⁹ Мухтасар. – Тошкент: Чўлпон, 1994. – Б. 24.

Мадрасалар кичик, ўрта ва олий мадрасалардан иборат бўлиб¹, йирик мадрасаларда вақфдан тушадиган йиллик даромад 40.000-250.000 тангани ташкил этган². Ўрта мадрасаларда эса вақфдан тушадиган йиллик даромад 120 тангадан 3500 тангагача бўлган³. Вақфдан тушадиган йиллик даромад кичик мадрасаларда 500 танга атрофида бўлган. Абдурауф Фитрат эса мадрасаларнинг вақф мулкidan оладиган жами даромади ҳақида қуйидаги маълумотни қайд этади: “Бухоро мадрасаларидаги олий табақадаги мадрасаларнинг вақф миқдори 2.815.000 тангага, ўрта тоифадаги мадрасаларнинг жами вақф миқдори 961.000 тангага ва ниҳоят, қуйи тоифага мансуб мадрасаларнинг вақф миқдори 500.000 тангагача етган”⁴.

Хулоса қилиб айтганда, Бухоро мадрасалари нафақат ўқув юрти, балки ўзига хос меъморий ёдгорлик обидалари ҳам эди. Мадрасалар қурилишига ҳукмдорлар катта эътибор қаратган. Мадрасаларнинг аксарияти холис хусусий мулк ҳисобидан барпо этилиши шарт бўлиб, ҳукмдор бўлган хон ва амирлар томонидан кўплаб ҳашаматли мадрасалар бино этилган. Бундан ташқари йирик амалдорлар, нуфузли кишилар, сармоядор кишиларнинг ташаббуси билан мадрасаларни қуриш ва таъмирлаш ишларига ҳам катта эътибор қаратилган. Бухоро мадрасалари ўз ҳашамати, пишиқ ва пухта қурилганлиги билан меъморий жиҳатидан ўрта аср архитектурасининг энг нодир намуналари сифатида ҳозиргача сақланиб қолган. Мадрасалар қуриш иши билан асрлар оша шуғулланилганлиги боис, бу борада бой тажриба ҳам шаклланган.

Хулоса қилиб айтганда мадрасалар кўламининг кенгайиши ва моддий базасини мустаҳкамлаш масаласи хусусий шахсларга боғлиқ бўлганига қарамай, мамлакат ижтимоий маданий ҳаётида муҳим ўрин тутиб, давр талабига жавоб берган. Мадраса бир вақтнинг ўзида талабалар учун ётоқхона вазифасини ўтаб, уларнинг таъминоти ҳам мадрасага тегишли бўлган вақф мулкнинг миқдорига қараб белгиланган. Нафақат маъсул шахслар, балки ҳукмдор амирлар ҳам мадрасадаги моддий таъминот масалаларини эътиборда тутган. Аммо, мадрасаларнинг молиявий-хўжалик таъминоти асосан вақф мулкчилигига асосланган. Бухоро амирлиги мадрасаларининг қурилиши, моддий-хўжалик таъминоти масалалари давр талабига қай даражада жавоб беришидан қатъий назар, муайян фаолиятга эга бўлган. Аммо юқоридаги хулосалардан мадрасаларнинг қурилиши, моддий-хўжалик таъминоти ва фаолиятини ташкил қилиш масалаларида камчилик йўқ деган фикр келиб чиқмаслиги керак. Кўпчилик мадрасаларда ҳужраларнинг етишмаслиги, дарсхоналар ва дарсликлар камлиги, уларда замонавий шарт-шароитлар

¹ ЎзР МДА, 47-фонд, 1-рўйхат, 333^а-иш, 20-варақ.

² Остроумов Н.П. Исламоведение. Введение в курс исламоведения. – Ташкент. 1914. – С.167.

³ Сайид Мансур Олимий. Бухоро-Туркистон бешиги. Форс тилидан Х.Тўраев таржимаси. – Бухоро, 2004. – Б. 14.

⁴ Фитрат А. Ҳинд сайёҳи қиссаси // Шарқ юлдузи. – Тошкент, 1991. – № 8. – Б.14.

етишмаслиги, қурилиш ишлари лойиҳалар асосида эмас, балки ўзбошимчалик билан бажарилганлиги, хоналарда ёруғликка эътибор қаратилмаганлиги, қатор муаммолар ва ноқулайликларга сабаб бўлган.

АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ

1. Boltayev, Bobir Baxtiyorovich. "BUXOROLIK MINIATURACHIRASSOM SADRIDDIN POCHCHAYEV IJODIGA BIR NAZAR." *Scientific progress* 1.6 (2021): 998-1004.
2. Rajabov, Oybek Iskandarovich. "BUXORODAGI AYRIM MUQADDAS QADAMJO-QAL'ALAR XUSUSIDA." *Scientific progress* 1.6 (2021): 1162-1168.
3. Умаров, Б. Б. "НА КИСЛЯКОВ ТАДҚИҚОТЛАРИДА ЖАНУБИЙ ТОЖИКИСТОН ЭТНИК ТАРИХИ." *Scientific progress* 1.6 (2021): 1005-1009.
4. Тўраева, Г. Б., Ўтаева, Ф. Х., & Жумаева, Н. А. (2021). ОА СУХАРЕВА ТАДҚИҚОТЛАРИДА БУХОРО ТАРИХИ ВА ЭТНОГРАФИЯСИНИНГ ЎРГАНИЛИШИ. *Scientific progress*, 1(6), 1010-1018.
5. Bakhtiyorovich, Boltaev Bobir. "Excerpts from the life of the bukharian artist." *Middle European Scientific Bulletin* 12 (2021): 160-165.
6. Ochilov, A. T. "DATING OF THE ZAMANBABA CULTURE: ASSED ON ARCHAEOLOGICAL SOURCES." *Theoretical & Applied Science* 12 (2019): 589-591.
7. Mubinov, M. A. "Diplomacy of the eastern states and central asian khanates in the struggle for independence." *CENTRAL ASIAN JOURNAL OF SOCIAL SCIENCES AND HISTORY* 2.5 (2021): 26-31.
8. Maksud, Beshimov. "Markets of Bukhara." *CENTRAL ASIAN JOURNAL OF SOCIAL SCIENCES AND HISTORY* 2.5 (2021): 18-21.
9. Sharopov, Dilshod Ravshan O'G'Li. "ABDURAZZOQ SAMARQANDIYNING "MATLAI SA'DAYN VA MAJMAI VAHRAYN" ASARINING O'RGANILISH TARIXI." *Scientific progress* 2.1 (2021): 358-361.
10. Очилов, Алишер Тўлис Ўғли. "БУХОРО ВОҲАСИ ШАКЛЛАНИШИДА ЗАРАФШОН ДАРЁСИНИНГ ЎРНИ ВА ВОҲА ТАРИХИЙ ГЕОГРАФИЯСИГА ДОИР АЙРИМ МУЛОҲАЗАЛАР." *Scientific progress* 1.6 (2021): 933-938 Murodova, Dilrabo Shomurodovna, and Feruza Xolmamatovna O'tayeva. "TF Gelax tadqiqotlarida Buxoro shahri mudofaa tizimining organilishi." *The Fifth International Conference on History and Political Sciences*. 2015.
11. Turaevich, Halimov Talat. "From the history of economic relations between central asia and india (XV-XVII centuries)." *CENTRAL ASIAN JOURNAL OF SOCIAL SCIENCES AND HISTORY* 2.5 (2021): 22-25.

12. OCHILOV, Alisher. "JEWELRYC TRADITION IS A SOURCE OF STUDY OF BUKHARA HISTORY." *Bayterek Uluslararası Akademik Araştırmalar Dergisi* 1.1: 105-116.
13. Бобожонова, Феруза Хаятовна. "БУХОРО МАДРАСАЛАРИ МАЪНАВИЯТ ДУРДОНАСИ." *Scientific progress* 2.1 (2021): 362-366.
14. Муродова, Дилрабо Шомуродовна. "ИККИНЧИ ЖАҲОН УРУШИ ЙИЛЛАРИДА БУХОРОДА ИЛМ ВА ФАН (БУХОРО ПЕДАГОГИКА ИНСТИТУТИ МИСОЛИДА)." *Scientific progress* 2.1 (2021): 660-664.
15. Ochilov Alisher. "The Role of Zamanbaba Culture in The Social and Economic History of Bukhara Oasis During Bronze Age." *CENTRAL ASIAN JOURNAL OF SOCIAL SCIENCES AND HISTORY* 2.4 (2021): 42-47.
16. JAMOLOVA, DILNOZA MUYIDDINOVNA. "THE END OF THE EMIRATE OF BUKHARA: THE END OF THE POLITICAL STRUGGLE BETWEEN THE JADIDS AND THE ULEMA." *International Journal of Philosophical Studies and Social Sciences* 1.1 (2021).
17. Jamolova, D. M. "Traveling to Modernity: Perception of Modernity of the Central Asian Muslims in the early 20th century." *International Journal of Psychosocial Rehabilitation* 9.24 (2020): 4202-4207.
18. Темиров Ф., Исломов Д. САДРИДДИН АЙНИЙ–ЗАМОНДОШИ ФИТРАТ ҲАҚИДА //Scientific progress. – 2021. – Т. 2. – №. 1. – С. 1349-1354.
19. Темиров Ф., Халикова Н. БУХОРО АМИРЛИГИДА ТАШҚИ СИЁСАТ ВА ДИПЛОМАТИЯНИНГ РИВОЖЛАНИШИ ТАРИХИДАН //Scientific progress. – 2021. – Т. 2. – №. 1. – С. 1276-1282.
20. Темиров Ф., Умаров Б. БУХОРО АМИРЛИҚДА ОИЛА, НИКОҲ ВА МЕРОС ҲУҚУҚИНИНГ АМАЛДА ҚЎЛЛАНИШИ //Scientific progress. – 2021. – Т. 2. – №. 1. – С. 1201-1207.

БУХОРОДА ТЕАТР САНЪАТИ ТАРАҚҚИЁТИ

*Шокиров Мурод Рустамович-
Бухоро давлат университети
“Бухоро тарихи” кафедраси ўқитувчиси*

2019 йил 20 март президентимиз Ш. М. Мирзиёев томонидан беш муҳим ташаббус илгари сурилди. Биринчи ташаббус ёшларнинг мусиқа, рассомлик, адабиёт, театр ва санъатнинг бошқа турларига қизиқишини оширишга, истеъдодинини юзага чиқаришга хизмат қилиши таъкидланди.

Ўзбекистон Республикаси Биринчи Президент Ислом Каримов “Юксак маънавият - енгилмас куч” асарида “Қачонки миллий маданиятимизнинг узвий қисми бўлган театр санъати хусусида сўз борар

экан, буюк маърифатпарвар Маҳмудхўжа Бехбудийнинг “Театр - бу ибратхонадир”, деб айтган фикрини эслаш ўринлидир”, деб ёзади.

Дарҳақиқат, тарихнинг барча даврларида санъат соҳалари жамият тараққиёти ва унинг ривожига ўз таъсирини ўтказиб келган. Бизнинг миллий театр санъатимиз тарихан жуда катта йўлни босиб ўтган бўлиб, унинг қадимий илдизлари халқ ўйин ва томошаларига бориб тақалади. Халқ сайилларида бозор майдонларида сайёр цирк ўйинчилари гуруҳлари ҳам ўз томошаларини кўрсатишар, улар шўх ашулалар, шеърлар айтиб беришар эди. Ҳар йили баҳорда шаҳар ва қишлоқлар чеккаларида кўп одамлар йиғилиб, лола гули байрамига бағишланган халқ сайилларини ўтказганлар. У ерларда новвойхоналар, чойхоналар, қандолатфурушлар расталари, миллий таомлар тайёрловчи ошхоналар очилар, ҳофизлар кўшиқ куйлар, маддоҳлар диний қиссаларни айтиб берар, муғаннийлар мусиқа чалар, кўзбойлоғичлар, дорбозлар, ҳуққабозлар (жонгиёрлар), хайвон ўргатувчилар, кўғирчоқ театрлари томоша кўрсатар, қизикчилар кулгили қисқа томошаларни намоиш этар, сўз ўйини устаси бўлмиш аскиячилар эса даврани роса қиздирар эдилар.

1870 йил Туркистон генерал-губернатори томонидан таклиф қилинган Самара театри ўлкада бир неча кунлик дастурларини намоиш этган эди. 1910-йилда Самарқанд ва Тошкентга рус актрисаси В.Ф.Комиссаржевская труппа (театр ёки цирк артистлари жамоаси)си гастроллари уюштирилди. Татар ва озарбайжон труппаларининг 1910-1912 йилларда Туркистонда бўлиб ўтган гастроллари ҳам катта маданий воқеага айланди. У. Гажибековнинг “Гўрўғли”, “Лайли ва Мажнун” ва “Аршин мололон” мусиқали песалари ўзбек жамоатчилиги орасида илиқ кутиб олинди. Бу ўз навбатида маҳаллий театр ривожланишига ҳам катта таъсир кўрсатди.

XIX асрда жаид намоёндалари ўлкада ёшларни тарбиялаш, халқни маърифатли қилиш, унга яқинлашиш, ислоҳотчилик ва мустақиллик ғояларини сингдиришда театрга алоҳида эътибор берганлар. Жаидлар халққа яқинлашишнинг энг самарали йўли сифатида халқ миллий театрини яратишди. 1911-1913-йилларда Туркистоннинг турли шаҳарларида театрлар ташкил этилди. Театр санъати ёшларни тарбиялашдан ташқари жамият ҳаётида муҳим ўрин тутган санъат турларидан бири бўлиб келган. Унда драматургия, мусиқа, тасвирий санъат, рақс, меъморчилик ажралмас бирликни ташкил этади.

Турон ўлкасида театр милоддан аввалги V асрдаёқ жамият ҳаётида муҳим ўрин тутган. XVIII аср охири XIX асрларда бошларида театрнинг асосий турлари шаклланиб, репертуарлар ва ижро услубида ўзига хос хусусиятлар ривожланди. Қадимий санъат турларидан энг сеvimлиси ҳисобланган халқ театрининг Бухоро амирлиги, Хива ва Қўқон хонликларида ўзига хос кўринишлари мавжуд эди. Жумладан, Бухоро амирлигида масхарабоз, кўғирчоқбоз, раққос каби санъат

йўналишларининг уюшмалари вужудга келган эди. Кўпроқ бу томошалар долзарб воқеалар тасвирланган сатирик кўринишлардан иборат бўлган. Гарчи уларда ёзма пьесалар бўлмасада, халқ оғзаки ижоди маҳсули сифатида ёд олинган мавзулар сахналаштирилган. Саҳна асарларини, одатда, санъаткорларнинг ўзлари ижод қилишган. XIX асрнинг иккинчи ярмида бир нечта шаҳарларда анъанавий театр уюшмалари вужудга келди. Энг машхурлари Кўқонда Зокир эшон, Бухорода Тўла масхара уюшмалари эди. Айниқса, кўғирчоқ театрлари оммабоп бўлиб, улар мавзуси марказида Качал Полвон образи турган. [1]

Шу билан биргаликда ўлкада жадид театрлари ҳам фаолият кўрсата бошлади. Жадид театрининг бошланиши Маҳмудхўжа Бехбудий номи билан боғлиқ. 1911 йил М. Бехбудий “Падаркуш драмасини ёзди. Бу биринчи ўзбек драмаси эди. 3 парда 4 манзарали бу асар мазмунан содда бўлиб, ўқимаган, жоҳил ва нодон боланинг ўз отасини ўлдиргани ҳақида еди. Нашр қилишга чор цензураси йўл қўймайди. “Бородино жанги ва Русиянинг французлар босқинидан халос бўлишининг 100 йиллик юбилеи санасига бағишланади” деган важ билан Тифлис (Тибилиси) цензурасидан ўтказди. Драма 1913 йилда босилиб чиққан. 1914 йил 15 январда Самарқандда, 27 февралда Тошкентда “Падаркуш” драмасини сахналаштириш билан янги ўзбек театри ўз фаолиятини бошлади. Буни замонавий профессионал театр даврининг бошланиши дейишимиз мумкин.

Абдурауф Фитрат театрга тарбия минбари сифатида қараб, 1914 йиллари Бухорода ҳаваскорлик ишларини йўлга қўйишга қатнашади, ўзи ҳам роллар ўйнайди. Унинг драматик шаклда ёзилган “Ҳиндистонда бир фаранги ила бухоролик бир мударриснинг мунозараси” деган биринчи асари 1913 йил Маҳмудхўжа Бехбудий сўз бошиси билан алоҳида китоб тарзда чоп этилади. У Маннон Уйғур билан ҳамкорликда бўлиб, 1919-1924 йиллари “Темур сағанаси”, “Чин севиш”, “Ҳинд ихтилофчилари”, “Або Муслим” песаларини яратди.

1920 йил сентябрда Бухорода амирлик тузуми тугатилиб, октябр ойида Бухоро Халқ Совет Республикаси ташкил этилди. Республикада барча соҳалар қатори замонавий театр очиш масаласи ҳам кун тартибига қўйилган. Бухорода театр 1921 йил Файзулла Хўжаев ташаббуси билан ҳаваскорлар гуруҳи асосида ташкил қилиниб, 1922 йил “Тухматчилар жазоси” (Ҳамза) спектакли билан очилган. 1922 йилда Маннон Уйғур театр ишларини йўлга қўйиш учун Бухорога юборилган. 1923 йилда Маннон Уйғурнинг “Туркистон табиби” спектакли Бухоро театри тарихидаги иккинчи спектакл бўлди. Маннон Уйғур “Абу Муслим”, “Ҳалима” асарларини сахналаштириб, бухоролик ҳаваскорларни саҳна қонун қоидаларига ўргатади. Унинг ташаббуси билан Карки шаҳрида биринчи театр труппаси ташкил қилинади. 1923 йили Маннон Уйғур ташаббуси билан Москвадаги Бухоро халқ маорифи уйи қошида ўзбек драма студиясини очишга қарор қилинган. Бухорода театр ташкилотчиси ва

бадий раҳбари Маннон Уйғур бошчилигида фаолият кўрсатган Ҳ. Латипов, Л. Назруллаев, Н. Раҳмонов, Л. Латипов, С. Табибуллаев, Н. Ғаниевлар илк театр актёрлари бўлиб, театр таракқиётига катта ҳисса қўшдилар. [2]

1924 йилда Бухоро театрнинг бир гуруҳ актёрлари Москвадаги ўзбек драма студиясига ўқишга юборилди. Бухоро театри жамоаси 1930 йилнинг охиригача кичик песа ва концерт дастурлари билан кифояланди. Драма студиясини тугатган актёрлар (Б. Хўжаев, С. Абдуллаев, А. Олимова, Б. Жамолов, М. Мусаев ва б.) қайтгач (1930), театр том маънода профессионал театр мақомига эга бўлди. Улар саҳналаштирган “Исён” (Д. Фурманов ва С. Поливанов), “Зўраки табиб” (Ж. Молер), “Қон ва сув” (Л. Сайфуллина) спектакллари театрнинг профессионаллик даражасини янада мустаҳкамлади.

Бухоро театрига 1931 йил Я. Бобожонов бадий раҳбар, Ш. Шорахимов эса бош рассом этиб тайинланди. XX аср 30-йилларнинг ўрталари театр ижодий фаолиятида бурилиш даври бўлди. Реализм услубини чуқур эгаллаш, эришилган ижодий муваффақиятларни мустаҳкамлаш борасида жиддий иш олиб борилди. Шу ижодий жараён давомида ўзбек драматургияси, рус ва чет эл мумтоз асарлари актёрларнинг ижро маҳоратини ошишида, театр жамоасининг ўз ижодий йўналишига эга бўлишида муҳим роль ўйнади.

1936 йилдан Бухоро театри “муסיқали драма театри”га айлантирилди. Шу йилларда театр жамоаси А. Хўжаева, С. Ярашев, А. Охунов, Н. Неъматова, А. Атоев, З. Солиева каби ижодкорлар билан бойиди.

Уруш йиллари ўзбек халқининг мардонавор кураши акс эттирилган асарлар саҳналаштирилган бўлса, тинч қурилиш даврида репертуар мавзу жиҳатдан бойиди. Асосий эътибор даврнинг долзарб муаммоларига қаратилди, халқимизнинг фидокорона меҳнати, ахлоқий ва маънавий гўзаллиги, тинчлик, инсонпарварлик ғояларига интилиш спектаклларда ўз ифодасини топди. 1958 йил Бухоро театрига Садриддин Айний номи берилди.

XX асрнинг 60-70-йилларида Бухоро театри мустақил репертуар яратиш борасидаги ижодий изланишлари ўз самарасини берди ва театр ўз ижодий чўққисига кўтарилди. Саҳнада реалистик ижро асосларини ўрнатишда, ижрочилик санъатини юксак профессионал даражага кўтаришда М. Мусаев, Б. Жамолов, А. Ақобиров, Р. Ботиров каби режиссёрларнинг хизматлари катта бўлди. Бухоронинг ўтмиши мавзусида спектакллар саҳнага қўйилди.

Мустақиллик йилларида том маънодаги миллий театр шаклланиб бориши кузатилади. Эндиликда Бухоро театрида ҳам кўпроқ миллий анъаналар, қадриятлар, урф одатларни акс эттирувчи асарлар театр саҳналаридан жой олди. Шу билан бирга терроризм ва фундаментализмга

қарши ватанпарварлик ҳамда маърифатпарварлик ғояларига асосланган асарлар кенг ёритила бошлади. Бухоро театрда мустақиллик даврининг ўзига хос бир ёш авлоди бадиий профессионал жихатдан шаклланиб бўлди.

АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ

1. Boltayev, Bobir Baxtiyorovich. "BUXOROLIK MINIATURACHIRASSOM SADRIDDIN POSHCHAYEV IJODIGA BIR NAZAR." *Scientific progress* 1.6 (2021): 998-1004.
2. Rajabov, Oybek Iskandarovich. "BUXORODAGI AYRIM MUQADDAS QADAMJO-QAL'ALAR XUSUSIDA." *Scientific progress* 1.6 (2021): 1162-1168.
3. Умаров, Б. Б. "НА КИСЛЯКОВ ТАДҚИҚОТЛАРИДА ЖАНУБИЙ ТОЖИКИСТОН ЭТНИК ТАРИХИ." *Scientific progress* 1.6 (2021): 1005-1009.
4. Тўраева, Г. Б., Ўтаева, Ф. Х., & Жумаева, Н. А. (2021). ОА СУХАРЕВА ТАДҚИҚОТЛАРИДА БУХОРО ТАРИХИ ВА ЭТНОГРАФИЯСИНИНГ ЎРГАНИЛИШИ. *Scientific progress*, 1(6), 1010-1018.
5. Bakhthiyorovich, Boltaev Bobir. "Excerpts from the life of the bukharian artist." *Middle European Scientific Bulletin* 12 (2021): 160-165.
6. Ochilov, A. T. "DATING OF THE ZAMANBABA CULTURE: ASSED ON ARCHAEOLOGICAL SOURCES." *Theoretical & Applied Science* 12 (2019): 589-591.
7. Mubinov, M. A. "Diplomacy of the eastern states and central asian khanates in the struggle for independence." *CENTRAL ASIAN JOURNAL OF SOCIAL SCIENCES AND HISTORY* 2.5 (2021): 26-31.
8. Maksud, Beshimov. "Markets of Bukhara." *CENTRAL ASIAN JOURNAL OF SOCIAL SCIENCES AND HISTORY* 2.5 (2021): 18-21.
9. Sharopov, Dilshod Ravshan O'G'Li. "ABDURAZZOQ SAMARQANDIYNING "MATLAI SA'DAYN VA MAJMAI BAHRAYN" ASARINING O'RGANILISH TARIXI." *Scientific progress* 2.1 (2021): 358-361.
10. Очилов, Алишер Тўлис Ўғли. "БУХОРО ВОҲАСИ ШАКЛЛАНИШИДА ЗАРАФШОН ДАРЁСИНИНГ ЎРНИ ВА ВОҲА ТАРИХИЙ ГЕОГРАФИЯСИГА ДОИР АЙРИМ МУЛОҲАЗАЛАР." *Scientific progress* 1.6 (2021): 933-938 Murodova, Dilrabo Shomurodovna, and Feruza Xolmamatovna O'tayeva. "TF Gelax tadqiqotlarida Buxoro shahri mudofaa tizimining organilishi." *The Fifth International Conference on History and Political Sciences*. 2015.
11. Turaevich, Halimov Talat. "From the history of economic relations between central asia and india (XV-XVII centuries)." *CENTRAL ASIAN JOURNAL OF SOCIAL SCIENCES AND HISTORY* 2.5 (2021): 22-25.

12. OCHILOV, Alisher. "JEWELRYC TRADITION IS A SOURCE OF STUDY OF BUKHARA HISTORY." *Bayterek Uluslararası Akademik Araştırmalar Dergisi* 1.1: 105-116.
13. Бобожонова, Феруза Хаятовна. "БУХОРО МАДРАСАЛАРИ МАЪНАВИЯТ ДУРДОНАСИ." *Scientific progress* 2.1 (2021): 362-366.
14. Муродова, Дилрабо Шомуродовна. "ИККИНЧИ ЖАҶОН УРУШИ ЙИЛЛАРИДА БУХОРОДА ИЛМ ВА ФАН (БУХОРО ПЕДАГОГИКА ИНСТИТУТИ МИСОЛИДА)." *Scientific progress* 2.1 (2021): 660-664.
15. Ochilov Alisher. "The Role of Zamanbaba Culture in The Social and Economic History of Bukhara Oasis During Bronze Age." *CENTRAL ASIAN JOURNAL OF SOCIAL SCIENCES AND HISTORY* 2.4 (2021): 42-47.
16. JAMOLOVA, DILNOZA MUYIDDINOVNA. "THE END OF THE EMIRATE OF BUKHARA: THE END OF THE POLITICAL STRUGGLE BETWEEN THE JADIDS AND THE ULEMA." *International Journal of Philosophical Studies and Social Sciences* 1.1 (2021).
17. Jamolova, D. M. "Traveling to Modernity: Perception of Modernity of the Central Asian Muslims in the early 20th century." *International Journal of Psychosocial Rehabilitation* 9.24 (2020): 4202-4207.
18. Темиров Ф., Исломов Д. САДРИДДИН АЙНИЙ–ЗАМОНДОШИ ФИТРАТ ҲАҚИДА //Scientific progress. – 2021. – Т. 2. – №. 1. – С. 1349-1354.
19. Темиров Ф., Халикова Н. БУХОРО АМИРЛИГИДА ТАШҚИ СИЁСАТ ВА ДИПЛОМАТИЯНИНГ РИВОЖЛАНИШИ ТАРИХИДАН //Scientific progress. – 2021. – Т. 2. – №. 1. – С. 1276-1282.
20. Темиров Ф., Умаров Б. БУХОРО АМИРЛИКДА ОИЛА, НИКОҶ ВА МЕРОС ҲУҚУҚИНИНГ АМАЛДА ҚЎЛЛАНИШИ //Scientific progress. – 2021. – Т. 2. – №. 1. – С. 1201-1207.

БУХОРОНИНГ ҚАДИМГИ ҲАММОМЛАРИ

*Ҳалимов Талъат Тўраевич-
Бухоро давлат университети
Бухоро тарихи кафедраси ўқитувчиси*

Бухоро ноёб меъморий обидалар, бетакрор мўъжизавий иншоотларга эга бўлган энг кўхна шаҳарлардан биридир. Ундаги ҳар бир меъморий обида ёки қурилиш мажмуаси инсон ақл-заковати ва тафаккурининг бебаҳо намунаси ҳисобланади. Чунончи, ушбу заминда қадимда бунёд этилган ҳаммомлар ҳам қурилиши жиҳатидан мукамал бўлиб, бир неча асрлардан буён чет эл сайёҳ ва мутахассисларини хайратга солиб келмоқда. Бу хусусда 1557-1558 йилларда Бухорода бўлган инглиз

айғоқчиси ва рус элчиси Антоний Женкинсон куйидагича ёзиб қолдирган: «Город очень велик; дома по большей части земляные, но есть также не мало каменных домов, храмов и сооружений, роскошно построенных и позолоченных; в особенности бани так искусно выстроены, что подобных им нет на свете; рассказать о том, как они выстроены, было бы слишком долго».[1. 1]

Бухоронинг қадимги меъморчилиги, жумладан, ҳаммомлари ҳақида шаҳар тарихининг билимдонлари Л.И. Ремпель ва О.А. Сухарева кабилар ҳам анча маълумот қолдирган.

Бухоро шаҳри аҳолиси азалдан руҳий поклик билан бир қаторда тана тозалигига ҳам алоҳида эътибор берганлиги боис ҳаммомлар қурилиши ҳамиша уларнинг диққат марказида бўлиб келган. Юксак маҳорат билан бунёд этилган ҳаммомлар бир неча асрлар мобайнида аҳолига маиший хизмат қилиб келган. Ўрта асрларда “гармоба” деб аталган Бухоро ҳаммомларнинг бу давр оралиғида ички ва ташқи меъморий услуги ўзгармасдан бирдек сақланган.

Шуни алоҳида таъкидлаш ўринлики, ҳаммомларнинг фазовий ўлчови ва ташқи лойиҳавий кўриниши турлича бўлса-да, ички меъморий тузилиши, таркиби ва тизими жиҳатидан бир-биридан унча фарқ қилмайди. Агар ҳаммомлардаги тошлар ўрни сал ўзгартирилса ёки кўзғатилса ҳаммомнинг иситилиш тизимидаги технология бузилган. Электр хизматининг йўлга қўйилганлиги, совуқ сув учун алоҳида қувурлар тизими билан таъминланиши ва тазар (чиқит сув қузури) ларнинг умумий канализацияга уланганлигини ҳисобга олмаганда, ҳозирги кунда ҳам ҳаммомлар ишлаш тартиби деярли ўзгармаган.

Ҳаммомларнинг ички қисми ечиниш ва дам олиш каби хоналардан иборат бўлган. Ундан сўнг тор йўлак орқали ўтиладиган “пойшўйхона” (оёқ ювиладиган хона) жойлашган. “Пойшўйхона”дан гумбазли “миёнсарой” (ўртасарой) деб аталган залга ўтилади. Бу ерда “гармхона” (иссиқ сув билан ювиниш хонаси), “хунукхона” (совуқ сув билан ювиниш хонаси) ва тоат-ибодат амалларини адо этиш учун мўлжалланган меҳроб ҳам бўлган. Мазкур залда ювиниш ва тоат-ибодатдан ташқари уқалаш муолажаси ҳам ўтказилган. Мижозларнинг иссиқ ва совуқ сувда чўмилиши учун махсус жой ҳам бўлиб, у “миёнсуфа” деб аталган.[2. 148]

Ҳар бир мусулмонга пайғамбар томонидан буюрилган, бажарилиши зарур бўлган шартлардан бири, яъни танани ортиқча тук (мўй) лардан тозаланишни амалга ошириш учун алоҳида хона ҳам бўлиб, у “вожибхона” деб аталган. Мусулмон суннийлар танадаги тукларни устарада олган бўлса, шиалар эса махсус тайёрланган кукун (порошок) лар воситасида ундан покланганлар.

Ҳаммомлар узлуксиз, дам олиш кунисиз кеча-ю кундуз фаолият кўрсатган. Кечаси ҳаммом ичкарасини ёритиш учун фонуслардан

фойдаланилган, кундузи эса ҳаммомлар юқорисидаги махсус туйнуклардан ёруғлик тушган.

Ҳозирги кунларда ҳам фаолият юритаётган Ҳаммоми бозори Корд ижарачиси Ҳожиқурбон Содиков шу ҳаммомда 60 йилча хизмат қилган марҳум отаси Ҳошим Содиковдан эшитган хотираларидан бирини шундай эслайди: “Отамнинг айтишларича, қадимги ҳаммомлардан баъзилари шам билан қиздирилган. Авваллари мен ишлаётган ҳаммомда 900 литрлик мис қозон бор эди, ҳозирда эса бу қозон тешилган. Қозонни қайнатиш учун диаметри тахминан 1 метрча бўлган, теридан тайёрланган, ичи мой билан (от ёки туя ёғи) тўлдирилган шам бўлиб, пилиги махсус тўқилган ипдан бўлган. Бу шам узлуксиз ёниб турган ва алмаштириб турилган. Шунга ўхшаш ҳаммомлар 3 жойда бўлган: Бухорода, Афғонистоннинг Мозори Шариф шаҳрида ва Эронда.” [3. 1]

Ҳаммомлар муайян мулкдор ёки ижарадорга тегишли бўлиб, барча ҳисоб-китоб ишлари ва чипта сотиш вазифасини унинг ўзи бажарган. Ўт ёқувчи (гўлаҳ) ва олтитача хизматкор унинг қўл остида ишлаган. Хизматкорлар ўтин йиғиш ва қудуқдан сув олиб келиб ҳамба (ҳовуз)ларни тўлдириш ишлари билан шуғулланишган. Шунингдек, уларнинг айримлари “халтачи” (халтадор)лик вазифасида ишлаган. Улар сафида бир нафар сартарош ҳам фаолият юритган.

Ювинувчи мижозлар ечинганидан сўнг уқаловчи – “ҳаммом”дан иккита лунги (белдан тиззагача танани беркитиш учун мўлжалланган мато) ва тос (ювиниш учун ишлатиладиган катта идиш, тоғора) олиб ювинишга киришган. Уқаловчи ходим битта лунгини белгиланган жойга ёзиб, иккинчисини мижознинг бошига боғлаб қўйгандан сўнг керакли уқалаш муолажасини бошлаган. У мижознинг талабига мувофиқ иш юритган. Мижоз қичима касалидан шикоят қилса, унинг танасига қатик сурилган. Агар оёқ-қўл бўғинлари касаллигидан нолиса унинг оёқ-қўлларига парранда ёки от ёғи суртиб уқаланган.

Ҳаммомлар унинг ташқи томонида жойлашган махсус қурилма печлар ёрдамида иситилган. Ювинувчи мижоз иситилган сувни махсус туйнуклар орқали олган. Совуқ сув эса қудуқлардан мунтазам етказиб турилган. Иссиқ ҳаво оқими мрамар плиталардан ўтиб бутун ҳаммом ичкарасини иситган.

Энг катта ҳаммомлар бозорлар яқинида бино қилинган. Тоқи Саррофон яқинида Ҳаммоми Саррофон жойлашган бўлиб, у эҳтимол Тоқи Саррофон билан бир пайтда қурилган. Бозори Хўжада Ҳаммоми бозори Хўжа (ёки Хўжа Порсо), Говкушон мадрасаси яқинидаги бозор олдида Ҳаммоми Говкушон, Телпакфурўшон тоқи олдида Бухородаги энг қадимий ҳаммом – Ҳаммоми бозори Корд (ёки Мисгарон), Пойафзал бозорида Ҳаммоми Кавши Олок, Нав бозори яқинида Ҳаммоми бозори Нав (ёки Оби Оташ), Қози Калон бозори (растаси)да Ҳаммоми Қози Калон, эшак тўқимлари сотиладиган бозорда (Регистонда) Ҳаммоми Тўқумдўзи

жойлашган. Қолган ҳаммомлар эса бино қилинган жой номи билан аталган. Масалан: Масжиди Калоннинг жануби ғарбий бурчагида Ҳаммоми Кунжак бўлган. Баъзи бир ҳаммомлар эса улар жойлашган гузарлар (маҳаллалар) номи билан аталган. Масалан: Ҳаммоми Жўйбор, Ҳаммоми Чуқур маҳалла, Ҳаммоми Биби Халфа, Ҳаммоми Пойи Остона, Ҳаммоми Ғозиён, Ҳаммоми Домулло Шер, Ҳаммоми Шишахона, Ҳаммоми Чашмаи Айюб, Ҳаммоми Абдулло Хўжа (ёки Каппа), Ҳаммоми Нақиб ва ҳоказо. [2. 148] Бу ерда ўрта асрларда фаолият кўрсатган жами 19 ҳаммом номини келтирдик, холос.

Хотин-қизлар Ҳаммоми Кунжак, Шишахона, Биби Халфа ҳаммомларига фақатгина тонгги соатлардаги вақт оралиғида киришган. Яҳудийларга эса Ҳаммоми Ғозиён, Бозори Хўжа ва Пойи Остона ҳаммомларига белгиланган соатлардагина тушишларига рухсат этилган.

Чиқинди сув ҳаммомлардан махсус қувур – тазарларга оқизилган. Бу тазарлар чиқинди сувларни ўраларга чиқариб ташлаган ёки бошқа тазарларга кўшилиб, ташландиқ ариқлар – зовурларга оқизиб борган. Абдуллахон II ҳукмронлиги (1556 – 1598 йиллар) давридаги қадимий тазар Саррофон ҳаммомидан бошланиб, Саллахона (Саллоҳхона) дарвозаси томон йўналтирилган. Бу тазарнинг кенглиги 4 газ (3 метрга яқин), баландлиги эса 3 газ (2 метрдан кўпроқ) бўлиб, икки қатор “зарба гардани” деб номланган ғишт (оби ғишт) дан терилган.

Ҳозирги кунда Бухорода Ҳаммоми бозори Корд (Мисгарон) ишлаб турибди. Халқ учун ҳамиша қулайлик яратган бу ҳаммомлар тарихий аҳамиятга эга бўлиб, бугун фаолият кўрсатаётганларини асраш барчамизнинг бурчимиздир.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Антоний Дженкинсон. Путешествие господина Антония Дженкинсона из города Москва в России до города Бухары (Boghar) в Бактрии в 1558 г. // <http://www.vostlit.info/Texts/rus11/Jenkinson/text22.phtml>
2. Ремпель Л.И. Далёкое и близкое. Страницы жизни, быта, строительного дела, ремесла и искусства Старой Бухары: Бухарские записи. — Т.: Изд. лит. и искусства. 1981. - 304 стр.
3. Дала ёзувлари. Бухоро шаҳри. 2008 йил ноябрь.
4. Boltayev, Bobir Baxtiyorovich. "BUXOROLIK MINIATURACHIRASSOM SADRIDDIN POCHCHAYEV IJODIGA BIR NAZAR." *Scientific progress* 1.6 (2021): 998-1004.
5. Rajabov, Oybek Iskandarovich. "BUXORODAGI AYRIM MUQADDAS QADAMJO-QAL'ALAR XUSUSIDA." *Scientific progress* 1.6 (2021): 1162-1168.
6. Умаров, Б. Б. "НА КИСЛЯКОВ ТАДҚИҚОТЛАРИДА ЖАНУБИЙ ТОЖИКИСТОН ЭТНИК ТАРИХИ." *Scientific progress* 1.6 (2021): 1005-1009.

7. Тўраева, Г. Б., Ўтаева, Ф. Х., & Жумаева, Н. А. (2021). ОА СУХАРЕВА ТАДҚИҚОТЛАРИДА БУХОРО ТАРИХИ ВА ЭТНОГРАФИЯСИНИНГ ЎРГАНИЛИШИ. *Scientific progress*, 1(6), 1010-1018.
8. Bakhtiyorovich, Boltaev Bobir. "Excerpts from the life of the bukharian artist." *Middle European Scientific Bulletin* 12 (2021): 160-165.
9. Ochilov, A. T. "DATING OF THE ZAMANBABA CULTURE: ASSED ON ARCHAEOLOGICAL SOURCES." *Theoretical & Applied Science* 12 (2019): 589-591.
10. Mubinov, M. A. "Diplomacy of the eastern states and central asian khanates in the struggle for independence." *CENTRAL ASIAN JOURNAL OF SOCIAL SCIENCES AND HISTORY* 2.5 (2021): 26-31.
11. Maksud, Beshimov. "Markets of Bukhara." *CENTRAL ASIAN JOURNAL OF SOCIAL SCIENCES AND HISTORY* 2.5 (2021): 18-21.
12. Sharopov, Dilshod Ravshan O'G'Li. "ABDURAZZOQ SAMARQANDIYNING "MATLAI SA'DAYN VA MAJMAI VAHRAYN" ASARINING O'RGANILISH TARIXI." *Scientific progress* 2.1 (2021): 358-361.
13. Очилов, Алишер Тўлис Ўғли. "БУХОРО ВОҲАСИ ШАКЛЛАНИШИДА ЗАРАФШОН ДАРЁСИНИНГ ЎРНИ ВА ВОҲА ТАРИХИЙ ГЕОГРАФИЯСИГА ДОИР АЙРИМ МУЛОҲАЗАЛАР." *Scientific progress* 1.6 (2021): 933-938 Murodova, Dilrabo Shomurodovna, and Feruza Xolmamatovna O'tayeva. "TF Gelax tadqiqotlarida Buxoro shahri mudofaa tizimining organilishi." *The Fifth International Conference on History and Political Sciences*. 2015.
14. Turaevich, Halimov Talat. "From the history of economic relations between central asia and india (XV-XVII centuries)." *CENTRAL ASIAN JOURNAL OF SOCIAL SCIENCES AND HISTORY* 2.5 (2021): 22-25.
15. OCHILOV, Alisher. "JEWELRYC TRADITION IS A SOURCE OF STUDY OF BUKHARA HISTORY." *Bayterek Uluslararası Akademik Araştırmalar Dergisi* 1.1: 105-116.
16. Бобожонова, Феруза Хаятовна. "БУХОРО МАДРАСАЛАРИ МАЪНАВИЯТ ДУРДОНАСИ." *Scientific progress* 2.1 (2021): 362-366.
17. Муродова, Дилрабо Шомуродовна. "ИККИНЧИ ЖАҲОН УРУШИ ЙИЛЛАРИДА БУХОРОДА ИЛМ ВА ФАН (БУХОРО ПЕДАГОГИКА ИНСТИТУТИ МИСОЛИДА)." *Scientific progress* 2.1 (2021): 660-664.
18. Ochilov Alisher. "The Role of Zamanbaba Culture in The Social and Economic History of Bukhara Oasis During Bronze Age." *CENTRAL ASIAN JOURNAL OF SOCIAL SCIENCES AND HISTORY* 2.4 (2021): 42-47.
19. JAMOLOVA, DILNOZA MUYIDDINOVNA. "THE END OF THE EMIRATE OF BUKHARA: THE END OF THE POLITICAL

STRUGGLE BETWEEN THE JADIDS AND THE ULEMA." *International Journal of Philosophical Studies and Social Sciences* 1.1 (2021).

20. Jamolova, D. M. "Traveling to Modernity: Perception of Modernity of the Central Asian Muslims in the early 20th century." *International Journal of Psychosocial Rehabilitation* 9.24 (2020): 4202-4207.
21. Темиров Ф., Исломов Д. САДРИДДИН АЙНИЙ–ЗАМОНДОШИ ФИТРАТ ҲАҚИДА //Scientific progress. – 2021. – Т. 2. – №. 1. – С. 1349-1354.
22. Темиров Ф., Халикова Н. БУХОРО АМИРЛИГИДА ТАШҚИ СИЁСАТ ВА ДИПЛОМАТИЯНИНГ РИВОЖЛАНИШИ ТАРИХИДАН //Scientific progress. – 2021. – Т. 2. – №. 1. – С. 1276-1282.
23. Темиров Ф., Умаров Б. БУХОРО АМИРЛИҚДА ОИЛА, НИКОҲ ВА МЕРОС ҲУҚУҚИНИНГ АМАЛДА ҚЎЛЛАНИШИ //Scientific progress. – 2021. – Т. 2. – №. 1. – С. 1201-1207.

МУСУЛМОН РЕНЕССАНСИ – ШАРҚ ТАМАДДУНИ ЖАВОҲИРИ

Жумаева Н.А.-

БухДУ катта ўқитувчиси

Муяссаров Ш. –

БухДУ III босқич талабаси

Тарих фанига “Мусулмон Ренессанси” тушунчаси таниқли Австрия шарқшуноси Адам Мец (1876-1946) томонидан XX аср бошларида, янада аниқроғи, 1909 йилда киритилган. Олим “Шарқ” атамасини тарихий мазмунда ишлатиб, бунда Ўрта ер денгизидан то Европа қитъасигача (субконтинентгача) бўлган юртларни ва бу худудларда IX-XII асрларда маданият юксакларга кўтарилганлигини кўзда тутган. Мазкур ўлкалар қадимий цивилизация бешигидир¹.

Собиқ совет даврида тарих ва ўқув адабиётларида фақат Ғарб Уйғониш даври ҳақида гап борарди. Шарқдаги Уйғониш жараёни ҳақида эса лом-лим дейилмасди. Чунки тарих фанида европоцентризм ғояси ҳукмрон, Ғарб илғор, Шарқ колоқ ақидаси устувор эди. Ваҳоланки, ўша даврда австриялик олим А.Мец, рус олими Н.Конрад Шарқ Ренессанси ҳақида холисона фикрларини билдиришган. Ўзбек олимларидан И.Мўминов, М.Хайруллаев, Ф.Сулаймонова, Б.Қосимов, Т.Ширинов ҳам Шарқ Уйғониш даври ҳақидаги теран фикрларни салмоқли асарларида баён этган.

¹ Мец А Мусульманский ренесанс...- М:1973.

Темурийлар Ренессанси – Муслмон Ренессанси Шарқ тамаддуни тожидаги жавахирлардан бири саналиб, уни ўрганишга бағишланган баъзи тадқиқотлар яратилди.

Шу маънода, Президентимиз Шавкат Мирзиёев 2017 йил 19 сентябрда БМТ Бош Ассамблеясининг 72-сессиясидаги нутқида тарихда биринчи мартаба: “Марказий Осиё Уйғониш даврининг кўплаб ёрқин намояндаларининг ислом ва жаҳон цивилизациясига кўшган бебаҳо ҳиссасини алоҳида қайд этмоқчиман”, деб таъкидлагани бежиз эмас¹.

Марказий Осиё минтақаси, хусусан, бугунги Ўзбекистон ҳудуди тарихда илм-фан, маданият ва санъатнинг қадимий бешиги сифатида мавжуд бўлиб келган. Бу ҳақда исломга қадар мавжуд манбаларда ҳам маълумотлар келтирилган. Жумладан, “Авесто”да ҳам маънавий муҳит, илм-фан ва таълим-тарбия хусусида ўз даври учун илғор ғоялар илгари сурилган.

Ўзбекистон ҳудудлари тарихан Буюк ипак йўлининг маркази ва унинг турли тармоқлари кесишган нуқтада жойлашган. Шунинг учун Шарқ ва жаҳоннинг турли мамлакатларидан диний ва дунёвий билим олиш истагидаги инсонлар ҳамиша Самарқанд, Бухоро, Хоразм, Насаф (Қарши), Кеш (Шаҳрисабз), Тошкент, Фарғона каби кўхна маданият марказларига интиланлар.

Биринчи Шарқ Уйғониш даври — IX-XII асрларда минтақамизда юз берган “Муслмон Ренессанси” ҳисобланади.

Шарқ Уйғониш даврида буюк алломалар, қомусий билим соҳиблари, машҳур мутафаккирлар етишиб чиққан. Аниқ фанлар соҳасида Муҳаммад Хоразмий, Абу Бакр Розий, Абу Райҳон Беруний, Аҳмад Фарғоний, Умар Ҳайём, Мирзо Улуғбек, фалсафа соҳасида Абу Наср Форобий, Ибн Рушд, Муҳаммад Ғаззолий, Азизиддин Насафий, тиббиёт соҳасида Абу Али ибн Сино, тилшуносликда Маҳмуд Замахшарий, шеърятда Абу Абдулло Рудакий, Абулқосим Фирдавсий, Ҳофиз Шерозий, Низомий Ганжавий, Абдурахмон Жомий, Алишер Навоий, рассомчиликда Камолиддин Бехзод баракали ижод қилганлар. Уларнинг жаҳоншумул илмий-ижодий кашфиётлари умумбашарият тараққиёти ривожига мислсиз ҳисса қўшди.

Иккинчи Шарқ Уйғониш даври — XIV-XVI асрлардаги иккинчи “Темурийлар Ренессанси”дир. Бунда Амир Темури бунёд этган улуг салтанатнинг ўрни ва аҳамияти беқиёсдир.

Ҳозирги даврда жаҳонга “ҳали-ҳануз ўз таъсирини ўтказаетган Ўрта Осиё цивилизацияси асосчиси”, қолаверса, тарихда ҳам ўчмас из қолдирган буюк давлат арбоби, музаффар саркарда, моҳир дипломат, жонқуяр илм-фан ҳомийси, буюк бобокалонимиз Амир Темури асос солган салтанат ўзига хос салмоқли ўринга эгадир. “XV аср тақдирини белгилаб берган буюк сиймо” — Соҳибқирон ва унинг ворислари Туркистон,

¹Мирзиёев Ш.М. Буюк келажакимизни мард ва олийжаноб халқимиз билан бирга қураимиз. - Тошкент: Ўзбекистон. 2017.

Хуросон, Форс, Озарбайжон ва Араб дунёсида бир ярим асрга яқин ҳукм суриб, марказлашган салоҳиятли туркий давлат ташкил этганди.

Амир Темур асос солган тамаддун XIV–XVI асрлар Турон тарихининг “олтин даври” – Уйғониш даврининг алоҳида босқичи “Муслмон – Ренессанси” (А.Мец), “Шарқ Уйғониши” (Н.И.Конрад), ҳозирда “Темурийлар Ренессанси” номлари билан жаҳонда эътироф этилди ва тарихга абадий муҳрланди. Машҳур француз олими Люсьен Керен таъкидлаганидек, “европалик ижодкорлар Амир Темурни Шарқ Ренессансининг бунёдкори сифатида қадрлайдилар”¹.

XV асрда бугун Соҳибкирон Амир Темур бобокалонимиз асос солган ва унинг муносиб авлодлари давом эттирган муҳташам салтанат, юртимизда иккинчи Уйғониш, яъни иккинчи Ренессанс даврини бошлаб берган. Бу даврда Қозизода Румий, Мирзо Улуғбек, Ғиёсиддин Коший, Али Қушчи сингари беназир олимлар, Лутфий, Саккокий, Ҳофиз Хоразмий, Абдурахмон Жомий, Алишер Навоий, Бобур мирзо каби мумтоз шоир ва мутафаккирлар майдонга чиқди. Шарафиддин Али Яздий, Мирхонд, Хондамир каби тарихчилар, Маҳмуд Музаҳҳиб, Камолиддин Беҳзод сингари мусаввирлар, кўплаб хаттот ва созандалар, муסיқашунос ва меъморларнинг шуҳрати дунёга ёйилган.

Бу даврда шаҳарсозлик, меъморлик, тасвирий ва амалий санъат, наққошлик, зардўзлик, металлга бадий ишлов бериш, хаттотлик, илм-фан ва таълим-тарбия, бадий ижодиёт, китобат санъати ва кутубхоначилик, муסיқашунослик каби соҳалар ниҳоятда ривожланган. Туронзамин Ренессанси таъсири Хуросон ва Ҳиндистон, ҳаттоки Европа мамлакатларига ҳам ўз таъсирини кўрсатган. Европа халқлари Темурийлар Ренессансини теран таҳлил қилганлар.

Амир Темур илм-фан ва маданият равнақига кенг имкониятлар яратган, дин пешволари, олимлар, санъатшунослар, ёзувчилар, шоирларга алоҳида ғамхўрлик кўрсатган. Бу олиймақом сиёсат натижасида Шарқ Уйғониш даврининг иккинчи босқичига асос солинган.

XIV асрдаги улкан ва ёрқин сиймо — Амир Темур жаҳон тарихида қудратли ва гуллаб-яшнаган давлат барпо этиб, Ўрта аср дунёсининг асл маданий ва маънавий марказларидан бирига айланган, инсон ақли ва истеъдодининг ноёб ижоди бўлиб, бугунги кунда ҳам сақланиб қолган мислсиз меъморий обидалари билан ер юзининг сайқали сифатида эътироф этиладиган Самарқанд шаҳрини ўз салтанатининг пойтахтига айлантирган атоқли саркарда ва давлат арбобидир.

Кўплаб тарихчи олимларнинг фикрича, Шарқ, хусусан, Марказий Осиё минтақаси IX–XII ва XIV–XVI асрларда бамисоли пўртанадек отилиб чиққан икки қудратли илмий-маданий юксалишнинг манбаи ҳисобланиб, жаҳоннинг бошқа минтақаларидаги Ренессанс жараёнларига ижобий

¹Мец А Мусульманский ренессанс...- М:1973.

таъсир кўрсатган. Шарқ Уйғониш даври — Шарқ Ренессанси сифатида дунё илмий жамоатчилиги томонидан ҳақли равишда тан олинган.

Машҳур француз темуршуноси Л.Керен таъкидлаганидек: “Амир Темур инсоният ривожига ажойиб миниатюралар, тенги йўқ сирланган сопол идишлар, шеърят ва илҳомга тўла фалсафий асарлар яратилишига имкон яратган ўзининг улўғвор даври билан улкан хисса қўшган. Соҳибқирон бобомиз “Темурийлар Уйғониш даври” деб аталмиш сермахсул маданий меросга асос солган”.

АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ

21. Boltayev, Bobir Baxtiyorovich. "BUXOROLIK MINIATURACHI-RASSOM SADRIDDIN POSHCHAYEV IJODIGA BIR NAZAR." *Scientific progress* 1.6 (2021): 998-1004.

22. Rajabov, Oybek Iskandarovich. "BUXORODAGI AYRIM MUQADDAS QADAMJO-QAL'ALAR XUSUSIDA." *Scientific progress* 1.6 (2021): 1162-1168.

23. Умаров, Б. Б. "НА КИСЛЯКОВ ТАДҚИҚОТЛАРИДА ЖАНУБИЙ ТОЖИКИСТОН ЭТНИК ТАРИХИ." *Scientific progress* 1.6 (2021): 1005-1009.

24. Тўраева, Г. Б., Ўтаева, Ф. Х., & Жумаева, Н. А. (2021). ОА СУХАРЕВА ТАДҚИҚОТЛАРИДА БУХОРО ТАРИХИ ВА ЭТНОГРАФИЯСИНИНГ ЎРГАНИЛИШИ. *Scientific progress*, 1(6), 1010-1018.

25. Baxtiyorovich, Boltaev Bobir. "Excerpts from the life of the bukharian artist." *Middle European Scientific Bulletin* 12 (2021): 160-165.

26. Ochilov, A. T. "DATING OF THE ZAMANBABA CULTURE: ASSED ON ARCHAEOLOGICAL SOURCES." *Theoretical & Applied Science* 12 (2019): 589-591.

27. Mubinov, M. A. "Diplomacy of the eastern states and central asian khanates in the struggle for independence." *CENTRAL ASIAN JOURNAL OF SOCIAL SCIENCES AND HISTORY* 2.5 (2021): 26-31.

28. Maksud, Beshimov. "Markets of Bukhara." *CENTRAL ASIAN JOURNAL OF SOCIAL SCIENCES AND HISTORY* 2.5 (2021): 18-21.

29. Sharopov, Dilshod Ravshan O'G'Li. "ABDURAZZOQ SAMARQANDIYNING "MATLAI SA'DAYN VA MAJMAI BAHRAYN" ASARINING O'RGANILISH TARIXI." *Scientific progress* 2.1 (2021): 358-361.

30. Очилов, Алишер Тўлис Ўғли. "БУХОРО ВОҲАСИ ШАКЛЛАНИШИДА ЗАРАФШОН ДАРЁСИНИНГ ЎРНИ ВА ВОҲА ТАРИХИЙ ГЕОГРАФИЯСИГА ДОИР АЙРИМ МУЛОҲАЗАЛАР." *Scientific progress* 1.6 (2021): 933-938 Murodova, Dilrabo Shomurodovna, and Feruza Xolmamatovna O'tayeva. "TF Gelax tadqiqotlarida Buxoro shahri mudofaa tizimining organilishi." *The Fifth International Conference on History and Political Sciences*. 2015.

31. Turaevich, Halimov Talat. "From the history of economic relations between central asia and india (XV-XVII centuries)." *CENTRAL ASIAN JOURNAL OF SOCIAL SCIENCES AND HISTORY* 2.5 (2021): 22-25.

32. OCHILOV, Alisher. "JEWELRYC TRADITION IS A SOURCE OF STUDY OF BUKHARA HISTORY." *Bayterek Uluslararası Akademik Araştırmalar Dergisi* 1.1: 105-116.

33. Бобожонова, Феруза Хаятовна. "БУХОРО МАДРАСАЛАРИ МАЎНАВИЯТ ДУРДОНАСИ." *Scientific progress* 2.1 (2021): 362-366.

34. Муродова, Дилрабо Шомуродовна. "ИККИНЧИ ЖАҲОН УРУШИ ЙИЛЛАРИДА БУХОРОДА ИЛМ ВА ФАН (БУХОРО ПЕДАГОГИКА ИНСТИТУТИ МИСОЛИДА)." *Scientific progress* 2.1 (2021): 660-664.

35. Ochilov Alisher. "The Role of Zamanbaba Culture in The Social and Economic History of Bukhara Oasis During Bronze Age." *CENTRAL ASIAN JOURNAL OF SOCIAL SCIENCES AND HISTORY* 2.4 (2021): 42-47.

36. JAMOLOVA, DILNOZA MUYIDDINOVNA. "THE END OF THE EMIRATE OF BUKHARA: THE END OF THE POLITICAL STRUGGLE BETWEEN THE JADIDS AND THE ULEMA." *International Journal of Philosophical Studies and Social Sciences* 1.1 (2021).

37. Jamolova, D. M. "Traveling to Modernity: Perception of Modernity of the Central Asian Muslims in the early 20th century." *International Journal of Psychosocial Rehabilitation* 9.24 (2020): 4202-4207.

38. Темиров Ф., Исломов Д. САДРИДДИН АЙНИЙ–ЗАМОНДОШИ ФИТРАТ ҲАҚИДА //Scientific progress. – 2021. – Т. 2. – №. 1. – С. 1349-1354.

39. Темиров Ф., Халикова Н. БУХОРО АМИРЛИГИДА ТАШҚИ СИЁСАТ ВА ДИПЛОМАТИЯНИНГ РИВОЖЛАНИШИ ТАРИХИДАН //Scientific progress. – 2021. – Т. 2. – №. 1. – С. 1276-1282.

40. Темиров Ф., Умаров Б. БУХОРО АМИРЛИКДА ОИЛА, НИКОҲ ВА МЕРОС ҲУҚУҚИНИНГ АМАЛДА ҚЎЛЛАНИШИ //Scientific progress. – 2021. – Т. 2. – №. 1. – С. 1201-1207.

7-ШЎБА. МУСТАҚИЛЛИК ЙИЛЛАРИДА ЎЗБЕКИСТОНДА ВА ХОРИЖДА БУХОРО ТАРИХИ МАСАЛАЛАРИНИНГ ЎРГАНИЛИШИ

ЗНАЧЕНИЯ ГОСУДАРСТВЕННОСТИ БУХАРЫ В ИСТОРИИ MILLAT ILDIZINING BARDAVOMLIGI

*Sabirov Nazir Najmiddinovich
Oliy Majlis Qonunchilik palatasi deputati*

Prezidentimiz Shavkat Mirziyoyev takidlaganlaridek "Hayotning o'zi va xalqning talablari bizning amaliy yechimni topish lozim bo'lgan yangi va yanada murakkab vazifalarni ko'rsatmoqda"¹, darhaqiqat bu dunyodagi har bir millat-yaratganining buyuk mo'jizasi. Chunki yer yuzida yashaydigan har bir xalq yoxud millat o'z xalqining talabi va qonunlaridan kelib chiqadi. Millat va elatlarning ko'pligi va xilma-xilligi insonni o'zini anglashga ham ma'nan, ham mantiqan yechim bo'la oladi. Milliy va umumbashariy qadryatlarning inson hayotidagi o'rni va ahamiyati nihoyatda beqiyos.

Biror bir xalq ma'naviy imkoniyatlarini, odamlar ongida ma'naviy va axloqiy qadriyatlarni rivojlantirmay hamda mustahkamlamay turib o'z istiqbolini tasavvur eta olmaydi. Xalqning madaniy qadriyatlari, ma'naviy me'rosi ming yillar mobaynida Sharq xalqlari uchun qudratli ma'naviyat manbai bo'lib xizmat qilgan. Uzoq vaqt davom etgan qattiq mafkuraviy tazyiqqa qaramay, O'zbekiston xalqi avloddan-avlodga o'tib kelgan o'z tarixiy va madaniy qadriyatlarni hamda o'ziga xos an'alarini saqlab qolishga muvaffaq bo'ldi. Mustaqqilligimizning dastlabki yillaridanoq ota-bobolarimiz tomonidan ko'p asrlar mobaynida yaratilib kelingan g'oyat ulkan, bebaho ma'naviy va madaniy merosni tiklash davlat siyosati darajasiga ko'tarilgan nihoyatda muhim vazifa bo'lib qoldi. Muhtaram Prezidentimiz Shavkat Mirziyoyev o'zlarining har bir ma'ruza va chiqishlarida "Erkin va faravon demokratik O'zbekiston davlatini mard va oliyjanob xalqimiz bilan birga quramiz"², deya takidlaydilar bu so'zlar zamirida ma'naviy qadriyatlarni shakillantirishni milliy o'zlikni anglashning o'sishidan, xalqning ma'naviy sarchashmalariga, uning ildizlariga qaytishidan iborat uzviy, tabiiy jarayon ildiz yoyib yotibdi.

Ma'lumki barcha insonlarning qadimiy ildizlari umumiy va mushtarak. Yer yuzida turli millatlarning tili, turmush tarziva urf-odatlarini bir-birinikidan farq qilsa-da, ularning orzu-intilishlari, moddiy va ma'naviy ehtiyojlari, hayot falsafasi bir-biriga yaqin. Barcha millat vakillari ozod va erkin yashashni, oila qurib, farzand o'stirib, o'zidan munosib zurriyod qoldirishni kuy-qo'shiqlar kuylab, hayotdan zavqlanishni baxtiyor bo'lishni istaydi. Shu bilan birga

¹ Sh.M.Mirziyoyev Tanqidiy tahlil, qat'iy tartib intizom va shaxsiy javobgarlik har bir rahbar faoliyatining kundalik qoidasi bo'lishi kerak. T. "O'zbekiston" 2017 y. 10-bet

² Sh.M.Mirziyoyev Erkin va faravon demokratik O'zbekiston davlatini birgalikda barpo etamiz. T. "O'zbekiston" 2017 y. 13-bet

ezgulikni qadrlab, yovuzlikni qoralaydi. Har qanday jamiyat ma'naviy madaniyatning tarkibiy qismi, bor bilim olami bo'lib, u insonni qayerda yashashini belgilashga yordam beradi. Madaniy qadriyatlar inson uchun qalban his qiladigan mohiyat va mazmun kasb etib, inson u orqali boshqa kishilar bilan, butun jamiyat bilan munosabatga o'tadi. Qadriyatlar jamiyatga manzur bo'luvchi axloq va shakllarni yaratishda va anglashda insonga yordam beradi. Taxsinga loyiq joyi shundaki, insonda boshqalarga nisbatan munozarali emas, balki muloyim munosabat shakillanadi. Munozaralar tug'ulgan holda jamiyatni mustahkamlashda munosib bo'lgan bartaraf qilishning qulay usullari topiladi. Yurtda yashayotgan jamiyat, avvalo tarixning muayyan bir taraqqiyoti bosqichida tabiatdan ajralib chiqqan moddiy dunyoning tarkibiy qismi bo'lib, rivojlanuvchi kishilar hayotiy faoliyatlarning majmuidir. Shuningdek, jamiyat kishilik tarixining muayyan bosqichi yoki ijtimoiy tizimning aniq tipidir. Ishlab chiqarish munosabatlarining majmui ijtimoiy munosabatlar deyiluvchi jamiyatni, ya'ni tarixiy taraqqiyotning muayyan bosqichidagi jamiyatni vujudga keltiradi. Shaxs bilan jamiyatning o'zaro munosabatlari turli tarixiy davrlarda turlicha bo'lib, shaxs madaniyatini belgilaydi va shaxs madaniyati ham o'z navbatida muayyan bir jamiyat madaniyatida shakillanadi, bu shakillanish hamjihatlikni olib keladi. Har bir jamiyat shaxs madaniyatni kamol toptirishda o'zining me'yoriy qadriyatlarini belgilaydi va shaxsning madaniyat ehtiyojlarini ta'minlaydi, natijada insonparvarlik tug'ulari barq uradi. Hamjihat bo'lgan jamiyat har qaysi mamlakatning komil insonlari va vatanparvar fidoyilari bilan o'zaro munosabatni erkin holda mustaqil, huquq va burchlari, insoniy qadriyatlarni inobatga olib keng talqin qilish maqsadga muvofiq hisoblanadi va hamjihatlik va vatanparvarlik haqidagi muammo barcha tarixiy davrlaridagi muhim masala bo'lib qolaveradi.

“Inson tabiatning oliy mahsuli bo'lib, uning mohiyati barcha ijtimoiy munosabatlar yig'indisi bilan belgilanadi. Inson ayni paytda ham tarixni ham taraqqiyotning mahsuli, ham uning yerdagi ne'matidir”¹. Ijtimoiy munosabatlar insonni ijtimoiy vujudga aylantiradi, dunyoqarashini shakillantiradi. Inson ishlab chiqarish jarayonida faqat narsalar yaratib qolmay, o'zini, o'z shaxsiyatini ham qayta yaratadi. Bu jarayonda inson o'zini takror ijod qiladi va u ijtimoiy mavjudligini ma'nan isbotlaydi. Inson ijtimoiy munosabatlar yig'indisi sifatida muayyan huquq va burchlarga egadir. Bu uning shaxs ekanligini ifodalaydi. Insonning komillikka erishuvini ta'minlashda jamiyatdagi mehnat madaniyatni rivojlantirish, kishilarning siyosiy ongini oshirish, axloqiy va estetik nafosatini tarbiyashda madaniyatning tarkibiy qismlari katta vazifani bajaradi. Shaxsni jihatdan fikrlashiga ko'ra insonning mehnat madaniyati, munosabat madaniyat, huquqiy axloq madaniyati, badiiy tafakkur madaniyati, dunyoqarashi ruhning olami haqida gapirish mumkin.

¹ Z.N.Sobitova Ma'naviyat-yuksalishga erishish ” Buxoro” 2018 y. 29-bet

Birgina birdamlik va hamjihatlik umuminsoniy qadriyatlar turkumiga insoniyat sivilizatsiyasining taraqqiyoti bilan bog'liq bo'lgan umumbashariy qadriyatdir. Bular: yer yuzida ilm fanni taraqqiy etishi, tichlikni saqlash, millatlararo totuvlikni, hamjihatlikni, bag'rikenglikni insoniy fazilat sifatiga kirgizib komillikni uyg'unlashtirishdir shundagina hamjihatlik va insonparvarlik, birdamlik qirg'in qurollarni yer yuzini ko'rishini to'xtatish, tabiatni muhofa qilish mumkin.

Inson deb atalgan mavjudot Farobiy aytganidek “ Bilim qo'lga kiritilsa, ta'lim berilsa, miyada bunyodkor g'oyalar bo'lsa yurt va u yurtda yashovchi ko'p xalq boy yashaydi”¹. Ko'rinib turibdi-ki barcha mezonlarning kaliti bilim va Arastu takidlaganidek tafakkur! Manashu ikki irfon insonlar ongida va qalbida kelingki jamiyat orasida abadiy saqlanib qolsa o'zbek xalqi va butun dunyo xalqlari bardavom hamjamiyat bo'lib yashayveradi.

УЗБЕКИСТАНА И ВО ВЗГЛЯДАХ НАШЕЙ МОЛОДЁЖИ

*Мадаминов Умрбек Собирович-
Хива шаҳар 17-сонли мактаб катта ўқитувчиси*

Как мы знаем, Центральное Азиатский регион издавна являлся связующим звеном между странами Древнего Востока: Месопотамией, Ираном, Китаем и Индией. Предки нашего народа поддерживали экономические, политические, культурные связи с народами Азии и Европы.

Из исторического прошлого хочу отметить, что история государственности Бухары имеет огромное значение для мировой цивилизации, так как в Древности через неё проходили знаменитые маршруты Великого Шёлкового Пути. Это не просто слова и отсюда можно понять, и начать исследовать историю государственности Бухары для нашей подрастающей молодёжи, которое живёт в XXI в.- в век глобализации и в быстроразвивающемся мире с развитием цивилизации в целом. Потому что, если мы - народ Узбекистана, не знаем свою историю, не будем знать историю государственности своих предков, которые сыграли огромное значение для развития исторической цивилизации Центральной Азии. И мы можем видеть эти аспекты на примере Бухарского государства.

Многие ученые описывают Бухару как место просвещения, в частности, историк Аштарханидского периода Махмуд ибн Вали (XVII век) высоко оценивает роль Бухары как центра распространения знаний. Ю.К. Мейендорф, посетивший Бухару в XIX веке, так описывает место Бухары в исламском мире: «Она стала местом паломничества мусульман

¹ Abu Nasr Farobiy Fozil odamlar shahri T. "Yangi asr avlodi" 2016 y. 283-bet

из-за множества школ, ученых и священных мест. Возможно, поэтому его прозвали «Шарифом». Русский путешественник Н. Ханников в своих воспоминаниях описывает Бухару как «Великий центр науки и просвещения, религиозных знаний».¹

Как отмечали мудрецы Востока: «Государство - это как семья, если ты забудешь свою семью, ты не можешь создавать собственную без основания и без знаний о своих предках.» Из этого афоризма, мы можем понять, что история государства и государственность народов «как большая семья» внесла свой вклад в развитие истории.

Согласно установившимся на протяжении многих столетий традициям, «Верховный правитель избирались султанами и аксакалами родов из числа старшего поколения Чингизидов, но с приходом к власти Мангытов эта традиция была нарушена, и верховный правитель стал избираться из числа мангытских эмиров».

Ранее возведение в ханы происходило путем поднятия, избранного на белом войлоке. По источнику авторов исторического труда "Тухфат ал-хани", при поднятии мангытского правителя Мухаммада Рахима в 1756 г. углы войлока подерживали представителями узбекских родов - мангытов, сарай, утарчи, бахрин. В частности, от своих родов в этой роли выступали мангыт Мухаммад Даниял-бий, утарчи Хужамияр-бий, бахрин Гайбуллабий и сарай Джахангир-бий.² Из этих источников мы можем понять, что с каждым годом государственность Бухары становилась более развитой и приобрела своеобразный вид в истории государственности народов Центральной Азии.

Центральное управление в этот период было сосредоточено в резиденции хана во дворце Арк. Система девонов, функционировавшая в предыдущих столетиях, постепенно была разрушена. Исполнительные функции прямого образом были сосредоточены в руках определенного крупного должностного лица, наделенного соответствующим чином. В системе государственных должностей были такие, которые работали с населением. Например, дадхо или дадхак, в его обязанность входит доставлять владельцу страны прощения обижаемых лиц и вручать им получаемые на них ответы. И другие множество должностей работали на систему девонов на пользу народов Бухару.³

В итоге можно сказать, что из перечисленных выше информации можно делать аналитические подходы на государственности Бухару и нынешней независимого Узбекистана. Несмотря на не которые трудности в управление и государственности Бухару, но это можно взять для себя хорошие факты как Бухаре были должностей которые думали о жизни

¹ .Асророва Л.В. «Из истории медресе Бухары» (наследие Ахмаджона Исмаилджона) Ташкент. Полумесяц издание. 2016. Б-26.

² Ахмедов.Б.А Историко-географическая литература с 117-118

³ Зиё Азамат. Узбек давлатчилиги тарихи. Тошкент. 2000. 293 б.

народа как доход и др. А в Узбекистане по инициативу Ш.М.Мирзиёев было построена Народное приёмная и виртуальная приём президента это свидетельствует на развитие государственность в Узбекистане на основа древних государственности Бухару. Чтобы не потерялся наш великое прошлая мы должны целостно сохранить и воспитать молодежь на этих духовности и вкладов которое нам оставили предки.

YANGI O'ZBEKISTONNING TURIZM SOHASIDAGI XALQARO HAMKORLIGI (BUXORO VILOYATI MISOLIDA)

*Mamaxonova Nurazimxon Qodirxon qizi
BuxDU magistranti*

Bugungi kunda turizm - jahon iqtisodiyotining eng yirik sektorlaridan bo'lib, aynan shu soha ulushiga dunyo yalpi ichki mahsulotining 9% to'g'ri keladi. Qolaversa, ushbu soha sayyoramizdagi har 12 nafar shaxsni ish joyi bilan ta'minlaydi. O'zbekistonda ham sayyohlik yo'nalishi mamlakatimiz iqtisodiyotining muhim strategik tarmog'i sifatida belgilandi. Jumladan, so'nggi 3 yilga yaqin davr mobaynida yurtimizga sayyohlarni jalb etish, turizm infratuzilmasini rivojlantirish, bu sohadagi tadbirkorlik faoliyatiga qulay shart-sharoitlar taqdim etish, xizmat ko'rsatish sifatini oshirish va boshqa yo'nalishlarni rivojlantirishga qaratilgan 60 dan ortiq me'yoriy-huquqiy hujjatlar qabul qilindi.¹

O'zbekiston Respublikasi Turizmni rivojlantirish davlat qo'mitasi tomonidan sayyohlarning viza olishi va ro'yxatdan o'tish jarayonlarini soddalashtirish, standartlashtirish va sertifikatsiya, turizm infratuzilmasini rivojlantirish, soha salohiyati targ'ibotini amalga oshirish kabi yo'nalishlarda qator ishlar olib borilmoqda. Jumladan, agar 2019 yil davomida qo'shimcha tarzda 47 mamlakat fuqarolari uchun vizasiz rejim tatbiq etilib, ularning umumiy soni 65 taga yetdi, ikki va ko'p marotabali elektron viza berish tizimi joriy etildi. Statistik ma'lumotlar ushbu choralar samaradorligini ko'rsatmoqda. 2019 yilning birinchi yarim yilligida viza rejimi bekor bo'lgan mamlakatlardan tashrif buyuruvchi sayyohlar soni o'rtacha 47 % ga ortgan.

Buxoro hududida mashhur muqaddas joylar juda ko'p bo'lib, ularning 660 ta madaniy meros obyekti mavjud. Ularning aksariyati arxeologik obyektlar, monumental san'at asarlari, arxitektura yodgorliklaridir. Shuningdek, bu hududning o'ziga xos jozibadorligi o'zining ko'p sonli madaniy meros obyekti borligi va shularning ichidan butun dunyoda tanilgan "Yeti Pir"ning mavjudligi hududning turistik salohiyati yuqoriligini ko'rsatadi. Hozirgi kunda hududda turistlarning kelish oqimi oshayotganligi va kelgusida bu raqamlar shiddatli oshishi bo'yicha ko'plab amaliy ishlar qilinmoqda.

O'zbekiston Respublikasi Prezidentining 2017 yil 19 maydagi "2017-2019 yillarda Buxoro shahri va Buxoro viloyatining turistik salohiyatini jadal rivojlantirish chora-tadbirlari to'g'risida"gi hamda 2017 yil 16 avgustdagi

¹ Yangi O'zbekistonning turizm sohasidagi yangi imkoniyatlari // "Xalq so'zi", 2019 yil 7 sentabr.

“2018-2019 yillarda turizm sohasini rivojlantirish bo'yicha birinchi navbatdagi chora-tadbirlar to'g'risida” gi qarorlari shu imkoniyatlarni ro'yobga chiqarish sari tashlangan muhim qadam bo'ldi.¹ Mazkur qarorlarga muvofiq, viloyatga tashrif buyurayotgan chet ellik turistlar va mamlakatimiz sayyohlariga qulay shart-sharoitlar yaratish, ularga ko'rsatilayotgan servis xizmatlari sifatini yanada yaxshilash bo'yicha chora-tadbirlar rejasi ishlab chiqildi.

Mintaqamizda sayyohlik sohasini izchil rivojlantirish, turizm industriyasi va infratuzilmasini yanada takomillashtirish maqsadida Yurtboshimiz tomonidan tasdiqlangan dastur asosida jami 21 ta (shundan 17 tasi Buxoro shahrida) yangi mehmonxona foydalanishga topshirildi, 7 ta yangi zamonaviy turistik klassdagi avtobuslar xarid qilindi. Qisqa davrda aviaqatnovlar va “Afrosiyob” tezyurar poezdining harakatlanish jadvallari optimallashtirildi.

Buxoro shahrida yangi mehmonxonalar, madaniy-ko'ngilochar maskanlar va 500 kishiga mo'ljallangan zamonaviy amfiteatr kabi ob'ektlarni o'z ichiga oluvchi “Qadimiy Buxoro” turistik hududini barpo etish uchun 10 gektar er maydoni ajratilib, xorijiy me'morlar bilan birgalikda loyihalash ishlari olib borilmoqda.

Ayni paytda “Buxoro bo'ylab sayohat qil” dasturi asosida mahalladoshlar, Yoshlar ittifoqi a'zolari, mehnat va fermerlar jamoalaridan tarkib topgan 1200 nafardan ortiq aholi sayohatga chiqmoqda. Ularga Buxoro davlat universitetining turizm va tarix fakulteti 4-bosqich iqtidorli talabalari hamroh-volontor sifatida zamonaviy turistik avtobuslarda sifatli xizmat ko'rsatishmoqda.

2018 yilda ham bu yo'nalishdagi ishlar Abu Ali ibn Sino hayoti va ilmiy merosiga bag'ishlangan xalqaro ilmiy-amaliy konferensiya, “Nasriddin Afandi” va “Sharq taomlari” kabi festivallar hamda Abdulxoliq G'ijduvoni tavalludining 915 yilligi, Bahouddin Naqshbandning 700 yillik yubileylariga uyg'un tarzda amalga oshiriladi.

2017 yilning 7-10 dekabr kunlari Turkiyaning Izmir shahrida o'tkazilgan xalqaro sayyohlik ko'rgazmasida viloyatimiz delegatsiyasi ham faol ishtirok etdi. To'rt kunlik xalqaro ko'rgazmada turistik kompaniyalarimiz tomonidan vohamizning turizm salohiyati, boy tarixi, madaniy meros ob'ektlari, muqaddas qadamjolari, tabiati, xalqning madaniyati va urf-odatlar haqida tayyorlangan taqdimot, reklama va targ'ibot materiallari ko'rgazma tashkilotchilari va mehmonlarga manzur bo'ldi.

Uchrashuvlar davomida turizm sohasida ikki tomonlama hamkorlikni yanada rivojlantirish, sayyohlik sohasidagi tadbirkorlik sub'ektlari o'rtasida o'zaro manfaatli aloqalarni o'rnatish, Turkiyadan Buxoroga sayyohlar oqimini ko'paytirish va viloyat aholisining ushbu shaharlarga tashrifini tashkillashtirish bo'yicha kelgusida o'zaro hamkorlikni samarali yo'lga qo'yish masalalari kelishib olindi.

¹ O'zbekiston Respublikasi Prezidentining 2017 yil 19 maydagi PQ-2980-sonli “2017-2019 yillarda Buxoro shahri va Buxoro viloyatining turizm salohiyatini jadal rivojlantirish chora-tadbirlari to'g'rida” gi Qarori

Shuningdek, “Travel Turkey Izmir 2017” xalqaro sayyohlik ko’rgazmasida Buxoro viloyatining turizm imkoniyatlari va salohiyatini alohida yo’nalishlar bo’yicha namoyish etgan “Bukhara Eco Tour” va “East Line Tour” turistik kompaniyalari ko’plab xorijiy hamkorlar bilan kelishuv va bitimlar tuzishga erishdi. Jumladan, “Bukhara Eco Tour” turistik kompaniyasi Turkiyaning “Ginger Travels”, “Kemer Travel”, “Sefir Tour”, “Golden Tours”, “Movvlana Istanbul”, “Betatur”, “OBT Travel”, “Sinaia Tours”, “Folo Travel” va boshqa 100 dan ortiq turistik kompaniyalar bilan hamkorlik kelishuvlarini tuzdi.

Muzokaralar natijalari bo’yicha “Bukhara Eco Tour” turistik kompaniyasi 2018 yilda Turkiyadan 3000 ga yaqin sayyohlar uchun O’zbekiston bo’ylab sayohatlarni tashkillashtirib berishi kutilmoqda. “East Line Tour” turistik kompaniyasi esa 120 dan ortiq xorijiy turistik kompaniyalar bilan hamkorlik bitimlarini tuzdi. Kompaniya vakillari tomonidan erishilgan kelishuvlar asosida kelgusi yili Turkiyadan 4000 ga yaqin sayyohlarni yurtimizga qabul qilish bo’yicha ish olib boriladi.¹

Bundan tashqari, “Travel Turkey Izmir 2017” xalqaro sayyohlik ko’rgazmasida ishtirok etgan buxorolik arxitektorlar Zuhridin Muhiddinov va Farrux Rajabovlar Turkiyaning Izmir va Istanbul shaharlaridagi diqqatga sazovor joylar, bino va inshootlar, istirohat bog’lari, tarixiy-madaniy yodgorliklar hamda yo’l bo’yi infratuzilma ob’ektlari qurilishi va arxitekturasi bilan tanishdilar.

Ular qurilish, jihozlash va binolar dizayni hamda arxitekturasi bo’yicha katta tajribaga ega yirik kompaniyalardan biri “Chimstone”, zamonaviy mehmonxonalarini qurish va jihozlash ishlari bilan shug’ullanadigan “Brasko” kompaniyasi hamda istirohat bog’larini qurish bo’yicha etakchi kompaniyalar “Kemer” va “Makera Atolyesi”, shuningdek, bir nechta xorijiy davlatlarda mehmonxonalar qurish va ularni to’liq jihozlash ishlarini olib borgan Istanbul shahridagi “Otem Dekorason” kompaniyasi vakillari bilan tajriba almashib qaytishdi.

Shuningdek, arxitektorlar tomonidan Istanbul shahrining Eski shahar hududidagi tor ko’chalarning yo’l qoplamalari muhandislik texnologiyalari, avtoturargohlar echimi, transportlar harakatlarini tartibga soluvchi barerlarni o’rnatish, chiqindilarni yig’ish usullari o’rganildi.

O’zbekiston Respublikasi Prezidenti huzurida 2017 yil 2 oktyabrda turizmni rivojlantirish bo’yicha istiqbolli davlat siyosatini amalga oshirish yuzasidan o’tkazilgan yig’ilishda belgilangan vazifalarni bajarish, viloyatda ichki turizmni yanada rivojlantirish bo’yicha yangi loyiha va sayyohlik dasturlari ishlab chiqilmoqda. 2017 yilgi qishloq xo’jaligi mavsumini muvaffaqiyatli yakunlagan fermer xo’jaliklari rahbarlari va a’zolarini rag’batlantirish, ularning maroqli dam olishlari uchun qiziqarli tadbirlarni tashkillashtirish, madaniy meros obidalari bilan tanishtirish hamda muqaddas

¹ Xidirova G.R. “Buxoro Davlat Universiteti ilmiy axboroti” jurnali. “Mintaqaviy turizmni rivojlantirish ilg’or tajribalari” maqola. 2018-yil 4-son. – 241 b.

qadamjolariga ziyorat qilishlarini tizimli amalga oshirish maqsadida “Buxoro fermerlari sayohati” dasturining amalga oshirilayotgani ham ana shunday yangiliklardan biridir.

Ayni damda viloyatda 124 ta mehmonxona faoliyat ko'rsatmoqda. Buxoroning turizm salohiyatini yanada oshirish maqsadida 2018 yilda 30 dan ortiq mehmonxona, 50 ga yaqin restoran va 10 dan ziyod istirohat bog'larini qurish mo'ljallanmoqda. ¹Bu boradagi keng qamrovli ishlar sayyohlarga xizmat ko'rsatish darajasini oshiradi. Yangi ish o'rinlari yaratilishiga olib keladi. Xorijliklarning boy ma'naviy-madaniy merosimizdan bahramand bo'lishlariga imkoniyat yaratadi.

Shu bilan birga, vohani turistik salohiyatini oshirishda va infrastrukturani yaxshilashda quyidagilarga e'tibor qaratish lozim:

Buxoroda ziyorat turizmini rivojlantirish bo'yicha ko'plab aniq va batafsil ma'lumotlarga ega bo'lgan kitoblarni va ularning turli tillarda tarjimasini ham chop etish lozim;

Buxoro hududida maqsadli xizmat ko'rsatish sohasini rivojlantirish va tur firma mahsulotlarini takomillashtirish borasida ommabop tanlovlar o'tkazish kerak: Misol uchun “Eng yaxshi tur paket” nominatsiyasi bo'yicha tanlov; Buxoroning madaniy-meros obyektlari oldida turli xil musobaqalarni va taqdirlash marosimlarini o'tkazish;

Buxoroda turizmni rivojlantirishda kadrlar muhim ahamiyat kasb etadi. Shuningdek, hududda malakali kadrlar bilan ta'minlash maqsadida Buxoro davlat universitetining Turizm fakultetida “Xalqaro va mintaqaviy turizm” institutini tashkil etishi lozim;

Buxoroda kelish qulayligini ta'minlashda chet el aeroportlardan to'g'ridan-to'g'ri Buxoro xalqaro aeroportiga kelish imkoniyatini amalga oshirish lozim.

Yuqorida keltirilgan ko'rsatkichlar va takliflarni inobatga olgan holda, Buxoroda turistlarning soni keskin oshishi orqali hududdagi turistik infrastruktura rivojlanishiga, aholining turmush darajasi oshishiga va barcha sohalarni parallel ravishda rivojlanishiga o'z hissasini qo'shadi.

ФАЙЗУЛЛА ХОДЖАЕВ - ЖУРНАЛИСТ И ИСТОРИК

Сулаймон Иноятов,

*профессор Бухарского государственного университета,
доктор исторических наук*

Выдающийся государственный деятель, первый председатель Народных Комиссаров Узбекистана Файзулла Убайдуллаевич Ходжаев родился в июне 1896 года в Бухаре в семье одного из крупных купцов эмирата Убайдулла Хаджи. Файзулла получил начальное образование в вновь созданной школе своего деда Усмон хаджи Пулатходжаева, затем

¹ B.N. Navruz-zoda “Buxoro Davlat Universiteti ilmiy axborotnomasi” jurnali. “Buxoro hududining turistik salohiyatini ko'tarishda ziyorat turizmining ahamiyati va roli” maqola. 2019 yil 2-son.-232 b.

обучался в Бухарском медресе. С 1907-1912г. в течение пяти лет получил домашнего образования в Москве, у частных русских учителей. Знакомство Файзуллы с русской культурой оказало большое влияние на формирования его взглядов.

Файзулла на протяжении пяти лет после смерти отца продолжал его торговое дело, но, занявшись вплотную у джадидской организацией, вернее, уже после формирования партии младобухарцев, был вынужден передать ведение коммерческих дел в руки брата. И он вплотную занимался политическими вопросами.

В кипучей, многогранной деятельности Файзуллы Ходжаева, как и всякого истинного патриота и выдающегося политического деятеля, большое и важное место занимала агитационно-пропагандистская, литературно-публицистическая деятельность.

Он действительно был журналистом, талантливым публицистом литератором и историком. Его первые статьи появились в печати еще до Бухарского переворота. Начало публицистической деятельности будущего деятеля относится к 20-годам. Причем, в тот период он не только сотрудничал в газетах, но и был, так сказать, штатным работником редакций.

В конце 1919 года по пути из Москвы в Ташкент Ф. Ходжаев задержался в Самаре, где некоторое время работал в редакции фронтовой газеты «Красная Армия». А в 1920 году он редактировал газету «Учкун» («Искра»), название и эпиграф которой («Наступит день, когда из искры возгорится пламя») свидетельствуют о постоянном, несомненном влиянии пребывания его в Москве.¹

Газета «Учкун» издавалась в Ташкенте и тайно распространялась в Бухаре. Она выходила два раза в месяц тиражом 5 тысяч экземпляров и пользовалась большой популярностью у читателей. Почти в каждом номере газеты Файзулла Ходжаев выступал со статьями, полными революционной страсти. В своих статьях «Пути освобождения и свободы Бухары», «Задачи дня», «Истина восторжествует», «Священный союз» и других он пропагандировал идею необходимости свержения деспотического режима в Бухаре и установления демократической республики, которая защищала бы интересы угнетенных, представлял собой образец подлинного народовластия. Эти статьи по характеру и содержанию относятся к жанру политического памфлета.

И после переворота в Бухаре Файзулла Ходжаев не прекратил своей публицистической деятельности. 9 сентября 1920 года выходит первый номер газеты «Бухоро ахбори» - орган ЦК БКП. В этом номере была опубликована статья Ф.Ходжаева «Кун тугди» («Рассвет»). В ней говорилось о начале нового века – свободы, братства и равенства для всех.

¹ . См.: Ходжаев Ф. Избранные труды. В 3-т. (Ред. коллегия М.М.Хайруллаев (Отв.ред.)) Т.1, 2, 3. Т.: «Фан», (1969-1973).

По инициативе Ф.Ходжаева в БНСР начали выходить «Озод Бухоро» («Свободная Бухара») и «Известия» (1921), журналы «Билим учкуни» («Искра знаний»), «Школа и жизнь» (1922). Для молодёжи издавалась на узбекском языке газета «Ёш инкилобчи» («Молодой революционер»), «Ёш куч» («Молодая сила») и др. Всего 36 названий.¹

Перед государством стояли огромные задачи: мобилизовать массы трудящихся на строительство нового общества. Ходжаев был во главе республики. В 1920-1924 годах он занимал пост Председателя Совета Народных Назиров, был назиром иностранных дел, назиром внутренних дел и назиром военных дел. Он активно участвовал в разгроме басмаческих банд и был награждён за это орденом Красного Знамени. За умелое руководство военными операциями ему было присвоено высшее воинское звание – командарма. Несмотря на огромную занятость государственной, партийной и военной работой, Файзулла Ходжаев успешно сотрудничает в органах печати.

В 20-х годах на страницах газет были напечатаны статьи Файзуллы Ходжаева: «Бухарская Советская Республика и Туркменский курултай» («Известия Всебухарского ЦИКа Советов», 2 июня 1921 года), «Советская власть и чем она выгодна народу» («Бухоро ахбори», 23 июня 1921 года), «На защиту революции» («Бухоро ахбори», 27 марта 1922 года). Будучи главой революционно-демократического правительства БНСР, он часто выступал на страницах газет «Бухоро ахбори», «Озод Бухоро», «Известия Всебухарского ЦИКа Советов» и в других периодических изданиях. За четыре года существования республики только в местной печати было опубликовано свыше 50 его статей, речей, докладов и других материалов. Вопросы, по которым он выступал в печати, были весьма разнообразны. Это и история Бухарской революции, и создание национальных частей Красной Армии, и борьба с басмачеством, и новая финансово-налоговая политика правительства, и национальный вопрос в государственном строительстве, и состояние партийной работы, и национально-государственное размежевание Средней Азии... Только перечень заголовков занял бы не одну страницу.

В начале 1924 года в Москве вышел первый номер журнала «Бухарская жизнь», который издавался полномочным представительством БНСР при правительстве СССР. Журнал открывался статьей Файзуллы Ходжаева «Экономическое положение БНСР». В ней он обстоятельно проанализировал состояние важнейших отраслей народного хозяйства республики, показал достижения бухарского народа за три года существования народной власти и развернул программу дальнейшего

¹ . См.: Эрназаров Т., Акбаров А. История печати Узбекистана (1925-1952 гг.). Т.: «Укитувчи», 1977, с.169-170

хозяйственного строительства БНСР, расширения и укрепления ее связей с многими зарубежными странами.

В сердце Файзуллы Ходжаева бухарский период жизни и деятельности оставил неизгладимые впечатления. За этот период он приобрел богатый опыт политического деятеля и публициста, накопил обширный фактический материал по истории БНСР.

Тема Бухарской революции была для Файзуллы Ходжаева настолько близкой и дорогой, что с выходом в свет второго издания книги его работа над ней не закончилась. В последние годы жизни он снова вернулся к этой работе и еще раз значительно дополнил и переработал ее. Рукопись обсуждалась в Истпарте и была рекомендована к печати, но ей не суждено было видеть свет. Причиной тому была трагическая гибель Файзуллы Ходжаева.

Как известно, в 1924 году самой животрепещущей проблемой в жизни среднеазиатских народов была проблема национально-государственного размежевания. Одним из инициаторов практического осуществления этого важного мероприятия, направленного на расширение национального вопроса в Средней Азии, был Файзулла Ходжаев. Он разработал основные положения по созданию Узбекистана, которые были одобрены Пленумом ЦК Бухарской Компартии, в составе комиссии Средазбюро ЦК РКП (б) участвовал в разработке проекта национального размежевания Средней Азии, выступал с докладами по этому вопросу на V съезде Советов БНСР и на II сессии ЦИК Советов СССР, а также на различных собраниях и митингах трудящихся Бухары.

Ф. Ходжаев национально-государственное размежевание Средней Азии рассматривал в своих работах как необходимость исправления ошибок истории, и в первую очередь исправление искусственных, политических и административных границ между Туркестаном, Бухарой и Хорезмом, несправедливо разорвавших на части каждую из населявших их народностей. Единственно правильным путем разрешения национального вопроса в Средней Азии он считал создание национальных республик на основе выделения национальных, географических, хозяйственных, бытовых и прочих в жизни каждого из среднеазиатских народов, на основе их самоопределения. Свою первую статью о национально-государственном размежевании Средней Азии он так и назвал: «Единственно правильный путь».

Ф. Ходжаев уже в первых своих работах, посвященных национально-государственному размежеванию Средней Азии, подчеркивал, что оно будет иметь огромное историческое значение. Это значение он видел не только в том, что каждый из народов Средней Азии объединится в суверенное национальное государство и тем самым будет положен конец межнациональной розни, прежде, но и в том, что национально-государственное размежевание должно создавать условия для дальнейшего

хозяйственного, политического и культурного развития всех среднеазиатских народов. Следует заметить, что идея государственного деятеля, историка и журналиста Ф. Ходжаева о независимости, суверенитете, реализованная нашим народом в 1991 году, оказалась пророческой. Его природный ум оказался дальновидным.

К вопросам национально-государственного размежевания Средней Азии Файзулла Ходжаев возвращался в брошюрах «К 5-летию существования Узбекской ССР» (1929 г.), «Национальное размежевание Средней Азии» (1934 г.), «10 лет побед» (1935 г.), в книге «К истории революции в Бухаре» и других работах, в которых выступал как истинный интернационалист.

Однако определяющей темой творческого наследия Ф. Ходжаева является Республика Узбекистан, в создании и развитии которого в трудные годы он сыграл выдающуюся роль. С тех пор, как в результате национально-государственного размежевания Средней- Азии образовалась Узбекская ССР и Файзулла Ходжаев стал сначала председателем Ревкома, а потом председателем Совнаркома, все его заботы, все помыслы были связаны с Узбекистаном, с узбекским народом, который он хотел видеть процветающим и счастливым. И как государственный деятель, и как публицист, и как историк и экономист он делал все для того, чтобы превратить Узбекистан в передовую, образцовую республику.

Об Узбекистане Файзулла Ходжаев написал несколько книг и брошюр, опубликовал сотни статей в периодической печати. Он выступал на страницах газет «Правда» и «Известия», «Правда Востока», «Кизил Узбекистан» и «Узбекистанская правда», в журналах «Советское строительство» и «Власть Советов» (Москва), «Коммунистическая мысль» и «За партию» (Ташкент), и во многих других изданиях.

Он был не только талантливым публицистом, но и прекрасным оратором. Его выступления, речи и доклады на митингах и собраниях являются образцом для публицистики. Он прекрасно говорил на немецком, писал на трёх языках: узбекском, таджикском, русском.

С 17 февраля 1925 до 17 июня 1937 года – 12 лет непрерывно Файзулла Ходжаев работал на посту председателя Совета Народных Комиссаров. За этот период им было опубликовано более 500 статей, заметок, информации и брошюр. В них затрагивались разнообразные вопросы теории и практики строительства нового государства: решение национального вопроса, партийного строительства, проведение коллективизации и культурной революции. Публицистика его охватывала все стороны общественно-политической жизни республики.

Поражает широта и разнообразие вопросов, поднимавшихся и освещавшихся им в печати. Разыскивая его опубликованные работы и изучая его творческое наследие, нередко делаешь для себя неожиданные открытия. Просматривая летописи газетных и журнальных статей за 20—

30-е годы, мы видим его фамилию порой, казалось бы, в самых неожиданных разделах по тематике, в самых различных изданиях. Всего один пример: в газете «Водный транспорт» за март 1931 года помещено интервью Файзуллы Ходжаева о работе Амударьинского пароходства — «Важнейшая магистраль Средней Азии». И таких примеров очень много.

Своей основной профессией до переобразования в Бухаре и вступления в демократическую движению он считал журналистику. В анкете для делегатов XV съезда ВКП (б), заполненной 1 декабря 1927 года, на вопрос Основная профессия до вступления в ВКП (б) Ф. Ходжаев ответил: «Журналист».

Известная писательница Галина Серебрякова в своем очерке «Под Красной звездой» пишет о встрече с Файзуллы Ходжаевым в Самарканде. (См. «Огонек», 1967, № 23) : «Несмотря на зной, мы с Ходжаевым обошли все достопримечательности Самарканда, и хотя прошла много лет, я помню все его рассказы, столь значительны они были.

- Почему вы не занимаетесь литературным трудом? – спросила я Файзуллу, когда мы подошли к развалинам соборной мечети Биби-ханум.

- Сейчас я нужен на другом посту, - ответил он чуть улыбнувшись. Но обычно у него было грустное, гордое, волевое лицо. Всем, что я узнала о Самарканде и превратила затем в очерки для газет, я была обязана Ходжаеву. Он так красочно и живо рассказывал мне об Амуре Темуре, когда мы были у него на могиле.»¹

Поражает и другое. Даже при беглом просмотре местных газет тех лет, например, «Правда Востока», не трудно заметить, что даже фамилии многих штатных сотрудников редакций встречаются реже, чем подпись Файзуллы Ходжаева. Приходится удивляться, когда и как этот человек, занятый такой огромной и ответственной работой, успевал так много писать. Отвечая на этот вопрос, его дочь В. Ф. Ходжаева рассказывает, что он много работал ночами.²

Но вернемся к самим работам Ф. Ходжаева. Рассмотрим хотя бы важнейшие из них.

Первой крупной работой Файзуллы Ходжаева об Узбекистане была брошюра «Хозяйственное положение Узбекской ССР и перспективы ее развития», которую он написал на основе двух своих докладов — на первом съезде Компартии Узбекистана (о хозяйстве Узбекской Республики) и на пленуме ЦК КП (б) (о перспективах развития хозяйства и торговли республики). В этой брошюре, изданной в 1929 году, Ф. Ходжаев обстоятельно проанализировал состояние сельского хозяйства, промышленности и торговли вновь созданной Узбекской ССР и дал

¹ . Серебрякова Г. «Под Красной звездой». Журнал «Огонёк», 1967, № 23

² . Хўжаева В. Ота-онам ҳақидаги хотираларим.// Тарихнинг номаълум саҳифаларига ҳужжат ва материаллар. Биринчи китоб.Т.: Ғафур Ғулом номидаги нашриёт-матбаа ижодий уйи, 2009, - Б.211-219

наметки программы восстановления хозяйства, пришедшего в упадок за годы гражданской войны. Поскольку Узбекистан в тот период был страной аграрной, а крупной фабрично-заводской промышленности здесь не было.

Залогом успешного развития республики он считал восстановление и развитие сельского хозяйства и создание современной промышленности.

Касаясь вопросов развития промышленности, Ф. Ходжаев непосредственно ставил вопрос о предоставлении самостоятельности каждой непосредственно производственной единице, о подготовке квалифицированных рабочих из коренного населения, о создании таких отраслей промышленности, которые способствовали бы расширению республики. К началу 1930 года относится лаконичная и острая информация о том, что в республике строительство велось неряшливо, плохо, дорого.

•В 20—30-е годы сельское хозяйство Бухары было основной определяющей отраслью народного хозяйства (как и в Узбекистане в целом), и здесь сконцентрировано было все: противоречия, трудности и т. д. В трудах Ф. Ходжаева мы находим мысли о том, что насаждение монокультуры хлопка осуществлялось за счет вытеснения с поливных земель зерновых. Причем это делалось на основе плана. Характерно при этом, что план заготовки хлопка в республике впервые был выполнен лишь в 1935 году. Если в июне 1926 года Ф. Ходжаев предлагал соблюдать «правильный севооборот», то в январе 1935 года он указывал, что площадь хлопка в целом ряде районов доведена до состояния монокультуры. В трудах Ф.Ходжаева содержатся прозорливые положения не только по экономике, но и культуре, включая школьное дело, библиотеки, педагогические кадры и т. д.

Публицистика Файзуллы Ходжаева носила боевой, наступательный характер, отличалась злободневностью, деловитостью и конкретностью, а язык ее — образностью и метафоричностью.

Особенно благоприятным оказался 1926 год, когда формирующаяся историография Бухарской революции обогатилась авторитетным свидетельством двух крупных знатоков дореволюционной действительности, активных участников освободительного движения в эмирате и строительства нового общества. В Москве и Ташкенте вышли воспоминания С. Айни и Ф. Ходжаева. Эти труды меняли привычные представления о жанре мемуаристов, содержали в себе немало элементов истинно научного к описываемым событиям. Изданный в 1926 г. на двух языках – русском и узбекском, труд Ф.Ходжаева («Материалы к истории Бухарской революции». Ташкент, 1926) вызвал большой общественный резонанс и разошелся мгновенно. Ф.Ходжаев сумел показать в нем внутреннюю динамику джадидизма, его связь с прогрессивными движениями других стран, объяснить причины возникновения, определить этапы его развития. В памяти людей еще было живо представление о

джадидизме, да и живы были сами джадиды, отдавшие все свои силы после установления советской власти в регионе развитию образования и просвещению масс.

И хотя затем был период, когда эти ценные работы надолго были преданы забвению и вычеркнуты из памяти народа, они на много лет вперед предвосхитили многие оценки и выводы нынешней историографии.

Файзулла Ходжаев был в центре внимания всех общественно значимых событий в республике. В описанном им богатом наследии исследователь-историк находит интересные факты, ценные статистические сведения, другие данные, относящиеся к одному из сложных периодов истории Бухары и Узбекистана в целом. Историко-информационная насыщенность его трудов и сегодня является и в научном, и в практическом плане важным подспорьем для исследователей.

Документальное наследие Ф.Ходжаева состоит из опубликованных трудов и материалов, хранившихся в архивах. Ряд работ были изданы при его жизни. В 70-е годы избранные труды Ф.Ходжаева в трех томах были опубликованы на узбекском и русском языках в Ташкентском издательстве «Фан». Появление этого трехтомника (1969,1970,1972 гг.) явившегося результатом кропотливого труда коллектива специалистов, стало заметным событием в общественной жизни Узбекистана.

Среди руководящих партийных и советских работников того периода Файзулла Ходжаев отличался еще и тем, что он, наряду с государственными делами, широко занимался и научной работой. Кроме многочисленных газетных и журнальных статей по практическим вопросам, его перу принадлежат более 20 научных статей, брошюр и монографий.

Работ, опубликованных Ф. Ходжаевым в 1925 — 1937 годах и тематически связанных с его должностными обязанностями, было 16. Изданы они на русском и узбекском языках. Из них 4 являются специальными тематическими разработками автора, остальные — публикациями его докладов и выступлений. Два материала представляют собой доклады, подготовленные и прочитанные Ф. Ходжаевым на официальных собраниях, а затем серьезно доработанные им и превращенные в самостоятельные публикации. И, наконец, 7 брошюр, являются просто техническим изданием докладов Ф. Ходжаева на различных съездах, сессиях УзЦИК, конференциях, пленумах, причем среди них есть и единичные издания и как бы целые минисборники.

Одним из важнейших источников является работа Ф. Ходжаева как историка это «К истории революции в Бухаре», изданная в Ташкенте в 1926 году, а в 1932 году вышла в свет еще работа «К истории революции в Бухаре и национальное размежевание в Средней Азии». В 1933 г. «Бухоро революцияси тарихи ва Урта Осиёда миллий уйғониш. 1). Из его работ — статей наибольший интерес представляют: Джадиды (Очерки революцион-

ного движения в Средней Азии. Сб. статей. М., 1926), О младобухарцах (Историк-марксист, М., 1926, т. 1). Исторический юбилей (Сборник статей к десятилетию Бухарской и Хорезмской революций. Ташкент, 1930). В 1936 году была издана книга Ф. Ходжаева «Узбекистан на подъеме», которая фактически является минисборником его 6 выступлений за период с ноября 1935 года по март 1936 года.

Информационное наследие Ф. Ходжаева обладает высоким потенциалом. В нем нашли отражения, прежде всего, осуществлявшиеся в республике в 1925—1935 годах мероприятия. Конечно, Ф. Ходжаев был продуктом своего времени, ему, как и многим деятелям того периода, были присущи противоречия, местами логическая последовательность. Однако документальное наследие его ценно главным образом тем, что в нем мы находим и объективные сведения, порой серьезного критического характера, целые куски документированных свидетельств и грубейших ошибок, просчетов и негативных последствий, поддержки Ф. Ходжаевым здоровых явлений и элементов, которые в тех условиях звучали весьма смело. Свидетельства о трудных буднях того сложного времени в других источниках встречаются крайне редко, во многих же случаях их нет вовсе. Тем не менее для нас те объективные факты, которые мы находим в материалах из архива Ф. Ходжаева являются важным источником.¹

Острокритическая направленность данных в материалах Ф. Ходжаева свидетельствуют о том, как важна была для него правда жизни. Сейчас наукой установлены фактические и цифровые данные по проблемам Советов, которыми он оперировал, показывают, что как форма подлинного народовластия Советы так и не утвердились. Доклад, сделанный Ф. Ходжаевым.

1 июня 1932 года «Советы на новом подъеме», который весьма ценен и как документ того времени был издан на двух языках. Выдвинутые в нем задачи показывают насколько злободневными были в начале 30-х годов вопросы осуществления идеи власти народа через Советы.

Характерной особенностью публицистики Ф.Ходжаева является глубокая разработка темы, научный подход к ней, умелое использование фактов местной жизни. Своевременное обращение к историческим фактам.

В качестве примера можно взять его статью «Республика счастливого народа», опубликованную в «Известиях» 15 ноября 1936 года. Эта небольшая по объёму статья насыщена интересным фактическим материалом. В ней идёт речь о значении новой Конституции для узбекского народа. Чтобы показать грандиозность успехов строительства социализма, автор в начале статьи делает экскурс в прошлое. Он приводит

¹ . Алимова Д.А., Махкамова Н.Р. Файзулла Ходжаев: историк и государственный деятель. В кн: История и историки Узбекистана в XX веке. Т.: «Наврўз», 2014, с.150-180

любопытные документы, сохранившиеся в архивах канцелярии Туркестанского генерал-губернатора.

Автор на конкретных примерах показывает рост промышленности, сельского хозяйства и культуры, расцвет благосостояния узбекского народа за эти годы.

В конце статьи Файзулла Ходжаев определяет задачи на будущее. Аналогична композиция многих других статей, речей и докладов Файзулла Ходжаева. Его выступления отличались полемичностью, революционным оптимизмом, теоретической глубиной, предельной ясностью изложения, умением отделить главные вопросы от второстепенных.¹

Творчество Файзуллы Ходжаева являлось образцом для всех журналистов, помогало им повышать своё профессиональное мастерство, работать над каждым словом, избегать шаблона и трафарета, умело использовать многообразие форм и методов при подготовке материалов.

Таким образом, Файзулла Ходжаев был способным публицистом и активным пропагандистом. Как в период существования БНСР, так и будучи Председателем СНК Узбекской ССР, он часто выступал в печати, он автор научных трудов по истории революционного движения, научных статей, выступал на страницах газет и журналов с популярными пропагандистскими статьями. В его научных трудах, наряду с ценными фактическими материалами, даны важные теоретические обобщения. В статьях по вопросам хозяйственного и культурного строительства Файзулла Ходжаев дает важные для того времени научно обоснованные предложения, внедрение которых приносило большой эффект.

Как свидетельствуют источники, Ф.Ходжаев был высокообразованным и талантливым человеком. И хотя его творческая деятельность несла на себе довольно четкий отпечаток своего времени, он сумел сохранить в нем свою яркую индивидуальность.

Файзулла Ходжаев внес свою огромную и значительную лепту в развитии местной печати, журналистику и историческую науку. Он как автор многочисленных журнальных и газетных статей, исторических трудов, как государственный деятель, документальное наследие которого является по сей день ценнейшим источником по истории изучения одного из сложнейших периодов истории Узбекистана.

¹ . См.: Иноятов С.И., Саков В.Г. Жизнь отданная народу (К 100-летию Ф.Ходжаева). Наваи, 1996, с.40-41

**САДРИДДИН АЙНИЙНИНГ «БУХОРО ИНҚИЛОБИНИНГ
ТАРИХИ» АСАРИДА БУХОРО АМИРЛИГИДАГИ ЖАДИДЧИЛИК
ҲАРАКАТИ ВА ЯНГИ УСУЛ МАКТАБЛАРИ
ШАКЛЛАНИШИДАГИ ҲАМКОРЛИК АЛОҚАЛАРИ
МАСАЛАЛАРИ**

Алишер Исоқбоев

*Наманган давлат университети Тарих
кафедраси доценти, тарих фанлари номзоди,
+99897 7296100, aliakbar2004@mail.ru*

Бухородаги жадидчилик ҳаракатининг йирик намоёндаларидан бири Садриддин Айний (1878-1954) томонидан ёзилган “Бухоро инқилобининг тарихи” асари Бухоро амирлигида 1905-1920 йиллардаги ижтимоий-сиёсий, маданий ва иқтисодий жараёнларни ўрганишда муҳим манбалардан бири ҳисобланади¹.

Бухоро амирлигига жадидчилик ҳаракати ва янги усул мактаблари Россия империясининг бошқа мустамлака ҳудудлари (Қрим, Кавказ, Волгабўйи ва Туркистон)дан анча кеч кириб келди ва шаклланди. С.Айний ўзининг “Бухоро инқилобининг тарихи” асарида “Русия мусулмонлари ораларинда 1883 инчи йил “Таржимон” ғазитаси нашр қилина бошлагон кундан бери мактаб масаласи кўзғолиб 1908 инчи йилга доғур Русиянинг ҳар бурчагида тараққийпарвар мусулмонлар томонидан усул жадида мактаблари очилғон бўлса ҳам, мазкур санага доғур Бухорода мактаб масаласи ва ислоҳ макотиб деган сўз йўқ эди”, дея гувоҳлик беради².

С.Айнийнинг қайд этишича, Бухорода дастлабки янги усул мактаби пирмастлик мулла Жўрабой томонидан 1900 йилда очилган³. Мулла Жўрабой Россияда бўлиб, у ердаги янги усул мактаблари фаолияти билан танишиб қайтгач, Бухоронинг Пўстиндўзон гузарида хусусий мактаб очиб “4-5 ойда ҳар кимнинг саводини чиғораман” деб даъво қилган. Лекин унинг мактабига кўпчилик эътибор берилмаган, ҳатто унинг устидан кулишган. Мактаб иши ривож топмай тез орада ёпилиб кетган.

Бухорода 1907 йили татар мулласи Низом Собитов саъй-ҳаракатлари билан ўз уйида татар болалари учун янги усул мактаби очилиб, мазкур мактабга Қозоннинг фаол муаллимларидан Абдурахмон Саидий муаллим сифатида таклиф қилинади⁴.

¹ Мазкур мақолани ёзишда Садриддин Айнийнинг “Бухоро инқилоби тарихи” асарини ШарифаТошева ва Шимада Шизуо томонидан 2010 йилда Токио шаҳрида эски ўзбек (араб) ёзувида нашр этилган вариантдан фойдаланилди – муаллиф.

² Айний С. Бухоро инқилобининг тарихи (араб ёзувида). – Токио, 2010. – Б. 37.

³ Бу ҳақида Ф.Хўжаев асарида ҳам маълумот берилган. Қаранг: Хўжаев Ф. Бухоро инқилобининг тарихига материаллар. – Тошкент: Фан, 1997. – Б. 74.

⁴ Айний С. Бухоро инқилобининг тарихи... – Б. 37.

Машхур маърифатпарвар И.Гаспринский 1908 йил ёз фаслида Бухорога келиб, ҳар ерда бўлгани каби бу ерда ҳам мактаб масаласини кўтаради. Мактаб масаласи бўйича ўтказилган мажлисда Бухоро тараққийпар-варларидин Мирза Муҳиддин Мансур ўғли, Мирхон Порсо ўғли, шунингдек Бухорода яшовчи татар муаллимлари ҳам иштирок этадилар. Музокаралардан сўнг мулла Низом Собитов уйидаги мактабни татар ва бухоролик болаларнинг ўқишлари учун ташкил қилиш, бунинг учун амирдан муносиб жой сўрашга қарор қилинади. Мажлис иштирокчилари мактаб номини И.Гаспринский номига “Исмоилия” деб аташни таклиф қиладилар. Лекин И.Гаспринский рози бўлмади ҳамда марҳум амирнинг исмига “Музаффария” деб аташни маъқул кўради. С.Айнийнинг қайд этишича, И.Гаспринский Бухородан кетар чоғида амир Абдулахадхон ва унинг амалдорларига бу тўғрида ўз таклифларини билдирган бўлсада, лекин бундан натижа бўлмади. Шундай бўлсада, мазкур мактаб Ҳолид Бурнашевнинг уйига кўчирилиб, шу йили мактабга 5 нафар бухоролик ўқувчилар ҳам қабул қилинади¹.

С.Айнийнинг янги усул мактаби фаолияти билан танишуви ва унга нисбатан қизиқиши 1908 йилнинг ёз фаслида Ҳамидхўжа Маҳрий, Мирзо Абдулвоҳид Мунзим билан Самарқандга саёҳати давомида Абдулқодир Шакурий мактабига ташрифидан кейин билан бошланган эди. А.Шакурий мактаби ўқувчиларининг ғоят даражада билимли эканлигини кўрган С.Айний “... биз 25 йил мадрасада ётиб бирон қатла эшитмагон нарсаларимизни 10-12 ёшар болалардан эшитиб ғоят таажжубда қолдиқ”, деган эди².

Самарқандда донг таратган ушбу янги усул мактабининг асосчиси А.Шакурий ўз мактабини ташкил қилишида Қўқонда фаолият олиб борган татар маърифатпарвари Салоҳиддин Мазитов катта ўрин тутган. А.Шакурий 1903 йили Қўқонга, С.Мазитов ҳузурига келган ва унинг ўқитиш усуллари ўрганиб, шу йили Самарқандда ўз мактабига асос солган эди. А.Шакурий янги усул мактабини такомиллаштириш мақсадида И.Гаспринскийнинг “Таржимон”, Ф.Каримовнинг “Вақт” газеталари ва Р.Фахриддиннинг “Шўро” журналининг доимий равишда кузатиб борган. 1906 йили Қозонга, 1911 йили Қрим ва Туркияга саёҳат қилиб ўз малакасини оширган эди³.

Бухорога қайтган С.Айний ва унинг ҳамроҳлари билан Бухорода янги усул мактабини ташкил қилиш ҳаракатини бошлаб юборишди. 1908 йил октябрда узок тайёргарликдан сўнг Абдулвоҳид Мунзимнинг Дарвоза гузарига уйда маҳаллий жадидлар томонидан янги усул мактаби очилди. Лекин, 12 нафар ўқувчи қабул қилинган ушбу мактаб тезда улар кутган натижани бермади. С.Айнийнинг ўзи эътироф этганидек, “... таълим

¹ Айний С. Бухоро инқилобининг тарихи... – Б. 37.

² Айний С. Бухоро инқилобининг тарихи... – Б. 38.

³ Долимов У. Туркистонда жадид мактаблари. – Т.: Университет, 2006. – Б. 44, 45.

тартиби ниҳоят даражада бузук ва бизнинг барчамиз қоидадин хабарсиз эдик. Ичимиз таълим ва ислоҳ ўти билан ёнмоқда, лекин ҳеч бир нарсани билмадигимиздан жонимиз сиқилмоқда эди. Лекин бизга шунчаси маълум эдики янги усулнинг манбааси Тотористондур”¹.

Шундан сўнг, С.Айний Бухоро шаҳрида машҳур бўлган татар муаллими Низом Собитовнинг олдига бориб, мактабни ташкил этиш ҳамда “раҳбар бўлурлик бирон китоб топиб беришни” сўрайди. Н.Собитов “Аттор мадрасаси қаршисинда Холид Бурнашув уйинда янги усул тотор мактаби бор, шунда борингиз, раҳбар бўлурлик китобда олурсиз муаллимдан истифода ҳам қилурсиз”, дея маслаҳат беради.

С.Айний мазкур мактабга бориб, муаллим Абдурахмон Саидийдан зарур маслаҳатлар олиш билан бирга таълим ва тарбияга оид китоб ҳам олади. С.Айний ҳар куни татар мактабига қатнаб, малака ошириб, ўз мактабига татбиқ этади. Ўз ҳаммаслаклари Абдулвоҳид Мунзим, Ҳомидхўжа ва Аҳмаджон маҳдумларни ҳам А.Саидий мактабига олиб боради. Шундан сўнг улар мактаби фаолияти ҳам изга туша бошлайди. А.Саидий билан яқин дўст бўлиб қолган бухоролик тараққийпарварлар унинг ёрдами билан мазкур даврда машҳур бўлган газета ва журналлар билан танишадилар. С.Айний “Абдурахмон [Саидий] воситаси билан “Шўро” мажалласи ва “Вақт” ғазитасига муштарий бўлдиқ ва яна мазкур муаллим воситаси билан турк-тотор тили ва ғазита истилоҳларини ўргандик”, дея қайд этади².

Татар муаллими А.Саидийнинг бухоролик болаларни ўқитишида бир муаммо бор эди. Бухоро ўқувчилари тожикзабон бўлиб, татар тилидаги китобларни тушунишлари мушкул эди. Шунинг учун муаллим А.Саидий ушбу ҳолатни ҳал қилиш мақсадида С.Айнийни ўз мактабига муовин қилиб олади. С.Айний “... муаллим билан Бухоро болалари орасинда таржумонлик вазифасини адо қила, ҳар бир дарсни тоторчадан форсчага таржима қилиб Бухоро болаларига ўкута эдим. Ушбу таржима қилгон нарсаларни ўз мактабимизга элтиб татбиқ қилдира эдим”, дея ёзади ҳамда кейинчалик нашр қилингон “Тартил ал Қуръон”, “Таҳзиб ал сибён” ва “Зарурият диния” каби китобларни ўша кунларда таржима қилганлигини қайд қилади³.

С.Айний Абдурахмон Саидийнинг ёрдами билан Туркия инқилобидан кейин нашр қилина бошлаган “Сироти мустақим” журналинини ҳам мутолаа қила бошлаганини қайд этган.

1909 йилда Бухорода истиқомат қилувчи татарлар Остонакул кўшбегидан Говкушон мадрасасининг ғарбидаги шифоҳона биносини олиб, уни таъмирлаб, Холид Бурнашев уйидаги мактабни шу ерга кўчирадилар. Бухоро ҳукумати розилиги билан кўчирилган ушбу татар

¹ Айний С. Бухоро инқилобининг тарихи... – Б. 41.

² Айний С. Бухоро инқилобининг тарихи... – Б. 42.

³ Айний С. Бухоро инқилобининг тарихи... – Б. 43.

мактабига 50 нафардан ортиқ бухоролик ўқувчилар қабул қилинади. Бу ҳолга чидай олмаган мутаассиб уламолар татар мактабини ёпишни сўраб Бухоро ҳукуматига мурожаат қиладилар. Бухоро ҳукумати эса “Тоторлар рус рабияси ва Русия элчисининг ҳимоясида бўлдиқларидин биз бу ишга жасорат қила олмаймиз”, дея жавоб берадилар. Шундан сўнг уламолар мулла Қамар воситаси билан Россия императорининг Бухородаги агентлигига мурожаат қиладилар. Россия императорининг Бухородаги агентлиги бухоролик ўқувчиларни татар мактабидан хайдаб чиқариш бўйича Бухоро ҳукуматига кўрсатма беради¹.

Шу билан татар муаллимлари томонидан бухоролик болаларни ўқитиш ишларига барҳам берилади. Садриддий Айний бу воқеани таассуф билан “... Бухоро болалари тотор мактабидин ҳам маҳрум қолдилар. ... императур вакиллари ... тоторлар билан туркистончиларнинг бир ерда қўшулуб ўқушлариға асло ризо кўрсатмас эдилар. Бу иш ёлғуз Бухородағина эмас, рус идорасиға киргон Туркистоннинг бошқа шаҳарларида ҳам ҳол шундоқ эди²”, дея қайд этган эди.

Хулоса ўрнида қайд этиш жоизки, С.Айний ўзининг “Бухоро инқилоби тарихи” асарида Бухоро амирлигида XX асрнинг бошлари юз берган муҳим сиёсий жараёнлар ҳамда инқилобий жараёнларни мактаб, хусусан янги усул мактаблари ва жадидчилик ҳаракати билан боғлайди. Мазкур асарни чуқур илмий тадқиқ этиш тарихчи олимларнинг олдида турган муҳим вазифалардан биридир.

АБДУХОЛИҚ ҒИЖДУВОНИЙ УСТОЗИ - ХОЖА АБУ ЯЪҚУБ ЮСУФ АЛ-ҲАМАДОНИЙ ҲАҚИДА

Нуннанова Гулзода Бекнўлатовна

*Навоий давлат педагогика институти, ўқитувчи
+99890 732-19-30, g.nunnanova77@mail.ru*

Тасаввуф инсоният рухий-маънавий дунёсининг энг сермазмун халқаси ҳисобланиб, ўзида юксак ахлоқий қоидалар, маънавий хислатлар, хулқ атвор нормаларининг муайян тизимини ишлаб чиққан диний-фалсафий таълимот сифатида юзага келган. Манбалардан маълумки, улуғ мутасаввифлар ахлоқий тамойилларни нафақат назарий жиҳатдан таҳлил қилишган, балки ўзлари амалда ушбу рухий камолот йўлини босиб ўтиб бошқаларга намуна бўлишган. Шу билан бирга шогирдларга муршид сифатида раҳнамолик қилиб, уларни ҳам комилликка даъват этганлар. Муршид (араб.-йўл кўрсатувчи)-тасаввуфда тариқат одобларидан сабоқ берувчи пир, шайх ва устоз³ саналади. Маънавий-маърифий аҳамиятга эга

¹ Айний С. Бухоро инқилобининг тарихи... – Б. 68-69.

² Айний С. Бухоро инқилобининг тарихи... – Б. 69-70.

³ Зухриддин Ҳусниддинов таҳрири остида. Ислом энциклопедия. “Ўзбекистон миллий энциклопедияси” Давлат илмий нашриёти. 2004. 168-бет

ахлоқий тамойиллар бизгача мутасаввифларнинг нодир асарлари, шунингдек шогирдларнинг ўз устозлари ҳақида ёзиб қолдирган маноқиб ва мақоматлар орқали етиб келган.

Тасаввуф таълимоти, унинг Марказий Осиёда шаклланиш ва ривожланиш тарихи ҳақида қўлёзма ва тошбосмалар мавжуд бўлиб, муҳим манбалардан Фахруддин Али Сафийнинг «Рашаҳот айн ул-ҳаёт»¹ асарида Шайх Юсуф Ҳамадоний ва унинг халифалари ҳақида умумий маълумотлар берилган. Шунингдек Абдурахмон Жомийнинг «Нафаҳот ул-унс мин ҳазарот ал-қудс»², Алишер Навоийнинг «Насойим ул-муҳаббат», Дорошукуҳнинг «Сафинат ул-авлиё»³, Тоҳир Эшоннинг «Тазкирай нақшбандия»⁴, Носириддин Тўранинг «Тухфату-з-зоирин», Абулқосим Самарқандийнинг «Қандия», Абу Ҳафс Насафий, Шайх Зинда Али, Муҳаммад Олим Сиддиқий⁵ асарларида келтирилган маълумотлар ҳам Юсуф Ҳамадоний ҳаёт тарзи, тасаввуфий таълимоти, маънавий мероси, Марказий Осиё тасаввуфи шаклланиши ва тараққиётидаги ўрнини тўғри баҳолаш ва илмий тадқиқ этишда муҳим ҳисобланади. Алишер Навоийнинг «Насойиму-л-муҳаббат»ида у зот «...имом, олим, орифи раббоний, гўзал ҳоллари, кўп эҳсонлари, юксак каромат ва мақомотлари бор эди» дея таърифланган. Жумладан Абдуҳолик Ғиждувонийнинг устози Юсуф Ҳамадонийга бағишлаб ёзган «Мақомоти Юсуф Ҳамадоний», «Рисолайи шайх аш шуоҳ Ҳазрати Хожа Юсуф Ҳамадоний» рисолалари, ҳамда «Мақсад ас-соликин»⁶ асарлари ҳам Юсуф Ҳамадоний ҳаёти ва тасаввуфий таълимотини таҳлил этишда алоҳида аҳамиятга эга.

Тарихий манбаларда келтирилишича, Марказий Осиёда илк тасаввуф мактабининг вужудга келиши Абу Яъқуб Юсуф ал-Ҳамадоний ал-Бузанжирдий номи билан боғлиқ. Манбалар⁷да Юсуф

¹ Қаранг: Али Сафий. Рашаҳот айн ул-ҳаёт // Ҳаёт булоғидан қатралар // ҳижрий 909/ мил.1504/йилда Ҳиротда форс тилида ёзилган, Хоразмда ўзбекчага таржима қилинган ЎзРФА Шарқшунослик институтининг қўлёзмалар хазинаси. №632.

² Абдурахмон Жомий. Нафаҳоту-л-унс мин ҳазаротул қудс // ЎзФАШИ. Қўлёзма №4409;

³ Муҳаммад Дорошукуҳ «Сафинат ул-авлиё». Канпур. 1900.

⁴ Тоҳир Эшон. Тазкирай нақшбандия. ЎзРФА Шарқшунослик институти қўлёзмаси №856

⁵ Абу Ҳафс Насафий. Қандия ёхуд китоб ул қанд фи тарихи Самарқанд -Т.: Минҳож, 2005,

Шайх Зинда Али. Самарату-л-машойих. ЎзФАШИ. Қўлёзма.№2619;

Муҳаммад Олим Сиддиқий. Ламаҳот мин нафаҳоти-л-қудс. ЎзФАШИ. Қўлёзма №495, 10567.

⁶Қаранг: Абдуҳолик Ғиждувоний. Мақсад ас-соликин//, ЎзФАШИ Вухоро markazi. Inv..№2080; Абдуҳолик Ғиждувоний. Мақомоти Юсуф Ҳамадоний,ЎзФАШИ, Қўлёзма.№2533, 20-3 б (Абдуҳолик Ғиждувоний. Мақомоти Юсуф Ҳамадоний / Таржимон. Сайфиддин Сайфуллоҳ ва Нодирхон Ҳасан.-Тошкент, 2005).

⁷ Салоҳ ибн Муборак ал-Бухорий. Анису-т-толибийн ва уддату-с-солихийн// ЎзФАШИ. Қўлёзма №2520/1;

Ҳамадонийнинг таваллудлари, устозлари, Ҳамадондан Мовароуннаҳрга келиш сабабларидан тортиб, ҳаёти, тасаввуфий таълимоти, ҳамда Самарқанд ва Бухорои Шарифда сўфийлик мактабига асос солиб, Абдуҳолиқ Ғиждувоний ва Яссавий каби тариқат пирларига ушбу мактабда устозлик қилганликлари, Қуръон ва Суннат, ҳадис, тасаввуф илмидан уларга сабоқ берганлиги ҳам батафсил ёритилган. Юсуф Ҳамадоний таълимоти Марказий Осиё тасаввуфи, хусусан хожагон ва яссавийлик тариқат мактаблари шаклланиши ва ривожда муҳим ғоявий асос бўлган. “Шайх Юсуф Ҳамадоний милодий 1048 йили Ҳамадон шаҳри яқинидаги Бузанжирд қишлоғида таваллуд топган. У Шайх Абдуллоҳ Жўёний, Шайх Ҳасан Симноний, Шайх Абу Али Формадийдан таълим олган, замонасининг Шайх Ҳамидуддин Мўлтоний, Шайх Абдулқодир Гилоний(Ғавс ул-Аъзам), ҳужжат ул-ислом Имом Ғаззолий сингари бузрукворлари билан суҳбат қилган. У зоҳирий(тафсир, фикҳ, ҳадис) ва ботиний(тасаввуф) илмини пухта эгаллайди”¹. Манбаларда Хожа Абу Яъқуб Юсуф Ҳамадонийнинг вафотлари 1140 йил эканлиги қайд этилган.

Хожа Юсуф Ҳамадоний таълимотининг моҳияти «Рутбат ул-ҳаёт», «Кашф», «Рисолаи одоби тариқат», «Рисолаи фи алалковна мусаххарун лил инсон» ва «Рисолаи дар ахлоқ ва муножот» каби рисоаларда ёритилган бўлиб, ушбу рисоаларнинг муаллифи Юсуф Ҳамадонийдир. Шу билан бирга шайх аш шуюх Юсуф Ҳамадоний таваллуди ҳаёти, ахлоқ ва шамоили, тариқат сулуклари, қоидалари ҳақидаги муборак ўғитлари шайхнинг Самарқандга келиш сабаби ва вафоти тарихи ҳақида муфассал маълумот берувчи манбалардан бири шайхнинг тўртинчи халифаси бўлмиш Хожа Абдуҳолиқ Ғиждувонийнинг ўз муршидига бағишлаб ёзган «Мақомоти Юсуф Ҳамадоний», «Рисолаи шайх аш-шуюх Ҳазрати хожа Абу Юсуфи Ҳамадоний» рисоаларидир. «Мақомоти Юсуф Ҳамадоний» рисоласининг қўлёзмаси Ўзбекистон Республикаси Фанлар Академияси Абу Райҳон Беруний номидаги Шарқшунослик институти қўлёзмалар хазинасида 2533 рақами, жумладан иккинчи «Рисолаи шайх аш-шуюх Ҳазрати хожа Абу Юсуфи Ҳамадоний» рисоласи ҳам мазкур институтнинг қўлёзмалар хазинасида 3001 рақами остида сақланади. Мақолада Абдуҳолиқ Ғиждувонийнинг устозига бағишлаб

Муҳаммад ибн Муҳаммад ибн Маҳмуд ал-Ҳофизий ал Бухорий. Рисолаи Кудсия//ЎзФАШИ. Қўлёзма 2517/VII; Яъқуб Чархий. Силсилаи нақшбандия. //ЎзФАШИ. Қўлёзма.№3410/III; Абдурахмон Жомий. Лавоих// ЎзФАШИ. Қўлёзма.№9784/IX; Алишер Навоий. Насоим-у-л муҳаббат ЎзФАШИ. Қўлёзма.№ 5420; Носириддин ибн Амир Музаффар. Тухфату-з-зоириин//ЎзФАШИ. Қўлёзма.№2193/I; Абдуҳолиқ Ғиждувоний Васиятнома. ЎзФАШИ. Қўлёзма.№3844; Тоҳир Эшон. Тазкираи нақшбандия. ЎзРФА Шарқшунослик институти қўлёзмаси №856 ва ҳ.к қўлёзмалар

¹ Ориф Усмон. Шайх Юсуф Ҳамадоний// Сино-2001-№4, 14 б

ёзган «Мақомоти Юсуф Ҳамадоний» (ЎзФАШИ, Қўлёзма.№2533) рисоласининг устоз Сайфиддин Сайфуллоҳ ва Нодирхон Ҳасанлар томонидан таржима қилинган нусхасига таяндик.

«Мақомоти Юсуф Ҳамадоний» рисоласининг муқаддимасида Хожа Абдуҳолик Ғиждувоний ўзининг шайхлар шайхи билан қай тарзда учрашганлигини эътироф этади «Ким бир нарсани истаса ва жидду жаҳд қилса, албатта, уни қўлга киритади» ҳадисининг тўғри ҳукми ва «Аллоҳ Ўзининг бу нурига ўзи ҳоҳлаган кишиларни ҳидоят қилур»(Нур сураси, 35-оят) оятининг равшанлиги билан муридлик бошимни у валийлик сардори, ҳидоят куббаси ва Ҳамадонлик муршид, шайхлар шайхи Шайх Юсуф Ҳамадоний (унга Аллоҳнинг раҳмати бўлсин) оёғига қўйдим. Иродат остонасининг эътикофчилари билан ва у ҳақиқат хонадоида севги даргоҳининг мулозимлари билан бу йўлга кирдим. Хизр алайҳиссаломнинг ҳавола ва тавсияси билан у авлиёлар султони бу ожиз заифни ва кучсиз фақирни қалб зикрининг талқини билан шарафлантирди»¹. Қатор қўлёзмалардаги Юсуф Ҳамадонийнинг етук шогирдларидан бири Абдуҳолик Ғиждувоний бўлганлиги ҳақидаги маълумотларга таянган машҳур немис шарқшуноси Аннемари Шиммель «Ислому оламнинг тасаввуфий таълимоти» номли китобида «Ҳамадонийнинг энг истеъдодли халифи-Абдуҳолик Ғиждувоний эдики, у ўз муршидининг таълимотини тарғиб этиш, тарқатиш билан бирга, ўзи тасаввуфнинг Хожагон тариқатига янгиликлар киритган...»²лигини таъкидлайди.

Хожа Юсуф Ҳамадоний ахлоқий таълимотининг моҳияти, фалсафий-ирфоний асослари, маънавий-ахлоқий масалалар бўйича илгари сурган фикрлари билан танишишда «Мақомоти Юсуф Ҳамадоний» рисоласи ғоят қимматлидир. Мазкур рисолада Абдуҳолик Ғиждувоний устозининг ҳаёт тарзи, инсонларга кўрсатган лутфумарҳаматлари, панд-ўғитлари, ибодат ва амаллари, ҳақ йўли сулукининг ўзига хослиги хусусидаги қарашларини аниқ ва гўзал равишда тасвирлаб беради. Мақомотни ўқиш жараёнида инсон кўз ўнгида маърифатда тенгсиз, зоҳиран ва ботинан пок, илоҳий ишққа элтувчи ахлоқий тамойилларни ҳаётининг асосига айлантирган ва инсонларни ҳақиқат йўлига бошлаган буюк сиймо гавдаланади. Дарҳақиқат Хожаи Жаҳон рисолада «Ҳазрати пайғамбар саллаллоҳу алайҳи вассаламни ишорати бўлгани боис, йўли пок бу буюк шайх ҳам дўстларини ва ўзига эргашганларни, яъни Ҳасан Андоқий, Хожа Абдуллоҳ Баррақий, Хожа Аҳмад Яссавий, Хожа Алийёна бу фақир Абдуллоҳ ибн Абдулжамил ва хизмат қилувчи бошқа дарвешларни ҳам набавий шариат шоҳқўчасига чақирардилар. Нафсоний орзуларга буйинсунишдан, бидъатдан, шариатга

¹ Хожа Абдуҳолик Ғиждувоний «Мақомоти Юсуф Ҳамадоний» Т. «Янги аср авлоди» 2005 11-бет

² Аннемари Шиммель. Мир Исламского мистицизма. М.1999. с 282

қарши чиқишдан, ботил ва фитна аҳлининг йўлидан ва муқаллидларнинг тақлидларидан муҳофаза этар, огоҳлантирардилар»¹ деб таъкидлайди. Мақомотда Хожа Юсуф Ҳамадонийнинг ўз асҳоблари билан Самарқанд шаҳрига келишлари Ҳизр алайҳиссаломнинг ишоратлари билан бўлганлигини таъкидлайди, яъни «Шайх Юсуф Ҳамадоний исмлари юқорида айтиб ўтилган азизлар билан бирга Самарқандга келдилар. Ғатфор туманининг Хушвуруд маҳалласида яшай бошладилар. Уч ой ўтиб, Хожа Ҳасан Андоқий ва Хожа Аҳмад Яссавийлар шайхнинг суҳбатига келиб қўшилдилар. Шайх уларга ҳам қалб зикрини талқин этдилар. Тўққиз ойдан кейин Хожа Абдуллоҳ Баррақий келиб, мурид бўлди. Бу азизларнинг даврида Самарқанд, ҳатто Амударё бўйидаги вилоятлардан тортиб, Қора Хожагача, Хоразм вилоятидан то Бадахшонгача бўлган минтақада бидъатчи ва нафсу ҳавосига тобеъ бўлган бирон эътиқоди бузук киши қолмади»². Ушбу эътироф Юсуф Ҳамадоний тасаввуфий таълимотининг қанчалик кенг кўлам касб этганлиги, ҳамда жамият ва инсонлар ҳаётига таъсир даражасининг юқори бўлганлигидан далолат беради. Юсуф Ҳамадоний сўфийлик мактабида таълим олган мутасаввифнинг шогирдлари Устозлари таълимотини давом эттириш билан бирга, унинг тасаввуфий ғояларини янада ривожлантириб, нафақат Марказий Осиё балки бутун мусулмон дунёси жамиятининг маънавий-маърифий, ижтимоий-ахлоқий ҳаётига кучли мафкуравий таъсир кўрсатган, тасаввуф тарихида энг тўғри ва мўътадил йўлдан иборат, бугунги кунгача яшаб келаётган тариқат мактабларига асос солдилар. Ушбу ва бошқа манбаларга, Ғарб ва Шарқ тасаввуфшунослигида олиб борилган илмий тадқиқотларга асосланиб, ҳақли равишда Марказий Осиё тасаввуфининг юзага келиши ва тараққий этишини Юсуф Ҳамадонийсиз тасаввур қилиш қийин деб айта оламиз.

Хожаи Жаҳон мақомотда устози сурати ва сийрати ҳақида ёзар экан, у кишининг мулоим сўзли, бировга оғирини туширмайдиган (яъни хизматини буюрмайдиган) сахий, валийлигини намойиш қилмайдиган камтар, кимдан бир яхшилик кўрса, бир неча баробар қилиб қайтарувчи, мусулмонларга кўли ва тили билан зиён етказишдан сақлангувчи, бечораларга доимо ёрдам берувчи батамом Қуръоний ахлоққа эга бир зот сифатида таърифлайди. Доимо ҳазратнинг халқ ичида бўлиб, уларни ислом дини ва унинг амалларидан хабардор этар, тушунтирарди деб маълумот беради. Бу айни хожагон (кейинчалик нақшбандия) тариқат аҳлининг амал қилувчи асосий одоб қоидаси(рашҳа)ларидан бири, Юсуф Ҳамадоний томонидан ишлаб чиқилган “Хилват дар анжуман” (ботинда Ҳақ билан, зоҳирда халқ билан бўлиш)нинг ҳаётдаги амалий ифодаси эди. Бунда биз халқни тўғри йўлга даъват этиш ва ҳар жиҳатда шахсан ибрат бўлишлик,

¹ Ўша асар (“Мақомоти Юсуф Ҳамадоний”) 12-бет

² Ўша асар 28-бет

уларни оғирини енгил қилиш, риёдан сақланиш, инсонларга нисбатан бағрикенглик ва камтарлик каби инсонийлик фазилатларини намоён этган аҳли тасаввуфнинг жамият ижтимоий-ахлоқий ҳаётига муҳим таъсир кўрсатганлигини кўрамыз.

Мақоматда келтирилган Ҳазрат Юсуф Ҳамадоний ҳақидаги «этиكدўзлик ва деҳқончилик билан шуғулланар, Ҳақ Таоло нима берса, камбағал, етим-есир, ғариб, бемор ва аёлманд (серфарзанд) муҳтож, йўқсил оилаларга тарқатар эдилар. Умрларида бирор марта тиланчилик қилмаган, муридларини бундан қайтарардилар»¹ деган маълумотлар Юсуф Ҳамадоний тасаввуфий таълимотидаги ғояларга аввало шайхнинг ўзи амал қилганлигини ифодалайди. Кўриниб турибдики, Юсуф Ҳамадоний тасаввуф тарихида тасаввуфий, ирфоний-фалсафий масалаларда назарий асарлар яратиш билан бир қаторда, тасаввуф таълимотининг амалий ҳаётида яшаган, сўфийлик мактабини барпо этиб, Марказий Осиёда тасаввуфий қарашлар ва таълимотлар юзага келишига асос солган. Шу ўринда инглиз тадқиқотчиси Тримингем Ж.С. эса ўзининг “Исломда сўфийлик мазҳаблари” китобида хожагон-нақшбандия ҳақида “мазкур тариқатнинг бошловчиси Абу Яъқуб Юсуф ал-Ҳамадоний ҳисобланади..”² деб таъкидлаганликларини мисол сифатида келтириш мумкин. Тасаввуф тариқатлари мутасаввифларининг амалий ҳаётида бирор касб-хунарни эгаллаш орқали ҳалол ризқдан баҳраманд бўлишга ҳаракат қилиш сулукнинг асосий талабларидан биридир. Юсуф Ҳамадоний аввало, ўзлари бу талабга риоя қилиб, шогирдларини шу йўлдан бошлаганлар. Абдуҳолик Гиждувонийнинг «Мақомати Юсуф Ҳамадоний» рисоласида устози ҳақида “Ҳеч кимни ва ҳеч нарсани камситмас эди. Бировнинг насибасига ва луқмасига кўз олайтирмас, тўсқинлик қилмас эди. Халқни ҳалолдан кийишга ва ҳалол меҳнат билан кун кечиришга ташвиқ этарди” дея ёзиб қолдирган маълумотлари Юсуф Ҳамадоний таълимотида ҳалолликнинг қанчалик аҳамият касб этганлигини ифодалаб турибди. Юсуф Ҳамадоний маънавий ахлоқий қарашларидаги ушбу жиҳатларни бугунги кунда ҳам тарбиявий аҳамияти каттадир. Юсуф Ҳамадоний таълимотидаги ҳалоллик, ҳалол луқма хусусидаги қарашларнинг негизи албатта аввало ислом дини ва унинг асослари Қуръони Карим, суннат, ҳадис ва шаръий аҳкомларга таянади. Мутасаввифнинг халқни ҳалолдан кийишга ва ҳалол меҳнат билан кун кечиришга ташвиқ этиши, жамиятни ичдан емирадиган, шахсни ахлоқий жиҳатдан инқирозга учратадиган, ҳар қандай давлатни ривожига тўсқинлик, ҳамда инсонларнинг ҳуқуқ ва манфаатларига даҳл қиладиган, бугунги кунда халқро даражада ижтимоий иллат саналган коррупцияга қарши курашишда, жамиятнинг барча қатламида коррупцияга тоқатсизликни шакллантиришда таянишимиз лозим бўлган ғоя

¹ Ўша асар 16-17 бет

² Тримингэм Д. Суфийские ордена в исламе. (Пер. с английского). Москва Наука 1989 с 61

хисобланади. Халқимизнинг ҳар бир вакилида луқмада, касбини ва лавозим вазифаларини адо этишда, шунингдек кундалик турмуш тарзида ҳаллолликка риоя қилишлик дунёқарашини шакллантириш бугунги кундаги долзарб муаммолардан биридир. Чунки жамият ҳаётидаги аксарият муаммоларнинг илдизи ва сабаблари ҳаллолликни четлаб ўтадиган, бировнинг ҳаққидан кўркмайдиган, ўз манфаати йўлида ҳар қандай адолатсизликдан қайтмайдиган, нафсига қул бўлган кимсаларнинг хатти ҳаракатларига бориб тақалади. Жамиятда ҳақсизлик бўлмаслиги, адолат таъминланиши, халқимиз соғлом ва ҳалол, фаровон турмуш тарзида яшашлигига, қачонки инсонлар қалбида ҳалоллик уруғи экилгандагина эришиш мумкин. Зеро, тозариш аввало инсон қалбидан бошланади. Шунинг учун жамиятимизнинг ҳар бир аъзоси ҳалолликни қадрият деб билиши ва амал қилиши зарур. Бу эса ўсиб келаётган ёш авлод учун ибрат намунаси вазифасини бажаради. Ҳалоллик ҳақидаги дин, турли фалсафий, тасаввуфий таълимотлар ва қабул қилинган қонунларга амал қилинмас экан, улар фақат китобларда ёзилган чиройли ғоялар туркумидан иборат бўлиб қолади. Чунки инсон ва жамият тараққиётига, аввало ҳалоллик ҳақидаги ғояларга амал қилинсагина эришишимиз мумкин. Бу борада Юсуф Ҳамадоний тасаввуфий таълимоти, ҳаллолик ва унга амал қилиш ҳақидаги қарашларидан таълим ва тарбияда фойдаланишимиз айна муддао деб ҳисоблаймиз. Зеро, Хожаи Жаҳон буюк эҳтиром билан устозини кўнгилдан севувчи ва севилувчи, сидқу сафо аҳлига мансуб бир инсон сифатида таърифлайди, ҳамда тариқат аҳллари ва инсонларни бежиз Юсуф Ҳамадонийдек ҳаёт йўлидан боришга даъват этмаган.

Рисоладаги ушбу маълумотларнинг қиммати шундаки биринчидан, биз ҳазрат Юсуф Ҳамадонийнинг ҳаёти, сийрати, тасаввуфий, фалсафий-ирфоний таълимоти, иккинчидан, тариқат сулукларининг ўзига хослиги, учинчидан, Ҳақ ризоси ва маънавий комилликка эришиш йўлида солиқлар қандай амалларга риоя қилишлари хусусидаги, ҳамда солиқларнинг ўз ботинларини назорат этишларига доир берган панд насиҳатлари, тўртинчидан, Ориф Шайхнинг тариқат солиқлари ва ҳақ муҳтожларига етказилган ирфон ва маънавиятнинг келиб чиқиши тарихи ҳақидаги маълумотларга эга бўламиз. Шу нуқтаи назардан қараганда Юсуф Ҳамадоний диний-тасаввуфий қарашларини манбалар асосида холис ва илмий жиҳатдан ўрганиш зарурати келиб чиқади.

Умуман хулоса қилиб айтганда, «Мақомоти Юсуф Ҳамадоний» рисоласи Ҳазрат Шайх Юсуф Ҳамадоний таълимотининг Марказий Осиёда илк тасаввуфий тариқат сулуклари вужудга келишидаги ўрнини ёритиб беришда муҳим манбадир. Рисола билан танишиш асносида Ориф Шайх, комил инсоннинг фалсафий-ирфоний, маънавий-ахлоқий таълимотининг бутун кўлами намоён бўлади. Демак Юсуф Ҳамадоний сўфийлик мактабининг тасаввуф тарихида тутган ўрнини манбаларга таяниб ёритиш, шунингдек мутасаввиф таълимотини бугунги кун жамият

аъзоларини руҳий покликка етакловчи маънавий мерос сифатидаги аҳамиятини атрофлича тадқиқ этиш мақсадга мувофиқ саналади.

ЮСУФ ҲАМАДОНИЙ СЎФИЙЛИК МАКТАБИДА ЗИКР ТАЪЛИМИ

Нунанова Гулзода Бекнўлатовна

Навоий давлат педагогика институти, ўқитувчи

+99890 732-19-30, g.nunnanova77@mail.ru

Тасаввуфнинг ўзига хос хусусиятларидан бири шундаки, ушбу таълимотнинг ўзини ва Аллоҳни танишга аҳд қилган инсон учун ишлаб чиқилган ахлоқ кодекси ва ғоялари фақат назария сифатида қолмасдан, балки ўз тамойилларини тариқатлар йўли орқали амалий татбиқ этишидадир. Айнан шунинг учун ҳам тасаввуф таълимоти амалий ҳаётда тариқат деб аталади. Тариқат(араб.-йўл, усул)-сўфийликка хос тушунча. Уч маънода ишлатилади:1) умуман сўфийлик йўли; 2) сўфийликнинг муайян тармоғи, йўналиш; 3) сўфийлик босқичларидан бири¹. Манбалардан маълумки, тасаввуф тараққиётида турли тариқат мактаблари шаклланган ва кенг миқёсда тарқалган. Ўз тариқат мактабларига ва таълимотларига асос солган шайхларнинг кароматлари, сийратлари, ҳаёт тарзи, одоблари юксак ахлоқ намунаси сифатида қабул қилинган. Кўриниб турибдики тасаввуф шайхлари пайғамбаримиз Муҳаммад Мустафо(с.а.в)дан кейинги халқнинг маънавий раҳбари, тарбиячиси даражасида фаолият юритганлар. Тариқат мактаблари таълимотларининг ғоявий асоси Исломи дини ва фалсафасига таянган, шариат аҳкомларига кўра яшаш эса аҳли тасаввуфнинг турмуш тарзида тўлақонли намоён бўлган. “Аҳли тасаввуф орасида “Аввал Қуръони карим, суннатда тасаввуф” деган фикр тасодифий айтилган ёки дунёни руҳоний кўришнинг натижасигина эмас, балки «тасаввуф илми ва амалиётида ҳам тасдиқланган ҳолдир. Чунки аввали илм Қуръони Каримдадир, амал пайғамбарнинг суннатларини давом эттирмак, ихлоснинг боши эса иймондир. Оллоҳнинг ягоналигига, биру борлигига иймон келтириш - калимаи шаҳодат (“Ла илаҳа иллаллоҳу Муҳаммаду-р- расулуллоҳ”, яъни «Оллоҳдан бошқа илоҳ йўқ, Муҳаммад унинг элчиси»)ни билиш ва англашдан бошланади”². Хўш аҳли тасаввуф деганда кимларни айта оламиз? “Ҳам “яссавия”, ҳам “нақшбандия” тариқатларининг маънавий отаси бўлмиш Юсуф Ҳамадоний таълимотига кўра, ўзининг тамом фикри-зикрини Оллоҳ-таолонинг висолига етишишга бағишлаган, бундай эзгу ва нажиб йўлда поклик, тўғрилиқ, ҳалоллик, ўз қўл кучи ва пешона тери, ҳалол меҳнати билан кун

¹ Зухриддин Ҳусниддинов таҳрири остида.“Ўзбекистон миллий энциклопедияси” Давлат илмий нашриёти.2004. 222-бет

² Болтабоев Х.Исломи тасаввуфи манбалари (Тасаввуф назарияси ва тарихи).- Т.:Ўқитувчи, 2005 4 б

кечирадиган, ҳар томонлама камолотга эришган инсонларгина аҳли тасаввуф деб аталиши мумкин”¹.

Тасаввуф таълимотида маънан камолга етишда инсоннинг қалб ва руҳият, нафс тарбияси билан бирга доимо ўз хотирини, ўй-хаёллари ва истакларини назорат этиши муҳим эканлиги таъкидланган. Зеро, “тасаввуф аҳли, яъни мутасаввуфларнинг асосий мақсади олам сиру асрорларини билиб олишдир. Донолар – ҳақимлар мутасаввуфларнинг ақидасича оламдаги энг мураккаб асрор жумбоқлардан бири инсоннинг ўзи ҳисобланади”². Шунинг учун ҳам тариқат сулукларида руҳий камолот сари интиланган солиқни зикр мақомига эришишига алоҳида эътибор берилган. Тариқат аҳли Қуръони Карим ва Ҳадиси шарифлардаги «Албатта, Аллоҳнинг зикри барча нарсадан улуғдир» (Анкабут сураси, 45 —оят), «Ей имон келтирганлар, Аллоҳни кўп зикр қилингиз ва эртаю кеч унга тасбеҳ айтингиз» (Ахзоб сураси, 41 – 42- оятлар) каби ояти карималарга таяниб Ҳақни зикр қилмасдан туриб, солиқ қалбида Аллоҳни мушоҳада эта олмайди деган қарашни илгари сурган. Чунки зикр ибодати солиқ кўнглига келадиган ҳар қандай ўткинчи хаёл, ҳавасларни йироқлаштирган. Мутасаввуфлар кўнгил нури фақат Аллоҳни зикр қилиш билангина ҳосил бўлади деганлар. Кўриниб турибдики, инсон камолот мақомларининг ўзаги бўлганлиги боис, тасаввуф таълимотида зикр алоҳида аҳамиятга эга бўлган. Илоҳиётчилар Аллоҳни ёдга олиш зарурлигини Қуръони Каримнинг “Аллоҳни зикр қилиш билан қалблар ором олур” (13:28) деган ояти билан боғлайдилар. “Зикр тушиш (араб. ёдга олиш, эслаш)- тасаввуфда худони ёдга олиш”³. Демак зикр сўзлаш, баён қилиш, хотирлаш, хотирдагини унутмаслик маъносини англатувчи арабча сўз. Зикр ғафлат ва эсдан чиқаришнинг зидди сифатида тадбиқ этилган бўлиб, тасаввуфдаги ҳар бир тариқатда, ҳар бир тасаввуф аҳлининг назарида инсон маънавий камолотга эришиши йўлидаги барча қоида, усул ва одобларнинг боши саналган. Шунинг учун тариқат шайхлари шогирдларнинг зикр таълимига алоҳида ёндошганлар ва зикр борасида тасаввуф аҳлининг умумий маънодаги “зикр-шайтонга қарши энг кучли ҳимоя ва қурол, инсоннинг тафаккур ва маърифатини ривожини таъминлайди, турли ёмонликлар, хатоларнинг олдини олиб, кўнгилга қувонч, яратгувчига муҳаббат ўйғотади” каби қарашлари юзага келган. Тасаввуфда “Зикр овоз чиқариб (зикр ал-жаҳрий) ва овоз чиқармасдан

¹ Академик М.М.Хайруллаев таҳрири остида. Ўзбекистонда ижтимоий-фалсафий фикрлар тарихидан лавҳалар. Т.: “Ўзбекистон”, 1995. 104 бет

² М.Н.Болтаев. Хўжа Абдулхолиқ Ғиждувоний инсондўст ҳақим, рифъат шайх.Бухоро.1994 4-5-бет

³ Зухриддин Ҳусниддинов таҳрири остида.“Ўзбекистон миллий энциклопедияси” Давлат илмий нашриёти.2004. 93 б

(зикр ал-хафий) тушилади”¹. Ҳар иккала зикр тартиби пайғамбаримиз Муҳаммад Мустафа саллолуҳу алайҳи вассаламдан мерос ҳисобланади. Шу билан бир қаторда “тасаввуфда зикр икки қисмга ажратилган: “зикри омма”, иккинчиси “зикри хос”. Зикри омма савобни қўлга киритмоқ нияти ила амалга оширилади, аммо зокирнинг табиатидаги ёмон хислатлар, айтайлик, кибр, ғурур, риё, ҳирс, ғазаб, қаҳр, макр кабилар бутунлай, яъни таг-туби билан барҳам топмаган бўлади. Хосларнинг зикри бунинг акси: унда нафс тамоман мағлуб этилади ва қалб маърифат, муҳаббат нурлари билан ёришиб, тилда ҳам, дилда ҳам Аллоҳ исми ва ишқидан бошқа ҳеч нима қолмайди. Аммо бундай улуғ ҳол соҳиби бўлмоқ учун қатъий интизом, сабр ва ихлос билан зикрга берилиш талаб қилинган”².

Хожа Абдулхолиқ Ғиждувонийнинг ўз муршидига бағишлаб ёзган «Мақомоти Юсуф Ҳамадоний», рисоласида устози Юсуф Ҳамадонийнинг тариқат сулуқлари ва зикр таълими ҳақидаги «Эй Абдухолиқ! Билгинки, Ҳақ йўлининг йўлчилиги, яъни сулук икки қисмидир: сулуки зоҳир ва сулуки ботин. Биринчиси, сулуки зоҳир бўлиб, у ҳар ҳолу корда илоҳий амир ва тақиқларга риоя этиш имкон доирасида диний мезонларни сақлаш ва нафс орзуларидан қочишдир. Ўз аъзоларини ҳавою нафсдан сақлаб, шариат худудида муҳофаза қилишидир. Иккинчи қисм бўлган сулуки ботин эса қалбни поклашга ҳаракат қилиш ва нафсоний ёмон сифатларни йўқотиш учун ғайрат сарфлашдир. Ботиний таҳорат-қалбнинг Ҳақ зикри билан гўё бўлишилиги учун зикрда беҳад жидду жаҳд қилиш. Бу зикр талқини дастлаб Ҳазрати Абу Бакр разийаллоҳу анҳунинг қалбига, ундан Салмон Форсийга, ундан Жаъфари Содикқа, ундан Султон Боязид (Бастомий)га, ундан Абул Ҳасан Ҳараконийга, ундан буюк шайх Абу Али Формадий Тусийга ва ундан эса бизга қадар етиб келган»³ мазмунидаги ўғитларини келтиради. Шу билан бирга мақомотда «Шайх Юсуф Ҳамадоний исмлари юқорида айтиб ўтилган азизлар билан бирга Самарқандга келдилар. Ғатфор туманининг Хушвуруд маҳалласида яшай бошладилар. Уч ой ўтиб, Хожа Ҳасан Андоқий ва Хожа Аҳмад Яссавийлар шайхнинг суҳбатига келиб қўшилдилар. Шайх уларга ҳам қалб зикрини талқин этдилар»⁴ деган таъкидидан Хожа Юсуф Ҳамадонийнинг зикр йўли ҳақида билиб оламиз. Демак, Ориф шайх жаҳрий зикр қилмаганлар. Бу ҳақда Абдулхолиқ Ғиждувоний мақомотда «Баланд овоз (жаҳрий) зикр қилмасдилар. Зеро, уларнинг замонида жаҳрий зикр йўқ эди»⁵ деб алоҳида

¹Зухриддин Ҳусниддинов таҳрири остида.“Ўзбекистон миллий энциклопедияси” Давлат илмий нашриёти.2004. 94 б

² Шайх Нажмиддин Кубро. Тасаввуфий ҳаёт (Таржимон ва нашрга тайёрловчилар: Иброҳим Ҳаққул ва Азиза Бектош) Т.: “Мовароуннаҳр”. 2004. 221 б

³ Хожа Абдухолиқ Ғиждувоний “Мақомоти Юсуф Ҳамадоний” Т. “Янги аср авлоди” 2005, 13 б

⁴ Ўша асар 28-бет

⁵ Ўша асар17-бет

таъкидлаган ҳам. Мутасаввифнинг қалб зикрига амал қилганлигини Юсуф Ҳамадонийнинг “Одоби тариқат” рисоласида “зикр мақомига эришганлар учун валийлик даражаси эҳсон этилди, зикрдан йироқлашганларни эса валийликдан маҳрум қилдилар. Ҳақиқий зикр қалб билан билан бўлади” деган фикрлари Абдулхолиқ Ғиждувоний мақомотда келтирган маълумотлари тўғри эканлигини ифодалайди. Зикрнинг қайси йўлига риоя этиши билан ҳам тасаввуфий тариқатларнинг жамоалари бир-биридан фарқланган. Яъни битта тариқат мактабига мансуб бўлсада, зикрда фарқли бўлган. Масалан бир устоз(Юсуф Ҳамадоний)дан таълим олган Аҳмад Яссавий ўз жамоаси билан зикрнинг жаҳрий(овоз чиқариб), Абдулхолиқ Ғиждувоний эса хафий(овоз чиқармасдан-ботиний) зикр йўлига амал қилишган. Ёки Баҳоуддин Нақшбанднинг устозлари Амир Кулол жамоасида жаҳрия зикрга амал қилингани ҳолда, улардан фарқли равишда Ҳазрат Баҳоуддин Нақшбанд хуфия зикр билан шуғулланганлар. Яссавия ва хожагон-нақшбандия тасаввуфий тариқатларининг маънавий-ғоявий отаси ҳисобланувчи буюк Шайх Юсуф Ҳамадоний ҳам “Одоби тариқат” рисоласида солиқ амал қилиши лозим бўлган, руҳий камолотга эришишнинг энг муҳим асоси сифатида зикрга алоҳида тўхталади. «Албатта, Аллоҳнинг зикри барча нарсадан улўғдир» (Анкабут сураси, 45 —оят), «Эй имон келтирганлар, Аллоҳни кўп зикр қилингиз ва эртаю кеч унга тасбеҳ айтингиз» (Ахзоб сураси, 41 – 42- оятлар) каби ояти карималарга асосланган ҳолда Ҳазрат Юсуф Ҳамадоний солиқ амал қилиши лозим бўлган «тўртинчи асос – зикр. Шуни билгинки, ибодат, тақво, риёзат ва мужоҳада сингари бир қанча йўллар бўлсада, аммо жаноби Ҳақни зикр қилмагунча ҳақиқат йўли очилмайди»¹ деб таъкидлайди. “Шундай экан, солиқ “Ла илаҳа иллоллоҳ”ни мадд (чўзиқ унли ҳарф) ларини чўзиб ўқийди, ботинини назорат остига олади. Кўнгилга келадиган Ҳақдан ташқари ҳар қандай ўткинчи фикр, хаёл ва хою-ҳавасларни мана шу калима (зикр усули) билан йироқлаштиради. Натижада, у қалбда Аллоҳ мушоҳада этилади. Бу калимани доимий такрорлаш билан унинг ҳақиқати шу қадар аён бўладики, бу ҳақда Қуръони Каримда айтилади: “Улар турганда ҳам, ўтирганларида ҳам, ётганда ҳам Аллоҳни эслайдилар” (Оли Имрон сураси, 191-оят). Ушбу оятда буюрилганидек, доимий зикр туфайли солиқ ўнгидан парда, зулмат ва хаёллар кўтарилади”². Шу ўринда Юсуф Ҳамадоний томонидан ишлаб чиқилган, солиқ оғишмай амал қилиши лозим бўлган “Хилват дар анжуман” (ботинда Ҳақ билан, зоҳирда халқ билан бўлиш) рашҳаси яъни одоб қоидаси доимий зикрни ифодалаганлигини кўриш мумкин. “Хилват дар анжуман”нинг моҳияти шундаки, “солиқ моддий борлиғи билан халққа

¹ Хожа Абдухолиқ Ғиждувоний “Мақомоти Юсуф Ҳамадоний” Т. “Янги аср авлоди” 2005, 81 б

² Хожа Абдухолиқ Ғиждувоний “Мақомоти Юсуф Ҳамадоний” Т. “Янги аср авлоди” 2005 81-82 б

аралашиб, турли башарий ва ижтимоий фаолиятларда қатнашиб, ҳаёт талаб қилаётган амалларни ижро этаётиб, қалбан доимо Аллоҳнинг ҳузурда эканини, Уни бир лаҳза бўлса-да эрдан чиқармаслигидир. Бу ҳол доимий зикр маъносини ҳам билдириб, зикрда эришиладиган энг охири босқич-мақомдир. Баҳоуддин Нақшбанд нақшбандиянинг тамалини “хилват дар анжуман” ташкил этишини таъкидлаган”¹ ва хилватга кўп рағбат кўрсатмаган. Бунинг боиси Баҳоуддин Нақшбанднинг “Хилватда шуҳрат бор, шуҳратда эса офат бор” деган изоҳидан англашилади. Юсуф Ҳамадонийнинг ушбу қарашлари билан Баҳоуддин Нақшбанд томонидан айнан шу хусусда билдирилган фикрларда уйғунлик мавжуд. “Баҳоуддин Нақшбанд инсон “Ҳуш дар дам”(муаллиф изоҳи: ушбу рашҳа аслан Юсуф Ҳамадонийга тегишли эканлиги манбаларда қайд этилган), яъни ҳар бир нафасда ҳушёр – Оллоҳдан огоҳ бўлиши, ғафлатни тарк этган бўлиши лозим. Нақшбанд зикрнинг ҳақиқати – ғафлат майдонидан чиқиб, мушоҳада фазосига киришидир, – дейди”². Демак, қалбни кераксиз хаёллардан, гуноҳга элтувчи ҳою ҳаваслардан халос бўлишида, ғафлатдан ўйғонишида зикр – Оллоҳни ёд этишнинг аҳамияти катта экан. Зеро қалби ўйғоқ инсонгина олам моҳияти ва ўзлигини мушоҳада эта олади. Шунинг учун тасаввуф таълимотида қалб тарбиясига, зикрга алоҳида эътибор берилган. Зикр фақат Аллоҳни ёд этишдан иборат бўлмасдан, инсон фикр ва туйғусини Аллоҳга йўналтириб, Унинг ризолигига сабаб бўладиган чиройли ва савоб амаллар қилишлиги, Аллоҳнинг ризосизлигига олиб келадиган гуноҳ саналувчи хатти-ҳаракатларни қилмаслигида аҳамиятлидир. Ўз даврида жамиятнинг маънавий-маърифий, ижтимоий-ахлоқий муҳитини мувозанатда сақланишига кучли таъсир ўтказган тасаввуф таълимотини ҳақли ва асосли равишда халқимиз маънавиятини бойитиб келган инсоншунослик илмларидан биридир дея эътироф эта оламиз. Чунки инсоннинг зоҳиран ва ботинан покланиши, рухий-ахлоқий камолоти, илоҳий ишқ билан юксалиб бориб, Аллоҳ тажаллийси зухур этадиган улуғ даражада қалбан покланиш, ботинда Холиқ билан, зоҳирда эса халқ билан бўлиб, жамият ва инсоният тараққиёти йўлида хизмат этиш, инсонлар оғирини енгил қилиш бу таълимотнинг асосий ғояларидир. Дарҳақиқат тасаввуф таълимотидаги инсонпарварлик, адолатли бўлиш, ҳаёт тарзида ҳалоллик ва покдомонликни муҳим мезон сифатида олинганлиги, нафсда сокинлик ва мўътадилликка риоя этиш, кибрдан холи кўнгил соҳиби бўлишликка интилиш каби ғоялар ҳақиқат ва Аллоҳга мўмин бандаликни истовчи одамлар қалбидан жой топди.

¹ Усмон Турар. Тасаввуф тарихи.-Т.:Истиқлол.1999. 109 б

² Наврўзова Г. Нақшбандия тасаввуфий таълимоти ва баркамол инсон тарбияси. Фалсафа фанлари доктори илмий даражасини олиш учун тайёрланган диссертациясининг автореферати.Т.: 2002. 31 б

XX АСРНИНГ 50-ЙИЛЛАРИДА БУХОРО ВИЛОЯТИДАГИ АВТОТРАНСПОРТ МУАММОЛАРИ

Мажидов Ж.Ж.

БухДУ, Жаҳон тарихи кафедраси ўқитувчиси.

Ўзбекистон тарихининг урушдан кейинги даврида собиқ Иттифок таркибига кирувчи Бухоро вилояти ва унинг ҳудудида транспорт тузилмаларининг ривожланиши ўз даври кўрсаткичларидан анча паст бўлиб, марказдан йироқлиги, шунингдек, бир томонлама иқтисодий ривожлантиришга бўлган интилиш, асоан хом-ашё етказиб берувчи ўлка сифатида қаралганлиги натижасида вилоят собиқ СССРдагина эмас, Ўзбекистон ССРда ҳам бу борада анча орқада қолган минтақалардан бири эди. Шундай бўлсада ўтган асрнинг 50-йилларида вилоятда юк ташиш ва ички ижтимоий-иқтисодий муносабатларни ривожлантириш масаласида қатор ишлар амалга оширилдики, бу қисман бўлсада мавжуд аҳволни яхшилаш имконини берди. Шундай бўлсада, Вилоятда транспорт соҳасида қатор камчиликлар мавжуд бўлиб, ўша даврдаги матбуот органлари, архив ҳужжатлари бу хусусда тўлиқроқ хулоса чиқариш имконини беради.

Энг аввало вилоятда йўл ва кўприкларнинг аҳволи қониқарли бўлмай бу аҳолининг ҳақли равишда норозилигига сабаб бўлган. “Бухоро ҳақиқати” газетасининг 1951 йил 22 апрель, якшанба кунги 80-сонида; Ромитан туман Далмун, Хатча, Челонғу қишлоқ советларидаги йўллар, кўприкларнинг бузуқлиги юзасидан аҳоли шикоят қилганлиги, газета бу борада текшириш олиб борганлиги, област йўл бўлими бошлиғи ўртоқ Флюк бу маълумотларни тўғрилигини тасдиқлаган. Аммо, ушбу мақола йўл қурилиш идорасининг чора тадбирларни кўриб, йўл-кўприкларни тузатгандан сўнг ёзилганлиги мақола матни мазмунидан англашилиниди¹.

Ўтган аср 50-йилларида вилоятнинг барча ҳудудларида ҳам йўллар ва кўприкларни тузатишга бирдек эътибор қилинмаган деб хулоса қилишга барча асослар мавжуд. “Бухоро ҳақиқати” саҳифаларидан бирида; Қизилтепа-Зарметан йўли ва кўприклари ремонт қилинмаганлиги учун кескин танқид остига олинган. Жумладан, Арабон қишлоқ советидаги Сталин ва Ворошилов номидаги колхозларида 15 та арава, 30 колхозчини йўл-кўприк тузатишга ажратилган бўлсада, колхоз раислари уларни йўл-кўприк тузатиш ишига чиқармаганлиги, Хўжа Ҳасан қишлоқ советида (раиси ўртоқ Кенжаев-Ж.М.)ги колхозларда ҳам арава ва автомобил йўллари ремонт қилинмаётганлиги, масъулларнинг бефарқлиги танқид қилиниб, район ижроия комитети раиси ўртоқ Сачоқов бу ҳақда кўп гапирсада жойлардаги мутасаддилар сусткашлик қилаётганлиги келтириб ўтилган².

¹ Йўл-кўприклар тез тузатилсин.//Бухоро ҳақиқати № 80 (3455). 1951 йил, 22 апрел.

² Баҳромов А. Пахта ташиладиган йўл ва кўприкларни ремонт қилишга эътибор берилмаётир//Бухоро ҳақиқати № 171. 1951 йил, 28 август.

Бухоро вилоятининг асосий хўжалик тармоғи пахтачилик бўлгани ҳолда автотранспортларни пахта мавсумида маҳаллий пахта пунктларидан пахтани тозалаш ва қайта ишлаш заводларига ташиш билан шуғулланиш Ўзхлоптранс корхонасининг Бухоро бўлими зиммасида бўлган. Ўша давр матбуот органлари саҳифаларида пахтани ташишда сусткашлик ҳолатларига йўл қўйилган корхона ва ташкилот раҳбарларининг кескин танқид қилинганлигини кўришимиз мумкин. Масалан, Ўзхлоптарнснинг Бухородаги колонаси раҳбарлари “Бухоро ҳақиқати”нинг 1952 йил 9 март сонидан кескин танқид остига олинган. Шунингдек, “Автомобилларнинг бўш туришига йўл қўйилмасин” сарловҳали мақолада Когон ва Бухоро пахта тозалаш заводларига маҳаллий пахта пунктларидан пахталарни ташиш ишлари яхши йўлга қўйилмаганлиги, юк машиналари бин неча соатлар (2-5 соатлаб-Ж.М.) бекор турганлиги, бу ҳолат бўйича 1951 йил Бухоро пахта тозалаш заводи директори Абдурахимов (81 минг сўм), Когон пахта тозалаш заводи директори Зоринлар (30 минг сўм) жаримага тортилсаларда, бу йил ҳам улар ўтган йилги хатоларини такрорлаётганликлари Когонда заводнинг ўзида ҳам машиналар соатлаб бекор турганлиги (птёвка ололмай-Ж.М.) ёзилган¹.

1954 йил маълумотларида областда 200 дан ортиқ ҳар хил автотранспорт машиналари колхозларга сотилган. Аммо, текширишлар Автомашиналардан унимли фойдаланилмаганлигини кўрсатган. 1954 йил охирида бу борада текшириш ишлари олиб борилган ва қатор камчиликлар аниқланган. Жумладан, Вобкентдаги бешта колхоз текширилганда уларда мавжуд бўлган 13 та юк автомашинасидан 8 таси ишлаётганлиги, 5 таси ҳатто тузатишга уринилмаганлиги, Октябрь, Молотов, Ленин колхозларининг ҳар бирида тузатилмаган 2 тадан автомашина мавжудлиги аниқланган. Ѓиждувондаги Файзулла Юнусов қишлоқ советидаги Ленин колхозида 1954 йил сентябридан-декабргача автомашиналар 5051 км масофада бўш юрганлар. Фришкентдаги Сталин колхозида шу даврда 7200 км, Бухоро район Фрунзе колхозида 3767 км масофа бўш юрилган. Кўп ҳолларда путевой (йўл) қоғози ёзилмаслиги аниқланган. Ѓиждувон Зарангаридаги Сталин колхози, Фришкентдаги Сталин колхозларининг раис ва бухгалтерлари путевойларга имзо чекмаганликлари аниқланган. Вобкетдаги Ворошилов колхозида ёқилғи сарфлаш бўйича ҳисоб-китоб ишлари юритилмаган. Колхозда тўртта юк машинаси бўлиб, уларни сақлаш учун гараж қурилмаган. ГАЗ-51 русумли 2 та машина эҳтиёт қисимлари олиниб, йўқотиб қўйилган. Вобкентдаги Қизил аскар колхозида 2800 кг ёқилғи ортиқча сарфланган. Ѓиждувондаги Калинин колхозида-250, Сталин-690 кг, Қорақўлдаги Октябрь колхозида 820 кг, Бухоро район Ленин колхозида 850 кг ортиқча ёқилғи сарфланган. Вобкент Роҳкент

¹ Иванов А. Автомобилларнинг бўш туришига йўл қўйилмасин.//Бухоро ҳақиқати № 50(4682) 1952 йил 9 март.

қишлоқ совети Сталин колхози правлениясининг маблағлари ёқилғи учун нотўғри сарфланган. Чунки, давлатдан эмас, хусусий қўлдан ёқилғи сотиб олинган. Бу орқали колхознинг 775 кг бензин хусусий қўллардан ҳар кг си 2 сўм 10 тийиндан сотиб олинган. Бу эса колхоз пулининг талон-тарож қилиниши деб баҳоланган. Ёждувондаги Ленин ва Каленин, Вобкентдаги Ворошилов колхозларида ҳам шундай йўл тutilган. Ёждувон Зарангари қишлоқ советидаги Сталин колхоз раиси Холов ва бухгалтер Эшовлар юк машиналари км ларини сунъий кўпайтириб, кўп миқдордаги ёқилғини ўзлаштирган. Масалан, колхоздан Когон темир йўл станциясигача бўлган бир рейс масофаси 140 км дан камроқ бўлгани ҳолда улар 260 км қилиб кўрсатганлар¹.

Нафақат юк машиналари, балки, йўловчи ташиш ишларида ҳам камчиликлар мавжуд бўлиб, бу аҳолининг ҳақли норозилигига сабаб бўлган. Ўша давр манбаларида қишлоқлар ўртасида йўловчи ташувчи автобусларнинг қўйилмаганлиги, қўйилганлари бир-икки ой ишлаб яна йўналишдан олинганлиги билан боғлиқ маълумотлар кўплаб учрайди. Карманадаги 34-сон автобаза раҳбарлари узок йўналишларга қатнайдиغان автомашиналар ишидан хабарсизлиги, назоратсизлиги, сабабли, айрим шофёрларнинг турли кирдикорлари ҳақли равишда аҳоли норозилигига сабаб бўлган. Жумладан, Кармана-Зиёвуддин йўналиши бўйича қатновчи шофёр А.Борисов (ЕО 56-28 рақамли) Автомашинасида йўловчиларга кўпол муамалада бўлиши, 26 февраль, 1957 йилда 24 ўринлик авиобусга 52 нафар кишини олгани, бунинг устига йўловчилардан пул олиб билет бермаган. Йўловчиларнинг эътирозига “Хушингиз бўлса шу бўлмаса тушиб қолинг” деб жавоб берганлиги, автобаза директори С.Я. Белскийнинг бу ҳолатга парвосизлиги матбуот саҳифаларида келтириб ўтилади². Бу каби ҳолатлар ўша давр матбуотида кўплаб учрайди. Ҳатто, вилоят маркази Бухоро шаҳрида ҳам автобуслар ва уларнинг аҳолига хизмат кўрсатиш даражасининг қониқарли эмаслигидан далолат беради. 1954 йил 10 январда чоп этилган “Бухоро ҳақиқати” газетасида; Бухоро автоинспексияси контораси танқид қилиниб, автобус кутиш жойларида йўловчилар учун шароитлар яратилмаганлиги, советлар уйидан пиллакашлик фабрикасигача, шунингдек, ВЛКПСМ XX йиллиги тикув фабрикасигача бўлган йўл бўйи астановкаларида скамейкалар қўйилмаганлиги, автобус кутиш жойлари усти ёпилмаганлиги ва ёзда иссиқ, қишда совуқ бўлиши, ёмғирда инсонларнинг қолиб кетиши билан боғлиқ муаммолар ёритилган³.

¹ Носиров Ф., Турсунов К. Кохозларда автотранспортлардан тўла ва тўғри фойдаланиш керак.//Бухоро ҳақиқати № 22 (5428). 1955 йил, 1 феврал.

² Хусанов Х. Йўловчиларга хурматсизлик.//Бухоро ҳақиқати № 53(5979). 1957 йил, 15 март.

³ Мирзаев Ш. Йўловчиларга ғамхўрлик қилинсин.//Бухоро ҳақиқати № 7(5154) 1954 йил, 10 январ.

Йўловчи ва юк ташишнинг аҳволи қониқарли эмаслиги сабабли, област ижроия комитетида ҳам бу масала кўрилишига ва бир қатор мутасадди раҳбарларга тегишли вазифалар юкланганлиги ва уларга ҳайфсанлар берилганлиги билан боғлиқ ҳолатлар архив манбаларида учрайди. Жумладан, 1956 йилги оближроқўмининг йиғилишида, 1956 йилда областда автомашиналарнинг кўпайганлиги таъкидлансада, уларнинг яроқлик даражаси 1955 йилга нисбатан анча паст эканлиги, ўтган йилга нисбатан юк машиналарининг яроқчилиги 14,3% пастлиги, област колхозларида 1072 та юк машиналари бўлиб, 1956 йил 1 июль ҳолатида 480 таси ёки 44,5% зи техник жиҳатдан носоз деб топилган. Кармана район Қизил Октябрь қишлоқ советидаги Свердлов колхозида 14 та машинадан 3 таси ишга яроқли. 2- бет. 18-автобаза (раҳбари Аракелов) 196 та автомашинасидан 80 таси ишга яроқли холос. 3-бет. № 18 (Аракелов), № 6 (Савельев), № 61 (Федулов), № 33 (Танташев) автобаза раҳбарлари ҳар оёи облсполкомни автомашиналар ҳолатидан хабардор қилиб туриш вазифаси юклатилган¹.

Кўриб чиқилаётган даврда, йўл қурилиши, юк ташиш ва аҳолига хизмат кўрсатишнинг аҳволи бошқа ҳудудларга нисбатан оғирлигининг яна бир сабаби соҳа мутахассисларининг етишмаслиги бўлиб, бу борада “Бухоро ҳақиқати” матбуот органи орқали маҳаллий аҳоли вакиллариини ушбу соҳага қизиқишини орттириш ва уларни таълим олиб керакли кадр бўлиб, юртига қайтиб келиб мавжуд аҳволни яхшилашга умид боғловчи мақола ва хабарлар кўплаб босилган. Хабарларнинг бирида; Автомобил ва йўл хўжалиги учун кадрлар тайёрлар муҳим масала эканлиги, Иттифоқда бир қанча олий ва ўрта таълим берувчи ўқув юртлари очилганлиги, Улар, Харьковда, Тошкентда, Челябинскда Автомобил-йўл техникумлари, Олма Отада, Фрунзеда, Тошкентда, Иркутскда, Хабаровскда, Қозонда, Черновицида, Ригада ва Житомирда техникумлар, келажакда ташкил қилиниши, Саратовда Бутуниттифоқ сиртқи Автомобил-йўл техникуми ташкил қилинганлиги ва уларда Бухороликларнинг таълим олиш имкониятлари хусусида тўхталиб ўтилган².

Хулоса қилиб айтганда, ўтган асрнинг 50-йилларида Бухоро вилоятида йўл қурилиш, юк ташиш ва аҳолига хизмат қилиш масаласида бир қатор ишлар амалга оширилиши билан бир қаторда кўплаб камчилик ва хатоликларга ҳам йўл қўйилди. Аввало, вилоятда бетон қопламали йўлларнинг мавжуд эмаслиги, йўл ва кўприкларнинг замон талабига жавоб бермаслиги, техника воситалари бўйича мутахассисларнинг етишмаслиги, асосан иқтисодий ҳаётда пахта яккаҳоқимлигининг кучайиб бориши каби қатор омиллар сабаб йўл-кўприк қурилиш ишлари, юк ва йўловчиларга хизмат қилиш ишларида қатор муаммолар мавжуд эди.

¹ Бухоро вилоят архиви 1023-фонд, 1-рўйхат, 999-йиғма жилд, 292 -варақ.

² Автомобил-йўл хўжалиги учун кадрлар тайёрлайдиган янги олий ўқув юртлари ва техникумлар.//Бухоро ҳақиқати № 209 (5356). 1954 йил, 20 октябр.

МУНДАРИЖА

О.Х.Хамидов. “Қадимий ва навқирон Бухоро - илм-фан ва маданият ўчоғи” 3

1-ШЎБА. БУХОРО АРХЕОЛОГИЯСИ, ЭТНОГРАФИЯСИ, НУМИЗМАТИКАСИ ВА ТОПОНИМИКАСИ..... 5

Курбонова М.Б., Норова Дилдова. Бухоро таом-егуликларини забт этган зираворлар	5
Очилов Алишер. XX асрнинг 30-40 йилларида Бухоро воҳасида олиб борилган археологик тадқиқотлар тарихи	10
Акмал Ўлмасов. Варахша деворий суратлари консервацияси тарихига доир	17
Исомитдинов Жорабек. Роъё ба маросими тольгузори нахустин хони манѓитњо-Муњаммад Рањимхон	21
Умаров Бахтишод. Н.А.Кисляков тадқиқотларида Бухоро амирлигидаги феодал ва қишлоқ хўжалиги муносабатларининг ёритилиши	26
Носирова Сория. Мозий дурдолари сўйлаганда - ёхуд матодаги битиклар	31
Утаева Феруза, Аббосов Аббосали. Археологик тадқиқотлардаги инновацион ҳамкорлик	33
Джураев Шерали. Сбор ювелирных изделий и создания выставки в Бухарском музее	39
Мубинов М.А., Шадиева В.Р. Корейская этническая единица в Бухаре: история появления и дальнейшая судьба.....	44
Хакимова Саида. XIX асрда Зарафшон дарёсининг гидрографик ўрганилиши тарихи	47
Джураев Шерали, Кабилов Шохрух. Монетные клады, найденные в бухарском оазисе (на основе книги приёма Бухарского музея)	49
Салохиддинова Д.З., Жураев З.З. Классификация архитектурных ансамблей и типы их происхождения.....	54
Ибрагимов Р.З. Қуйи Зарафшон ҳудудининг ўзлаштирилиш босқичлари тарихидан	60
Mirzayeva Diloromxon. Buxoro shahrining nomlanishi va etimologik tarixi ...	64

2-ШЎБА. БУХОРО ВОҲАСИДА ДАВЛАТЧИЛИК АСОСЛАРИ, ШАҲАРСОЗЛИК, МОДДИЙ ВА МАЪНАВИЙ МАДАНИЯТ МАСАЛАЛАРИ..... 67

Отахўжаев Азимхўжа. Бухоро воҳасида давлатчилик – бухорхудотлар давлати.....	67
Алламуратов Ш.А. Амударё бўйлаб Бухоро амирлиги қишлоқ хўжалик маҳсулотларининг ташилиши	72
Abdumalikova Muslima. Interethnic harmony is an important factor in the socio-political development of Uzbekistan	76

Baqoyev Umidjon, Jamolova D.M. Ashtarxoniylar sulolasi va Hindiston davlati tashqi aloqalari.....	79
Amonkeldi Axmatov. XX asr 50-yillarida Buxoro adabiy muhiti	84
Шодиева Шахло. Бухоро амирлигидаги ижтимоий қатламлар фаолияти (XIX аср иккинчи ярми – XX аср бошлари).....	87
Нормуродова Г.Б. Мирза Насруллоҳбий қўшбеги – ислохотпарвар вазир. 94	
Бобоев Феруз. Бухоро областида коллективлаштириш сиёсати ва унинг оқибатлари.....	98
Ҳаётова Нафиса. Бухоро шаҳарсозлиги тараққиётида логистика хизматларининг аҳамияти.....	103
Ҳайитов Ш.А. Ўрта Осиёда миллий - худудий чегараланишлардан сўнг янгидан районлаштириш тадбирлари	106
Rajabov O.I. Buxoro vohasi aholisining xalqaro savdo-sotiqdagi aloqalari xususida	109
Миракбаров Мирҳомид. Мурунгов олтин конининг кўҳна Бухоро тарихида тутган ўрни.....	113
Ҳайитов Ж.Ш. Бухорода донли экин янги навларининг тарқалиши тарихини ўрганишда архив материаллари муҳим манба.....	115
Рашидов Шохжаҳон. Иккинчи жаҳон уруши йилларида Бухоро вилоятига раҳбарлик қилган таниқли арбоб	118
Қудратов Ш.Ё. Бухоро амирлигининг ғарб мамлакатлари билан савдо алоқалари.....	121
Хайдаров М.М. БХСР да марказ ваколатли ташкилотлари фаолиятига доир мулоҳазалар.....	126
Рахмонов Камол. XX асрнинг 20-йиллари ижтимоий муаммоларига доир айрим мулоҳазалар	132
To'rayeva Guli, Elmurodova Xursandoy. XVII-XIX asrlarda O`rta Osiyo masalasida ingliz-rus raqobati	134
Тураев Х. Бухара и сефевидский Иран: основные тенденции взаимоотношений	139
Ahmadov Humoyun. Choriqulboy hayotiga bir nazar	145
Mubinov Muhammadali. Buxoro amirligining o`z mustaqilligi uchun kurashlardagi diplomatiyasi.....	148
To'rayeva Guli. Turkiston to'plamining yaratilish tarixi	154
Zamonov A.T., Subhonov Farruhjon. Subxonqulixonning bir necha marta taxt vorisi tayinlashiga nima sabab bo'lgan edi?.....	158

3- ШЎЪБА. БУХОРО ТАРИХИ МАНБАШУНОСЛИГИ ВА ТАРИХШУНОСЛИГИ; БУХОРО ТАСАВВУФ ТАРИҚАТЛАРИ МАКТАБИ.....

Rajabov O.I. Buxorolik o`rta asr islomshunos olimlar.....	162
Равшанов Ўқтамали. Бухоро музейида сақланаётган қуръонлар коллекцияси.....	168
Чўтматов Жўрабек. Термиз ва Бухоро илмий алоқаларига доир.....	174

Рахманов Умиджон. Бухоронинг buyuk farzandi abdulxoliq g'ijduvoniyy va uning xo'jagon tariqatining paydo bo'lishi va tasavvufiy g'oyalari.....	177
Темирова Гулирухсор. Бухоро амирлигида ёзма ҳужжатларнинг шаклланиши. ҳукмдорлар ва давлат амалдорларининг кутубхона-архивлари ва уларнинг тадқиқ қилиниши.....	180
Утаева Ф.Х. Ўзбекистон илмий тарихий матбуотда Бухоро тарихи масалалари.....	186
Ғайбуллоева Моҳира. Тавсифи маъсалаҳои этники ва фарҳангии воҳаи бухоро дар таърихи Бухорои Наршаҳи	189
Олимов Қозимжон. “Shohnoma” ning sirli ahamiyati	194
Мирзаев Насриддин. Абу Абдуллоҳ Зоҳид Бухорийнинг “Маҳосин ал-ислом ва шароеъ ал-ислом” асари хусусида	196
Rajabova Dilnoza, Atoyev Muhammadjon. Sadri Ziyoning “Tazkori ash'or” asarida Buxoro amiri Sayyid Abdulahadxonga berilgan ta'rif.....	199
Ahmadov Ahmadjon. “Tuhfai ahli Buxoro” asarida Afg'oniston.....	201
Отабек Баҳриев. “Саҳиҳул Бухорий” асарининг тўлиқ номи	203
Sa'dullayeva Shahlo. “Lison ut-tayr” dostonida Naqshbandiya tariqati g'oyalari ning ifodalanishi.....	207
Абдукаримов Жамолиддин. Муҳаммад Ҳакимхоннинг “Мунтахаб ат-таворих” асарида Бухоро-афғон муносибатларига оид маълумотлар.....	210
Амонов М.У. Миён Фазл Аҳмад ва унинг “Рисолаи шариф” асари.....	214
Мирзаев Авазбек. «Бобурнома» асарида Бухоро тарихини ёритилиши ...	217

4-ШЎЪБА. “БУХОРИЙ”ЛАРНИНГ ИЛМИЙ, ТАРИХИЙ ВА АДАБИЙ МЕРОСИ, УЛАРНИНГ ЖАҲОН ИЛМ-ФАН ВА МАДАНИЯТИГА ҚЎШГАН ҲИССАСИ; БУХОРО ЖАДИДЛАРИНИНГ ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ ФАОЛИЯТИ ВА ИЛМИЙ (МАЪРИФАТПАРВАРЛАР, ТАРАҚҚИЙПАРВАРЛАР) МЕРОСИНИ ЎРГАНИШ..... 220

Аслонова А.А., Ахматов А. ЁШЛАРНИНГ КАМОЛ ТОПИШИДА МИЛЛИЙ МАКТАБЛАР МАСАЛАСИ.....	220
Санъатжон Ражабов. ПЎЛАТ СОЛИЕВ ТАДҚИҚОТЛАРИДА БУХОРО ТАРИХИ МАСАЛАЛАРИНИНГ ЁРИТИЛИШИ	222
Фаррух Темиров. САДРИДДИН АЙНИЙ ВА УНИНГ “ТАҲСИБ УС – СИБЁН” АСАРИ ҲАҚИДА.....	225
Темиров Ф.У. САДРИДДИН АЙНИЙНИНГ ТАЪЛИМ-ТАРБИЯ ТЎҒРИСДАГИ ҚАРАШЛАРИ МА ЖАДИД МАКТАБЛАРИДАГИ ФАОЛИЯТИ.....	231
Мирсоатова Сайёра, Масобирова Химоят. БУХОРО ВОҲАСИНИНГ ИБТИДОИЙ ТАРИХИНИ ЎРГАНИЛИШИДА ЯҲЁ ҒУЛОМОВНИНГ РОЛИ	236
Шоназаров Абдувоси. “САҲИҲУЛ БУХОРИЙ”НИНГ РОВИЙЛАРИДАН БИРИ.....	241

Янгибоева Дилноза. ШАРИФЖОН САДРИ ЗИЁНИНГ ҚОЗИЛИК ФАОЛИЯТИ.....	243
Хайтов Л.А. БАҲОУДДИН НАҚШБАНД ВА ҲАКИМ ТЕРМИЗИЙ	251
Рашидов Ойбек. ФИТРАТ ИЖОДИДА МИЛЛИЙ ВА ПРОЛЕТАРИАТ МАФКУРАСИ ЎРТАСИДА КУРАШ	255
Beshimov Maqsud. XX ASR BOSH LARI BUXORODAGI IJTIMOYIY- SIYOSIY VAZIYATNING TARIXIY ADABIYOTLARDA BAYONI	258
Tag‘oeva Dilnavoz. FITRATNING "RAHVARI NAJOT" ASARIDA MA'RIFIY VA MA'NAVIY G'UYALARINING AKS ETTIRILISHI.....	263
Жамолова Дилноза. ЖАМОЛИДДИН АФҒОНИЙ ҒОЯЛАРИНИНГ БУХОРОДАГИ ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ ЖАРАЁНЛАРГА ТАЪСИРИ ..	268
Жумаев Жонибек. ЖАДИД МУТАФАККИРИ САИДАҲМАД СИДДИҚИЙ – АЖЗИЙ ФАОЛИЯТИНИ ЁРИТУВЧИ МАНБАЛАР	272
Носиров Шерзод. САДРИДДИН АЙНИЙ –АҲМАД ДОНИШ ҲАҚИДА	275
Мамашикуров Бекназар. “БУХОРОЛИК ФАҚИҲЛАР ОИЛАСИ”	276
Қахрамон Ражабов. БУХОРОНИНГ АФАНДИСИ	279
Oripova Mavluda. “QUTBUL-AVLIYO-VALIYLAR YO'LBOSHCHISI” - ХОҲА МУНАММАД ОРИФ АР РЕВГАРИЙ	281

**5-ШЎБА. ЖАҲОН МАДАНИЙ МЕРОСИ ТАРКИБИДА
“БУХОРОДАГИ МУҚАДДАС ҚАДАМЖОЛАР, ЗИЁРАТҒОҲЛАР,
АЗИЗ АВЛИЁЛАР ЗИЁРАТ ТУРИЗМИ ОБЪЕКТИ” СИФАТИДА
ЎРГАНИЛИШИ.....**

285	
Boltayev V., Mayotov A. MADANIY MEROS OB'YEKTLARINI MUHOFAZA OLISHDA QONUN HujjATLARINING AHAMIYATI	285
Sharipova Yulduzxon. MAMLAKATIMIZ TURIZMINI RIVOJLANTIRISHDA BUXORO SAYYOHLIK OB'YEKTLARINING O'RNI	289
Муродов Ҳалим. БУХОРО ТУРИЗМИНИНГ РИВОЖЛАНИШИДА ИТАЛИЯНИНГ ИШТИРОКИ.....	292
Улжаев Умарали Қурбонович. ЎЗБЕКИСТОНДА ЗИЁРАТ ТУРИЗМИ ..	298

**6-ШЎБА. БУХОРО САНЪАТИ (МУСИҚА, МЕЪМОРЧИЛИК,
ҲУНАРМАНДЧИЛИК, МИННАТЮРА, ЗАРДУЗЛИК, В.Ҳ.) ВА
МАДАНИЯТИ ТАРИХИ**

303	
Соколова Л. УЗБЕКСКОМ ЯЗЫКЕ	303
Қораев Шерхон. АБДУЛЛАХОН АДАБИЙ КЕЧАЛАРИ.....	309
Садуллаева В. АМИР НАСРУЛЛОҲХОН ДАВРИДА МАДРАСА ТАЪЛИМИ ИСЛОҲИ: КУРАШЛАР ВА ЗИДДИЯТЛАР	312
Ҳомидов Абдурашул. ТАРИХ ДАРСИДА ЗАМОНАВИЙ ТАЪЛИМ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ АСОСИДА “1917-1924 ЙИЛЛАРДА БУХОРО” МАВЗУСИНИ ЎТИШ ЙЎЛЛАРИ.....	314
Амонова Феруза. БУХОРО АМИРЛИГИДА XIX АСР ИККИНЧИ ЯРМИДА ҲУНАРМАНДЧИЛИКНИНГ АҲВОЛИ	319

Казакова Фарид. “ХУСАЙНИЙ МАДРАСАСИ” (МУХАММАД ЮНУСБИЙ)	323
Бахром Солиев. САРДОБАЛАР - МОЗИЙ МЎЪЖИЗАСИ.....	328
Муродова Дилрабо. ИККИНЧИ ЖАҲОН УРУШИ ЙИЛЛАРИДА БУХОРО ВИЛОЯТИ ХАЛҚ МАОРИФИ ТИЗИМИ ФАОЛИЯТИ	332
Муродова Дилрабо, Мустафоева Меҳринигор. ИККИНЧИ ЖАҲОН УРУШИ ЙИЛЛАРИДА БУХОРОДАГИ МАКТАБГАЧА ТАЪЛИМ ТАШКИЛОТЛАРИ ФОЛИЯТИ ТАРИХИДАН	341
Бобожонова Феруза Хаятовна. БУХОРО АМИРЛИГИДАГИ МАДРАСАЛАРИ ТАРИХИДАН.....	344
Шокиров Мурод Рустамович. БУХОРОДА ТЕАТР САНЪАТИ ТАРАҚҚИЁТИ.....	349
Ҳалимов Талъат Тўраевич. БУХОРОНИНГ ҚАДИМГИ ҲАММОМЛАРИ	354
Жумаева Н.А., Муяссаров Ш. МУСУЛМОН РЕНЕССАНСИ – ШАРҚ ТАМАДДУНИ ЖАВОҲИРИ	359

7-ШЎЪБА. МУСТАҚИЛЛИК ЙИЛЛАРИДА ЎЗБЕКИСТОНДА ВА ХОРИЖДА БУХОРО ТАРИХИ МАСАЛАЛАРИНИНГ ЎРГАНИЛИШИ..... 364

Sabirov Nazir Najmiddinovich. ЗНАЧЕНИЯ ГОСУДАРСТВЕННОСТИ БУХАРЫ В ИСТОРИИ МИЛЛАТ ИЛДИЗИНИНГ ВАРДАВОМЛИГИ.....	364
Мадаминов Умрбек Собирович. УЗБЕКИСТАНА И ВО ВЗГЛЯДАХ НАШЕЙ МОЛОДЁЖИ	366
Mataxonova Nurazimxon Qodirxon qizi. YANGI O'ZBEKISTONNING TURIZM SOHASIDAGI XALQARO NAMKORLIGI (BUXORO VILOYATI MISOLIDA)	368
Сулаймон Иноятов. ФАЙЗУЛЛА ХОДЖАЕВ - ЖУРНАЛИСТ И ИСТОРИК.....	371
Алишер Исоқбоев. САДРИДДИН АЙНИЙНИНГ «БУХОРО ИНҚИЛОБИНИНГ ТАРИХИ» АСАРИДА БУХОРО АМИРЛИГИДАГИ ЖАДИДЧИЛИК ҲАРАКАТИ ВА ЯНГИ УСУЛ МАКТАБЛАРИ ШАКЛЛАНИШИДАГИ ҲАМКОРЛИК АЛОҚАЛАРИ МАСАЛАЛАРИ	381
Нуннанова Гулзода. АБДУХОЛИҚ ҒИЖДУВОНИЙ УСТОЗИ - ХОЖА АБУ ЯЪҚУБ ЮСУФ АЛ-ҲАМАДОНИЙ ҲАҚИДА.....	384
Нуннанова Гулзода. ЮСУФ ҲАМАДОНИЙ СЎФИЙЛИК МАКТАБИДА ЗИКР ТАЪЛИМИ	391
Мажидов Ж.Ж. XX АСРНИНГ 50-ЙИЛЛАРИДА БУХОРО ВИЛОЯТИДАГИ АВТОТРАНСПОРТ МУАММОЛАРИ.....	396

“Садриддин Салим Бухорий” МЧЖ босмахонасида чоп этилди.
Адади 100 нусха. Ҳажми 404 бет. Формат А5. Буюртма 194. 2021.



**BUXORO DAVLAT
UNIVERSITETI**